

Масжид ва хонадонларда ўқиладиган кундаликлар дарслар

Муаллиф: д. Рошид Ҳусайн ал-Абдулкарим
Ислом Нури таржимаси

- 001. Ихлос ва ният
- 002. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига эргашиш
- 003. Илмнинг фазли
- 004. Одамларга таълим бериш ва яхшиликга чақиришнинг фазли
- 005. Аллоҳ таолонинг номи ёдга олинмайдиган мажлислардан узоқ бўлиш
- 006. Вақтдан унумли фойдаланиш ва умрни ғафлатда бефойда ўтказмаслик
- 007. Тилнинг офати
- 008. Тилни сақлаш
- 009. Ошуро куни рўза тутишнинг фазилати
- 010. Нафл рўза тутишнинг фазилати
- 011. Тавба қилишнинг вожиблиги ва унинг фазли
- 012. Тавбанинг қабул бўлиш шартлари ва баъзи аҳкомлари
- 013. Тавба қилганларнинг қиссаларидан намуна
- 014. Иймон асослари
- 015. Тавҳиднинг фазли
- 016. Ширк
- 017. Риёнинг хатари
- 018. Тумор, кўзмунчоқ ва шунга ўхшаш нарсаларни осиш ҳукми
- 019. Фолбин, мунажжим ва коҳинларга боришнинг ҳаромлиги
- 020. Сехр ва ундан хазар қилиш
- 021. Қуръон ва саҳиҳ ҳадислардаги дуолардан бошқа нарсалар билан дам солиш
- 022. Аллоҳдан бошқасига қасам ичиш ҳаром
- 023. Шумланиш

- 024. Такдирга иймон келтириш
- 025. Аллоҳга таваккул қилиш
- 026. Салом бериш
- 027. Салом қандай берилади?
- 028. Салом бериш одоблари ҳақида
- 029. Кофирларга биринчи бўлиб салом беришнинг

ҳаромлиги

- 030. Салом бериш одобларидан (2)
- 031. Қўл бериб кўришишнинг мустаҳаблиги
- 032. Дуонинг фазли ва манзилати
- 033. Дуо одоблари
- 034. Гоибона дуо қилишнинг фазли
- 035. Дуо ижобат бўладиган вақтлар
- 036. Дуо қабул бўлишидан тўсадиган нарсалар
- 037. Таҳорат аҳкомлари (1)
- 038. Таҳорат аҳкомлари (2)
- 039. Таҳорат аҳкомлари (3)
- 040. Қоннинг ҳукми
- 041. Идишлар
- 042. Таҳоратга тегишли масалалар
- 043. Қазои ҳожат одоби (1)
- 044. Қазои ҳожат одоби (2)
- 045. Қазои ҳожат одоби (3)
- 046. Таҳоратнинг фазли
- 047. Таҳоратнинг сифати
- 048. Таҳоратнинг суннатлари
- 049. Таяммум
- 050. Таҳоратни синдирадиган нарсалар
- 051. Ғуслни вожиб қиладиган амаллар
- 052. Жунуб кишига тегишли масалалар
- 053. Ғуслнинг сифати ва суннатлари ҳақида
- 054. Маҳсига масҳ тортиш
- 055. Ҳайзга тегишли баъзи масалалар
- 056. Ҳайзга тегишли баъзи масалалар (2)
- 057. Фитрат суннатлари: Соқолни тўлиқ қўйиш

- 058. Фитратдаги суннат амаллар: Мўйловни олиш ва қисқартириш
- 059. Фитратдаги суннат амаллар: Хатна қилиш, авратдаги тукларни тозалаш, тирноқ олиш ва қўлтиқ тагидаги тукларни юлиш
- 060. Намознинг фазли
- 061. Намоз ўқимаганларнинг оқибати
- 062. Азоннинг фазли
- 063. Азон эшитганда нима дейди?
- 064. Масжидга бориш фазли
- 065. Намозхон уйдан чиққанида нима дейди?
- 066. Масжидга кирганда ва чиққанда айтиладиган дуолар
- 067. Масжид одоблари (1)
- 068. Масжид одоблари (2)
- 069. Жамоат намозининг вожиблиги
- 070. Жамоат намозининг фазли
- 071. Масжидга шошилмай, хотиржам боришнинг суннатлиги
- 072. Намозга эрта бориб, уни кутиб ўтиришнинг фазли
- 073. Таҳийятул масжид
- 074. Биринчи сафнинг фазилати
- 075. Сафларни текислашнинг вожиблиги
- 076. Жамоат билан масжидда ўқилган бомдод намозининг фазли
- 077. Аср намозининг фазли
- 078. Такбир айтилгандан кейин имом бирор ҳожат сабабли намозни кечиктириши жоизлиги
- 079. Намознинг сифати: Такбиратул-эхром
- 080. Ўнг қўлни чап қўл устига қўйиш
- 081. Намозни бошлашда ўқиладиган дуо
- 082. Намозда Фотиҳани ўқиш
- 083. Намоздаги қироат
- 084. Бомдод намозида қироатни узун қилиш
- 085. Пешин ва аср намозларидаги қироат
- 086. Рукуъ ва сажда

- 087. Рукуънинг зикр ва суннатлари
- 088. Рукуъдан бош кўтарганда нима қилади?
- 089. Рукуъдан тургандан кейин айтиладиган дуо ва зикрлар
- 090. Саждага такбир айтганда қўлларни кўтармаслик
- 091. Саждага тааллуқли ҳукмлар
- 092. Саждада айтиладиган дуо-зикрлар
- 093. Сажданинг фазилати
- 094. Икки сажда ўртасида хотиржам ўтиришнинг вожиблиги
- 095. Ташаҳхудга ўтириш
- 096. Ташаҳхудда ўқиладиган дуолар
- 097. Намозни салом билан тугатиш
- 098. Намоздан кейинги зикрлар
- 099. Намоз вақtlари
- 100. Шомни тезлатиш ва хуфтонни кечиктириш афзаллиги
- 101. Намоз ўқишдан қайтарилган вақtlар
- 102. Қазо бўлган намозларни ўқиш
- 103. Намоз ўқиш дуруст бўлмайдиган ўринлар
- 104. Нафл намозлар
- 105. Витр
- 106. Витрга тааллуқли ҳукмлар
- 107. Доим ўқиладиган суннат намозлар
- 108. Бомдод суннатининг фазилати ва агар фарздан аввал ўқилмаган бўлса, кейин ўқиб олишнинг жоизлиги
- 109. Бомдоднинг суннатига тааллуқли ҳукмлар
- 110. Тунги намоз – таҳажжуднинг фазилати
- 111. Тунги намоз – таҳажжуднинг сифати
- 112. Нафл намозларга тааллуқли ҳукмлар
- 113. Жумъа кунининг фазилатлари, суннат ва одоблари
- 114. Жумъа намозига эрта боришнинг фазли ва Жумъа намозига бормаганларнинг оқибати
- 115. Жумъа намози учун ғусл қилиш ва хушбўйланиш
- 116. Жумъа кунининг баъзи суннат ва одоблари
- 117. Мусофир кишининг намози
- 118. Сафарда намозларни жамлаб ўқиш
- 119. Ийд намози

- 120. Кусуф (кун ва ой тутилиш) намози
- 121. Жума хутбасида ёмғир тилаб дуо қилиш
- 122. Истикфо намози
- 123. Ёмғирга тааллуқли аҳкомлар
- 124. Истихора намози
- 125. Шариатимиз қайтарган баъзи ишлар
- 126. Болалар тарбиясига оид пайғамбарлик йўлланмалари
- 127. Болалар тарбияси (1)
- 128. Болалар тарбияси (2)
- 129. Болалар тарбияси (3)
- 130. Болалар тарбияси (4)
- 131. Қиз болаларга яхши муомала қилиш ва уларни чиройли тарбия қилишнинг фазилати
- 132. Етимларни кафолатга олиш ва уларга меҳрибонлик қилиш фазли
- 133. Етимларнинг молларини еювчилар ҳақида
- 134. Сафар одоблари ва суннатлари (1)
- 135. Сафар одоблари ва суннатлари (2)
- 136. Сафар одоблари ва суннатлари (3)
- 137. Кофирларга ўзини ўхшатиш
- 138. Киши ўзи яхши кўргани билан бирга бўлади
- 139. Сураткашлик ва суратнинг ҳукми
- 140. Ит сақлаш ҳақида
- 141. Ухлаш суннатлари ва одоблари
- 142. Солиҳ-яхши тушнинг фазилати ва ёлғондан туш кўрдим дейишнинг ёмон оқибатлари
- 143. Туш борасидаги одоб ва суннатлар
- 144. Аллоҳ учун яхши кўришнинг фазли
- 145. Аллоҳ учун зиёрат қилишнинг фазли
- 146. Чақирилган жойга бориш
- 147. Киришга изн сўраш одоби
- 148. Мажлис ва ўтиришлар одоби (1)
- 149. Мажлис ва ўтириш одобларидан (2)
- 150. Мажлис ва ўтириш одобларидан (3)

- 151. Шайтон мусулмонлар ўртасига соладиган фитналардан огоҳ бўлиш лозимлиги
- 152. Сабрнинг фазилати ва сабрга ундов
- 153. Касалликлар ва уларнинг гуноҳларга каффорат бўлиши ҳақида
- 154. Хиёнатнинг ҳаромлиги ва ундан огоҳлантириш
- 155. Алдоқчиликдан огоҳлантириш
- 156. Аллоҳдан кўрқишнинг фазилати
- 157. Мисвок тутишнинг фазли ва унга буюриш
- 158. Мунофиқларнинг аломатларидан
- 159. Дўст ва улфатлар ҳақида
- 160. Ғазабдан қайтариш ва ғазаб пайтида нима дейиш ва қилиш кераклиги ҳақида
- 161. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳалимликлари ва хусни хулқлари ҳақида
- 162. Касални бориб кўриш ҳақида
- 163. Ўнг томондан бошлашнинг суннатлиги ҳақида
- 164. Мақбараларни зиёрат қилиш ҳақида
- 165. Кишининг ўз уйидаги ҳолати ва оила аъзоларига бўлган муносабати ҳақида
- 166. Гуноҳ бўлмаган ишларда ҳокимларга итоат қилишнинг вожиблиги
- 167. Мусулмон раҳбарга қарши чиқиш ман қилингани ҳақида
- 168. Йўлнинг ҳаққи
- 169. Қасамнинг каффорати ҳақида
- 170. Хамр (маст қилувчи ичимлик) ичиш ҳаромлиги ҳақида
- 171. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мўъжизаларидан
- 172. Машҳурлик ва амалдорликдан узоқ бўлишнинг фазли
- 173. Яхшиларга озор беришдан огоҳлантириш
- 174. Аллоҳга тоат қилиш кўнгилнинг ёзилишига ва кайфиятнинг яхшиланишига сабабдир
- 175. Амри маъруф ва наҳий мункарни тарк қилишнинг зарари

- 176. Амри маъруф ва наҳий мункар одобларидан
- 177. Мусулмонларнинг камчиликларини яшириш ва уларнинг айбларини қидириб юрмасликка тарғиб
- 178. Талашиб-тортишиш ва жанжаллашишдан огоҳлантирув
- 179. Ёлғон гапиришнинг ҳаромлиги ва ундан огоҳлантириш
- 180. Аллоҳ ва Расули номидан ёлғон сўзлашнинг ҳаромлиги ва ундан огоҳлантириш
- 181. Бепарволик билан айтиб қўйиладиган баъзи ёлғонлар ҳақида
- 182. Жоиз саналадиган ёлғонлар
- 183. Экин-тикин ва боғ-роғ қилишнинг фазилати
- 184. Савдо-сотикқа оид баъзи ҳукмлар
- 185. Гўзал хулқли бўлиш ҳақида
- 186. Ҳаё ва ҳаёли бўлиш ҳақида
- 187. Мулойим ва меҳр-шафқатли бўлиш
- 188. Табассум қилиш ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бу хусусдаги одатлари ҳақида
- 189. Кўп кулишдан қайтарганликлари
- 190. Меҳр-мурувватли бўлиш ҳақида
- 191. Ёлғон қасам ичишнинг ёмонлиги
- 192. Ёлғон гувоҳлик беришнинг ёмонлиги
- 193. Ғийбатнинг ёмонлиги ва мусулмонларнинг обрўларини ҳимоя қилишнинг фазли ҳақида
- 194. Чақимчиликнинг ҳаромлиги ва ундан огоҳлантиришлар
- 195. Лаънатлашдан огоҳлантириш
- 196. Шеър ҳақида
- 197. Тақиқланган сўзлар ҳақида
- 198. Зулмнинг ҳаромлиги ҳақида
- 199. Зулмнинг оқибати ҳақида
- 200. Мусулмон кишининг қонини тўкиш ҳаромлиги ҳақида
- 201. Жиходнинг фазилатлари ҳақида
- 202. Шаҳид ва мужоҳидга бериладиган ажрлар
- 203. Саҳобаларнинг жиходга бўлган рағбатлари
- 204. Акса уриш (чучкуриш) одоблари
- 205. Эснаш одоби

- 206. Овқатланиш одоблари: Бисмиллаҳ билан бошлаш
- 207. Овқатланиш одоблари: Ўнг қўл билан ейиш
- 208. Овқатланиш одоблари: Ўз олдидан ейиш ва Ҳамд айтиш
- 209. Овқатланиш одоблари: Қўлни ва идишни ялаб қўйиш
- 210. Ичимлик ичиш одоблари (1)
- 211. Ичимлик ичиш одоблари (2)
- 212. Ичимлик ичиш одоблари (3)
- 213. Ичимлик ичиш одоблари (4)
- 214. Кибр билан кийимни тўпикдан пастга туширишдан огоҳлантириш
- 215. Кийимни тўпикдан пастга туширишнинг ҳаромлиги
- 216. Аёлларнинг кийими ҳақида
- 217. Эркакларнинг аёлларга ўхшашга, аёлларнинг эркакларга ўхшашга уринишининг ҳаромлиги ҳақида
- 218. Ота-онага яхшилик қилиш ҳақида
- 219. Силаи раҳм (қариндошлар билан алоқа қилиш) ҳақида
- 220. Қўшинининг ҳаққи ҳақида
- 221. Кибрнинг ҳаромлиги ва ундан огоҳлантириш
- 222. Тавозели ва камтар бўлишнинг фазли
- 223. Мусулмонларнинг ҳожатларини раво қилишнинг фазли
- 224. Бидъатлардан огоҳлантириш ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишнинг вожиблиги
- 225. Эрнинг аёли устидаги ҳақлари
- 226. Аёлнинг эри устидаги ҳақлари
- 227. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтишнинг фазли ҳақида
- 228. Аллоҳ азза ва жаллани зикр қилишнинг фазли
- 229. Зикрнинг фазли ҳақида
- 230. Эрталабки ва кечки зикрлар
- 231. Тасбеҳ айтишнинг фазли
- 232. Камбағал-ночор кишидан қарзни қистамаслик, унга фурсат беришнинг фазли
- 233. Рибо-судхўрлик ва ундан огоҳлантириш

- 234. Аллоҳнинг неъматига кофир – нонкўр бўлишдан сақланиш вожиблиги ҳақида
- 235. Яйловдаги қўйларнинг закоти
- 236. Туянинг закоти
- 237. Закот бермасликнинг гуноҳи
- 238. Рамазон рўзасининг фазли ҳақида
- 239. Рамазонга рўза тутган ҳолда кириб келишдан қайтариқ ва ҳилолни кўрганда айтиладиган дуо
- 240. Рамазонда умра қилишнинг фазли
- 241. Ихтиёрий-нафл рўза тутиш
- 242. Нафл рўзага оид айрим ҳукмлар
- 243. Қуръон ўқишнинг фазли
- 244. Бақара ва Оли Имрон сураларининг фазли
- 245. Заиф ва мазлумларга ёрдам беришга чорлов
- 246. Аллоҳ йўлида садақа ва инфоқ-эҳсон қилишнинг фазли
- 247. Садақанинг фазли (1)
- 248. Садақанинг фазли (2)
- 249. Энг яхши садақа
- 250. Яширинча садақа қилишнинг фазли
- 251. Манфаат учун садақани ошкор қилишнинг машруълиги
- 252. Сўранишдан (тиланишдан) қайтариш, сўровсиз ва саховат билан берилган нарсани олиш жоизлиги
- 253. Айрим тақиқланган сўзлар ҳақида
- 254. Шамолни сўкиш мумкин эмаслиги ва шамол эсган пайтда айтиладиган сўзлар ҳақида
- 255. Мўмин Парвардигорига йўлиқишидан хурсанд бўлиши ҳақида
- 256. Ўлимни эслаш, бироқ уни орзу қилмаслик ҳақида
- 257. Жон чиқар пайтидаги аҳкомлар ҳақида
- 258. Амаллар хотималарга қараб ўлчанади
- 259. Жаноза намози ҳақидаги баъзи ҳукмлар (1)
- 260. Жаноза намози ҳақидаги баъзи ҳукмлар (2)
- 261. Жаноза намозида ўқиладиган нарсалар ҳақида
- 262. Жанозага оид баъзи аҳкомлар
- 263. Маййитни дафн қилишга оид айрим ҳукмлар

- 264. Сабрга тарғиб, мусибат пайтида айтиладиган сўзлар
- 265. Васият ва унинг ҳукмлари ҳақида
- 266. Меросга доир айрим ҳукмлар
- 267. Маййитга дод-фарёд қилмай, жазавага тушмай йиғлашнинг жоизлиги
- 268. Фарзандлар ўлимига сабр қилишнинг фазли
- 269. Маййитга жаноза намози ўқиш ва тобут кетидан эргашишнинг фазилати, бунга доир айрим ҳукмлар
- 270. Маййитга қабрида содир бўладиган ҳолатлар ҳақида
- 271. Қабрни текислашга буюрилганлик ҳақида
- 272. Ал-Масжидул-Ҳаром ва Мадинадаги Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидларининг фазли
- 273. Маккага тааллуқли айрим ҳукмлар
- 274. Турмуш қуришга тарғиб
- 275. Қизни ўзи истамаган кишига турмушга беришга мажбурлашнинг ҳаромлиги
- 276. Никоҳга оид айрим ҳукмлар
- 277. Бирдамликка буйруқ ва бўлинишдан қайтариқлар
- 278. Бу умматнинг ихтилофи ва бир-бири билан жанг қилиши
- 279. Залолат йўлларининг кўплиги ва улардан огоҳлантириш
- 280. Фитналардан огоҳлантириш ва улардан узоқ бўлишга буйруқлар
- 281. Мусулмоннинг фитнага нисбатан тутган ўрни
- 282. Аёллар фитнасидан эҳтиёт бўлишга чорлов
- 283. Ҳасаддан қайтариш
- 284. Омонатга хиёнат қилмаслик ва уни адо этишга буйруқлар
- 285. Аллоҳ Ўз соясида соялантирадиган етти киши ҳақида
- 286. Мусулмоннинг мусулмон устидаги ҳақлари
- 287. Аллоҳга даъват қилишнинг фазли
- 288. Яҳуд ва насороларни Арабистон оролидан чиқариб юборишга буюрганлари ҳақида
- 289. Отишни ўрганишга буйруқ
- 290. Бировни ошириб мақташдан қайтариқлар

- 291. Қиёмат аломатларидан: Дажжол
- 292. Дажжол фитнасидан сақланиш йўллари
- 293. Ҳайвонларни тириклай нишон қилишдан қайтариш
- 294. Қуръон ўрганишнинг фазли
- 295. Қуръон тиловат қилишнинг фазли
- 296. Фотиҳа сурасининг фазли
- 297. Ихлос сураси ва оятул-курсийнинг фазли
- 298. Куй-қўшиқларнинг ҳаромлиги
- 299. Ҳажнинг фарзлиги
- 300. Зул-ҳижжанинг ўн куни фазилатлари ва унга доир

баъзи ҳукмлар

- 301. Ҳажга доир айрим ҳукмлар
- 302. Ҳажнинг фазли
- 303. Умранинг фазли
- 304. Мийқотлар (ҳажга эҳром боғланадиган ўринлар)
- 305. Ийд намози ҳақида
- 306. Ийд куни одобларидан
- 307. Қурбонлик ҳақида
- 308. Арафа куни ҳақида
- 309. Жонлик сўйиш, унинг шартлари ва одоблари
- 310. Таҳлил айтишнинг фазли
- 311. Шаръий зикрлардан намуналар
- 312. Яхшилик йўлларининг кўп ва турли-туман экани
- 313. Қиёмат кунидаги даҳшатларнинг қаттиқлиги
- 314. Дўзах ва унинг катталиги ҳақида
- 315. Дўзах ва унинг ҳароратининг кучлилиги ҳақида
- 316. Дўзах аҳлининг белгилари
- 317. Тавҳид аҳли ичидан дўзахга биринчи тушадиган киши
- 318. Жаннат ва ундаги неъматлар васфи (1)
- 319. Жаннат ва ундаги неъматлар васфи (2)
- 320. Жаннатнинг энг пастки даражаси
- 321. Аллоҳ азза ва жалланинг жамолига боқиш
- 322. Қиёмат кунидаги қасослар ҳақида
- 323. Қиёмат кунидаги ҳисоб-китоб кўринишларидан
- 324. Жаннат аҳлининг белгилари

- 325. Жаннат аҳлининг жаннатдаги сифатлари
- 326. Аллоҳнинг раҳмати кенг ва бепоён экани ҳақида
- 327. Тақвонинг фазли ва тақволи бўлишга буйруқлар
- 328. Аллоҳни ёдда тутинг, У сизни ёдда тутди
- 329. Яхшиликни дилига туккан ва қасд қилган кишига ҳам савоб ёзилиши
- 330. Аллоҳ таборака ва таолонинг буюклиги ва мулкининг бепоёнлиги

1/ Ихлос ва ният

Аллоҳ таоло Ҳуд сурасининг 15 ва 16- оятларида шундай дейди: **"Ким (фақат) шу ҳаёти дунёни ва унинг зебу зийнатларини истайдиган бўлса, уларга қилган амалларини(нг ажр-мукофотини) шу дунёда комил қилиб берурмиз ва улар бу дунёда зиён кўрмайдилар. 16. Ундай кимсалар учун охиратда дўзах ўтидан ўзга ҳеч қандай насиба йўқдир. Уларнинг бу дунёда қилган барча яхшиликлари беҳуда кетур ва қилиб ўтган амаллари бефойдадир."**

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ривоят қилган, муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Албатта амаллар ниятга қараб бўлади ва ҳар бир киши нимани ният қилса шуни олади. Ким Аллоҳ ва Расули учун ҳижрат қилса унинг ҳижрати Аллоҳ ва Расули учундир. Кимнинг ҳижрати дунё учун бўлса, дунёдан улушини олади ёки аёл киши учун бўлса, унга

уйланади. Ким қандай ният билан ҳижрат қилса, унинг ҳижрати ниятига яраша бўлади.", деганларини эшитдим дейди.

Имом Муслим ва Термизий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «"Қиёмат куни одамлар ичида энг аввал ҳукм қилинадиган кишиларнинг биринчиси шаҳид бўлган киши бўлади. Уни олиб келинади ва Аллоҳ унга ўз неъматларини эслатади, у уларни тан олади. Сўнг Аллоҳ: "Уларнинг шукронасига нима амал қилдинг?"-деб сўрайди. У банда : "То шаҳид бўлгунимга қадар Сен учун жанг қилдим,"- деб жавоб беради. Шунда Аллоҳ: "Ёлғон айтаяпсан, зеро сен одамлар сени жасур-қўрқмас дейишлари учун урушдинг ва дарҳақиқат, шундай дейилди," - дейди. Сўнг буйруқ берилади, уни юзтубан ерга судраб олиб кетилади ва дўзахга ташланади.

Кейин илм ўрганган ва уни ўргатган, ҳамда Қуръон ўқиган кишини олиб келинади. Аллоҳ унга ҳам ўз неъматларини эслатади. У банда уларни тан олади. Сўнг Аллоҳ:

— Буларнинг шукронасига нима амал қилдинг? - деб сўрайди.

Банда:

— Илм ўргандим, уни бошқаларга ўргатдим ва Сен учун Қуръон ўқидим, деб жавоб беради.

— Ёлғон гапирдинг, сен илмни “олим” дейилиши учун ўргандинг, Қуръонни эса “қори” дейилиши учун ўқидинг,

дарҳақиқат, шундай дейилди,- дейди Аллоҳ. Сўнгра буйруқ берилади, уни юзтубан ерга судраб, олиб кетилади ва дўзахга ташланади.

Кейин Аллоҳ унга ризқни кенг қилиб берган, бойликнинг ҳамма туридан инъом қилган кишини олиб келинади. Аллоҳ унга Ўз неъматларини танитади. У уларни тан олади. Сўнг Аллоҳ:

— Буларни шукронасига сен нима амал қилдинг? – деб сўрайди.

— Сен хуш кўрган бирон йўлни қолдирмай, ҳаммасида Сен учун сарф қилдим, -дейди.

— Ёлғон сўзладинг, зеро, сен бу ишларни “сахий” дейилиши учун қилдинг, дарҳақиқат шундай дейилди,- дейди Аллоҳ.

Сўнгра буйруқ берилади, уни юзтубан ерга судраб, олиб кетилади ва дўзахга ташланади.

Шарх:

Дарҳақиқат, ният амалнинг асосидирки, ҳар бир яхши амал унинг устига барпо бўлади. Одам алайхис саломдан тортиб, то қиёматгача келадиган барча одамзод сўз ва амалда ихлос қилишга буюрилган. Ким ихлосни маҳкам ушласа – нажот топади. Ким уни зое қилса ҳалокатга юз тутди. Зеро амалнинг қабул бўлиши ёки бўлмаслиги, унга мукофот ёки жазо берилиши ўша амалда ихлоснинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги эътибори билан бўлади.

Демак, бир амалнинг бошқа амалдан афзаллиги унинг катта ёки кичиклигига қараб эмас, балки шу амал соҳибининг қалбида

сақладиган иймон ихлоснинг қай даражада эканига қараб белгиланар экан. Зеро амал суратдир, ихлос эса унинг руҳидир. Шайх Дувайш айтадилар: “Агар амалларда ихлос қилмасанг, ўзингни чарчатиб ўтирма. Ихлос дарахтининг илдизи мустаҳкамдир, риё дарахтининг илдизи эса қўпориб ташлангандир”. Дарҳақиқат агар дарахтнинг илдизи мустаҳкам бўлса, унинг танаси қанчалик кесилиб-қирқилиб ташланмасин, барибир ўсишда, ривожланишда давом этаверади, аммо унинг илдизи қўпориб ташланган бўлса, унинг тезда қуришини кутавер. Аллоҳ таоло ҳаммамизни сўз ва амалда ихлос қилишимизга муваффақ қилсин.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1- Қилинаётган амал қабул бўлиши учун икки шарт топилиши керак. Улар ихлос ва амалнинг суннатга мувофиқ бўлиши.

2- Ихлос ҳар бир амалда буюк аҳамиятга эга, чунки ихлоссиз амал эгасига бало бўлади.

3- Амалнинг зоҳири чиройли бўлмоғи унинг қабул бўлишига кифоя қилмайди, ҳудди амалда ихлос топилиб суннатга мувофиқ бўлмаганига ўхшаш. Демак, ҳар бир амалда ихлос ва суннатга мувофиқлик топилиши шарт.

4- Ҳар амал олдида ниятни тўғирлаш ва суннатга мувофиқми ёки мувофиқ эмаслигини текшириш вожибдир.

2/ Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига эргашиш ва У зотнинг сўзи турганда бошқаларнинг гапини олмаслик

Аллоҳ таоло Нисо сурасининг 65- оятида шундай дейди: "Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича-бўйсунмагунларича зинҳор мўъмин бўла олмайдилар"

"Аллоҳ ва унинг Пайғамбари бир ишни ҳукм қилган-буюрган вақтида бирон мўъмин ва мўъмина учун (Аллоҳнинг ҳукмини қўйиб) ўзлари хоҳлаган ишларини ихтиёр қилишлари жоиз эмасдир. Ким Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига осий бўлса, бас, у очик йўлдан озиш билан йўлдан озибди." Ахзоб: 36

Нур сурасининг 51 ва 63- оятларида эса шундай дейди: 51. "Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига ўрталарида ҳукм чиқариш учун чорланган вақтларида мўъминларнинг сўзи "эшитдик ва бўйсундик", демокдир. Ана ўшаларгина нажот топгучилардир".

63."(Пайғамбарнинг) амрига хилоф иш қиладиган кимсалар ўзларига бирон фитна-кулфат етиб қолишдан ёки аламли азоб етиб қолишидан ҳазир бўлсинлар".

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам», дедилар.:

— Жаннатга Умматимдан бош тортмаганларидан бошқа ҳаммалари киради», дедилар. –Саҳобалар ажабланишиб:

— Ё Расулаллоҳ, ким ҳам бош тортарди?! деб сўрашди.

— Ким менга итоат қилса жаннатга киради, ким менга осий бўлса, (жаннатга киришдан) бош тортибди», дедилар.

Шарх:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга итоат қилиш, эргашиш У кишининг гапларини олиб бошқаларнинг гапларини кўйишлик динимиз барпо бўлган иккинчи устундир. Яъни, “Муҳаммад-ур-расулуллоҳ” деб берган шаҳодатимизнинг маъноси ва амаллар қабул бўлишининг иккинчи шартидир.

Динимиз икки устун узра барпо бўлган; Аллоҳ таолонинг ўзигагина ибодат қилиш ва ҳамма амалларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига мувофиқ қилиш. Дунё ва охират саодати, фитналардан саломат қолиш ва жаннатга киришнинг ягона йўли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишдир. Қаранг, имоми Абу Ҳанифа – Нўъмон ибн Собит – роҳматуллоҳи алайҳ бу бобда нима деганлар: "Агар қайси бир ҳадис саҳиҳ (у кишининг назарида заиф бўлгану кейинчалик унинг саҳиҳлиги аниқ) бўлса у менинг мазҳабимдир". Яъни Пайғамбар алайҳис саломга тўлиқ эргашиш менинг мазҳабим

демоқчилар. Бу ривоятни Ибни Обидийн “Хошияда” нақл қилган. Ал-Фалланий “Ал-Ийқоз” китобида у кишидан нақл қилган ривоятда: "Агар гапим Қуръон ва ҳадисга хилоф бўлса гапимни деворга уриб Қуръон ва ҳадисни олинглар",- деганлар. Имомдан бундай таълим-тарбияни олган шогирдлари Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳ Мадинага сафар қилиб, Мадинада Имом Молик билан учрашиб илмий мунозаралар олиб боради. Мунозаралар мобайнида ўзининг саҳиҳ ҳадисларга хилоф бўлган бир нечта фатволари борлигини билиб дарҳол фатволаридан қайтади. Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг суннатга бунчалик қаттиқ туриб амал қилиши ҳозиргача илмий китоб ва мажлисларда тасаннолар билан зикр қилинади. Улар ҳақида бундай ривоятлар жуда кўп. Қаранг бизнинг имомларимиз Умматга ўрнак бўлиш учун суннатни қандай маҳкам ушлаганлар. Улар суннатни шундай маҳкам ушлаганларидан кейингина имомлик даражасига етганлар. Аллоҳ таоло ҳаммамизни Қуръон ва Суннатга амал қилишга муваффақ қилсин.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Қилинаётган амал қабул бўлиши учун икки асосий шарт топилиши керак. Улар: Ихлос ва Суннатга мувофиқ бўлишдир.

2- Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга итоат қилишнинг яна бир маъноси У кишининг каломини - ким бўлишидан қатъий назар - ҳар қандай одамнинг гапидан устун қўйиш демакдир.

3- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга итоат қилиш жаннатга киришга сабаб бўлади.

4- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга осий бўлиш, амрига хилоф чиқиш дунёда фитнага ва амалларнинг ҳабата бўлишига, охиратда эса жаҳаннамга киришга сабаб бўлади.

3/ Илмнинг фазли

Аллоҳ таоло Зумар сурасининг 9-оятида шундай дейди: **«Айтинг биладиган зотлар билан билмайдиган зотлар баробар бўладими?»**

Мужодала сурасининг 11- оятида эса **«Аллоҳ таоло сизлардан иймон келтирган ва илм ато этган зотларни (баланд) даража-мартабаларга кўтарур»** дейди.

Тоҳа сурасининг 114- оятида эса **«Роббим илмимни зиёда қилдеб айтинг»** дейди.

Муовия розияллоҳу анҳу ривоят қилган, муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«"Аллоҳ таоло кимга яхшиликни хоҳласа уни динда фақиҳ-олим қилиб қўяди",»**, дедилар.

Имом Абу Довуд (3641) ва Термизий (2682) Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: **«"Ким илм талаб қилиб, йўл юрса, Аллоҳ таоло унга жаннатга борадиган йўлини енгил қилиб қўяди. Фаришталар толиби илмнинг қилаётган амалидан рози бўлиб, қанотларини қўйиб туришади. Олим кишига ҳамма нарса, ҳаттоки сувдаги балиқлар ҳам истиффор айтиб туради. Олим кишининг обид — яъни илми йўғу, лекин доимий ибодатдаги — одамдан фазли, Ойнинг бошқа юлдузлардан ортиқлигига ўхшайди.**

Албатта олимлар пайғамбарларнинг меросхўридир, пайғамбарлар дийнор, дирҳамларни мерос қилиб ташлаб кетмаган, балки илмни колдирганлар, кимики уни олган бўлса насибасини тўлиқ олибди".

Имом Муслим (1631) Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «"Агар инсон боласи ўлса унинг учта амалидан бошқа ҳамма амали тўхтайди. Улар: садақаи жория, фойдаланиб турилган илм ва унга дуъо қиладиган солиҳ фарзанд. -», дедилар.

Шарх:

Ислом дини илм-маърифат, тараққиёт ва инсонларни илм билан зулумотдан нурга олиб чиқувчи диндир. Чунки бу дин чексиз илмли бўлган Аллоҳ таоло томонидан ваҳий қилингандир. Шунга кўра динимизда шаръий илмнинг манзилати жуда улуғдир. Аллоҳ таоло бандаларини шаръий илмларни ўрганишга буюрганидек дунёвий илмларни ҳам таълим олишга тарғиб қилди ва шаръий илм эгасини бошқалардан афзалроқ қилди. Илм талаб қилиш ибодатларнинг энг афзалларидан бўлиб, жаннатга кириш сабабларининг энг катталаридан ҳисобланади. Чунки инсон илм билан Аллоҳни, Унинг буйруқларини, қайтарган нарсаларини ва диннинг асосларини ўрганиб боради. Шунинг учун ҳам уламолар пайғамбарларнинг меросхўрларидир. Пайғамбарлар инсонларга шаръий илмни мерос қилиб ташлаб кетдилар. Ким илм талаб қилиб, илмига амал қилса, у албатта уларга меросхўр бўлади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Динимизда илм ва олимларнинг фазли улугдир, чунки улар пайғамбарларнинг меросхўларидир.
- 2- Бирон кишининг динда фақиҳ бўлиши Аллоҳ таолонинг унга яхшиликни ирода қилганлик аломатидир.
- 3- Шаръий илмни талаб қилиш ва унга амал қилиш жаннатга киришга сабаб бўлади.
- 4- Инсоннинг энг яхши мерос қилиб ташлаб кетадиган ҳазинаси фойдали илмдир, чунки унинг савоби ўлимидан кейин ҳам давом этиб туради.

4 - дарс Одамларга таълим бериш ва яхшиликка чақиришнинг фазли

Аллоҳ таоло Жума сурасининг 2- оятида шундай дейди: «**У** (Аллоҳ) **омийлар** (яъни аҳли китоб бўлмаган илмсиз кишилар) **орасига ўзларида бўлган, уларга (Қуръон) оятларини тиловат қиладиган, уларни (ширк ва жаҳолатдан) поклайдиган ҳамда уларга Китоб — Қуръон ва ҳикмат — ҳадисни ўргатадиган бир пайғамбарни** (яъни Муҳаммад алайҳис-саломни) **юборган зотдир.**» дейди.

Оли-Имрон сурасининг 110-оятида эса: «(Эй уммати Муҳаммад алайҳис салом), **одамлар учун чиқарилган миллатнинг энг яхшиси бўлдингиз. Зеро яхши амалларга буюрасиз ва ёмон амаллардан қайтарасизлар**», дейди.

Имом Муслим Абу Масъуд Уқба ибн Омир ал-Ансорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «"Ким бирон яхшиликка бирор кишини йўллаб қўйса, у кишига шу — яхшиликни қилган — кишичалик савоб ёзилади.

Имом Муслим ривоят қилган бошқа ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким одамларни яхшиликка чақирса, бу кишига ҳам шу яхшиликни қилган одамларнинг ажричалик — уларнинг бирон ажри ноқис

бўлмасдан — ажр ёзилади. Ким одамларни залолат-ёмонликка чақирса, бу кишига ҳам шу ёмонликни қилган одамлар қатори — уларнинг бирон гуноҳи ноқис бўлмасдан тўлиқ — гуноҳ ёзилади», дедилар.

Имом Термизий Абу Умома ал-Баҳалий розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Албатта Аллоҳ таоло, Фаришталар, Еру-осмон аҳли ва ҳаттоки чумолилар уясида туриб одамларга яхшиликни ўргатувчи кишига дуо-истиғфор айтиб туришади.

Шарҳ:

Аллоҳ таоло пайғамбарларни жўнатишидан мақсад инсонларга динларидаги амалларни ўргатиш ва хайрли амалларга чақиришдир, шунинг учун ҳам бу амал улуғ вазифа ҳисобланади. Кимни Аллоҳ таоло инсонларга дин ишларидан таълим беришга ва яхшиликка йўллашга муваффақ қилиб қўйса дарҳақиқат пайғамбарларга меросхўр бўлибди, чунки бу амал сабабли илм тарқалади, ер юзида амру маъруф, наҳий мункар бўлиб, одамлар устига Аллоҳ таолонинг ҳужжати барпо бўлади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Одамларга хайрли амаллардан таълим бериш пайғамбарларнинг амалидандир.

2- Одамларга дин ишларидан таълим беришнинг фазли улуг, чунки бундай кишилар одамларнинг қилган амалларининг савобида шерик бўладилар.

3- Одамларга яхшилик ўргатувчи кишининг ажри беҳисоб бўлади, чунки бундай кишини Аллоҳ таоло мақтаган ва Еру-осмон аҳли унинг ҳақкига дуо-истиғфор айтиб туради.

4- Одамларни Аллоҳга чақириш, амру-маъруф ва наҳий-мункар қилишнинг фазли буюк, бунга Оли Имрон сурасидан келтирилган оят далолат қилмоқда.

5 - дарс Аллоҳ таолонинг номи ёдга олинмайдиган

мажлислардан узоқ бўлиш

Аллоҳ таоло Қоф сурасининг 18-оятида шундай дейди: **«У бирон сўзни талаффуз қилса унинг олдида ҳозир нозир бўлган бир кузатувчи (фаришта у сўзни ёзиб олувчи)».**

Имом Абу Довуд Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Ким бирон мажлисга ўтирса ва – шу ўтирган ўрнида – Аллоҳни зикр қилмаса унга Аллоҳдан “тира” – яъни ноқислик ёки қасос бўлади. Ким бирон ўринга ёнбошласа-ю, Аллоҳ таолони ёдга олмаса унга Аллоҳ таолодан “тира” – яъни ноқислик ёки қасос бўлади».

Имом Термизий Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қайси қавм бирон мажлисда ўтирсалару – мажлисларида – Аллоҳ таолони ёдга олмасалар, Пайғамбарларига салавот айтмасалар уларга Аллоҳдан “тира” яъни, қасос бўлади. Хоҳласа уларни азоблайди ва хоҳласа уларни кечиради», дедилар.

Имом Термизий Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Аллоҳнинг зикри бўлмаган гапларни кўпайтирманглар, чунки Аллоҳнинг зикри бўлмаган гапларни кўпайтириш қалбни

қорайтиради. Одамларнинг Аллоҳ таолодан энг узоқ бўлгани қалби қорайган кишидир».

Шарҳ:

Одамлар жамланадиган ва суҳбат қурадиган мажлисларнинг бўлиши табиий. Бундай мажлисларнинг энг яхшиси Аллоҳнинг номи ёдга олинадиган, оят ва ҳадис ўқилиб, дарс қилинадиган мажлисдир. Аммо Аллоҳнинг номи зикр қилинмайдиган ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтилмайдиган мажлислар қораланган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг ёмон оқибатидан огоҳлантирган мажлисдир. Расулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам бундай мажлис эгаларининг ажрлари Қиёматда ноқис бўлиши ёки уларда Аллоҳнинг қасоси бўлиши ҳақида хабар бердилар. Бундай мажлисларда вақтлар бефойда ўтказилади, қалблар эса мавъизаларга эримайдиган, эслатмаларни қабул қилмайдиган қаттиқ қаро қалбга айланади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Аллоҳнинг зикри; Истиғфор, илм ўрганиш, амру маъруф ва наҳйи мункар кабилардир. Шулар бўлмаган гапни кўпайтиришдан сақланмоқ.

2- Аллоҳнинг зикри бўлмаган мажлислардан қочиш ва Аллоҳ ёд қилинадиган мажлисларга харис бўлиш.

3- Аллоҳнинг зикри бўлмаган, бекорчи кўп гаплар дийданинг қотишига сабаб экан.

6 - дарс Вақтдан унумли фойдаланиш ва умрни ғафлатда бефойда ўтказмаслик

Имом Бухорий Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кўп одамлар алданиб, ундан унумли фойдалана олмайдиган икки неъмат бор – соғлик ва бўш вақт», дедилар.

Муттафақун аълайҳ бўлган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: «Агар рамазон ойининг охирги ўн кунлиги кирса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кечаларини – ибодат билан – бедор ўтказар, аҳли-оиласини ҳам уйғотар, ибодатда қаттиқ тиришар ва аёлларига яқинлик қилмасдилар».

Имом Термизий Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Одам боласи қиёмат куни беш нарсадан сўралмагунча Роббиси олдидан унинг қадами жилмайди: Умрини қандай кечирди, йигитлик даврини нима билан ўтказди, молини қаердан топдию, қаерга сарфлади ва билган нарсаларига қандай амал қилди».

Имом Термизий Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Ким кўрқса, тунда юради, ким тунда юрса манзилга етади. Огоҳ бўлинг! Аллоҳнинг матоси қимматдир. Огоҳ бўлинг! Аллоҳнинг матоси жаннатдир.

Шарҳ:

Хаёт вақтлардан иборат, ким вақтини бекор ўтказса хаётини бекор ўтказибди. Салафлардан бири: "Эй Одам фарзанди, сен вақтлардан иборатсан, агар бир кунинг ўтса сенинг бир қисминг кетибди", деган эканлар. Айтишларича, Қиёмат куни хаётини ибодат билан ўтказган инсон тасбеҳ айтмаган баъзи нафасларига афсусланад экан. У Кунда бутун умрини бефойда ўтказган кишининг холи нима бўлар экан-а?! Дарвоқе, жуда кўп одамлар бўш вақтларидан унумли фойдаланишмайди. Баъзи одамлар бекор вақтини ўтказадиган нарса (бозор айланиш, кино кўриш, интернетда чатлашиш кабилар)ни топганидан хурсанд бўлса, бошқалари вақтини гуноҳ-маъсиятда ўтказиб роҳатланишади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Вақтларни унумли ўтказиш ва ғанимат билиш вожибдир.
- 2- Одамлар охирада вақтларини қандай ўтказганлари ҳақида сўралади.

3- Одамларнинг кўпчилиги вақтларидан ғофил ва
бепарводирлар.

7 - дарс Тилнинг офати

Аллоҳ таоло Қоф сурасининг 17- оятида шундай дейди: «**Бирон сўзни талаффуз қилса унинг олдида ҳозир нозир бўлган бир кузатувчи (фаришта у сўзни ёзиб олур)**».

Имом Бухорий Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким Менга икки жағи орасидаги нарсани – яъни тилини – ва икки оёғи орасидаги нарсани – яъни фаржини – сақлашга кафил бўлса, мен уни жаннатга киришига кафил бўламан», дедилар.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу шундай дейди: Мен Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга қараб:

- Ё Расулаллоҳ, менга мени жаннатга киргизадиган ва жаҳаннамдан узоқлаштирадиган амални билдиринг дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

- «Дарҳақиқат, жуда улуғ нарса ҳақида сўрадинг, лекин Аллоҳ кимга бу амалларни енгил қилса, албатта улар жуда енгилдир. «Аллоҳнинг Ўзигагина ибодат қиласан ва унга бирон нарсани шерик қилмайсан, намозни барпо қиласан, закотни ўтайсан, рамазонда рўза тутасан ва қодир бўлсанг ҳаж қиласан», дедилар.

«Сени яхшилик йўлларига йўллаб қўяйми?», дедилар. «Рўза қалқондир, сув ўтни ўчиргани каби садақа гуноҳларни ўчиради ва кишининг кечаси туриб ўқиган намози», дедилар, кейин Сажда сурасининг 16- ва 17- оятларини ўқидилар: **«Уларнинг ёнбошлари ўрин-жойларидан йироқ бўлур (яъни тунларни ибодат билан ўтказиб оз ухлайдилар) Улар Парвардигорларига қўрқув ва умидворлик билан дуо-илтижо қиладилар ва Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ эҳсон қилурлар. Бас уларнинг қилиб ўтган амалларига мукофот қилиб улар учун беркитиб қўйилган кўз қувончини (яъни охираат неъматларини) бирон жон билмас».**

Кейин айтдилар: «Сенга ишнинг боши, устуни ва энг чўққиси ҳақида хабар берайми?»

- Орий, Ё Расулаллоҳ, дедим.

«Ишнинг боши Исломдир — яъни, калимайи шаҳодат —, устуни намоздир ва энг баланд чўққиси жиҳоддир», дедилар. Сўнгра, «бу амалларнинг ҳаммасини маҳкам қиладиган нарсани айтайми?», дедилар.

Бале, Ё Расулаллоҳ, дедим. Пағамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам тилларини ушлаб:

«Мана буни тийгин», дедилар. Мен – ажабланиб:

- Ё Расулаллоҳ, биз гапирётган нарсаларимиз ҳақида ҳам сўраламизми?! дедим.

- Сени қарая, эй, Муоз! Одамларни жаҳаннамга юзлари билан ағдарадиган нарса тилларининг ҳосиллари-да», дедилар.

Шарҳ:

Тилнинг офати жуда хатарли бўлгани учун жуда кўп оят ва ҳадисларда тилнинг жиловини маҳкам ушлаш, унга эрк бериб юбормасликка буюрилган. Тил офатларига тушиб қолиш жуда осон бўлганидан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам дўзахга энг кўп киришга сабаб бўладиган нарса тил эканининг хабарини бердилар. Аллоҳ таоло ҳаммамизнинг тилимизни ўзи рози бўладиган сўзларни гапиришга муваффақ қилсин.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Тилнинг офати жуда хатарли бўлиб ундан сақланиш вожиб.
- 2- Инсон эътибор бермай айтиб кўйган бир калима сабабли бутун амаллари ҳабата бўлиб, жаҳаннам аҳлидан бўлиб қолиши мумкин.
- 3- Гуноҳ сўзларда тилга эрк бериш дўзахга кириш сабабларидан бири, улардан тилни сақлаш эса жаннатга кириш сабабларидандир.
- 4- Аксар одамларнинг бефойда сўзлар билан вақтларини ўтказишлари катта хатодир.

8 - дарс Тилни сақлаш

Аллоҳ таоло Исро сурасининг 36- оятида шундай дейди: «(Эй инсон), ўзинг аниқ билмаган нарсани гапирма, чунки қулоқ, кўз, қалб – буларнинг барчаси тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (яъни, эшитган, кўрган ва ишонган ҳар бир нарсаси учун киши қиёматда жавоб берур)»

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абу Муса ал-Ашъарий розияллоҳу анҳу айтадилар мен:

- Ё Расулаллоҳ, мусулмонлар ичида энг афзали ким? дедим.
- «Ким мусулмонларга тили ва қўли билан озор бермаса ўша киши афзалидир» деб жавоб бердилар.

Муттафақун алайҳ бўлган бошқа ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу мен Расулаллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Банда (ўйланмасдан) бир калима гапириб юборади натижада – шу калима сабабли – жаҳаннамга машриқ билан мағриб орасидан ҳам узоқроқ масофага тойиб тушади», деганларини эшитдим дейди.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Суфён ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу:

- Ё Расулаллоҳ, мен уни маҳкам тутишим керак бўлган бир ишни айтинг дедим.

- Аллоҳга иймон келтирдим денг, сўнгра тўғри бўлинг» (яъни, Аллоҳ буюрган ва қайтарган амалларни божаришда ажалингиз келгунча мустаҳкам туринг), дедилар. Мен яна:

- Ё Расулаллоҳ менинг ҳақимда энг қўрқадиган нарсангиз нима? дедим. Ўз тилларини ушладилар, кейин:

- «Мана шу», дедилар.

Имом Термизий ривоят қилган яна бир ҳадисда Уқба ибн Амир розияллоҳу анҳу Ё Расулаллоҳ "Нажотга қандай эришилади?" деб сўрадим, дейди.

«Тилингизни тийинг, уйингиз сизни сиғдирсин ва гуноҳингизга йиғланг», дедилар.

Шарҳ:

Тилни беҳуда ва шариат ҳаром қилган ёлғон сўзлаш, ғийбат, чақимчилик ва бўҳтон қилиш каби амаллардан сақлаш дунё саодати ва охираат нажотига сабаб бўлади. Салафлардан бири шундай деган экан: Мўмин киши кам гапириб, кўп амал қилади. Кофир эса кўп гапириб, кам амал қилади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Мусулмонни дини тилини мусулмонлардан тийиш билан комил бўлади.

2- Тилни тийишнинг оқибати нажот.

3- Эътиборсизлик билан айтилган бир калима жаҳаннамга киришга сабаб бўлиши мумкин.

9 - дарс Ошуро куни рўза тутишнинг фазилати

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Рамазондан кейинги энг афзал рўза Аллоҳнинг ойи Муҳаррамдаги рўзадир ва фарз намозларидан кейинги энг афзал намоз кечаси ўқилган – таҳажжуд - намоздир», дедилар.

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага – ҳижрат қилиб – келганида яҳудларни Ошуро куни рўза тутаяётган ҳолда топдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам улардан:

- Нима учун бу кунда рўза тутаяпсизлар? деб сўрадилар. Улар:

- Бу кунда Аллоҳ таоло Мусо алайҳис-салом ва унинг қавмига нажот берган, Фиръавн ва унинг қавмини ғарқ қилган, Мусо алайҳис-салом шукр қилиб, рўза тутган улуғ кун, биз ҳам – бу кунда – рўза тутамиз деб жавоб беришди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

-Биз Мусо алайҳис-саломга сизлардан кўра ҳақлироқмиз», дедилар. Ва – шу кунда – рўза тутдилар, умматини рўза тутишга буюрдилар.

Имом Муслим Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан Ошуро куни тутиладиган рўзанинг савоби ҳақида сўрашди: «Ўтган бир йиллик гуноҳларга каффорот бўлади», дедилар.

Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Келаси йилга ҳаёт бўлсам, 9- кунни ҳам тутаман». Абу Бакрнинг ривоятида, «яъни, Ошуро кунини», деган зиёдаси бор.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ошуро кунида рўза тутиб ва бунга буюрганларида саҳобалар айтдилар: Бу яҳуд ва насоролар улуғлайдиган кун. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «ин ша Аллоҳ келаси йил бўлса тўққизинчи кунни ҳам тутамиз» дедилар. Келаси йил келмасдан туриб расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этдилар» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Ошуро кунидаги рўза дейилганда муҳаррам ойининг ўнинчи куни тутиладиган рўзани тушунамиз. Бу кунда Аллоҳ таоло Мусо алайҳис-саломни қавми билан нажот топтириб, Фиръавнни ғарқ

қилган кун. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу кунда рўза тутмоқни суннат қилдилар ва ўтган бир йиллик гуноҳларга каффорот бўлишининг хабарини бердилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қилаётган амалларида аҳли китобларга ўхшашлик бўлса, уларга хилоф иш тутишни севардилар. Шунинг учун ҳам келаси йилгача қолсалар 9- кунни ҳам қўшиб тутишларини эълон қилдилар. Ул зотга Аллоҳ таоло келаси Ошурога етишни насиб этмади. Бироқ суннатларига амал қилиш боқийдир, умматнинг солиҳ кишилари 9- ва 10- Мухаррамда Ошуро рўзасини тутиб келмоқдалар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Нафл рўзаларнинг афзали муҳаррам ойида тутилган рўза.
- 2- Мухаррамнинг тўққизинчи ва ўнинчи кунлари рўза тутиш суннат.
- 3- Тўққизинчи кун яхуд ва насоролардан ажралиб туриш учун қўшилган.
- 4- Бу кунда тутилган рўза ўтган бир йиллик кичкина гуноҳларни кечирилишига сабаб бўлади.

10 - дарс Нафл рўза тутишнинг фазилати.

Абу Саъид ал-Худрий розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қайси банда Аллоҳ йўлида бир кун рўза тутса, Аллоҳ таоло унинг юзини тутган бир кунлик рўзаси сабабли жаҳаннамдан етмиш йил узоқлаштиради», дедилар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Аллоҳ таоло айтадики: Одам боласининг ҳамма амали ўзи учун фақатгина рўза мен учун ва мен унинг мукофотини бераман. Рўза қалқондир агар биронтангиз рўзадор бўлса ёмон гапларни гапирмасин ва – бошқаларни – сўкмасин. Агар биронтаси сўкса ёки урушмоқчи бўлса мен рўзадорман десин. Жоним қўлида бўлган зотга қасамки рўзадорнинг – рўзаси сабабли оғзидан келадиган – бўй Аллоҳнинг олдида мискдан ҳам хушбўйроқдир. Рўзадорнинг икки хурсандчилиги бор: Ифтор қилганда хурсанд бўлади ва Роббисига йўликқанда рўзаси борлигидан хурсанд бўлади», дедилар.

Шарҳ:

Рўза энг улуғ ибодатларнинг биридир, шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло рўзани Ўзига хослаб олди ва рўзадорга катта савобларни ваъда қилди. Рўза инсонни гуноҳлардан ва жаҳаннамдан сақлайдиган қалқондир. Аллоҳ йўлида тугилган Қиёмат кунида рўза соҳибининг жаҳаннамдан узоқ бўлишга сабаб бўлади. Мўмин киши фурсатдан фойдаланиб, бундай савобли амаллар имкониятини бой бериб қўймаслиги керак.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Рўза савобли ва ўта фазилатли амалдир. Чунки, Аллоҳ талонинг Ўзи унинг ажрини беради.

2- Рўза маъсият ва жаҳаннамдан қалқондир.

3- Рўза Қиёмат куни бандани жаҳаннамдан узоқ бўлишига сабаб бўлади.

11 - дарс Тавба қилишнинг вожиблиги ва унинг фазли

Аллоҳ таоло Нур сурасинг 31- оятида шундай дейди: **«Барчангиз Аллоҳга тавба қилинглар, эй мўъминлар! Шоядки (шунда) нажот топсангизлар».**

Таҳрим сурасининг 8-оятида **«Эй мўъминлар, Аллоҳга холис тавба қилинглар».** дейди.

Имом Муслим Ағар ибн Ясор ал-Музаний розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Эй инсонлар, Аллоҳга тавба қилинглар ва ундан мағфират талаб қилинглар. Мен бир кунда юз марта тавба-истиғфор қиламан».** дедилар.

Анас розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Аллоҳ бандасининг тавбасидан сизларнинг биронтангиз бепоён – кимсасиз чўлда туясини йўқотиб кейин топиб олгандан кўра ҳам кўпроқ хурсанд бўлади».** дедилар.

Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

Сизлардан аввалги умматларнинг бирида тўқсон тўққиста одам ўлдирган бир киши бор эди. У ер юзидаги энг катта олим ҳақида сўради. Уни (Бану Исроил обидларидан бўлган) бир роҳибга йўллашди. Унинг олдига бориб:

- Мен тўқсон тўққиз одамни ўлдирдим, тавба қилсам бўладими? деб сўради. Роҳиб:

- Йўқ, деди. Уни ҳам ўлдирди. Шу билан ўлдирган одамларининг сони юзтага етди. Сўнгра ер юзидаги энг катта олим ҳақида сўради. Бир олим кишига йўллаб қўйилди. Унга юз одам ўлдирганини айтди ва ўзи учун тавба қилиш мумкинми ёки йўқ эканлиги ҳақида сўради. Олим:

- Ҳа тавба қилсанг бўлади, ким ҳам банда билан тавба орасини тўса олади, деди. Фалон юртга боргин, у ерда ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қиладиган одамлар бор, сен ҳам улар билан бирга ибодат қил, шаҳарингга қайтмагин, у ёмон ер. У олим айтган юртга йўл олди. Ярим йўлга етганда вафот етди. Раҳмат фаришталари ва азоб фаришталари - бу кишининг жонини ким олиб кетишида - тортишиб қолишди. Раҳмат фаришталари:

- Бу киши, тавба қилиб, Аллоҳга иқбол қилиб қайтди, дейишди.

Азоб фаришталари эса:

- Бу бирон яхши амал қилган эмас, дейишди. Шу вақт уларнинг олдларига бир фаришта одам шаклида келди, уни ўз ўрталарида ҳакам қилишди. Хакам:

- Бу икки ернинг орасини ўлчанглар, қайси бирига яқин бўлса, у ўшаники бўлади, деди. Ўлчадилар ва қасд қилиб кетаётган ерга яқин топдилар, бас, уни раҳмат фаришталари олиб кетдилар.

Яна бир саҳиҳ ривоятда эса Аллоҳ таоло нарғи ерга узоқлаш, бунисига эса яқинлаш, деб, буюрди.

Шарҳ:

Тавба Аллоҳ таолога энг суюкли ва дунё ва охират саодатига сабаб бўладиган амаллардандир. Аллоҳ таоло фазли кенглиги, Ҳалим ва Меҳрли бўлгани учун мўъминларни тавба қилишга буюрди ва унга тарғиб қилди. Аллоҳ таоло бандасининг тавбасига муҳтож бўлмаса ҳам унинг қилган тавбасидан хурсанд бўлади ва катта бўлишига қарамай ҳар қандай гуноҳдан тавба қилса, тавбасини қабул қилади. Кўп гуноҳ қилган киши Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмасин, Аллоҳ барибир мени кечирмайди, демасин. Аллоҳга қайтиб астойдил тавба қилсин, албатта тавбаси қабул бўлади. Шунингдек тинимсиз гуноҳ қиладиганлар шайтоннинг – хотиржам бўл Аллоҳ кечирувчи, тавбаларни қабул қилувчи зот деяётган - васвасасига алданиб қолмасинлар, чунки

Ўлим улардан изн сўраб келмайди. Тавба қилмай туриб ўлиб қолишдан эҳтиёт бўлсинлар!

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Ҳамма вақт Аллоҳ таолога тавба қилиш вожибдир. Чунки, инсон гуноҳдан холи эмас.

2- Тавбанинг фазли улуғ, чунки тавба Аллоҳнинг хурсандлиги ва дунё ва охираат саодатига сабаб бўлади.

3- Тавбани ҳар қанча катта бўлмасин гуноҳларнинг ҳаммасига қилса бўлади.

4- Аллоҳнинг раҳмати, фазли кенгдир, чунки у тавба қилувчиларнинг ҳамма тавбаларини, агарчи гуноҳлари катта бўлса ҳам қабул қилади.

12 - дарс Тавбанинг қабул бўлиш шартлари ва баъзи аҳкомлари

Аллоҳ таоло Анъом сурасининг 158- оятида шундай дейди: **«Парвардигорингизнинг айрим оятлари келадиган кунда эса илгари иймон келтирмаган ёки иймонида яхшилик касб қилмаган бирон жонга (энди келтирган) иймони фойда келтирмас»**

Нисо сурасининг 17,18-оятларида эса: **«Албатта Аллоҳнинг тавбаларни қабул қилиши фақат биронта гуноҳни нодонлик билан қилиб қўйиб, сўнгра дарҳол тавба қилган кишилар учундир. Аллоҳ ана шундай кишиларнинг тавбасини қабул қилур. Аллоҳ илм ва ҳикмат эгаси бўлган Зотдир. На гуноҳ ишларни мудом қилиб юриб, қачонки боровларга ўлим келганда “энди тавба қилдим” дейдиган ва на кофир холда ўлиб кетадиган кимсаларнинг тавбалари қабул бўлмас, улар учун аламли азобни тайёрлаб қўйганмиз»** дейди.

Имом Муслим Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: Аллоҳ таоло тунда қўлини чўзади кундуздаги гуноҳкор тавба қилиши учун ва кундузи қўлини чўзади кечасидаги гуноҳкор тавба қилиши учун -

шу ҳол давом этаверади - то қуёш мағрибидан (ботадиған томонидан) чиқмағунича», дедилар.

Имом Термизий Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳумодан ривоят қилған ҳадисда Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ азда ва жалла банданинг тавбасини модомики унинг жони халқумига келмаған экан қабул қилаверади», дедилар.

Шарх:

Тавбанинг шартлари бор, агар тавба қилувчи бу шартларни бажарса, тавбаси Аллоҳнинг изни билан қабул бўлади. Рух халқумга келмағунча, шунингдек қуёш мағрибдан чиқмағунча тавба қабул бўлади. Қачонки руҳи халқумига келиб, ўлиши аниқ бўлиб қолса, шунингдек қуёш ботадиған томонидан чиқиб, одамлар қиёмат қойим бўлишини аниқ билиб қолсалар, энди уларнинг қилған тавбалари қабул бўлмас. Уламолар тавба ҳақиқий бўлиши учун 4 та шарт қўйганлар: 1) Гуноҳдан дарҳол тийилиш. 2) Аввалда қилиб қўйгани учун қаттиқ надомат қилиш. 3) Гуноҳга қайтмасликка азму қарор қилиш. Агар гуноҳ бошқаларнинг ҳаққига тааллуқли бўлса 4- шарт вожиб бўлади, у ҳақни ўз эгасига қайтариш. Ҳақ мол бўлса, айнан қайтаради, ғийбат бўлса кечирим сўрайди ва ғийбат қилинған мажлисдагилар олдида уни оқлайди ва ҳоказо.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Тавбанинг шартларидан бири тавба ўлим келишидан, рух ҳалқумга етишидан аввал бўлиши керак.

2- Тавбанинг шартларидан бири тавба қуёш мағрибдан чиқишдан аввал бўлиши керак, чунки бу кунда амалларга муҳр урилади, тавба қабул қилинмайди.

3- Ким ҳақиқий тавба қилса, сўнгра яна гуноҳига қайтса, аввалги тавбаси қабул бўлади, лекин кейинги гуноҳи учун қайтадан тавба қилиши керак бўлади.

4- Тавба эшиги кечаю кундуз очик.

13 - дарс Тавба қилганларнинг қиссаларидан намуна

Аллоҳ таоло Зумар сурасининг 53- оятида шундай дейди: «(Эй Мухаммад) **Менинг** (турли гуноҳ-маъсиятлар қилиш билан) ўз жонларига **жиноят қилган бандаларимга айтинг: "Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмангиз, албатта Аллоҳ (Ўзи хоҳлаган бандаларининг) барча гуноҳларини мағфират қилур, албатта Унинг Ўзигина Мағфиратли Меҳрибондир»**

Имом Муслим ва Термизий Бурайда розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Моъиз ибн Молик ал-Асламий розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга келиб:

- Ё Расуллуллоҳ, мен ўзимга зулм қилиб қўйдим... зино қилдим. Мени поклашингизни хоҳлайман деди.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам уни қайтариб юборди. Эртасига яна келиб:

- Ё Расуллуллоҳ, мен зино қилдим, деди. Иккинчи марта ҳам қайтарди ва қавмига одам жўнатиб сўратди: унинг ақл хуши жойидами? Ундан бирон ножўя ҳаракатни сездингларми? Қавми эса: биз уни ақлли, хушли, яхши одам деб биламиз деб жавоб қилишди. У учинчи марта келди ва яна қавмига одам юбориб унинг ҳоли ҳақида сўратди. Қавми: унинг ўзи ҳам ақли ҳам яхши

деб, хабар берди. Тўртинчи марта келганида Расулulloх соллalloху алайҳи ва саллам амр этдилар ва у тош бўрон қилинди.

Бурайда розияллоху анху айтади: кейин – Ғомидийя келиб:

- Ё Расулalloх, мен зино қилиб қўйдим, мени покланг, деди - Пайғамбар соллalloху алайҳи ва саллам эса - уни қайтарди. Эртасига яна келиб:

- Ё Расулalloх, нимага мени қайтарасиз? Моизни қайтаргандай мени ҳам қайтармоқчимисиз, Аллоҳга қасам ичиб айтаманки мен хомиладорман деди. Расулulloх соллalloху алайҳи ва саллам:

- Ундай бўлса жазоламаймиз туғгинигга қадар кетавер, деди. Тукқанидан кейин гўдакни бир парча матога ўраб олиб келиб:

- Мана, мен буни туғдим, деди. Расулulloх соллalloху алайҳи ва саллам:

- Бор, болани сутдан чиқарадиган бўлгунча эмдир, деди. Болани сутдан чиқаргач, Расулulloх соллalloху алайҳи ва саллам ҳузурига болани кўтариб келди, бола кўлида бир бўлак нон бор эди.

- Ё Расулulloх, мана, мен уни сутдан чиқардим, у энди ўзи овқат ейдиган бўлди, деди. Болани мусулмонлардан бир кишига топширди. Кейин одамларга буюрдилар, улар уни тошбўрон қилишди. Холид ибн Валийд бир тош билан келди ва унинг бошига отди, Холиднинг юзига қон сачради. Шунда Холид уни

сўқди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам унинг сўқканини эшитди ва деди:

- Шошма, эй Холид, жоним қўлида бўлган зотга қасамки бу аёл шундай қаттиқ тавба қилдики солиқчи – налогчи – шундай тавба қилганида уни кечирилган бўларди. Сўнгра –аёлни тайёрлашга буюрди, тайёр бўлгач – унга жаноза ўқиди кейин дафн қилинди.

Шарҳ:

Сахобалар Аллоҳ улардан рози бўлсин иймонда жуда буюк камолот даражасига етган эдилар, лекин шу билан бирга улар ҳам инсон эдилар, баъзи гуноҳлардан холи эмасдилар. Агар улардан бирортаси қайсидир гуноҳни қилиб қўйса, дарҳол Аллоҳга қайтиб тавба қиларди. Гуноҳларидан покланишлари учун ҳад-жазо талаб қилар эдилар. Ислom ҳукми жорий бўлиб турган юртда гуноҳкор тавбасига таяниб, жазо талаб қилса, бу ўта олийҳимматлилик. Агар Аллоҳ уни сатр қилган бўлса, ўзи ва Парвардигори ўртасида астойдил тавба қилгани маъқул. Чунки Ислom катта гуноҳларни исботлаш учун қаттиқ шартларни қўйди. Бундан мақсад эса маъсиятларнинг очиқланмаслиги, натижада заиф имймонлилар ундан таъсирланиб, қилмасликларидир. Ёмон ишнинг пардаланиши унинг тарқалиш олдини олади. Аллоҳ ҳукмлари жорий бўлмаётган бўлса, гуноҳкор киши ўтган дарсимиздаги тавба

шартларини қатъий бажаради ва қилган гуноҳини ҳеч кимга ошкор қилмайди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Саҳобалар Аллоҳ улардан рози бўлсин иймонда бақувват ва тавбаларида содиқ эдилар.

2- Аллоҳ таоло тавбаларни қабул қиладиган кенг раҳмат ва мағфират соҳибидир.

3- Ҳар қандай гуноҳ эгаси Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмай, зудлик билан тавба қилишга шошилсин.

14 - дарс Иймон асослари

Аллоҳ таоло Бақара сурасинг 177- оятида шундай дейди: **«Юзларингизни машриқ ва мағриб томонларига буришингиз яхшилик эмас, балки Аллоҳга, Охират кунига, Фаришталарга, Китобларга, Пайғамбарларга иймон келтириш (яхшиликдир)».**

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Умар розияллоҳу анҳу шундай дейди:

«Биз Росулulloҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг ҳузурда ўтирган эдик, тўсатдан кийимлари оппоқ, сочи тим қора, афтидан мусофирга ўхшамайдиган ва бизга номаълум бўлган бир киши кириб келди. Юриб келиб Росулulloҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг олдиларига чўккалаб ўтирди. Икки тиззасини У зотнинг тиззаларига жипслаштирди ва икки кафтини сонлари устига қўйди. Ва деди: Эй Муҳаммад, менга ислом ҳақида хабар беринг. Росулulloҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам дедилар: Аллоҳдан ўзга ҳақ худо йўқлигига ва Муҳаммад Аллоҳнинг расули эканлигига гувоҳлик бермоғинг. Намозни тўла барпо қилмоғинг. Закотни адо этмоғинг. Рамазон ойи рўзасини тутмоғинг. Йўлга қодир бўлсанг Байтуллоҳга ҳаж-зиёрат қилмоғинг. Тўғри айтдингиз деди. Унинг сўзидан ажабландик, аввал сўради кейин эса тўғри айтдингиз деб тасдиқлаб қўйди. (Ёт киши) деди: Менга

иймон хақида хабар беринг. Росулulloҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам айтдилар: Аллоҳга, унинг фаришталарига, пайғамбарларига ва охират кунига иймон келтирмоғинг ҳамда тақдирнинг яхшию ёмонига иймон келтирмоғинг. Тўғри айтдингиз деди. Менга эҳсон хақида хабар беринг деди. Аллоҳга уни кўриб турганингдек, агар сен уни кўрмаётган бўлсанг, у сени кўриб турганидек ибодат қилмоғинг дедилар. Менга Қиёмат хабарини беринг деди. Қиёмат хақида сўралаётган киши сўровчидан билувчироқ эмас дедилар. (Яъни: буни мен ҳам, сен ҳам билмаймиз). Ундай бўлса унинг аломатларидан хабар беринг деди: Чўри ўз хожасини туғмоқлиги, яланг оёқ, камбағал қўйчувонларнинг (бир-биридан баланд, гўзал) уйларни қуришда баслашаётганларини кўрмоғинг, дедилар.

Умар айтади: (номаълум киши) кетди, биз эса бироз тин олиб ўтирдик. Шунда Росулulloҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам: эй Умар, бу сўроқлаб келган ким биласизми, деб, сўрадилар? Аллоҳ ва Росули билувчироқ дедим. Бу Жаброил сизларга динингиз ишларини ўргатиш учун келди, дедилар».

Шарх:

Иймон барпо бўладиган асос-пойдеворлар бор. Жибрил алайҳис-салом Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бу асосларни уммати ўрганиб ёд олишлари ва амал қилишлари учун

сўради. Иймон асослари олтидир. Ким бу асосларга иймон келтириб, тўлиқ бўйсунмагунича иймон лаззатини татимайди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Иймон олти арконга барпо бўлади. Бу арконлар: Аллоҳ таолога, Фаришталарига, Пайғамбарларига, Китобларига, Охират кунига ва Тақдирга иймон келтиришдан иборат.

2- Ким бу олти рукндан биронтасини инкор қилса кофир бўлади.

Иймон асослари ҳақида кўпроқ маълумот учун бу ерни босинг

»»»»»

15 - дарс Тавҳиднинг фазли

Аллоҳ таоло Аз-зарият сурасининг 56- оятида шундай дейди: **«Мен жин ва инсни фақат ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим».**

Наҳл сурасининг 56- оятида эса: **«Аниқки, Биз ҳар бир умматга (Аллоҳгагина ибодат қилинглари ва шайтондан йироқ бўлинглари) (деган ваҳий билан) бир пайғамбар юборганмиз»** дейди.

Имом Муслим Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ким Аллоҳ таолога унга бирон нарсани шерик қилмай йўлиқса, жаннатга киради ва ким унга бирон нарсани шерик қилиб йўлиқса дўзахга киради»**, дедилар.

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Муоз розияллоҳу анҳу Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бир эшакка мингашиб олган эдим, дейди. Ул зот дедилар:

- Эй Муоз, Аллоҳнинг бандалар устидаги ҳаққи ва бандаларнинг Аллоҳ устидаги ҳаққини биласизми?

- Аллоҳ ва Расули билувчироқ, дедим.

- Аллоҳнинг бандалар устидаги ҳаққи Унинг Ўзигагина ибодат қилишлари ва бирон нарсани унга шерик қилмасликлари. Бандаларнинг Аллоҳ устидаги ҳаққи Унга бирон нарсани шерик қилмаган бандасини азобламаслиги», дедилар.

Шарҳ:

Тавҳид ибодатларнинг асоси ва энг буюгидир. Тавҳид ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзигагина ибодат қилиш ва Аллоҳ таолодан бошқа ибодат қилинаётган ҳамма нарсага кофир бўлиш, демакдир.

Тавҳид учунгина Аллоҳ таоло жин ва инс тоифасини яратди, пайғамбарларни жўнатди. Аллоҳ азза ва жалла тавҳидни тўла рўёбга чиқарган бандага, агарчи гуноҳлари кўп бўлса ҳам жаннатни ваъда берди.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1- Тавҳиднинг фазли каттадир. Тавҳид жаннатга йўл ва жаҳаннамдан қалқондир.

2- Жин ва инсон тоифаси тавҳид учунгина яралган.

3- Пайғамбарлар ҳам тавҳид учун юборилганлар.

4- Ибодатда ширк қилувчи банданинг ибодати ботилдир.

16 - дарс Ширк

Олоҳ таоло Луқмон сурасининг 13- оятида шундай дейди: **«Албатта ширк катта зулмдир».**

Нисо сурасинг 48-оятида: **«Албатта Аллоҳ ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас, Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур. Ким Аллоҳга (бирон кимса ёки нарсани) шерик қилса, бас, у буюк гуноҳни тўқиб чиқарибди».**

Зумар сурасинг 65- оятида эса: **«Дарҳақиқат сизга ҳам, сиздан аввалги (Пайғамбарларга) ҳам (шундай) ваҳий қилингандир: "Қасамки, агар мушрик бўлсанг, албатта қилган амалинг беҳуда кетур ва албатта зиён кўргувчилардан бўлиб қолурсан».**

Имом Муслим Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ким Аллоҳ таолога унга бирон нарсани шерик қилмай йўлиқса, жаннатга киради ва ким унга бирон нарсани шерик қилиб йўлиқса дўзахга киради»**, дедилар.

Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилган муттафақун алайх ҳадисда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам:

- Еттига ҳалок қилувчи - катта гуноҳлар-дан четланинглари, дедилар.

Саҳобалар:

- Ё Расулalloҳ, улар нималар? деб сўрашди.

Пайғамбар айтдилар:

- Аллоҳ таолога ширк келтириш, сеҳр, Аллоҳ таоло ҳаром қилган жонни ноҳақ ўлдириш, судхўрлик, етимларнинг молларини ейиш, душман бостириб келганда орқага қочиш ва гуноҳ-маъсиятлардан пок бўлган содда мўъмина аёлларга бузуқ деб тухмат қилиш».

Муттафақун алайх бўлган яна бир ҳадисда Муоз розияллоху анху Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам билан бир эшакка мингашиб олган эдим, дейди. Ул зот дедилар:

- Эй Муоз, Аллоҳнинг бандалар устидаги ҳаққи ва бандаларнинг Аллоҳ устидаги ҳаққини биласанми?

- Аллоҳ ва Расули билувчирок, дедим.

- Аллоҳнинг бандалар устидаги ҳаққи Унинг Ўзигагина ибодат қилишлари ва бирон нарсани унга шерик қилмасликлари. Бандаларнинг Аллоҳ устидаги ҳаққи Унга бирон нарсани шерик қилмаган бандасини азобламаслиги», дедилар.

Шарх:

Аллоҳга ширк келтириш дегани: Аллоҳ таолога бошқа нарсаларни тенг қилиш ёки Аллоҳ билан бирга уларга ҳам ибодат қилишдир. Ибодат деганда фақат намоздаги каби бошини ерга қўйиб сажда қилишнигина тушунилмасин, бу ҳам ибодат, лекин ибодатнинг маъноси бундан анча кенгдир. Аллоҳ таоло буюрган ибодатларнинг турлари: ислом, иймон ва эҳсон кабилар. Дуо, кўрқув, умид, таваккул, (савобни) умид қилиш ва (азобдан) кўрқмоқ, ҳокисорлик, тавба қилиш, мадад сўраш, қурбонлик ва назр қилиш ва булардан бошқа Аллоҳ буюрган ибодатларнинг барчаси Аллоҳ таолога хосдир. Бу ибодатлардан бирортасини Аллоҳдан бошқасига қилган кимса мушрик ва кофир бўлади. Бунга далил: **«Кимки Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳга -унинг ҳақиқатда маъбуд эканига далилсиз- унга ибодат қилса, унинг ҳисоби парвардигорининг ҳузуридадир. Албатта кофирлар нажот топмаслар»** (Муъминун:117).

Ширк энг катта ва хатарли гуноҳдир. Пайғамбарларнинг ҳаммаси ўз умматларини тавҳидга буюриб, ширикдан қайтариш учун жўнатилган. Ким ширк амалини қилиб, тавба қилмай дунёдан ўтиб кетса, жаҳаннамда абадулобод қолади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Ширк жуда хатарли гуноҳ, ундан ҳазар қилиш вожиб.

2- Аллоҳ таоло ширкдан бошқа ҳар қандай гуноҳ қилган бандани хоҳласа кечириб, хоҳласа азоблаши мумкин. Аммо ширкни тавба қилган бандасигагина кечиради.

3- Ким ширк амали устида ўлса, унинг ҳамма амаллари ҳабата бўлади.

4- Ширк амали жаҳаннамда абадий қолиб кетишга сабабдир.

Ибодат ва ширк ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун бу ерга босинг »»»»»

17 - дарс Риёнинг хатари

Имом Термизий Абу Саъд ибн Аби Фузола розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар Аллоҳ таоло одамларни ҳеч шубҳасиз кун-Қиёмат куни жамласа бир жарчи жар солиб: Ким Аллоҳ учун қилган амалида бирон нарсани шерик қилган бўлса, унинг савобини Аллоҳдан бошқа - ўша шерик қилган нарсаси - дан талаб қилсин, чунки Аллоҳ таоло ўзига бирон нарсани шерик қилишнишидан беҳожатдир дейди.

Имом Муслим ва Термизий Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Қиёмат куни одамлар ичида энг аввал ҳукм қилинадиган киши шаҳид бўлади. Уни олиб келинади ва Аллоҳ унга ўз неъматларини танитади, банда уларни тан олади. Сўнг Аллоҳ: «Уларнинг шукронасига нима амал қилдинг?-деб сўрайди. У банда: «То шаҳид бўлгунимга қадар Сен учун уришдим», -деб жавоб беради. Шунда Аллоҳ: «Ёлғон айтаяпсан, лекин сен одамлар сени (жасур-қўркмас) дейишлари учун уришдинг ва дарҳақиқат, одамлар шундай ҳам дейишди», -дейди. Сўнг буйруқ берилади, уни дўзахга ташлаш учун юзтубан ерга судраб олиб кетилади.

Кейин илм ўрганган ва уни ўргатган, ҳамда қуръон ўқиган кишини олиб келинади. Аллоҳ унга ҳам ўз неъматларини эслатади. У банда уларни тан олади. Сўнг Аллоҳ: «Буларнинг шукронасига нима амал қилдинг?» -деб сўрайди. Банда: «Сен учун илм ўргандим, уни бошқаларга ўргатдим ва қуръон ўқидим, деб жавоб беради. Аллоҳ: Алдаяпсан, сен илмни одамлар “Олим”, дейишлари учун ўргандинг, Қуръонни эса одамлар “қори” дейишлари учун ўқидинг, дарҳақиқат одамлар шундай ҳам дейишди”, - дейди Аллоҳ. Сўнгра буйруқ берилади – уни дўзахга ташлаш учун юзтубан ерга судраб олиб кетилади.

Шундан кейин Аллоҳ унга ризқини кенг қилиб берган, бойликнинг ҳамма туридан инъом қилган кишини олиб келинади. Аллоҳ унга ҳам Ўз неъматларини танитади. Банда уларни тан олади. Сўнг Аллоҳ: “Буларни шукронасига сен нима амал қилдинг?” – деб сўрайди. “Мол-давлатни Сен хуш кўрган бирон йўлни қолдирмай, ҳаммасига Сен учун сарф қилдим”, -дейди у. “Ёлғон айтаяпсан, лекин сен бу ишни дамлар сени “сахий” деб айтишлари учун қилгансан, дарҳақиқат одамлар шундай ҳам дейишди”,-дейди Аллоҳ. Сўнг буйруқ берилади, уни дўзахга улоқтириш учун юзи билан ерга судраб олиб кетилади.

Имом ибн Можа ривоят қилган ҳадисда Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳу дедилар: Биз Дажжолни гапириб ўтирган эдик, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам чиқдилар ва:

- Мен сизларга Дажжолнинг фитнасидан кўра сизларнинг ҳаққингизда мен учун хавфлироқ нарса ҳақида хабар берайми?», дедилар.

- Ҳа ё Расулаллоҳ, хабарини беринг, дедик.

- У маҳфий ширк, киши намоз ўқиш учун туради, бошқа киши уни кўриб тургани учун намозини чиройли қилиб ўқийди», дедилар.

Шарҳ:

Риё - ибодатларни – Аллоҳ учун эмас, балки - одамлар кўрсин деб хўжакўрсинга зийнатлаб бажаришдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Риёни ширк», дедилар. Ва Умматни ундан огоҳлатирдилар, чунки бу амал маҳфий бўлганлигидан жуда кўп амалларга қоришиб кетади ва қилинган амаларни ҳабата қилади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларга қаттиқ танбех бериш учун саҳобалардай улуғ зотлар риё қилиб қўйишидан кўрқишининг хабарини берган.

2- Солиҳ кишилар ҳам сезмаган ҳолатда риё қилиб қўйиши мумкин.

3- Риё билан қилинган амал қабул бўлмайди.

4- Риёкорларга қаттиқ ваъийдлар бор.

18 - дарс Тумор, кўзмунчоқ ва шунга ўхшаш нарсаларни ошиш ҳукми

Аллоҳ таоло Зумар сурасинг 38-оятида шундай дейди: «Айтинг: Энди хабар берингларчи, сизлар Аллоҳни қўйиб дуо-илтижо қилаётган бутларингиз-агар Аллоҳ менга бирон зиён етказишни истаса-ўша бутлар У Зотнинг зиёнини арита олувчиларми? Ёки Аллоҳ менга бирон марҳамат қилишни ирода қилса, ўша бутлар у зотнинг марҳаматини ушлаб қолувчиларми? Айтинг: Менга Аллоҳнинг ўзи етарлидир. Таваккул қилувчи-суянувчи зотлар ёлғиз унга таваккул қилурлар».

Имом Ахмад Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким тумор тақса, Аллоҳ унинг ишини охирига етказмасин», дедилар.

Бошқа ривоятда эса: Ким тумор осса шубҳасиз ширк амалини қилибди», дедилар.

Имом Термизий Абдуллоҳ ибн Укайм розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким бирон нарсага боғланса Аллоҳ таоло уни ташлаб қўяди», дедилар.

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу дейди: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганларини эшитдим:

«— *Оят ва ҳадислардан бошқа жоҳилий йўллар билан —* урилган дам, тумор ва иситма-совутма ширк амалидир».

Шарҳ:

Юқоридаги ҳадисларда зикр қилинган «Тумор»дан мурод одамлар кўзидан сақлаш, шифо бўлиш, иситма-совутма ва бошқа ниятлар билан ўзларига ёки дарвоза ва бошқа ўринларга осиб қўядиган кўзмунчоқ, кўзтикон, ҳар ҳил суяклар, ип, тош, тақа ва шунга ўхшаш нарсалардир. Бундай нарсаларни осиб олган одамларнинг мушқули устига мушкул қўшилиб боради, чунки қачон шу нарсага кўзи тушса дарди яна кўзийди. Шунинг учун ҳам Пайғабаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай одамларга қарата “Аллоҳ таоло ишини охирига еткизмасин” деб дуо қилганлар. Энг хатарлиси, бундай нарсаларни осиб олиш ширк амалдир.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Ким туморни фойда ёки зарар етказди, деб осиб олса ширк акбар яъни, катта ширк амалини қилибди, чунки бу киши Аллоҳдан бошқаси ҳам фойда ва зарар беради, деб эътиқод қилади,

аммо тумор фойда ёки зарарга сабаб бўлади деса кичкина ширк қилган бўлади.

2- Тумор осиб мумкин эмас. Шу ўринда агар тумор Қуръондаги оятлардан иборат бўлсачи? деган савол туғилиши мумкин. Бу масалада уламолар ихтилоф қилишган, баъзилари жоиз, баъзилари жоиз эмас дейишган. Жоиз эмас деганларнинг далили:

*Тумор осиб олган одам, тумор билан нопок ўринларга кириб оятларни хорлашга сабаб бўлади;

*Тумор осган одамнинг қалби Аллоҳга эмас, балки туморга боғланади;

* Кўпчилик, туморларни Қуръон оятларидан иборат деб ўйлашади, лекин тумор оддий қоғоз ёки баъзи нажосатлардан иборат бўлиши мумкин;

3- Шунингдек бу ҳукмга дарвоза, саййора ва бошқа нарсаларга кўз тегмасин, деб осилган тумор, катта ёки кичик ҳажмдаги Қуръон, латта ва мунчоқлар ҳам киради.

19\ Фолбин, мунажжим ва коҳинларга боришнинг ҳаромлиги

Аллоҳ таоло Намл сурасининг 65- оятида шундай дейди: **«Айтинг: Осмонлар ва ердаги ғайбни Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди».**

Пайғамбаримиз аёлларининг биридан ривоят қилинади, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ким фолбинга борса, ундан бирон нарса ҳақида сўраса унинг намози қирқ кун қабул бўлмайди». Имом Муслим ривоят қилган

Абу Довуд Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким коҳинга борса ва у айтган хабарни тасдиқласа ёки аёлига узрли-ҳайз ҳолатида ёки дубурига-орқа чиқарув йўлига яқинлик қилса Муҳаммадга нозил бўлган нарсдан пок бўлибди», дедилар.

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан коҳинлар ҳақида сўрашди.

- Улар ҳеч нарса эмаслар, дедилар.

- Улар бир нарсани айтадилар, гоҳо у рост чиқиб қолади-ку? дейишди.

- Ўша битта рост бўлган калимани жинлардан бири ўғирларб олади кейин уни ўз дўстининг қулоғига ташлайди. Улар унга юзта ёлғонни қўшишади», дедилар.

Шарҳ:

Ғайб илми Аллоҳ таолонинг ўзига хос бўлиб, уни ўзидан бошқа на фаришталар ва на пайғамбарлар билади. Ким ғайб илмини даъво қилса, каззоб, фолбин бўлади, агарчи баъзан унинг гапи тўғри чиқиб қолса ҳам. Шунинг учун ҳам фолбинларга бориш ёки улардан бирон нарса сўраш ҳаромдир. Бандаларнинг биронтаси ғайбни даво қилса ёки бирон махлуқ ғайбни билади деб эътиқод қилса Қуръон ва ҳадисни ёлғонга чиқаргани учун кофир бўлади.

Юқоридаги ҳадисларда келган «Муҳаммадга нозил бўлган нарсадан пок бўлибди» маъноси, бир киши ҳақида «гуноҳдан пок бўлди» дейилади, яъни, унда гуноҳдан асар ҳам қолмади. Коҳинга бориб, ундан ғайбга тааллуқли бирон нарса ҳақида сўраса у Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил бўлган нарса — у Ислом дини, Қуръон Карим — дан пок бўлади, яъни унда Ислом динининг асари қолмайди.

«Жинлардан бири ўғирларб олади» яъни, Осмондан хабар олиб тушувчи фаришталар ўзларининг, Ердаги ишларни бошқариб турувчи биродарлари-фаришталарга бўладиган ишларни хабар бераётганларида жинлар эшитишга ҳаракат қилади, гоҳида бирон калима унинг қулоғига тушади, у уни олиб дарҳол фолбин дўстига беради, у эса ҳалиги битта сўзга юзта ёлғонни қўшиб-чатиб одамларга етказди. Ана шу битта гап тўғри келиб қолса, одамлар ана фалончи фолбинни атгани тўғри чиқди, деб унинг бошқа гапларига ҳам ишонадилар. Қуръон Каримда «Дарҳақиқат Биз энг

яқин осмонни чироқлар (юлдузлар) билан безадик ва уларни шайтонларга отиладиган тошлар қилиб қўйдик». (Мулк сураси: 5) яъни, кофир жинлар сўз ўғирлаш учун осмонга кўтарилсалар уларга тош отилади, шундай бўлсада гоҳида биттаси ўз мақсадига эришади. Бунинг ортида ётган ҳикматни Ёлғиз Аллоҳгина билади.

Шу ўринда «Ғайб» калимасига ҳам тўхтаб ўтсак. Ғайб икки турли бўлади: 1) Келажакда бўладиган барча ишларга боғлиқ ғайб. 2) Бўлиб ўтган нарсаларга боғлиқ ғайб. Биринчи турдаги ғайбнинг илми фақат Аллоҳгагина хос. Аммо иккинчи турдаги ғайбни бошқалар ҳам билади. Бу ғайб нисбийдир. Масалан: бир киши 10 минг сўм пул йўқотди, бу пул эгасидан ғойиб бўлди. Бу пулни кимдир топиб олди, ёки унинг қаерда турганини кўриб-билди. Бу пулнинг қаердалиги эгасига нисбатан ғайб, аммо унинг ўрнини билган одамга нисбатан ғайб эмас. Демак, фолбинга бориб, йўқолган нарса ҳақида сўралса, у жавоб берса ва жавоби тўғри чиқса, бундан ажабланишга ҳожат йўқ, чунки у йўқолган нарсани ўзи билан бирга ишлайдиган жиндан сўраб билиши мумкин. У жин дарҳол ўзи ва бошқа шериклари билан у нарсани излашга тушади, ёки нарсанинг ўрнидан бирортаси хабардор бўлади, у келиб фолбинга хабар беради. Кўп ҳолларда улар ҳам йўқолган нарсани тополмайдилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Ғайб илмини даъво қилган фолбин ёки мунажжимларга бориш ҳаром.

2- Фолчи, коҳинларнинг баъзан гапи тўғри чиқиб қолади, лекин улар битта рост сўзга юзта ёлғонни қўшиб гапиришади.

3- Экстрасенслик, кафтдан келажакни ўқиб бериш, гороскоп, хуллас, барча шу қабилдаги нарсалар фолбинлик ва мунажжимликка киради.

20 - дарс Сеҳр ва ундан хазар қилиш

Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 102- оятида шундай дейди: «**Ва Сулаймон давридаги шайтонлар (жинлар) айтган нарсаларга эргашадилар. Сулаймон кофир эмас эди, балки одамларга сеҳр ўргатадиган шайтонлар кофир эдилар ва Бобилдаги Ҳорут ва Морут номли фаришталарга туширилган нарсаларга эргашадилар. Ҳолбуки у фаришталар: Биз фақатгина фитнамиз, бас (бу айтган нарсаларга) кофир бўлиб қолма демасдан туриб ҳеч кимга ҳеч нарса ўргатмас эдилар**».

Тоҳа сурасининг 69-оятида шундай дейди: «**Сеҳргарлар эса қаерда бўлмасин зафар топмас**».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

— Еттита ҳалок қилувчи – катта гуноҳлар - дан эҳтиёт бўлинглар», дедилар. Саҳобалар:

— Ё Расулаллоҳ, улар нималар, деб сўрашди.

— Улар: Аллоҳ таолога ширк келтириш, сеҳр, Аллоҳ таоло ўлдиришни ҳаром қилган жонни ноҳақ ўлдириш, судхўрлик, етимнинг молини ейиш, жангда орқага қочиш ва гуноҳ-

маъсиятлардан пок бўлган мўъмина аёлларга бузук деб тухмат қилиш», дедилар.

Шарҳ:

Сеҳр сеҳргарни ёки сеҳргарга борувчини дунё ва охиратда ҳалок қилувчи гуноҳи кабирадир. Шариатимизда сеҳргарнинг калласи қилич билан узиб ташланади, чунки у шайтонлардан сеҳр қилишга мадад сўраб, Аллоҳни қўйиб уларга ибодат қилиб мушрик, кофир бўлади. Сеҳргарларга бориш ва улардан бирон нарсани талаб қилиш ҳаромдир. Дард берувчи ҳам дардингизга шифо берувчи ҳам ёлғиз Аллоҳнинг ўзи, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ибн Аббос розияллоҳу анҳумога васият қилиб туриб “Агар бирон нарса сўрасангиз Ёлғиз Аллоҳнинг ўзидан сўранг, агар мадад сўрасангиз Ёлғиз Аллоҳнинг ўзидангина сўранг” деганлар. Баъзи эркак ва аёллар турмуш ўртоғида сал ўзгаришни сезиб қолса иккисининг ўртасиги иссиқлик солиб қўйиши учун дарҳол сеҳргар ҳузурига шошади. Арзимаган нарсага иймонни сотиб қўйиш мўъминларнинг сифатларидан эмас.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Сеҳр ҳаром ва эгасини ҳалок қилувчи гуноҳлардан.
- 2- Сеҳр инсоннинг динини барбод қилади. Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 102- оятида сеҳргарлар ҳақида шундай дейди:

«Албатта Биз фитнамиз (биз айтган амалларни қилиб) кофир бўлиб қолма».

Чунки сеҳр — сеҳргар ўз шайтонларига қурбонлик ва турли ибодатларни қилганидан кейингина хосил бўлади. Шунинг учун ҳам фолбинга борган кишига фолбин бир жонлиқни (ўзининг алвастиларига) атаб қон чиқаришга буюради.

3- Сеҳргарларга бориш ва улар билан алоқа қилиш ҳаром.

21\ Қуръон ва саҳиҳ ҳадислардаги дуолардан бошқа нарсалар билан дам солиш

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу шундай дейди – Мен - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганларини эшитдим:

Албатта - Қуръон ва ҳадислардаги дуолардан бошқа жоҳилий йўллар билан - дам солиш, тумор ва ҳалақаларни – кўздан сақлайди, шифо бўлади ёки иситади- совутади деб – осиб олиш ширкдир.

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўлимидан аввалги касалида Ихлос, Фалақ ва Нос суралари билан ўзига дам

соларди, оғирлашиб қолгач мен ўша сураларни ўқиб дам солиб, қўлларининг баракасини умид қилиб, ўз қўллари билан баданини силардим.

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аҳлибайтларининг баъзиларига дам солиб, ўнг қўли билан силаб туриб шундай дер эди: «Аллоҳумма Роббан-наас, азҳибил-баъс, ишфи, анташ-шаафий, ла шифаа илла шифааук, шифаан ла юғодиру сақома (н)» Эй Парвардигор, инсонларнинг роббиси, касалликни кетказ, Сен шифо берувчисан, Сенинг шифоингдан бошқа ҳеч бир шифо йўқ, ундан кейин касаллик қолмайдиган шифо билан шифолагин.

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Оиша онамиз розияллоҳу анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам чаён чаққан кишига ва шунга ўхшаган дардларга дам солишга рухсат бердилар.

Шарҳ:

Дам солиш деганда, касал кишига Қуръон оятларидан ёки саҳих ҳадисларда келган дуоларни ўқиб дам солиш ёки касалнинг оғриган жойига қўлни қўйиб ўқиш тушилинадди. Бу амал -

Аллоҳнинг изни билан агар Қуръон ва саҳиҳ ҳадислардан иборат бўлса,- фойдали бўлади, агар шайтонлар воситаси билан бўлса ширк бўлади. Кўпчилик Қуръон билан дам солувчилар билан шайтон мадади ила дам солувчиларнинг фарқини билмагани учун биз шайтон билан дам солувчиларнинг аломатларига ишора қилиб кетамиз:

Сеҳргарнинг аломатлари:

Биз зикр қиладиган аломатларнинг биронтасини топсангиз билингки бу киши сеҳргар, азайимхон, дарҳол ундан узоқлашинг.

1- Бемордан беморнинг исмини, онасининг исмини сўрайди.

2- Беморнинг бирон нарсасини олади: рўмолча, кийимидан бир бўлак ва шунга ўхшаш.

3- Кўпинча бир муайян сифатдаги жонлиқни сўйиб, муайян сифатда пишириб маълум шахсларга ёки маълум маконларга олиб боришни талаб қилади.

4- Араб тилида бўлмаган, тушунарсиз дуоларни ўқийди.

5- Гапининг орасида парилар, кишилар, авлиёлар ёрдам беради деб айтади.

6- Гоҳо бемордан одамларга кўринмай, алоҳида қуёш ҳам тушмайдиган хонада ўтиришини талаб қилади.

7- Гоҳо беморга баъзи нарсаларни бериб, уни кўмиб юборишга ёки ёқиб юборишга буюради.

8- Баъзилари бемордан аввал унинг исми, яшаш жойи ва муаммоси ҳақида айтиб беради.

9- Баъзан беморга катаклар ичига чизилган ҳар хил шакллардан иборат қоғозни тумор қилиб беради ёки берадида кейин уларни ўчириб юборишга ёки ёқиб юборишга буюради.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1- Қуръон ва шаръий дуолар билан дам солиш жоиз

2- Қуръон ва шаръий дуолардан бошқа маъносиз лафзлар билан дам солиш ҳаром.

3- Агар дам солишда Аллоҳдан бошқасига дуо қилиш, бошқалардан мадад сўраш бўлса ширк акбар бўлади.

4- Инсон ўзига шаръий дуолар билан дам солиши суннат, бошқалардан дам солиб қўйинг деб талаб қилиши шарт эмас.

22\ Аллоҳдан бошқасига қасам ичиш ҳаром

Ибн Умар розияллоҳу анҳумо ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ сизларни ота-боболаринг номи билан қасам ичишингиздан

қайтаради, ким қасам ичса Аллоҳ номигагина ичсин ёки жим бўлсин», дедилар.

Имом Абу Довуд Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким омонатга қасам ичса биздан эмас», дедилар.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Ибн Умар розияллоҳу анҳумо бир кишини: “Қаъбага қасам” деганини эшитди. – Унга қараб деди: Аллоҳдан бошқасига қасам ичма, чунки мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Ким Аллоҳдан бошқасига қасам ичса кофир ёки мушрик бўлибди», деганларини эшитганман.

Шарҳ:

Ким махлуқларнинг биронтасининг номига қасам ичса уни улуғлаган бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳдан бошқасига қасам ичишдан қайтардилар ва бу амални ширкдан ҳисобладилар. Қасам фақат Аллоҳнинг исм ва сифатларигагина ичилади. Ундан бошқасига қасам ичиш ҳаром. Ҳар бир мусулмон киши бундай амалдан четланиши ва бошқаларда кўрса инкор қилиши вожибдир.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Аллоҳдан бошқасига қасам ичиш ҳаромдир, чунки бу амал кичина ширк бўлиб гуноҳи кабиралардан ҳисобланади.

2- Каъба, Пайғамбар, нон, йўл, пир, дастурхон ва шунга ўхшаш бошқа нарсаларга қасам ичиш ҳаромдир.

3- Қасам фақатгина Аллоҳнинг исм ва сифатларигагина ичилади.

23 - дарс Шумланиш

Анас розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қасал юқиши йўқ, шумланиш ҳам йўқ, лекин некбинлик (яхши фол) ва ширин сўз мени ажаблантиради», дедилар.

Имом Абу Довуд Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шумланиш ширкдир», дедилар.

Шарҳ:

Бирор ишни қилишга киришган пайтида қарға ёки бойўғлини кўриш, қора мушук йўлини кесиб ўтиши ва шунга ўхшаш нарсалар сабабли мақсадидан қайтишига шумланиш дейилади. Исмлар,

рақамлар ва шунга ўхшаш нарсалар ёмонлик келтиради деб эътиқод қилиш ҳам шумланиш ҳисобланади. Шумланиш ширкдир, чунки махлуқлардан шумлаган одамнинг Аллоҳга бўлган таваккули сусаяди ва ўша махлуқларда ҳам бир нав фойда ёки зарар келтира олиш хусусияти бор деб эътиқод қилади. Аммо яхши фолда қалб Аллоҳдан ўзгага боғланмайди, балки келажакда бўладиган яхшиликдан умид қилади ва Аллоҳга бўлган гумони гўзал бўлади. Масалан бирон оғир касал бўлиб ётган одам бировнинг "саломат" деганини эшитиб қоладида, бундан унинг кўнглига хушнудлик кириб, "ажаб эмас соғайиб, саломат бўлиб кетсам" деган нарса кўнглидан ўтади ва Аллоҳнинг қазосига яхши гумон қилиб, шифо беришини умид қилиб қолади.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

- 1- Шумланиш жоиз эмас.
- 2- Шумланиш бирон амал ёки ниятни тарк қилишга сабаб бўлса ширк бўлади, чунки бундай одам Аллоҳдан бошқаси фойда ёки зарарни жалб қилишга қодир деб эътиқод қилиб қолади.
- 3- Аллоҳ таолодан яхшиликни кутиб, ишларни яхшиликка таъвил қилиш суннатдир.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Умар розияллоҳу анҳу шундай дейди: «Биз Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурида ўтирган эдик, тўсатдан кийимлари оппоқ, сочи тим қора, афтидан мусофирга ўхшамайдиган ва бизга номаълум бўлган бир киши кириб келди. Юриб келиб Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига чўккалаб ўтирди. Икки тиззасини У зотнинг тиззаларига жипслаштирди ва икки кафтини сонлари устига кўйди. Ва деди: Эй Муҳаммад, менга ислом ҳақида хабар беринг. Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: Аллоҳдан ўзга ҳақ худо йўқлигига ва Муҳаммад Аллоҳнинг расули эканлигига гувоҳлик бермоғинг. Намозни тўла барпо қилмоғинг. Закотни адо этмоғинг. Рамазон ойи рўзасини тутмоғинг. Йўлга қодир бўлсанг Байтуллоҳга ҳаж-зиёрат қилмоғинг. Тўғри айтдингиз деди. Унинг сўзидан ажабландик, аввал сўради кейин эса тўғри айтдингиз деб тасдиқлаб кўйди. (Номаълум киши) деди: Менга иймон ҳақида хабар беринг. Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: Аллоҳга, унинг фаришталарига, пайғамбарларига ва охират кунига иймон келтирмоғинг ҳамда тақдирнинг яхшию ёмонига иймон келтирмоғинг. Тўғри айтдингиз деди. Менга эҳсон ҳақида хабар беринг деди. Аллоҳга уни кўриб турганингдек, агар сен уни кўрмаётган бўлсанг, у сени кўриб турганидек ибодат қилмоғинг дедилар. Менга Қиёмат

хабарини беринг деди. Қиёмат хақида сўралаётган киши сўровчидан билувчироқ эмас дедилар. (Яъни: буни мен ҳам, сен ҳам билмаймиз). Ундай бўлса унинг аломатларидан хабар беринг деди: Чўри ўз хожасини туғмоқлиги, яланг оёқ, камбағал кўйчувонларнинг (бир-биридан баланд, гўзал) уйларни қуришда баслашаётганларини кўрмоғинг, дедилар.

Умар айтади: (номаълум киши) кетди, биз эса бироз тин олиб ўтирдик. Шунда Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: эй Умар, бу сўроқлаб келган ким биласизми, деб, сўрадилар? Аллоҳ ва Росули билувчироқ дедим. Бу Жаброил сизларга динингиз ишларини ўргатиш учун келди, дедилар».

Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ таоло халойиқнинг тақдирини осмонлар ва ерни яратишдан эллик минг йил аввал ёзиб қўйди, ўшанда Аллоҳнинг Арши сув устида эди», дедилар.

Шарх:

Иймон устунларидан бири тақдирнинг яхши ва ёмонига иймон келтиришдир. Инсон ўзига етаётган зарар ёки фойда Аллоҳ тақдир қилгани учун етаётгани ва етмай қолган яхшилик ёки ёмонлик Аллоҳ азалда ёзиб қўйгани учун етмаганига тўлиқ иймон

келтирмагунича комил мўъмин бўла олмайди. Чунки Аллоҳ таоло ҳамма бўладиган ишларни азалдан билган ва лавҳул маҳфузга ёзган, вақти келганда унинг бўлишини ирода қилган.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Тақдир ҳақ, бўлаётган ҳамма ишлар Аллоҳнинг қазо ва қадари билан бўлади.

2- Тақдирга иймон келтириш ва таслим бўлиш вожибдир, чунки қадар иймон устунларининг биридир.

25 - дарс Аллоҳга таваккул қилиш

Аллоҳ таоло Талоқ сурасинг 3- оятида шундай дейди: **«Жим Аллоҳга тавваккул қилса, бас (Аллоҳ) Ўзи унга етарлидир».**

Тоғобун сурасинг 13- оятида эса **«Бас мўъминлар ёлғиз Аллоҳга таваккул қилсинлар – суянсинлар».** дейди.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Менга ўтган умматлар кўрсатилди. Бир пайғамбарни кўрдим у билан бир неча киши бор эди. Бир пайғамбарни кўрдим у билан битта ва икки киши бор эди. Бир пайғамбарни кўрдим у билан бирон киши йўқ эди. Тўсатдан менга катта жамоъат кўрсатилди, улар менинг

умматим бўлса керак деб ўйладим, менга бу Мусо алайҳис саломнинг қавми дейилди. Қараб тургандим жуда катта жамоа кўринди, менга мана шу сизнинг умматингиз улар ичидан етмиш минги борки улар жаннатга ҳисобсиз ва азобсиз кирадилар дейилди.» дедилар. Кейин ўринларидан туриб уйларига кириб кетдилар. Саҳобалар – жаннатга беҳисоб кирадиганлар ҳақида– баҳсга кириб кетишди. Баъзилар: Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳамсуҳбат бўлганлар (саҳобалар) бўлса керак деса, бошқалари: Улар Ислом келганидан кейин туғилиб, бирон ширк амалини қилмаганлар бўлса керак дейишди, шу зайлда бир қанча нарсани зикр қилдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйларида уларнинг ҳузурига қайтиб чиқдилар, улар ўзаро ўрталарида бўлган баҳсдан расулуллоҳни хабардор қилишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Улар ўзларига дам солишни бошқалардан талаб қилмайдиганлар, куйдириб даволанмайдиганлар, шумланмайдиган ва Роббиларига таваккул қиладиганлар».

Шарх:

Таваккул қалб ибодатларининг энг улуғидир. Таваккулнинг маъноси: қалб Аллоҳнинг ўзигагина суяниши ва шаръий сабабларни қилгандан кейин ишларнинг ҳаммасини Аллоҳнинг ўзига топшириш. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак: Таваккул

сабабларни тайёрлагандан кейин сабаблардан назарни узиш. Аллоҳ таоло Ўзига таваккул қилувчиларни кўп ўринларда мақтаган ва уларга улуғ мукофотларни ваъда қилган.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Таваккул манзилати улуғ, чунки таваккул улуғ ибодатлардан.
- 2- Таваккулни амалий бажариш, жаннатга ҳисоб китобсиз киришга сабаб бўлади.
- 3- Таваккул сабабларни қилиш билан бирга қилинади.

26 - дарс Салом бериш

Аллоҳ таоло Нур сурасининг 27- оятида шундай дейди: «Эй мўъминлар, ўз уйлариңиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизча кирмангиз».

61- оятида эса «Қачон уйларга кирсангизлар бир-бирларингизга Аллоҳ ҳузуридан бўлган муборак покиза саломни айтиңглар, (яъни “Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокотух денг)».

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Амр разиллоҳу анҳума шундай дейди: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан

- Ислом амалларининг қайсиниси яхши? деди.

- «Мискинларга таом беришингиз ва таниган ва танимаган одамга салом беришингиз», дедилар.

Муттафақун алайҳ бўлган бошқа бир ҳадисда Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳу шундай деди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни етти нарсага буюрдилар: беморни зиёрат қилиш, жанозаларга эргашиш, - агар биров аксирса ва “алхамдулиллаҳ” деса унга – “ярҳамукаллоҳ” дейиш, заифларга ёрдам бериш, мазлумларга кўмаклашиш, саломни ошкор қилиш ва қасамни оқлаш (яъни агар қасам ичса қасамини бажариш)», дедилар.

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Иймон келтирмагуниингизча жаннатга кирмайсизлар, бир-бирингизни яхши кўрмагуниингизча мўъмин бўлмайсизлар. Агар уни қилсангиз бир-бирингизни яхши кўриб қоладиган амалга сизларни йўллаб қўяйми?! Орангизда саломни фош яъни, ошкор қилинглр».

Шарҳ:

Саломлашиш Ислом умматининг шиорларидан бири. Аллох таоло саломлашишни мусулмонлар орасидаги кўришиш ва мусулмоннинг мусулмон биродари устидаги хақларнинг биттаси қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саломни одамлар орасида баланд овоз билан ошкор қилиш жаннатга олиб бориши ва мусулмонлар орасидаги муҳаббатга сабаб бўлишидан хабар бердилар. Бугунги кунда саломни ошкор қилишни қўйинг, салом беришнинг ўзи йўқолиб кетмоқда, берилса ҳам фақат танишларга берилади, бу ҳам суннатга хилоф бўлиб, қиёматнинг аломатларидан бири. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам таниган ва танимаганларга баробар салом беришга буюрганлар. Сахобалар одамларга салом бериб, ажр олиш учун атай бозорларга чиқишар эди.

Аллоҳ таоло ҳаммамизни бир-биримизга саломни ошкор қиладиган муҳаббатли мўминлардан қилсин.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Саломнинг фазли улуғдир, саломнинг асли Аллоҳнинг ҳузуридан бўлган муборак олқишдир.

2- Салом мўминларни жаннатга киришларига сабаб бўладиган муҳаббатга сабаб бўлади.

3- Салом таниган ва танимаган ҳамма мусулмонларга берилади.

27 - дарс Салом қандай берилади?

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ таоло Одам алайҳис саломни яратгач унга бор - ана у ўтирган бир жамоа фаришталарга - салом бер ва сенга нима жавоб беришларини эшит, ана шу сенинг ва зурриётларинг саломи деди. — Одам алайҳис салом фаришталарга бориб: "Ассаламу алайкум" деди. Фаришталар: "Ассаламу алайка ва роҳматуллоҳ" дейишди, улар “ва роҳматуллоҳ” ни зиёда қилишди», дедилар.

Имом Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган ҳадисда Имрон ибн Ҳусайн розияллоҳу анҳу шундай дейди: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга келиб: Ассаламу алайкум деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам алик олдилар, сўнгра у ўтирди. Расулуллоҳ: ўнта -яъни ўнта хасанот ёзилди- дедилар. Кейин бошқа одам келиб: Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга ҳам алик қайтариб "йигирмата" дедилар. Яна бошқа бир одам келиб: Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокаатуҳ деди, алик олганларидан кейин ўтирди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам "ўттизта"», дедилар.

Шарх:

Саломнинг ўзига хос лафзлари бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари бу лафзларни бизларга ўргатган. Биринчи салом Одам алайҳис салом билан фатишталар орасида бўлиб, Аллоҳ таоло ўша саломни Одам болаларига ато қилган. Бу лафз мусулмон киши салом берганида энг афзал суратида: "Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ" дейишидир. Агар қисқа қилиб: "Ассаламу алайкум" ёки "Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ" деса ҳам бўлади, лекин юқоридаги ҳадисда зикр қилинган ажрни тўлиқ олмайди. Саломга алик олиш ҳам худди шу суратда бўлади, лекин аликни саломдан зиёдароқ қилиш ҳам суннатдир, масалан биров "Ассаламу алайкум" деса, "ва алайкумус-салам ва роҳматуллоҳ" деса яхши бўлади ёки "ва баракатуҳ" ни ҳам қўшиб қўйса янада гўзал бўлади. Аллоҳ таоло ҳаммамизни суннатга мувофиқ салом беришга ва йўқолиб бораётган суннат амалларини тирилтиришга муваффақ қилсин.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1- Суннатга мувофиқ салом бериш "Ассаламу алайкум" дейиш. Маъноси жуда кенг бўлиб, қисқа таржимаси "Сиз мен томонимдан тинчлик, омонликдасиз" дегани. Аммо бугунги кунда

кўпчиликнинг “Ассому алейкум” деб бераётган саломининг маъноси “Сизга ўлим сўрайман” дегани.

2- Агар саломига “ва роҳматуллоҳ” ни қўшса ажри зиёда бўлади, “ва баракатуҳ” ни ҳам қўшса ажри тўлиқ бўлади.

3- Саломга алик олиш фарз, аликни қайтармаса гуноҳкор бўлади.

4- Алик олган киши унга қандай салом берилса шундай қилиб, қисқартмасдан жавобини қайтариши вожиб, зиёдаси билан қайтариш суннат, аммо саломга “хуш келибсиз”, “келинг”, “яхши келдингизми?” ва шунга ўхшаш калималар билан жавоб қайтариш жоиз эмас.

28 – дарс Салом бериш одобларидан (1)

Уйга кирганда салом бериш

Аллоҳ таоло Нур сурасининг 61- оятида шундай дейди: «Агар уйларга кирсангизлар бир-бирларингизга Аллоҳ ҳузуридан бўлган муборак покиза саломни айтинглар (яъни “Ассаламу алайкум денглар”»).

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Анас ибн Молик шундай деди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга:

Эй бола, агар уйингга кирсанг аҳлингга салом бер, сенга ва аҳли байтингга барака бўлади», дедилар.

Микдод ибн Амр розияллоху анху ривоят қилишича, Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам агар тунда уйга кирсалар, ухлаётганни уйғотиб юбормайдиган, уйғоқ одам эшитадиган қилиб берардилар. Имом Муслим ривояти.

Ёш болаларга салом бериш

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Анас розияллоху анху ёш болалар олдидан ўтди ва уларга салом бериб, Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам шундай қилар эди, деди.

Шарх:

Саломнинг мусулмон киши амал қилиши керак бўлган ўзига хос одоблари бор. Шу одоблардан; киши уйига кираётганда салом берса, уйига барака киради ва аҳли байти билан учрашуви муборак суннатга амал қилган ҳолда бўлади. Шунингдек катталар ёш болаларга салом бериши суннат, ёш болаларга салом беришингиз билан қалбингиздаги кибр йўқолиб, ўрнини тавозелик олади ҳамда саломлашиш одобини ёш болаларга ўргатган бўласиз.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1- Киши уйига салом бериб кириши суннат.

2- Уйда ҳеч ким бўлмаса ҳам салом бериб кирилади.

3- Катталар ёш болаларга салом бериши суннат.

29 – дарс Кофирларга биринчи бўлиб салом беришнинг ҳаромлиги

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Яҳуд ва насороларга саломни биринчи бўлиб берманглар, агар уларнинг биронтаси билан йўлда рўпара келиб қолсанглар, йўлнинг чеккасидан юришга мажбур қилинганлар», дедилар.

Анас розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар сизларга Аҳли китоблар салом берса “ва алайкум” деб кўйинглар», дедилар.

Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмон ва – бутга ибодат қиладиган - мушриклар аралаш бўлган бир мажлис ёнидан ўтдилар ва уларга салом бердилар. Имом Бухорий ва Муслим ривояти.

Шарҳ:

Салом мусулмонларнинг олқиши бўлиб, унда салом берилган одамга нисбатан хурматлаш бор. Шунинг учун кофирларга биринчи бўлиб салом берилмайди. Мабодо улар бизга биринчи салом беришса алик оламиз.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳунинг ҳадисидаги: «агар уларнинг биронтаси билан йўлда рўпара келиб қолсанглар, йўлнинг чеккасидан юришга мажбур қилинганлар» жумласи ҳақида имом Қуртубий шундай дедилар: "Бунинг маъноси: Уларни ҳурмат қилиб тор йўлнинг четига чиқманглар" дегани. Шундай дейилса бу жумла ҳадиснинг аввалидаги жумлага тўғри келади. Ҳадиснинг маъноси "Улар билан кенг йўлда тўғри келиб қолсанглар уларни йўлнинг чеккасига сиқиб чиқаринглар дегани эмас". Чунки бунда улар учун озор бор, биз уларга сабабсиз озор беришдан қайтарилганмиз".

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1- Кофирларга биринчи салом бериш ҳаром, агар бизга салом беришса “ва алайкум” деб қўямиз.

2- Агар мажлис мусулмон ва кофирлардан иборат бўлса уларнинг ҳаммасига салом берилади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Отлиқ пиёдага, пиёда юрган ўтирганга ва озчилик кўпчиликка салом беради», дедилар.

Имом Бухорий ривоятида: «Кичик каттага салом беради», дедилар.

Имом Абу Довуд ва Термизий Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одамлардан Аллоҳнинг раҳматига яқинроғи саломни биринчи бошлаган кишидир», дедилар.

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу – намозни ёмон ўқиган одам қиссасида - шундай дейди: Бир киши масжидга кириб намоз ўқиди, сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга келиб салом берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саломига алик қайтариб: «қайт, намозингни бошқа ўқи, сен намоз ўқимадинг» деди. У киши қайтиб яна намоз ўқиди, кейин келиб пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга салом берди. Мана шу ҳолат уч марта такрорланди.

Имом Абу Довуд Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Агар биронтангиз биродарига йўликса унга салом берсин — икковлари кетаётганида— ўрталарини дарахт, девор ёки харсангтош ажратса, сўнгра яна бирлашишса биродарига салом берсин».

Имом Абу Довуд ва Термизий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар биронтангиз мажлис устидан чиқиб қолса салом берсин. Агар мажлисда ўтиргиси келса ўтирсин, мажлисдан турса яна салом берсин. Биринчи салом иккинчи саломдан ҳақлироқ эмас-яъни иккала саломнинг ҳукми баробардир-», дедилар.

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларга таълим берган саломнинг суннат ва одобларидан баъзилари ушбулардир: Бирор нарсани миниб олган одам пиёда одамга, пиёда одам ўтирганга, тавозуъ бобидан ва биродарининг кўнглини хушлаш учун салоам беради. Озчилик кўпчиликка ва ёшлар катталарга ҳурматлаб салом беради. Агар икки мусулмон учрашиб қолса Аллоҳнинг раҳматига яқинроғи биринчи салом берганидир, чунки у яхшиликка интилувчиروқ эди. Мусулмон киши биродари билан

сўрашган бўлсаю, яна бироздан кейин учрашиб қолса қайта салом бериши мустаҳабдир, бунга юқоридаги учинчи ва тўртинчи ҳадислар далолат қилмоқда. Шунингдек бирон мажлисга келганда ва мажлисдан турганда салом бериш ҳам суннат.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Маркабдаги одам пиёдага, пиёда одам ўтирганга, озчилик кўпчиликка ва ёшлар катталарга салом беради.

2- Саломни аввал берган Аллоҳнинг раҳматига кейинги бергандан яқинроқ экани.

3- Икки мусулмон ўртасини бирор нарса ажратса, сўнгра яна бирлашишса биродарига салом беришнинг мустаҳаблиги.

31 - дарс Қўл бериб кўришишнинг мустаҳаблиги

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Қатода раҳимаҳуллох Анас розияллоҳу анҳуга:

— Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳоблари ўртасида қўл бериб кўриш бормиди?, деб сўради.

— Ҳа бор эди, деб жавоб берди.

Имом Абу Довуд Баро розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Икки

мусулмон учрашса ва қўл бериб кўришса ажралишларидан аввал гуноҳлари кечирилади», дедилар.

Шайх Албоний бу ҳадисни "ҳасан" деганлар.

Шарҳ:

Мусулмонлар орасидаги меҳр-муҳаббатни оширадиган нарсалардан бири учрашганда қўл бериб кўришиш. Бу амал саҳобалар - Аллоҳ улардан рози бўлсин - ўртасида бор эди. Баронинг ҳадисидаги "ажралишларидан аввал гуноҳлари кечирилади" жумласининг маъноси: баданлари билан ажралишларидан ёки қўлларини қўйиб юборишларидан аввал гуноҳлари кечирилади, деганидир.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

- 1- Қўл бериб кўришиш мустаҳаб.
- 2- Саҳобалар — Аллоҳ улардан рози бўлсин — қўл бериб кўришар эдилар.
- 3- Мусулмонлар учрашганда қўл бериб кўришиш улкан ажрли амалдир.

Аллоҳ таоло Ғофир сурасининг 60-оятида шундай деди: **«Роббингиз: “Менга дуо-илтижо қилинглар. Мен сизларга (қилган дуоларингизни) мустажоб қилурман” деди».**

Бақара сурасининг 186- оятида эса: **«Бандаларим Сиздан (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мен ҳақимда сўрасалар, Мен уларга яқинман. Менга дуо қилган пайтларида дуогўйларнинг дуосини ижобат қиламан», деди.**

Имом Абу Довуд ва Термизий Нўъмон ибн Башир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Дуо айни ибодатдир», дедилар.**

Имом Ҳоким Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ибодатларнинг афзали дуодир», дедилар.**

Шайх Албоний бу ҳадисни саҳих деди.

Имом Термизий Салмон ал-Форисий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Қазо-қадарни дуогина қайтаради, умрни эса фақат яхшилик узайтиради», дедилар.**

Шайх Албоний бу ҳадисни саҳих деди.

Имом Термизий Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ким Аллоҳга дуо қилиб сўрамаса, Аллоҳ унга ғазаб қилади», дедилар.

Шайх Албоний бу ҳадисни саҳиҳ деди.

Шарҳ:

Дуо Аллоҳ таолога қўл кўтариб, ҳокисор бўлиб, банда ўзининг ожиз ва фақирлигини изҳор қиладиган буюк ибодатдир. Банда дуо билан Роббисига боғланиб, ибодатнинг руҳи ва моҳиятини изҳор қилади, Роббисининг фазлу-карами ва раҳматини умид қилади. Дуодан холи бўлган бирон ибодат йўқ, шунинг учун ҳам дуо ибодатларнинг афзали бўлди. Аллоҳ таоло Ўзига ҳокисорлик билан, ўзининг эҳтиётижини изҳор қилиб, ялиниб-ёлвориб дуо қилган бандани яхши кўради ва унинг дуосини ижобат қилади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Дуонинг манзилати улуғдир, чунки Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дуони ибодат», дедилар.

2- Дуо ибодатларнинг афзали, чунки унда Аллоҳнинг зикри, кўрқув ва умид, Унгагина суюниш ва Унга бўлган эҳтиёжни изҳор қилиш бор.

3- Дуо ибодатдир, дуони Аллоҳдан бошқасига қилиш ҳаром, ким Аллоҳдан бошқага дуо қилса ширк амалини қилибди.

4- Аллоҳ таоло дуони қазо-қадарнинг ўзгаришига сабаб қилди, дуо ҳам қазо-қадардан.

5- Аллоҳ таолонинг марҳамати шунчалик кенгки, ўзидан дуо қилиб сўраган бандасини яхши кўради, сўрамаган бандасига ғазаб қилади.

33 - дарс Дуо одоблари

Аллоҳ таоло Закариё алайҳис-салом ҳақида Марям сурасининг 3- оятида шундай дейди: **«У Парвардигорига хуфёна дуо-илтижо қилди».**

Аъроф сурасининг 55- оятида эса: **«Парвардигорингизга тазарру билан ичингизда (махфий) илтижо қилингиз! Зотан, У ҳаддан ошувчи кимсаларни (яъни, риёкорлик ва Аллоҳга бошқасини шерик қилиб дуо қилувчиларни) суймас».**

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дедилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам

жавомиъул калим – пурмаъно сўзлар билан дуо қилишни яхши кўрар, ундай бўлмаганини ташлар эдилар.

Имом Муслим Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Фарзандларингиз ва молларингизни баддуо қилманглар, Аллоҳдан сўраладиган - дуо ижобат бўладиган бир соатга мувофиқ бўлиб қолманглар, натижада Аллоҳ дуойингизни қабул қилиб қўйса», дедилар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар биронангиз дуо қилса: Эй Аллоҳ агар хоҳласанг мени кечир, хоҳласанг ризқимни кенг қил демасин, балки дуода қатъий қилиб сўрасин, чунки Аллоҳ хоҳлаганини қилади. У зотни биров мажбурлай олмайди», дедилар.

Шарҳ:

Дуо улуғ ибодат бўлгани учун Аллоҳ таоло дуо қилувчини Ўзига, дуони эса ижобатга яқин қиладиган одоблари қўйди. Шунинг учун дуо қилувчи бу одобларга ҳарис бўлиши керак. Дуонинг одоблари мана булар: Дуо қилаётганда ҳокисорлик ва муҳтожликни изҳор қилиш, овозни кўтармаслик, пурмаъно

сўзларни танлаш. Мусулмон киши ўзини, бола чақасини ва мол-дунёсини баддуо қилмасин, мабодо у дуо қабул бўладиган вақтга тўғри келиб қолса, дуоси қабул бўлиб қолади-да, бахти қаро бўлади. Шунингдек дуодан беҳожат одамга ўхшаш “Эй Роббим хоҳласанг бер” демайди, балки дуосини қатъий қилиб, қаттиқ туриб сўрайди.

Бугунги дарсдан олинадиган фодалар:

1- Ҳокисорликка далолат қилгани учун дуода овозни қўтармасликнинг мустаҳаблиги.

2- Пурмаъно сўзлар билан дуо қилишнинг суннатлиги.

3- Одам ўзини, фарзандлари ва молу давлатини баддуо қилмаслиги.

4- Дуони қатъий қилишнинг вожиблиги, "агар хоҳласанг" деб дуо қилишнинг макруҳлиги.

5- Дуо одобларига риоя қилиш дуо қабул бўлишига сабаб бўлади.

34 - дарс Ғоибона дуо қилишнинг фазли

Аллоҳ таоло Ҳашр сурасининг 10-оятида шундай дейди:
«Улардан кейин (дунёга) келган зотлар айтадилар:

«Парвардигоро, Ўзинг бизларни ва бизлардан илгари иймон билан ўтган зотларни мағфират қилгин ва қалбларимизда иймон келтирган зотлар учун бирон ғилли-ғаш қилмагин. Парвардигоро, албатта Сен меҳрибон ва раҳмлидирсан»;

Иброҳим сурасининг 41- оятида Иброҳим алайҳис-салом ҳақида хабар бериб деди: **«Парвадигоро, ҳисоб-китоб қилинадиган (қиёмат) куни мени, ота-оанми ва барча мўминларни мағфират қил»;**

Нух сурасининг 28-оятида Нух алайҳис-салом ҳақида хабар бериб деди: **«Паргардигорим, Ўзинг мени, ота-онами, менинг уйимга мўмин ҳолда кирган кишиларни ва барча мўмину мўминаларни мағфират қилгин»;**

Муҳаммад сурасининг 19-оятида пайғамбаримизга хитоб қилиб деди: **«Ўз гуноҳингиз учун ҳамда мўмин-мўминалар (нинг гуноҳлари) учун мағфират сўранг».**

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абу Дардо розияллоҳу анҳу шундай дейди: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **«Қайси бир мусулмон ўзининг биродарига ғойбона**

дуо қилса, бир Фаришта: "ва лака бимисл" Сенга ҳам дуойинг мислича бўлсин деб туради», деганларини эшитдим.

Бошқа ривоятда эса: "Мусулмон кишининг ўз биродарига қилган ғойбона дуоси мустажоб дуодир. Унинг бош томонида муваккал бир фаришта бўлади, биродарининг ҳаққига ҳар дуо қилганида: Амин! "ва лака бимисл" деб туради», дедилар.

Шарх:

Ғойбона дуо қилиш дегани мусулмон киши мусулмон биродари ҳаққига орқаваротдан қилган дуосидир. Бу ўтган Пайғамбарлар ва солиҳ кишиларнинг яхши кўриб, қилиб келишган амалидир. Бу амал мусулмонлар жамиятида меҳр-муҳаббатни, қалбда эса ихлосни зиёда қилади. Бундан ташқари ғойбона дуо қилувчининг дуосига Фаришталар Омин, деб туришади. Бошқа ишларида ҳам бўлганидек ҳар бир мусулмонга боғланган, ҳайрли дуо қилганида Амин! "ва лака бимисл" деб турадиган фаришта бўлади.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1- Мусулмонларга ғойбона дуо қилишнинг фазли улуғ, бу амални Пайғамбарлар ва солиҳ бандалар қилишган.

2- Ғоибона дуода ихлос ва мўминларга муҳаббат мавжудлиги учун ва фариштанинг “Амин” деб туриши дуо ижобат бўлишига яқин бўлади.

35 - дарс Дуо ижобат бўладиган вақтлар

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Банданинг Роббисига энг яқин бўлган ҳолати саждада турганидадир, (саждада турганда) дуони кўпроқ қилинган», дедилар.

Имом Термизий Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Азон ва иқомат орасидаги дуо қайтарилмайди», дедилар.

Имом Абу Довуд Саҳл Ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Икки ҳолат борки ундаги дуо ҳеч қайтарилмайди – ёки камдан-кам қайтарилади- : Азондан кейинги дуо ва жанг майдонида икки тараф бир бирига киришиб кетганида», дедилар.

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

«Роббимиз Таборака ва Таоло ҳар кеча, кечанинг учинчи қисми қолганда Самоуд-дунёга тушиб: Ким менга дуо қилади дуосини ижобат қиламан, ким мендан сўрайди тилагини бераман, ким мендан мағфират сўрайди уни мағфират қиламан, дейди».

Шарҳ:

Дуо ижобат бўлиши умид қилинадиган хос вақтлар бор. Мусулмон киши бу вақтларни ғанимат билиб, фурсатни қўлдан кетказмай кўпроқ дуо қилишга ҳаракат қилмоғи керак. Бу вақтлар: мусулмон киши саждада турганида Роббисига энг яқин бўлган вақт. Саждада туриб кўпроқ дуо қилиш мустаҳаб, шунингдек азон билан иқомат орасидаги дуо қайтарилмайди, жанг майдонида уруш авжига чиқиб, қизиганда ҳам дуо қайтарилмайди. Ҳар кеча, туннинг охири қисмида Аллоҳ таоло Самоуд-дунёга тушиб дуоларни ижобат қилади. Бундан бошқа дуо ижобат бўладиган вақтлар ва ўринлар бор уларни ҳам билиб олишга ҳаракат қилинг.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Дуолар ижобат бўлиши умид қилинадиган хос вақтлар бор.
- 2- Мусулмон киши бу вақтларни ғанимат билиб кўпроқ дуо қилишга ҳаракат қилмоғи керак.

36 - дарс Дуо қабул бўлишидан тўсадиган нарсалар

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Банда, модомики гуноҳ бўладиган нарсалар ёки қариндошлик алоқаларини узиш билан дуо қилмас ва дуоси қабул бўлишига шошилмас экан унинг дуоси ижобат бўлаверади», дедилар.

Имом Термизий Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ер юзидаги қайси мусулмон Аллоҳга дуо қилса, модомики гуноҳ бўладиган нарсалар ёки қариндошлик алоқаларини узиш билан дуо қилмас экан, Аллоҳ унинг сўраганини беради ёки ундан (унга етиши мумкин бўлган) ёмонликдан дуоси миқдорича қайтаради», дедилар.

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Албатта Аллоҳ тойиб-покдир фақат пок нарсанигина қабул қилади. Аллоҳ таоло мўминларни пайғамбарларни буюрган нарсага буюрди, Аллоҳ таоло Мўминун сурасининг 51- оятида шундай деди: **«Эй Пайғамбарлар, ҳалол пок таомлардан енглар ва амали солих қилинглар»**. Бақара сурасининг 172- оятида эса: **«Эй мўминлар,**

сизларга ризқ қилиб берганимиз – покиза нарсалардан енглар». - оятини ўқиб ундан кейин бир кишини зикр қилдилар: Бу киши узоқ сафар қилади, соч соқоли тўзиган, уст боши чангга беланган, кўлини осмонга чўзиб: Эй Роббим, Эй Роббим деб дуо қилади, ҳолбуки, ёмоғи ҳаром, ичмоғи ҳаром, кийим боши ҳаром, ҳаром билан боқилган, унинг дуоси қандай ижобат бўлсин!», дедилар.

Имом Термизий Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Жоним кўлида бўлган Зотга қасамки, Ё сизлар яхши ишларга буюрасизлар ва ёмон ишлардан қайтарасизлар, ёки Аллоҳ таоло сизларнинг устингизга бир қаттиқ азоб тушуради-ки ундан кейин дуо қилсангизлар дуойингиз ижобат бўлмайди».

Шарҳ:

Дуо қабул бўлмаслигига сабаб бўладиган баъзи амаллар борки мусулмон киши дуоси қабул бўлиши учун бундай амаллардан четланиши керак. Лекин сўралган нарсанинг амалга ошмай қолиши дуонинг ижобат бўлмаганига далолат қилмайди. Балки ҳикмат ва илм эгаси бўлган Аллоҳ бандаларига нима фойдалироқ эканини билади, эҳтимол дуосини у учун Қиёмат кунига сақлаб қўяр, эҳтимол ундан дуоси миқдорича ёмонликни қайтарар. Демак,

мусулмон киши дуо қилсаю муроди ҳосил бўлмаса, дуойим ижобат бўлмабдида, деб ноумид бўлмаслиги керак экан.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Ҳаромдан еб ичиш дуо ижобат бўлишини тўсади.
- 2- Дуо ижобат бўлишига шошилиш дуо ижобат бўлишидан тўсади.
- 3- Гуноҳ билан ёки қариндош уруғлик ришталарини узишга қилинган дуо ижобат бўлмайди.
- 4- Яхшиликка буюрмаслик ва ёмонликдан қайтармаслик дуо ижобат бўлмаслигига сабаб бўлади.

37 - дарс Таҳорат аҳкомлари (1)

Имом Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳ анҳу шундай дейди: Бир киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга келиб:

- Ё Расулаллоҳ, биз денгизда юрамиз, ўзимиз билан озгина чучук сув оламиз. Агар у билан таҳорат олсак сувсиз қоламиз, денгиз суви билан таҳорат олсак бўладими? деди.

- Денгизнинг суви таҳур - яъни пок, ўлимтиги эса ҳалол», дедилар.

Имом Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган бошқа ҳадисда Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳу:

- Ё Расулаллоҳ Бузоа қудуғидан — бу қудуққа ҳайз латталари, сасиган нарсалар ва ит гўштлири тушарди — таҳорат олсак бўладими? деди.

- Сув таҳурдир, уни бирор нарса нажас қила олмайди», дедилар.

Шарх:

Уламолар сувни икки қисмга бўлишган: таҳур ва нажас. Ер юзидаги барча сув таҳурдир, қачонки унга нажас аралашиб унинг рангини, ҳидини ёки таъминини ўзгартирса, улардан биттасини ёки аксарини ўзгартирса сув нажас бўлади. Таҳур сувни ичиш, таҳорат ва ғусл қилишда ишлатса бўлади. Нажас сувни ичиб, у билан таҳорат ва ғусл қилиб бўлмайди. Агар сувга чой, хамир юқи ёки шунга ўхшаш пок нарсалар аралашса сувни таҳурлик сифатидан чиқармайди, бу сув ичишга, таҳоратга ва ғуслга тоза сув каби яроқлидир.

Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳунинг ҳадисидаги мана бу **"бу қудуққа ҳайз латталари, сасиган нарсалар ва ит гўштлири тушарди"** ибораси кишини ўйлантириб қўйиши мумкин. Мазкур ҳадиснинг шарҳида шайх Муҳаммад Шамсул Ҳақ айтади: "Одамлар ҳайз латталари, итларнинг гўштлири ва сасиган нарсаларни саҳрога, уйлариинг орқасига ташлашар эди.

Ёмғирнинг суви ўша нарсаларни оқизиб келиб қудуққа туширарди, чунки қудуқ сувнинг оқиш йўналиши узра эди. Ҳадиснинг маъноси саҳобалар ўша нарсаларни қудуққа ташлашарди дегани эмас. Чунки бу кофирлар ҳам қилмайдиган иш, уни қандай қилиб саҳобалар ўзларига эп кўрсинлар." (Авнул Маъбуд) Шох Валиюллоҳ Деҳлавий ушбу ҳадисни шарҳлар эканлар шундай дедилар: "Манбаъларга нажосат тегиши билан — агар уни чиқариб ташланса, модомики уларнинг биронта сифати ўзгармас ва тушган нажосат ўта кўп бўлмас экан нажас бўлиб қолмайди. Бузоа қудуғида нажосатлар қолиб кетарди деб қандай ўйлаш мумкин? Ҳолбуки одамзотга бундай нарсалардан четланиш одат бўлса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдек зот қандай қилиб бу қудуқдан сув ичадилар?! Балки нажосатлар бу қудуққа атайлаб одамлар томонидан ташланмас эди, худди замонамиздаги қудуқларга нарсалар тушиб кетгандек, уларни дарҳол олиб ташланади. (Тухфатул Аҳвазий)

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Сув ҳамиша покдир ҳаттоки унга нажосат тушган бўлса ҳам, фақат нажосат унинг таъми, ҳиди ёки рангини ўзгартирсагина у поклигини йўқотади.

2- Денгиз сувида - агарчи шўр бўлса ҳам - таҳорат олса бўлади.

38 - дарс Таҳорат аҳкомлари (2)

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар биронгангиз уйқусидан турса, қўлини уч марта ювмағунича сув идишга тикмасин, чунки у туни билан қўли қаерда бўлганини билмайди», дедилар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биронгангиз оқмайдиган сувга бавл қилиб, сўнгра унда ғусл қилмасин», дедилар. Муттафақун алайҳ.

Бошқа ривоятда эса: Биронгангиз жунуб ҳолатда оқмай турган сувда ғусл қилмасин», дедилар.

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Агар пашша биронгангизнинг идишига тушса пашшани тўлиқ ботириб, сўнгра олиб ташласин, чунки унинг бир қанотида касаллик иккинчисида эса даво бор».

Шарҳ:

Аввалги пайтларда сув оғзи катта идишларда турган ва улардан қўл билан сув олиб таҳорат қилинган. Шунинг учун кишининг қўлида нажосат асари бўлиш эҳтимоли бўлгани учун уни уч марта ювгандан кейин идишга солишга буюрилган. Ҳозирда ҳам шунга ўхшаш ҳолатларда ҳадисга кўра амал қилинади. Аммо обдаста ва сув жўмрақларидан таҳорат олинаётганда қўлни уч марта ювиб кейин таҳорат олиш шарт эмас.

Юқорида зикр қилинган ҳадислар сувни покиза сақлаш ва уни истеъмол қилиш одобларини ўргатади. Мусулмон киши сувни покиза сақлаш учун бу йўл-йўриқларга риоя қилмоғи керак.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1- Ҳар қандай ҳолатда, хусусан тунги уйқудан тургандан кейин қўлни уч марта ювмагунча бирон идишга тиқиб бўлмайди.

2- Сувга сийишдан ва оқмай турган сувда жанобатдан ғусл қилишдан қайтарилганмиз.

3- Пашша тушиб қолган таом ёки ичимлик нажас бўлмайди, балки пашша тушган нарса суюқ бўлса уни тўлиқ ботириб олиб ташланади, кейин истеъмол қилинаверади, қуюқ нарсадан ҳеч нарса қилмай, тўғри олиб ташланади.

Имом Абу Довуд Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар биронгангиз оёқ кийими билан нажосатни босиб олса, тупроқ уни тозалайди», дедилар. (Яъни тупроққа ишқалаш билан тозаланади.)

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Анас розияллоҳу анҳу шундай деди: Бир Аъробий келиб масжиднинг бир чеккасига бавл қилди (сийди). Одамлар уни жеркишганди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни қайтарди. У бавл қилиб бўлгач, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир челак сув олиб келишга буюрдилар ва сув ўша ерга қуйилди.

Имом Абу Довуд Абус Самҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Гўдак қизнинг бавли теккан нарса ювилади, ўғил боланикига эса сув сепилади», дедилар.

Имом Муслим Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар сизлардан биронгангизнинг идишига ит тегиб қўйса, етти марта ювишлик билан тоза бўлади, биринчисида тупроқ билан ювилади», дедилар.

Бошқа лафзда эса: Ичидаги нарсани тўкиб юборсин», дедилар.

Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу шундай дейди: Мендан кўп мазий келар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга куёв бўлганим учун У кишидан сўрашга уялиб, Миқдод ибн Асвадни сўраб беришга буюрдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Олатингни юв ва таҳорат ол», дедилар. Муттафақун алайҳ.

Шарҳ:

Шариатимиз баъзи нарсаларни уларнинг зарари, жирканчилиги ёки бундан бошқа Аллоҳнинг Ўзи биладиган ҳикматларга кўра нажас эканлигини баён қилди ва ундан покланиш йўл-йўригини ҳам ўргатди. Юқорида зикр қилинган ҳолатлар кундалик ҳаётда кўп учрайдиган аҳкомлар. Намоздан аввал покланиш унинг шартларидан биридир, Мусулмон киши ибодати ноқис бўлмаслиги учун бу аҳкомларни ўрганмоғи вожиб.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

- 1- Инсоннинг сийдиги ва ахлати нажас.
- 2- Аслида нажосотларни кеткизадиган нарса сувдир, лекин оёк кийимларни тупроққа ишқалаш билан кифояланади.

3- Онасининг сути билангина озиқланадиган ўғил боланинг бавли агар кийимларга тегиб қолса, устига сув сепиш билан, қиз боланики ювиш билан покиза бўлади.

4- Итнинг сўлаги нажас бўлиб, ит теккан нарсани етти марта, биринчисида тупроқ билан ювиш вожиб.

5- Мазий нажас бўлиб, у теккан ўринга сув сепиш билан покланади.

40 - дарс Қоннинг ҳукми

Аллоҳ таоло Анъом сурасининг 145- оятида шундай дейди: **«Айтинг: Менга ваҳий қилинган Қуръонда ейдиган киши учун харом қилинган нарсани кўрмайман. Магар ўлакка ё тўкилган қон, ёки тўнғиз гўшти бўлса, — чунки у харомдир».**

Асмо бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳумо ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам кийимга теккан ҳайз қони ҳақида шундай дедилар: «(Қотиб қолган қонни) уқалайди, кейин сув билан ишқаб ювади, сўнгра кийимнинг ҳаммасини ювади, кейин шу кийим билан намоз ўқийверади.

Имом Ахмад Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Бизга икки ўлакса ва икки қон ҳалол қилинди, ўлакса: чигиритка ва балиқ, қон эса: жигар ва талоқ», дедилар.

Шарҳ:

Қон аслида ҳаром бўлиб, санокли ўринлардагина ҳалолдир. Муслмон киши бу аҳкомларни ҳам билиши керак.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Жонлиқ сўйилганда отилиб чиққан қон нажас, аммо гўштда қолиб кетгани тоза.

2- Ҳайз қони нажас.

3- Балиқнинг қони тоза.

41 - дарс Идишлар

Имом Муслим Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Тери агар ошланса, покиза бўлади», дедилар.

Имрон ибн Хусайн розияллоҳу анҳу шундай дейди: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва асҳоблари бир мушрика аёлнинг мешидан таҳорат олишди. Муттафақун алайҳ.

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Саълаба ал-Хушаний розияллоҳу анҳу:

- Ё Расулаллоҳ, биз аҳли китоблар диёрида яшаймиз, уларнинг идишларида овқат есак бўладими? деди.

- «Агар бошқа идиш топсанглар, уларнинг идишларида овқат еманглар, агар бошқасини топмасанглар уларни ювиб, сўнгра уларда овқат еяверинглар», дедилар.

Шарҳ:

Аллоҳ таоло ўзининг раҳмати билан териларни ошланиши билан покиза бўладиган қилди ва мушрикларнинг идишларини, ундан бошқаси топилмаса ва нажосатдан тоза бўлса, ишлатишга рухсат берди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Ҳалол ҳайвонларнинг териси ошланиши билан покиза бўлади.

2- Мушрикларнинг идишларидан таҳорат олиш ва овқат ейиш жоиз, агар идиш нажасдан холи бўлса.

42 - дарс Таҳоратга тегишли масалалар

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо маний ҳақида шундай дедилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кийимига теккан манийни уқалаб ташлар эдим, кейин шу кийимларида намоз ўқир эдилар.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Маймуна онамиздан қолган сув билан ғусл қилар эдилар.

Имом Абу Довуд ва Термизий Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мушук ҳақида: Мушук нажас эмас, у олдингизга кириб-чиқиб турувчи -махлуқ- дедилар. Имом Термизий ҳадисни ҳасан, саҳих, деганлар.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Анас розияллоҳу анҳу шундай дейди: Укал ёки Урайна диёридан бир гуруҳ кишилар келди. Мадинанинг ҳавоси уларга ёқмай касал бўлиб қолишди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга туяларнинг сүтини сийдигига аралаштириб ичишларига буюрдилар.

Шарҳ:

Шариатимизнинг бизга берган енгилликларидан яна бири, сақланиши қийин бўлган ёки кўп ҳожат тушадиган нарсаларни мубоҳ қилиб қўйишидир. Юқорида зикр қилинган ҳадислар шу жумладан.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Одамнинг манийси пок бўлиб, агар кийимга теккан бўлса уни уқалаб ташлаш кифоя.

2- Аёл кишидан қолган сув билан ғусл қилиш жоиз.

3- Мушук теккан сув покдир. Чунки у хонаки ҳайвонлардан. Эшак теккан сувнинг ҳукми ҳам шу кабидир.

4- Гўшти ейиладиган ҳайвонларнинг сийдиги, тезаги ва сўлаги пок.

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Анас розияллоҳу анҳу шундай деди: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам халога кирмоқчи бўлсалар: {اللهم إني أعوذ بك من الخبث و الخبائث}

“Аллоҳумма иннии аъзузу бика минал хубси вал хобаиси” дер эдилар. Маъноси: “Эй Аллоҳ, мен сендан эркак ва урғочи жинларнинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман”.

Имом Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам агар халодан чиқсалар: “Ғуфронака” дер эдилар. Маъноси "мағфиратингни сўрайман" дегани.

Абу Айюб ал-Ансорий розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар қазои ҳожат учун чиқсанглар қиблага қараб ўтирманглар, орқангларни ҳам – қиблага – қилманглар, лекин шарқ ёки ғарбга қаратинглар дедилар.

*Изоҳ: ҳадисдаги шарқ ва ғарбдан мурод Мадина шаҳри ва қибласи Мадинаникига ўхшаш бўлган диёрларга нисбатан айтилган. Аммо қибласи (бизнинг юртлар каби) шарқ ёки ғарб томонда бўлганлар жануб ёки шимол томонга юзланишлари керак.

Мутафақун алайҳ бўлган ҳадисда Ибн Умар розияллоху анҳумо шундай дейди: Бир куни бир иш билан –синглим - Хафсанинг уйига киргандим Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шом томонга қараб, орқасини Каъбага қилиб қазои ҳожат қилаётганини кўрдим.

Шарҳ:

Ислом Буюк дин бўлиб, у мусулмоннинг ҳаётидаги каттаю кичик, ҳамма ишларни тартиблайди, унга дунё ва охирада фойдали бўлган одобларни беради. Шу одоблардан бири қазои ҳожат одобидир. Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам мусулмон риоя қилиши керак бўлган, қазои ҳожат учун суннат бўлган одобларни таълим бердилар. Улар мана булардир: ҳожатхонага киришдан аввал — уларнинг макони бўлгани учун — жинлар ва уларнинг ёмонлигидан паноҳ сўраш, чап оёқ билан кириш, ҳожатхонадан чиқаётганда ўнг оёқ билан чиқиш ва мағфират талаб қилишдир. Мағфират сўрашнинг ҳикмати, озиқ-овқат топиш йўлларини қулай қилиш, унинг фойдасини баданда қолдириб, зарарини осонлик билан чиқариб юборишдек улуғ неъматнинг шукрини адо қилишга ожиз эканлигидан мағфират сўралади.

Қибла мусулмонлар ибодатларида юзланадиган тараф бўлгани учун унинг ўзига хос ҳурмати бор. Шунинг учун қиблага қараб

қазои ҳожат қилишдан қайтарилганмиз. Юқорида зикр қилинган икки ҳадисни уламолар жамлашиб, очик, дала жойларда қиблага қараб ҳам орқасини қилиб ҳам ўтиришдан қайтарилган, аммо берк ўринлар (ҳожатхона)да қиблага орқасини қилса бўлади дейишган.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Ҳожатхонага киришдан аввал маъсур дуони ўқиш суннат.
- 2- Халодан чиқишда “Ғуфронака” дейиш суннат.
- 3- Қазои ҳожатда олди ёки орқа билан қиблага қараб ўтиришдан қайтарилган.

44 - дарс Қазои ҳожат одоби (2)

Имом Муслим ва Абу Довуд Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

-Икки лаънатга сабаб бўлувчи нарсадан эҳтиёт бўлинглар дедилар. Саҳобалар:

-Икки лаънатга сабаб бўлувчи нарса нима? дейишди.

-Одамларнинг йўлларига ёки салқинлайдиган жойларига қазои ҳожат қилишдир», дедилар.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам оқмайдиган сувга сийишдан қайтарганлар, деди.

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Муғийра ибн Шўъба розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга обдастани олинг дедида, мендан узоқлашиб, кўринмайдиган жойга бориб қазои ҳожат қилдилар.

Шарҳ:

Ислом дини мусулмонлар азиятига сабаб бўладиган ҳар бир ишдан қайтаради. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамлар юрадиган йўлларга, дам оладиган салқинларга ва фойдаланадиган сувларга қазои ҳожат қилишдан қайтардилар. Мусулмон киши олий хулқ эгаси, шунинг учун ҳам одамлар олдида ҳожатини бажармайди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Одамларнинг йўлларига, соябонларига ёки сувларига бавл қилиш ҳаром.

2- Авратни тўсиш ва одамларга кўрсатмаслик вожиб.

45 - дарс Қазои ҳожат одоби (3)

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Салмон Форисийга (мушриклардан бири деди:) Пайғамбаринглар ҳамма нарсани ҳатто қазои ҳожатда ўтиришни ҳам ўргатганми? Салмон Форисий: Ҳа албатта, катта бўлсин, кичик бўлсин ҳожатни бажараётганда қиблага юзланишдан, ўнг қўл билан покланишдан, покланишда учтадан кам кесак-тош ишлатишдан ва тезак ёки суяк билан покланишдан қайтарганлар, деди.

Имом Муслим Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар биронгангиз покланса кесак-тошни тоқ ишлатсин», дедилар.

Абу Қатода розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар биронгангиз бавл қилса ўнг қўли билан олатини ушламасин, ўнг қўли билан истинжо қилмасин ва сув ичаётганда идиш ичига нафас чиқармасин», дедилар.

Имом Термизий, Насоий ва Абу Довуд Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи ва саллам: «Тезак ва суяк билан истинжо қилманглар, чунки у биродаринглар жинларнинг озуқаси», дедилар.

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қазои ҳожат қилаётганда ўнг қўлни ишлатишдан, ўнг қўл билан истинжо қилишдан, нажосатни кетказишда учтадан кам кесак ёки қоғоз ишлатишдан қайтардилар, агар учтадан кўп ишлатса, тоқ қилишга буюрдилар, шунингдек покланишда тезак ёки суяк ишлатишдан қайтардилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Ўнг қўл билан олатни ушлашдан ва ўнг қўл билан истинжо қилишдан қайтарилган.

2- Истинжода камида учта тоза кесак ёки қоғоз ишлатиш мустаҳаб.

3- Истинжони тоқ қилиш (уч, беш ва етти) мустаҳаб.

4- Тезак ёки суяк билан истинжо қилиш ҳаром. Чунки улар жинлар ва уларнинг ҳайвонларининг таоми.

46 - дарс Таҳоратнинг фазли

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Таҳорати бузилган одам янги таҳорат олмагунича намози қабул бўлмайди деди.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган бошқа муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Умматим қиёмат куни таҳоратнинг асаридан қашқали-аломатли ҳолда чақирилади, ким аломатини узайтира олса узайтирсин», дедилар.

Имом Муслим Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким таҳорат олса ва таҳоратини мукаммал қилса, жасадидан хатолари чиқади, токи уларнинг охири тирноқлари остидан чиқиб кетади», дедилар.

Яна имом Муслим Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда, у зот таҳорат олдиларда: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мана шундай таҳорат олганларини кўрдим, сўнгра шундай деганларини эшитдим: «Ким мана шундай таҳорат қилса, ўтган гуноҳлари кечирилади. Намози ва масжидга бориши эса нафл бўлади».

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

-Сизларни Аллоҳ таоло у сабабли гуноҳларни кечирадиган ва даражотларни кўтарадиган нарсага йўллаб қўяйми?», дедилар.

Саҳобалар:

-Бале ё Русулуллоҳ, дейишди.

-Машаққат билан бўлса ҳам таҳоратни комил олиш, масжидларга узоқ юриб бориш ва бир намоздан кейин иккинчи намозни кутиш, мана шу ҳақиқий риботдир, мана шу ҳақиқий риботдир », дедилар.

Шарҳ:

Таҳорат намознинг муқаддимаси, мўъминнинг ташқи ва ички покланиши бўлган буюк ибодатдир. Аллоҳ таоло доим таҳоратли юрган одамларга улуғ мукофотларни ваъда қилган. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг ҳадисида келган "Машаққат билан бўлса ҳам таҳоратни комил олиш" жумласининг маъноси, қаттиқ совуқда иссиқ сувсиз, жазирама иссиқда совуқ сувсиз, сув ишлатиш машаққат бўладиган касаллик ҳолатида, сув танқислигидан қиммат нарҳга сув сотиб олиб, уч мартадан аъзоларни ювиш билан таҳоратни комил олишдир. "Мана шу ҳақиқий риботдир" дегани

эса, рибот деб душман келиб қолиш хатари бўлган томонда оти билан қўриқчилик қилишга айтилади, жиҳодга ҳам рибот дейилади. Имом Нававий бу ҳадиснинг шарҳида: "Риботнинг асли бир нарсага боғланиш, гўёки у ўзини мана шу (ҳадисда зикр қилинган) тоатларга боғляпти", деганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Таҳорат гуноҳлар кечирилишига сабаб бўладиган улуғ ибодат.

2- Намоз таҳоратсиз қабул бўлмайди, магар узрли ҳолатларда узурига қараб таяммум қилади.

47 - дарс Таҳоратнинг сифати

Аллоҳ таоло Моида сурасининг 6- оятида шундай дейди: «Эй мўминлар, намозга турганингизда юзларингизни ҳамда қўлларингизни чиғаноқларингизгача ювинглар, бошларингизга масҳ тортинглар (яъни намланган қўлларингиз билан силангиз) ва оёқларингизни ошиқларигача ювинглар».

Абу Ҳурайра розияллоху анху ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Агар биронгангиз уйқусидан турса, қўлини уч марта ювмагунича сув

идишга тикмасин, чунки у тунни билан қўли қаерда бўлганини билмайди», дедилар.

Муттафақун алайҳ бўлган бошқа ҳадисда Усмон розияллоҳу анҳу обдастани олиб, икки кафтини уч марта ювди, сўнгра оғзини-уч марта- чайқади ва бурнига-уч марта- сув олиб бурнини қоқди, кейин юзини уч марта ювди, кейин ўнг қўлини чиғаноғигача уч марта ва чап қўлини ҳам чиғаноғигача уч марта ювди, кейин бошига масҳ тортиб, ўнг оёғини сўнг чап оёғини тўпиғигача уч марта ювди, сўнгра мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мана шундай таҳорат олганларини кўрганман деди.

Муттафақун алайҳ бўлган яна бир ҳадисда Абдуллоҳ ибн Зайд асҳобларига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таҳоратларини олиб кўрсатди: Икки қўлига тоғорадан сув қуйиб уч марта ювди, сўнгра тоғорага қўлини солиб уч марта сув олиб оғзини ва бурнини уч марта чайиди, кейин яна сув олиб юзинини уч марта ювди, кейин икки қўлини чиғаноғигача икки марта ювди, кейин қўлини сувга ботириб олиб, қўлларини бошининг олдидан орқасига, орқасидан олдига бир марта юргизиб суртиш билан бошига масҳ тортди, кейин оёғини тўпиғигача ювди.

Имом Бухорий роҳимаҳуллоҳ айтадилар: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳоратнинг фарзи бир мартадан ювиш эканини баён қилдилар, Ўзлари икки ва уч мартадан ювиб таҳорат олдилар, бироқ уч мартадан оширмадилар. Аҳли илмлар таҳоратда исроф қилишни ва пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг феълларидан оширишни қарих кўрдилар.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда ибн Аббос деди: "Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир марта, бир марта (дан аъзоларини ювиб) таҳорат олдилар".

Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Зайддан ривоят қилади, Абдуллоҳ деди: "Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки марта, икки марта (дан аъзоларини ювиб) таҳорат олдилар".

Шарҳ:

Саҳобалар - Аллоҳ улардан рози бўлсин - Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таҳоратларини омонат ва диққат билан бизга нақл қилишди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйқусидан турган киши қўлини уч марта ювмагунча идишга тиқишдан қайтарганлар. Таҳорат аъзоларини бир мартадан ювиш фарз, икки ва уч мартадан ювиш суннат, ундан ошириш эса бидъат.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Уйқудан турган одам қўлини уч марта ювмагунича қўлини сув идишга тиқишдан қайтарилган.

2- Мусулмон киши динидаги ҳамма нарсада Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашади, шу жумладан таҳорат қилишда ҳам.

3- Истинжо таҳоратдан эмас, яъни таҳорат олмоқчи бўлган киши истинжо қилиши шарт эмас.

4- Таҳоратда аъзоларни бир марта ювиш фарз, икки ва уч марта ювиш суннат, бошга эса бир мартагина масҳ тортилади.

48 - дарс Таҳоратнинг суннатлари

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам оёқ кийимни кийишда, соч тарашда балки ҳамма ҳолатида ўнг томондан бошлашни яхши кўрар эдилар, дейди.

Имом Аҳмад Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар

умматимга машаққат бўлмаганида ҳар таҳоратда мисвак ишлатишга буюрар эдим», дедилар.

Имом Муслим ва Термизий Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қайси биринглар таҳоратни комил олиб, сўнгра: {أشهد أن لا إله إلا الله وحده لا شريك له و أشهد أن محمد عبده و رسوله}

“Ашҳаду ал-ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳ” деса Жаннатнинг саккизта эшиги очилиб, хоҳлаганидан киради», дедилар.

Маъноси: Шериғи йўқ, Яғона Аллоҳдан бошқа ибодат қилишга ҳақли илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг бандаси ва элчиси деб гувоҳлик бераман.

Имом Термизийда эса:

{اللهم اجعني من التوابين و اجعني من المتطهرين}

“Аллоҳуммаж-ъални минат-таввабийна важ-ъални минал мутатоҳҳирийн” деган зиёдаси бор.

Маъноси: “Эй Аллоҳ, мени тавба қилувчи ва покланувчи бандаларингдан қил”

Шарҳ:

Таҳорат комил бўлиши учун унинг суннатларини ҳам тўлиқ бажариш керак. Таҳоратнинг суннатларидан: ҳамма аъзоларни ўнг томондан бошлаш, аъзоларни икки ёки уч мартадан ювиш, таҳорат асносида ёки кейин мисвак ишлатиш ва таҳоратдан кейин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўргатган дуони ўқиш. Таҳоратдаги бошқа суннат амалларнинг батафсил баёнини фикҳ китоблардан топасиз.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

- 1- Таҳоратни ўнг томондан бошлаш суннат.
- 2- Таҳоратдан аввал мисвак ишлатиш ҳам суннат.
- 3- Таҳоратдан кейин маъсур дуони ўқиш суннат.

49 - дарс Таяммум

Аллоҳ таоло Нисо сурасининг 43 - оятида шундай дейди: «...сув топа олмасангиз, покиза тупроқни қасд қилинглр ҳамда ундан юз ва қўлларингизга суртинглар.»

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мендан аввалги Пайғамбарларнинг биронтасига берилмаган бешта нарса менга берилди: Бир ойлик масофадан

туриб-душманларни-қўрқув олиши билан менга зафар берилди ва менга Ер масжид ва таҳур-покловчи қилинди. Умматимдан қайси одам қаерда бўлмасин намоз вақти бўлиб қолса, намозини ўқиб олаверади...», дедилар.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мени иш билан бир жойга юбордилар. Жунуб бўлиб қолиб, ғусл қилгани сув топмай, ҳудди ҳайвонлар тупроққа ағанагандай ағанадим. Қайтганимдан кейин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга қилган ишимни айтдим. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мана бундай қилиб қўйишинг кифоя қилар эди деб: икки қўлини тупроққа бир уриб, чап қўли билан ўнг қўлини, ўнг қўли билан чап қўлини ва икки қўли билан юзини силадилар.

Шарҳ:

Ислом дини ҳараж ва машаққатни кўтарадиган қулай диндир. Агар мусулмон киши сув топа олмаса ёки сув ишлатиш касаллиги ёки жароҳати бўлгани учун унга зарар қиладиган бўлса ёки сув билан унинг орасида душман ё йиртқич ҳайвон бўлса, таҳорат ўрнига таяммум қилади. Таяммумнинг сифати ҳақида уламолар ихтилоф қилишган. Юқорида зикр қилинган ҳадисни жумҳур уламолар далил қилишиб таяммум учун қўл тупроққа бир марта

урилади дейишган. Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳнинг мазҳабларида қўл икки марта урилади. Таяммум ҳақидаги масалалар фикҳ китобларида батафсил берилган.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1- Юқорида зикр қилинган ҳолатларда таяммум қилинади.

2- Ислом енгил диндир.

50 – дарс. Таҳоратни синдирадиган нарсалар

عَنْ صَفْوَانَ بْنِ عَسَّالٍ قَالَ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْمُرُنَا إِذَا كُنَّا سَفَرًا أَوْ مُسَافِرِينَ أَنْ لَا نَنْزِعَ خِفَافَنَا ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ وَلَيَالِيَهُنَّ إِلَّا مِنْ جَنَابَةٍ لَكِنْ مِنْ غَائِطٍ وَبَوْلٍ وَنَوْمٍ (رواه الترمذي).

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Сафвон ибн Ассол розияллоҳу анҳу шундай дейди: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам, агар сафарда бўлсак, уч кеча-кундуз маҳсимизни ечмас(дан масҳ тортиш)га буюрар эди, фақатгина жунуб ҳолатда (ғусл учун маҳсини ечар), лекин катта ва кичик қазои ҳожат ҳамда уйқу учун (ечмай масҳ тортар эдик.)

عَنْ سَعِيدٍ وَعَبَّادِ بْنِ تَمِيمٍ عَنْ عَمِّهِ شُكَيْبِ بْنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الرَّجُلُ يُخَيَّلُ إِلَيْهِ أَنَّهُ يَجِدُ الشَّيْءَ فِي الصَّلَاةِ قَالَ لَا يَنْصَرِفُ حَتَّى يَسْمَعَ صَوْتًا أَوْ يَجِدَ رِيحًا (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Зайд розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан:

- «Намози ичида таҳорати бузилганга ўхшаб хаёлланган одам нима қилади?» деб сўради.

- «Товушини эшитмагунича ёки ҳидини сезмагунича намозидан чиқмайди», дедилар.

عن علي بن أبي طالب رضي الله عنه قال: "كُنْتُ رَجُلًا مَذَّاءً فَاسْتَحْيَيْتُ أَنْ أَسْأَلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِمَكَانِ ابْنَتِهِ مِنِّي فَأَمَرْتُ الْمُقَدَّادَ بْنَ الْأَسْوَدِ فَسَأَلَهُ، فَقَالَ: اغْسِلْ ذَكَرَكَ وَتَوَضَّأْ (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху шундай дейди: Мен сермазий одам эдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга куёв бўлганим учун У кишидан сўрашга уялиб, Миқдод ибн Асвадни сўраб беришга буюрдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Олатингни юв ва таҳорат ол» дедилар.

Шарх:

Мазкур ҳадисларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳоратни синдирадиган амалларнинг хабарини берганлар. Юқорида зикр қилинган амалларнинг биронтаси таҳоратли одамда содир бўлса, у таҳорат билан қилиниши лозим бўлган амаллар олдидан янги таҳорат олиши лозим бўлади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

Қуйидагилар таҳоратни бузадиган амаллардандир:

*Оғир ухлаш таҳоратни синдиради, бу ҳукмга хушидан кетган ва ақлини йўқотганлар ҳам киради;

*Икки йўлдан чиққан – катта ва кичик қазои ҳожат, ел, қон, мазий каби нарсалар таҳоратни синдиради.

51 – дарс. Ғусл вожиб бўладиган амаллар

Аллоҳ таоло «Моида» сурасининг 6-оятида шундай дейди:

وَإِنْ كُنْتُمْ جُنُبًا فَاطَّهَّرُوا

«Агар жунуб бўлсаларингиз, чўмилингиз!»

«Бақара» сурасининг 222 - оятида эса:

وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الْمَحِيضِ قُلْ هُوَ أَدْنَىٰ فَاغْتَزِلُوا فِي النِّسَاءِ فِي الْمَحِيضِ وَلَا تَقْرَبُوهُنَّ حَتَّىٰ يَطْهَرْنَ فَإِذَا تَطَهَّرْنَ فَأْتُوهُنَّ مِنْ حَيْثُ أَمَرَكُمُ اللَّهُ

«Сиздан ҳайз ҳақида сўрайдилар. Айтинг: У кўнгилсизнопок нарсадир. Бас, ҳайз пайтида аёлларингиздан четланингиз ва то (ҳайздан) тозаланмагунларича уларга яқинлашмангиз! (Ғусл қилиб) покланганларидан кейин уларга Аллоҳ буюрган тарафдан келингиз.»

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا جَلَسَ بَيْنَ شُعْبَيْهَا الْأَرْبَعِ ثُمَّ جَهَدَهَا فَقَدْ وَجَبَ الْغَسْلُ (متفق عليه). زاد مسلم: "وَإِنْ لَمْ يُنْزَلْ" وفي رواية: "وَمَسَّ الْخِتَانُ الْخِتَانَ".

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар киши аёлининг икки оёғи орасига ўтириб ҳаракат қилса, ғусл вожиб бўлади», дедилар.

Имом Муслим ривоятида эса “агарчи маний тўкмаган бўлса ҳам” деган қўшимча бор.

Бошқа ривоятда эса “ва икки жинсий аъзо бир-бирига қўшилса” деганлар.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: "إِذَا أَقْبَلْتَ الْحَيْضَةَ فَدَعِيَ الصَّلَاةَ، وَإِذَا أَدْبَرْتَ فَأَغْتَسِلِي وَصَلِّي" (رواه البخاري).

Имом Бухорий Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар ҳайз келса намоз ўқиманг, кетганидан сўнг ғусл қилиб, намоз ўқинг», дедилар.

عن علي بن أبي طالب رضي الله عنه قال: "كُنْتُ رَجُلًا مَدَّاءً فَاسْتَحْيَيْتُ أَنْ أَسْأَلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِمَكَانِ ابْنَتِهِ مِنِّي فَأَمَرْتُ الْمِقْدَادَ بْنَ الْأَسْوَدِ فَسَأَلَهُ، فَقَالَ: اغْسِلْ ذَكَرَكَ وَتَوَضَّأْ (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу шундай дейдилар: Мен сермазий одам эдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга куёв бўлганим учун У кишидан сўрашга уялиб, Микдод ибн Асвадни сўраб беришга

буюрдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Олатингни юв ва таҳорат ол» дедилар.

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлига яқинлашган одамни – гарчи маний тўкмаган бўлса ҳам – ғусл қилишга буюрган, шунингдек ҳайз ёки нифос кўрган аёл ҳам покланганидан кейин ғусл қилиши лозим.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Аёлига яқинлик қилган одам маний тўкмаган бўлса ҳам ғусл қилиши лозим.

2- Тушида эҳтилом бўлиб, уйғонгач, баданида ё либосида ҳўллик асарини кўрган одам ғусл қилади.

3- Мазий чиқса ғусл вожиб бўлмайди, балки олатни ювиш ва таҳорат қилиш кифоя қилади.

4- Ҳайз ёки нифос кўрган аёл тозаланганидан кейин ғусл қилиши шарт.

52 – дарс. Жунуб кишига тегишли масалалар

عن أبي سعيد الخدري رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "إذا أتى أَحَدُكُمْ أَهْلُهُ ثُمَّ أَرَادَ أَنْ يَعُودَ، فَلْيَتَوَضَّأْ بَيْنَهُمَا وُضُوءًا" (رواه مسلم)

Имом Муслим Абу Саъид ал-Худрийдан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар биронтангиз аёлига яқинлашса, кейин яна яқинлашмоқчи бўлса, ўртада таҳорат олсин», дедилар.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ أَنَّ عُمَرَ بْنَ الْخَطَّابِ سَأَلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَيْرُقْدُ أَحَدُنَا وَهُوَ جُنْبٌ قَالَ نَعَمْ إِذَا تَوَضَّأَ أَحَدُكُمْ فَلَيْرُقْدُ وَهُوَ جُنْبٌ (متفق عليه)

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Умар розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан:

- Бирортамиз жунуб ҳолатда ухласа бўладими?- деб сўради.

- Ҳа, таҳорат олган бўлса, жунуб ҳолида ухлайверсин», дедилар.

عَنْ عَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُقْرِنُنَا الْقُرْآنَ عَلَى كُلِّ حَالٍ مَا لَمْ يَكُنْ جُنْبًا (رواه الترمذي)

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Али розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга жунубликдан бошқа ҳамма ҳолатларида Қуръонни таълим бераверар эдилар.

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аҳлига яқинлашиб, кейин яна яқинлашмоқчи бўлган кишини орада бир таҳорат олишга буюрганлар, зеро бу билан инсонга яна куч-қувват, тетиклик қайтади, покланади ва бу амалда биз билмаган яна қанча ҳикматлар бор.

Шунингдек, Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жунуб ҳолида ухламоқчи бўлган кишини аввал таҳорат олиб, кейин ухлашга йўллаганлар. Жунуб киши то ғусл қилмагунича Қуръонни ҳам ушламайди, ёддан ҳам ўқимайди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Аҳлига яқинлашиб, ғусл қилишдан аввал яна яқинлашмоқчи бўлган киши таҳорат олиб, кейин яқинлашиши суннатдир.

2- Киши жунуб ҳолатида ухламоқчи бўлса, таҳорат олиб, кейин ухлаши суннатдир.

3- Жунуб одам ғусл қилмасидан туриб Қуръон ўқиши харомдир.

53 – дарс. Ғуслнинг сифати ва суннатлари ҳақида

Аллоҳ таоло «Моида» сурасининг 6-оятида шундай дейди:

وَإِنْ كُنْتُمْ جُنُبًا فَاطَّهَّرُوا

«Агар жунуб бўлсаларингиз, чўмилингиз!»

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا اغْتَسَلَ مِنَ الْجَنَابَةِ يَبْدَأُ فَيَغْسِلُ يَدَيْهِ ثُمَّ يَفْرِغُ بِيَمِينِهِ عَلَى شِمَالِهِ فَيَغْسِلُ فَرْجَهُ ثُمَّ يَتَوَضَّأُ وَضُوءَهُ لِلصَّلَاةِ ثُمَّ يَأْخُذُ الْمَاءَ فَيُدْخِلُ أَصَابِعَهُ فِي أُصُولِ الشَّعْرِ حَتَّى إِذَا رَأَى أَنْ قَدْ اسْتَبْرَأَ حَفَنَ عَلَى رَأْسِهِ ثَلَاثَ حَفَنَاتٍ ثُمَّ أَفَاضَ عَلَى سَائِرِ جَسَدِهِ ثُمَّ غَسَلَ رِجْلَيْهِ (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо айтадилар: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам агар

жанобатдан ғусл қилсалар, аввал қўлларини ювар, сўнгра ўнг қўллари билан чап қўлларига сув олиб авратларини ювар эдилар. Кейин намозга таҳорат олгандай таҳорат олар, сўнгра сув олиб, бармоқларини сочлари остига киритар эдилар. Сочларининг ости тўлиқ хўлланганига ишонч ҳосил қилгач, бошларига уч ҳовуч сув қуяр эдилар, кейин бутун баданларига сув етказиб, охирида оёқларини ювар эдилар.

Шарх:

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг ғусл қилишлари энг комил суратдаги ғуслдир. Ғуслни икки қўлни ювиш билан бошлар эдилар, сўнгра чап қўллари билан авратларини ювиб, сўнгра намозга таҳорат олгандек таҳорат олардилар, фақат оёқларини ювишни ғуслнинг охирига қолдирар эдилар. Кейин сув олиб, бармоқлари билан сочларининг тағларигача ишқалаб хўллар эдилар. Сочлари тўлиқ хўлланганига ишонч ҳосил қилгач, бошларига уч ҳовуч сув қуйиб ювар эдилар, кейин бутун баданларига сув етказиб, охирида икки оёқларини ювар эдилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Жунуб бўлган одам ғусл қилиши фарз.
- 2- Ғуслда баданнинг ҳамма жойига, шу жумладан бурун ва оғизга сув тегиши шарт.
- 3- Ғуслдан аввал таҳорат олиш суннат.

54 – дарс. Маҳсига масҳ тортиш

عَنْ عُرْوَةَ بْنِ الْمُغِيرَةَ عَنْ أَبِيهِ قَالَ كُنْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرٍ فَأَهْوَيْتُ لِأَنْزِعَ خُفَّيْهِ فَقَالَ دَعُهُمَا فَإِنِّي أَدْخَلْتُهُمَا طَاهِرَتَيْنِ فَمَسَحَ عَلَيْهِمَا

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Муғйра ибн Шўба розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан сафарда бирга эдим. (У зот таҳорат олиб бошларига масҳ тортгач,) маҳсиларини ечмоқчи бўлдим, "Қўяверинг, уларни таҳоратли ҳолда кийганман" деб, уларга масҳ тортиб қўйдилар.

عَنْ صَفْوَانَ بْنِ عَسَّالٍ قَالَ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْمُرُنَا إِذَا كُنَّا سَفَرًا أَوْ مُسَافِرِينَ أَنْ لَا نَنْزِعَ خِفَافَنَا ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ وَلَيَالِيَهُنَّ إِلَّا مِنْ جَنَابَةٍ لَكِنْ مِنْ غَائِطٍ وَبَوْلٍ وَنَوْمٍ (رواه الترمذي)

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Сафвон ибн Ассол розияллоҳу анҳу шундай дейди: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам, агар сафарда бўлсак, уч кеча-кундуз маҳсимизни ечмас(дан масҳ тортиш)га, фақатгина жунуб ҳолатда (ғусл учун маҳсини ечишга), лекин катта ва кичик қазои ҳожат ҳамда уйқу учун (ечмай масҳ тортаверишга) буюрар эди.

عن علي بن أبي طالب رضي الله عنه قال: جعل رسول الله صلى الله عليه وسلم ثلاثة أيامٍ ولَيَالِيَهُنَّ لِلْمُسَافِرِ وَيَوْمًا وَلَيْلَةً لِلْمَقِيمِ (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Али розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам

мусофирга уч кеча-кундуз, муқимга эса бир кеча-кундуз (маҳсига масҳ тортишга муҳлат таъин) қилдилар.

Шарҳ:

Маҳсига масҳ тортиш дегани таҳорат билан кийилган маҳсини кейинги таҳоратида ечиб ўтирмай, қўлини хўллаб, бармоқларини маҳсиси устидан оёқ учидан тортиб тўпиғигача юргизиб қўйиш. Ичи кўринмайдиган пайпоқ ҳам маҳси кабидир. Масҳ тортишнинг муддати биринчи масҳ тортилинган вақтдан бошланади. Муқим одам бир кеча ва кундуз, мусофир киши уч кеча ва кундуз модомики ғусл вожиб бўлмаса маҳсини ечмай, таҳорат олганида масҳ тортиб юраверса бўлади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Таҳорат билан маҳси кийган одам, маҳсисига масҳ тортиши суннат.

2- Жунуб ҳолдаги киши маҳсига масҳ тортиши жоиз эмас, ғусл қилиб, оёқларини ювиши шарт.

3- Мусофир уч кеча ва кундуз, муқим эса бир кеча ва кундуз масҳ тортади, масҳ тортиш муддати маҳсини кийганидан сўнг таҳорати сингач, биринчи таҳоратда масҳ тортиганидан бошланади.

55 – дарс. Ҳайзга тегишли баъзи масалалар

Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 222- оятида шундай дейди:

وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الْمَحِيضِ قُلْ هُوَ أَذَىٰ فَاعْتَزِلُوا النِّسَاءَ فِي الْمَحِيضِ وَلَا تَقْرَبُوهُنَّ حَتَّىٰ يَطْهَرْنَ فَإِذَا تَطَهَّرْنَ فَأْتُوهُنَّ مِنْ حَيْثُ أَمَرَكُمُ اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ التَّوَّابِينَ وَيُحِبُّ الْمُتَطَهِّرِينَ .

«Сиздан ҳайз ҳақида сўрайдилар. Айтинг: У кўнгилсизнопок нарсадир. Бас, ҳайз пайтида аёлларингиздан четланингиз ва то (ҳайздан) тозаланмагунларича уларга яқинлашмангиз! (Ғусл қилиб) покланганларидан кейин уларга Аллоҳ буюрган тарафдан келингиз. Албатта Аллоҳ тавба қилувчиларни ва ўзларини мудом пок тутувчиларни севади».

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ كَانَ يُصِيبُنَا ذَلِكَ (تَعْنِي الْحَيْضَ) فَنُؤْمَرُ بِقَضَاءِ الصَّوْمِ وَلَا نُؤْمَرُ بِقَضَاءِ الصَّلَاةِ (مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ)

Муттгафакун алайҳ бўлган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Биз –Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даврида - ҳайз кўрар, шунда рўзанинг қазосини тутишга буюрилар, намознинг эса қазосини ўқишга буюрилмас эдик.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ فَاطِمَةَ بِنْتَ أَبِي حُبَيْشٍ كَانَتْ تُسْتَحَاضُ فَسَأَلَتْ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ ذَلِكَ عِرْقٌ وَلَيْسَتْ بِالْحَيْضَةِ فَإِذَا أَقْبَلَتْ الْحَيْضَةَ فَدَعِيَ الصَّلَاةَ وَإِذَا أَدْبَرَتْ فَاعْتَسَلِي وَصَلِّي (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ) وَفِي رِوَايَةٍ لِلْبُخَارِيِّ: "ثُمَّ تَوَضَّئِي لِكُلِّ صَلَاةٍ".

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Фотима бинти Аби Ҳубайш тинимсиз қон кўрар эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бунинг ҳукмини сўраган эди: «Бу ҳайз эмас, бирон сабаб томирдан чиқаётган қон,

агар ҳайз кунларингиз келса намозни ўқиманг, ҳайз кунларингиз кетса ғусл қилиб намозни ўқийверинг», дедилар.

Бошқа ривоятда эса: «Сўнгра ҳар бир намозга таҳорат олинг», дедилар.

Шарҳ:

Аллоҳ таоло Одам алайҳис-саломнинг қиз авлодига ҳайз кўришни қисмат қилди. Ҳайз аёл кишининг бачадонидан маълум кунларда келадиган фосид қондир. Ҳайз келган кунларда аёл кишининг ибодати ва эри билан бўладиган алоқалари хусусида хос ҳукмлар бўлиб, аёллар уларни ўқиб-ўрганишлари лозим бўлади.

Аммо истиҳоза касаллик сабабли келадиган қон бўлиб, бу кунларда аёл киши ибодатларида давом этаверади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Ҳайз кўрган аёл ҳайзи кетиб, поклангунича унга намоз фарз бўлмайди, шунингдек ўтган намозларнинг қазоси ҳам вожиб бўлмайди.

2- Ҳайз кўрган аёл ҳайз кунларида рўза тутмайди, лекин қазосини тутиб беради.

3- Ҳайз кўрган аёл қон тўхтаганидан кейин ғусл қилиши вожиб.

4- Истиҳоза бўлган аёл намоз вақти кирганидан кейин, ҳар бир намозга таҳорат қилиб намозини ўқийди.

56 – дарс. Ҳайзга тегишли баъзи масалалар

Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 222- оятида шундай дейди:

وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الْمَحِيضِ قُلْ هُوَ أَدَىٰ فَأَعْتَزِلُوا النِّسَاءَ فِي الْمَحِيضِ وَلَا تَقْرُبُوهُنَّ حَتَّىٰ يَطْهُرْنَ
فَإِذَا تَطَهَّرْنَ فَأْتُوهُنَّ مِنْ حَيْثُ أَمَرَكُمُ اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ التَّوَّابِينَ وَيُحِبُّ الْمُتَطَهِّرِينَ .

«Сиздан ҳайз ҳақида сўрайдилар. Айтинг: У кўнгилсизнопок нарсадир. Бас, ҳайз пайтида аёлларингиздан четланингиз ва то (ҳайздан) тозаланмагунларича уларга яқинлашмангиз! (Ғусл қилиб) покланганларидан кейин уларга Аллоҳ буюрган тарафдан келингиз. Албатта Аллоҳ тавба қилувчиларни ва ўзларини мудом пок тутувчиларни севади».

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ أَتَى كَاهِنًا فَصَدَّقَهُ بِمَا يَقُولُ أَوْ أَتَى امْرَأَتَهُ حَائِضًا أَوْ أَتَى امْرَأَتَهُ فِي دُبُرِهَا فَقَدْ بَرِيَ مِمَّا أَنْزَلَ عَلَى مُحَمَّدٍ (أَخْرَجَهُ أَحْمَدُ وَأَبُو دَاوُدَ).

Имом Аҳмад ва Абу Довуд Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким фолбинга борса ва у айтаётган хабарни тасдиқласа ёки аёлига узрли-ҳайз ҳолатида яқинлик қилса ёки аёлининг орқасига яқинлик қилса Муҳаммадга нозил бўлган нарса (яъни дин)га кофир бўлибди», дедилар.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ كَانَتْ إِحْدَانَا إِذَا كَانَتْ حَائِضًا فَأَرَادَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يُبَاشِرَهَا أَمْرَهَا أَنْ تَنْزِرَ فِي فَوْرِ حَيْضَتِهَا ثُمَّ يُبَاشِرُهَا (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: «Бизлардан бировимиз ҳайз ҳолатида бўлса-ю, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан кийимсиз ҳолатида фойдаланмоқчи бўлсалар, ҳайз ўрнига изор (белдан пастига кийиладиган кийим, лунги) кийиб олишни буюрар, сўнг ундан фойдаланар эдилар.»

عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ بَيْنَا أَنَا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُضْطَجِعَةً فِي خَمِيصَةٍ إِذْ حِضْتُ فَأَنْسَلْتُ فَأَخَذْتُ ثِيَابَ حَيْضَتِي قَالَ أَنْفِسْتِ قُلْتُ نَعَمْ فَدَعَانِي فَاضْطَجَعْتُ مَعَهُ فِي الْخَمِيصَةِ (رواه البخاري)

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Умму Салама розияллоҳу анҳо шундай дейди: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга адёлда ётган эдим, тўсатдан ҳайз кўриб қолдим. Секин туриб ҳайз либосимни олдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

- Ҳайз кўрдингизми?, дедилар.
- Ҳа... дедим. Мени ёнларига чақирдилар ва бирга адёлда ётдик.

Шарҳ:

Ислом дини энг мўътадил дин, у бошқа динларга ўхшаш ғулув-чуқур ҳам кетмаган, инсонлар ўртасидаги муомалаларга юзакилик билан бепарво ҳам қарамаган. Ҳайзнинг эркакларга хос бўлган —

аёлининг жинсий аъзосидан бошқа ўринларидан фойдаланиш ёки у билан бирга ётиш каби ҳукмлари ҳам борки, мусулмон киши тақиқланган ишларга тушиб қолмаслиги ёки жоиз бўлган ишлардан тийилиб ўзини қийнамаслиги учун бу ҳукмларни ўқиб-ўрганиши лозим.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Ҳайз кўрган аёл билан қўшилиш ҳаром, гуноҳи кабиралардан.
 - 2- Ҳайз кўрган аёл агар ич кийимини кийиб олган бўлса, унинг жинсий аъзосидан бошқа ўринларидан фойдаланиш мумкин.
 - 3- Ҳайз кўрган аёл билан ухлаш, овқатланиш, суҳбатлашиш ва бошқа муомалаларни қилиш жоиз.
 - 4- Аёл кишининг орқа тарафига қўшилиш гуноҳи кабиралардан.
- Сайтга қўйилгани билан солиштириш керак

57 – дарс. Фитрат суннатлари

Соқолни тўлиқ қўйиш

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَشْرٌ مِنَ الْفِطْرَةِ قَصُّ الشَّارِبِ وَإِعْفَاءُ اللَّحْيَةِ وَالسَّوَاكُ وَاسْتِنْشَاقُ الْمَاءِ وَقَصُّ الْأَظْفَارِ وَغَسْلُ الْبَرَاجِمِ وَنَتْفُ الْإِبْطِ وَحَلْقُ الْعَانَةِ وَانْتِقَاصُ الْمَاءِ قَالَ زَكَرِيَّا قَالَ مُصْعَبٌ وَنَسِيتُ الْعَاشِرَةَ إِلَّا أَنْ تَكُونَ الْمَضْمَضَةُ (رواه مسلم).

Имом Муслим Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Ўнта нарса фитратдандир: Мўйловни қисқартириш, соқолни тўлиқ қўйиш, мисвок ишлатиш, бурунга сув олиб қоқиш, тирноқни олиш, бармоқлар орасини ювиш, қўлтиқ тагидаги тукларни юлиш, аврат атрофидаги тукларни қириш, истинжо қилиш». Ровий айтади: «Ўнинчиси нималигини унутдим, оғизга сув олиб чайқаш, деган бўлсалар керак.»

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَحْفُوا الشَّوَارِبَ وَأَعْفُوا
اللِّحَى (متفق عليه).

Ибн Умар розияллоҳу анҳумо ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўйловни қисқа қилинглари ва соқолни тўлиқ қўйинглари», дедилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَعْفُوا اللَّحَى وَخُدُوا
الشَّوَارِبَ وَغَيِّرُوا شَيْبَكُمْ وَلَا تَشَبَّهُوا بِالْيَهُودِ وَالنَّصَارَى (رواه أحمد)

Имом Ахмад Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Соқолни тўлиқ қўйинглари, мўйловни олинглари, оқарган соч-соқолларингиз (ранги)ни ўзгартиринглари, яҳуд ва насороларга ўхшаманглари», дедилар.

Шарх:

Соқолни тўлиқ қўйиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрган фитрат суннатларидан, уни олиш эса ўзни кофирлар ва аёлларга ўхшатишдир. Бу эса шариатимизда қайтарилган ва қаттиқ ваийдлар берилган амаллардан ҳисобланади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Соқолни тўлиқ қўйиш вожиб, олиш эса ҳаромдир.

58 – дарс. Фитратдаги суннат амаллар

Мўйловни олиш ва қисқартириш

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْفِطْرَةُ خَمْسٌ أَوْ خَمْسٌ مِنَ الْفِطْرَةِ الْخِتَانُ وَالِاسْتِحْدَادُ وَتَقْلِيمُ الْأَظْفَارِ وَنَتْفُ الْإِبْطِ وَقَصُّ الشَّارِبِ (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бешта нарса фитратдандир: хатна қилиш, аврат тукларини тозалаш, тирноқ олиш, қўлтиқ тагидаги тукларни юлиш ва мўйловни қисқартириш», дедилар.

عَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَخْفُوا الشَّوَارِبَ وَأَعْفُوا
اللَّحَى (متفق عليه).

Ибн Умар розияллоху анхумо ривоят қилган муттафақун алайҳ
ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Мўйловни
қисқа қилинглр ва соқолни тўлиқ қўйинглр», дедилар.

عَنْ زَيْدِ بْنِ أَرْقَمٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ لَمْ يَأْخُذْ مِنْ
شَارِبِهِ فَلَيْسَ مِنَّا (رواه الترمذي).

Имом Термизий Зайд ибн Арқам розияллоху анхудан ривоят
қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ким
мўйловини олмаса биздан эмас», дедилар.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ وَقَّتَ لَنَا فِي قَصِّ الشَّارِبِ وَتَقْلِيمِ الْأَظْفَارِ وَنَتْفِ الْإِبِطِ
وَحَلْقِ الْعَانَةِ أَنْ لَا نَتْرُكَ أَكْثَرَ مِنْ أَرْبَعِينَ لَيْلَةً (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Анас розияллоху анху
шундай дейди: Бизга мўйловни қисқартириш, тирноқни олиш,
авратдаги тукларини қириш ва қўлтиқ тагидаги тукларни юлишни
қирқ кундан ортиқ қолдириб юбормаслигимиз белгиланди.

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрган ва тарғиб қилган фитрат суннатларидан бири – мўйловни қисқартиришдир. Мўйловни олмай ва қисқартирмай, ўсган ҳолича қолдириш мусулмонларнинг амалидан эмаслиги айтилмоқда. Юқорида зикр қилинган ҳадислар бизни бундай мункар амалдан четланишга чорлайди. Юқоридаги ҳадисларда зикри ўтган фитрат суннатларининг ҳаммасини ҳам тозаламасдан юришнинг энг сўнгги муддати 40 кун экан. Бироқ бу нарсаларни ҳар ҳафта тозаланиши мақсадга мувофиқ.

Бугунги дарседан олинадиган фойдалар:

- 1- Мўйловни олмай, узайтириб юришдан қаттиқ қайтарилган.
- 2- Мўйлов борасидаги суннат - лабнинг атрофи кўриниб турадиган даражада қисқартиришдир.
- 3- Мўйловни узоғи билан қирқ кундан ўтказиб юбормасдан қисқартириб туриш ҳам суннатдир.

59 - дарс Фитратдаги суннат амаллар

Хатна қилиш, авратдаги тукларни тозалаш, тирноқ олиш ва қўлтиқ тагидаги тукларни юлиш

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْفِطْرَةُ خَمْسٌ أَوْ خَمْسٌ مِنَ الْفِطْرَةِ الْخِتَانُ وَالِاسْتِحْدَادُ وَتَقْلِيمُ الْأَظْفَارِ وَنَتْفُ الْإِبْطِ وَقَصُّ الشَّارِبِ (متفق عليه)

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бешта нарса фитратдандир: хатна қилиш, аврат тукларини тозалаш, тирноқ олиш, қўлтиқ тагидаги тукларни юлиш ва мўйловни қисқартириш», дедилар.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ وَقَّتْ لَنَا فِي قَصِّ الشَّارِبِ وَتَقْلِيمِ الْأَظْفَارِ وَنَتْفِ الْإِبْطِ وَحَلْقِ الْعَانَةِ أَنْ لَا نَنْزُكَ أَكْثَرَ مِنْ أَرْبَعِينَ لَيْلَةً (رواه مسلم)

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Анас розияллоҳу анҳу шундай дейди: Бизга мўйловни қисқартириш, тирноқни олиш, авратдаги тукларини қириш ва қўлтиқ тагидаги тукларни юлишни қирқ кундан ортиқ қолдириб юбормаслигимиз белгиланди.

Шарх:

Аллоҳ таоло инсонларни яратган фитратдаги суннат амалларнинг биттаси хатнадир. Хатни қилиш эркакларга вожиб, аёлларга эса мустаҳаб.

Тирноқларни олиш тозаликка сабаб бўладиган суннат амал. Тирноқни ўстириб юриш ажнабий – мусулмон бўлмаган халқларнинг амали.

Шунингдек, қўлтиқ тагидаги тукларни юлиш ва авратдаги тукларини тозалаш Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўргатган суннатлардан.

Юқоридаги ҳадисларда зикри ўтган фитрат суннатларининг ҳаммасини ҳам тозаламасдан юришнинг энг сўнгги муддати 40 кун экан. Бироқ бу нарсаларни ҳар ҳафта тозаланиши мақсадга мувофиқ.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Хатна қилиш эркаклар учун вожиб.
- 2- Тирноқларни олишга, қўлтиқ тагидаги тукларни юлишга ва аврат атрофидаги тукларни тозалашга буюрилганмиз.
- 3- Бу ўринларни тозалаш узоғи билан қирқ кун ичида бўлиши керак.
- 4- Тирноқни ўстириб юриш макруҳ.

60 - дарс Намознинг фазли

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بُنِيَ الْإِسْلَامُ عَلَى خَمْسٍ شَهَادَةِ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ وَإِقَامِ الصَّلَاةِ وَإِيتَاءِ الزَّكَاةِ وَحَجِّ الْبَيْتِ وَصَوْمِ رَمَضَانَ (متفق عليه).

Ибн Умар розияллоҳу анҳумо ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ислом бешта устун устига қурилган: Аллоҳдан бошқа ибодат қилишга ҳақли илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг элчиси деб гувоҳлик бериш, намозни барпо қилиш, закотни ўташ, ҳаж қилиш ва Рамазон ойида рўза тутиш», дедилар.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أُمِرْتُ أَنْ أُقَاتِلَ النَّاسَ حَتَّى يَشْهَدُوا أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ وَيُقِيمُوا الصَّلَاةَ وَيُؤْتُوا الزَّكَاةَ فَإِذَا فَعَلُوا ذَلِكَ عَصَمُوا مِنِّي دِمَاءَهُمْ وَأَمْوَالَهُمْ إِلَّا بَحَقَّ الْإِسْلَامَ وَحِسَابُهُمْ عَلَى اللَّهِ (متفق عليه).

Ибн Умар розияллоҳу анҳумо ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одамлар билан улар то Аллоҳдан бошқа ибодат қилишга ҳақли илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг элчиси деб гувоҳлик бермагунларича ва намозни барпо қилиб, закотни ўтамагунларича урушишга буюрилдим. Агар улар бу амалларни бажарсалар мендан ўзларининг жонларию молларини сақлашибди. Лекин ислом ҳақлари (қасос ва ҳадлар) бундан мустасно. (Бизга зоҳир бўлмаган, куфр, нифоқ каби амалларида) ҳисоб-китоблари Аллоҳга ҳавола», дедилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِنَّ أَوَّلَ مَا يُحَاسَبُ بِهِ الْعَبْدُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنْ عَمَلِهِ صَلَاتُهُ فَإِنْ صَلَحَتْ فَقَدْ أَفْلَحَ وَأَنْجَحَ وَإِنْ فَسَدَتْ فَقَدْ خَابَ وَخَسِرَ فَإِنْ انْتَقَصَ مِنْ فَرِيضَتِهِ شَيْءٌ قَالَ الرَّبُّ عَزَّ وَجَلَّ انظُرُوا هَلْ لِعَبْدِي مِنْ تَطَوُّعٍ فَيُكَمَّلَ بِهَا مَا انْتَقَصَ مِنَ الْفَرِيضَةِ ثُمَّ يَكُونُ سَائِرُ عَمَلِهِ عَلَى ذَلِكَ (رواه أبو داود).

Имом Абу Довуд Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Қиёмат куни банданинг энг биринчи ҳисоб қилинадиган амали намоздир. Агар намози яхши бўлса, зафарга эришади. Намози ёмон бўлса, зиёнкор, ноумидлардан бўлади. Агар фарз намозларидан бирон ками чиқиб қолса, Аллоҳ таоло (фаришталарига): Қаранглар, бандамнинг нафл намозлари борми? дейди. Агар нафл намозлари бўлса улар билан фарз намозларнинг камчилиги тўлдириб қўйилади. Кейин бошқа амаллари ҳам ҳудди шундай ҳисоб қилинади», дедилар.

Шайх Албоний бу ҳадисни саҳиҳ деган.

Шарҳ:

Намоз Аллоҳ таолога энг суюкли амаллардан бири бўлиб, диннинг иккинчи устуни ҳисобланади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам намозни жон ва молнинг қўрғони қилди. Динимизда намознинг манзилати улуғ бўлгани учун қиёмат куни биринчи ҳисоб қилинади. Намозини ўз вақтида тўла тўқис адо

қилган одам қиёмат куни нажот топар экан, намози чатоқ одам зиёнкор экан, мутлақо намоз ўқимаган одамнинг ҳоли не кечаркин?!.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Намознинг манзилати улуг бўлиб, Исломдаги иккинчи устундир.
- 2- Намозни яхшилаб ўқиш абадий зафарга гаров.
- 3- Қиёмат куни банда биринчи ҳисоб берадиган амал намоздир.

61 - дарс Намоз ўқимаганларнинг оқибати

Аллоҳ таоло Марям сурасининг 59-оятида шундай дейди:

فَخَلَفَ مِنْ بَعْدِهِمْ خَلْفٌ أَضَاعُوا الصَّلَاةَ وَاتَّبَعُوا الشَّهْوَاتِ فَسَوْفَ يَلْقَوْنَ غِيًّا

«Сўнг уларнинг ортидан намозни зое қиладиган ва шаҳватларга бериладиган кимсалар ўринбосар бўладилар. Энди (ўринбосарлар) албатта ёмонликка (яъни ёмон жазога) йўлиқур».

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أُمِرْتُ أَنْ أُقَاتِلَ النَّاسَ حَتَّى يَشْهَدُوا أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ وَيُقِيمُوا الصَّلَاةَ وَيُؤْتُوا الزَّكَاةَ فَإِذَا فَعَلُوا ذَلِكَ عَصَمُوا مِنِّي دِمَاءَهُمْ وَأَمْوَالَهُمْ إِلَّا بَحَقَّ الْإِسْلَامِ وَحِسَابُهُمْ عَلَى اللَّهِ (متفق عليه).

Ибн Умар розияллоҳу анҳумо ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одамлар билан улар то Аллоҳдан бошқа ибодат қилишга ҳақли илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг элчиси деб гувоҳлик бермагунларича ва намозни барпо қилиб, закотни ўтамагунларича урушишга буюрилдим. Агар улар бу амалларни бажарсалар мендан ўзларининг жонларию молларини сақлашибди. Лекин ислом ҳақлари (қасос ва ҳадлар) бундан мустасно. (Бизга зоҳир бўлмаган, куфр, нифоқ каби амалларида) ҳисоб-китоблари Аллоҳга ҳавола», дедилар.

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِنَّ بَيْنَ الرَّجُلِ وَبَيْنَ الشُّرْكِ وَالْكَفْرِ تَرْكُ الصَّلَاةِ (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Жобир розияллоҳу анҳу: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Албатта киши билан куфр ва ширкнинг ўртасида намозни тарк қилиш туради» деганларини эшитдим, дейди.

عَنْ بُرَيْدَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْعَهْدُ الَّذِي بَيْنَنَا وَبَيْنَهُمُ الصَّلَاةُ فَمَنْ تَرَكَهَا فَقَدْ كَفَرَ (رواه الترمذي).

Имом Термизий Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биз билан улар

(кофирлар) ўртасини ажратиб турувчи аҳд-паймон намоздир. Ким намозни тарк қилса, шубҳасиз кофир бўлибди», дедилар.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ شَقِيقِ الْعُقَيْلِيِّ قَالَ كَانَ أَصْحَابُ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا يَرَوْنَ شَيْئًا مِنَ الْأَعْمَالِ تَرَكُّهُ كُفْرٌ غَيْرَ الصَّلَاةِ (أَخْرَجَهُ التِّرْمِذِيُّ).

Тобеинлардан бўлган Абдуллоҳ ибн Шақиқ раҳимаҳуллоҳ: Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳоблари намоздан бошқа бирон амални тарк қилишни куфр деб кўрмас эдилар, дейди.

Шарх:

Динимизда намознинг ўрни улуғ бўлиб, Аллоҳ таоло ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни тарк қилишдан ёки бепарво бўлишдан қаттиқ огоҳлантирган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биз билан улар (кофирлар) ўртасини ажратиб турувчи аҳд-паймон намоздир. Ким намозни тарк қилса, шубҳасиз кофир бўлибди», деганлар. Яъни, мусулмонлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга намозни тарк қилмасликка байъат – аҳду паймон берганлар, бу эса Аллоҳга берилган аҳд ҳисобланади. Демак, намоз мусулмонлар билан кофирларнинг ўртасини давомий суратда ажратиб турадиган амалга айланди.

Уламоларимиз намознинг фарзлигини инкор қилиб тарк қилган одам диндан чиқади, дейдилар. Баъзи уламолар эса, ҳатто, намозни тарк қилувчи, агарчи намознинг фарзлигига иқроп бўлса ҳам, кофир бўлади, деганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Намозни тарк қилган одамга қаттиқ ваъийдлар бор.

2- Намозни тарк қилиш куфрдир.

62 - дарс Азоннинг фазли

عَنْ مُعَاوِيَةَ بْنِ أَبِي سُفْيَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ:
«الْمُؤَذِّنُونَ أَطْوَلُ النَّاسِ أَعْنَاقًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Муовия розияллоҳу анҳу: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Муаззинлар қиёмат куни энг бўйинлари узун одамлар бўлади» деганларини эшитдим, дейди.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِنَّهُ لَا يَسْمَعُ مَدَى صَوْتِ الْمُؤَذِّنِ جِنَّ وَلَا إِنْسٌ وَلَا شَيْءٌ إِلَّا شَهِدَ لَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Абу Саид розияллоҳу анҳу: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Муаззиннинг овозини етиб борган жойигача инсу жинми, бошқа бирон нарсами эшитган бўлса, Қиёмат куни албатта унга гувоҳлик беради» деганларини эшитганман, дейди.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَوْ يَعْلَمُ النَّاسُ مَا فِي النِّدَاءِ وَالصَّفِّ الْأَوَّلِ ثُمَّ لَمْ يَجِدُوا إِلَّا أَنْ يَسْتَهْمُوا عَلَيْهِ لَاسْتَهَمُوا وَلَوْ يَعْلَمُونَ مَا فِي التَّهْجِيرِ لَاسْتَبَقُوا إِلَيْهِ وَلَوْ يَعْلَمُونَ مَا فِي الْعَتَمَةِ وَالصُّبْحِ لَاتَوَّهُمَا وَلَوْ حَبَوًّا (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар одамлар азон айтиш ва биринчи сафда туришдаги ажр-савобни билишганда эди, унга эришиш учун қуръа ташлашдан бошқа йўл топмасалар, албатта қуръа ташлаган бўлишарди. Агар намозга эрта келишдаги ажр-савобни билишганда эди, ким ўзар қилиб келган бўлишарди. Агар хуфтон ва бомдод намозидаги ажр-савобни билишганда эди, бу намозларга эмаклаб бўлса-да, келган бўлишарди», дедилар.

Шарҳ:

Азон Ислom динининг муҳим шиорларидан ва фазилатли ибодатлардан бири ҳисобланади. Азон айтган кишига Аллоҳ таоло катта ажр мукофотларни ваъда қилган, агар одамлар бу савобнинг миқдорини билишса эди, азонни мен айтаман, мен айтаман деб талашишиб охири ўрталарида қуръа ташлашга мажбур бўлишар эди. Муаззинлар дунёдалиқ пайтларида овозларини Аллоҳнинг

зикри билан узоқ-узоқларга етарли даражада кўтарганларига мукофот тариқасида Қиёмат кунида ҳамма терга ботиб турган вақтда энг бўйни узун одам бўлиб туришади ва азон айтган пайтларида уларнинг овозини эшитган бор мавжудот бу Куни уларга гувоҳлик беради.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Азон улуғ, фазилатли ибодат.
- 2- Қиёмат куни одамлар заҳматда терга ботиб, даҳшатга тушиб турган оғир соатда муаззинлар энг узун бўйинли одамлар бўлишади.
- 3- Азонни эшитган ҳамма махлуқот қиёматда уларга гувоҳлик беради.
- 4- Овозни баланд қилиб азон айтиш мустаҳаб.

63 - дарс Азон эшитганда нима дейди

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا سَمِعْتُمُ النَّدَاءَ فَقُولُوا مِثْلَ مَا يَقُولُ الْمُؤَدِّنُ (متفق عليه).

Абу Саъид ал-Худрий розияллоху анху ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва

саллам: «Қачон азонни эшитсангизлар, муаззин нима деса сизлар ҳам шуни айтинглар», дедилар.

عَنْ مُعَاوِيَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ: لَمَّا قَالَ حَيَّ عَلَى الصَّلَاةِ: لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ، وَقَالَ: هَكَذَا سَمِعْنَا نَبِيَّكُمْ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ (أَخْرَجَهُ الْبُخَارِيُّ).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Муовия розияллоҳу анҳу муаззин «Ҳайя алас-сола» деганда «Ла ҳавла вала қуввата илла биллаҳ» деди ва: «Биз Пайғамбарингиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганмиз», деди.

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ قَالَ حِينَ يَسْمَعُ النِّدَاءَ اللَّهُمَّ رَبِّ هَذِهِ الدَّعْوَةُ التَّامَّةُ وَالصَّلَاةُ الْقَائِمَةُ آتِ مُحَمَّدًا الْوَسِيلَةَ وَالْفَضِيلَةَ وَابْعَثْهُ مَقَامًا مَحْمُودًا الَّذِي وَعَدْتُهُ حَلَّتْ لَهُ شَفَاعَتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ» (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ).

Имом Бухорий Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким азонни эшитган вақтда: «Ушбу комил даъватнинг ва ҳозир бўлган намознинг Парвардигори бўлган эй Аллоҳ! Муҳаммадга "Васила" ва "Фазилат" ато этгин. Уни Ўзинг ваъда қилган мақтовли мақомга чиқаргин» деса, қиёмат куни унга шафоатим вожиб бўлади», дедилар.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ أَنَّهُ سَمِعَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِذَا سَمِعْتُمُ الْمُؤَذِّنَ فَقُولُوا مِثْلَ مَا يَقُولُ ثُمَّ صَلُّوا عَلَيَّ فَإِنَّهُ مَنْ صَلَّى عَلَيَّ صَلَاةً صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ بِهَا عَشْرًا ثُمَّ سَلُوا اللَّهَ لِي الْوَسِيلَةَ فَإِنَّهَا مَنْزِلَةٌ فِي الْجَنَّةِ لَا تَنْبَغِي إِلَّا لِعَبْدٍ مِنْ عِبَادِ اللَّهِ وَأَرْجُو أَنْ أَكُونَ أَنَا هُوَ فَمَنْ سَأَلَ لِي الْوَسِيلَةَ حَلَّتْ لَهُ الشَّقَاعَةُ (رواه مسلم).

Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Муаззиннинг азон айтаётганини эшитсангиз, у айтаётган калималарни айтинглар, сўнгра менга саловот айтинглар, чунки ким менга бир марта саловот айтса Аллоҳ унга ўнта саловот айтади, кейин Аллоҳдан менга “васила”ни сўранглар, зеро у жаннатдаги олий манзилат бўлиб, унга Аллоҳнинг бандалари ичидан фақат бир бандасигина етади. Ўша банда мен бўлишимни умид қиламан. Ким менга Аллоҳдан “васила” сўраса шафоатимга эришади», дедилар.

Шарҳ:

Аллоҳ таоло азонни эшитган одамларга амалий суннатларни жорий қилиб, улуғ савобларни ваъда қилди. Ушбу суннатлар қуйидагилар:

- а) азонни эшитган одам муаззин айтаётган азонни такрорлаши;
- б) сўнгра Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга саловот айтиши;

в) кейин азон дуосида у зотга Аллоҳ таолодан васила сўраши.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Муаззин айтаётган азонни такрорлаб туриш суннат.

2- Муаззин «Ҳайя алас-солах» ва «Ҳайя алал-фалаҳ» деганида «Ла ҳавла вала қуввата илла биллаҳ» дейилади.

3- Азондан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга саловот айтилади.

4- Аллоҳ таолодан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга “васила” сўраб дуо қилинади.

64 - дарс Масжидга бориш фазли

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ غَدَا إِلَى الْمَسْجِدِ أَوْ رَاحَ
أَعَدَّ اللَّهُ لَهُ فِي الْجَنَّةِ نُزُلًا كُلَّمَا غَدَا أَوْ رَاحَ (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким масжидга борса ёки масжиддан қайтса, Аллоҳ таоло ҳар борганида ёки қайтганида унга жаннатда зиёфат ҳозирлаб қўяди», дедилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَاةُ الرَّجُلِ فِي
الْجَمَاعَةِ تُضَعَّفُ عَلَى صَلَاتِهِ فِي بَيْتِهِ وَفِي سُوقِهِ خَمْسًا وَعِشْرِينَ ضِعْفًا وَذَلِكَ أَنَّهُ إِذَا تَوَضَّأَ

فَأَحْسَنَ الْوُضُوءَ ثُمَّ خَرَجَ إِلَى الْمَسْجِدِ لَا يُخْرِجُهُ إِلَّا الصَّلَاةُ لَمْ يَخْطُ خَطْوَةً إِلَّا رُفِعَتْ لَهُ بِهَا دَرَجَةٌ وَحُطَّ عَنْهُ بِهَا خَطِيئَةٌ فَإِذَا صَلَّى لَمْ تَزَلِ الْمَلَائِكَةُ تُصَلِّي عَلَيْهِ مَا دَامَ فِي مُصَلَاةِ اللَّهِ صَلَّى عَلَيْهِ اللَّهُمَّ ارْحَمْهُ وَلَا يَزَالُ أَحَدُكُمْ فِي صَلَاةٍ مَا انْتَهَرَ الصَّلَاةَ (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоху анху ривоят қилган муттафақун алайх ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Кишининг жамоат билан ўқиган намози уйда ёки бозорида ўқиган намозидан йигирма беш марта ортиқ бўлади, сабаби агар у таҳорат олса ва таҳоратини мукаммал қилса, сўнг масжидга чиқса, унинг бу чиқиши фақат намоз учун бўлса, ҳар бир босган қадами баробарида унинг даражаси биттага кўтарилади ва ундан битта хато ўчирилади. Агар намоз ўқиса, модомики намозгоҳида турар экан, фаришталар унга: “Эй Аллоҳ, уни ўзинг мағфират қил, унга ўзинг раҳм қил” деб дуо қилиб туришади. Биронтангиз (масжидда) намозни кутиб ўтирар экан, намозда тургандай бўлади», дедилар.

عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ أَعْظَمَ النَّاسِ أَجْرًا فِي الصَّلَاةِ أَبْعَدُهُمْ إِلَيْهَا مَمْشَى فَأَبْعَدُهُمْ (متفق عليه).

Имом Бухорий ва имом Муслим Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоху анхудан ривоят қилишган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Одамларнинг намозда энг ажри улуғроғи - намозга узоқроқдан юриб келадиганларидир», дедилар.

Шарх:

Масжидга бориш – улуғ ибодатлардан бирига етказадиган васила-воситадир. Аллоҳ таоло ўзининг кенг раҳмати ва фазли билан бандасининг қилган тоат-ибодатига ажр берганидек, шу тоат муқаддимасида бўлган василаларга ҳам ажр беради. Масжидларга бориш ва масжидда намозни кутиб ўтириш мана шу василалардандир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу амалга ғоят улуғ ажрларни ваъда қилганлар, бу ажрлардан фақатгина ялқов ва ғофилларгина бенасиб қолади.

Ҳадисдаги «Одамларнинг намозда энг ажри улуғроғи - намозга узоқроқдан юриб келадиганларидир» нинг маъноси: бир масжид қавмининг энг узоқда яшайдиган кишиси яқинроқдагилардан ажри улуғдир, дегани. Бу маънога бошқа ҳадислар далолат қилади. Анас ибн Молик ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидуннабийга яқинроқ кўчиб келмоқчи бўлган Бани Салимага "Босган қадамларингизга савоб умид қилмайсизларми?", деганлар. (Бухорий ривояти). Юқоридаги маънодан келиб чиқиб маҳалла масжидини қўйиб узоқлардаги масжидаларга савоб умидида бориш тўғри эмас.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Масжидларга боришнинг фазли улуғ.

2- Масжиддаги жамоат намозларининг ажри кўп.

3- Масжидга узоқдан келадиган одамнинг ажри, яқиндан келадиган одамнинг ажридан ортиқроқ.

4- Банда, агар ажр умидида амал қилса, ибодатларнинг муқаддима ва воситаларига ҳам ажр олади.

65 - дарс Намозхон уйдан чиққанида нима дейди

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا خَرَجَ الرَّجُلُ مِنْ بَيْتِهِ فَقَالَ بِسْمِ اللَّهِ تَوَكَّلْتُ عَلَى اللَّهِ لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ قَالَ يُقَالُ حِينَنِي هُدَيْتَ وَكُفَيْتَ وَوُقَيْتَ فَتَنَّتَحَى لَهُ الشَّيَاطِينُ فَيَقُولُ لَهُ شَيْطَانُ آخَرُ كَيْفَ لَكَ بِرَجُلٍ قَدْ هُدِيَ وَكُفِيَ وَوُقِيَ (رواه أبو داود).

Имом Абу Довуд ва имом Термизий Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Киши уйдан чиққан пайтида: “Бисмиллаҳи таваккалту алал-ллоҳи вала ҳавла вала қуввата илла биллаҳ” (Аллоҳнинг номи билан (чиқаман), Аллоҳга таваккул қилдим, куч-қувват ҳам, қудрат ҳам фақат Аллоҳ(нинг бериши) биландир) деса, унга: “ҳидоятландинг, кифояландинг ва ҳимояландинг” дейилади, шайтонлар ҳам ундан четланади, бир шайтон бошқа шайтонга

қараб: “ҳидоятланган, кифояланган ва ҳимояланган одамга қандай кучинг етсин” дейди.

عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ مَا خَرَجَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ بَيْتِي قَطُّ إِلَّا رَفَعَ طَرْفَهُ إِلَى السَّمَاءِ فَقَالَ «اللَّهُمَّ أَعُوذُ بِكَ أَنْ أَضِلَّ أَوْ أُضَلَّ أَوْ أَزِلَّ أَوْ أُزِلَّ أَوْ أَظْلِمَ أَوْ أُظْلَمَ أَوْ أَجْهَلَ أَوْ يُجْهَلَ عَلَيَّ» (أخرجه أبو داود والترمذي).

Имом Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган ҳадисда Умму Салама розияллоҳу анҳо айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қачон ҳужрамдан чиқсалар осмонга қараб: (Эй Аллоҳ, мен Сендан адашишим ё адаштирилишимдан, тойилишим ё тойдирилишимдан, зулм қилишим ё зулмланишимдан, бошқаларга жоҳиллик қилиб қўйишим ёки бошқалар менга жоҳиллик қилишидан паноҳ сўрайман) дер эдилар.

Шарҳ:

Манзилдан чиқишда айтиладиган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўргатган дуо ва зикрлар бор. Биз унвонда " **Намозхон уйдан чиққанида нима дейди**" деган бўлсакда, бу дуо ҳар қандай мақсадда уйдан чиқаётган киши учун суннат. Агар мусулмон киши бу дуоларни доим ўқиб юришни одат қилса, Аллоҳнинг изни билан шайтоннинг макр-ҳийлаларидан ва бошқа

ёмонликлардан сақланади ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига эргашгани учун ажр олади. Бу дуолар осон ва ёдлашга қулай, осонгина қўлга киритиш мумкин бўлган манфаатлардан ғофил қолмайлик.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Манзилдан чиқишда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўргатган дуоларни айтиш суннат.

2- Бу дуолар Аллоҳнинг изни билан шайтондан қалқон бўлади.

3- Дуо ва зикрнинг улуғ фазли ва фойдалари бор.

66 – дарс. Масжидга кирганда ва чиққанда айтиладиган дуолар

عَنْ أَبِي حُمَيْدٍ أَوْ عَنْ أَبِي أُسَيْدٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا دَخَلَ أَحَدُكُمْ الْمَسْجِدَ فَلْيُسَلِّمْ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثُمَّ لِيَقُلِ اللَّهُمَّ افْتَحْ لِي أَبْوَابَ رَحْمَتِكَ فَإِذَا خَرَجَ فَلْيَقُلِ اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ مِنْ فَضْلِكَ (رواه مسلم).

Имом Муслим Абу Хумайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлардан бирор киши масжидга кирмоқчи бўлса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот-салом айтсин, сўнг: “Аллоҳумма ифтах

лий абваба роҳматик” (Эй Аллоҳ, мен учун раҳмат дарвозаларингни оч) десин, масжиддан чиқмоқчи бўлса: “Аллоҳумма инний асъалука мин фадлик” (Эй Аллоҳ, мен Сенинг фазлу-марҳаматингдан сўрайман) десин», дедилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا دَخَلَ أَحَدُكُمْ الْمَسْجِدَ فَلْيُسَلِّمْ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَلْيَقُلِ اللَّهُمَّ افْتَحْ لِي أَبْوَابَ رَحْمَتِكَ وَإِذَا خَرَجَ فَلْيُسَلِّمْ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَلْيَقُلِ اللَّهُمَّ اغْصِمْنِي مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ (رواه ابن ماجه).

Имом Ибн Можа Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлардан бирор киши масжидга кирмоқчи бўлса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот-салом айтсин, сўнг: “Аллоҳумма ифтаҳ лий абваба роҳматик” (Эй Аллоҳ, мен учун раҳмат дарвозаларингни оч) десин, масжиддан чиқадиган бўлса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот-салом айтсин ва: “Аллоҳумма-ъ-симний минаш-шайтонир-рожийм” (Эй Аллоҳ, мени (даргоҳингдан) қувилган шайтондан сақла) десин», дедилар.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ كَانَ إِذَا دَخَلَ الْمَسْجِدَ قَالَ أَعُوذُ بِاللَّهِ الْعَظِيمِ وَبِوَجْهِهِ الْكَرِيمِ وَسُلْطَانِهِ الْقَدِيمِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ قَالَ فَإِذَا قَالَ ذَلِكَ قَالَ الشَّيْطَانُ حُفِظَ مِنِّي سَائِرَ الْيَوْمِ (رواه أبو داود).

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидга кирсалар: “Аъзузу биллаҳил-азийм ва

биважҳиҳил карийм ва султониҳил қадийм минаш шайтонир-рожийм” (Улуғ Аллоҳдан, Унинг Карим Юзи ва қадим салтанати (воситаси) билан (Унинг даргоҳидан) қувилган шайтондан паноҳ сўрайман) дер эдилар ва «Ким бу дуони ўқиса шайтон: мендан - бу киши - кун охиригача ҳимояланди, дейди», деганлар.

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматга масжидга кириш ва чиқишда айтиладиган дуони ўргатганлар ва уларни айтишга буюрганлар. Бу зикрлар Аллоҳ таолога дуо қилиб, унинг фазлини талаб қилиш ва шайтондан паноҳ сўрашдан иборатдир.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Масжидга киришда ва чиқишда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таълим берган дуоларни айтиб юриш суннат.

2- Бу дуоларни ўқиб юрган мусулмон Аллоҳнинг изни билан шайтоннинг ёмонлигидан сақланади.

3- Зикр ва дуонинг фазли улуғ.

67– дарс. Масжид одоблари (1)

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَأَى نُخَامَةً فِي الْقِبْلَةِ فَشَقَّ ذَلِكَ عَلَيْهِ حَتَّى رُئِيَ فِي وَجْهِهِ فَقَامَ فَحَكَّهُ بِيَدِهِ فَقَالَ إِنَّ أَحَدَكُمْ إِذَا قَامَ فِي صَلَاتِهِ فَإِنَّهُ يُنَاجِي رَبَّهُ أَوْ إِنَّ رَبَّهُ بَيْنَهُ وَبَيْنَ الْقِبْلَةِ فَلَا يَبْزُقَنَّ أَحَدُكُمْ قَبْلَ قِبْلَتِهِ وَلَكِنْ عَنْ يَسَارِهِ أَوْ تَحْتَ قَدَمَيْهِ ثُمَّ أَخَذَ طَرَفَ رِدَائِهِ فَبَصَقَ فِيهِ ثُمَّ رَدَّ بَعْضَهُ عَلَى بَعْضٍ فَقَالَ أَوْ يَفْعَلُ هَكَذَا (متفق عليه).

Анас розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжиднинг қибла томонида балғам кўрдилар. Бу У зотга жуда оғир ботди, ҳатто бу чеҳраларида намоён бўлди, туриб, ўз қўллари билан уни қириб тозаладилар, сўнг: Агар биронтангиз намоз ўқиётган бўлса у Роббисига муножат қилаётган - ёки Роббиси у билан қибласи орасида - бўлади. Ҳеч бирингиз қибла томонга тупурмасин, лекин (жуда бўлмаса) чап томонига ёки оёғи тагига тупурсин», дедилар. Сўнг кийимларининг бир чеккасини ушлаб унга тупурдилар-да, кейин уни буклаб қўйиб: «ёки шундай қилсин», дедилар.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْبُزَاقُ فِي الْمَسْجِدِ خَطِيئَةٌ وَكَفَّارَتُهَا دَفْنُهَا (متفق عليه).

Анас розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Масжидга тупуриш гуноҳ, каффурати эса уни кетказишдир», дедилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا رَأَيْتُمْ مَنْ يَبِيعُ أَوْ يَبْتَاعُ فِي الْمَسْجِدِ فَقُولُوا لَا أَرْبَحَ اللَّهُ تِجَارَتَكَ وَإِذَا رَأَيْتُمْ مَنْ يَنْشُدُ فِيهِ ضَالَّةً فَقُولُوا لَا رَدَّ اللَّهُ عَلَيْكَ (رواه الترمذي).

Имом Термизий Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Агар масжидда олди-сотти қилаётган одамни кўрсангиз: Аллоҳ таоло тижоратингни ривожлантормасин, денглар. Агар йўқолган нарсасини масжидда эълон қилаётган одамни кўрсангиз: Аллоҳ таоло (йўқотган нарсангни) сенга қайтармасин, денглар», дедилар.

Шарх:

Масжидлар намоз ва зикр учунгина қурилган бўлиб, Аллоҳ таолога энг суюкли маконлардан ҳисобланади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам масжидларга хос одобларни ўргатиб, масжидга лойиқ бўлмаган амаллардан четланишга буюрганлар. Биринчи ҳадисдаги «лекин (жуда бўлмаса) чап томонига ёки оёғи тагига тупурсин» деганининг мазмуни, агар масжид полсиз ва палос солинмаган тупроқ ёки қумдан иборат бўлса шундай қилинади. Акс ҳолда дастрўмолига ёки кийимининг этагига туфлайди.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1- Масжидда тупуриб бўлмайди, агар тупуриб қўйса уни дарров тозалайди.

2- Масжидда олди-сотти қилиш ҳаром.

3- Масжидда йўқолган нарсаларни эълон қилиш ҳаром.

68 - дарс Масжид одоблари (2)

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ فِي غَزْوَةِ خَيْبَرَ مَنْ أَكَلَ مِنْ هَذِهِ الشَّجَرَةِ يَغْنِي الثُّومَ فَلَا يَقْرَبَنَّ مَسْجِدَنَا (متفق عليه).

Ибн Умар розияллоҳу анҳумо ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбар жанги куни: «Ким мана бу ўсимликдан – яъни саримсоқдан – еган бўлса, масжидларимизга яқинлашмасин», дедилар.

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ أَكَلَ الْبَصَلِ وَالثُّومَ وَالْكُرَّاثَ فَلَا يَقْرَبَنَّ مَسْجِدَنَا فَإِنَّ الْمَلَائِكَةَ تَنْتَازِي مِمَّا يَتَأَذَى مِنْهُ بَنُو آدَمَ» (رواه مسلم).

Имом Муслим Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким пиёз ёки саримсоқ ёки кўк пиёз еган бўлса масжидларимизга

яқинлашмасин, чунки Фаришталар ҳам Одам боласи озорланган нарсадан озорланади», дедилар.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ أَمَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِنَاءِ الْمَسَاجِدِ فِي الدُّورِ وَأَنْ تُنْظَفَ وَتُطَيَّبَ (رواه أبو داود).

Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам маҳаллаларга масжидлар қуришга ва уларни тозалаб, ҳушбўйлантириб туришга буюрдилар, дейди.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَا أَمَرْتُ بِتَشْيِيدِ الْمَسَاجِدِ.

وَقَالَ ابْنُ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا لَتَزْخَرِفُنَّهَا كَمَا زَخَرَفَتْ الْيَهُودُ وَالنَّصَارَى (رواه أبو داود).

Имом Абу Довуд Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Масжидларни баланд қилиб, кўтариб қуришга буюрилмадим», дедилар.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо: Сизлар ҳам масжидларингизни яҳуд ва насоролар (ибодатхоналарини) зийнатлаганидай зийнатлайдиган бўласизлар, деди.

Шарх:

Масжидлар одамлар учун тозалаб, ёмон ҳидларни кетказиб, ҳушбўйликлар сепиб ибодат ва зикрга ҳозирлаб қўйилган макон бўлиши керак. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлланмаларига зид равишда масжидларни баланд қилиб кўтариб солишдан ва уларни зийнатлашдан кўра мана бу томонларга эътибор қаратиш яхшироқ ва афзалроқдир.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1- Ёқимсиз ҳиди бўлган одам масжидга яқинлашишдан қайтарилган.

2- Масжидлар қуришга буюрилдик, бироқ уларни ўта баланд қилиб қуришдан ва зийнатлашдан қайтарилдик.

3- Масжидларни покиза ва ҳушбўй ҳолатда сақлашга буюрилдик.

69 – дарс. Жамоат намозининг вожиблиги

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ أَنْقَلَ صَلَاةٍ عَلَى الْمُنَافِقِينَ صَلَاةُ الْعِشَاءِ وَصَلَاةُ الْفَجْرِ وَلَوْ يَعْلَمُونَ مَا فِيهِمَا لَاتَوَّهُمًا وَلَوْ حَبَوًّا وَلَقَدْ هَمَمْتُ أَنْ أَمَرَ بِالصَّلَاةِ فَنُقَامَ ثُمَّ أَمَرَ رَجُلًا فَيُصَلِّيَ بِالنَّاسِ ثُمَّ أَنْطَلِقَ مَعِيَ بِرِجَالٍ مَعَهُمْ حُزْمٌ مِنْ حَطَبٍ إِلَى قَوْمٍ لَا يَشْهَدُونَ الصَّلَاةَ فَأَحْرَقَ عَلَيْهِمْ بُيُوتَهُمْ بِالنَّارِ (متفق عليه).

Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилган муттафақун алайх ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Мунофиқларга энг оғир намоз – ҳуфтон ва бомдод намозларидир. Агар бу икки намозда қандай савоб борлигини билишганида эди, эмаклаб бўлса-да келган бўлишар эди. Хоҳлардимки, буюрсам, намозга такбир айтилса, сўнгра бир кишини одамларга имом бўлиб намоз ўқиб беришга буюрсам, - ўзим эса – боғ-боғ ўтин кўтарган одамлар билан биргаликда жамоат намозига келмаётган кишиларнинг уйларини ёқиб юборсам»,

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ أَنَّى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلٌ أَعْمَى فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّهُ لَيْسَ لِي قَائِدٌ يَفُودُنِي إِلَى الْمَسْجِدِ فَسَأَلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يُرَخِّصَ لَهُ فَيُصَلِّيَ فِي بَيْتِهِ فَرَخَّصَ لَهُ فَلَمَّا وُلَّى دَعَاهُ فَقَالَ هَلْ تَسْمَعُ النِّدَاءَ بِالصَّلَاةِ قَالَ نَعَمْ قَالَ فَأَجِبْ (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абу Хурайра розияллоху анху шундай дейди: Бир кўзи ожиз киши келиб: «Ё Расулаллох, мени масжидга етаклаб келадиган одамим йўқ» деб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан уйида намоз ўқишга рухсат сўради. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам унга рухсат бердилар. Эндигина бурилиб кетаётган эди, ул зот уни чақирдилар ва: «Намозга айтиладиган азонни эшитасизми?», деб сўрадилар. «Ҳа», деб жавоб берди. «Ундай бўлса ижобат қилинг (яъни, жамоатга келинг)», дедилар.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ مَنْ سَرَّهُ أَنْ يَلْقَى اللَّهَ غَدًا مُسْلِمًا فَلْيُحَافِظْ عَلَيَّ هَؤُلَاءِ الصَّلَوَاتِ حَيْثُ يُنَادَى بِهِنَّ فَإِنَّ اللَّهَ شَرَعَ لِنَبِيِّكُمْ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سُنَنَ الْهُدَى وَإِنَّهُنَّ مِنْ سُنَنِ الْهُدَى وَلَوْ أَنَّكُمْ صَلَّيْتُمْ فِي بُيُوتِكُمْ كَمَا يُصَلِّي هَذَا الْمُتَخَلِّفُ فِي بَيْتِهِ لَتَرَكْتُمْ سُنَّةَ نَبِيِّكُمْ وَلَوْ تَرَكْتُمْ سُنَّةَ نَبِيِّكُمْ لَضَلَلْتُمْ وَمَا مِنْ رَجُلٍ يَتَطَهَّرُ فَيُحْسِنُ الطُّهُورَ ثُمَّ يَعْمُدُ إِلَى مَسْجِدٍ مِنْ هَذِهِ الْمَسَاجِدِ إِلَّا كَتَبَ اللَّهُ لَهُ بِكُلِّ خَطْوَةٍ يَخْطُوهَا حَسَنَةً وَيَرْفَعُهُ بِهَا دَرَجَةً وَيَحُطُّ عَنْهُ بِهَا سَيِّئَةٌ وَلَقَدْ رَأَيْنَا وَمَا يَتَخَلَّفُ عَنْهَا إِلَّا مُنَافِقٌ مَعْلُومُ النِّفَاقِ وَلَقَدْ كَانَ الرَّجُلُ يُؤْتَى بِهِ يَهَادَى بَيْنَ الرَّجُلَيْنِ حَتَّى يُقَامَ فِي الصَّفِّ (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган асарда Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу деди: «Ким эртага Аллоҳга мусулмон ҳолатда йўлиқишни истаса, (азон айтилиб) чақирилаётган мана бу намозларни (масжидда жамоат билан) адо этсин. Чунки Аллоҳ таоло Пайғамбар алайҳис-саломга ҳидоятга бошловчи йўлларни берган, намозлар ҳам ҳидоятга бошловчи йўллардан. Агар сизлар жамоатга келмайётган анави кимсага ўхшаб намозларни уйлариңизда ўқисангиз, Пайғамбарингизнинг суннاتини тарк қилган бўласиз. Агар Пайғамбарингиз суннатини тарк қилсангиз, шубҳасиз, адашиб кетасиз. Қай бир киши таҳорат олса ва таҳоратини чиройли қилса, сўнг масжидлардан биронтасига йўл олса, Аллоҳ таоло унга ҳар бир босган қадамига биттадан савоб ёзади, бир даража юксалтиради ва битта гуноҳини ўчиради. Дарҳақиқат, бизнинг давримизда жамоат намозидан фақатгина мунофиқлиги маълум бўлган мунофиқларгина қолар эди. Ҳатто,

бир (касал) одамни икки киши суяб олиб келишиб, сафга тургизиб кўйишарди».

Шарх:

Намозни жамоат билан ўқишда улкан манфаатлар борлиги учун Аллоҳ таоло жамоат намозини фарз қилди. Жамоат намозининг фарзлигига ва уни масжидларда адо этиш фарз эканига далолат қилувчи ҳадислар жуда кўп. Шунинг учун ҳам ҳар бир мусулмон Аллоҳ ва Расулининг амрига итоат қилиб ва мунофиқларга ўхшаб қолмаслик учун намозларни жамоат билан масжидларда адо этишга қаттиқ аҳамият бериши лозим.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

- 1- Эркак кишилар учун жамоат намози фарз.
- 2- Жамоат намозига чиқмаслик мунофиқларнинг аломатларидан ҳисобланади.

70 – дарс. Жамоат намозининг фазли

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَاةُ الرَّجُلِ فِي الْجَمَاعَةِ تُضَعَّفُ عَلَى صَلَاتِهِ فِي بَيْتِهِ وَفِي سُوقِهِ خَمْسًا وَعِشْرِينَ ضِعْفًا وَذَلِكَ أَنَّهُ إِذَا تَوَضَّأَ

فَأَحْسَنَ الْوُضُوءَ ثُمَّ خَرَجَ إِلَى الْمَسْجِدِ لَا يُخْرِجُهُ إِلَّا الصَّلَاةُ لَمْ يَخْطُ خَطْوَةً إِلَّا رُفِعَتْ لَهُ بِهَا دَرَجَةٌ وَحُطَّ عَنْهُ بِهَا خَطِيئَةٌ فَإِذَا صَلَّى لَمْ تَزَلِ الْمَلَائِكَةُ تُصَلِّي عَلَيْهِ مَا دَامَ فِي مُصَلَاةِ اللَّهِ صَلَّى عَلَيْهِ اللَّهُمَّ ارْحَمْهُ وَلَا يَزَالُ أَحَدُكُمْ فِي صَلَاةٍ مَا انْتَهَرَ الصَّلَاةَ (متفق عليه).

Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилган муттафақун алайх ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Кишининг жамоат билан ўқиган намози уйда ёки бозорида ўқиган намозидан йигирма беш марта ортиқ бўлади, сабаби агар у таҳорат олса ва таҳоратини мукаммал қилса, сўнг фақат намоз қасди билан масжидга чиқса, ҳар бир босган қадами баробарида бир даражаси биттага кўтарилади ва битта хатоси ўчирилади. Агар намоз ўқиса, модомики намозгоҳида турар экан, фаришталар унга: “Эй Аллоҳ, уни ўзинг мағфират қил, унга ўзинг раҳм қил” деб дуо қилиб туришади. Бирон тангиз (масжидда) намозни кутиб ўтирар экан, намозда тургандай (савобга эга) бўлади», дедилар.

عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «مَا مِنْ ثَلَاثَةٍ فِي قَرْيَةٍ وَلَا بَدْوٍ لَا تُقَامُ فِيهِمُ الصَّلَاةُ إِلَّا قَدْ اسْتَحْوَذَ عَلَيْهِمُ الشَّيْطَانُ فَعَلَيْكَ بِالْجَمَاعَةِ فَإِنَّمَا يَأْكُلُ الذَّنْبُ الْقَاصِيَةَ (أخرجه أبو داود).

Имом Абу Довуд Абу Дардо розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Бирон қишлоқда ёки саҳрода учта мусулмон бўлса-ю, ичларида (жамоат билан) намоз ўқилмаса, шайтон уларга ғолиб бўлиб олади.

Жамоатни лозим тутингиз, чунки бўри ҳам подадан четланган кўйни ейди», дедилар.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «صَلَاةُ الْجَمَاعَةِ تَفْضُلُ صَلَاةَ الْفَدِّ بِسَبْعٍ وَعِشْرِينَ دَرَجَةً (متفق عليه).

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо ривоят қилган муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жамоат намози ёлғиз ўқилган намоздан йигирма етти даража ортиқ бўлади», дедилар.

Шарҳ:

Жамоат намози катта аҳамиятга эга бўлгани ва кўп тарафлама фойдалари бўлгани учун Аллоҳ таоло унга улуғ савобларни ваъда қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жамоат намозига кўп тарғиб қилганлар ва ундаги савоб ёлғиз ҳолда ўқилган намоздан йигирма етти баробар ортиқ эканини, шунингдек, жамоат билан ўқилган намоз шайтонлардан сақланишга сабаб бўлишини хабар берганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Жамоат намози фазилатли, улуғ амаллардан.

2- Жамоат намози ёлғиз ўқилган намоздан йигирма етти баробар афзал.

3- Жамоат билан намоз ўқимаган одамга шайтон ғолиб бўлади.

71 – дарс. Масжидга шошилмай, хотиржам боришнинг суннатлиги

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا سَمِعْتُمُ الْإِقَامَةَ فَاْمَشُوا إِلَى الصَّلَاةِ وَعَلَيْكُمْ بِالسَّكِينَةِ وَالْوَقَارِ وَلَا تُسْرِعُوا فَمَا أَدْرَكْتُمْ فَصَلُّوا وَمَا فَاتَكُمْ فَأَتِمُّوا (متفق عليه).

Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилган муттафақун алайҳ хадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Такбирни эшитсангизлар, намозга вазминлик билан, хотиржам юриб келинглар, шошилманглар. Етган жойингиздан ўқийверинглар, улгурмаганингизни кейин тўлдириб қўйинглар», дедилар.

عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ بَيْنَمَا نَحْنُ نُصَلِّي مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَسَمِعَ جَلْبَةً فَقَالَ مَا شَأْنُكُمْ قَالُوا اسْتَعْجَلْنَا إِلَى الصَّلَاةِ قَالَ فَلَا تَفْعَلُوا إِذَا أَتَيْتُمُ الصَّلَاةَ فَعَلَيْكُمْ السَّكِينَةُ فَمَا أَدْرَكْتُمْ فَصَلُّوا وَمَا سَبَقَكُمْ فَأَتِمُّوا (أخرجه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абу Қатода розияллоҳу анҳу айтади: Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга намоз ўқиётган эдик, тапир-тупир овозлар эшитилди. (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоздан кейин:) «Нима гап?» деб сўрадилар. «Намозга шошилдик» дейишди. «Ундай қилманглар, қачон намозга келсанглар, хотиржам юриб келинглар. Етган жойингиздан ўқийверинглар, қолиб кетганини кейин тўлдириб қўйинглар» дедилар.

Шарҳ:

Мусулмон киши намозга чиқиб бораётган пайтида Парвардигорига юзланиб турадиган буюк ибодат учун чиқаётган бўлади. Шунинг учун ҳам бу ибодатнинг улуғлигини ҳис қилган ҳолда, хотиржамлик ва сакинат билан юриб бормоғи керак. Бу эса унга намозида хушув билан туришига ёрдам беради.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1- Намозга вазминлик билан, хотиржам юриб боришга буюрилганмиз.

2- Рукуъга улгуриб қолиш мақсадида шошилиб югуришдан қайтарилганмиз.

72 – дарс. Намозга эрта бориб, уни кутиб ўтиришнинг фазли

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَاةُ الرَّجُلِ فِي الْجَمَاعَةِ تُضَعَّفُ عَلَى صَلَاتِهِ فِي بَيْتِهِ وَفِي سُوقِهِ خَمْسًا وَعِشْرِينَ ضِعْفًا وَذَلِكَ أَنَّهُ إِذَا تَوَضَّأَ فَأَحْسَنَ الْوُضُوءَ ثُمَّ خَرَجَ إِلَى الْمَسْجِدِ لَا يُخْرِجُهُ إِلَّا الصَّلَاةُ لَمْ يَخْطُ خَطْوَةً إِلَّا رُفِعَتْ لَهُ بِهَا دَرَجَةٌ وَحُطَّ عَنْهُ بِهَا خَطِيئَةٌ فَإِذَا صَلَّى لَمْ تَزَلِ الْمَلَائِكَةُ تُصَلِّي عَلَيْهِ مَا دَامَ فِي مُصَلَاةِ اللَّهِمَّ صَلِّ عَلَيْهِ اللَّهُمَّ ارْحَمْهُ وَلَا يَزَالُ أَحَدُكُمْ فِي صَلَاةٍ مَا انْتَهَرَ الصَّلَاةَ (متفق عليه).

Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Кишининг жамоат билан ўқиган намози уйида ёки бозорида ўқиган намозидан йигирма беш марта ортиқ бўлади, сабаби агар у таҳорат олса ва таҳоратини мукаммал қилса, сўнг фақат намоз қасди билан масжидга чиқса, ҳар бир босган қадами баробарида бир даража юксалтирилади ва битта хатоси ўчирилади. Агар намоз ўқиса, то намозгоҳида ўтирар экан, фаришталар унга: “Эй Аллоҳ, уни ўзинг мағфират қил, унга ўзинг раҳм қил” деб дуо қилиб туришади. Биронтангиз (масжидда) намозни кутиб ўтирар экан, намозда тургандай (савобга эга) бўлади».

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَوْ يَعْلَمُ النَّاسُ مَا فِي النِّدَاءِ وَالصَّفِّ الْأَوَّلِ ثُمَّ لَمْ يَجِدُوا إِلَّا أَنْ يَسْتَهْمُوا عَلَيْهِ لَاسْتَهَمُوا وَلَوْ يَعْلَمُونَ مَا فِي التَّهَجِيرِ لَاسْتَبَقُوا إِلَيْهِ وَلَوْ يَعْلَمُونَ مَا فِي الْعَتَمَةِ وَالصُّبْحِ لَأَتَوْهُمَا وَلَوْ حَبَوًّا (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоху анху ривоят қилган муттафақун алайх ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Агар одамлар азон ва биринчи сафнинг фазилатини билишганда эди, унга эришиш учун қуръа ташлашдан бошқа йўл топмасалар, албатта қуръа ташлаган бўлишарди. Агар намозга эрта келишнинг фазилатини билишганда эди, ким ўзарга келган бўлишарди. Агар хуфтон ва бомдод намозининг фазилатини билишганда эди, бу икки намозга эмаклаб бўлса-да, келган бўлишарди», дедилар.

Шарх:

Намозга эртароқ бориш – Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам тарғиб қилган амаллардан. Ул зот, шунингдек, мусулмон киши масжидда намозни кутиб ўтирар экан, уни масжидда ушлаб турган нарса намоз бўлгани учун шу ўтирганига ҳам намозда тургандек ажр олишини хабар берганлар. Яна айтганларки, агар инсонлар намозга эртароқ бориш билан топиладиган савобнинг нақадар улуғлигини билишганида эди, бу савобга етиш учун ким ўзарга мусобақа ўйнашган бўлишарди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Намозга эрта боришнинг фазилати улугдир.
- 2- Намозни кутиб ўтиришнинг савоби намозда турганнинг савоби билан баробар.
- 3- Азон айтиш ва биринчи сафда туришнинг чексиз фазли бор.

73 – дарс. Таҳийятул масжид

عَنْ أَبِي قَتَادَةَ السَّلْمِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا دَخَلَ أَحَدُكُمْ الْمَسْجِدَ فَلْيَرْكَعْ رُكْعَتَيْنِ قَبْلَ أَنْ يَجْلِسَ (متفق عليه).

Абу Қатода ас-Саламий Розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар биронтангиз масжидга кирса, ўтиришдан аввал икки ракъат намоз ўқисин», дедилар.

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ جَاءَ سُلَيْكُ الْعَطْفَانِيُّ يَوْمَ الْجُمُعَةِ وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْطُبُ فَجَلَسَ فَقَالَ لَهُ يَا سُلَيْكُ قُمْ فَارْكَعْ رُكْعَتَيْنِ وَتَجَوَّزْ فِيهِمَا ثُمَّ قَالَ إِذَا جَاءَ أَحَدُكُمْ يَوْمَ الْجُمُعَةِ وَالْإِمَامُ يَخْطُبُ فَلْيَرْكَعْ رُكْعَتَيْنِ وَلْيَتَجَوَّزْ فِيهِمَا (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жума кун и хутба қилиб турган эдилар, Сулайк ал-

Ғатафоний келиб ўтирди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «Эй Сулайк, туринг, икки рақъат енгил намоз ўқиб олинг», дедилар. Сўнгра: «Агар биронтангиз жума куни масжидга келганида имом хутба қилиб турган бўлса, енгилгина икки рақъат намоз ўқиб олсин», дедилар.

Шарҳ:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидга кирган ҳар бир кишини ўтиришдан аввал икки рақъат таҳийятул масжид ўқишга буюрдилар. Жума куни хутбани эшитиш учун ўтираётган кишини ҳам аввал енгил икки рақъат намоз ўқиб олишга буюрдилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Масжидга кирган одам ўтиришдан аввал икки рақъат намоз ўқиши суннати муаккададир.

2- Бу амал ҳатто имом жума куни хутба қилиб турганда ҳам соқит бўлмайди.

74 – дарс. Биринчи сафнинг фазилати

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَوْ يَعْلَمُ النَّاسُ مَا فِي النِّدَاءِ وَالصَّفِّ الْأَوَّلِ ثُمَّ لَمْ يَجِدُوا إِلَّا أَنْ يَسْتَهْمُوا عَلَيْهِ لَاسْتَهَمُوا وَلَوْ يَعْلَمُونَ مَا فِي التَّهْجِيرِ لَاسْتَبَقُوا إِلَيْهِ وَلَوْ يَعْلَمُونَ مَا فِي الْعَتَمَةِ وَالصُّبْحِ لَأَتَوْهُمَا وَلَوْ حَبْوًا (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар одамлар азон ва биринчи сафнинг фазилатини билишганда эди, унга эришиш учун қуръа ташлашдан бошқа йўл топмасалар, албатта қуръа ташлаган бўлишарди. Агар намозга эрта келишнинг фазилатини билишганда эди, ким ўзарга келган бўлишарди. Агар хуфтон ва бомдод намозининг фазилатини билишганда эди, бу икки намозга эмаклаб бўлса-да, келган бўлишарди», дедилар.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَأَى فِي أَصْحَابِهِ تَأْخُرًا فَقَالَ لَهُمْ تَقَدَّمُوا فَأَتَمُّوا بِي وَلِيَأْتَمَّ بِكُمْ مَنْ بَعْدَكُمْ لَا يَزَالُ قَوْمٌ يَتَأَخَّرُونَ حَتَّى يُؤَخَّرَهُمُ اللَّهُ (أخرجه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларининг (биринчи сафни кўйиб) орқароқ сафларда туришганини кўриб: «Олдинги сафга ўтиб, менга иқтидо қилинглр, орқангиздагилар сизларга иқтидо қилишсин. Қайсики қавм (аввалги сафлардан) орқага чекинаверса, Аллоҳ таоло уларни (Ўз фазлу-марҳаматидан) узоқлаштириб кўяди», дедилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَيْرُ صُفُوفِ الرِّجَالِ أَوْلَاهَا وَشَرُّهَا آخِرُهَا وَخَيْرُ صُفُوفِ النِّسَاءِ آخِرُهَا وَشَرُّهَا أَوْلَاهَا (أَخْرَجَهُ مُسْلِمٌ).

Имом Муслим Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Эркаклар сафларининг энг яхшиси биринчиси, энг ёмони охиргисидир. Аёллар сафларининг энг яхшиси охиргиси ва энг ёмони аввалгисидир», дедилар.

Шарҳ:

Аввалги сафда ўқилган намознинг фазли ва савоби ортиқроқ, шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам биринчи сафда намоз ўқишга тарғиб қилганлар, ким биринчи сафдан қасддан бош тортадиган бўлса, бу унинг Аллоҳнинг раҳматидан ва улуғ манзилатлардан узоқлашишига сабаб бўлади, деб хабар берганлар. Эркаклар сафларининг энг яхшиси аввалгиси ва энг ёмони (яъни, фазилати энг ози) охиргиси, бу эркаклар сафларининг умумий ҳукми, уларнинг орқаларида аёллар ҳам намоз ўқишадими ёки йўқми бунинг фарқи йўқ. Аммо эркаклар билан бир масжидда уларнинг орқаларида туриб намоз ўқийдиган аёлларнинг энг яхши сафлари охиргиси, энг ёмони (эркакларга яқин бўлгани учун) аввалигиси. Агар аёллар алоҳида хонада

жамоат намозини ўқисалар уларнинг сафларининг афзали ҳам аввалидир. (Имом Нававий шарҳи)

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Намозга эрта бориб, биринчи сафда туришнинг фазли улуг.
- 2- Эркакларнинг энг яхши сафи аввалгиси, энг ёмони охиргиси.
- 3- Биринчи сафдан атайлаб кечикишдан қайтарилганмиз.

75 – дарс. Сафларни текислашнинг вожиблиги

عَنْ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَلَا تَصُفُّونَ كَمَا تَصُفُّ الْمَلَائِكَةُ عِنْدَ رَبِّهَا، فَقُلْنَا يَا رَسُولَ اللَّهِ وَكَيْفَ تَصُفُّ الْمَلَائِكَةُ عِنْدَ رَبِّهَا، قَالَ يُنْمُونَ الصُّفُوفَ الْأُولَى وَيَتَرَاصُونَ فِي الصَّفِّ (أخرجه مسلم).

Имом Муслим Жобир ибн Самура розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Фаришталар Роббилари ҳузурида саф тортганидай саф тортмайсизларми?!» дедилар. Биз: «Фаришталар Роббилари ҳузурида қандай саф тортишади?» деб сўрадик. «Аввалги сафларни тўлдирадилар ва сафда зич турадилар», дедилар.

عَنْ أَبِي مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَمْسَحُ مَنَاكِبَنَا فِي الصَّلَاةِ وَيَقُولُ اسْتَوُوا وَلَا تَخْتَلِفُوا فَتَخْتَلَفَ قُلُوبُكُمْ لِيَلِينِي مِنْكُمْ أَوْلُو الْأَحْلَامِ وَالنُّهَى ثُمَّ الَّذِينَ يُلُونَهُمْ ثُمَّ الَّذِينَ يُلُونَهُمْ (أخرجه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абу Масъуд розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозга турганимизда елкаларимизни текислаб: «Баробар туринглар, нотекис турманглар, қалбларингиз номувофиқ бўлиб қолмасин. Ораларингиздаги ақл заковатли кишилар менга яқин турсин, сўнгра (ақлда) уларга яқинроқлари, сўнгра уларга яқинроқлари (турсин)» дер эдилар.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سَوُّوا صُفُوفَكُمْ فَإِنَّ تَسْوِيَةَ الصَّفِّ مِنْ تَمَامِ الصَّلَاةِ (أخرجه مسلم).

Имом Муслим Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сафларингизни баробар қилингиз, чунки сафларни баробар қилиш намознинг мукамал бўлиши сабабларидан», дедилар.

عَنْ النُّعْمَانِ بْنِ بَشِيرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُسَوِّي صُفُوفَنَا حَتَّى كَأَنَّما يُسَوِّي بِهَا الْقِدَاحَ حَتَّى رَأَى أَنَا قَدْ عَقَلْنَا عَنْهُ ثُمَّ خَرَجَ يَوْمًا فَقَامَ حَتَّى كَادَ يُكَبِّرُ فَرَأَى رَجُلًا بَادِيًا صَدْرُهُ مِنَ الصَّفِّ فَقَالَ عِبَادَ اللَّهِ لَتُسَوَّنَّ صُفُوفُكُمْ أَوْ لِيُخَالِفَنَّ اللَّهُ بَيْنَ وُجُوهِكُمْ (أخرجه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Нўъмон ибн Башир розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафларимизни худди найзанинг чўпларини текислагандек текислар эдилар. То биз тушуниб етганимизни кўргунларича (шундай қилдилар.) Бир куни чиқиб, энди намозни бошлашга такбир айтмоқчи бўлиб турган эдилар, бир кишининг кўкраги сафдан олдинга чиқиб турганини кўрдилар ва: «Эй Аллоҳнинг бандалари, ё сафларингизни баробар қиласиз ё Аллоҳ юзларингизни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўяди», дедилар.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَقِيمُوا صُفُوفَكُمْ فَإِنِّي أَرَاكُمْ مِنْ وَرَاءِ ظَهْرِي وَكَأَنَّ أَحَدُنَا يُلْزِقُ مَنكِبَهُ بِمَنكِبِ صَاحِبِهِ وَقَدَمَهُ بِقَدَمِهِ (أَخْرَجَهُ الْبُخَارِيُّ).

Имом Бухорий Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сафларингизни тўғриланглар, мен сизларни орқамдан ҳам кўриб тураман», дедилар. Анас розияллоҳу анҳу айтади: Биз (сафга турганимизда) елкамизни ёнимиздаги биродаримизнинг елкасига, оёғимизни оёғига ёпиштириб турар эдик.

Шарҳ

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафлар тўғри бўлишига қаттиқ аҳамият берардилар, ҳатто саҳобаларнинг

елкаларидан ушлаб, сафларини ҳудди найзани бир текис қилиб тергандай текислардилар. Умар розияллоҳу анҳу халифалик даврида ҳар бир сафга сафни тўғрилайдиган бир одам тайинлаб қўйган эди. Сафлар тўғриланди, дейилганидан кейингина намозни бошлар эди. Бугунги кунга келиб бизнинг диёрларда одамлар бу суннатни унутишди, сафларни текис ва жипс қилинишига эътибор бериш йўқолди, балки мусулмонлар орасидаги баъзи ихтилофларнинг сабаби ҳам ушбу суннатни тарк қилганимиздир. Аллоҳ таоло оламдаги барча мусулмонларнинг қалбларини ва сафларини тўғриласин ва бирлаштирсин.

Шу ўринда айтиб ўтишишимиз керакки, баъзи намозхонлар сафни боғлайман деб сафда оёқлари орасини кенг очиб туради, бунинг сабаби эса ёнидаги намозхон икки оёғини бир-бирига жипслагудек туриб оладида ёнидаги бўшлиқни тўлдириш ўрнига ҳамсоясидан узоқроқ туришга интилади. Бу албатта билмасликдан. Сафда турилганда оёқлар елка кенглигида қўйилади ҳамда елка ва оёқни ёнидаги кишининг елка ва оёғига теккизиб турилади, ана шунда пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатлари рўёбга чиқади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Намозда сафларни тўғрилашга ва жипс туришга буюрилганмиз.

2- Сафларнинг тўғри бўлмаслиги намозхонларнинг қалблари бир-бирларига нисбатан ўзгариб қолишига сабаб бўлади.

3- Сафларни текис қилиш намознинг мукамаллиги сабабларидан.

76 – дарс. Жамоат билан масжидда ўқилган бомдод намозининг фазли

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «تَفْضُلُ صَلَاةِ الْجَمِيعِ صَلَاةِ أَحَدِكُمْ وَحْدَهُ بِخَمْسٍ وَعِشْرِينَ جُزْءًا وَتَجْتَمِعُ مَلَائِكَةُ اللَّيْلِ وَمَلَائِكَةُ النَّهَارِ فِي صَلَاةِ الْفَجْرِ ثُمَّ يَقُولُ أَبُو هُرَيْرَةَ فَأَقْرَأُوا إِنْ شِئْتُمْ { إِنْ قُرَأَ الْفَجْرُ كَانَ مَشْهُودًا }» (متفق عليه).

Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитган экан: «Жамоат билан ўқилган намоз сизлардан бирингизнинг ёлғиз ўқиган намозидан йигирма беш марта афзалдир. Тунги фаришталар билан кундузги фаришталар бомдод намози пайтида йиғиладилар». Сўнг Абу Хурайра: «Агар ҳохласангиз **«Зеро тонгги ўқиш (яъни, бомдод намози кеча ва кундуз фаришталари) ҳозир бўладиган намоздир»** (Исро: 78) оятини ўқинглар», деди.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ أَثْقَلَ صَلَاةٍ عَلَى الْمُنَافِقِينَ صَلَاةُ الْعِشَاءِ وَصَلَاةُ الْفَجْرِ وَلَوْ يَعْلَمُونَ مَا فِيهِمَا لِأَتَوْهُمَا وَلَوْ حَبْوًا وَلَقَدْ هَمَمْتُ أَنْ أَمُرَ بِالصَّلَاةِ فَتُقَامَ ثُمَّ أَمَرَ رَجُلًا فَيُصَلِّيَ بِالنَّاسِ ثُمَّ انْطَلِقَ مَعِيَ بِرِجَالٍ مَعَهُمْ حُزْمٌ مِنْ حَطَبٍ إِلَى قَوْمٍ لَا يَشْهَدُونَ الصَّلَاةَ فَأَحْرَقَ عَلَيْهِمْ بُيُوتَهُمْ بِالنَّارِ» (متفق عليه).

Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилган муттафақун алайх ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Мунофиқларга энг оғир намоз – ҳуфтон ва бомдод намозларидир. Агар бу икки намозда қандай савоб борлигини билишганида эди, эмаклаб бўлса-да келган бўлишар эди. Хоҳлардимки, буюрсам, намозга такбир айтилса, сўнгра бир кишини одамларга намоз ўқиб беришга буюрсам, - ўзим эса – ўтин кўтарган одамлар билан биргаликда жамоат намозига келмаётган кишиларнинг уйларига бориб, устларидан ёқиб юборсам», дедилар.

عَنْ عُثْمَانَ بْنِ عَفَّانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «مَنْ صَلَّى الْعِشَاءَ فِي جَمَاعَةٍ فَكَأَنَّمَا قَامَ نِصْفَ اللَّيْلِ وَمَنْ صَلَّى الصُّبْحَ فِي جَمَاعَةٍ فَكَأَنَّمَا صَلَّى اللَّيْلَ كُلَّهُ» (أخرجه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Усмон розияллоху анху шундай дейди: Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг: «Ким ҳуфтонни (масжидда) жамоат билан ўқиса, гўё кечанинг ярмини намоз билан ўтказибди ва ким бомдодни жамоат билан ўқиса, гўё кечанинг ҳаммасини намоз билан ўтказибди» деганларини эшитганман.

عَنْ جُنْدَبِ بْنِ سُفْيَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ صَلَّى صَلَاةَ الصُّبْحِ فَهُوَ فِي ذِمَّةِ اللَّهِ فَلَا يَطْلُبَنَّكَ اللَّهُ مِنْ ذِمَّتِهِ بِشَيْءٍ فَإِنَّهُ مَنْ يَطْلُبْهُ مِنْ ذِمَّتِهِ بِشَيْءٍ يُدْرِكْهُ ثُمَّ يَكُفَّهُ عَلَى وَجْهِهِ فِي نَارِ جَهَنَّمَ» (رواه مسلم).

Имом Муслим Жундаб ибн Суфён розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ким бомдод намозини ўқиса, у Аллоҳнинг зиммасида (аҳду омонлигида)дир. Аллоҳ сизларни ҳаргиз Ўзининг зиммасидан бирор нарсани зое қилган ҳолингизда топмасин. Зеро, Аллоҳ қай бир кишини Ўзининг зиммасидан бирор нарсани зое қилган топса, уни юзтубан ҳолда жаҳаннамга улоқтиради», дедилар.

Шарҳ:

Бомдод намози тунги ва кундузги амалларимизни ёзиб турадиган Фаришталар ҳозир бўлишадиган улуғ намоз. Ким хуфтон ва бомдод намозларини жамоат билан масжидда ўқиса, кечаси билан бедор бўлиб намоз ўқиб чиққан одамнинг савобига эришади. Шунингдек бомдодни жамоат билан масжидда ўқиган одам Аллоҳнинг зиммасида - ҳимоясида бўлади.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1- Бомдод намози Фаришталар ҳозир бўладиган фазилатли намоз.

2- Бомдод намози мунофиқларга энг оғир намоз.

3- Бомдодни жамоат билан масжидда ўқиган одам Аллоҳнинг зиммасида бўлади.

77 – дарс. Аср намозининг фазли

Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 238-оятида шундай дейди:

«حَافِظُوا عَلَى الصَّلَوَاتِ وَالصَّلَاةِ الْوُسْطَى وَقُومُوا لِلَّهِ قَانِتِينَ»

«Барча намозларни ва хусусан ўрта намозни (аср намозини) сақланглар – ўз вақтида адо қилинглар!»

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «يَتَعَاقَبُونَ فِيكُمْ مَلَائِكَةٌ بِاللَّيْلِ وَمَلَائِكَةٌ بِالنَّهَارِ وَيَجْتَمِعُونَ فِي صَلَاةِ الْفَجْرِ وَصَلَاةِ الْعَصْرِ ثُمَّ يَعْرُجُ الَّذِينَ بَاتُوا فِيكُمْ فَيَسْأَلُهُمْ وَهُوَ أَعْلَمُ بِهِمْ كَيْفَ تَرَكَتُمْ عِبَادِي فَيَقُولُونَ تَرَكَنَاهُمْ وَهُمْ يُصَلُّونَ وَأَتَيْنَاهُمْ وَهُمْ يُصَلُّونَ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Сизларнинг орангизда кечаси бир тоифа, кундузи бир тоифа фаришталар алмашиб турадилар. Улар бомдод ва аср намозлари

вақтида жамланишади, сўнг сизларнинг ичингизда тунни ўтказганлари (самога) кўтарилади. (Аллоҳ таоло) Ўзи яхши билган ҳолда улардан: “Бандаларимни қай ҳолда қўйиб келдинглар?” деб сўрайди. Улар: “Уларни намоз ўқиётган ҳолда тарк қилдик, борганимизда ҳам намоз ўқиётган эдилар” дейишади».

عَنْ جَرِيرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ قَالَ كُنَّا عِنْدَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَنَظَرَ إِلَى الْقَمَرِ لَيْلَةً، يَعْنِي الْبَدْرَ، فَقَالَ: «إِنَّكُمْ سَتَرُونَ رَبَّكُمْ كَمَا تَرُونَ هَذَا الْقَمَرَ لَا تُضَامُونَ فِي رُؤْيَيْهِ فَإِنْ اسْتَطَعْتُمْ أَنْ لَا تُغْلَبُوا عَلَى صَلَاةٍ قَبْلَ طُلُوعِ الشَّمْسِ وَقَبْلَ غُرُوبِهَا فَافْعَلُوا ثُمَّ قَرَأَ {وَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ قَبْلَ طُلُوعِ الشَّمْسِ وَقَبْلَ الْغُرُوبِ}» (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу шундай дейди: Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида эдик, ўн тўрт кунлик тўлин ойга боқиб, дедилар: «Сизлар Роббингизни худди шу ойни кўраётганингиздек кўрасизлар, Уни кўришда (тиқилинчдан) талашиб-тортишмайсизлар. Агар кун чиқишидан илгари ва кун ботишидан олдин намоз ўқишдан мағлуб бўлмасликка қодир бўлсаларингиз, шундай қилинглар.» Сўнгра «... ва қуёш чиқишидан илгари ва ботишидан аввал Роббингизга ҳамду сано айтиш билан (У зотни) покланг - намоз ўқинг!» (Қоф: 39) оятини ўқиди.

عَنْ أَبِي مُوسَى الْأَشْعَرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ صَلَّى
الْبَرْدَيْنِ دَخَلَ الْجَنَّةَ» (رواه البخاري).

Имом Бухорий Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ким икки салқин (бомдод ва аср намози)ни ўқиса, жаннатга киради», дедилар.

عَنْ بُرَيْدَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ تَرَكَ صَلَاةَ الْعَصْرِ فَقَدْ حَبِطَ
عَمَلُهُ» (رواه البخاري).

Имом Бухорий Бурайда розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ким аср намозини тарк қилса амали ҳабата бўлади», дедилар.

Шарх:

Аср намози ўрта намоз бўлиб, одамлар баъзи амаллар билан овора бўлиб турган вақт, бизнинг диёрларда ишлар айна авжигачиқиб, қизиган вақтга тўғри келади. Ҳозир шуни дарров тугатиб, кейин асрни ўқиб оламан деган одам кўпинча шом намози бўлиб қолганини сезмай қолади. Ҳамма ўлкаларда ҳам аср вақти бир нарса билан машғул бўладиган вақт, шунинг учун ҳам бўлса керакки Аллоҳ таоло бошқа намозларга нисбатан аср намозини ўз вақтида адо этишга қаттиқроқ буюрди. Пайғамбаримиз соллаллоху

алайҳи ва саллам аср ва бомдод намозини ўз вақтида адо қилиш жаннатга киришга, аср намозини ўқимаслик амалларнинг ҳабата бўлишига сабаб бўлишини хабар бердилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Аср кўп фазилатли ўрта намоз.
- 2- Аср намозини ўз вақтида адо қилиш жаннатга киришга сабаб бўлади.
- 3- Аср намозини тарк қилган одамга қаттиқ ваъидлар бор.

78 – дарс. Такбир айтилгандан кейин имом бирор ҳожат сабабли намозни кечиктириши жоизлиги

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ أُقِيمَتِ الصَّلَاةُ فَسَوَّى النَّاسُ صُفُوفَهُمْ فَخَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَتَقَدَّمَ وَهُوَ جُنُبٌ ثُمَّ قَالَ: «عَلَى مَكَانِكُمْ فَارْجِعْ فَاغْتَسَلْ ثُمَّ خَرَجَ وَرَأْسُهُ يَقْطُرُ مَاءً فَصَلَّى بِهِمْ» (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу шундай дейди: Намозга такбир айтилиб, одамлар сафларини тўғрилашди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам чиқиб, олдинга ўтдилар. Лекин у киши жунуб ҳолда эканлар, бизга:

«ўрнинглардан қимирламанглар» дедилар-да, ортларига қайтиб, ғусл қилдилар. Сўнг бошларидан сув томиб турган ҳолатда чиқиб бизга имом бўлиб намоз ўқидилар.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ أُقِيمَتِ الصَّلَاةُ فَعَرَضَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلٌ فَحَبَسَهُ بَعْدَ مَا أُقِيمَتِ الصَّلَاةُ (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Анас розияллоҳу анҳу шундай дейди: Намозга такбир (иқома) айтилди, бир киши такбирдан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни тўхтатиб иқоматдан кейин у зотни ушлаб қолди.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ أُقِيمَتِ الصَّلَاةُ وَالنَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُنَاجِي رَجُلًا فِي جَانِبِ الْمَسْجِدِ فَمَا قَامَ إِلَى الصَّلَاةِ حَتَّى نَامَ الْقَوْمُ (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Анас розияллоҳу анҳу шундай дейди: Намозга такбир (иқома) айтилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса масжиднинг четида бир киши билан гаплашиб тургандилар. Намозга турганларида, қавм ухлаб қолганди.

Шарх:

Гоҳо намозга такбир айтилгандан кейин имом баъзи ҳожатлар билан намозни бошлашга кечикиши мумкин, худди юқорида зикр

қилинган ҳадисларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳосил бўлган воқеаларга ўхшаш. Лекин бирон ҳадис ёки ривоятларда у киши намозга кечиккандан кейин намозга янгидан такбир айтилгани ривоят қилинмаган.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Имом намозга такбир айтилгандан кейин бирон ҳожати чиқиб, кечикиши жоиз.

2- Имом ҳожатини ўтаб келгандан кейин такбирни янгидан айтилмайди.

79 - дарс Намознинг сифати: Такбиратул-эхром

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَخَلَ الْمَسْجِدَ فَدَخَلَ رَجُلٌ فَصَلَّى فَسَلَّمَ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَرَدَّ وَقَالَ: «ارْجِعْ فَصَلِّ فَإِنَّكَ لَمْ تُصَلِّ» فَرَجَعَ يُصَلِّي كَمَا صَلَّى ثُمَّ جَاءَ فَسَلَّمَ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: «ارْجِعْ فَصَلِّ فَإِنَّكَ لَمْ تُصَلِّ» ثَلَاثًا، فَقَالَ: «وَالَّذِي بَعَثَكَ بِالْحَقِّ مَا أَحْسِنُ غَيْرَهُ فَعَلَّمَنِي» فَقَالَ: «إِذَا قُمْتَ إِلَى الصَّلَاةِ فَكَبِّرْ ثُمَّ اقْرَأْ مَا تَيَسَّرَ مَعَكَ مِنَ الْقُرْآنِ ثُمَّ ارْكَعْ حَتَّى تَطْمِئِنَّ رَاكِعًا ثُمَّ ارْفَعْ حَتَّى تَعْتَدِلَ قَائِمًا ثُمَّ اسْجُدْ حَتَّى تَطْمِئِنَّ سَاجِدًا ثُمَّ ارْفَعْ حَتَّى تَطْمِئِنَّ جَالِسًا وَافْعَلْ ذَلِكَ فِي صَلَاتِكَ كُلِّهَا» (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидга кирдилар. Бир киши ҳам масжидга кириб намоз ўқидида, сўнг келиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салом берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саломига алиқ олиб: «Боринг, намозингизни қайта ўқинг, сиз намоз ўқимадингиз», дедилар. У киши қайтди ва аввал қандай намоз ўқиган бўлса, шундай намоз ўқиди, сўнг келиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салом берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна: «Боринг, намозингизни қайта ўқинг, сиз намоз ўқимадингиз», дедилар. Мана шу ҳолат уч марта такрорлангач, ҳалиги киши: «Сизни ҳақ билан жўнатган Зотга қасамки, мен бундан яхшироқ намоз ўқишни билмайман, менга ўргатинг» деди. Шунда ул зот: «Агар намозга турсангиз (такбиратул-эхромга) такбир айтинг, сўнгра Қуръондан муяссар бўлганича ўқинг, сўнгра рукуъ қилинг ва рукуъда хотиржам туринг, сўнгра рукуъдан бошингизни кўтаринг, қоматингиз тик бўлсин, сўнгра сажда қилинг ва саждада хотиржам туринг, сўнгра бошингизни саждадан кўтариб, хотиржам ўтиринг ва барча намозингизни шу зайлда ўқинг», дедилар.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ افْتَتَحَ التَّكْبِيرَ فِي الصَّلَاةِ فَرَفَعَ يَدَيْهِ حِينَ يُكَبِّرُ حَتَّى يَجْعَلَهُمَا حَذْوَ مَنْكَبَيْهِ وَإِذَا كَبَّرَ لِلرُّكُوعِ فَعَلَّ مِثْلَهُ وَإِذَا قَالَ سَمِعَ

اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ فَعَلَ مِثْلَهُ وَقَالَ رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ وَلَا يَفْعَلُ ذَلِكَ حِينَ يَسْجُدُ وَلَا حِينَ يَرْفَعُ رَأْسَهُ مِنَ السُّجُودِ (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрдимки, намозни такбир билан бошладилар, такбир айтган пайтларида икки қўлларини икки елкалари баробарида кўтардилар. Рукуъга такбир айтганларида ҳам худди шундай қилдилар. «Самиъаллоҳу лиман ҳамидах» деганларида ҳам шундай қилдилар ва «Роббана ва лакал ҳамд» дедилар. Саждага борганларида ва саждадан бош кўтарганларида бундай қилмадилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا قَامَ إِلَى الصَّلَاةِ رَفَعَ يَدَيْهِ مَدًّا (رواه الترمذي و أبو داود).

Имом Термизий ва Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам агар намозга турсалар қўлларини кўтарар эдилар.

Шарҳ:

Такбиратул-эҳром – намозга кириш вақтида Аллоҳу акбар деб қўлни кўтариш, бизда “қулоқ қоқиш” ҳам дейилади. Такбиратул-

эхром намоз рукнларидан бири бўлиб, ким уни қасддан ёки бепарволик билан тарк қилса намози дуруст бўлмайди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Такбиратул-эхром намоз рукнларидан бири.

2- Намозни бошлашдан аввал тил билан ният қилиш жоиз эмас, чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу кишига намозни қандай ўқиш кераклигини ўргатдилар, лекин ниятни тил билан талаффуз қилишни зикр қилмадилар. Бизнинг мазҳаб имомларидан ҳам намозда ниятни тил билан талаффуз қилиш нақл қилинмаган.

3- Намозга такбир айтганда қўл - бизнинг мазҳабда – елкадан баландроқ кўтарилади.

80 – дарс. Ўнг қўлни чап қўл устига қўйиш

عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ النَّاسُ يُؤْمَرُونَ أَنْ يَضَعَ الرَّجُلُ الْيَدَ الْيُمْنَى عَلَى ذِرَاعِهِ الْيُسْرَى فِي الصَّلَاةِ (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳу шундай дейди: Одамлар (Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврида) намозда ўнг қўлини чап билагаи устига қўйишга буюриларди.

عَنْ وَاِئِلِ بْنِ حُجْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ رَأَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَفَعَ يَدَيْهِ حِينَ دَخَلَ فِي الصَّلَاةِ كَبَّرَ وَصَفَ هَمَامٌ حِيَالَ أُذُنَيْهِ ثُمَّ التَّحَفَ بِثَوْبِهِ ثُمَّ وَضَعَ يَدَهُ الْيُمْنَى عَلَى الْيُسْرَى فَلَمَّا أَرَادَ أَنْ يَرْكَعَ أَخْرَجَ يَدَيْهِ مِنَ الثَّوْبِ ثُمَّ رَفَعَهُمَا ثُمَّ كَبَّرَ فَرَكَعَ فَلَمَّا قَالَ سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ رَفَعَ يَدَيْهِ فَلَمَّا سَجَدَ سَجَدًا بَيْنَ كَفَّيْهِ (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Воил ибн Ҳужр розияллоҳу анҳу айтади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрдимки, намоз бошлаётганларида такбир айтиб қўлларини кулоқлари яқинига кўтардилар, сўнгра қўлларини кийимлари остига киритиб, ўнг қўлларини чап қўллари устига қўйдилар. Рукуъ қилмоқчи бўлганларида қўлларини кийим ичидан чиқариб кўтардилар, сўнг такбир айтиб рукуъ қилдилар. «Самиъаллоҳу лиман ҳамида» деб қўлларини кўтардилар. Саждага борганларида икки кафтлари орасига сажда қилдилар.

عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ كَانَ يُصَلِّي فَوَضَعَ يَدَهُ الْيُسْرَى عَلَى الْيُمْنَى فَرَأَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَوَضَعَ يَدَهُ الْيُمْنَى عَلَى الْيُسْرَى (رواه أبو داود).

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда айтилишича, Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу чап қўлини ўнг қўли устига қўйиб намоз ўқиётган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни кўрдилар ва ўнг қўлини чап қўли устига қўйиб қўйдилар.

Шарх:

Намозда ўнг қўлни чап қўл устига қўйиб туриш Расулulloх соллalloҳу алайҳи ва саллам буюрган суннат амаллардан. Шунингдек бу ҳолат Аллоҳ таоло олдида бўйсинган, ҳокисор сс ҳолатда туришга муносиб ҳайъатдир. Бу ҳолат намозхонга намозда ақл ҳушини жамлашга ва хушуъ билан туришга ёрдам беради.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Намозда ўнг қўлни чап қўл устига қўйиш суннат.

2- Қўлни боғлагандан кейин қаерга қўйиш ҳақида уламолар ихтилоф қилишган. Жумхур уламолар наздида қўл кўкрак билан киндик орасига қўйилади. Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳ наздида қўл киндик остига қўйилади.

81 – дарс. Намозни бошлашда ўқиладиган дуо

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا كَبَّرَ فِي الصَّلَاةِ سَكَتَ هُنَيْئَةً قَبْلَ أَنْ يَقْرَأَ فَقُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ بِأَيِّ أَنْتَ وَأُمِّي أَرَأَيْتَ سُكُوتَكَ بَيْنَ التَّكْبِيرِ وَالْقِرَاءَةِ مَا تَقُولُ قَالَ: «أَقُولُ اللَّهُمَّ بَاعِدْ بَيْنِي وَبَيْنَ خَطَايَايَ كَمَا بَاعَدْتَ بَيْنَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ اللَّهُمَّ نَقِّنِي مِنْ خَطَايَايَ كَمَا يُنَقَّى الثَّوْبُ الْأَبْيَضُ مِنَ الدَّنَسِ اللَّهُمَّ اغْسِلْنِي مِنَ خَطَايَايَ بِالثَّلْجِ وَالْمَاءِ وَالْبَرَدِ» (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам агар намозни бошласалар қироат қилишдан аввал озгина жим турардилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, ота-онам сизга фидо бўлсин, намозда такбиратул-эхром билан қироатингиз орасида жим турганингизда нима дейсиз?» дедим. «Аллоҳумма бааид байний ва байна хотоя кама ба-а-адта байнал-машриқи вал-мағриб. Аллоҳумма наққиний мин хотоя кама юнаққос-савбул-абязу минад-данас. Аллоҳумма иғсилний мин хотоя бил-маи вас-салжи вал-барад» (Эй Аллоҳим, мен билан хато-гуноҳларим орасини мағриб билан машриқ орасини узоқ қилганинг каби йироқ қил. Эй Аллоҳ, оппоқ либос кирликдан тозалангани каби мени хатоларимдан покиза қилгин. Эй Аллоҳ, мени хатоларимдан қор, сув ва дўл билан ювгин-поклагин) дейман», дедилар.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا اسْتَفْتَحَ الصَّلَاةَ قَالَ
سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ وَتَبَارَكَ اسْمُكَ وَتَعَالَى جَدُّكَ وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ (رواه أبو داود).

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозни: “Субҳонакаллоҳумма ва биҳамдик, ва табарокасмуқ, ва таъала жаддук ва ла илаҳа ғойрук” (яъни: Эй Аллоҳ, Сен (барча айбу нуқсонлардан) поксан. Сенинг ҳамдинг-тавфиқинг билан тасбиҳ

айтдим. Сенинг исминг баракотли, улуғлигинг олий бўлди ва Сендан ўзга илоҳ йўқ) деб бошлар эдилар.

عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَجُلًا جَاءَ فَدَخَلَ الصَّفَّ وَقَدْ حَفَزَهُ النَّفْسُ فَقَالَ الْحَمْدُ لِلَّهِ حَمْدًا كَثِيرًا طَيِّبًا مُبَارَكًا فِيهِ فَلَمَّا قَضَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَاتَهُ قَالَ أَيُّكُمْ الْمُتَكَلِّمُ بِالْكَلِمَاتِ فَأَرَمَ الْقَوْمُ فَقَالَ أَيُّكُمْ الْمُتَكَلِّمُ بِهَا فَإِنَّهُ لَمْ يَقُلْ بِأَسَا فَقَالَ رَجُلٌ جِئْتُ وَقَدْ حَفَزَنِي النَّفْسُ فَقُلْتُهَا فَقَالَ لَقَدْ رَأَيْتُ اثْنَيْ عَشَرَ مَلَكًا يَبْتَدِرُونَهَا أَيُّهُمْ يَرْفَعُهَا (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Анас розияллоҳу анҳу шундай дейди: Бир киши шошилганидан нафаси бўғзига тиқилганича келиб, сафга қўшилди-да: «Алҳамдулиллаҳи ҳамдан касийрон, тоййибан, мубарокан фийҳ» (Аллоҳга кўпдан-кўп, покиза ва муборак ҳамду санолар бўлсин), деди. Намоздан кейин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳалиги сўзларни айтган қай бирингиз?» дедилар. Ҳамма жим туриб қолди. «Қай бирингиз айтди? (Қўрқмасин,) чунки ёмон гап айтмади», дедилар. Бир киши: «Мен нафасим тиқилиб, шу дуонигина айта олдим», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен ўн икки фариштани кўрдим, ҳар қайсиси бу дуони биринчи бўлиб осмонга олиб чиқиб кетишга шошилишар эди», дедилар.

Шарҳ:

Намоз ўқувчи такбиратул-эҳромдан кейин, кироатдан аввал Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ворид бўлган дуо билан намозини бошлаши суннатдир. Бу дуолар Аллоҳ таолога ҳамду санолардан иборат бўлиб, турли лафзларда келган. Намозларда бу дуоларнинг биттаси билангина кифояланмасдан, бир намозда бирини, иккинчи намозда бошқасини ўқиш суннатга тўлиқ эргашишга, суннатларни тирилтиришга, суннат аҳлидан бўлишга ва намозда кўпроқ хушуъ билан туришга сабаб бўлади.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

- 1- Намоз ўқувчи намозини Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ворид бўлган дуолар билан бошлаши суннат.
- 2- Бу дуоларнинг фақат биттасига чекланиб қолмасдан, ҳаммасини ёд олиб, намозларда алмашлаб ўқилса яхши бўлади.

82 – дарс. Намозда Фотиҳани ўқиш

Аллоҳ таоло Наҳл сурасининг 98-оятида шундай дейди:

«فَإِذَا قَرَأْتَ الْقُرْآنَ فَاسْتَعِذْ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ»

«(Эй мўмин банда,) Қачон Қуръон ўқисанг, қувилган – малъун шайтон (васвасаси)дан Аллоҳ паноҳ беришини сўрагин».

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ صَلَّيْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَبِي بَكْرٍ وَعُمَرَ وَعُثْمَانَ فَلَمْ أَسْمَعْ أَحَدًا مِنْهُمْ يَقْرَأُ بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Анас розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Абу Бакр, Умар ва Усмон розияллоҳу анҳумлар билан бирга намоз ўқидим. Уларнинг биронтасидан «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм»ни (овоз чиқариб) ўқиганларини эшитмадим.

عَنْ عُبَادَةَ بْنِ الصَّامِتِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا صَلَاةَ لِمَنْ لَمْ يَقْرَأْ بِفَاتِحَةِ الْكِتَابِ» (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Фотиҳа сурасини ўқимаган одамнинг намози намоз эмас», дедилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ «مَنْ صَلَّى صَلَاةً لَمْ يَقْرَأْ فِيهَا بِأَمِّ الْقُرْآنِ فَهِيَ خِدَاجٌ ثَلَاثًا غَيْرُ تَمَامٍ» (رواه مسلم).

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким бир намоз ўқиб, унда «Уммул Қуръон» (Фотиҳа)ни ўқимаса, бу намоз ноқис, комил эмас», деб уч марта айтдилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ «إِذَا أَمَّنَ الْإِمَامُ فَأَمَّنُوا فَإِنَّهُ مَنْ وَافَقَ تَأْمِينَهُ تَأْمِينَ الْمَلَائِكَةِ غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ» (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Имом “Омиин” деса, сизлар ҳам “Омиин” денглар, чунки кимнинг омин дейиши малоикаларнинг омин дейишларига тўғри келса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади», дедилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا قَالَ الْإِمَامُ {غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ} فَقُولُوا آمِينَ فَإِنَّهُ مَنْ وَافَقَ قَوْلَهُ قَوْلَ الْمَلَائِكَةِ غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ» (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар имом “Ғойрил-мағзуби алайҳим валаз-золлиин” деса “Омин” денглар, чунки кимнинг сўзи малоикаларнинг сўзига тўғри келса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади», дедилар.

Шарх:

Намоз ўқувчи намозни очиш дуосини ўқигач, қироат қилишдан олдин лаънати шайтоннинг ёмонликларидан паноҳ тилаб: “Аъзу биллаҳи минаш-шайтонир-рожим” дейди, сўнгра “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим”ни айтиб, Фотиҳа сурасини ўқийди. Фотиҳа сураси жуда улуғ дуоларни ўз ичига олгани учун ундан кейин “Омин” (яъни, илоҳим қабул қил) дейди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Намозда Қуръон ўқишдан аввал аъзу ва бисмиллаҳни махфий айтиш суннат.

2- Фотиҳа сурасини ўқиш намоз рукнларидан бўлиб, усиз намоз дуруст бўлмайди.

3- Фотиҳа сурасини ўқигандан кейин “Омин” дейиш суннат.

83 – дарс. Намоздаги қироат

عَنْ جُبَيْرِ بْنِ مُطْعِمٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَفْرَأُ بِالطُّورِ فِي الْمَغْرِبِ (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Жубайр ибн Мутъим розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шом намозида “Тур” сурасини ўқиётганларини эшитдим.

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ مُعَاذٌ يُصَلِّي مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثُمَّ يَأْتِي فَيَوْمُ قَوْمَهُ فَصَلَّى لَيْلَةً مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْعِشَاءَ ثُمَّ أَتَى قَوْمَهُ فَأَمَّهُمْ فَأَفْتَتَحَ بِسُورَةِ الْبَقَرَةِ فَأَنْحَرَفَ رَجُلٌ فَسَلَّمَ ثُمَّ صَلَّى وَحْدَهُ وَأَنْصَرَفَ فَقَالُوا لَهُ أَنْافَقْتَ يَا فُلَانُ قَالَ لَا وَاللَّهِ وَلَا تَيِّنَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَلَاخْبِرَنَّهُ فَأَتَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّا أَصْحَابُ نَوَاضِحٍ نَعْمَلُ بِالنَّهَارِ وَإِنَّ مُعَاذًا صَلَّى مَعَكَ الْعِشَاءَ ثُمَّ أَتَى فَأَفْتَتَحَ بِسُورَةِ الْبَقَرَةِ فَأَقْبَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى مُعَاذٍ فَقَالَ: «يَا مُعَاذُ أَفَتَأْتُنِي أَنْتَ أَقْرَأُ وَالشَّمْسُ وَضَحَاهَا وَالضُّحَى وَاللَّيْلُ إِذَا يَغْشَى وَسَبَّحَ اسْمَ رَبِّكَ الْأَعْلَى» (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Жобир розияллоҳу анҳу шундай дейди: Муоз розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга намоз ўқир, сўнг келиб қавмига имом бўлар эди. Бир кеча Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан хуфтонни ўқиди, сўнг қавмига келиб намозга ўтди ва “Бақара” сурасини бошлади. Шунда бир киши салом бериб намоздан чиқди ва ўзи ёлғиз ўқиб, чиқиб кетди. Қавм унга: «Эй фалончи, мунофиқ бўлдингми?!» деди. У: «Аллоҳга қасамки «Йўқ», мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб, бўлган воқеани айтиб бераман», деди. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, биз деҳқонмиз, куни билан ишлаймиз. Муоз сиз билан

хуфтон намозини ўқиб келди, сўнг бизга имом бўлиб “Бақара” сурасини ўқиди», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муозга қараб: «Эй Муоз, сен бездирувчимисан?! “Ваш шамси ва зуҳаҳа”, “Ваз-зуҳа”, “Вал-лайли иза яғша” ва “Саббиҳисма роббикал аъла” сураларини ўқисанг бўлмайди?!» дедилар.

عَنْ عَدِيِّ قَالَ سَمِعْتُ الْبَرَاءَ يُحَدِّثُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ كَانَ فِي سَفَرٍ فَصَلَّى الْعِشَاءَ الْآخِرَةَ فَقَرَأَ فِي إِحْدَى الرَّكْعَتَيْنِ وَالتَّيْنِ وَالزَّيْتُونَ (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарда эканларида хуфтон намозини ўқиб, икки рақъатнинг бирида “Ваттийни ваз зайтун” сурасини ўқидилар.

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намоздаги қироатлари ҳар хил бўлар эди. Шом намозида қисқа суралардан гоҳида эса узун суралардан ўқир эдилар. Аммо хуфтон намозида Муоз розияллоҳу анҳуга қисқа сураларни ўқишга буюриб, узун суралар ўқишдан қайтардилар ўзлари ҳам шундай қилардилар.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1- Шом намозида қисқа қироат қилиш суннат.

2- Ҳуфтон намозида ўрта суралардан ўқиш суннат.

3- Одамларга оғирлик қиладиган даражада узун қироат қилиш макруҳ.

84 – дарс. Бомдод намозида қироатни узун қилиш

Аллоҳ таоло Исро сурасининг 78-оятида шундай дейди:

«أَقِمِ الصَّلَاةَ لِذُلُوكِ الشَّمْسِ إِلَى غَسَقِ اللَّيْلِ وَقُرْآنِ الْفَجْرِ إِنَّ قُرْآنَ الْفَجْرِ كَانَ مَشْهُودًا»

«Қуёш оғишидан то тун қоронғусигача намозни тўқис адо қилинг ва тонгги ўқишни (бомдод намозини) ҳам (тўқис адо қилинг). Зеро тонгги ўқиш (кеча ва кундуз фаришталари) ҳозир бўладиган намоздир».

عَنْ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ إِنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَقْرَأُ فِي الْفَجْرِ بِ (ق وَالْقُرْآنِ الْمَجِيدِ) (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳу айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозида “Қоф вал қуръанил мажид” сурасини ўқир эдилар.»

عَنْ أَبِي بَرْزَةَ الْأَسْلَمِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْرَأُ فِي الْفَجْرِ مَا بَيْنَ السَّتِّينَ إِلَى الْمِائَةِ آيَةً (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абу Барза ал-Асламий розияллоҳу анҳу айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозида олтмиш оятдан юз оятгача қироат қилар эдилар.»

عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي بِنَا فَيَقْرَأُ فِي الظُّهْرِ وَالْعَصْرِ فِي الرَّكْعَتَيْنِ الْأُولَيَيْنِ بِفَاتِحَةِ الْكِتَابِ وَسُورَتَيْنِ وَيُسْمِعُنَا الْآيَةَ أَحْيَانًا وَكَانَ يُطَوِّلُ الرَّكْعَةَ الْأُولَى مِنَ الظُّهْرِ وَيَقْصُرُ الثَّانِيَةَ وَكَذَلِكَ فِي الصُّبْحِ (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абу Қатода розияллоҳу анҳу айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам биз билан бирга намоз ўқирдилар, пешин ва асрнинг аввалги икки ракъатида “Фотиҳа” сурасини ва иккита сура ўқирдилар, гоҳо оятни бизга эшиттириб қўярдилар. Пешиннинг биринчи ракъатини узунроқ, иккинчисини қисқароқ ўқирдилар. Бомдодда ҳам шундай қилар эдилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْرَأُ فِي الْجُمُعَةِ فِي صَلَاةِ الْفَجْرِ الْم تَنْزِيلُ السَّجْدَةِ وَهَلْ أَتَى عَلَى الْإِنْسَانِ حِينٌ مِنَ الدَّهْرِ (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абу Хурайра розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам

Жума куни бомдод намозида “Алиф. Лам. Мим. Танзил ус-сажда” ва “Ҳал ата алал инсани” сураларини ўқир эдилар.

عَنْ مُعَاذِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ الْجُهَنِيِّ أَنَّ رَجُلًا مِنْ جُهَيْنَةَ أَخْبَرَهُ أَنَّهُ سَمِعَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْرَأُ فِي الصُّبْحِ إِذَا زُلْزِلَتِ الْأَرْضُ فِي الرَّكْعَتَيْنِ كَلْتَيْهِمَا (رواه أبو داود).

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Жуҳайна қабиласидан бўлган бир саҳоба Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозининг ҳар икки ракъатига “Иза зулзилатил арзу” сурасини ўқиганларини эшитдим, дейди.

Шарҳ:

Бомдод намозида бошқа намозларга нисбатан узунроқ қироат қилиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари эди, чунки бомдод намози кеча ва кундуз фаришталари ҳозир бўладиган намоздир. Баъзи ҳолатларда қисқа қилиб ҳам қироат қилганлар.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

- 1- Бомдод намозида узун қироат қилиш суннат.
- 2- Баъзан қисқартирса ҳам бўлади.

3- Жума куни бомдод намозида “Сажда” ва “Инсон” сураларини ўқиш суннат.

4- Бир сурани икки ракъатда такрорлаб ўқиш жоиз.

85 - дарс Пешин ва аср намозларидаги қироат

عَنْ أَبِي سَعِيدِ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ لَقَدْ كَانَتْ صَلَاةُ الظُّهْرِ تُقَامُ فَيَذْهَبُ الدَّاهِبُ إِلَى الْبَيْعِ فَيَقْضِي حَاجَتَهُ ثُمَّ يَتَوَضَّأُ ثُمَّ يَأْتِي وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الرَّكْعَةِ الْأُولَى مِمَّا يُطَوَّلُهَا (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳу шундай дейди: Пешин намозига такбир айтилар, шундан сўнг бирон эҳтиёжи бор одам бориб Бақеъда ҳожатини адо этиб, сўнг таҳорат олиб келарди, ваҳоланки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозни узоқ ўқиганларидан ҳали биринчи ракъатда бўлардилар.

عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي بِنَا فَيَقْرَأُ فِي الظُّهْرِ وَالْعَصْرِ فِي الرَّكْعَتَيْنِ الْأُولَيَيْنِ بِفَاتِحَةِ الْكِتَابِ وَسُورَتَيْنِ وَيُسْمِعُنَا الْآيَةَ أحيانًا وَكَانَ يُطَوِّلُ الرَّكْعَةَ الْأُولَى مِنَ الظُّهْرِ وَيُقْصِرُ الثَّانِيَةَ وَكَذَلِكَ فِي الصُّبْحِ (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абу Қатода розияллоҳу анҳу айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам биз билан бирга намоз ўқирдилар, пешин ва асрнинг аввалги икки ракъатида

“Фотиҳа” сурасини ва иккита сура ўқирдилар, гоҳо оятни бизга эшиттириб қўярдилар. Пешиннинг биринчи ракъатини узунроқ, иккинчисини қисқароқ ўқирдилар. Бомдодда ҳам шундай қилар эдилар.

عَنْ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْرَأُ فِي الظُّهْرِ بِاللَّيْلِ إِذَا يَغْشَى وَفِي العَصْرِ نَحْوَ ذَلِكَ وَفِي الصُّبْحِ أَطْوَلَ مِنْ ذَلِكَ (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳу айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин намозида “Вал-лайли иза яғша” ва асрда ҳам шунга ўхшаш сураларни ўқир эдилар. Бомдодда эса бундан узунроқ сураларни ўқир эдилар.

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин ва аср намозларида ўрта сураларни ўқирдилар. Пешин намозининг биринчи ракъатини узунроқ ўқирдилар, ҳатто киши такбир айтилганда чиқиб ҳожатини бажариб, сўнгра таҳорат олиб келиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан биринчи ракъатни ўқир эди, аммо иккинчи ракъатни қисқароқ ўқирдилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Пешиннинг биринчи ракъатини узунроқ ва иккинчи ракъатини қисқароқ ўқиш суннат.

2- Пешин ва аср намозида ўрта сураларни ўқиш суннат.

86 – дарс. Рукуъ ва сажда

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَخَلَ الْمَسْجِدَ فَدَخَلَ رَجُلٌ فَصَلَّى فَسَلَّمَ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَرَدَّ وَقَالَ: «ارْجِعْ فَصَلِّ فَإِنَّكَ لَمْ تُصَلِّ» فَرَجَعَ يُصَلِّي كَمَا صَلَّى ثُمَّ جَاءَ فَسَلَّمَ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: «ارْجِعْ فَصَلِّ فَإِنَّكَ لَمْ تُصَلِّ» ثَلَاثًا، فَقَالَ: «وَالَّذِي بَعَثَكَ بِالْحَقِّ مَا أَحْسِنُ غَيْرَهُ فَعَلَّمَنِي» فَقَالَ: «إِذَا قُمْتَ إِلَى الصَّلَاةِ فَكَبِّرْ ثُمَّ اقْرَأْ مَا تيسَّرَ مَعَكَ مِنَ الْقُرْآنِ ثُمَّ ارْكَعْ حَتَّى تَطْمِئِنَّ رَاكِعًا ثُمَّ ارْفَعْ حَتَّى تَعْتَدِلَ قَائِمًا ثُمَّ اسْجُدْ حَتَّى تَطْمِئِنَّ سَاجِدًا ثُمَّ ارْفَعْ حَتَّى تَطْمِئِنَّ جَالِسًا وَافْعَلْ ذَلِكَ فِي صَلَاتِكَ كُلِّهَا» (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидга кирдилар. Бир киши ҳам масжидга кириб намоз ўқиди-да, сўнг келиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салом берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саломига алиқ олиб: «Боринг, намозингизни қайта ўқинг, сиз намоз ўқимадингиз», дедилар. У киши қайтди ва аввал қандай намоз ўқиган бўлса, шундай намоз ўқиди, сўнг келиб Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи ва салламга салом берди. Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна: «Боринг, намозингизни қайта ўқинг, сиз намоз ўқимадингиз», дедилар. Мана шу ҳолат уч марта такрорлангач, ҳалиги киши: «Сизни ҳақ билан жўнатган Зотга қасамки, мен бундан яхшироқ намоз ўқишни билмайман, менга ўргатинг» деди. Шунда ул зот: «Агар намозга турсангиз (такбиратул-эхромга) такбир айтинг, сўнгра Қуръондан муяссар бўлганича ўқинг, сўнгра рукуъ қилинг ва рукуъда хотиржам туринг, сўнгра рукуъдан бошингизни кўтаринг, қоматингиз тик бўлсин, сўнгра сажда қилинг ва саждада хотиржам туринг, сўнгра бошингизни саждадан кўтариб, хотиржам ўтиринг ва барча намозингизни шу зайлда ўқинг», дедилар.

عَنْ أَبِي حُمَيْدٍ السَّاعِدِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا كَبَّرَ جَعَلَ يَدَيْهِ حِذَاءَ مَنْكِبَيْهِ وَإِذَا رَكَعَ أَمَكَنَ يَدَيْهِ مِنْ رُكْبَتَيْهِ ثُمَّ هَصَرَ ظَهْرَهُ فَإِذَا رَفَعَ رَأْسَهُ اسْتَوَى حَتَّى يَعُودَ كُلُّ فَقَارٍ مَكَانَهُ فَإِذَا سَجَدَ وَضَعَ يَدَيْهِ غَيْرَ مُفْتَرِشٍ وَلَا قَابِضِهِمَا وَاسْتَقْبَلَ بِأَطْرَافِ أَصَابِعِ رِجْلَيْهِ الْقِبْلَةَ فَإِذَا جَلَسَ فِي الرَّكْعَتَيْنِ جَلَسَ عَلَى رِجْلِهِ الْيُسْرَى وَنَصَبَ الْيُمْنَى وَإِذَا جَلَسَ فِي الرَّكْعَةِ الْآخِرَةِ قَدَّمَ رِجْلَهُ الْيُسْرَى وَنَصَبَ الْآخِرَى وَقَعَدَ عَلَى مَقْعَدَتِهِ (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Абу Ҳумайд ас-Собидий розияллоҳу анҳу айтади: Кўрдимки: Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам (намозда такбиратул-эхромга) такбир айтганларида икки қўлларини икки елкалари баробарида кўтарар эдилар. Рукуъ қилганларида икки қўлларини икки тиззаларига маҳкамлаб

қўярдилар, сўнг белларини бир текис букардилар. Бошларини (рукуъдан) кўтарганларида қад ростлаб турардилар, ҳатто умуртқанинг ҳамма суяклари ўз ўрнига қайтарди. Сажда қилганларида икки қўлларини тўшамаган ва (ёнларига) қисмаган ҳолда қўярдилар ва икки оёқлари бармоқларининг учини қиблага қаратардилар. Икки ракъатдан кейин ўтирсалар чап оёқларига ёзган ҳолда ўтириб, ўнг оёқларини тиккалардилар. Охирги ракъатда ўтирсалар чап оёқларини ўнг оёқ остидан чиқариб, ўнг оёқларини тиккалардилар ва думбаларига ўтирардилар.»

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَسْتَفْتِحُ الصَّلَاةَ بِالتَّكْبِيرِ وَالْقِرَاءَةِ بِ { الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ } وَكَانَ إِذَا رَكَعَ لَمْ يُشْخِصْ رَأْسَهُ وَلَمْ يُصَوِّبْهُ وَلَكِنْ بَيْنَ ذَلِكَ وَكَانَ إِذَا رَفَعَ رَأْسَهُ مِنَ الرُّكُوعِ لَمْ يَسْجُدْ حَتَّى يَسْتَوِيَ قَائِمًا وَكَانَ إِذَا رَفَعَ رَأْسَهُ مِنَ السَّجْدَةِ لَمْ يَسْجُدْ حَتَّى يَسْتَوِيَ جَالِسًا وَكَانَ يَقُولُ فِي كُلِّ رَكَعَتَيْنِ التَّحِيَّةَ وَكَانَ يَفْرِشُ رِجْلَهُ الْيُسْرَى وَيُنْصِبُ رِجْلَهُ الْيُمْنَى وَكَانَ يَنْهَى عَنْ عُقْبَةِ الشَّيْطَانِ وَيَنْهَى أَنْ يَفْتَرِشَ الرَّجُلُ ذِرَاعِيهِ افْتِرَاشَ السَّبْعِ وَكَانَ يَخْتِمُ الصَّلَاةَ بِالتَّسْلِيمِ (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозни (такбиратул-эхромга) такбир айтиш ва “Алҳамду лиллаҳи роббил алабийн”ни ўқиш билан бошлардилар. Рукуъ қилсалар бошларини кўтариб ҳам, пастга эгиб ҳам юбормасдилар, балки шу икки ҳолатнинг ўртасида қилардилар. Рукуъдан бош кўтарсалар, қадларини тўла ростламагунча саждага бормас эдилар. Саждадан

бош кўтарсалар, тўғри, текис ўтирмаганча иккинчи саждага бормас эдилар. Ҳар икки ракъатда ўтирганда “Ат-тахийёт”ни айтардилар, чап оёқларини тўшаб, ўнг оёқларини тиклар эдилар. Намозда «уқбатуш-шайтон»дан (яъни болдир ва сонларни тиклаган ҳолда кўлларни ерга тираб ўтиришдан) ва тирсакларни ҳайвонлар каби ерга тўшашдан қайтарардилар. Намозни салом билан тугатар эдилар.

Шарҳ:

Рукуъ ва саждалар намоз рукнларидан бўлиб, уларни унутиб ё қасддан тарк қилган кишининг намози намоз бўлмайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозининг рукнларини тўлиқ бажармаган кишига: “Боринг, намозингизни қайта ўқинг, чунки сиз намоз ўқимадингиз” деб мазкур аҳкомларни ўргатганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Рукуъ ва саждалар намознинг рукнларидан.
- 2- Рукуъда бел бош билан баробар текис туриши ва кўл тиззада маҳкам туриши суннат.

Такбир билан қўлларни кўтариш:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَفْتَتَحَ التَّكْبِيرَ فِي الصَّلَاةِ فَرَفَعَ يَدَيْهِ حِينَ يُكَبِّرُ حَتَّى يَجْعَلَهُمَا حَذْوَ مَنْكِبَيْهِ وَإِذَا كَبَّرَ لِلرُّكُوعِ فَعَلَّ مِثْلَهُ وَإِذَا قَالَ سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ فَعَلَّ مِثْلَهُ وَقَالَ رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ وَلَا يَفْعَلُ ذَلِكَ حِينَ يَسْجُدُ وَلَا حِينَ يَرْفَعُ رَأْسَهُ مِنَ السُّجُودِ (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрдимки, намозни такбир билан бошладилар, такбир айтган пайтларида икки қўлларини икки елкалари баробарида кўтардилар. Рукуъга такбир айтганларида ҳам худди шундай қилдилар. «Самиъаллоҳу лиман ҳамидах» деганларида ҳам шундай қилдилар ва «Роббана ва лакал ҳамд» дедилар. Саждага борганларида ва саждадан бош кўтарганларида эса бундай қилмасдилар.

Тасбех айтиш:

عَنْ حُدَيْفَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ صَلَّى مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَكَانَ يَقُولُ فِي رُكُوعِهِ سُبْحَانَ رَبِّيَ الْعَظِيمِ وَفِي سُجُودِهِ سُبْحَانَ رَبِّيَ الْأَعْلَى (رواه أبو داود).

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Ҳузайфа розияллоҳу анҳу айтади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан

намоз ўқиганман, у зот рукуъларида: “Субҳана Роббиял-азим” (Буюк Парвардигоримни поклайман), саждаларида эса: “Субҳана Роббиял-аъла” (Олий Парвардигоримни поклайман) дер эдилар.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ فِي رُكُوعِهِ وَسُجُودِهِ
سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ رَبَّنَا وَبِحَمْدِكَ اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Оиша розияллоху анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам рукуъ ва саждаларида: “Субҳанакаллоҳумма Роббана ва биҳамдик, Аллоҳуммағфир лий” дер эдилар. (Маъноси: Эй Аллоҳ! Сен (барча айбу нуқсондан) покдирсан. Эй Парвардигоримиз! Сенинг ҳамдинг билан (тасбеҳ айтаман). Эй Аллоҳ! Мени мағфират этгин).

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَقُولُ فِي رُكُوعِهِ وَسُجُودِهِ
سُبُّوحٌ قُدُّوسٌ رَبُّ الْمَلَائِكَةِ وَالرُّوحِ (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоху анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам рукуъ ва саждаларида: “Суббуҳун қуддусун роббул-мала-а-икати вар-руҳ” дер эдилар. (Маъноси: Аллоҳ (ҳар қандай айбу нуқсондан) Пок ва муқаддас Зотдир. Малоикалар ва Руҳ (Жаброил)нинг Парвардигоридир.)

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَلَا وَإِنِّي نُهِيتُ أَنْ أَقْرَأَ الْقُرْآنَ رَاكِعًا أَوْ سَاجِدًا فَأَمَّا الرُّكُوعُ فَعَظُمُوا فِيهِ الرَّبُّ عَزَّ وَجَلَّ وَأَمَّا السُّجُودُ فَاجْتَهَدُوا فِي الدُّعَاءِ فَقَمِينٌ أَنْ يُسْتَجَابَ لَكُمْ (رواه مسلم).

Имом Муслим Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Огоҳ бўлингиз, мен рукуъ ёки сажда қилган ҳолда Қуръон ўқишдан қайтарилдим. Рукуъда Парвардигор азза ва жаллани улуғлангиз, саждада эса дуога жидди-жаҳд қилингиз, ижобат қилинишга лойиқ бўласизлар» дедилар.

Шарҳ:

Намоз ўқувчи киши рукуъда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг суннатларига мувофиқ такбир билан қўлларини кўтариши, рукуъда турганда Аллоҳ таолога кўп тасбеҳ айтиши ва Аллоҳ таолони улуғлаши суннат. Мазкур зикрларнинг ҳаммаси Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламнинг суннатларида ворид бўлган. Бизнинг диёрларда амал қилинган уч марта “Субҳана Роббиял-азим” дейиш ҳадисларда ворид бўлган, лекин уни уч мартадан кўпроқ айтиш ёки бошқа лафзларда келган дуоларни кўпроқ айтиб туриш суннатга яна ҳам яқинроқ бўлади.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1- Рукуъда “Субҳана Роббиял-азийм”ни камида уч марта айтиш суннат.

2- Рукуъда Аллоҳ таолога кўп тасбеҳ айтиш мустаҳаб.

3- Рукуъда Қуръон ўқишдан қайтарилган.

88 – дарс. Рукуъдан бош кўтарганда нима қилади

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَخَلَ الْمَسْجِدَ فَدَخَلَ رَجُلٌ فَصَلَّى فَسَلَّمَ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَرَدَّ وَقَالَ: «ارْجِعْ فَصَلِّ فَإِنَّكَ لَمْ تُصَلِّ» فَرَجَعَ يُصَلِّي كَمَا صَلَّى ثُمَّ جَاءَ فَسَلَّمَ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: «ارْجِعْ فَصَلِّ فَإِنَّكَ لَمْ تُصَلِّ» ثَلَاثًا، فَقَالَ: «وَالَّذِي بَعَثَكَ بِالْحَقِّ مَا أَحْسِنُ غَيْرَهُ فَعَلَّمَنِي» فَقَالَ: «إِذَا قُمْتَ إِلَى الصَّلَاةِ فَكَبِّرْ ثُمَّ اقْرَأْ مَا تَيَسَّرَ مَعَكَ مِنَ الْقُرْآنِ ثُمَّ ارْكَعْ حَتَّى تَطْمِئِنَّ رَاكِعًا ثُمَّ ارْفَعْ حَتَّى تَعْتَدِلَ قَائِمًا ثُمَّ اسْجُدْ حَتَّى تَطْمِئِنَّ سَاجِدًا ثُمَّ ارْفَعْ حَتَّى تَطْمِئِنَّ جَالِسًا وَافْعَلْ ذَلِكَ فِي صَلَاتِكَ كُلِّهَا» (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидга кирдилар. Бир киши ҳам масжидга кириб намоз ўқиди-да, сўнг келиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салом берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саломига алиқ олиб: «Боринг, намозингизни қайта ўқинг, сиз намоз ўқимадингиз», дедилар. У киши қайтди ва аввал қандай намоз ўқиган бўлса, шундай намоз ўқиди, сўнг келиб Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи ва салламга салом берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна: «Боринг, намозингизни қайта ўқинг, сиз намоз ўқимадингиз», дедилар. Мана шу ҳолат уч марта такрорлангач, ҳалиги киши: «Сизни ҳақ билан жўнатган Зотга қасамки, мен бундан яхшироқ намоз ўқишни билмайман, менга ўргатинг» деди. Шунда ул зот: «Агар намозга турсангиз (такбиратул-эхромга) такбир айтинг, сўнгра Қуръондан муяссар бўлганича ўқинг, сўнгра рукуъ қилинг ва рукуъда хотиржам туринг, сўнгра рукуъдан бошингизни кўтаринг, қоматингиз тик бўлсин, сўнгра сажда қилинг ва саждада хотиржам туринг, сўнгра бошингизни саждадан кўтариб, хотиржам ўтиринг ва барча намозингизни шу зайлда ўқинг», дедилар.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ افْتَتَحَ التَّكْبِيرَ فِي الصَّلَاةِ فَرَفَعَ يَدَيْهِ حِينَ يُكَبِّرُ حَتَّى يَجْعَلَهُمَا حَذْوَ مَنْكَبَيْهِ وَإِذَا كَبَّرَ لِلرُّكُوعِ فَعَلَّ مِثْلَهُ وَإِذَا قَالَ سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ فَعَلَّ مِثْلَهُ وَقَالَ رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ وَلَا يَفْعَلُ ذَلِكَ حِينَ يَسْجُدُ وَلَا حِينَ يَرْفَعُ رَأْسَهُ مِنَ السُّجُودِ (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрдимки, намозни такбир билан бошладилар, такбир айтган пайтларида икки қўлларини икки елкалари баробарида кўтардилар. Рукуъга такбир айтганларида ҳам худди шундай қилдилар. «Самиъаллоҳу лиман хамидах» деганларида ҳам шундай

қилдилар ва «Роббана ва лакал ҳамд» дедилар. Саждага борганларида ва саждадан бош кўтарганларида эса бундай қилмасдилар.

عَنْ الْبَرَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ رُكُوعُ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَسُجُودُهُ وَإِذَا رَفَعَ رَأْسَهُ مِنَ الرُّكُوعِ وَبَيْنَ السَّجْدَتَيْنِ قَرِيبًا مِنَ السَّوَاءِ (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рукуълари, саждалари, рукуъдан бош кўтарган пайтлари ва икки сажда ўртасида ўтиришлари қарийб баробар бўларди.

Шарҳ:

Намозхон рукуъни комил бажаргандан кейин, рукуъдан бошини “Самиъаллоҳу лиман ҳамидах” деб кўтаради. Тикка турганидан кейин жасадининг ҳар бир аъзоси ўз ўрнига келмагунча саждага боришга шошилмасдан хотиржам туради.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1- Рукуъдан шошилмай, хотиржамлик билан турилади.

2- Рукуъдан туришда “Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ” дейилади, тик тургандан кейин эса “Раббана ва лакал ҳамд” дейилади.

3- Рукуъдан турганда икки қўлни елка баробарида кўтариш суннат.

4- Рукуъ ва биринчи саждадан тургандан кейин сажда ва рукуъда турганча миқдорда тикка туриш суннат.

89 – дарс. Рукуъдан тургандан кейин айтиладиган дуо ва зикрлар

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا قَالَ الْإِمَامُ سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ فَقُولُوا اللَّهُمَّ رَبَّنَا لَكَ الْحَمْدُ فَإِنَّهُ مَنْ وَاَفَقَ قَوْلُهُ قَوْلَ الْمَلَائِكَةِ غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ» (رواه البخاري).

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар имом: “Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ” деса, “Аллоҳумма роббана лакал ҳамд” денглар. Зеро, кимнинг айтиши малоикаларнинг айтишига тўғри келиб қолса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади» дедилар.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا رَفَعَ رَأْسَهُ مِنَ الرُّكُوعِ قَالَ: «رَبَّنَا لَكَ الْحَمْدُ مِلءُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمِثْلُ مَا نَسِيتَ مِنْ شَيْءٍ بَعْدَ أَهْلِ النَّسَاءِ وَالْمَجْدِ أَحَقُّ مَا قَالَ الْعَبْدُ وَكُنَّا لَكَ عَبْدُ اللَّهِ لَا مَانِعَ لِمَا أُعْطِيَ وَلَا مُعْطِيَ لِمَا مَنَعَتْ وَلَا يَنْفَعُ ذَا الْجَدِّ مِنْكَ الْجَدُّ» (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абу Саъид ал-Худрий розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошларини рукуъдан кўтарсалар: “Роббана лакал ҳамд милъас самаи ва милъал арзи ва милъа ма шиъта мин шайъин баъд, аҳлас санаи вал мажд, аҳаққу ма-а қолал абду ва куллуна лака абд, Аллоҳумма ла маниъа лима аътойта ва ла муътия лима манаъта, ва ла янфау зал жадди минкал жад) дер эдилар. (Маъноси: Эй Парвардигоримиз! Сенга осмонлару ер миқдорича, яна Ўзинг хоҳлаган нарса миқдорича ҳамд бўлсин. Мақтов ва улуғлик аҳли-эгаси(сан). Банда айтган нарсага энг ҳақли Зот(сан). Барчамиз Сенга қулмиз. Эй Аллоҳ! Сен берган нарсани тўсувчи, Сен тўсган нарсани берувчи йўқдир! Улуғлик-бойлик эгасига бойлиги-улуғлиги Сендан (қочиб қутулишига) фойда бермас.)

عَنْ رِفَاعَةَ بْنِ رَافِعِ الزُّرْقِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كُنَّا يَوْمًا نُصَلِّي وَرَاءَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَلَمَّا رَفَعَ رَأْسَهُ مِنَ الرَّكْعَةِ قَالَ سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ قَالَ رَجُلٌ وَرَاءَهُ رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ حَمْدًا كَثِيرًا طَيِّبًا مُبَارَكًا فِيهِ فَلَمَّا انصَرَفَ قَالَ: «مَنْ الْمُتَكَلِّمُ» قَالَ: أَنَا قَالَ: «رَأَيْتُ بِضْعَةَ وَثَلَاثِينَ مَلَكًا يَبْتَدِرُونَهَا أَيُّهُمْ يَكْتُبُهَا أَوَّلُ» (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Рифоа ибн Рофиъ аз-Зурақий розияллоҳу анҳу шундай дейди: Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида намоз ўқиётган эдик. Бошларини рукуъдан кўтариб, «Самиъаллоҳу лиман хамидах»

деганларида орқаларидаги бир киши: «Роббана ва лакал ҳамду, ҳамдан тоййибан мубарокан фийҳ» (яъни: Эй Парвардигоримиз! Сенга кўпдан-кўп, покиза, баракоти мўл ҳамд(лар) бўлсин) деди. Намозларидан бурилгач: «Ҳозирги сўзларни ким айтди?» деб сўрадилар. Ҳалиги одам: «Мен» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўттиздан ошиқ фариштани ушбу сўзларни биринчи бўлиб ёзиш учун ошиқаётганларини кўрдим» дедилар.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَا بَالُ أَقْوَامٍ يَرْفَعُونَ أَبْصَارَهُمْ إِلَى السَّمَاءِ فِي صَلَاتِهِمْ» فَأَشْتَدَّ قَوْلُهُ فِي ذَلِكَ حَتَّى قَالَ: «لَيَبْنُنَّهُنَّ عَنْ ذَلِكَ أَوْ لَتُخْطَفَنَّ أَبْصَارُهُمْ» (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Анас розияллоҳу анҳу шундай деди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одамларга нима бўлганки, намозларида кўзларини осмонга қаратишяпти?!», дедилар. Бу борада қаттиқ гапирдилар, ҳатто: «Қасамки, улар бундан тийилишади ё бўлмасам кўзлари тортиб олинади!», дедилар.

Шарҳ:

Намоз ўқувчи бошини рукуъдан кўтарган вақтда Аллоҳ таолога ҳамд ва санодан иборат зикрларни айтиши лозим бўлади. Бу ҳамду

санони намозхон Аллоҳ таолонинг неъматларини тан олганидан ва уларнинг шукронаси ўлароқ айтади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Имом бошини рукуъдан кўтарган вақтда “Самиъаллоҳу лиман ҳамидах” дейди.
- 2- Намоз ўқувчи бошини кўтаргандан кейин - агар имомга иқтидо қилган бўлса - “Роббана ва лакал ҳамд” дейди.
- 3- Ҳадисларда келган зиёда зикрларни қўшиш мустаҳаб.
- 4- Намозда кўзни осмонга қаратишдан қаттиқ қайтарилганмиз.

90 – дарс. Саждага тааллуқли ҳукмлар

Саждага такбир айтганда қўлларни кўтармаслик

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ افْتَتَحَ التَّكْبِيرَ فِي الصَّلَاةِ فَرَفَعَ يَدَيْهِ حِينَ يُكَبِّرُ حَتَّى يَجْعَلَهُمَا حَذْوَ مَنْكِبَيْهِ وَإِذَا كَبَّرَ لِلرُّكُوعِ فَعَلَّ مِثْلَهُ وَإِذَا قَالَ سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ فَعَلَّ مِثْلَهُ وَقَالَ رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ وَلَا يَفْعَلُ ذَلِكَ حِينَ يَسْجُدُ وَلَا حِينَ يَرْفَعُ رَأْسَهُ مِنَ السُّجُودِ (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрдимки, намозни такбир билан бошладилар, такбир

айтган пайтларида икки қўллари икки елкалари баробарида кўтардилар. Рукуъга такбир айтганларида ҳам худди шундай қилдилар. «Самиъаллоҳу лиман ҳамидах» деганларида ҳам шундай қилдилар ва «Роббана ва лакал ҳамд» дедилар. Саждага борганларида ва саждадан бош кўтарганларида эса бундай қилмасдилар.

Саждага боришнинг сифати

عَنْ وَائِلِ بْنِ حُجْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا سَجَدَ وَضَعَ رُكْبَتَيْهِ قَبْلَ يَدَيْهِ وَإِذَا نَهَضَ رَفَعَ يَدَيْهِ قَبْلَ رُكْبَتَيْهِ (رواه أبو داود).

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Воил ибн Ҳужр розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сажда қилсалар, тиззаларини қўлларидан аввал қўярдилар, саждадан турганларида қўллари тиззаларидан аввал кўтарардилар. (Албоний заиф деган)

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أُمِرْتُ أَنْ أَسْجُدَ عَلَى سَبْعَةِ أَعْظُمٍ عَلَى الْجَبْهَةِ - وَأَشَارَ بِيَدِهِ عَلَى أَنْفِهِ - وَالْيَدَيْنِ وَالرُّكْبَتَيْنِ وَأَطْرَافِ الْقَدَمَيْنِ وَلَا نَكَفَتَ النَّيَابَ وَالشَّعْرَ» (متفق عليه).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Етти суяк

(аъзо) устига: пешонага – шундай дея туриб бурунларига ҳам ишора қилдилар – икки қўлга, икки тиззага, икки оёқнинг учларига сажда қилишга ҳамда кийим ва сочларни йиғиштирмасликка буюрилдим», дедилар.

Шарх:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам агар сажда қилсалар оҳисталик билан аввал тиззаларини, кейин қўлларини қўйиб, ҳадисда зикр қилинган еттита аъзо билан сажда қилар эдилар. Мазкур етти аъзо билан сажда қилиш вожиб.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Саждага борганда аввал тиззани, кейин қўлларни қўйиш суннат.

2- Еттита аъзо билан сажда қилиш вожиб.

91 – дарс. Саждага тааллуқли ҳукмлар

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «اعْتَدِلُوا فِي السُّجُودِ وَلَا يَبْسُطُ أَحَدُكُمْ ذِرَاعَيْهِ انْبِسَاطَ الْكَلْبِ» (متفق عليه).

Анас розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Саждада мўътадил

бўлинглар, сизлардан бирингиз билакларини итнинг тўшашидек тўшаб олмасин», дедилар.

عَنْ الْبَرَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا سَجَدْتَ فَضَعْ كَفَّيْكَ وَارْفَعْ مِرْفَقَيْكَ» (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Баро розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Саждага борганингда кафтларингни ерга қўйиб, тирсакларингни кўтар», дедилар.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَالِكِ ابْنِ بُحَيْنَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «كَانَ إِذَا صَلَّى فَرَجَّ بَيْنَ يَدَيْهِ حَتَّى يَبْدُو بَيَاضُ إِبْطَيْهِ» (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Бухайна розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқисалар, (сажда қилганларида) икки қўллари орасини очардилар, хатто қўлтиқларининг оқлиги кўринар эди.

عَنْ أَبِي حُمَيْدٍ السَّاعِدِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا كَبَّرَ جَعَلَ يَدَيْهِ حِذَاءَ مَنْكَبَيْهِ وَإِذَا رَكَعَ أَمَكَّنَ يَدَيْهِ مِنْ رُكْبَتَيْهِ ثُمَّ هَصَرَ ظَهْرَهُ فَإِذَا رَفَعَ رَأْسَهُ اسْتَوَى حَتَّى يَعُودَ كُلُّ فَقَارٍ مَكَانَهُ فَإِذَا سَجَدَ وَضَعَ يَدَيْهِ غَيْرَ مُفْتَرِشٍ وَلَا قَابِضِهِمَا وَاسْتَقْبَلَ بِأَطْرَافِ أَصَابِعِ رِجْلَيْهِ الْقِبْلَةَ فَإِذَا جَلَسَ فِي الرَّكْعَتَيْنِ جَلَسَ عَلَى رِجْلِهِ الْيُسْرَى وَنَصَبَ الْيُمْنَى وَإِذَا جَلَسَ فِي الرَّكْعَةِ الْآخِرَةِ قَدَّمَ رِجْلَهُ الْيُسْرَى وَنَصَبَ الْآخِرَى وَقَعَدَ عَلَى مَقْعَدَتِهِ (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Абу Ҳумайд ас-Собидий розияллоҳу анҳу айтади: Кўрдимки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (намозда такбиратул-эҳромга) такбир айтганларида икки қўлларини икки елкалари баробарида кўтарар эдилар. Рукуъ қилганларида икки қўлларини икки тиззаларига маҳкамлаб қўярдилар, сўнг белларини бир текис букардилар. Бошларини (рукуъдан) кўтарганларида қад ростлаб турардилар, ҳатто умуртқанинг ҳамма суяклари ўз ўрнига қайтарди. Сажда қилганларида икки қўлларини тўшамаган ва (ёнларига) қисмаган ҳолда қўярдилар ва икки оёқлари бармоқларининг учини қиблага қаратардилар. Икки рақъатдан кейин ўтирсалар чап оёқларига ўтириб, ўнг оёқларини тиккалардилар. Охирги рақъатда ўтирсалар чап оёқларини (ўнг оёқлари остидан) олдинга чиқариб, ўнг оёқларини тиккалардилар ва думбаларига ўтирардилар.»

Шарҳ:

Сажданинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мазкур ҳадисларида таълим берган ўзига хос суннатлари бор. Булар намозни комил, нуқсонсиз адо қилишга ёрдам берадиган амаллардир. Шунингдек саждада намозга таъсир кўрсатадиган макруҳ амаллар борки, улардан четланишга буюрилганмиз.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Саждада билакларни ерга тўшаб олиш макруҳ, кўтариб туриш суннат.
- 2- Саждада икки тирсакни биқинлардан узоқроқ тутиш суннат.
- 3- Саждада турганда оёқнинг бармоқлари қибла тамонга қараб туриши суннат.

92 – дарс. Саждада айтиладиган дуо-зикрлар

Тасбех:

عَنْ حُدَيْفَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ صَلَّى مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَكَانَ يَقُولُ فِي رُكُوعِهِ
سُبْحَانَ رَبِّيَ الْعَظِيمِ وَفِي سُجُودِهِ سُبْحَانَ رَبِّيَ الْأَعْلَى (رواه أبو داود).

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Ҳузайфа розияллоҳу анҳу айтади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан намоз ўқиганман, у зот рукуъларида: “Субҳана Роббиял-азим” (Буюк Парвардигоримни поклайман), саждаларида эса: “Субҳана Роббиял-аъла” (Олий Парвардигоримни поклайман) дер эдилар.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَقُولُ فِي رُكُوعِهِ وَسُجُودِهِ
سُبُّوحٌ قُدُّوسٌ رَبُّ الْمَلَائِكَةِ وَالرُّوحِ (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рукуъ ва саждаларида: “Суббуҳун қуддусун роббул-малаикати вар-руҳ” дер эдилар. (Маъноси: Аллоҳ (ҳар қандай айбу нуқсондан) Пок ва муқаддас Зотдир. Малоикалар ва Руҳ (Жаброил)нинг Парвардигоридир.)

عن عوف بن مالك قال: قمت مع رسول الله صلى الله عليه وسلم فلما ركع مكث قدر سورة البقرة ويقول في ركوعه: "سبحان ذي الجبروت والملكوت والكبرياء والعظمة". رواه النسائي

Авф ибн Молик имом Насоий саҳиҳ санад билан ривоят қилган ҳадисда айтади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга (тунги) намозда турдим, ул зот рукуъ қилганларида Бақара сураси миқдорича турдилар ва шундай дердилар: Кучкудрат, салтанат, киборлик ва улуглик сохиби (барча айбу нуқсондан) покдир! (Абу Довуд, Насоий ва Ахмад ривояти

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ فِي رُكُوعِهِ وَسُجُودِهِ سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ رَبَّنَا وَبِحَمْدِكَ اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рукуъ ва саждаларида: «Субҳанакаллоҳумма роббана ва биҳамдик, аллоҳуммағфирлий» (Эй Аллоҳ! Сен (барча айбу нуқсондан)

покдирсан. Эй Парвардигоримиз! Сенинг ҳамдинг билан тасбеҳ айтаман. Эй Аллоҳ! Мени мағфират этгин), дердилар.

Саждада дуо қилиш:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَقْرَبُ مَا يَكُونُ الْعَبْدُ مِنْ رَبِّهِ وَهُوَ سَاجِدٌ فَأَكْثِرُوا الدُّعَاءَ» (رواه مسلم).

Имом Муслим Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Банданинг Раббига энг яқин бўлган вақти саждада бўлган ҳолатидир. Бас, (саждада) кўп дуо қилинглар», дедилар.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَلَا وَإِنِّي نُهِيتُ أَنْ أَقْرَأَ الْقُرْآنَ رَاكِعًا أَوْ سَاجِدًا فَأَمَّا الرُّكُوعُ فَعَظَّمُوا فِيهِ الرَّبَّ عَزَّ وَجَلَّ وَأَمَّا السُّجُودُ فَاجْتَهَدُوا فِي الدُّعَاءِ فَقَمِينٌ أَنْ يُسْتَجَابَ لَكُمْ» (رواه مسلم).

Имом Муслим Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Огоҳ бўлингиз, мен рукуъ ёки сажда қилган ҳолда Қуръон ўқишдан қайтарилдим. Рукуъда Парвардигор азза ва жаллани улуғлангиз, саждада эса дуога жидди-жаҳд қилингиз, ижобат қилинишга лойиқ бўласизлар» дедилар.

Шарх:

Намозхон намозида сажда қилган вақтда улуғ Раббига бўйсунган ҳолда, хушуъ ва хузуъ билан тасбеҳ айтиб туради. Банданинг саждада тавозуъ ва ихлоси қанча кўп бўлса, Раббига шунча яқинроқ бўлади. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саждада кўп дуо қилишга тавсия қилганлар.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1- Саждада турганда камида бир марта Субҳана роббиял аъла” дейиш вожиб.

2- Саждада уч марта ёки ундан кўпроқ тасбеҳ айтиш суннат.

3- Саждада қилинган дуо ижобатга яқин, шу боис ушбу имкониятдан фойдаланиб қолиш лозим.

93 – дарс. Саждага тааллуқли ҳукмлар:

Сажданинг фазилати

عَنْ ثَوْبَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَأَلْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ عَمَلٍ يُدْخِلُنِي الْجَنَّةَ فَقَالَ عَلَيْكَ بِكَثْرَةِ السُّجُودِ لِلَّهِ فَإِنَّكَ لَا تَسْجُدُ لِلَّهِ سَجْدَةً إِلَّا رَفَعَكَ اللَّهُ بِهَا دَرَجَةً وَحَطَّ عَنْكَ بِهَا خَطِيئَةٌ (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Савбон розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан мени жаннатга киритадиган амал ҳақида сўрадим. У киши: «Кўп сажда қил, чунки сен Аллоҳ учун бир марта сажда қилсанг Аллоҳ таоло бу билан сени бир даража юксалтиради ва сендан битта хатони ўчиради», дедилар.

عَنْ رَبِيعَةَ بْنِ كَعْبِ الْأَسْلَمِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كُنْتُ أُبَيِّتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَتَيْتُهُ بِوَضُوئِهِ وَحَاجَّتِهِ فَقَالَ لِي: «سَلْ» فَقُلْتُ أَسْأَلُكَ مُرَافَقَتَكَ فِي الْجَنَّةِ قَالَ: «أَوْ غَيْرَ ذَلِكَ» قُلْتُ هُوَ ذَاكَ قَالَ: «فَأَعِنِّي عَلَى نَفْسِكَ بِكَثْرَةِ السُّجُودِ» (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Рабиъа ибн Каъб ал-Асламий розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга тунаб қолардим. Бир куни таҳоратларига сув ва баъзи эҳтиёжларини келтирдим. Менга: «Нима тилагинг бор, сўра», дедилар. Мен: «Жаннатда сиз билан бирга бўлишни сўрайман», дедим. «Бундан бошқа нарса эмасми?», дедилар. Мен: «Тилагим фақат шу», дедим. «Ундай бўлса, бунинг учун кўп сажда қилиш билан менга ёрдам бер», дедилар.

Саждада Қуръон ўқишдан қайтарилганлиги

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَلَا وَإِنِّي نُهِيتُ أَنْ أَقْرَأَ الْقُرْآنَ رَاكِعًا أَوْ سَاجِدًا فَأَمَّا الرُّكُوعُ فَعَظُمُوا فِيهِ الرَّبُّ عَزَّ وَجَلَّ وَأَمَّا السُّجُودُ فَاجْتَهَدُوا فِي الدُّعَاءِ فَقَمِينٌ أَنْ يُسْتَجَابَ لَكُمْ» (رواه مسلم).

Имом Муслим Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Огоҳ бўлингиз, мен рукуъ ёки сажда қилган ҳолда Қуръон ўқишдан қайтарилдим. Рукуъда Парвардигор азза ва жаллани улуғлангиз, саждада эса дуога жидди-жаҳд қилингиз, ижобат қилинишга лойиқ бўласизлар» дедилар.

عَنْ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ نَهَانِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ أَقْرَأَ رَاكِعًا أَوْ سَاجِدًا (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Али розияллоху анху шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам мени рукуъ ёки саждада Қуръон ўқишдан қайтардилар.

Имомдан олдин саждадан бош кўтаришдан қайтарилганлиги

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَمَّا يَخْشَى أَحَدَكُمْ أَوْ لَا يَخْشَى أَحَدَكُمْ إِذَا رَفَعَ رَأْسَهُ قَبْلَ الْإِمَامِ أَنْ يَجْعَلَ اللَّهُ رَأْسَهُ رَأْسَ حِمَارٍ أَوْ يَجْعَلَ اللَّهُ صُورَتَهُ صُورَةَ حِمَارٍ» (متفق عليه).

Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилган муттафақун алайх бўлган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Сизлардан бирингиз имомдан аввал бошини кўтарса, Аллоҳ унинг бошини эшакнинг бошига ёки шаклини эшакнинг шаклига айлантириб қўйишидан қўрқмайдими?!», дедилар.

Шарҳ:

Сажда шундай ибодатки банда уни қилиш билан Аллоҳ таоло қаршисида ўзининг хорлиги, унга бўйсунуши ва итоат қилишини изҳор қилади. Шунинг учун бўлса керак – валлоху аълам – намозхон саждада турганида Қуръон ўқишдан қайтарилган, чунки Аллоҳнинг каломи сўзларнинг энг улуғи ва олийсидир. Шунингдек, намозхон рукуъда ҳам, саждада ҳам, бошини имомдан аввал кўтаришдан қайтарилган ва бу амални қилган киши учун қаттиқ ваъидлар ворид бўлган.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Сажданинг фазли улуғ бўлиб, уни кўп қилиш жаннатга кириш сабабларидан бири.

2- Саждада Қуръон ўқишдан қайтарилган.

3- Имомдан аввал бошини кўтарган кимсага қаттиқ ваъидлар ворид бўлган.

94 – дарс. Икки сажда ўртасида хотиржам ўтиришнинг вожиблиги

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَخَلَ الْمَسْجِدَ فَدَخَلَ رَجُلٌ فَصَلَّى فَسَلَّمَ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَرَدَّ وَقَالَ: «ارْجِعْ فَصَلِّ فَإِنَّكَ لَمْ تُصَلِّ» فَرَجَعَ يُصَلِّي كَمَا صَلَّى ثُمَّ جَاءَ فَسَلَّمَ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: «ارْجِعْ فَصَلِّ فَإِنَّكَ لَمْ تُصَلِّ» ثَلَاثًا، فَقَالَ: «وَالَّذِي بَعَثَكَ بِالْحَقِّ مَا أَحْسِنُ غَيْرَهُ فَعَلَّمَنِي» فَقَالَ: «إِذَا قُمْتَ إِلَى الصَّلَاةِ فَكَبِّرْ ثُمَّ اقْرَأْ مَا تَيَسَّرَ مَعَكَ مِنَ الْقُرْآنِ ثُمَّ ارْكَعْ حَتَّى تَطْمَئِنَّ رَاكِعًا ثُمَّ ارْفَعْ حَتَّى تَعْتَدِلَ قَائِمًا ثُمَّ اسْجُدْ حَتَّى تَطْمَئِنَّ سَاجِدًا ثُمَّ ارْفَعْ حَتَّى تَطْمَئِنَّ جَالِسًا وَافْعَلْ ذَلِكَ فِي صَلَاتِكَ كُلِّهَا» (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидга кирдилар. Бир киши ҳам масжидга кириб намоз ўқиди-да, сўнг келиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салом берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саломига алиқ олиб: «Боринг, намозингизни қайта ўқинг, сиз намоз ўқимадингиз», дедилар. У киши қайтди ва аввал қандай намоз ўқиган бўлса, шундай намоз ўқиди, сўнг келиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салом берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна: «Боринг, намозингизни қайта ўқинг, сиз намоз ўқимадингиз», дедилар. Мана шу ҳолат уч марта такрорлангач, ҳалиги киши: «Сизни ҳақ билан жўнатган Зотга

қасамки, мен бундан яхшироқ намоз ўқишни билмайман, менга ўргатинг» деди. Шунда ул зот: «Агар намозга турсангиз (такбиратул-эхромга) такбир айтинг, сўнгра Қуръондан муяссар бўлганича ўқинг, сўнгра рукуъ қилинг ва рукуъда хотиржам туринг, сўнгра рукуъдан бошингизни кўтаринг, қоматингиз тик бўлсин, сўнгра сажда қилинг ва саждада хотиржам туринг, **сўнгра бошингизни саждадан кўтариб, хотиржам ўтиринг** ва барча намозингизни шу зайлда ўқинг», дедилар.

عَنْ الْبَرَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ رُكُوعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَسُجُودَهُ وَإِذَا رَفَعَ رَأْسَهُ مِنَ الرُّكُوعِ وَبَيْنَ السَّجْدَتَيْنِ قَرِيبًا مِنَ السَّوَاءِ (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рукуълари, саждалари, рукуъдан бош кўтарган пайтлари ва икки сажда ўртасида ўтиришлари қарийб баробар бўларди.

عَنْ حُذَيْفَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَقُولُ بَيْنَ السَّجْدَتَيْنِ رَبِّ اغْفِرْ لِي رَبِّ اغْفِرْ لِي (رواه ابن ماجه).

Имом Ибн Можа ривоят қилган ҳадисда Ҳузайфа розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки сажда орасида ўтирганларида «Роббиғфир лий, Роббиғфир лий»

дер эдилар. (Маъноси: Парвардигоро, мени мағфират қилгин, Парвардигоро, мени мағфират қилгин).

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَقُولُ: «بَيْنَ السَّجْدَتَيْنِ اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي وَارْحَمْنِي وَعَافِنِي وَاهْدِنِي وَارْزُقْنِي» (رواه أبو داود والترمذي).

Имом Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган ҳадисда Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки сажда орасида: «Аллоҳуммағфир лий, варҳамний ва ъафиний, ваҳдиний, варзуқний” дер эдилар. (Маъноси: Парвардигоро, мени мағфират қил, менга раҳм эт, менга офият (саломатлик) бер, мени ҳидоят қил ва менга ризқ ато эт.)

Шарх:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошларини биринчи саждадан кўтарсалар иккинчи саждага шошмасдилар, балки икки сажда орасида ўтириб, умматларига таълим берган дуолар билан Аллоҳ таолога дуо қилар эдилар. Бу ўтиришга намозини яхши ўқимаган кишини ҳам буюриб шундай деганлар: «сўнгра бошингизни саждадан кўтариб, хотиржам ўтиринг». Бу ўтиришни баъзи мазҳаблар рукн деган бўлсалар бошқалари вожиб деганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Икки сажда орасида ўтириш намознинг руқнларидан.
- 2- Икки сажда орасида хотиржамлик билан ўтириш вожиб.
- 3- Ҳадисларда келган дуоларни икки сажда орасида ўтирганда гоҳо унисини гоҳо бунисини айтиш суннат.

95 – дарс. Ташаҳхудга ўтириш

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَسْتَفْتِحُ الصَّلَاةَ بِالتَّكْبِيرِ وَالْقِرَاءَةِ بِ { الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ } وَكَانَ إِذَا رَكَعَ لَمْ يُشْخِصْ رَأْسَهُ وَلَمْ يُصَوِّبْهُ وَلَكِنْ بَيْنَ ذَلِكَ وَكَانَ إِذَا رَفَعَ رَأْسَهُ مِنَ الرُّكُوعِ لَمْ يَسْجُدْ حَتَّى يَسْتَوِيَ قَائِمًا وَكَانَ إِذَا رَفَعَ رَأْسَهُ مِنَ السَّجْدَةِ لَمْ يَسْجُدْ حَتَّى يَسْتَوِيَ جَالِسًا وَكَانَ يَقُولُ فِي كُلِّ رَكَعَتَيْنِ التَّحِيَّةَ وَكَانَ يَفْرِشُ رِجْلَهُ الْيُسْرَى وَيُنْصِبُ رِجْلَهُ الْيُمْنَى وَكَانَ يَنْهَى عَنِ عُقْبَةِ الشَّيْطَانِ وَيَنْهَى أَنْ يَفْتَرِشَ الرَّجُلُ ذِرَاعَيْهِ افْتِرَاشَ السَّبْعِ وَكَانَ يَخْتِمُ الصَّلَاةَ بِالتَّسْلِيمِ (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозни (такбиратул-эхромга) такбир айтиш ва “Алҳамду лиллаҳи роббил алабийн”ни ўқиш билан бошлардилар. Рукуъ қилсалар бошларини кўтариб ҳам, пастга эгиб ҳам юбормасдилар, балки шу икки ҳолатнинг ўртасида қилардилар. Рукуъдан бош кўтарсалар, қадрларини тўла ростламагунча саждага бормас эдилар. Саждадан бош кўтарсалар, тўғри, текис ўтирмаганча иккинчи саждага бормас

эдилар. Ҳар икки рақъатда ўтирганда “Ат-тахийёт”ни айтардилар, чап оёқларини тўшаб, ўнг оёқларини тиклар эдилар. Намозда «уқбатуш-шайтон»дан (яъни болдир ва сонларни тиклаган ҳолда қўлларни ерга тираб ўтиришдан) ва тирсакларни ҳайвонлар каби ерга тўшашдан қайтарардилар. Намозни салом билан тугатар эдилар.

عَنْ أَبِي حُمَيْدٍ السَّاعِدِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا كَبَّرَ جَعَلَ يَدَيْهِ حِذَاءَ مَنْكَبَيْهِ وَإِذَا رَكَعَ أَمَّكَنَ يَدَيْهِ مِنْ رُكْبَتَيْهِ ثُمَّ هَصَرَ ظَهْرَهُ فَإِذَا رَفَعَ رَأْسَهُ اسْتَوَى حَتَّى يَعُودَ كُلُّ فَقَّارٍ مَكَانَهُ فَإِذَا سَجَدَ وَضَعَ يَدَيْهِ غَيْرَ مُفْتَرِشٍ وَلَا قَابِضِهِمَا وَاسْتَقْبَلَ بِأَطْرَافِ أَصَابِعِ رِجْلَيْهِ الْقِبْلَةَ فَإِذَا جَلَسَ فِي الرَّكْعَتَيْنِ جَلَسَ عَلَى رِجْلِهِ الْيُسْرَى وَنَصَبَ الْيُمْنَى وَإِذَا جَلَسَ فِي الرَّكْعَةِ الْآخِرَةِ قَدَّمَ رِجْلَهُ الْيُسْرَى وَنَصَبَ الْآخِرَى وَقَعَدَ عَلَى مَقْعَدَتِهِ (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Абу Ҳумайд ас-Соъидий розияллоҳу анҳу айтади: Кўрдимки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (намозда такбиратул-эҳромга) такбир айтганларида икки қўлларини икки елкалари баробарида кўтарар эдилар. Рукуъ қилганларида икки қўлларини икки тиззаларига маҳкамлардилар, сўнг орқаларини бир текис букардилар. Бошларини (рукуъдан) кўтарганларида қад ростлаб турардилар, ҳатто умуртқанинг ҳамма суяклари ўз ўрнига қайтарди. Сажда қилганларида икки қўлларини тўшамаган ва (ёнларига) қисмаган ҳолда қўярдилар ва икки оёқлари бармоқларининг учини қиблага қаратардилар. Икки рақъатдан кейин ўтирсалар чап оёқларига ўтириб, ўнг оёқларини

тиккалардилар. Охирги ракъатда ўтирсалар чап оёқларини (ўнг оёқлари остидан) олдинга чиқариб, ўнг оёқларини тиккалардилар ва думбаларига ўтирардилар.

عَنْ الزُّبَيْرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا قَعَدَ فِي الصَّلَاةِ جَعَلَ قَدَمَهُ الْيُسْرَى بَيْنَ فَخْذِهِ وَسَاقِهِ وَفَرَشَ قَدَمَهُ الْيُمْنَى وَوَضَعَ يَدَهُ الْيُسْرَى عَلَى رُكْبَتِهِ الْيُسْرَى وَوَضَعَ يَدَهُ الْيُمْنَى عَلَى فَخْذِهِ الْيُمْنَى وَأَشَارَ بِإِصْبَعِهِ (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Зубайр розияллоҳу анҳу шундай деди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда ўтирсалар, чап оёқларини (ўнг) сон ва болдирлари орасига қўйиб, ўнг оёқларини ётқизардилар. Чап қўлларини чап тиззалари устига, ўнг қўлларини эса ўнг сонлари устига қўярдилар ва (ўнг қўл) кўрсаткич бармоқлари билан ишора қилардилар.

Шарх:

Намозхон биринчи ташаҳҳудда ўтирганида ўнг оёғини тиклаб, чап оёғи устига “ифтирош” қилиб ўтиради. Уч ё тўрт ракъатлик намозларда иккинчи ташаҳҳудда ўтирганида "Таваррук" қилиб – яъни, ўнг оёқ қадамини тиклаб, чап оёқни ўнг оёқ остидан ўтказиб, думбаси билан ўтиради. Бу ҳадисларнинг зоҳирий маъноси ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам қилганлари. Бироқ, имом Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳи мазҳабларида тўртинчи

ракъатдан кейин ҳам худди иккинчи рақъатдан кейин ўтиргандай ўтиради, дейилади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Саломдан аввал ташаҳхудга ўтириш намоздаги рукнлардан биридир.

2- Биринчи ташаҳхудга ўтирганда ўнг оёқни тиклаб, чап оёқ устига ифтирош қилиб ўтирилади. Иккинчи ташаҳхудда "таваррук" қилиб ўтириш суннат.

96 – дарс. Ташаҳхудда ўқиладиган дуолар:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كُنَّا نَقُولُ فِي الصَّلَاةِ خَلْفَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ السَّلَامُ عَلَى اللَّهِ السَّلَامُ عَلَى فُلَانٍ فَقَالَ لَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَاتَ يَوْمٍ: «إِنَّ اللَّهَ هُوَ السَّلَامُ فَإِذَا قَعَدَ أَحَدُكُمْ فِي الصَّلَاةِ فَلْيَقُلْ: التَّحِيَّاتُ لِلَّهِ وَالصَّلَوَاتُ وَالطَّيِّبَاتُ السَّلَامُ عَلَيْكَ أَيُّهَا النَّبِيُّ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ السَّلَامُ عَلَيْنَا وَعَلَى عِبَادِ اللَّهِ الصَّالِحِينَ فَإِذَا قَالَهَا أَصَابَتْ كُلَّ عَبْدٍ لِلَّهِ صَالِحٍ فِي السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ ثُمَّ يَتَخَيَّرُ مِنَ الْمَسْأَلَةِ مَا شَاءَ» (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида намоз ўқиганимизда (ташаҳхудда): «Ассаламу алаллоҳ, ассаламу ала фуланин» (Аллоҳга салом,

фалончига салом) дер эдик. Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга: «Аллоҳ Ўзи Саломдир. Сизлардан бирингиз намозда ўтирса: «Аттаҳийяту лиллаҳи вас-солавату ват-тоййибат, ассаламу алайка айюҳан-набийю ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ, ассаламу алайна ва ала ибадиллаҳис-солиҳийн, ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва росулуҳ» (яъни: Салом-таъзимлар, дуолар ва покиза сўзу-амаллар Аллоҳ учундир. Эй, Набий! Сизга Аллоҳнинг саломи, раҳмати ва баракотлари бўлсин. Бизга ҳамда Аллоҳнинг солиҳ бандаларига салом бўлсин – Агар шундай десаларингиз, бу Аллоҳнинг осмону ердаги барча солиҳ бандаларига етади – Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Унинг кули ҳамда расулидир) десин, сўнг ўзи хоҳлаган тилакларини тиласин», дедилар.

عَنْ كَعْبِ بْنِ عُجْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ خَرَجَ عَلَيْنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقُلْنَا قَدْ عَرَفْنَا كَيْفَ نُسَلِّمُ عَلَيْكَ فَكَيْفَ نُصَلِّيْ عَلَيْكَ قَالَ قُولُوا اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ حَمِيدٌ مَّجِيدٌ اللَّهُمَّ بَارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ كَمَا بَارَكْتَ عَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ حَمِيدٌ مَّجِيدٌ (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Каъб ибн Ужра розияллоҳу анҳу шундай дейди: Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизнинг олдимизга чиқдилар. Биз: «Ё Расулуллоҳ, сизга қандай салом беришни биламиз, лекин сизга

қандай саловат айтамиз?», дедик. Шунда у зот: «Аллоҳумма солли ала Муҳаммадив ва ала али Муҳаммад кама соллайта ала али Иброҳим, иннака ҳамийдум мажийд. Аллоҳумма борик ала Муҳаммадив ва ала оли Муҳаммад кама борақта ала али Иброҳим, иннака ҳамийдум мажийд», денглар», дедилар. (Маъноси: Эй Аллоҳ! Иброҳимга ва унинг оила аҳлига сано-рахмат ёғдирганинг каби Муҳаммадга ва унинг оила аҳлига ҳам сано-рахмат ёғдиргин. Албатта Сен мақтовли ва улуғ Зотсан. Эй Аллоҳ! Иброҳимга ва унинг оила аҳлига баракот-хайр ато этганингдек Муҳаммадга ва унинг оила аҳлига ҳам баракот-хайр ато этгин. Албатта Сен мақтовли ва улуғ Зотсан.)

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا تَشَهَّدَ أَحَدُكُمْ فَلْيَسْتَعِذْ بِاللَّهِ مِنْ أَرْبَعٍ يَقُولُ اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ عَذَابِ جَهَنَّمَ وَمِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ وَمِنْ فِتْنَةِ الْمَحْيَا وَالْمَمَاتِ وَمِنْ شَرِّ فِتْنَةِ الْمَسِيحِ الدَّجَالِ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоху анху ривоят қилган муттафақун алайх ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Агар биронтангиз “аттаҳиёт” ва солавотларни айтиб бўлса, Аллоҳ таолодан тўртта нарсадан паноҳ сўраб: “Аллоҳумма инний аъзузу бика мин азаби жаҳаннам ва мин азабил қобр ва мин фитнатил-махя вал-мамат ва мин шарри фитнатил-масихид-дажжал” десин», дедилар. (Маъноси: Парвардигоро! Мен Сендан дўзах азобидан,

қабр азобидан, тириклик ва ўлим фитнасидан ҳамда масиҳи Дажжол фитнасидан паноҳ беришингни сўрайман.)

Шарҳ:

Намоз ўқувчи киши ташаҳхудга ўтирса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларига таълим берган "аттаҳиёт"ни ўқиши лозим. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга саловат айтади, кейин хоҳлаган дуосини ўқийди. Лекин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ворид бўлган дуоларни ўқиши афзал, чунки бу дуолар дунё ва охирадаги барча яхшиликларни ўз ичига олган. Баъзи уламолар юқорида зикр қилинган тўртта нарсадан паноҳ сўраш дуосини ўқишни вожиб дейишган.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Ташаҳхуд ва Пайғамбар алайҳис саломга саловат айтиш намознинг рукнларидан.

2- Намозда ташаҳхуд ва саловотдан кейин жаҳаннам ва қабр азобидан, дунё ва охирада фитнасидан ва дажжол фитнасидан паноҳ сўраш суннат.

3- Намозда салом беришдан аввал дуо қилиш суннат.

97 – дарс. Намозни салом билан тугатиш

عَنْ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقاصٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كُنْتُ أَرَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُسَلِّمُ عَنْ يَمِينِهِ وَعَنْ يَسَارِهِ حَتَّى أَرَى بَيَاضَ خَدِّهِ (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Саъд ибн Аби Ваққос розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда ўнг ва чап томонларига салом берар, ҳатто у зотнинг ёноқларининг оқини кўрар эдим.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ كَانَ يُسَلِّمُ عَنْ يَمِينِهِ وَعَنْ يَسَارِهِ السَّلَامَ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَةَ اللَّهِ السَّلَامُ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَةَ اللَّهِ (رواه الترمذي).

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда ўнг ва чап томонларига: "Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ", "Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ" деб салом берар эдилар.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مِفْتَاحُ الصَّلَاةِ الطُّهُورُ وَتَحْرِيمُهَا التَّكْبِيرُ وَتَحْلِيلُهَا التَّسْلِيمُ وَلَا صَلَاةَ لِمَنْ لَمْ يَقْرَأْ بِالْحَمْدِ وَسُورَةٍ فِي فَرِيضَةٍ أَوْ غَيْرِهَا» (رواه الترمذي).

Имом Термизий Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Намознинг калити таҳорат, таҳрими такбир айтишлик, таҳлили эса салом беришликдир» (яъни, намоз ичида қилиш ҳаром қилинган ишларнинг бошланиши такбир айтиш биландир, мазкур ишларнинг ҳалол қилиниши эса салом бериш биландир). Ҳоҳ фарз, ҳоҳ бошқа намозда бўлсин, “Фотиҳа” ва яна бир сурани ўқимаган одамнинг намози намоз бўлмайди», дедилар.

عَنْ وَائِلِ بْنِ حُجْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ صَلَّيْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَكَانَ يُسَلِّمُ عَنْ يَمِينِهِ السَّلَامُ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ وَعَنْ شِمَالِهِ السَّلَامُ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَةُ اللَّهِ (رواه أبو داود).

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Воил ибн Ҳужр розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга намоз ўқидим, ўнг томонларига "Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ" деб, чап томонларига эса "Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ" деб салом бердилар.

Шарҳ:

Намозхон намозини тугатгач, ундан салом бериб чиқади. Салом намозхон учун намозда ҳаром қилинган нарсаларни ҳалол қилиб беради, бу эса ўнг ва чап тамонига ўгирилиб: "Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ" дейиш билан бўлади.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1- Намоз рукнларидан бири саломдир.

2- Салом аввал ўнг, кейин чап томонга қараб: "Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ" дейиш билан бўлади.

3- Баъзан ўнг тарафга салом берганда: "ва барокатуҳ" калимасини қўшиш ҳам суннат.

98 – дарс. Намоздан кейинги зикрлар

عَنْ ثَوْبَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا انْصَرَفَ مِنْ صَلَاتِهِ اسْتَغْفَرَ ثَلَاثًا وَقَالَ اللَّهُمَّ أَنْتَ السَّلَامُ وَمِنْكَ السَّلَامُ تَبَارَكْتَ يَا ذَا الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Савбон розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозларидан бурилгач, уч марта истиғфор айтар, сўнг: "Аллоҳумма антас-сала'м ва минкас-сала'м табарокта я зал-жала'ли вал-икром" дер эдилар.

Маъноси: Эй Аллоҳ! Сен Саломдирсан (яъни, Сен барча айбу нуқсонлардан саломатсан ва бандаларингни ҳалокатлардан сақловчи-саломат этувчи Зотсан). Саломатлик Сен тарафингдандир. Эй улуғлик ва икром соҳиби, Сен пок ва муқаддасдирсан.

عَنِ الْمُغِيرَةَ بْنِ شُعْبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا فَرَغَ مِنْ الصَّلَاةِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ اللَّهُمَّ لَا مَانِعَ لِمَا أَعْطَيْتَ وَلَا مُعْطِي لِمَا مَنَعْتَ وَلَا يَنْفَعُ ذَا الْجَدِّ مِنْكَ الْجَدُّ (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Муғира ибн Шўъба розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозларидан фориғ бўлиб, салом бергач: "Ла' ила'ҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла' шари'ка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала' кулли шайъин қоди'р, Аллоҳумма ла' ма'ниъа лима' аътайта ва ла' муътия лима' манаъта ва ла' янфаъу зал-жадди мин-калжадду" дер эдилар.

Маъноси: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ! У ёлғиз ҳам шериксиз Зотдир! Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уникидир! У барча нарсага қодир. Эй Аллоҳ, Сен берган нарсани тўсувчи, Сен тўсган нарсани берувчи йўқ. Сенинг олдингда салтанат ва улуғлик соҳибига улуғлиги фойда бермайди.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الزُّبَيْرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ دُبْرَ كُلِّ صَلَاةٍ حِينَ يُسَلِّمُ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَلَا نَعْبُدُ إِلَّا إِيَّاهُ لَهُ النُّعْمَةُ وَلَهُ الْفَضْلُ وَلَهُ الثَّنَاءُ الْحَسَنُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ وَلَوْ كَرِهَ الْكَافِرُونَ (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар намозда салом берганларидан кейин: “Ла' ила'ҳа

иллалоҳу ваҳдаҳу ла' шари'ка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала' кулли шайъин қоди'р, ла' ҳавла ва ла' қуввата илла' билла'ҳ, ла' ила'ҳа иллаллоҳ ва ла' наъбуду илла' ийя'ҳу, лаҳун-неъмату валаҳул фазлу валаҳус-сана'-ул ҳасан, ла' ила'ҳа иллаллоҳ, мухлисийна лаҳуд-дийна ва лав қариҳал ка'фируун” дер эдилар.

Маъноси: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, У ёлғиз, шериксиз. Мулк Уники, ҳамду сано ҳам Унга хос. У барча нарсага қодир. Куч-қувват ёлғиз Аллоҳ (мадади) билан. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Биз фақат Унгагина ибодат этамиз. Неъмат ҳам, фазл ҳам, гўзал мақтовлар ҳам Уникидир. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Гарчи кофирлар қариҳ-ёмон кўрсалар-да динни холис Унинг учун қилувчилармиз.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ سَبَّحَ اللَّهَ فِي دُبُرِ كُلِّ صَلَاةٍ ثَلَاثًا وَثَلَاثِينَ وَحَمِدَ اللَّهَ ثَلَاثًا وَثَلَاثِينَ وَكَبَّرَ اللَّهَ ثَلَاثًا وَثَلَاثِينَ فَتِلْكَ تِسْعَةٌ وَتِسْعُونَ وَقَالَ تَمَامَ الْمِائَةِ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ غُفِرَتْ خَطَايَاهُ وَإِنْ كَانَتْ مِثْلَ زَبَدِ الْبَحْرِ (رواه مسلم).

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким ҳар намоздан кейин Аллоҳ таолога ўттиз уч марта тасбиҳ (субҳаналлоҳ), ўттиз уч марта ҳамд (алҳамду лиллаҳ), ўттиз уч марта такбир (Аллоҳу акбар) айтса, бунинг жами тўқсон тўққизта бўлади, юзинчиси қилиб: “Ла' ила'ҳа иллалоҳу ваҳдаҳу ла' шари'ка

лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала' кулли шайъин қоди'р" деса гуноҳлари, гарчи денгиз кўпикларича бўлса ҳам, кечирилади», дедилар.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ رَفَعَ الصَّوْتِ بِالذِّكْرِ حِينَ يَنْصَرِفُ النَّاسُ مِنَ الْمَكْتُوبَةِ كَانَ عَلَى عَهْدِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврида одамлар фарз намозини тугатгач, овозларини зикр билан кўтаришар эди.

Шарҳ:

Фарз намозидан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва саҳобалар розияллоҳу анҳум овозларини кўтариб, ҳар бирлари алоҳида тасбеҳу такбир айтишар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳар бир намоздан кейин давомий равишда айтадиган зикрлари бўлиб, улар тавҳид, ҳамду сано, Аллоҳни улуғлаш маъноларини ўз ичига олган эди. Намоздан олдин иқоматда тавҳид калималари билан бошланиши ва намоздан салом берибла, тавҳид калималарини айтилиши намозни Ёлғиз Аллоҳга ўқилганига ишоралардир.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Фарз намозларидан кейин ҳадисларда ворид бўлган зикрларни айтиш фазилатли суннат.
- 2- Ушбу зикрларни овоз чиқариб айтиш суннат.
- 3- Ўттиз уч мартадан тасбеҳ, такбир, ҳамд айтиб, охирида бир бор таҳлил айтиш фазилатли суннат амалдир.

99 – дарс. Намоз вақтлари

Аллоҳ таоло Исро сурасининг 78-оятида шундай дейди:

«أَقِمِ الصَّلَاةَ لِذُلُوكِ الشَّمْسِ إِلَى غَسَقِ اللَّيْلِ وَقُرْآنِ الْفَجْرِ إِنَّ قُرْآنَ الْفَجْرِ كَانَ مَشْهُودًا»

«Қуёш оғишидан то тун қоронғусигача намозни тўқис адо қилинг ва тонгги ўқишни (бомдод намозини) ҳам (тўқис адо қилинг). Зеро тонгги ўқиш (кеча ва кундуз фаришталари) ҳозир бўладиган намоздир».

Нисо сурасининг 103-оятида эса:

«إِنَّ الصَّلَاةَ كَانَتْ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ كِتَابًا مَوْقُوتًا»

«Албатта намоз мўъминларга вақти тайинланган ҳолатда фарз бўлди», дейди.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «وَقْتُ الظُّهْرِ إِذَا زَالَتْ الشَّمْسُ وَكَانَ ظِلُّ الرَّجُلِ كَطُولِهِ مَا لَمْ يَحْضُرِ العَصْرُ وَوَقْتُ العَصْرِ مَا لَمْ تَصْفِرْ الشَّمْسُ وَوَقْتُ صَلَاةِ المَغْرِبِ مَا لَمْ يَغِبِ الشَّفَقُ وَوَقْتُ صَلَاةِ العِشَاءِ إِلَى نِصْفِ اللَّيْلِ الأَوْسَطِ وَوَقْتُ صَلَاةِ الصُّبْحِ مِنْ طُلُوعِ الفَجْرِ مَا لَمْ تَطْلُعِ الشَّمْسُ فَإِذَا طَلَعَتِ الشَّمْسُ فَأَمْسِكْ عَنِ الصَّلَاةِ فَإِنَّهَا تَطْلُعُ بَيْنَ قَرْنَيْ شَيْطَانٍ» (رواه مسلم).

Имом Муслим Абдуллоҳ Ибн Амр розияллоху анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Пешиннинг вақти қуёш чўққидан ботиш томонга оғгач, кишининг сояси бўйи баробари бўлиб, аср вақти киргунга қадар. Асрнинг вақти то қуёш ботгунича, шом вақти қуёш ботгандан шафақ йўқолгунча, хуфтоннинг вақти ярим кечагача ва бомдоднинг вақти субҳ содиқдан то қуёш чиққунга қадар. Агар қуёш чиқса намоз ўқиманг, чунки у шайтоннинг икки шохи орасидан кўтарилади», дедилар.

عَنْ أَبِي بَرْزَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي الصُّبْحَ وَأَحَدُنَا يَعْرِفُ جَلِيسَهُ وَيَقْرَأُ فِيهَا مَا بَيْنَ السَّتَيْنِ إِلَى المَائَةِ وَيُصَلِّي الظُّهْرَ إِذَا زَالَتْ الشَّمْسُ وَالعَصْرَ وَأَحَدُنَا يَذْهَبُ إِلَى أَقْصَى المَدِينَةِ رَجَعَ وَالشَّمْسُ حَيَّةٌ وَنَسِيتُ مَا قَالَ فِي المَغْرِبِ وَلَا يُبَالِي بِتَأخِيرِ العِشَاءِ إِلَى ثُلُثِ اللَّيْلِ ثُمَّ قَالَ إِلَى شَطْرِ اللَّيْلِ (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абу Барза розияллоху анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бомдодни ўқирдилар, шу ҳолда бизларнинг биримиз ёнида ўтирган одамни таний оларди, унда 60 оят билан 100 оят ўртасида қироат

қилардилар. Пешинни қуёш чўққидан ботиш томонга оғганда ўқирдилар. Асрни ўқирдилар, (шундан сўнг) бизлардан биримиз Мадинанинг четига бориб, қайтиб келар, куннинг тафти ҳали сўнмаган бўларди. (Ровий айтади: Абу Барза) шом ҳақида нима деганини унутдим. Хуфтонни эса парво қилмасдан кечанинг учдан биригача кечиктирардилар. (Кейин деди: «Кечанинг ярмигача»).

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَأَلَ رَجُلٌ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ مَوَاقِيتِ الصَّلَاةِ فَقَالَ صَلَّى مَعِيَ فَصَلَّى الظُّهْرَ حِينَ زَاغَتِ الشَّمْسُ وَالْعَصْرَ حِينَ كَانَ فِيءٌ كُلُّ شَيْءٍ مِثْلَهُ وَالْمَغْرِبَ حِينَ غَابَتِ الشَّمْسُ وَالْعِشَاءَ حِينَ غَابَ الشَّفَقُ قَالَ ثُمَّ صَلَّى الظُّهْرَ حِينَ كَانَ فِيءٌ الْإِنْسَانِ مِثْلَهُ وَالْعَصْرَ حِينَ كَانَ فِيءُ الْإِنْسَانِ مِثْلِيهِ وَالْمَغْرِبَ حِينَ كَانَ قُبَيْلَ غَيْبُوبَةِ الشَّفَقِ قَالَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الْحَارِثِ ثُمَّ قَالَ فِي الْعِشَاءِ أَرَى إِلَى ثُلُثِ اللَّيْلِ (رواه النسائي).

Имом Насоий ривоят қилган ҳадисда Жобир розияллоҳу анҳу шундай дейди: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан намоз вақтларини сўради. У зот: «Мен билан бирга намоз ўқинг», дедилар. Пешинни кун (тиккадан) мойил бўлган вақтда, асрни ҳамма нарсанинг сояси ўзининг бўйи баробари бўлганда ўқидилар. Шомни қуёш ботган пайтда, хуфтонни шафақ ғойиб бўлган вақтда ўқидилар. Кейинги куни пешинни кишининг сояси ўзи билан баробар бўлганда, асрни кишининг сояси ўзига икки баробар бўлганида, шомни шафақ йўқолишидан сал олдин, хуфтонни кечанинг учдан бирига бориб ўқидилар.

Шарх:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозларнинг вақтларини сўзда ва амалий равишда белгилаб берганлар. Саҳобалар розияллоҳу анҳум ўша вақтларни аниқ-тиниқ белгилаб, бизларга омонат билан нақл қилишган. Намозларни узрсиз ўз вақтидан кечиктириш мумкин эмас.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Намоз дуруст бўлиши учун вақти кирган бўлиши шарт.
- 2- Пешин намозининг вақти кун тиккадан оғанидан то аср вақти киргунича.
- 3- Аср намозининг вақти ҳамма нарсанинг сояси ўзига бир баробар бўлганида бошланади.
- 4- Шом намозининг вақти қуёш ботгандан бошлаб қизил шафақ ғойиб бўлгунга қадар.
- 5- Хуфтоннинг вақти шафақ кетгандан бошлаб ярим кечагача, бомдодгача зарурат учун кечикса жоиз.
- 6- Бомдоднинг вақти субҳи содиқдан бошлаб қуёш чиққунга қадар.

100 – дарс. Шомни тезлатиш ва хуфтонни кечиктириш афзаллиги

عَنْ رَافِعِ بْنِ خَدِيجٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُنَّا نُصَلِّي الْمَغْرِبَ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيُنْصَرَفُ أَحَدُنَا وَإِنَّهُ لَيُبْصِرُ مَوَاقِعَ نَبَلِهِ (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Рофеъ ибн Хадиж розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга шом намозини ўқир эдик, сўнг бизлардан биримиз (отган) найзаси бориб тушадиган ўринни аниқ кўрадиган ҳолда кетар эдик.

عَنْ أَبِي أَيُّوبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «يَقُولُ لَا تَزَالُ أُمَّتِي بِخَيْرٍ أَوْ قَالَ عَلَى الْفِطْرَةِ مَا لَمْ يُؤَخَّرُوا الْمَغْرِبَ إِلَى أَنْ تَشْتَبِكَ النُّجُومُ» (رواه أبو داود).

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Абу Айюб ал-Ансорий розияллоҳу анҳу: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Умматим модомики, шом намозини юлдузлар чиққунича кечиктирмаса, яхшилиқда – ёки фитратда - давом этаверади», деганларини эшитдим, дейди.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: أَعْتَمَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَاتَ لَيْلَةٍ حَتَّى ذَهَبَ عَامَةٌ اللَّيْلِ وَحَتَّى نَامَ أَهْلُ الْمَسْجِدِ ثُمَّ خَرَجَ فَصَلَّى فَقَالَ: «إِنَّهُ لَوْ قَتَلَهَا لَوْلَا أَنْ أَشُقَّ عَلَى أُمَّتِي» (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Бир кеча Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хуфтон намозини кечиктирдилар, ҳатто кечанинг кўп қисми ўтиб кетди, масжид аҳли ухлаб ҳам қолди, сўнгра чиқиб намозни ўқидилар, сўнг: «Хуфтоннинг вақти мана шу, Умматимга машаққат бўлмаса эди шу вақтда ўқирдим», дедилар.

عَنْ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُؤَخِّرُ صَلَاةَ الْعِشَاءِ الْآخِرَةَ (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Жобир Ибн Самура розияллоҳу анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хуфтон намозини кечиктириб ўқир эдилар.

Шарх:

Юқоридаги ҳадис шарифлардан намоён бўлмоқдаки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари шом намозини аввалги вақтида ўқиш бўлган экан. Хуфтон намозини эса намозхонларга машаққат бўлмаслиги учун гоҳо кечиктириб ўқир эканлар.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1- Шом намозини вақти киргач, тезроқ ўқиш суннат.

2- Шом намозини юлдузлар кўришиб қолгунга қадар кечиктириш макрух.

3- Хуфтон намозини кечанинг учдан биригача кечиктириш суннат.

101 – дарс. Намоз ўқишдан қайтарилган вақтлар

عَنْ عُقْبَةَ بْنِ عَامِرٍ الْجُهَنِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: ثَلَاثُ سَاعَاتٍ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَنْهَانَا أَنْ نُصَلِّيَ فِيهِنَّ أَوْ أَنْ نَقْبُرَ فِيهِنَّ مَوْتَانَا؛ حِينَ تَطْلُعُ الشَّمْسُ بَارِعَةً حَتَّى تَرْتَفِعَ وَحِينَ يَقُومُ قَائِمُ الظَّهِيرَةِ حَتَّى تَمِيلَ الشَّمْسُ وَحِينَ تَضَيِّفُ الشَّمْسُ لِلْغُرُوبِ حَتَّى تَغْرُبَ. (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Уқба Ибн Омир розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни уч вақтда намоз ўқишдан ёки ўликларимизни дафн қилишдан қайтарар эдилар; қуёш чиқаётган вақтда то бир газ кўтарилиб олгунга қадар, кун тиккага келганида то мойил бўлгунича ва қуёш ботишга яқинлашганида то ботгунига қадар.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ شَهِدَ عِنْدِي رَجَالٌ مَرَضِيُونَ وَأَرْضَاهُمْ عِنْدِي عُمْرُ، أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى عَنِ الصَّلَاةِ بَعْدَ الصُّبْحِ حَتَّى تَشْرُقَ الشَّمْسُ وَبَعْدَ الْعَصْرِ حَتَّى تَغْرُبَ (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо шундай дейди: рози бўлинган кишилар — менинг наздимда

улар ичида энг рози бўлингани Умар розияллоҳу анҳу эди — гувоҳлик бериб айтганларки: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдоддан кейин то кун чиққунича ва асрдан кейин то кун ботгунича намоз ўқишдан қайтардилар.

Шарҳ:

Кун чиқаётган, чўққига келган ва ботаётган вақтларда унга сиғинадиган мушрикларга ўхшаб қолмаслигимиз учун шариатимиз биз мусулмонларни мазкур уч вақтда намоз ўқишдан ва ўликларимизни кўмишдан қайтарди. Бундай вақтларда жаноза, қазо ёки таҳийятул-масжид каби бирор сабабга боғлиқ бўлган намозларнигина ўқиш жоиз, улардан бошқа ҳар қандай намоздан қайтарилганмиз.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Бомдод намозидан кейин қуёш бир газ кўтарилгунга қадар нафл намоз ўқиш ҳаром.

2- Аср намозидан кейин қуёш ботгунга қадар сабабга боғланмаган нафл намоз ўқиш ҳаром.

3- Қуёш тиккага келганидан мойил бўлгунга қадар нафл намоз ўқиш ҳаром.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ نَسِيَ صَلَاةً فَلْيُصَلِّ إِذَا ذَكَرَهَا لَا كَفَّارَةَ لَهَا إِلَّا ذَلِكَ { وَأَقِمِ الصَّلَاةَ لِذِكْرِي } (رواه البخاري).

Имом Бухорий Анас розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ким бир намозни унутса, эсига тушган пайт ўқиб олсин. Бунинг шундан бошқа каффорати йўқдир», дедилар. (Кейин ушбу оятни ўқидилар:) «Мени зикр қилиш учун намозни барпо қилинг.» («Тоҳа» : 14-оят.)

عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سِرْنَا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَيْلَةً فَقَالَ بَعْضُ الْقَوْمِ لَوْ عَرَسْتَ بِنَا يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: «أَخَافُ أَنْ تَتَأَمُّوا عَنِ الصَّلَاةِ» قَالَ بِلَالٌ أَنَا أَوْقِظُكُمْ، فَاضْطَجَعُوا وَأَسْنَدَ بِلَالٌ ظَهْرَهُ إِلَى رَاحِلَتِهِ فَعَلَبْتُهُ عَيْنَاهُ فَنَامَ. فَاسْتَيْقِظَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَقَدْ طَلَعَ حَاجِبُ الشَّمْسِ، فَقَالَ: «يَا بِلَالُ أَيَّنَ مَا قُلْتَ» قَالَ: مَا أَلْقَيْتُ عَلَيَّ نَوْمَةً مِثْلَهَا قَطُّ، قَالَ: «إِنَّ اللَّهَ قَبِضَ أَرْوَاحَكُمْ حِينَ شَاءَ وَرَدَّهَا عَلَيْكُمْ حِينَ شَاءَ، يَا بِلَالُ قُمْ فَأَذِّنْ بِالنَّاسِ بِالصَّلَاةِ» فَتَوَضَّأَ فَلَمَّا ارْتَفَعَتِ الشَّمْسُ وَابْيَاضَتْ قَامَ فَصَلَّى. (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Абу Қатода розияллоху анху шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам билан бирга кечаси йўл юрдик. Баъзилар: «Бизга бироз дам берсангиз, ё Расулаллоҳ» дейишган эди: «Намоздан ухлаб қолишларингиздан кўрқаман», дедилар. Билол: «Мен сизларни уйғотаман», деди. Шундан сўнг ётишди. Билол ҳам туясига суяниб

ўтириб, кўзларига уйқу ғолиб келиб, ухлаб қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйғонганларида қуёшнинг бир чети кўриниб қолган эди. Шунда: «Эй Билол, бизга нима деган эдинг?!», дедилар. У: «Ҳеч қачон мен бундай ухламаган эдим», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Албатта, Аллоҳ Ўзи ҳохлаган пайт руҳларингизни олиб, Ўзи ҳохлаган пайт уларни сизларга қайтарди. Эй Билол, туриб одамларни намозга чорланг», дедилар. Сўнг таҳорат қилдилар. Кун кўтарилиб, ёришгач, туриб намоз ўқидилар.

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ عُمَرَ بْنَ الْخَطَّابِ جَاءَ يَوْمَ الْخَنْدَقِ بَعْدَ مَا غَرَبَتِ الشَّمْسُ فَجَعَلَ يَسُبُّ كُفَّارَ فُرَيْشٍ قَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا كِدْتُ أُصَلِّيَ الْعَصْرَ حَتَّى كَادَتْ الشَّمْسُ تَغْرُبُ، قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «وَاللَّهِ مَا صَلَّيْتُهَا» فَقُمْنَا إِلَى بُطْحَانَ فَتَوَضَّأْنَا لِلصَّلَاةِ وَتَوَضَّأْنَا لَهَا فَصَلَّى الْعَصْرَ بَعْدَ مَا غَرَبَتِ الشَّمْسُ ثُمَّ صَلَّى بَعْدَهَا الْمَغْرِبَ. (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Жобир Ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу шундай дейди: Умар ибн ал-Хаттоб розияллоҳу анҳу Хандақ жанги куни кун ботганидан сўнг келди-да, Қурайш кофирларини сўка кетди, «Ё Росулаллоҳ, асрни ўқиёлмадим, ҳатто кун ботаёзди», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳга қасамки, мен ҳам ўқимадим», дедилар. Сўнг Бутҳон водийсига келдик. Ул зот намозга таҳорат қилдилар, биз ҳам таҳорат қилдик. Асрни кун ботганидан кейин ўқидилар, ортидан эса шомни ўқидилар.

Шарх:

Баъзан мусулмон киши ухлаб қолиб ёки унутиб ё эса тўхтовсиз жанг майдонида бўлиб, намозини ўз вақтида ўқий олмаслиги мумкин, бироқ бошқа нарсалар намозни вақтидан кечиктиришга узр бўлмайди. Аллоҳ таоло бандаларига меҳрибонки, уларни бу ғафлати учун ҳисоб-китоб қилмайди, балки бу моънелик кетиши биланоқ намознинг қазосини ўтаб қўйишга буюрди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Аллоҳ таолонинг раҳмати кенг бўлиб, мусулмон бандаларига кўп нарсани енгил қилган.

2- Ким намозга уйғотадиган сабабларни муҳайё қилгандан кейин ҳам ухлаб қолса ёки эсидан чиқиб қолса, эсига тушганда намозини ўқийди ва унга каффорат вожиб бўлмайди.

3- Қазо бўлган намозлар агар 5 тагача бўлса тартиб билан ўқиш вожиб, ундан ортиб кетса тартиб шарт эмас.

103 – дарс. Намоз ўқиш дуруст бўлмайдиган ўринлар

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي فِي مَرَابِضِ الْغَنَمِ.
(متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Анас Ибн Молик розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўй қўраларида намоз ўқийверар эдилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «صَلُّوا فِي مَرَابِضِ الْغَنَمِ وَلَا تُصَلُّوا فِي أَعْطَانِ الْإِبِلِ» (رواه الترمذي).

Имом Термизий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қўй қўраларида намоз ўқийверинглар, туя қўраларида намоз ўқиманглар», дедилар.

عَنْ جُنْدَبِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَبْلَ أَنْ يَمُوتَ بِخَمْسٍ وَهُوَ يَقُولُ: «إِنِّي أَبْرَأُ إِلَى اللَّهِ أَنْ يَكُونَ لِي مِنْكُمْ خَلِيلٌ فَإِنَّ اللَّهَ تَعَالَى قَدْ اتَّخَذَنِي خَلِيلًا كَمَا اتَّخَذَ إِبْرَاهِيمَ خَلِيلًا وَلَوْ كُنْتُ مُتَّخِذًا مِنْ أُمَّتِي خَلِيلًا لَاتَّخَذْتُ أَبَا بَكْرٍ خَلِيلًا، أَلَا وَإِنَّ مَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ كَانُوا يَتَّخِذُونَ قُبُورَ أَنْبِيَائِهِمْ وَصَالِحِيهِمْ مَسَاجِدَ، أَلَا فَلَا تَتَّخِذُوا الْقُبُورَ مَسَاجِدَ إِنِّي أَنهَاكُمُ عَنْ ذَلِكَ». (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Жундаб розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этишларидан беш кун аввал шундай деяётганларини эшитдим дейди: «Мен сизлардан биронтангизни халил – яъни, ўта яқин дўст тута олмайман, чунки

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳис-саломни халил тутганидек, мени ҳам ўзига халил тутди. Агар ер юзида бирон одамни ўзимга халил тутганимда Абу Бакрни халил тутган бўлар эдим. Огоҳ бўлингларки, сизлардан аввалгилар ўз пайғамбарларининг ва солих кишиларининг қабрларини масжидлар қилиб олишди. Қабрларни масжид қилиб олишдан эҳтиёт бўлинглар, мен сизларни бундан қайтараман.»

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الْأَرْضُ كُلُّهَا مَسْجِدٌ إِلَّا الْحَمَّامَ وَالْمَقْبَرَةَ» (رواه أبو داود والترمذي).

Имом Абу Довуд ва имом Термизий Абу Саъид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳаммом ва қабристондан ташқари ер юзининг ҳаммаси масжиддир», дедилар.

Шарҳ:

Ер юзининг ҳамма жойи мусулмонлар учун пок ва намозга яроқлидир. Бу ҳам Аллоҳ таолонинг бу умматга бўлган раҳматидан. Мусулмон киши намоз вақти кирганида қаерда бўлмасин, намозини адо қилиб кетаверади. Аммо шариатимиз баъзи сабабларга кўра айрим ўринларда намоз ўқишдан қайтарган. Мисол учун, қабристонларда намоз ўқиш ширкка олиб борадиган

воситалардан. Туяларнинг қўралари жин-шайтонлар макони ёки туя бефаросат ҳайвон бўлганидан намоз ўқувчига халақит бериши ёки унинг намозини бузиб юбориши мумкин, ҳаммомлар эса нажосатдан ва авратларни очишдан холи бўлмаган ўринлар бўлгани учун улардан намоз ўқиш мумкин эмас. Қўйхоналарда намоз ўқишга рухсат берилганини эшитган пайтда бизлардан биттамыз бугунги кунимиздаги сингари 2х3 метрли қўйхоналарни тасаввур қилмасин, балки тоғ-адирлардаги қўйхоналарни тасаввур қилсин. Ана шунда тўғри бўлади. Олимлар бунинг ҳикмати ҳақида кўп гапирганлар, улардан биттасини келтиришни ўринли деб билдик. Туя муайян жойга чўкиб дам олишга одатланган бўлади, агар у ерда бирон киши намоз ўқиётган бўлса, туя унинг устига келиб чўкиб ҳалиги одамни ўлдириб қўйиши ҳам мумкин, ундай бўлмаган тақдирда унинг намозини бузади, чунки унда риоя қилиш деган нарса йўқ. Аммо қўйнинг табиати юмошоқ бўлганидан бирон унинг жойини эгаллаб турган бўлса у то жойини бўшатмагунча унга бирон зиён-захмат етказмайди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Туялар ётадиган қўраларда намоз ўқиб бўлмайди.
- 2- Қўй қўраларида намоз ўқиш жоиз.

3- Қабристонларда намоз ўқиш мумкин эмас, улар устига масжид ҳам солинмайди.

4- Ҳаммомда намоз ўқиб бўлмайди.

104— дарс. Нафл намозлар

عَنْ رَبِيعَةَ بْنِ كَعْبِ الْأَسْلَمِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كُنْتُ أَبِيْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَتَيْتُهُ بِوَضُوءِهِ وَحَاجَّتِهِ، فَقَالَ لِي: «سَلْ» فَقُلْتُ أَسْأَلُكَ مُرَافَقَتَكَ فِي الْجَنَّةِ، قَالَ: «أَوْ غَيْرَ ذَلِكَ» قُلْتُ هُوَ ذَاكَ، قَالَ: «فَأَعِنِّي عَلَى نَفْسِكَ بِكَثْرَةِ السُّجُودِ» (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Рабиъа ибн Каъб ал-Асламий розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга тунаб қолардим. Бир куни таҳоратларига сув ва баъзи эҳтиёжларини келтирдим. Менга: «Нима тилагинг бор, сўра», дедилар. Мен: «Жаннатда сиз билан бирга бўлишни сўрайман», дедим. «Бундан бошқа нарса эмасми?», дедилар. Мен: «Тилагим фақат шу», дедим. «Ундай бўлса, бунинг учун кўп сажда қилиш билан менга ёрдам бер», дедилар.

Нафл намозларни уйда ўқиш мустаҳаблиги

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «اجْعَلُوا فِي بُيُوتِكُمْ مِنْ صَلَاتِكُمْ وَلَا تَتَّخِذُوهَا قُبُورًا» (رواه البخاري).

Имом Бухорий Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Намозингиздан бир қисмини уйларингизда ҳам (адо) қилинглар, уйларни қабристонларга айлантириб қўйманглар», дедилар.

عَنْ زَيْدِ بْنِ ثَابِتٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ خَيْرَ صَلَاةِ الْمَرْءِ فِي بَيْتِهِ إِلَّا الصَّلَاةَ الْمَكْتُوبَةَ» (متفق عليه).

Зайд ибн Собит розияллоху анху ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Кишининг фарз намоздан ташқари энг яхши намози уйида ўқиган намозидир», дедилар.

Шарх:

Намоз бандани Роббисига яқинлаштирадиган энг улуг ибодатдир. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам кўп намоз ўқиш жаннатга киришга сабаб бўлишини хабар бердилар. Шунингдек, ул зот нафл намозларимиздан бир қисмини уйларимизда ўқишга буюрдилар. Зеро, бундай қилиш амални инсонлар кўзидан яшириб, риёдан узоқлаштиради. Бундан ташқари, оила аъзоларига таълим ва намуна бўлиб, уларни ҳам намозга одатланишларига сабаб бўлади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Нафл намозлар кўп фазилатли бўлиб, улар кишининг жаннатга киришига сабаб бўлади.

2- Нафл намозларни уйда адо этиш афзалроқ.

3- Масжидда суннатларини ўқимаган одам ҳақида "уйида ўқиса керак" деб, чиройли гумон қилиш

105 – дарс. Витр

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «اجْعَلُوا آخِرَ صَلَاتِكُمْ بِاللَّيْلِ وَثَرًا» (متفق عليه).

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Тунги намозларингиз охирини витр (тоқ) қилинглар», дедилар.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ أَنَّ رَجُلًا سَأَلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ صَلَاةِ اللَّيْلِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ: «صَلَاةُ اللَّيْلِ مَثْنَى مَثْنَى، فَإِذَا خَشِيَ أَحَدُكُمْ الصُّبْحَ صَلَّى رَكْعَةً وَاحِدَةً تُوتِرُ لَهُ مَا قَدْ صَلَّى» (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Бир киши Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи ва салламдан тунги намоз ҳақида сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Тунги намоз икки рақъат, икки рақъатдан (ўқилади.) Агар сизлардан бирингиз тонг отиб қолишидан хавф қилса, бир рақъат ўқисин, бу унинг ўқиган намозларини витр (тоқ) қилиб қўяди», дедилар.

Витр намозининг вақти

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَتْ مِنْ كُلِّ اللَّيْلِ قَدْ أَوْتَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَانْتَهَى وَتَرَهُ إِلَى السَّحَرِ (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам витрни туннинг барча қисмида ўқийверардилар. Витрларининг охири саҳарга борарди.

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ خَافَ أَنْ لَا يَقُومَ مِنْ آخِرِ اللَّيْلِ فَلْيُوتِرْ أَوَّلَهُ، وَمَنْ طَمِعَ أَنْ يَقُومَ آخِرَهُ فَلْيُوتِرْ آخِرَ اللَّيْلِ، فَإِنَّ صَلَاةَ آخِرِ اللَّيْلِ مَشْهُودَةٌ وَذَلِكَ أَفْضَلُ» (رواه مسلم).

Имом Муслим Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким кечанинг охирида тура олмаслигидан кўрқса, кечанинг аввалида витрни ўқиб олсин. Ким кечанинг охирида туришига ишонса, кечанинг охирида витр ўқисин, чунки кечанинг охиридаги намоз

(фаришталар) ҳозир бўладиган намоздир. Мана шуниси афзалдир», дедилар.

Шарҳ:

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам буюрган ва мусулмон киши бепарво бўлмаслиги керак бўлган намоз витр намозидир. Витр – тоқ ракъатли намоз маъносида бўлиб, унинг энг ками бир ракъат, мусулмон киши бир кеча-кундуз ўқиган намозига шу билан хотима ясайди. Витр вақти хуфтон намозидан кейин саҳарга қадар давом этади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Витр – бепарво бўлмаслик керак бўлган намоз.
- 2- Бир кечада ўқилган намозларга витр ўқиш билан хотима ясалади.
- 3- Витрнинг вақти хуфтон намозидан кейин то бомдод намози киргунига қадар давом этади. Энг афзал вақти эса кечанинг охириги учинчи қисмидадир.

106 – дарс. Витрга тааллуқли ҳукмлар

عَنْ طَلْقِ بْنِ عَلِيٍّ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «لَا وَثْرَانَ فِي لَيْلَةٍ» (رواه أبو داود والترمذي).

Имом Абу Довуд ва имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Талқ ибн Али розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Бир кечада икки марта витр ўқилмайди», деганларини эшитдим, дейди.

عَنِ الْحَسَنِ بْنِ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: عَلَّمَنِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَلِمَاتٍ أَقُولُهُنَّ فِي الْوِثْرِ: اللَّهُمَّ اهْدِنِي فِيْمَنْ هَدَيْتَ وَعَافِنِي فِيْمَنْ عَافَيْتَ وَتَوَلَّنِي فِيْمَنْ تَوَلَّيْتَ وَبَارِكْ لِي فِيْمَا أُعْطَيْتَ وَقِنِي شَرًّا مَا قَضَيْتَ إِنَّكَ تَقْضِي وَلَا يُقْضَى عَلَيْكَ وَإِنَّهُ لَا يَذِلُّ مَنْ وَالَيْتَ وَلَا يَعْزُّ مَنْ عَادَيْتَ تَبَارَكْتَ رَبَّنَا وَتَعَالَيْتَ (رواه أبو داود والترمذي).

Имом Абу Довуд ва имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Ҳасан ибн Али розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Менга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам витрда ўқийдиган ушбу дуони ўргатдилар:

{اللَّهُمَّ اهْدِنِي فِيْمَنْ هَدَيْتَ، وَ عَافِنِي فِيْمَنْ عَافَيْتَ، وَ تَوَلَّنِي فِيْمَنْ تَوَلَّيْتَ، وَ بَارِكْ لِي فِيْمَا أُعْطَيْتَ، وَ قِنِي شَرًّا مَا قَضَيْتَ، إِنَّكَ تَقْضِي وَ لَا يُقْضَى عَلَيْكَ وَإِنَّهُ لَا يَذِلُّ مَنْ وَالَيْتَ وَ لَا يَعْزُّ مَنْ عَادَيْتَ، تَبَارَكْتَ رَبَّنَا وَ تَعَالَيْتَ }

«Аллоҳуммаҳдиний фийман ҳадайт, ва а'финий¹ фийман а'файт, ва тавалланий фийман таваллайт, ва ба'рик лий фийма' аьтойт, ва қиний шарро ма' қозойт, иннака тақзий ва ла' юқзо алайк, иннаҳу

¹ Транскрипсияда кўпинча "а" ҳарфидан кейин келадиган (') аломат а нинг чўзиброк айтилишига далолат қилади.

ла язиллу ман ва'лайт ва ла' яиззу ман аадайт, табарокта Роббана' ватаъалайт" (Яъни, Эй Аллоҳ! Мени ҳидоят этган кишиларинг қатори ҳидоят этгин. Офият (баданимдаю, ақидамда саломатлик, тўғрилиқ) ато этганларинг қаторида офият бергин. Яқин тутганларинг қаторида мени ҳам Ўзинга яқин этгин. Ато қилган нарсаларингни мен учун баракотли этгин. Қазо-ҳукм қилган нарсаларинг ёмонлигидан мени асрагин. Албатта, Сен ҳукм қиласан. Сенга (қарши) ҳукм қилинмас. Сен дўст тутган киши хор бўлмас ва Сен душман тутган киши азиз бўлмас. Парвардигоро! Сен баракотли-буюк ва олий Зотдирсан.)

Имом Байҳақий Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган витр дуоси эса қуйидагича:

{اللَّهُمَّ إِيَّاكَ نَعْبُدُ، وَ لَكَ نُصَلِّي وَ نَسْجُدُ، وَ إِلَيْكَ نَسْعَى وَ نَحْفِدُ، نَرْجُو رَحْمَتَكَ، وَ نَخْشَى عَذَابَكَ، إِنَّ عَذَابَكَ بِالْكَافِرِينَ مُلْحَقٌ. اللَّهُمَّ إِنَّا نَسْتَغْفِرُكَ وَ نَسْتَغْفِرُكَ، وَ نُثْنِي عَلَيْكَ الْخَيْرَ، وَ لَا نَكْفُرُكَ، وَ نُؤْمِنُ بِكَ، وَ نَخْضَعُ لَكَ، وَ نَخْلَعُ مَنْ يَكْفُرُكَ }

“Аллоҳумма иййа'ка наъбуду ва лака нусоллий ва насжуду ва илайка насъа' ва наҳфид, наржу роҳматака ва нахша' аза'бак, инна аза'бака бил куффа'ри мулҳақ. Аллоҳумма инна' настаъийнука ва настағфирука, ва нусний алайкал хойра ва ла' накфурук, ва нуъмину бика ва нахзаъу лака ва нахлаъу май якфурук” (яъни, Эй Аллоҳ! Сенга ибодат қиламиз ва Сен учун намоз ўқиб, саждалар қиламиз. Сен томон (яқин бўлиш учун) ҳаракат этиб, Сенга

ошиқамиз. Раҳматингдан умидвормиз, азобингдан қўрқамиз. Албатта, азобинг кофирларга етгувчидир. Парвардигоро! Биз Сендан мадад сўраймиз, мағфират тилаймиз. Сенга яхши саномақтовлар айтамиз. Сенга кофир бўлмаймиз. Сенга иймон келтириб, итоат этамиз ва Сенга кофир бўлган кимсаларни тарк қиламиз.)

عَنْ عَبْدِ الْعَزِيزِ بْنِ جُرَيْجٍ قَالَ سَأَلْنَا عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا بِأَيِّ شَيْءٍ كَانَ يُوتَرُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ؟ قَالَتْ كَانَ يَقْرَأُ فِي الْأُولَى بِسَبْحِ اسْمِ رَبِّكَ الْأَعْلَى وَفِي الثَّانِيَةِ بِقُلْ يَا أَيُّهَا الْكَافِرُونَ وَفِي الثَّلَاثَةِ بِقُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ وَالْمُعَوِّذَتَيْنِ (رواه أبو داود والترمذي).

Имом Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган ҳадисда Абдулазиз ибн Журайж раҳимаҳуллоҳ шундай дейди: Оиша розияллоҳу анҳодан: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам витрда қайси сураларни ўқир эдилар?» деб сўрадик. «Биринчи рақъатда "Саббиҳисма роббикал аъла", иккинчи рақъатда "қул йа' аййухал ка'фирун" ва учинчи рақъатда "қул хуваллоҳу аҳад", "на'с" ва "фалақ" сураларини ўқир эдилар» деди.

عَنْ أَبِي بِنِ كَعْبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا سَلَّمَ فِي الْوَيْتْرِ قَالَ سُبْحَانَ الْمَلِكِ الْقُدُّوسِ (رواه أبو داود).

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва

саллам витр намозида салом бергач: "Субҳанал Маликил Қуддус" деб (уч марта) айтар эдилар.

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кечада бир мартадан ортиқ витр ўқишдан қайтардилар. Витрда ўқиладиган дуоларнинг лафзи турли иборалар билан келган бўлиб, буларнинг барчасини алмашлаб ўқиш суннатга мувофиқ бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам витрнинг биринчи ракъатида “Саббиҳисма”, иккинчисида “Қуля”, учинчисида “Ихлос”, “Фалақ” ва “Нос” сураларини ўқир эдилар. Витр намозидан салом берганларидан кейин “Субҳанал маликил қуддус”, деб уч марта айтар эдилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Бир кечада бир мартадан ошиқ витр ўқилмайди. Кечанинг аввалида витр ўқиб олган одам, кечанинг охирида намоз ўқимоқчи бўлса икки ракъатдан қилиб ўқийверади, охирида витр ўқимайди.

2- Витр намозида ҳадисларда ворид бўлган қунут дуолари билан дуо қилиш мустаҳаб.

3- Витрда "Саббиҳисма" "Кафирун" ва "Ихлос" сураларини ўқиш афзал.

4- Витрдан кейин "Субҳанал маликил қуддус" деб уч марта айтиш ва охиргисини чўзиброқ қўйиш суннатдир.

107 – дарс. Доим ўқиладиган суннат намозлар

عَنْ أُمِّ حَبِيبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «مَنْ صَلَّى اثْنَتَيْ عَشْرَةَ رَكْعَةً فِي يَوْمٍ وَلَيْلَةٍ بُنِيَ لَهُ بِهِنَّ بَيْتٌ فِي الْجَنَّةِ» (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Умму Ҳабиба розияллоҳу анҳо шундай дейди: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Ким бир кеча-кундузда ўн икки рақъат нафл намоз ўқиса, бунинг учун унга жаннатда бир уй қурилади» деганларини эшитдим.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ حَفِظْتُ مِنَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَشْرَ رَكَعَاتٍ رَكَعَتَيْنِ قَبْلَ الظُّهْرِ، وَرَكَعَتَيْنِ بَعْدَهَا، وَرَكَعَتَيْنِ بَعْدَ الْمَغْرِبِ، فِي بَيْتِهِ وَرَكَعَتَيْنِ بَعْدَ الْعِشَاءِ فِي بَيْتِهِ، وَرَكَعَتَيْنِ قَبْلَ صَلَاةِ الصُّبْحِ. (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Ибн Умар розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўн рақъат нафл намозини ёдда сақлаб қолганман: пешиндан аввал икки рақъат, пешиндан кейин икки рақъат, шомдан кейин уйларида икки рақъат, хуфтондан кейин ҳам уйларида икки рақъат ва бомдоддан аввал икки рақъат.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ لَا يَدْعُ أَرْبَعًا قَبْلَ الظُّهْرِ وَرَكَعَتَيْنِ قَبْلَ الغَدَاةِ. (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пешиндан аввал тўрт рақъат ва бомдоддан аввал икки рақъатни ҳеч қўймас эдилар.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : صَحِبْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَلَمْ أَرَهُ يُسَبِّحُ فِي السَّفَرِ. (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Ибн Умар розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан ҳамсафар бўлдим, (фарздан аввал ёки кейин) бирон нафл намоз ўқиганларини кўрмадим.

Шарх:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фарз намозларидан аввал ё кейин давомли ўқиб юрган нафл намозлари бор эди. Бу намозлар суннати муъаккада бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматни мазкур намозларни ўқишга тарғиб қилганлар. Мўъмин киши суннатга тўлиқ эргашишни истаса бу намозларни мунтазам ўқиши керак.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Суннат намозларни доимо ўқиб юриш суннат.
- 2- Суннат намозлар пешин фарзидан аввал тўрт ракъат, фарзидан кейин икки ракъат, шомдан кейин икки ракъат, хуфтондан кейин икки ракъат ва бомдоддан аввал икки ракъат.
- 3- Кундалик суннат намозларни ўқиган кишига ҳар куни эвазига Жаннатда бир уй ваъда қилинган.
- 4- Сафарга чиққанда суннат намозларни ўқимаслик суннат.

108 – дарс. Бомдод суннатининг фазилати ва агар фарздан аввал ўқилмаган бўлса, кейин ўқиб олишнинг жоизлиги

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «رَكْعَتَا الْفَجْرِ خَيْرٌ مِنَ الدُّنْيَا وَمَا فِيهَا» (رواه مسلم).

Имом Муслим Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Бомдоднинг икки ракъат суннати дунё ва ундаги барча нарсадан яхшироқдир», дедилар.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ لَمْ يَكُنِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى شَيْءٍ مِنَ النَّوَافِلِ أَشَدَّ مِنْهُ تَعَاهُدًا عَلَى رَكَعَتِي الْفَجْرِ (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдоднинг икки рақъат суннатига бошқа нафл намозларга нисбатан қаттиқроқ эътибор берар эдилар.

عَنْ حَفْصَةَ أُمِّ الْمُؤْمِنِينَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا سَكَتَ الْمُؤَدِّنُ مِنَ الْأَذَانِ لِصَلَاةِ الصُّبْحِ وَبَدَأَ الصُّبْحُ رَكَعَ رَكَعَتَيْنِ خَفِيفَتَيْنِ قَبْلَ أَنْ تُقَامَ الصَّلَاةُ (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда уммул мўъминийн Ҳафса розияллоҳу анҳо шундай дейди: Тонг отиб, муаззин бомдод намозининг азонини айтганидан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқилишидан аввал икки рақъат енгил намоз ўқирдилар.

عَنْ قَيْسِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ رَأَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلًا يُصَلِّي بَعْدَ صَلَاةِ الصُّبْحِ رَكَعَتَيْنِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «صَلَاةُ الصُّبْحِ رَكَعَتَانِ» فَقَالَ الرَّجُلُ إِنِّي لَمْ أَكُنْ صَلَّيْتُ الرَّكَعَتَيْنِ اللَّتَيْنِ قَبْلَهُمَا فَصَلَّيْتُهُمَا الْآنَ، فَسَكَتَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ (رواه أبو داود).

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Қайс ибн Амр розияллоҳу анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва

саллам бомдод намозидан кейин икки ракъат намоз ўқиган бир кишини кўриб, унга: «Бомдод намози икки ракъат холос-ку!», дедилар. У киши: «Мен фарздан аввалги икки ракъат суннاتини ўқимаган эдим. Ҳозир ўқиб олдим», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам индамадилар.

Шарх:

Бомдод намозининг суннати фазилатли, ажри кўп бўлган ибодатдир, шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга алоҳида эътибор берганлар ва бу икки ракъатни доим ўқиб юришга тарғиб қилганлар, чунки бу намознинг ажри дунё ва ундаги нарсалардан афзал. Бомдод суннатини фарздан аввал ўқишга имкон топилмаса, фарздан кейин тезда ўқиб олса бўлади, чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдоднинг фарздан кейин намоз ўқиган кишини кўриб, буни инкор қилдилар, у киши бомдод суннатининг қазосини ўқиганини баён қилгач, унга индамаганликлари бунинг жоизлигига далолат қилмоқда.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Бомдод намозининг суннатини доим ўқиб юриш суннат.
- 2- Бомдоднинг суннати фазли жуда улуғ ибодатлардан.

3- Бомдоднинг суннатини фарзидан аввал ўқий олмаса, кейин ўқиб олса бўлади.

109 – дарс. Бомдоднинг суннатига тааллуқли ҳукмлар

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُخَفِّفُ الرَّكْعَتَيْنِ اللَّتَيْنِ قَبْلَ صَلَاةِ الصُّبْحِ حَتَّىٰ إِنِّي لَأَقُولُ هَلْ قَرَأَ بِأَمِّ الْكِتَابِ (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозидан олдинги икки рақъатни енгил ўқирдилар, ҳатто мен: «Уммул-китоб» (Фотиҳа)ни ўқидилармикин, деб ўйланиб қолардим.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي رَكَعَتِي الْفَجْرِ إِذَا سَمِعَ الْأَذَانَ وَيُخَفِّفُهُمَا (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам азонни эшитсалар, бомдоднинг икки рақъат суннатини енгил қилиб ўқир эдилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَرَأَ فِي رَكْعَتَيْ الْفَجْرِ «قُلْ يَا أَيُّهَا الْكَافِرُونَ» وَ«قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ» (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдоднинг икки рақъат суннатида “Ка’фиру’н” ва “Ихлос” сураларини ўқидилар.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَقْرَأُ فِي رَكْعَتَيْ الْفَجْرِ فِي الْأُولَى مِنْهُمَا {قُولُوا آمَنَّا بِاللَّهِ وَمَا أُنزِلَ إِلَيْنَا} الْآيَةَ الَّتِي فِي الْبَقَرَةِ وَفِي الْآخِرَةِ مِنْهُمَا {آمَنَّا بِاللَّهِ وَاشْهَدْ بِأَنَّا مُسْلِمُونَ} (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод суннатининг биринчи рақъатида Бақара сурасининг 136-ояти, иккинчи рақъатида эса (Моида сурасининг 111- ояти) ни ўқир эдилар.

Шарҳ:

Бомдод намозининг суннати энгил ўқиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларидан эди, лекин энгил ўқиш деганда рукуъ-сужудларини худди қарға гўнг чўқигандай қилиб тез ўқиш тушунилмайди, балки намознинг фарз ва вожибларини тўлиқ бажарганлари ҳолда, бошқа намозларга ўхшаш қироатни чўзмаганликлари тушунилади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Бомдоднинг икки ракъат суннатини енгил ўқиш суннат.
- 2- Биринчи ракъатда “Фотиҳа”дан сўнг “Кафирун” сурасини, иккинчи ракъатда “Ихлос” сурасини ёки биринчи ракъатда “Бақара” сураси 136-оятини, иккинчи ракъатда эса “Моида” сураси 111-оятини ўқиш суннат.

110 – дарс. Тунги намоз – таҳажжуднинг фазилати

Аллоҳ таоло “Сажда” сураси 16-оятда кечаси туриб намоз ўқийдиган бандаларини мақтаб шундай дейди:

«تَتَجَافَى جُنُوبُهُمْ عَنِ الْمَضَاجِعِ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ خَوْفًا وَطَمَعًا وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنفِقُونَ»

«Уларнинг ёнбошлари ўрин жойларидан йироқ бўлур (яъни тунларни ибодат билан ўтказишиб, оз ухлайдилар). Улар Парвардигорларига кўрқув ва умидворлик билан дуо илтижо қилурлар».

“Ваз-Зариат” сурасининг 17,18-оятларида:

«كَانُوا قَلِيلًا مِنَ اللَّيْلِ مَا يَهْجَعُونَ . وَبِالْأَسْحَارِ هُمْ يَسْتَغْفِرُونَ»

«Улар кечадан озгина фурсатгина кўз юмар эдилар. Ва саҳарларда улар (қилган саҳву-хатолари учун) Парвардигоридан мағфират сўрар эдилар) дейди.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَفْضَلُ الصِّيَامِ بَعْدَ رَمَضَانَ شَهْرُ اللَّهِ الْمُحَرَّمِ، وَأَفْضَلُ الصَّلَاةِ بَعْدَ الْفَرِيضَةِ صَلَاةُ اللَّيْلِ» (رواه مسلم).

Имом Муслим Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Рамазондан кейинги энг афзал рўза Муҳаррам ойи (рўзаси)дир, фарз намозидан кейинги энг афзал намоз тунги намоздир», дедилар.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ اسْتَيْقَظَ مِنَ اللَّيْلِ وَأَيْقَظَ امْرَأَتَهُ فَصَلَّيَا رَكَعَتَيْنِ جَمِيعًا كُتِبَا مِنَ الذَّاكِرِينَ اللَّهَ كَثِيرًا وَالذَّاكِرَاتِ» (رواه أبو داود).

Имом Абу Довуд Абу Саид ал-Худрий розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Қай бир киши кечаси туриб аёлини уйғотса ва биргаликда икки ракъат намоз ўқишса, Аллоҳни кўп зикр қилувчи эр ва аёллар қаторига ёзиладилар», дедилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «يَعْقُدُ الشَّيْطَانُ عَلَى قَافِيَةِ رَأْسِ أَحَدِكُمْ إِذَا هُوَ نَامَ ثَلَاثَ عُقَدٍ يَضْرِبُ كُلَّ عُقْدَةٍ، "عَلَيْكَ لَيْلٌ طَوِيلٌ فَارْقُدْ" فَإِنْ اسْتَيْقَظَ

فَذَكَرَ اللَّهُ أَنْحَلَّتْ عُقْدَةٌ، فَإِنْ تَوَضَّأَ أَنْحَلَّتْ عُقْدَةٌ، فَإِنْ صَلَّى أَنْحَلَّتْ عُقْدَةٌ، فَأَصْبَحَ نَشِيطًا طَيِّبَ
النَّفْسِ وَإِلَّا أَصْبَحَ خَبِيثَ النَّفْسِ كَسَلَانَ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлардан бирингиз ухлаган пайтида шайтон унинг бошининг орқасига учта тугун тугиб қўяди, ҳар бир тугунга (дам) уриб: «Ҳали тун узок, ухлайвер» дейди. Агар у уйғонса ва Аллоҳни зикр қилса, битта тугун ечилади. Таҳорат қилса, яна бир тугун ечилади. Намоз ўқиса, яна бир тугун ечилади ва у одам тетик, дили равшан бўлади. Акс ҳолда, ялқов ва дили хира бўлиб қолади», дедилар.

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِنَّ فِي اللَّيْلِ لَسَاعَةً لَا يُوَافِقُهَا رَجُلٌ مُسْلِمٌ يَسْأَلُ اللَّهَ خَيْرًا مِنْ أَمْرِ الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ إِلَّا أَعْطَاهُ إِيَّاهُ وَذَلِكَ كُلُّ لَيْلَةٍ» (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Жобир розияллоҳу анҳу шундай дейди: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Албатта, тунда бир вақт борки, қай бир мусулмон бу вақтга Аллоҳдан дунё ва охирагининг яхшилигини сўраган ҳолда тўғри келса, унга тилагини албатта беради ва бу вақт ҳар кечада бўлади» деганларини эшитдим.

Шарҳ:

Тунги намоз – таҳажжуд Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам тарғиб қилган ва Аллоҳ таоло бу амал эгаларини мақтаб, уларга катта мукофотлар ваъда қилган ибодатдир. Фарз намозларидан кейинги энг афзал намоз таҳажжуд намози бўлиб, бу намоз Аллоҳ таолога суюкли ибодатлардан ҳисобланади, чунки ҳамма ҳам кечаси ширин уйқусидан кечиб Аллоҳнинг зикри билан қоим бўлишга муваффақ бўлавермайди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Кечаси туриб ўқиладиган таҳажжуд намози фазилати улуг намозлардан.

2- Таҳажжуд намози ўқиш дилнинг равшан тортишига ва хушнудликка сабаб бўлади.

3- Эр-хотин бомдодга эртароқ туриб азондан аввал камида икки ракъат намоз ўқишлари уларни зокирлар сафига қўшади.

111 – дарс. Тунги намоз – таҳажжуднинг сифати

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: مَا كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَزِيدُ فِي رَمَضَانَ وَلَا فِي غَيْرِهِ عَلَى إِحْدَى عَشْرَةَ رَكْعَةً يُصَلِّي أَرْبَعًا فَلَا تَسَلُّ عَنْ حُسْنِيَّ وَطُولِهِنَّ ثُمَّ يُصَلِّي أَرْبَعًا فَلَا تَسَلُّ عَنْ حُسْنِيَّ وَطُولِهِنَّ ثُمَّ يُصَلِّي ثَلَاثًا. قَالَتْ عَائِشَةُ فَقُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَتَنَامُ قَبْلَ أَنْ تُوتِرَ فَقَالَ: «يَا عَائِشَةُ إِنَّ عَيْنِي تَنَامَانِ وَلَا يَنَامُ قَلْبِي» (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Оиша розияллоху анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Рамазонда ҳам, бошқасида ҳам тунги намозларини ўн бир рақъатдан оширмас эдилар: тўрт рақъат ўқирдилар, уларнинг чиройи ва узунлиги ҳақида асти сўраманг. Сўнг яна тўрт рақъат ўқирдилар, уларнинг чиройи ва узунлиги ҳақида асти сўраманг. Сўнгра уч рақъат ўқирдилар. Мен: «Ё Расулуллоҳ, витр ўқимасдан ухлайсизми?», деганимда: «Эй Оиша, кўзларим ухлайди-ю, қалбим ухламайди», дедилар.»

عن عائشة رضي الله عنها قالت: كَانَ يَوْمُ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَتَّى تَفْطَرَ قَدَمَاهُ (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Оиша розияллоху анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам кечаси намозда узоқ турганларидан оёқлари ёрилиб кетарди.

عن عبد الله بن عمرو بن العاص رضي الله عنهما: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَهُ: «أَحَبُّ الصَّلَاةِ إِلَى اللَّهِ صَلَاةُ دَاوُدَ عَلَيْهِ السَّلَامُ وَأَحَبُّ الصِّيَامِ إِلَى اللَّهِ صِيَامُ دَاوُدَ وَكَانَ يَنَامُ نِصْفَ اللَّيْلِ وَيَقُومُ ثُلُثَهُ وَيَنَامُ سُدُسَهُ وَيَصُومُ يَوْمًا وَيُفْطِرُ يَوْمًا» (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Амрга Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Аллоҳга энг суюкли намоз Довуд алайҳис-саломнинг намозидир,

Аллоҳга энг суюкли рўза Довуд алайҳис-саломнинг рўзасидир. У кечанинг ярмигача ухлар, учдан бир қисмида намоз ўқир, олтидан бирида яна ухларди. Бир кун рўза тутиб, бир кун тутмасди», дедилар.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ أَنَّ رَجُلًا سَأَلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ صَلَاةِ اللَّيْلِ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ عَلَيْهِ السَّلَامُ: «صَلَاةُ اللَّيْلِ مَثْنَى مَثْنَى فَإِذَا خَشِيَ أَحَدُكُمْ الصُّبْحَ صَلَّى رَكْعَةً وَاحِدَةً تُوتِرُ لَهُ مَا قَدْ صَلَّى» (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан тунги намоз ҳақида сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Тунги намоз икки ракъат, икки ракъатдан (ўқилади.) Агар сизлардан бирингиз тонг отиб қолишидан хавф қилса, бир ракъат ўқисин, бу унинг ўқиган намозларини витр (тоқ) қилиб қўяди», дедилар.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا قَامَ مِنَ اللَّيْلِ لِيُصَلِّيَ افْتَتَحَ صَلَاتَهُ بِرَكْعَتَيْنِ خَفِيفَتَيْنِ (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тунда намоз ўқиш учун турсалар, намозларини енгилгина икки ракъат билан бошлар эдилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ أَوْصَانِي خَلِيلِي صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِثَلَاثٍ: صِيَامٍ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ مِنْ كُلِّ شَهْرٍ، وَرَكَعَتَيِ الضُّحَى، وَأَنْ أُوتِرَ قَبْلَ أَنْ أَنَامَ (متفق عليه).

Муттафақун алайх бўлган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтади: Халилим соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга уч нарсани васият қилдилар: «Ҳар ойда уч кун рўза тутиш, чошгоҳда икки рақъат намоз ўқиш ва ухлашимдан аввал витр ўқишлигим.»

Шарх:

Таҳажжуд намозини икки рақъат, икки рақъатдан ўқиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари. Шунингдек, у зот узун ва чиройли ўқиган ҳолларида ўн бир рақъатдан зиёда қилмас эдилар. Таҳажжудни енгил икки рақъат намоз билан бошлар эдилар. Витрни уч рақъат ўқиса бўлади, агар бир неча жуфт рақъат ўқиган бўлса ёлғиз бир рақъат билан витр қилиб олса бўлади. Кечанинг охирида туришга аниқ ишонч ҳосил қилмаган одам ухлашидан аввал витр ўқиб олиши суннат.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Таҳажжуд намози икки рақъат, икки рақъатдан ўқилади ва уч ёки бир рақъат билан тамомланади.

2- Таҳажжудни ўн бир рақъат ўқиш суннат.

3- Кечанинг учинчи қисмида ўқилган намознинг фазли улугдир.

4- Таҳажжуд намозини икки рақъат енгил намоз билан бошлаш суннат.

112 – дарс. Нафл намозларга тааллуқли ҳукмлар

Улов устида нафл намоз ўқиш жоизлиги

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُسَبِّحُ (أَي يَصَلِي النافلة) عَلَى الرَّاحِلَةِ قَبْلَ أَيِّ وَجْهِ تَوَجَّهَ وَيُوتِرُ عَلَيْهَا غَيْرَ أَنَّهُ لَا يُصَلِّي عَلَيْهَا الْمَكْتُوبَةَ (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам туянинг устида, кетаётган тарафларига қараб нафл намозини, шунингдек витрни ҳам ўқийверар эдилар, бироқ фарз намозини туя устида ўқимас эдилар.

عَنْ عَامِرِ بْنِ رَبِيعَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ عَلَى الرَّاحِلَةِ يُسَبِّحُ يَوْمَهُ بِرَأْسِهِ قَبْلَ أَيِّ وَجْهِ تَوَجَّهَ وَلَمْ يَكُنْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَصْنَعُ ذَلِكَ فِي الصَّلَاةِ الْمَكْتُوبَةِ (رواه البخاري).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Омир ибн Раби’а розияллоҳу анҳу шундай деди: Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва

салламни уловлари устида, юзланиб бораётган тарафларига қараб, бошлари билан ишора қилиб нафл намози ўқиётганларини кўрдим. Лекин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фарз намозидда бундай қилмас эдилар.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي فِي بَيْتِي قَبْلَ الظُّهْرِ أَرْبَعًا ثُمَّ يَخْرُجُ فَيُصَلِّي بِالنَّاسِ ثُمَّ يَدْخُلُ فَيُصَلِّي رَكَعَتَيْنِ وَكَانَ يُصَلِّي بِالنَّاسِ الْمَغْرِبَ ثُمَّ يَدْخُلُ فَيُصَلِّي رَكَعَتَيْنِ وَيُصَلِّي بِالنَّاسِ الْعِشَاءَ وَيَدْخُلُ بَيْتِي فَيُصَلِّي رَكَعَتَيْنِ وَكَانَ يُصَلِّي مِنَ اللَّيْلِ تِسْعَ رَكَعَاتٍ فِيهِنَّ الْوَتْرُ وَكَانَ يُصَلِّي لَيْلًا طَوِيلًا قَائِمًا وَلَيْلًا طَوِيلًا قَاعِدًا وَكَانَ إِذَا قَرَأَ وَهُوَ قَائِمٌ رَكَعَ وَسَجَدَ وَهُوَ قَائِمٌ، وَإِذَا قَرَأَ قَاعِدًا رَكَعَ وَسَجَدَ وَهُوَ قَاعِدٌ وَكَانَ إِذَا طَلَعَ الْفَجْرُ صَلَّى رَكَعَتَيْنِ (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйимда пешиндан аввал тўрт ракъат намоз ўқир, сўнгра чиқиб одамлар билан пешин (фарзи)ни ўқиб, сўнг уйга кириб, яна икки ракъат ўқир эдилар. Шомни(нг фарзини) одамлар билан ўқиб, кейин кириб икки ракъат ўқир эдилар. Хуфтонни(нг фарзини) одамлар билан ўқиб, сўнгра уйимга кириб икки ракъат ўқир эдилар. Кечқурун витрни кўшган ҳолда тўққиз ракъат ўқир эдилар. Кечаси намоз ўқиганларида бир кеча тикка туриб узун намоз ўқисалар, бошқа бир кечада ўтириб узун намоз ўқир эдилар. Тик туриб қироат қилганларида рукуъ ва саждаларни ҳам тик туриб қилардилар, ўтириб қироат қилганларида рукуъ ва саждаларни ҳам

ўтириб қилар эдилар. Бомдод вақти киргач, икки ракъат суннатини ўқир эдилар.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «صَلَاةُ الرَّجُلِ قَاعِدًا نِصْفُ الصَّلَاةِ (رواه مسلم).

Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кишининг ўтириб ўқиган намози (тик туриб ўқилган) намознинг ярмидир», дедилар.

Шарҳ:

Аллоҳ таоло ўзининг кенг фазли карами билан бандаларига енгиллик бериб, нафл намозлар учун фарз намозлардан енгил ҳукмларни қилди. Жумладан: нафл намозини марқаб-улов устида, кетаётган томонига қараб, гарчи қиблага юзланмаган ҳолда бўлса-да, ўқиш жоиз. Шунингдек, нафл намозларини ўтириб ўқиш ҳам жоиз. Ўтириб ўқилганда рукуъни ҳам ўтирган ҳолда икки қўлни тиззага қўйиб, тўла белни букиб қилинади, саждани эса одатдагидек қилинади. Аммо марқабга миниб кетаётган одам қўлларини тиззасига ёзиб қўйган ҳолда, рукуъ ва саждани бошини эгиш билан қилади, саждада рукуъдан кўра кўпроқ эгилади, аммо

пешонасини бирон нарсага — иложи бўлган тақдирда ҳам — қўймайди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Нафл намозларни автомашина, учоқ каби нақлиёт воситаларида қайси томонга қараб кетилаётган бўлса, шу томонга қараб ўқиш жоиз.

2- Нафл намозни ўтирган ҳолатда ўқиса бўлади.

3- Ўтириб ўқилган намознинг савоби тик туриб ўқилган намознинг ярим савобича бўлади.

113 – дарс. Жума кунининг фазилатлари, суннат ва одоблари

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «خَيْرُ يَوْمٍ طَلَعَتْ عَلَيْهِ الشَّمْسُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ، فِيهِ خُلِقَ آدَمُ وَفِيهِ أُدْخِلَ الْجَنَّةَ وَفِيهِ أُخْرِجَ مِنْهَا» (رواه مسلم).

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қуёш нуруни сочган энг яхши кун жума кунидир, бу кунда Одам алайҳис-салом

яратилди, шу кунда жаннатга киритилди ва шу кунда жаннатдан чиқарилди», дедилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ تَوَضَّأَ فَأَحْسَنَ الوُضُوءَ ثُمَّ أَتَى الْجُمُعَةَ فَاسْتَمَعَ وَأَنْصَتَ غُفِرَ لَهُ مَا بَيْنَهُ وَبَيْنَ الْجُمُعَةِ وَزِيَادَةُ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ وَمَنْ مَسَّ الْحَصَى فَقَدْ لَغَا» (رواه مسلم).

Имом Муслим Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ким таҳорат олса ва таҳоратини мукаммал қилса, сўнгра жумага келса ва хутбани эътибор бериб, жимгина эшитса, ўтган жума билан бу жума орасидаги (кичик) гуноҳлари ва яна уч кунлик қўшимча гуноҳи кечирилади. Ким майда тошни ушласа (яъни хутба вақтида бирон беҳуда ҳаракат қилса ҳаттоки зарур гапни гапирса ҳам) лағв қилган бўлади», дедилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَقُولُ الصَّلَوَاتُ الْخَمْسُ وَالْجُمُعَةُ إِلَى الْجُمُعَةِ وَرَمَضَانُ إِلَى رَمَضَانَ مُكْفِّرَاتٌ مَا بَيْنَهُنَّ إِذَا اجْتَنَبَ الْكَبَائِرَ (رواه مسلم).

Имом Муслим Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Беш вақт намоз, жума кейинги жумагача, Рамазон кейинги Рамазонгача ўртадаги (кичик) гуноҳларга каффорат бўлади, агар (шу амалларни қилувчи) гуноҳи кабиралардан четланса», дедилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَكَرَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ فَقَالَ: «فِيهِ سَاعَةٌ لَا يُوَافِقُهَا عَبْدٌ مُسْلِمٌ وَهُوَ يُصَلِّيُ يَسْأَلُ اللَّهَ شَيْئًا إِلَّا أَعْطَاهُ إِيَّاهُ زَادَ قُتَيْبَةُ فِي رِوَايَتِهِ وَأَشَارَ بِيَدِهِ يُقَالُهَا» (متفق عليه)

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жума кунини зикр қилиб: «У кунда бир соат борки, унга мусулмон киши намоз ўқиган, Аллоҳдан бирон нарсани сўраган ҳолда тўғри келса, Аллоҳ унинг тилагини албатта беради», дедилар ва қўллари билан у вақтнинг жуда оз эканига ишора қилдилар.

Шарҳ:

Жума куни улуғ айёмлардан бўлиб, Аллоҳ таоло бу кундан яҳуд ва насороларни маҳрум қилиб, ўзининг фазли карами билан уни бу умматга хос қилди. Жума намозини ўқиш гуноҳ сағиралар учун каффорат бўлади. Унда бир соат борки, қайси бир мусулмон киши бу соатга Аллоҳ таолодан бирон нарсани сўраган ҳолда мувофиқ келса, Аллоҳ таоло уни албатта беради. Имом хутба қилаётган пайтда беҳуда иш ёки сўз билан машғул бўлиш жума савобини кетказди ва шу одамни гуноҳкор қилади. Абу Ҳанифа хутбага кулоқ солиш вожиб ундан машғул бўлиш ҳаром деганлар. Бу ҳолат имом хутбани бошлаганидан то минбардан тушгунича бўлади.

Жума кундаги дуо ижобат бўладиган вақт ҳақида уламолар кўп сўзларни айтганлар улардан кучлироғи имом хутба учун минбарга чиққандан бошлаб то жума намози ўқиб бўлингунича сўнгра аср намозидан кейин то қуёш ботгунча, бу сўзларни қувватловчи саҳиҳ ҳадислар мавжуд. Мазкур икки вақтда мусулмон киши дуода астойдил бўлиши керак.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Жума куни ҳафта кунларининг энг яхшисидир.
- 2- Жума намози кўп фазилатли бўлиб, у гуноҳ сағираларнинг кечирилишига сабаб бўлади.
- 3- Бу кунда бир қисқа вақт борки, унда мусулмон киши Аллоҳ таолога дуо қилган ҳолда тўғри келса, Аллоҳ таоло унинг дуосини ижобат қилади.

114 – дарс. Жума намозига эрта боришнинг фазли ва Жума намозига бормаганларнинг оқибати

Аллоҳ таоло Жума сурасининг 9-оятида шундай дейди:

«يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا نُودِيَ لِلصَّلَاةِ مِنْ يَوْمِ الْجُمُعَةِ فَاسْعَوْا إِلَىٰ ذِكْرِ اللَّهِ وَذَرُوا الْبَيْعَ ذَلِكُمْ خَيْرٌ لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ»

«Эй мўъминлар, қачон жума кунидаги намозга чорланса (яъни азон айтилса) дарҳол Аллоҳнинг зикрига боринглар ва олди-соттини тарк қилинглар. Агар биладиган бўлсангиз, мана шу (Аллоҳнинг зикрига, жума намозини ўқишга шошилиш) ўзларингиз учун яхшироқдир».

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ اغْتَسَلَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ غُسْلَ الْجَنَابَةِ ثُمَّ رَاحَ فَكَأَنَّمَا قَرَّبَ بَدَنَةً وَمَنْ رَاحَ فِي السَّاعَةِ الثَّانِيَةِ فَكَأَنَّمَا قَرَّبَ بَقْرَةً، وَمَنْ رَاحَ فِي السَّاعَةِ الثَّلَاثَةِ فَكَأَنَّمَا قَرَّبَ كَبْشًا أَقْرَنَ، وَمَنْ رَاحَ فِي السَّاعَةِ الرَّابِعَةِ فَكَأَنَّمَا قَرَّبَ نَجَاجَةً، وَمَنْ رَاحَ فِي السَّاعَةِ الْخَامِسَةِ فَكَأَنَّمَا قَرَّبَ بَيْضَةً، فَإِذَا خَرَجَ الْإِمَامُ حَضَرَتِ الْمَلَائِكَةُ يَسْتَمِعُونَ الذِّكْرَ» (متفق عليه).

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Ким жума куни жанобатдан қилинадиган ғусл каби ғусл қилса, сўнг (масжидга) борса, гўё бир туя қурбонлик қилгандек, иккинчи соатда келган киши сигир қурбонлик қилгандек, учинчи соатда келган киши шохдор қўчқор қурбонлик қилгандек, тўртинчи соатда келган киши товуқ қурбонлик қилгандек, бешинчи соатда келган киши бир тухум қурбонлик қилгандек (ажрга эга) бўлади. Имом (хутба учун минбарга) чиққанида малоикалар зикрга қулоқ солиш учун ҳозир бўладилар.»

عن عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «أَلَيْسَتْ هَيَيْنَ أَقْوَامٌ عَنْ وَدْعِهِمُ الْجُمُعَاتِ أَوْ لِيَخْتِمَنَّ اللَّهُ عَلَى قُلُوبِهِمْ ثُمَّ لِيَكُونَنَّ مِنَ الْغَافِلِينَ» (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Ибн Умар розияллоҳу анҳумо шундай деди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одамлар жума намозига келмасликларини тўхтатадилар ёки Аллоҳ уларнинг қалбларини муҳрлаб қўяди, сўнгра улар ғофиллардан бўлиб қолишади», дедилар.

Шарх:

Жума намозига эртароқ бориш жуманинг суннат ва одобларидан. Аллоҳ таоло жума намозига азон айтилгач, унга шошилишга буюриб, жумага эрта борганларга катта савобларни ваъда қилди. Жумага кечикиб боришга одатланиш гоҳо жумани тарк қилишга ҳам олиб боради. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жумага бормаётганларни қаттиқ огоҳлантирганлар, чунки бунинг оқибати жуда ёмон бўлиб, яхшиликка ҳечам ета олмайдиган қилиб, қалбига муҳр уриб қўйилади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Жумага эрта боришга буюрилганмиз.
- 2- Жумага эрта боришнинг фазли улуғдир.

3- Жумага бормаганларнинг оқибати ёмон бўлиб, қалбига хатм урилишига сабаб бўлади.

115 – дарс. Жума намози учун ғусл қилиш ва хушбўйланиш

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا جَاءَ أَحَدُكُمْ الْجُمُعَةَ فَلْيَغْتَسِلْ» (متفق عليه).

Ибн Умар розияллоху анхумо ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Биронтангиз жума намозига келса, ғусл қилиб олсин», дедилар.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «غُسْلُ يَوْمِ الْجُمُعَةِ وَاجِبٌ عَلَى كُلِّ مُحْتَلِمٍ» (متفق عليه).

Абу Саид ал-Худрий розияллоху анху ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Жума куни ғусл қилиш балоғатга етган ҳар бир киши учун вожибдир», дедилар.

عَنْ سَمُرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ تَوَضَّأَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ فَبِهَا وَنِعْمَتْ وَمَنْ اغْتَسَلَ فَهُوَ أَفْضَلُ» (رواه أبو داود والترمذي).

Имом Абу Довуд ва имом Термизий Самура розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ким жума куни (жума намози учун) таҳорат олса қандай ҳам яхшидир, аммо ким ғусл қилса, албатта ғусл афзалдир», дедилар.

عَنْ سَلْمَانَ الْفَارِسِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا يَغْتَسِلُ رَجُلٌ يَوْمَ الْجُمُعَةِ وَيَتَطَهَّرُ مَا اسْتَطَاعَ مِنْ طَهْرٍ وَيَدَّهِنُ مِنْ دُهْنِهِ أَوْ يَمَسُّ مِنْ طِيبِ بَيْتِهِ ثُمَّ يَخْرُجُ فَلَا يُفَرِّقُ بَيْنَ اثْنَيْنِ ثُمَّ يُصَلِّي مَا كُتِبَ لَهُ ثُمَّ يُنْصِتُ إِذَا تَكَلَّمَ الْإِمَامُ إِلَّا غُفِرَ لَهُ مَا بَيْنَهُ وَبَيْنَ الْجُمُعَةِ الْأُخْرَى (رواه البخاري).

Имом Бухорий Салмон Форсий розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Қай бир киши жума куни ғусл қилса ва имкон қадар покланса, (соч-соқолини) мойласа ёки уйдаги хушбўйликлардан ўзига суртса, сўнг (масжидга) чиқиб борса, (масжидда ёнма-ён ўтирган) икки кишининг орасидан ўт(иб, уларга озор бер)маса, сўнг насиб бўлганича (нафл) намоз ўқиса, сўнг имом гапирган пайт жим туриб қулоқ солса, унинг ўтган жума билан шу кун оралиғидаги гуноҳ сағиралари кечирилади», дедилар.

Шарх:

Жума намози узоқ-яқиндан келган мусулмонларни жамловчи намоздир. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозхонлар атрофдагиларга озор етказиб қўймаслиги учун намозга покланиб ва хушбўйланиб келишга буюрганлар. Жуда кўп ҳадислар жума куни ғусл қилишга буюриб, таъкидлаб келгани учун, аксар уламолар жума куни ғусл қилишни вожиб дейишган, лекин кучлиси бу кундаги ғусл сунна муаккада.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Жума куни жумадан аввал ғусл қилишга буюрилдик.
- 2- Жума куни баданнинг баъзи ўринларини поклаш ва хушбўйланиш мустаҳаб.

116 – дарс. Жума кунининг баъзи суннат ва одоблари

عن أبي سعيد الخدري أن النبي صلى الله عليه وسلم قال: «مَنْ قَرَأَ سُورَةَ الْكَهْفِ فِي يَوْمِ الْجُمُعَةِ أَضَاءَ لَهُ مِنَ النُّورِ مَا بَيْنَ الْجُمُعَتَيْنِ» (أخرجه البيهقي والحاكم).

Имом Байҳақий ва имом Ҳоким Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким жума куни “Каҳф” сурасини ўқиса, у учун икки жума оралиғини нур билан мунаввар қилиб туради», дедилар. (Албоний саҳиҳ деган).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُسْرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ يَتَخَطَّى رِقَابَ النَّاسِ يَوْمَ الْجُمُعَةِ وَالنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْطُبُ فَقَالَ لَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «اجْلِسْ فَقَدْ آذَيْتَ وَأَنْيَيْتَ» (رواه أبو داود والنسائي وابن ماجة).

Имом Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Буср розияллоҳу анҳу шундай дейди: Жума куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хутба қилиб турганларида бир киши масжидга кириб одамларнинг елкасидан ошиб олдинга ўта бошлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам у кишига қараб: «Ўтир, кеч қолибсан, энди одамларга озор ҳам берасанми», дедилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا قُلْتَ لِصَاحِبِكَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ أَنْصِتْ وَالْإِمَامُ يَخْطُبُ فَقَدْ لَغَوْتَ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жума куни имом хутба қилаётганида ёнингдаги шеригинга: «Жим бўл» десанг ҳам лағв (ортиқча гап) қилган бўласан», дедилар.

عَنْ أَوْسِ بْنِ أَوْسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ مِنْ أفضَلِ أَيَّامِكُمْ يَوْمَ الْجُمُعَةِ فَأَكْثِرُوا عَلَيَّ مِنَ الصَّلَاةِ فِيهِ فَإِنَّ صَلَاتَكُمْ مَعْرُوضَةٌ عَلَيَّ»، قَالَ فَقَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ

وَكَيْفَ تُعْرَضُ صَلَاتُنَا عَلَيْكَ وَقَدْ أَرَمْتَ؟ قَالَ يَقُولُونَ بَلِيَّتَ، قَالَ: «إِنَّ اللَّهَ تَبَارَكَ وَتَعَالَى حَرَّمَ عَلَى الْأَرْضِ أَجْسَادَ الْأَنْبِيَاءِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِمْ» (رواه أبو داود).

Имом Абу Довуд Авс ибн Авс розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Кунларнинг энг яхшиси жума кунидир. Бу кунда менга кўп солавоат айтинглари, чунки сизларнинг солавоатинглари менга кўндаланг қилинади», дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулаллоҳ, сиз чириб кетган бўлсангиз, сизга қандай қилиб солавоатимиз кўндаланг қилинади?», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Аллоҳ таоло ерга Пайғамбарлар жасадини ейишни ҳаром қилди», дедилар.

Шарҳ:

Жума куни “Каҳф” сурасини ўқиш ва Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга кўп саловат айтиш ушбу кунга таллуқли суннат амаллардан бўлиб, Каҳфни ўқиган кишига икки жума оралиғи мунаввар қилинса, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга солавоат айтган кишининг ҳар бир солавотига Аллоҳ ўн та раҳмат беради. Шунингдек, намозхонларга озор берадиган ёки уларни хутбани эшитишдан чалғитадиган елкаларидан ошиб ўтиш, гаплашиш, қўли билан бирон нарсани ўйнаб ўтириш каби ишлардан узоқ бўлиш ҳам жуманинг одобларидандир.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Жума намозига эрта бориш суннат.
- 2- Хутба вақтида жим туриб, хутбани эшитиш вожиб.
- 3- Жума куни “Каҳф” сурасини ўқиш суннат.
- 4- Бошқа кунларга нисбатан жума куни Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламга кўпроқ саловат айтиш суннат.

117 – дарс. Мусофир кишининг намози

Аллоҳ таоло “Нисо” сурасининг 101-оятида шундай дейди:

«وَإِذَا ضَرَبْتُمْ فِي الْأَرْضِ فَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَنْ تَقْصُرُوا مِنَ الصَّلَاةِ إِنْ خِفْتُمْ أَنْ يَفْتِنَكُمُ الَّذِينَ كَفَرُوا»

«Сафар қилиб бошқа ерларга борганингизда агар кофирлар фитнасидан қўрқсангиз, намозингизни қаср (қисқа) қилиб ўқишингизнинг гуноҳи йўқдир».

عَنْ يَعْلَى بْنِ أُمِيَّةَ قَالَ قَالَ لِعُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ إِنَّمَا قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: { لَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَنْ تَقْصُرُوا مِنَ الصَّلَاةِ إِنْ خِفْتُمْ أَنْ يَفْتِنَكُمُ الَّذِينَ كَفَرُوا } فَقَدْ أَمِنَ النَّاسُ، فَقَالَ عَجِبْتُ مِمَّا عَجِبْتَ مِنْهُ فَسَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ ذَلِكَ فَقَالَ: «صَدَقَهُ تَصَدَّقَ اللَّهُ بِهَا عَلَيْكُمْ فَاقْبَلُوا صَدَقَتَهُ» (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Яъла' ибн Умайя шундай дейди: Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан: Аллоҳ таоло: **“Кофирлар фитнасидан қўрқсангиз, намозингизни қаср (қиска) қилиб ўқишингизнинг гуноҳи йўқдир”** деган. Ҳозир одамлар тинчлик-омонликдалар-ку, (нега қаср ўқилади?) деб сўрадим. У киши: Сиз ажабланган нарсадан мен ҳам ажабланиб, шу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўраган эдим: «Бу Аллоҳ таолонинг сизларга қилган садақаси, Унинг садақасини қабул қилинглар», деб жавоб бердилар, деди.

عَنْ عَائِشَةَ أُمِّ الْمُؤْمِنِينَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: «فَرَضَ اللَّهُ الصَّلَاةَ حِينَ فَرَضَهَا رَكْعَتَيْنِ رَكْعَتَيْنِ فِي الْحَضَرِ وَالسَّفَرِ فَأُقِرَّتْ صَلَاةُ السَّفَرِ وَزِيدَ فِي صَلَاةِ الْحَضَرِ» (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда уммул муъминийн Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: «Аллоҳ намозни фарз қилган пайтда уни муқимликда ҳам, сафарда ҳам икки ракъат - икки ракъатдан фарз қилди, кейин сафар намози ўз ҳолида қолдирилиб, муқимликдаги намозга зиёда қилинди.»

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ فَرَضَ اللَّهُ الصَّلَاةَ عَلَى لِسَانِ نَبِيِّكُمْ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الْحَضَرِ أَرْبَعًا وَفِي السَّفَرِ رَكْعَتَيْنِ وَفِي الْخَوْفِ رَكْعَةً (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Аллоҳ таоло пайғамбарингиз соллаллоҳу

алайҳи ва салламнинг тиллари воситасида намозни муқимликда тўрт рақъат, сафарда икки рақъат ва хавф-хатар пайтида бир рақъат қилиб фарз қилди.

عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: خَرَجْنَا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنَ الْمَدِينَةِ إِلَى مَكَّةَ فَكَانَ يُصَلِّي رَكْعَتَيْنِ رَكْعَتَيْنِ حَتَّى رَجَعْنَا إِلَى الْمَدِينَةِ قُلْتُ أَقَمْتُمْ بِمَكَّةَ شَيْئًا قَالَ أَقَمْنَا بِهَا عَشْرًا (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Анас розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан Мадинадан Маккага сафарга чиқдик. У зот то Мадинага қайтиб келгунимизча намозларни икки рақъат икки рақъат қилиб ўқидилар. Унга (Анасга): Маккада бир мунча вақт тургандирсизлар? дейилганда: Ўн кун турдик, деб жавоб берди.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى الظُّهْرَ بِالْمَدِينَةِ أَرْبَعًا وَصَلَّى الْعَصْرَ بِذِي الْحُلَيْفَةِ رَكْعَتَيْنِ (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Анас розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пешинни Мадинада тўрт рақъат ўқидилар, асрни Зул-Хулайфада икки рақъат ўқидилар.

Шарҳ:

Аллоҳ таоло Ўзининг марҳамати ва фазлу карами билан Ислом умматига сафарда тўрт рақъатли намозларни икки рақъат қилиб ўқишга рухсат берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарларида тўрт рақъатли намозларни қаср қилиб ўқир ва икки рақъатдан зиёда қилмас эдилар, аммо уч рақъатли намозни учлигича ўқирдилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашган ҳолда намозларни сафарда қаср қилиб ўқиш суннат.

2- Сафарда намозларни қаср қилиб ўқиш тўлиқ ўқишдан афзал, чунки биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишга маъмурмиз. Зотан, дин одамларнинг ақлидан эмас, У кишининг суннатларидан олинади.

118 - дарс. Сафарда намозларни жамлаб ўқиш

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَجْمَعُ بَيْنَ صَلَاةِ الظُّهْرِ وَالْعَصْرِ إِذَا كَانَ عَلَى ظَهْرِ سَيْرٍ وَيَجْمَعُ بَيْنَ الْمَغْرِبِ وَالْعِشَاءِ (متفق عليه).

Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилган ҳадисда Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи

ва саллам йўл устида бўлсалар, пешин билан аср ўртасини, шунингдек шом билан хуфтон ўртасини жамлаб ўқирдилар.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا أَعْجَلَهُ السَّيْرُ فِي السَّفَرِ يُؤَخِّرُ صَلَاةَ الْمَغْرِبِ حَتَّى يَجْمَعَ بَيْنَهَا وَبَيْنَ الْعِشَاءِ وَيُقِيمُ الْمَغْرِبَ فَيُصَلِّيُهَا ثَلَاثًا ثُمَّ يُسَلِّمُ ثُمَّ قَلَّمَا يَلْبَثُ حَتَّى يُقِيمَ الْعِشَاءَ فَيُصَلِّيُهَا رَكَعَتَيْنِ ثُمَّ يُسَلِّمُ وَلَا يُسَبِّحُ بَيْنَهُمَا بِرَكَعَةٍ وَلَا بَعْدَ الْعِشَاءِ بِسَجْدَةٍ حَتَّى يَقُومَ مِنْ جَوْفِ اللَّيْلِ (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Ибн Умар розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрганманки, сафарда тез юраётган бўлсалар, шомни кечиктириб, хуфтон билан кўшиб ўқирдилар. Шом намозига иқома айтиб, 3 ракъат ўқирдилар, сўнг салом берардилар. Озгина турганларидан кейин хуфтонга иқома айтиб, уни 2 ракъат ўқирдилар, сўнг салом берардилар. Бу икки намоз ўртасида бирон ракъат намоз ўқимас эдилар, хуфтондан кейин ҳам то кечаси таҳажжуд намозига тургунларича бирон ракъат намоз ўқимас эдилар.

عَنْ مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ فِي غَزْوَةِ تَبُوكَ إِذَا زَاغَتِ الشَّمْسُ قَبْلَ أَنْ يَرْتَحِلَ جَمَعَ بَيْنَ الظُّهْرِ وَالْعَصْرِ وَإِنْ يَرْتَحِلُ قَبْلَ أَنْ تَزِيغَ الشَّمْسُ أَخَّرَ الظُّهْرَ حَتَّى يَنْزِلَ لِلْعَصْرِ وَفِي الْمَغْرِبِ مِثْلُ ذَلِكَ إِنْ غَابَتِ الشَّمْسُ قَبْلَ أَنْ يَرْتَحِلَ جَمَعَ بَيْنَ الْمَغْرِبِ وَالْعِشَاءِ وَإِنْ يَرْتَحِلُ قَبْلَ أَنْ تَغِيبَ الشَّمْسُ أَخَّرَ الْمَغْرِبَ حَتَّى يَنْزِلَ لِلْعِشَاءِ ثُمَّ جَمَعَ بَيْنَهُمَا (رواه أبو داود).

Имом Абу Довуд ва имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Муоз ибн Жабал шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Табук жангидаги сафарларида агар йўлга тушишларидан аввал кун қиёмидан оғса, пешин билан асрни жамлаб ўқиб олар эдилар, аммо қуёш қиёмидан оғмасидан йўлга тушган бўлсалар, аср вақти киргунича пешинни кечиктириб турар эдилар. Шомда ҳам худди шундай – яъни – агар қуёш йўлга тушишларидан аввал ботса шом билан хуфтонни жамлаб ўқиб олар эдилар, аммо қуёш ботишидан олдин йўлга тушган бўлсалар, хуфтон вақти киргунича шомни кечиктириб, кейин шом билан хуфтонни жамлаб ўқир эдилар.

Шарҳ:

Аллоҳ таоло бандаларига бўлган марҳамати ва фазлу карами ила улардан қийинчилик ва ҳаражни кўтаришни истади, сафарда тўрт ракъатли намозларни икки ракъатдан қилиб, жамлаб ўқишга изн берди. Зеро, мусофир киши йўлда бораркан, ҳар намоз пайтида маркабидан тушиши ёки кўпчилик минган умумий сайёраларда ҳайдовчини тўхтатиши иккала тараф учун ҳам ҳараж бўлиши мумкин. Шу боис мусофир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўрсатиб берганларидай, пешин билан асрни қаср қилган ҳолатда жамлаши ва қайси бирининг вақтига тўғри келса, шу вақтда ўқиб олиши мумкин. Шом билан хуфтон ҳам шундай

ўқилади, фақат бомдод намозини ўз вақтида, икки рақъат қилиб ўқийди, бомдоднинг суннاتини сафарда ҳам ўқиш суннат.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1- Сафарда пешин билан асрни, шом билан хуфтонни жамлаб ўқиш суннат.

2- Қўшиб ўқилаётган икки намозни қайси бирининг вақти мусофирга муносиб бўлса, ўша вақтда ўқиш мумкин. Бу масала “жамъу тақдим” ва “жамъу таъхир” деб номланади.

3- Бу икки намоз орасида суннат ёки нафл намозларини ўқимаслик айни суннат.

119 – дарс. Ийд намози

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا يَغْدُو يَوْمَ الْفِطْرِ حَتَّى يَأْكُلَ تَمْرَاتٍ (رواه البخاري). وفي رواية: وَيَأْكُلُهُنَّ وَثْرًا.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Анас розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Фитр (Рамазон ҳайити) куни бир нечта хурмо емагунларича (ҳайит намозига) чиқмас эдилар. Бир ривоятда: «Уларни тоқ ердилар.»

عَنْ بُرَيْدَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا يَخْرُجُ يَوْمَ الْفِطْرِ حَتَّى يَطْعَمَ وَلَا يَطْعَمُ يَوْمَ الْأَضْحَى حَتَّى يُصَلِّيَ (رواه الترمذي).

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Бурайда розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Фитр (Рамазон ҳайити) куни бирон нарса тановул қилмасдан намозга чиқмас эдилар, аммо Қурбон ҳайити куни ийд намозини ўқимагаунларича бирон нарса емас эдилар.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَبَا بَكْرٍ وَعُمَرَ كَانُوا يُصَلُّونَ الْعِيدَيْنِ قَبْلَ الْخُطْبَةِ (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумолар ийд намозларини хутбадан олдин ўқирдилар.

عَنْ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ صَلَّيْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْعِيدَيْنِ غَيْرَ مَرَّةٍ وَلَا مَرَّتَيْنِ بغيرِ أَذَانٍ وَلَا إِقَامَةٍ (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга икки ийд намозини бир эмас, икки эмас, ундан кўпроқ марта азон ва такбирсиз ўқидим.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْرُجُ يَوْمَ الْفِطْرِ وَالْأَضْحَى إِلَى الْمُصَلَّى فَأَوَّلُ شَيْءٍ يَبْدَأُ بِهِ الصَّلَاةُ ثُمَّ يَنْصَرِفُ فَيَقُومُ مُقَابِلَ النَّاسِ وَالنَّاسُ جُلُوسٌ عَلَى صُفُوفِهِمْ فَيَعِظُهُمْ وَيُوصِيهِمْ وَيَأْمُرُهُمْ (رواه البخاري).

Муттафақун алайх бўлган ҳадисда Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Фитр ва Қурбон ҳайити куни намозгоҳга чиқардилар ва биринчи қиладиган ишлари намоз ўқиш бўларди. Сўнг бурилиб, одамларга юзланган ҳолда тик турардилар, одамлар эса сафларда ўтирган ҳолда бўлишарди. Уларга ваъз-насихат ва амри маъруф қилардилар.

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки улуғ ибодат – рўза ва ҳаждан сўнг Аллоҳ таолога шукроналик белгиси сифатида ийд намози ўқишни суннат қилиб қолдирдилар. Бу икки намознинг ўзига хос аҳком ва суннатлари борки, мўмин киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга тўлиқ эргашишга муваффақ бўлиши учун уларни ўқиб-ўрганиши лозим.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Ийди рамазон куни намозга чиқишдан олдин бир неча хурмо еб олиш суннат.

2- Ийди қурбон куни то ийд намози ўқишагунча ҳеч нарса емаслик суннат.

3- Ийд намозлари учун азон ҳам, такбир ҳам айтилмайди.

120 – дарс. Кусуф (кун ва ой тутилиш) намози

عَنْ أَبِي بَكْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كُنَّا عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَنْكَسَفَتِ الشَّمْسُ فَقَامَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَجُرُّ رِدَاءَهُ حَتَّى دَخَلَ الْمَسْجِدَ فَدَخَلْنَا فَصَلَّى بِنَا رَكَعَتَيْنِ حَتَّى انْجَلَتِ الشَّمْسُ فَقَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ الشَّمْسَ وَالْقَمَرَ لَا يَنْكَسِفَانِ لِمَوْتِ أَحَدٍ فَإِذَا رَأَيْتُمُوهُمَا فَصَلُّوا وَادْعُوا حَتَّى يُكْشَفَ مَا بِيَكُمْ» (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Абу Бакра (Нофеъ ибн ал-Ҳорис) розияллоху анху шундай дейди: Биз Росулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг олдиларида эканимизда кун тутилди. Шунда Набий соллаллоху алайҳи ва саллам шошиб турдиларда, ридоларини судраганча масжидга кирдилар. Биз ҳам кирдик. То кун очилиб кетгунича биз билан икки ракъат узун намоз ўқидилар. Сўнг: «Албатта, кун ва ой бирон кишининг ўлими сабабли тутилмайди. Агар уларнинг тутилганини кўрсангизлар, то очилиб кетгунича намоз ўқингиз ва дуо қилингиз», дедилар.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّهَا قَالَتْ خَسَفَتِ الشَّمْسُ فِي عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَصَلَّى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالنَّاسِ فَقَامَ فَأَطَالَ الْقِيَامَ ثُمَّ رَكَعَ فَأَطَالَ الرُّكُوعَ ثُمَّ قَامَ فَأَطَالَ الْقِيَامَ وَهُوَ دُونَ الْقِيَامِ الْأَوَّلِ ثُمَّ رَكَعَ فَأَطَالَ الرُّكُوعَ وَهُوَ دُونَ الرُّكُوعِ الْأَوَّلِ ثُمَّ سَجَدَ فَأَطَالَ السُّجُودَ ثُمَّ فَعَلَ فِي الرَّكَعَةِ الثَّانِيَةِ مِثْلَ مَا فَعَلَ فِي الْأُولَى ثُمَّ انْصَرَفَ وَقَدْ انْجَلَتِ الشَّمْسُ

فَخَطَبَ النَّاسَ فَحَمِدَ اللَّهَ وَأَثْنَى عَلَيْهِ ثُمَّ قَالَ إِنَّ الشَّمْسَ وَالْقَمَرَ آيَاتَانِ مِنْ آيَاتِ اللَّهِ لَا يَخْسِفَانِ لِمَوْتِ أَحَدٍ وَلَا لِحَيَاتِهِ فَإِذَا رَأَيْتُمْ ذَلِكَ فَادْعُوا اللَّهَ وَكَبِّرُوا وَصَلُّوا وَتَصَدَّقُوا ثُمَّ قَالَ يَا أُمَّةَ مُحَمَّدٍ وَاللَّهِ مَا مِنْ أَحَدٍ أَغْيَرُ مِنْ اللَّهِ أَنْ يَزْنِيَ عَبْدُهُ أَوْ تَزْنِيَ أُمَّتُهُ يَا أُمَّةَ مُحَمَّدٍ وَاللَّهِ لَوْ تَعْلَمُونَ مَا أَعْلَمُ لَضَحِكْتُمْ قَلِيلًا وَلَبَكَيْتُمْ كَثِيرًا (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларида кун тутилди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамлар билан намоз ўқидилар. Қиёмда турдилар, қиёмда узоқ турдилар. Сўнг рукуъ қилиб, рукуъда ҳам узоқ турдилар. Сўнг қиёмга қайтиб, узоқ қиёмда турдилар ва бу аввалги қиёмларидан қисқароқ бўлди. Сўнг рукуъ қилиб, рукуъда узоқ турдилар ва бу аввалги рукуъларидан қисқароқ бўлди. Сўнг сажда қилиб, саждаларида узоқ турдилар. Сўнг иккинчи ракъатда ҳам худди биринчи ракъатдагидек қилдилар. Сўнгра намозларини тугатдилар, бу пайтда кун очилиб бўлганди. Кейин одамларга ваъз қилдилар, ваъзда Аллоҳга ҳамду сано айтиб, сўнг шундай дедилар: «Албатта, кун ва ой Аллоҳнинг оят-аломатларидан иккисидир. Улар бировнинг ўлиши ё туғилиши сабабли тутилмайди. Агар улардан бирининг тутилганини кўрсангизлар, Аллоҳга дуо қилинг, такбир айтинг, намоз ўқинг ва садақа қилинг!» Кейин айтдилар: «Эй уммати Муҳаммад! Аллоҳга қасамки, қулининг ёки чўрисининг зино қилишига Аллоҳдан кўра ғаюрроқ бирон кимса

йўқдир! Эй уммати Муҳаммад! Аллоҳга қасамки, мен билган нарсани билганингизда, кам кулиб, кўп йиғлаган бўлар эдингиз!»

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ لَمَّا كَسَفَتِ الشَّمْسُ عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نُودِيَ "إِنَّ الصَّلَاةَ جَامِعَةٌ" (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида қуёш тутилганда: «Ассолату жаамиъа» (Жамоат намози!) деб нидо қилинган эди.

Шарҳ:

Қуёш ва ой тутилиши Аллоҳ таолонинг бандаларини кўрқитадиган, қиёматни ёдларига соладиган оят-аломатлардан биридир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай ҳолатда тезлик билан зикр, истиғфор, Аллоҳ таолога илтижо, тазарруъ ва намозга киришар эдилар. Бу ҳолатда то кун ёки ой очилиб кетгунича давом этардилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Қуёш ёки ой тутилган вақтда намоз ўқиш суннатдир.
- 2- Қуёш ёки ой тутилганда «Ассолату жаамиъа» деб нидо қилинади.
- 3- Қусуф намозининг сурати: намоз икки узун ракъат бўлиб, ҳар бир ракъатда икки рукуъ сўнгра икки сажда бўлади.

4- Намоздан кейин имом одамларга ваъз қилади.

121 – дарс. Жума хутбасида ёмғир тилаб дуо қилиш

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَجُلًا دَخَلَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ مِنْ بَابِ كَانَ وَجَاءَ الْمِنْبَرَ وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَائِمٌ يَخْطُبُ فَاسْتَقْبَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَائِمًا فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ هَلَكْتَ الْمَوَاشِي وَانْقَطَعَتِ السُّبُلُ فَادْعُ اللَّهَ يُغَيِّثَنَا، قَالَ فَرَفَعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَدَيْهِ فَقَالَ اللَّهُمَّ اسْقِنَا اللَّهُمَّ اسْقِنَا، قَالَ أَنَسُ وَلَا وَاللَّهِ مَا نَرَى فِي السَّمَاءِ مِنْ سَحَابٍ وَلَا قَرَعَةً وَلَا شَيْئًا وَمَا بَيْنَنَا وَبَيْنَ سَلْعٍ مِنْ بَيْتٍ وَلَا دَارٍ قَالَ فَطَلَعَتْ مِنْ وَرَائِهِ سَحَابَةٌ مِثْلُ الثُّرْسِ فَلَمَّا تَوَسَّطَتْ السَّمَاءَ انْتَشَرَتْ ثُمَّ أَمْطَرَتْ قَالَ وَاللَّهِ مَا رَأَيْنَا الشَّمْسَ سِتًّا ثُمَّ دَخَلَ رَجُلٌ مِنْ ذَلِكَ الْبَابِ فِي الْجُمُعَةِ الْمُقْبِلَةِ وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَائِمٌ يَخْطُبُ فَاسْتَقْبَلَهُ قَائِمًا فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ هَلَكْتَ الْأَمْوَالُ وَانْقَطَعَتِ السُّبُلُ فَادْعُ اللَّهَ يُمَسِّكُهَا قَالَ فَرَفَعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَدَيْهِ ثُمَّ قَالَ اللَّهُمَّ حَوَالَيْنَا وَلَا عَلَيْنَا اللَّهُمَّ عَلَى الْأَكَامِ وَالْجِبَالِ وَالْأَجَامِ وَالظَّرَابِ وَالْأَوْدِيَةِ وَمَنَابِتِ الشَّجَرِ قَالَ فَانْقَطَعَتْ وَخَرَجْنَا نَمْشِي فِي الشَّمْسِ (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Анас розияллоҳу анҳу шундай дейди: Жума куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хутба қилиб турганларида бир киши минбар рўбарўсидаги эшикдан масжидга кириб келди ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рўпараларида туриб: «Ё Расулуллоҳ, моллар ҳалок бўлди, йўллар кесилиб қолди, Аллоҳ таолога дуо қилинг, бизларга ёмғир берсин, деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларини кўтариб: «Эй Аллоҳ, бизга ёмғир ёғдир, Эй Аллоҳ,

бизга ёмғир ёғдир, Эй Аллоҳ, бизга ёмғир ёғдир», дедилар. Анас розияллоҳу анҳу айтади: Аллоҳга қасамки, осмонда на бир парча булут, на бошқа бирон нарса бор эди. Силь тоғи билан Мадина орасида на бир уй, на бир ҳовли бор эди. Силь тоғи орқасидан қалқончалик бир булут чиқиб келди, осмоннинг ўртасига келганда ёйилди. Сўнгра ёмғир ёғди. Аллоҳ таолога қасамки, шу бўйи олти кун қуёш кўрмадик. Сўнг келгуси жума Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хутбада турганларида бир киши худди ўша эшикдан кириб келиб, у зотнинг рўпараларида туриб: «Ё Расулуллоҳ, моллар ҳалок бўлди, йўллар узилиб қолди, Аллоҳ таолога дуо қилинг, ёмғирни тўхтатсин», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларини кўтардилар, сўнг: «Эй Аллоҳ, атрофларимизга (ёғдиргайсан), устимизга эмас. Эй Аллоҳ, қир-адирларга, тоғларга, чакалакзорларга, водийларнинг ичларига ва ўрмонларга (ёғдиргайсан)» деб дуо қилдилар. Шундан сўнг ёмғир тўхтади ва биз қуёш нурлари остида кетдик.

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида қурғоқчилик бўлган экан шунда бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жума куни хутба қилиб турганларида Аллоҳ таолодан ёмғир тилаб дуо қилишларини сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дуо қилишлари билан ёмғир ёға бошлади ва у бир ҳафта тўхтовсиз давом этди. Шундан сўнг

одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан Аллоҳ таолога дуо қилиб ёмғирни тўхтатишини сўрашларини илтимос қилишди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбарлик мўъжизаларидан бири намоён бўлди.

2- Жума хутбасида турганда ёмғир сўраб дуо қилиш жоиздир.

3- Агар кўп ёмғир ёғиб, одамлар зарарланадиган бўлса, ёмғирни тўхтатишни сўраб дуо қилиш жоиз.

122 – дарс. Истиксо намози

عن عبد الله بن زيد رضي الله عنه قال قال خراج النبي صلى الله عليه وسلم يستسقي فتوجه إلى القبلة يدعو وحول رداءه ثم صلى ركعتين جهراً فيهما بالقراءة (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Зайд розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёмғир сўрагани чиқдилар. Шунда қиблага юзланиб дуо қилдилар, кийимларининг ҳолатини ўзгартирдилар (яъни, Аллоҳ уларнинг аҳволларини ўгартишини умид қилиб кийимларини

чаппасига қилиб кийдилар,) сўнгра қироатини жаҳрий қилиб, икки рақъат намоз ўқидилар.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: شَكَا النَّاسُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قُحُوطَ الْمَطَرِ فَأَمَرَ بِمِنْبَرٍ فَوُضِعَ لَهُ فِي الْمُصَلَّى وَوَعَدَ النَّاسَ يَوْمًا يَخْرُجُونَ فِيهِ قَالَتْ عَائِشَةُ فَخَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حِينَ بَدَأَ حَاجِبُ الشَّمْسِ فَقَعَدَ عَلَى الْمِنْبَرِ فَكَبَّرَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَحَمِدَ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ ثُمَّ قَالَ: «إِنَّكُمْ شَكَوْتُمْ جَدَبَ دِيَارِكُمْ وَاسْتِخَارَ الْمَطَرِ عَنْ إِبَّانِ زَمَانِهِ عَنْكُمْ وَقَدْ أَمَرَكُمُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ أَنْ تَدْعُوهُ وَوَعَدَكُمْ أَنْ يَسْتَجِيبَ لَكُمْ» ثُمَّ قَالَ: «{الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ مَلِكِ يَوْمِ الدِّينِ} لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ يَفْعَلُ مَا يُرِيدُ اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ الْغَنِيُّ وَنَحْنُ الْفُقَرَاءُ أَنْزَلَ عَلَيْنَا الْغَيْثَ وَاجْعَلْ مَا أَنْزَلْتَ لَنَا قُوَّةً وَبَلَاغًا إِلَى حِينٍ» ثُمَّ رَفَعَ يَدَيْهِ فَلَمْ يَزَلْ فِي الرَّفْعِ حَتَّى بَدَأَ بِيَاضِ إِبْطَيْهِ ثُمَّ حَوَّلَ إِلَى النَّاسِ ظَهْرَهُ وَقَلَبَ أَوْ حَوَّلَ رِداءَهُ وَهُوَ رَافِعُ يَدَيْهِ ثُمَّ أَقْبَلَ عَلَى النَّاسِ وَنَزَلَ فَصَلَّى رَكَعَتَيْنِ فَأَنْشَأَ اللَّهُ سَحَابَةً فَرَعَدَتْ وَبَرَقتُ ثُمَّ أَمْطَرَتْ بِإِذْنِ اللَّهِ فَلَمَّ يَأْتِ مَسْجِدَهُ حَتَّى سَأَلَتْ السُّيُُُولُ فَلَمَّا رَأَى سُرْعَتَهُمْ إِلَى الْكِنِّ ضَحِكَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَتَّى بَدَتْ نَوَاجِدُهُ فَقَالَ أَشْهَدُ أَنَّ اللَّهَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ وَأَنِّي عَبْدُ اللَّهِ وَرَسُولُهُ (رواه أبو داود).

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга қаҳатчиликдан шикоят қилишди. У зот намозгоҳга (Мадина ташқарисидаги ҳайит намози ўқиладиган ялангликка) минбар ўрнатишга буюрдилар, минбар ўрнатилди. Одамларни у ерга чиқишлари учун бир кунни белгиладилар. Оиша розияллоҳу анҳо айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуёш эндигина чиқа бошлаган пайт чиқиб бордилар. Минбарга

Ўтирдилар, сўнг Аллоҳ таолога такбир ва ҳамду сано айтдилар, сўнгра: «Сизлар менга ёмғир ўз вақтида ёлмаганлигидан ва қурғоқчиликдан шикоят қилдингизлар. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло сизларни ўзига дуо қилишга буюрган ва қилган дуоларингизни ижобат қилишни ваъда берган» дедилар. Сўнгра: «Ҳамду сано бутун оламлар ҳожаси, меҳрибон ва раҳмли, жазо (қиёмат) кунининг эгаси – подшоҳи бўлмиш ёлғиз Аллоҳ учундир. Аллоҳдан бошқа ибодатга ҳақли зот йўқдир. Аллоҳ хоҳлаган нарсасини қилади. Эй Аллоҳ, ўзингдан бошқа ибодатга ҳақли илоҳ йўқ ва Сен бошқалардан беҳожатсан, биз эса ҳожатманд, муҳтож бандаларингмиз. Бизларга ёмғир ёғдир ва ёғдирганинг ёмғирни бизларга маълум муддатгача қувват ва дармон қилгин», дедилар. Сўнгра қўлларини баланд кўтариб дуо қилиб турдилар, ҳатто қўлтиқларининг оқи кўринди. Кейин одамларга орқаларини қилиб қибла тарафга томон бурилдилар, устларидаги ридоларини ўгирдилар ёки чаппасига қилиб кийиб, қўлларини кўтариб дуо қилдилар. Сўнгра одамларга юзландилар ва минбардан тушиб икки ракъат намоз ўқидилар. Аллоҳ таоло бир булутни пайдо қилди, момақалдироқ гумбурлаб, чакмоқ чақиб, Аллоҳнинг изни билан ёмғир ёғди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидларига етиб улгурмасларидан ҳамма ёқ сел бўлиб оқди. Одамларнинг паналарга шошаётганларини кўриб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кулдилар, ҳатто тишлари кўринди, кейин: «Аллоҳ таоло

ҳамма нарсага қодир ва Мен Аллоҳнинг бандаси ва элчисиман деб гувоҳлик бераман», дедилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ خَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمًا يَسْتَسْقِي فَصَلَّى بِنَا رُكْعَتَيْنِ بِلَا أَدَانٍ وَلَا إِقَامَةٍ ثُمَّ خَطَبَنَا وَدَعَا اللَّهَ وَحَوْلَ وَجْهَهُ نَحْوَ الْقِبْلَةِ رَافِعًا يَدَيْهِ ثُمَّ قَلَبَ رِدَاءَهُ فَجَعَلَ الْأَيْمَنَ عَلَى الْأَيْسَرِ وَالْأَيْسَرَ عَلَى الْأَيْمَنِ (رواه ابن ماجه).

Имом Ибн Можа ривоят қилган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни ёмғир сўраб (намозгоҳга) чиқдилар. Биз билан икки рақъат азон ва такбирсиз намоз ўқидилар. Сўнгра бизга хутба қилдилар ва Аллоҳ таолога дуолар қилдилар. Қўлларини кўтарган ҳолда юзларини қибла томонга ўгириб, кийимларини ўнгини чапга, чапини ўнгга қилиб айлантирдилар.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ مُتَبَدِّلًا مُتَوَاضِعًا مُتَضَرِّعًا (رواه الترمذي).

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам истисқо намозига ҳокисор, тавозуъ ва тазарруъ қилган ҳолларида чиқдилар.

Шарх:

Агар ёмғир ёғиши кечикса ёки ерда қурғоқчилик тарқалса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмонлар хорланган, тавозуъ ва тазарруъ билан юриб ялангликка чиқиб, Аллоҳ таолодан ёмғир сўраб намоз ўқишлари лозимлигини таълим берганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Ёмғир сўраб, хутба билан икки ракъат намоз ўқиш суннат.
- 2- Намоздан кейин кийимнинг ҳолатини ўзгартириш ҳам суннат.
- 3- Намоздан аввал ёки кейин хутба қилиш жоиз.
- 4- Эҳтиёжини Аллоҳ таолога ҳокисорлик ва тазарруъ билан изҳор қилиш суннат.

123 – дарс. Ёмғирга тааллуқли аҳкомлар

عَنْ زَيْدِ بْنِ خَالِدِ الْجُهَنِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ صَلَّى لَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَاةَ الصُّبْحِ بِالْحَدِيثِيَّةِ عَلَى إِثْرِ سَمَاءٍ كَانَتْ مِنَ اللَّيْلَةِ فَلَمَّا انْصَرَفَ أَقْبَلَ عَلَى النَّاسِ فَقَالَ هَلْ تَدْرُونَ مَاذَا قَالَ رَبُّكُمْ قَالُوا اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ قَالَ أَصْبَحَ مِنْ عِبَادِي مُؤْمِنٌ بِي وَكَافِرٌ فَأَمَّا مَنْ قَالَ مُطِرْنَا بِفَضْلِ اللَّهِ وَرَحْمَتِهِ فَذَلِكَ مُؤْمِنٌ بِي وَكَافِرٌ بِالْكَوْكَبِ وَأَمَّا مَنْ قَالَ بِنُوءٍ كَذَا وَكَذَا فَذَلِكَ كَافِرٌ بِي وَمُؤْمِنٌ بِالْكَوْكَبِ (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Зайд ибн Холид ал-Жуханий розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳудайбийяда ёмғир ёғиб ўтган тундан сўнг биз

билан бомдод намозини ўқидилар. Намозни тугатгач, одамларга юзланиб: «Роббингиз нима деганини биласизларми?» дедилар. Улар: «Аллоҳ ва Расули билувчироқ», дейишди. Ул зот: «Роббингиз: Бандаларимдан баъзилари мўмин бўлиб, баъзилари кофир бўлиб тонг отгирди. Кимки: «Аллоҳнинг фазли ва раҳмати билан бизга ёмғир ёғди», деган бўлса, у Менга иймон келтирган ва юлдузга кофир бўлган кишидир. Аммо, кимки: «Фалон, фалон юлдузлар сабабли ёмғир ёғди», деган бўлса, у юлдузга иймон келтирган ва Менга кофир бўлган кишидир, деди», дедилар.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا رَأَى الْمَطَرَ قَالَ:
«اللَّهُمَّ صَيِّبًا نَافِعًا» (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам агар ёмғирни кўрсалар “Аллоҳумма соййибан нафиъан” (Эй Аллоҳим, фойдали ёмғир қилгайсан), дер эдилар.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مِفْتَاحُ الْغَيْبِ
خَمْسٌ لَا يَعْلَمُهَا إِلَّا اللَّهُ لَا يَعْلَمُ أَحَدٌ مَا يَكُونُ فِي غَدٍ وَلَا يَعْلَمُ أَحَدٌ مَا يَكُونُ فِي الْأَرْحَامِ وَلَا تَعْلَمُ
نَفْسٌ مَآذَا تَكْسِبُ غَدًا وَمَا تَدْرِي نَفْسٌ بِأَيِّ أَرْضٍ تَمُوتُ وَمَا يَدْرِي أَحَدٌ مَتَى يَجِيءُ الْمَطَرُ»
(رواه البخاري).

Имом Бухорий Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Ғайб калитлари бешта, уларни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди: 1) Ҳеч ким эртага нима бўлишини билмайди; 2) Ҳеч ким қоринлардаги (ҳомила)нинг нима бўлишини билмайди; 3) Ҳеч бир жон эртага нима қилишини билмайди; 4) Ҳеч бир жон қаерда ўлишини билмайди; 5) Ҳеч ким ёмғир қачон ёғишини билмайди».

Шарҳ:

Ёмғир – Аллоҳ таолонинг хоҳлаган бандаларига инъом қилиб берадиган неъмат ва фазлу марҳаматидир. Бу неъматни Аллоҳ таолодан бошқасига нисбатлаб: фалон юлдуз чиққани ёки фалон фасл киргани учун ёмғир ёғди, дейишлик куфрони неъматдир. Зотан, бу неъматнинг фазлини Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзига нисбатламоқ лозим. Юлдузларнинг чиқиши ва фаслларнинг алмашиши Аллоҳ таоло жорий қилиб, унда хоҳлаган бандаларини бундай неъматлар билан ризқлантириб турадиган вақтлар холос. Агар маълум юлдуз ва фасллар сабаблигина ёмғир ёғадиган бўлганида, улар кўринган ё келган пайтда ер юзида бу неъмат билан озиқланмаган бирон киши қолмаган бўлар эди. Лекин воқеъда бундай эмас, керакли юлдуз ва фасллар бор бўлишига қарамай ёмғир ўз вақтидан кечикиши, баъзан ёғиб, баъзан

бутунлай ёғмаслик ҳоллари кўп кузатилади. Бинобарин, ёмғир ёғиш вақтини ёлғиз Аллоҳ таолонинг ўзигина билади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- “Фалон материк ёки фалон юлдуз сабабли бизга ёмғир ёғди” дейишлик жоиз эмас, балки “Аллоҳ таолонинг фазлу карами, раҳмати сабабли ёмғир ёғди” дейилади.

2- Ёмғирни кўрган вақтда “соййибан нафиъан” - яъни, Эй Аллоҳим, фойдали ёмғир қилгайсан, дейиш суннат.

3- Ёмғирнинг қайси соатда, қайси равишда ёғиши Аллоҳ таолодан бошқаси билмайдиган ғайб илмларидандир.

124 – дарс. Истихора намози

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُعَلِّمُنَا
الِاسْتِخَارَةَ فِي الْأُمُورِ كُلِّهَا كَمَا يُعَلِّمُنَا السُّورَةَ مِنَ الْقُرْآنِ يَقُولُ إِذَا هَمَّ أَحَدُكُمْ بِالْأَمْرِ فَلْيَرْكَعْ
رَكَعَتَيْنِ مِنْ غَيْرِ الْفَرِيضَةِ ثُمَّ لِيَقُلْ: «اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْتَخِيرُكَ بِعِلْمِكَ وَأَسْتَقْدِرُكَ بِقُدْرَتِكَ وَأَسْأَلُكَ مِنْ
فَضْلِكَ الْعَظِيمِ فَإِنَّكَ تَقْدِرُ وَلَا أَقْدِرُ وَتَعْلَمُ وَلَا أَعْلَمُ وَأَنْتَ عَلَامُ الْغُيُوبِ اللَّهُمَّ إِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا
الْأَمْرَ خَيْرٌ لِي فِي دِينِي وَمَعَاشِي وَعَاقِبَةِ أَمْرِي - أَوْ قَالَ عَاجِلِ أَمْرِي وَآجِلِهِ - فَاقْدُرْهُ لِي وَيَسِّرْهُ
لِي ثُمَّ بَارِكْ لِي فِيهِ وَإِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا الْأَمْرَ شَرٌّ لِي فِي دِينِي وَمَعَاشِي وَعَاقِبَةِ أَمْرِي - أَوْ
قَالَ فِي عَاجِلِ أَمْرِي وَآجِلِهِ - فَاصْرِفْهُ عَنِّي وَاصْرِفْنِي عَنْهُ وَاقْدِرْ لِي الْخَيْرَ حَيْثُ كَانَ ثُمَّ
أَرْضِنِي { قَالَ وَيُسَمَّى حَاجَتَهُ» (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Жобир розияллоху анху шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бизларга

ҳамма ишларда истихора қилишни худди Қуръондан бир сурани ўргатгандек ўргатардилар. Айтардиларки: Бирортангиз бир ишни қасд қилса, фарз намозидан бошқа икки рақъат намоз ўқисин, сўнг ушбу дуони ўқиб, ортидан ҳожатини айтсин:

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْتَخِيرُكَ بِعِلْمِكَ وَأَسْتَقْدِرُكَ بِقُدْرَتِكَ وَأَسْأَلُكَ مِنْ فَضْلِكَ الْعَظِيمِ فَإِنَّكَ تَقْدِرُ وَلَا أَقْدِرُ وَتَعْلَمُ وَلَا أَعْلَمُ وَأَنْتَ عَلَامُ الْغُيُوبِ اللَّهُمَّ إِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا الْأَمْرَ خَيْرٌ لِي فِي دِينِي وَمَعَاشِي وَعَاقِبَةِ أُمْرِي (أَوْ قَالَ: عَاجِلِ أَمْرِي وَآجِلِهِ) فَأَقْدِرْهُ لِي وَيَسِّرْهُ لِي ثُمَّ بَارِكْ لِي فِيهِ وَإِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا الْأَمْرَ شَرٌّ لِي فِي دِينِي وَمَعَاشِي وَعَاقِبَةِ أُمْرِي (أَوْ قَالَ: فِي عَاجِلِ أَمْرِي وَآجِلِهِ) فَاصْرِفْهُ عَنِّي وَاصْرِفْنِي عَنْهُ وَاقْدِرْ لِي الْخَيْرَ حَيْثُ كَانَ ثُمَّ رَضِّنِي بِهِ

“Аллоҳумма инний астахийрука би-илмика ва астақдирука би-қудратик ва асълука мин фазликал-азийм, фаиннака таъламу вала аъламу, ва анта аллаамул ғуйуб, Аллоҳумма ин кунта таъламу анна ҳазал амра хойрун лий фи дийний ва маъаший ва (ақибати амрий) ёки (та-а-жилиҳи ва а-а-жилиҳ) фақдурҳу лий ва яссирҳу лий, ва ин кунта таъламу анна ҳазал амра шаррун лий фи дийний ва маъаший ва (а-а-қибати амрий) ёки (та-а-жилиҳи ва а-а-жилиҳ) фасрифҳу анний васрифний анҳу вақдур лиял-хойро ҳайсу кана сумма роззиний бих”.

(Маъноси: Парвардигоро! Мен Сенинг илминг билан Сендан истихора этаман (яхшилиқни сўрайман). Сенинг қудратинг билан Сендан қодирлиқ тилайман. Сендан улуғ фазлинг билан сўрайман. Сен қодирсан, мен қодир эмасман. Сен ҳамма нарсани билувчисан, мен билувчи эмасман. Сен ғайбларни-да билувчидирсан.

Парвардигоро, агар мана шу ишни (ҳожатининг номини айтади) мен учун динимда, ҳаётимда ва ишимнинг оқибатида -ёки тезида ва келажагида - яхши эканлигини билсанг, мени унга қодир эт ва уни менга осон қил. Сўнг уни менга баракотли этгин. Агар бу ишни мен учун динимда, ҳаётимда ва ишимнинг оқибатида - ёки тезида ва келажагида - ёмон эканлигини билсанг, уни мендан ва мени ундан бургин. Қаерда бўлса ҳам менга яхшиликни насиб этгин. Сўнг мени бу яхшилик билан рози қилгин.)

Шарҳ:

Инсон ҳар қандай қиладиган ишининг оқибати нима бўлишини билмайди. Шундай экан аҳамиятли ҳар қандай ишни қилишдан аввал, мақсад қилган ишининг яхшилигини тилаб Аллоҳга истихора намози ўқиш суннат. Истихора намози икки ракъат нафл намоз бўлиб, Аллоҳ таолодан мақсад қилган ишида дунё ва охирати учун яхши, фойдали бўлган томонига йўллашини сўралади. Ана ундан кейин иккиланиш ва тараддудни ташлаб, қалби хотиржам ва рози бўлган ҳолатда Аллоҳ таоло тақдирига ёзган нарсага қараб ишига киришади. Агар Аллоҳ унга яхшиликни ёзган бўлса, иши юришиб кетади. Мабодо ишининг юришмаётганини кўрса, Аллоҳга ҳамд айтиб, бу ишидан тўхтайтиди. Иши юришмаганига афсус надомат қилмайди, балки Аллоҳдан яхшиликни бошқа, Ўзи билган томондан беришига умид боғлайди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Ҳар бир аҳамиятга молик ишларда истихора намозини ўқиш суннат.

2- Истихора намозини иккиланиб қолинган ҳар қандай ишдан аввал ўқиш мумкин.

Бир пой оёқ кийимда юришдан қайтарганлари:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «قَالَ لَا يَمْشِ أَحَدُكُمْ فِي نَعْلٍ وَاحِدَةٍ لِيُنْعِلَهُمَا جَمِيعًا أَوْ لِيَخْلَعَهُمَا جَمِيعًا» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биронтангиз бир пой оёқ кийимда юрмасин, ё иккаласини ҳам кийсин ё иккаласини ҳам ечиб қўйсин», дедилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا انْقَطَعَ شِسْعُ (نَعْلٍ) أَحَدِكُمْ فَلَا يَمْشِ فِي الْأُخْرَى حَتَّى يُصْلِحَهَا» (رواه مسلم).

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар биронтангиз оёқ кийимининг боғичи узилса, уни тўғрилаб олмагунича иккинчи пойининг ўзи билан юрмасин», деганлар.

Азоб тушган диёрларга киришни тақиқлаганлари:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَمَّا مَرَّ بِالْحَجْرِ (أَي مَدَائِنِ صَالِحٍ) قَالَ: لَا تَدْخُلُوا مَسَاكِنَ الَّذِينَ ظَلَمُوا أَنْفُسَهُمْ إِلَّا أَنْ تَكُونُوا بَاكِينَ أَنْ يُصِيبَكُمْ مَا أَصَابَهُمْ» ثُمَّ تَقَنَّعَ بِرِدَائِهِ وَهُوَ عَلَى الرَّحْلِ (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Ибн Умар розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (Солиҳ алайҳис-саломнинг диёри бўлган) Ҳижрдан ўтганларида: «Ўзларига зулм қилган қавмлар диёрига фақат йиғлаган ҳолатдагина киришлар, токи уларга етган азоб сизларга ҳам етиб қолмасин» деб, маркаблари устида турган ҳолда чопонлари билан юзларини ўраб олдилар.

Олов билан азоблашдан таъқиқлаганлари:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ النَّارَ لَا يُعَذَّبُ بِهَا إِلَّا اللَّهُ» (رواه البخاري).

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Олов билан фақат Аллоҳ таоло азоблайди», дедилар.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا تُعَذَّبُوا بِعَذَابِ اللَّهِ» (رواه البخاري).

Имом Бухорий Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳнинг азоби (яъни, ўтда куйдириш) билан азобламанглар», дедилар.

Шарҳ:

Шариатимиз бизларни айрим ишлардан қайтарганки, бунинг ҳикмати ва манфаатларидан баъзисини биламиз, кўпини

билмаймиз. Бироқ мусулмон киши бунинг остида бўлган ҳикматини билгани учун эмас, балки Аллоҳ ва Расулига бўйсунгани учун бу тақиқларга амал қилади. Зеро, шариатда бирон буйруқ ёки қайтариш келган бўлса дарҳол бўйсуниб, чунки Аллоҳ таоло Ахзоб сурасининг 36-оятида шундай дейди: «Аллоҳ ва унинг Пайғамбари бир ишни ҳукм қилган-буюрган вақтида бирон мўъмин ва мўъмина учун (Аллоҳнинг ҳукмини қўйиб) ўз ишларидан ихтиёр қилиш жоиз эмасдир. Ким Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига осий бўлса, бас у очик йўлдан озибди».

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

- 1- Бир пой оёқ кийим билан юриш макруҳ.
- 2- Солиҳ алайҳис-саломнинг диёрига ўхшаш азоб тушган диёрларга кириш мумкин эмас, аммо шундай ўриндан ўтиш зарур бўлиб қолса, ибрат олган ҳолда, йиғлаб ўтилади.
- 3- Олов билан азоблаб бўлмайди.

126 – дарс. Болалар тарбиясига оид пайғамбарлик йўлланмалари

Отанинг фарзандлари устидаги масъулияти ва уларга бепарво бўлиб қолмаслигининг лозимлиги

Аллоҳ таоло “Таҳрим” сурасининг 6-оятида шундай дейди:

«يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا قُوا أَنْفُسَكُمْ وَأَهْلِيكُمْ نَارًا وَقُودُهَا النَّاسُ وَالْحِجَارَةُ»

«Эй мўминлар, сизлар ўзларингизни ва аҳли оилаларингизни ўтини одамлар ва тошлар бўлган дўзахдан сақлангиз».

“Тағобун” сурасининг 15-оятида эса:

«إِنَّمَا أَمْوَالُكُمْ وَأَوْلَادُكُمْ فِتْنَةٌ»

«Сизларнинг мол-мулкларингиз ва бола чақаларингиз фақат бир фитна – имтиҳондир, холос».

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «كُلُّكُمْ رَاعٍ وَكُلُّكُمْ مَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ الْإِمَامُ رَاعٍ وَمَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ وَالرَّجُلُ رَاعٍ فِي أَهْلِهِ وَهُوَ مَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ وَالْمَرْأَةُ رَاعِيَةٌ فِي بَيْتِ زَوْجِهَا وَمَسْئُولَةٌ عَنْ رَعِيَّتِهَا وَالْخَادِمُ رَاعٍ فِي مَالِ سَيِّدِهِ وَمَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ وَكُلُّكُمْ رَاعٍ وَمَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ» (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Ибн Умар розияллоҳу анҳумо айтади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Ҳар бирингиз роъий (раҳбар) ва ҳар

бирингиз ўз раиятингиздан масъулсиз. Имом раҳбар ва у ўз раиятидан масъулдир. Эркак киши ўзининг оиласида раҳбар ва у ўз раиятидан масъулдир. Аёл киши эрининг уйида раҳбар ва у ўз раиятидан масъулдир. Хизматчи хожасининг мол-мулкида раҳбар ва у ўз раиятидан масъулдир. Ҳар бирингиз раҳбар ва ҳар бирингиз ўз раиятингиздан масъулсиз.»

عَنْ مَعْقِلِ بْنِ يَسَارٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : «مَا مِنْ عَبْدٍ يَسْتُرُ عَلَيْهِ اللَّهُ رَعِيَّةً يَمُوتُ يَوْمَ يَمُوتُ وَهُوَ غَائِبٌ لِرَعِيَّتِهِ إِلَّا حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ» (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Маъқил ибн Ясор розияллоҳу анҳу айтади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деяётганларини эшитдим: «Аллоҳ таоло қайси бандани бир жамоатга раҳбар қилса-ю, лекин бу киши жамоатига хиёнат қилиб ўлса, Аллоҳ таоло унга жаннатни ҳаром қилади.»

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : «إِذَا مَاتَ الْإِنْسَانُ انْقَطَعَ عَنْهُ عَمَلُهُ إِلَّا مِنْ ثَلَاثَةٍ إِلَّا مِنْ صَدَقَةٍ جَارِيَةٍ أَوْ عِلْمٍ يُنْتَفَعُ بِهِ أَوْ وَالدِّ صَالِحٍ يَدْعُو لَهُ» (رواه مسلم).

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Инсон вафот этса, унинг барча амаллари тўхтайдди, фақат учта амалидан (савоб

етиб туради): Садакаи жория ёки фойдаланиб туриладиган илм ёки унга дуо қилиб турадиган солих фарзанддан», дедилар.

Шарх:

Фарзандлар ва уларнинг тарбияси оталар бўйнига юклатилган катта омонат бўлиб, улар ҳақида оталар қиёматда жавобгар бўладилар. Шунинг учун ҳам фарзандларини Аллоҳ таоло хоҳлагандай тарбиялаб, парваришлаш оталарнинг асосий вазифаси бўлмоғи керак. Фақатгина едириб-ичириш, кийинтириш билан кифояланиб, уларнинг тарбиясидан бепарво қолиш дунёда надомат ва пушаймонликка сабаб бўлса, охиратда эса бу буюк омонатни зое қилган оталарнинг оғир азобларга гирифтор бўлишларига сабабдир.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1- Фарзандлар оталар қўлидаги омонат бўлиб, уларнинг тарбияси ҳақида охиратда сўраладилар.

2- Фарзандлар тарбиясига бепарво бўлиш дунё ва охиратда надоматга сабаб бўлади.

3- Фарзандларни яхши тарбиялаб, солих инсон қилиб етиштириш оталарнинг дунё ва охиратларига манфаатлидир.

Уларга ширинсуханлик ва меҳрибонлик билан муомала

Қилиш

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَحْسَنَ النَّاسِ خُلُقًا وَكَانَ لِي أَخٌ يُقَالُ لَهُ أَبُو عُمَيْرٍ قَالَ أَحْسِبُهُ قَالَ كَانَ فَطِيمًا قَالَ إِذَا جَاءَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَرَأَاهُ قَالَ: «أَبَا عُمَيْرٍ مَا فَعَلَ النُّغَيْرُ» (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Анас розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларнинг энг гўзал ахлоқлиси эдилар. Менинг Абу Умайр деган эндигина эсини таний бошлаган кичкина укам бор эди. (Унинг “Нуғайр” деган бир қушчаси бор эди, ўлиб қолди.) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизникига келганларида уни кўриб қолсалар: «Эй Абу Умайр, не бўлди Нуғайр,» деб эркалатиб қўяр эдилар.

عَنْ بُرَيْدَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ خَطَبَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَقْبَلَ الْحَسَنُ وَالْحُسَيْنُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَلَيْهِمَا قَمِيصَانِ أَحْمَرَانِ يَعْثُرَانِ وَيَقُومَانِ فَنَزَلَ فَأَخَذَهُمَا فَصَعِدَ بِهِمَا الْمِنْبَرَ ثُمَّ قَالَ: «صَدَقَ اللَّهُ {إِنَّمَا أَمْوَالُكُمْ وَأَوْلَادُكُمْ فِتْنَةٌ} رَأَيْتُ هَذَيْنِ فَلَمْ أَصْبِرْ» ثُمَّ أَخَذَ فِي الْخُطْبَةِ (رواه أبو داود).

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Бурайда розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга хутба қилиб турган эдилар. Неваралари Ҳасан ва Ҳусайн розияллоҳу анҳумо қизил кўйлак кийишиб олган ҳолда қоқилиб-

туриб, қоқилиб-туриб, чиқиб келдилар. Шунда Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам минбардан тушдилар-да, уларни кўтариб олиб яна минбарга чиқдилар, сўнг: Аллоҳ таоло: «Сизларнинг мол-мулкларингиз ва бола чақаларингиз фақат бир фитна – имтиҳондир, холос» деб тўғри айтади. Мен буларни кўриб сабр қилолмадим», дедилар-да, сўнг яна хутбада давом этдилар.

Уларнинг ҳурматларини жойига қўйиш ва ёш бола бўлсалар-да, ҳақларини бериш

عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أُتِيَ بِشَرَابٍ فَشَرِبَ مِنْهُ وَعَنْ يَمِينِهِ غُلامٌ وَعَنْ يَسَارِهِ الْأَشْيَاحُ فَقَالَ لِلْغُلامِ: «أَتَأذُنُ لِي أَنْ أُعْطِيَ هَؤُلَاءِ» فَقَالَ الْغُلامُ: وَاللَّهِ يَا رَسُولَ اللَّهِ لَا أُؤْتِرُ بِنَصِيبِي مِنْكَ أَحَدًا، قَالَ فَتَلَّهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي يَدِهِ (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва салламга ичимлик келтирилди. Ундан ичдилар. Ўнг ёнларида ёш бола, чап ёнларида катта ёшли саҳобалар бор эди. Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам болага қараб: «Уларга беришимга изн берасанми?», дедилар. Бола: «Ё Расулаллох, Аллоҳга қасамки, сиздан кейинги навбатимни бирон кишига беролмайман», деди. Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васаллам ичимликни унинг қўлига тутқаздилар.

Шарҳ:

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёш болалар билан қилган муомалалари бизлар учун ўрнақдир. Зотан биз ҳам фарзандларимизга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларнинг фарзандларига қилган муомалани қилмоғимиз керак. Юқорида зикр қилинган ҳадисларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам болаларга ниҳоятда меҳрибон бўлганликлари яққол кўриниб турибди, ҳатто муҳим бўлган ваъзни бўлиб бўлса ҳам, Ҳасан ва Ҳусайн розияллоҳу анҳумони кўтариб олдилар. Болаларга ҳеч жаҳл қилмас эдилар, балки уларни эркалатиб, чиройли йўл билан тарбиялаб, ҳақларини берар эдилар. Бу муомалалар эса болаларнинг қалбида меҳр ва муҳаббатни пайдо қилар эди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Катталарнинг ёш болалар қалбига шодлик олиб кирувчи эркалатишлари динимизда марғуб ишлардан.

2- Кўпчилик олдида бўлса-да, болаларга меҳрибонлик изҳор қилиб, қалбларига шодлик киритилади.

3- Ёш болалар иззат-икром қилиниб, ҳақлари берилади, ёш бола-да, деб эътиборсиз қўйилмайди.

128 – дарс. Болалар тарбияси (2)

Болаларга ёлғон гапирмаслик

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَامِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ دَعَتْنِي أُمِّي يَوْمًا وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَاعِدٌ فِي بَيْتِنَا فَقَالَتْ هَا تَعَالَ أُعْطِيكَ فَقَالَ لَهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «وَمَا أَرَدْتِ أَنْ تُعْطِيَهُ» قَالَتْ أُعْطِيهِ تَمْرًا فَقَالَ لَهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَمَا إِنَّكَ لَوْ لَمْ تُعْطِهِ شَيْئًا كُتِبَتْ عَلَيْكَ كَذِبَةٌ» (رواه أبو داود).

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Омир розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизнинг уйимизда ўтирган эдилар, онам мени чақириб:

- Ҳой, буёққа кел, сенга бир нарса бераман - деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам онамга:

- Унга нима бермоқчи эдингиз? - дедилар.

- Хурмо бермоқчи эдим - деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

- Билиб қўйинг, агар ҳеч нарса бермаганингизда сизга битта ёлғон ёзилар эди», - дедилар.

Мубоҳ бўлган ўйинларга рухсат бериш

Аллоҳ таоло Юсуф сурасида Юсуф алайҳис-салом акалари ҳақида шундай дейди:

«أَرْسِلُهُ مَعَنَا غَدًا يَرْتَعُ وَيَلْعَبُ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ»

«Уни эртага биз билан айланишга юборгин, ўйнаб ёзилиб келсин».

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ لَقَدْ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمًا عَلَى بَابِ حُجْرَتِي وَالْحَبَشَةُ يَلْعَبُونَ فِي الْمَسْجِدِ وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَسْتُرُنِي بِرِدَائِهِ أَنْظُرُ إِلَى لَعِبِهِمْ (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Бир куни ҳабашлар масжидда ўйнашаётган эди, Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳужрам эшиги ёнида туриб, уларнинг ўйинларини томоша қилишим учун мени ридолари билан тўсиб турдилар.

عَنْ الرَّبِيعِ بِنْتِ مُعَوِّذٍ قَالَتْ... فَكُنَّا نَصُومُهُ بَعْدَ ، وَنُصَوِّمُ صِبْيَانَنَا، وَنَجْعَلُ لَهُمُ اللَّعْبَةَ مِنَ الْعِهْنِ، فَإِذَا بَكَى أَحَدُهُمْ عَلَى الطَّعَامِ أُعْطِينَاهُ ذَلِكَ، حَتَّى يَكُونَ عِنْدَ الْإِفْطَارِ (رواه البخاري ومسلم).

Рубайийиъ бинти Муаввиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади у (Ошуро рўзаси ҳақида гапира туриб) деди: Биз кейин ҳам у куннинг рўзасини тутардик, болаларимизга ҳам туттирардик, биз уларга жундан ўйинчоқ ясардик, улардан биронтаси “овқат” деб йиғласа, ўша ўйинчоқни унга берардик то ифтор бўлгунча у ўйинчоқ билан овуниб турарди. (Бухорий ва Муслим ривояти)

Шарх:

Фарзандларни тарбиялашда энг катта йўлланма уларга ўзимиз яхши ўрнак бўлмоғимиздир, зеро халқимиз “Қуш уясида

кўрганини қилади” деб бекорга айтмаган. Масалан, агар фарзандимизни ростгўйликка ўргатмоқчи бўлсак, аввало ўзимиз уларга ёлғон гапирмаслигимиз керак. Шунингдек ёш боланинг табиатида ўйинқароқлик бўлгани ва ҳали жиддийликка ўрганмагани учун ота-онанинг мувожабаси остида мувожаб ўйинлардан ҳам ўйнаб туришга рухсат бериш керак.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Ёш болаларга ёлғон гапиришлик уларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатади.

2- Болаларга чегарадан чиқмаган ҳолда мувожаб ўйинларни ўйнашларига рухсат бериш.

129 – дарс. Болалар тарбияси (3)

Болаларга таълим бериш, йўл-йўриқ кўрсатиб, панд-насихат қилиш

Аллоҳ таоло Луқмон сурасининг 13 ва 16,17 оятларида шундай дейди:

«Эсланг, Лукмон ўғлига панд-насихат қилар экан, деган эди: “Эй ўғилчам, Аллоҳга ширк келтирмагин, чунки ширк келтириш катта зулмдир.”

«Эй ўғилчам, шак-шубҳа йўқки, агар хардал (ўсимлигининг) уруғидек (бир зарра яхши ёки ёмон амал қилинадиган) бўлса, бас у (амал) бирон харсанг тош ичида ё осмонларда ёки ер остида бўлса, ўшани-да Аллоҳ келтирур. Зеро Аллоҳ сергак ва огоҳдир. Эй ўғилчам, намозни тўқис адо эт, яхшиликка буюр ва ёмонликдан қайтар ҳамда ўзингга етган (балоларга) сабр-қил! Албатта мана шу ишларнинг мақсадга мувофиғидир.»

عن عبد الله بن عمرو رضي الله عنهما قال: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مُرُوا أَوْلَادَكُمْ بِالصَّلَاةِ وَهُمْ أَبْنَاءُ سَبْعِ سِنِينَ وَاضْرِبُوهُمْ عَلَيْهَا وَهُمْ أَبْنَاءُ عَشْرِ وَفَرَّقُوا بَيْنَهُمْ فِي الْمَضَاجِعِ (رواه أبو داود).

Имом Абу Довуд Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Болаларингизни етти ёшида намозга буюринглар, ўн ёшида намозга бепарволик қилса уринглар ва (ўғил-қизларнинг) ётоқ жойларини ажратиб қўйинглар», дедилар.

عن أبي هريرة رضي الله عنه قال: أَخَذَ الْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ تَمْرَةً مِنْ تَمْرِ الصَّدَقَةِ فَجَعَلَهَا فِي فِيهِ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «كَيْفَ كَيْفُ أَرْمَ بِهَا أَمَا عَلِمْتَ أَنَّا لَا نَأْكُلُ الصَّدَقَةَ» (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу шундай дейди: Ҳасан ибн Алий садақот хурмосидан бир дона олиб оғзига солди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қих-қих, ташла, билмайсанми, ахир биз (Пайғамбар оиласи) садақот емаймиз», дедилар.

عَنْ عُمَرَ بْنِ أَبِي سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ كُنْتُ فِي حَجْرٍ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَكَانَتْ يَدِي تَطْيِشُ فِي الصَّخْفَةِ فَقَالَ لِي: «يَا غُلَامُ سَمَّ اللَّهُ وَكُلَّ بَيْمِينِكَ وَكُلَّ مِمَّا يَلِيكَ» (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Умар ибн Аби Салама розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қарамоқлари остидаги ёш бола эдим. Овқат еганда қўлим товоқ устида кезиб юрар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Эй болам, “Бисмиллаҳ” дегин, ўнг қўлинг билан егин, ўз олдингдан егин», дедилар.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ كُنْتُ خَلْفَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمًا فَقَالَ: «يَا غُلَامُ إِنِّي أَعْلَمُكَ كَلِمَاتٍ أَحْفَظِ اللَّهُ يَحْفَظُكَ أَحْفَظِ اللَّهُ تَجِدَهُ تُجَاهَكَ إِذَا سَأَلْتَ فَاسْأَلِ اللَّهَ وَإِذَا اسْتَعْنْتَ فَاسْتَعِنْ بِاللَّهِ وَاعْلَمْ أَنَّ الْأُمَّةَ لَوِ اجْتَمَعَتْ عَلَى أَنْ يَنْفَعُوكَ بِشَيْءٍ لَمْ يَنْفَعُوكَ إِلَّا بِشَيْءٍ قَدْ كَتَبَهُ اللَّهُ لَكَ وَلَوْ اجْتَمَعُوا عَلَى أَنْ يَضُرُّوكَ بِشَيْءٍ لَمْ يَضُرُّوكَ إِلَّا بِشَيْءٍ قَدْ كَتَبَهُ اللَّهُ عَلَيْكَ رُفِعَتْ الْأَقْلَامُ وَجَفَّتِ الصُّحُفُ» (رواه الترمذي).

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам орқасида мингашиб, кетаётган эдим, менга: «Эй бола, мен сенга баъзи калималарни ўргатаман: Аллоҳни ёдда тут, Аллоҳ сени ёдида тутади. Аллоҳни ёдингда тут, У зотни рўпарангда топасан.

Агар сўрасанг ёлғиз Аллоҳнинг ўзидан сўра. Мадад сўрасанг ёлғиз Аллоҳнинг ўзидан мадад сўра. Билгинки, агар ер юзидаги ҳамма одам жамланиб сенга бирон фойда етказмоқчи бўлишса, Аллоҳ сенинг тақдирингга ёзган нарсадан ортиқ фойда етказа олишмайди. Агар уларнинг ҳаммаси жамланиб сенга бирон зарар етказмоқчи бўлишса, Аллоҳ сенинг тақдирингга ёзган нарсадан ортиқ зарар етказа олишмайди. Тақдир қаламлари кўтарилиб, саҳифалар қуригандир», дедилар.

Шарҳ:

Бугунги кунда кўп ота-оналар бепарво ёки гофил бўлиб қолган ишлардан бири болаларга панд-насихат ва таълим беришдир. Панд-насихат бола бирон хато ишни қилиб қўйгандагина берилмайди, балки ҳар ўринда мақомига, ёшига муносиб қилиб, таълим берилаверади. Болаларни “ҳали бу кичкина, тушунмайди” деб ташлаб қўйиш динимиз йўлланмаларидан эмас. Бунинг мисоли юқоридаги ҳадислардан иккисидан ўтди; бирида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам гўдак бўлишига қарамасдан Ҳасан ибн Алийни садақа хурмосини емоқдан қайтардилар, иккинчисидан ёш бола бўлишига қарамасдан Ибн Аббосга муҳим ишларни таълим бердилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Болаларга гарчи кичкина бўлсалар-да, панд-насихат қилинади.

2- Болалар тарбиясида уларнинг ёши ўзгаришига қараб тарбия услубини ўзгартириб борилади.

130 – дарс. Болалар тарбияси (4)

Фарзандлар орасида адолат қилиш вожиблиги

Аллоҳ таоло “Нахл” сурасининг 90-оятида шундай дейди:

«Албатта, Аллоҳ адолатга ва чиройли амал қилишга буюради».

عَنْ النُّعْمَانِ بْنِ بَشِيرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ تَصَدَّقَ عَلَيَّ أَبِي بِبَعْضِ مَالِهِ فَقَالَتْ أُمِّي عَمْرَةَ بِنْتُ رَوَاحَةَ لَا أَرْضَى حَتَّى تُشْهَدَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَانْطَلَقَ أَبِي إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِيُشْهَدَهُ عَلَى صَدَقَتِي فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَفَعَلْتَ هَذَا بِوَالِدِكَ كُلُّهُمْ» قَالَ لَا قَالَ: «اتَّقُوا اللَّهَ وَاعْدِلُوا فِي أَوْلَادِكُمْ» فَرَجَعَ أَبِي فَرَدَّ تِلْكَ الصَّدَقَةَ (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Нўъмон ибн Башир розияллоҳу анҳу шундай дейди: Отам молининг бир қисмини менга садақа қилди. Шунда онам: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни бунга гувоҳ қилмагунингизча рози бўлмайман», деди. Отам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни менга берган молига гувоҳ қилиш учун у зот ҳузурларига борди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳамма фарзандларингизга шундай қилдингизми?» дедилар. Отам: «Йўқ», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳдан қўрқинглар ва фарзандларингиз орасида адолат қилинглар», дедилар. Отам қайтиб келиб, берган молини қайтариб олди.

وفي رواية: "إني لا أشهد على جور".

Бир ривоятда: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен зулмга гувоҳ бўлмайман», дедилар.

وفي رواية: قال: "أيسرك أن يكونوا إليك في البر سواء؟ قال: بلى، قال: فلا إذا".

Бошқа бир ривоятда: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизга фарзандларингиз бир хилда яхшилик қилишини хоҳлайсизми?» дедилар. Отам: «Албатта хоҳлайман» деди. «Ундай бўлса, сиз ҳам бир хил муомала қилинг» дедилар.

Шарх:

Динимиз ҳамма нарсада адолат қилишга буюрган. Фарзандлар орасида адолат қилмаслик улар ўртасида ўзаро адоват ва нафрат туғилишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам фарзандлар орасида адолат қилиш жуда катта аҳамиятга эга. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фарзандлар орасида адолат қилмасликни зулм деб атадилар ва ё ҳаммаларига бир хилда беришга ё молни қайтариб олишга буюрдилар. Бундай йўлланмани олган саҳобалар – Аллоҳ улардан рози бўлсин – фарзандлари орасида адолат қилишга шундай қаттиқ аҳамият беришар эдики, ҳатто битта фарзандини ўпиб қўйса, қолганларини ҳам ўпар эдилар.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

- 1- Ҳамма ишда одиллик қилиш вожиб.
- 2- Фарзандларнинг баъзисига бирон нарса бериб, бошқаларига бермаслик жоиз эмас.

3- Эҳтиёжга қараб бирига бошқасига олиб бермаган нарсани олиб бериш мумкин.

131 – дарс. Қиз болаларга яхши муомала қилиш ва уларни чиройли тарбия қилишнинг фазилати

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ جَاءَتْنِي امْرَأَةٌ وَمَعَهَا ابْنَتَانِ لَهَا فَسَأَلْتَنِي فَلَمْ تَجِدْ عِنْدِي شَيْئًا غَيْرَ تَمْرَةٍ وَاحِدَةٍ فَأَعْطَيْتُهَا إِيَّاهَا فَأَخَذَتْهَا فَقَسَمَتْهَا بَيْنَ ابْنَتَيْهَا وَلَمْ تَأْكُلْ مِنْهَا شَيْئًا ثُمَّ قَامَتْ فَخَرَجَتْ وَابْنَتَاهَا فَدَخَلَ عَلَيَّ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَحَدَّثَنِي حَدِيثَهَا فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ ابْتُلِيَ مِنَ الْبَنَاتِ بِشَيْءٍ فَأَحْسَنَ إِلَيْهِنَّ كُنَّ لَهُ سِتْرًا مِنَ النَّارِ» (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Бир хотин икки қизи билан менинг олдимга тиланиб кирди. Мен битта хурмодан бошқа ҳеч нарса топмадим. Хурмони аёлга берган эдим, уни олиб, иккига бўлди-да, икки қизига берди, ўзи ундан тотиб ҳам қўймади. Сўнгра туриб чиқиб кетишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳужрамга кирганларида бўлган воқеани айтиб бердим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимга қиз фарзандлар берилган бўлса, у уларни чиройли тарбия қилса, улар унга жаҳаннамдан парда бўлишади», дедилар.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ عَالَ جَارِيَتَيْنِ حَتَّى تَبْلُغَا جَاءَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَنَا وَهُوَ وَضَمَّ أَصَابِعَهُ» (رواه مسلم).

Имом Муслим Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким икки қизни вояга етгунча яхшилаб тарбияласа, қиёмат куни мен билан бирга туради», деб бармоқларини бир-бирига бирлаштирдилар.

Шарх:

Қиз бола заифа бўлиб, ўзи мустақил ҳаётини қуриб кетишга қодир бўлмай, доим уни паноҳига оладиган кишига муҳтож бўлади. Қизларни паст санаб, камситиш жоҳилият аломатларидан бўлгани учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қиз болаларни чиройли тарбиялашга ва яхши муомала қилишга тарғиб қилдилар ва бунинг учун катта мукофотларни ваъда қилдилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Қарамоғидаги қизларни Ислом асосида гўзал тарбия қилиш кишининг жаннатга киришига сабаб бўлади.

2- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қизларга яхши муомалада бўлишга тарғиб қилдилар.

132 – дарс. Етимларни кафолатга олиш ва уларга меҳрибонлик қилиш фазли

Аллоҳ таоло “Зуҳо” сурасининг 9-оятида шундай дейди: «**Бас, энди Сиз ҳам етимларга қаҳр қилманг**».

“Инсон” сурасининг 8-оятида етимларни суюб, таом берганларни мақтаб шундай дейди: «**Ва таомни суюб-хоҳлаб турсалар-да, (ўзлари емасдан) мискин, етим ва асирларни таомлантирурлар**».

عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَنَا وَكَافِلُ الْيَتِيمِ فِي الْجَنَّةِ هَكَذَا وَأَشَارَ بِالسَّبَابَةِ وَالْوَسْطَى وَفَرَجَ بَيْنَهُمَا شَيْئًا» (رواه البخاري).

Имом Бухорий Саҳл ибн Саъд розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Мен ва етимнинг кафили жаннатда мана шундай турамин» деб, кўрсаткич ва ўрта бармоқларини бир-бирига тегар даражада бирлаштириб, ишора қилдилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «كَافِلُ الْيَتِيمِ لَهُ أَوْ لِغَيْرِهِ أَنَا وَهُوَ كَهَاتَيْنِ فِي الْجَنَّةِ» وَأَشَارَ مَالِكٌ بِالسَّبَّابَةِ وَالْوَسْطَى (رواه مسلم).

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Хоҳ ўзига, хоҳ бошқага қарашли етимни кафолатига олган одам мен билан жаннатда мана бундай туради», дедилар. Ровий шундай деб, кўрсаткич ва ўрта бармоғига ишора қилди.

Шарх:

Балоғат ёшига етишдан аввал отаси вафот этган бола етим дейлади. Навниҳол ёшида белига қувват, йўлига ҳамроҳ ва мушқулига ечим бўладиган қаровчисини йўқотган болага кафил бўлиб, тарбиялаб, меҳр-мурувватини кўрсатган кишига Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам катта мартабаларни ваъда қилдилар.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

- 1- Етимларни кафолатига олиш ажру мукофотли амал.
- 2- Етимни кафолатига олиш жаннатга киришга ва жаннатда олий даражаларга етишга сабаб бўлади.

3- Бу мукофотга етимга кафил бўлган ҳамма - ҳоҳ қариндош бўлсин, ҳоҳ бегона бўлсин - эришади.

133 – дарс. Етимларнинг молларини еювчилар ҳақида

Аллоҳ таоло “Нисо” сурасини 10-оятда шундай дейди:

«Етимларнинг молларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар ҳеч шак-шубҳасиз қоринларига олов еган бўлурлар. Ва албатта дўзахга киражаклар».

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «اجْتَنِبُوا السَّبْعَ الْمُؤْبَقَاتِ قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ وَمَا هُنَّ قَالَ الشِّرْكَ بِإِلَهٍ وَالسَّحْرُ وَقَتْلُ النَّفْسِ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ وَأَكْلُ الرِّبَا وَأَكْلُ مَالِ الْيَتِيمِ وَالتَّوَلَّى يَوْمَ الزَّحْفِ وَقَذْفُ الْمُحْصَنَاتِ الْمُؤْمِنَاتِ الْغَافِلَاتِ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Еттита ҳалок қилувчи (катта гуноҳлар)дан сақланинглари», дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулаллоҳ, улар нималар», деб сўрашди. «Улар: Аллоҳга ширк келтириш, сеҳр, Аллоҳ таоло (ўлдиришни) ҳаром қилган жонни ноҳақ ўлдириш, судхўрлик, етимнинг молини ейиш, жангда орқага қочиш ва гуноҳ-маъсиятлардан пок бўлган мўъмина аёлларни бузук деб тухмат қилиш», дедилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «اللَّهُمَّ إِنِّي أُحَرِّجُ حَقَّ الضَّعِيفِينَ الْيَتِيمِ وَالْمَرْأَةِ» (رواه ابن ماجه).

Имом Ибн Можа Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулаллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Парвардигоро, (Ўзинг гувоҳсан,) мен икки заифнинг – етим ва аёлнинг ҳаққини (зое қилишдан) қаттиқ огоҳлантираман», дедилар.

Шарх:

Шариатимиз етимнинг – балоғат ёшига етмасидан отасидан айрилган норасиданинг ҳақларига тажовуз қилишни қаттиқ қоралаган, Аллоҳ таоло бундай кимсаларни жаҳаннамга киритиш билан кўрқитган. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам етимлар молини ейишни ҳалок қилувчи катта гуноҳлардан», деганлар.

Бизнинг юртларда фарзанд етим бўлган кундан бошлаб, унинг молини ейиш бошланади, бу отасининг таъзия маросимларидан бошланиб, унинг меросига тажовуз қилиш ва бошқа ишларда давом этади. Аллоҳ таоло ҳаммамизни етимнинг молини ейишдан ва ҳаққини поймол қилишдан сақласин.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Етимларнинг молини ноҳақ еганларга қаттиқ вайидлар ворид бўлган.
- 2- Етимларнинг молини ейиш ҳалок қилувчи катта гуноҳлардан.

134 - дарс Сафар одоблари ва суннатлари (1)

عَنْ كَعْبِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ يَوْمَ الْخَمِيسِ فِي غَزْوَةِ تَبُوكَ وَكَانَ يُحِبُّ أَنْ يَخْرُجَ يَوْمَ الْخَمِيسِ (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Каъб ибн Молик розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Табук жангига пайшанба куни йўлга чиқдилар. Сафарга пайшанба куни чиқишни яхши кўрар эдилар.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَوْ يَعْلَمُ النَّاسُ مَا فِي الْوَحْدَةِ مَا أَعْلَمَ مَا سَارَ رَاكِبٌ بِلَيْلٍ وَحْدَهُ» (رواه البخاري).

Имом Бухорий Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар одамлар ёлғизликда бўладиган нохушликлардан мен билган нарсани билганларида эди, бирон киши кечаси ёлғиз (сафарда) юрмаган бўлар эди», дедилар.

عن عبد الله بن عمرو رضي الله عنهما: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الرَّكِبُ شَيْطَانٌ وَالرَّكِبَانِ شَيْطَانَانِ وَالثَّلَاثَةُ رَكْبٌ» (رواه الترمذي).

Имом Абу Довуд ва имом Термизий Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ёлғиз мусофир битта шайтон, икки мусофир икки шайтон бўлади. Учта одам (ҳамсафар бўлса) жамоъат бўлади», дедилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا كَانَ ثَلَاثَةٌ فِي سَفَرٍ فَلْيُؤَمِّرُوا أَحَدَهُمْ» (رواه أبو داود).

Имом Абу Довуд Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Агар уч киши сафарда бўлса, ичларидан биттасини бошлиқ қилиб олсинлар», дедилар.

Шарх:

Сафарнинг Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ўргатган ўзига хос одоб ва суннатлари бор. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам пайшанба куни сафар қилишни яхши кўрар эдилар ва ёлғиз сафарга чиқишдан қайтариб, сафарга ҳамроҳ билан чиқишга буюрганлар. Агар жамоат бўлиб сафарга чиқилса ихтилофлардан узоқ бўлиш ва ҳамманинг гапи бир жойдан чиқиши учун ўзларига ораларидан бир кишини бошлиқ қилиб олишга буюрар эдилар. Юқоридаги «Ёлғиз мусофир битта шайтон, икки мусофир икки шайтон бўлади.» ҳақида ҳадис шарҳловчилар турли фикрларни билдирганлар, жумладан “сафарга учдан кам одам чиқишидан қайтарилди, қайтариқни қилган одам шайтонга итоат қилган бўлади. Ким унга итоат қилса гўёки у ҳам шайтондир. Баъзи ривоятларда шайтон бир ёки икки кишига бемалол ҳамла қила олади улар уч киши бўлиб қолишса бундай қила олмайди.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

- 1- Сафарга пайшанба куни чиқиш мустаҳаб.
- 2- Ёлғиз сафар қилишдан қайтарилган.
- 3- Сафарда жамоат ичидан бир кишини бошлиқ қилишга буюрилган.

135 – дарс. Сафар одоблари ва суннатлари (2)

Сафарга отланганда ва қайтганда айтиладиган дуолар

عن ابنِ عُمَرَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا: أَنَّ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا اسْتَوَى عَلَى بَعِيرِهِ خَارِجًا إِلَى سَفَرٍ كَبَّرَ ثَلَاثًا ثُمَّ قَالَ: «سُبْحَانَ الَّذِي سَخَّرَ لَنَا هَذَا وَمَا كُنَّا لَهُ مُقْرِنِينَ وَإِنَّا إِلَى رَبِّنَا لَمُنْقَلِبُونَ، اللَّهُمَّ إِنَّا نَسْأَلُكَ فِي سَفَرِنَا هَذَا الْبِرَّ وَالتَّقْوَى وَمِنَ الْعَمَلِ مَا تَرْضَى، اللَّهُمَّ هَوِّنْ عَلَيْنَا سَفَرَنَا هَذَا وَاطْوِ عَنَّا بُعْدَهُ، اللَّهُمَّ أَنْتَ الصَّاحِبُ فِي السَّفَرِ وَالْخَلِيفَةُ فِي الْأَهْلِ، اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ وَعْثَاءِ السَّفَرِ وَكَآبَةِ الْمَنْظَرِ وَسُوءِ الْمُنْقَلَبِ فِي الْمَالِ وَالْأَهْلِ» وَإِذَا رَجَعَ قَالَ هُنَّ وَزَادَ فِيهِنَّ «أَيُّونَ تَأْيِبُونَ عَابِدُونَ لِرَبِّنَا حَامِدُونَ» (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Ибн Умар розияллоху анҳумо шундай дейди: Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам агар сафарга чиқсалар туяларига мингач, уч марта “Аллоҳу Акбар” деб, кейин: “Субҳанал-лазий сахҳара лана ҳаза ва ма кунна лаҳу мукринийн ва инна’ ила Роббина ламунқолибун, Аллоҳумма инна’ насъалука фии сафарина ҳаза ал-бирра ват-таква ва минал-амали ма’ тарзо, Аллоҳумма ҳаввин алайна’ сафарана ҳаза ватви анна буъдах, Аллоҳумма антас-соҳибу фис-сафар вал-халифату фил-аҳл,

Аллоҳумма инний абузу бика мин ваъсааис-сафар ва каабатил-манзар ва суил-мунқалаб фил-мали вал-аҳли вал-валад”, дер эдилар.

(Маъноси: Аллоҳ буюкдир! Аллоҳ буюкдир! Аллоҳ буюкдир! “Бизларга бу (маркаб)ни бўйсундириб қўйган зот (яъни Аллоҳ барча айбу-нуқсонлардан) покдир. Бизлар ўзимиз бунга қодир эмас эдик. Шак-шубҳасиз, бизлар (барчамиз) Парвардигоримизга қайтгувчидирмиз.” (Зухруф сураси 13-оят.) Эй Аллоҳ, биз Сендан ушбу сафаримизда яхшилик-хайрни, тақвони ва Сен рози бўладиган амалларни сўраймиз. Парвардигоро, бизга бу сафаримизни енгил қил, унинг узоқлигини яқин қилгин. Илоҳо, сафардаги йўлдош ҳам, хонадондаги ўринбосар-халифа ҳам Ўзингдирсан. Эй Аллоҳим, мен Сендан сафар машаққатларидан, қайғули-ёмон кўринишлардан ҳамда мол-мулк ва оилага етадиган зиёну заҳматдан паноҳ сўрайман.)

Агар сафардан кайтсалар юқорида зикр қилинган дуони ўқир ва:

“Айибуна таибуна абидууна ли-роббина ҳамидууна”ни қўшиб қўяр эдилар.

(Маъноси: Биз сафаримиздан қайтувчи, тавба қилувчи, Раббимизга сиғинувчи ҳамда У зотга ҳамду санолар айтувчилармиз.)

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ إِذَا صَعِدْنَا كَبَّرْنَا وَإِذَا نَزَلْنَا سَبَّحْنَا (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Жобир розияллоҳу анҳу шундай дейди: Сафарда агар бирон тепаликка кўтарилсак такбир айтар эдик, агар пастликка тушсак тасбеҳ айтар эдик.

عَنْ خَوْلَةَ بِنْتِ حَكِيمِ السُّلَمِيَّةِ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «مَنْ نَزَلَ مَنْزِلًا ثُمَّ قَالَ أَعُوذُ بِكَلِمَاتِ اللَّهِ التَّامَّاتِ مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ لَمْ يَضُرَّهُ شَيْءٌ حَتَّى يَرْتَجِلَ مِنْ مَنْزِلِهِ ذَلِكَ» (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Хавла бинти Ҳаким розияллоҳу анҳо айтади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Ким бирон манзилга тушганида: {أَعُوذُ بِكَلِمَاتِ اللَّهِ التَّامَّاتِ} {مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ} (яъни: яратган нарсаларининг ёмонлигидан Аллоҳнинг мукаммал калималари билан паноҳланаман) деса, то шу манзилдан кетгунча унга ҳеч нарса зарар етказолмайди» деганларини эшитганман.

Шарҳ:

Инсон аҳли, моли, ватани ва биродарларидан ажралиб сафар қилган вақтида ўзи билан сафарда ҳам, муқим турганида ҳам бирга бўладиган Аллоҳ таолога кўпроқ илтижо қилишга муҳтож бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарга чиқишларида, сафардан қайтишларида, қасд қилган манзилга етганларида, сафар чоғида агар тепаликка чиқсалар ёки

пастликка тушсалар, бирон ўринда дам олсалар, бу ўринларнинг ҳаммасида ўзига хос дуолар қилар эдилар. Демак, мўмин киши суннатга эргашиб ва сафариди турли бало-қазолардан сақланиб, саломат қайтиб келиши учун бу дуоларни ўз ўрнида ўқиб юрмоғи керак.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Сафарга чиқишда ва қайтишда ўқиладииган дуоларни қилиш суннат.

2- Сафарда юрганда тасбеҳ ва такбир айтиш суннат.

3- { أَعُوذُ بِكَلِمَاتِ اللَّهِ التَّامَّاتِ مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ } инсонни ҳамма ёмонликдан - Аллоҳнинг изни билан - сақлайди.

136 - дарс Сафар одоблари ва суннатлари (3)

Аёл киши маҳрамсиз сафар қилиши жоиз эмаслиги

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا يَحِلُّ لَامْرَأَةٍ تُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ تُسَافِرُ مَسِيرَةَ يَوْمٍ وَلَيْلَةٍ إِلَّا مَعَ ذِي مَحْرَمٍ عَلَيْهَا» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳга ва охиратга иймони бор аёл бир кеча-кундузлик масофага маҳрамсиз сафар қилиши ҳалол бўлмайди», дедилар.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْطُبُ يَقُولُ: «لَا يَخْلُونَ رَجُلٌ بِامْرَأَةٍ إِلَّا وَمَعَهَا ذُو مَحْرَمٍ وَلَا تُسَافِرِ الْمَرْأَةُ إِلَّا مَعَ ذِي مَحْرَمٍ»، فَقَامَ رَجُلٌ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ امْرَأَتِي خَرَجَتْ حَاجَةً وَإِنِّي اكْتَتَبْتُ فِي غَزْوَةٍ كَذَا وَكَذَا قَالَ: «انْطَلِقْ فَحُجَّ مَعَ امْرَأَتِكَ» (متفق عليه).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бирон бир эркак бегона аёл билан унинг маҳрами бўлмаган ҳолда ёлғиз-холи қолмасин. Аёл киши маҳрамсиз сафар қилмасин», дедилар. Шунда бир киши туриб: «Ё Расулуллоҳ, менинг аёлим ҳаж учун йўлга чиқди, мен эса фалон жангга чиқишга ёзилиб қўйган эдим», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Боргин, аёлинг билан бирга ҳаж қилгин», дедилар.

Сафардан қайтиб шаҳарга етганда энг аввал масжидга кириш

عَنْ كَعْبِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا قَدِمَ مِنْ سَفَرٍ بَدَأَ بِالْمَسْجِدِ فَيَرْكَعُ فِيهِ رَكَعَتَيْنِ (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Каъб ибн Молик розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам агар сафардан қайтсалар, энг аввал масжидга кириб икки ракъат намоз ўқир эдилар.

Шарҳ:

Сафар хусусида бепарво бўлмаслик лозим бўлган масалардан бири – аёл кишининг маҳрамсиз сафар қилмаслигидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёл кишини ёлғиз, маҳрамсиз сафар қилишдан қайтарганлар. Зеро, аёл киши маҳрамсиз қилган сафарида кўп фитна ва хатарларга йўлиқиши мумкин. Агарчи хатар ва фитна йўқ дейилганда ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амрига итоат қилган ҳолда аёл киши маҳрамсиз сафар қилиши жоиз эмас. Шунингдек, аёл кишининг ҳаж қилишга қудрати етса, аммо у билан бирга сафар қилиш учун маҳрам топилмаса, унга ҳаж фарз бўлмайди.

Сафар суннатларидан яна бири – мусулмон киши сафаридан қайтиб келганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам

қилганларидек энг аввал масжидга кириб, икки ракъат намоз ўқишлигидир.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Аёл киши маҳрамсиз сафар қилиши дуруст эмас.
- 2- Тоира (самолёт)даги сафарлар ҳам шу жумладан.
- 3- Бирга сафар қиладиган маҳрами бўлмаган аёлга ҳаж фарз эмас.
- 4- Сафардан қайтган киши масжидга кириб, икки ракъат намоз ўқиши мустаҳаб.

137 - дарс Кофирларга ўзини ўхшатиш

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : «لَيْسَ مِنَّا مَنْ تَشَبَّهَ بِغَيْرِنَا» (رواه الترمذي).

Имом Термизий Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўзини биздан бошқаларга ўхшатган киши биздан эмас», дедилар.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ تَشَبَّهَ بِقَوْمٍ فَهُوَ مِنْهُمْ» (رواه أبو داود).

Имом Абу Довуд Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким ўзини бир қавмга ўхшатса, у ўша қавмдан», дедилар.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «الْأَرْوَاحُ جُنُودٌ مُجَنَّدَةٌ فَمَا تَعَارَفَ مِنْهَا انْتَلَفَ وَمَا تَنَاطَرَ مِنْهَا اخْتَلَفَ» (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Руҳлар – жинсларга бўлингандир. (жамланган лашкарлардир.) Улар ичидан жинси бир-бирига мос келгани (таниганлари) улфатлашади, мос келмагани (танимаганлари) бир-бири билан чиқиша олмайди (юз ўгириб кетади)», деганларини эшитганман.

Шарх:

Мусулмон кишининг бошқалардан ажралиб турадиган шахсияти бор. Аллоҳ таоло мусулмон кишини мушрик ва кофирлардан ажралиб туришини хоҳлаган. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мушрик ва кофирларга ўзини ўхшатишдан қаттиқ қайтарганлар. Кўп ўринларда уларга хилоф иш қилишга буюрганлар ва ташқи кўринишларда ҳам уларга мутлақо эргашмасликка буюрганлар. Бу масала бугунги кунда - айниқса ёшларимиз бошқа миллатларга ҳамма томонлама кўр-кўрона эргашиб кетаётган бир кунда – долзарб мавзулардан бирига айланиб қолди. Маҳалла имомлари, оқсоқоллар ва ҳар бир ота-она бу мавзуга жиддий эътибор беришмаса тез кунда динидан узок, бошқа миллатларга эргашган бир авлод етишиб чиқади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Мусулмон киши ўзини мусулмон бўлмаган миллатларга ўхшатиш ҳаром.

2- Ўзини ғайридинларга ўхшатиш уларнинг динига киришга сабаб бўлгани учун, бу амал гуноҳи кабиралардан ҳисобланади.

3- Ўзини бошқаларга ўхшатиш деганда уларга ўхшаб кийиниш, муомала қилиш, юриш-туришда ёки одатларда ва шунга ўхшаш нарсаларда уларга тақлид қилиш киради.

4- Булардан ҳам хатарлироғи ўзга миллатлар билан фахрланиш ёки уларга ўхшашни орзу қилишдир.

138 – дарс. Киши ўзи яхши кўргани билан бирга бўлади

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ أَعْرَابِيًّا قَالَ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَتَى السَّاعَةُ قَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَا أَعَدَدْتَ لَهَا» قَالَ: «حُبَّ اللَّهِ وَرَسُولِهِ» قَالَ: «أَنْتَ مَعَ مَنْ أَحْبَبْتَ» (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу шундай дейди: Бир аъробий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Қиёмат қачон?» деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «Қиёмат кунига нима ҳозирладинг?!», дедилар. «Аллоҳ ва Расулининг муҳаббатини», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сен яхши кўрган кишинг билан бирга бўласан», дедилар.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ جَاءَ رَجُلٌ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ كَيْفَ تَقُولُ فِي رَجُلٍ أَحَبَّ قَوْمًا وَلَمْ يَلْحَقْ بِهِمْ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الْمَرْءُ مَعَ مَنْ أَحَبَّ» (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу шундай дейди: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга келиб: «Ё Расулаллоҳ, бир киши бир қавмни яхши кўрса-ю, лекин улар билан учрашмаган бўлса, бу одам ҳақида нима дейсиз?» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва

саллам: «Киши ўзи яхши кўрган одами билан бирга бўлади», дедилар.

Шарх:

Аллоҳ учун яхши кўриш ва Аллоҳ учун ёмош кўриш иймоннинг асосий пойдеворларидан биридир. Мўмин киши мўмин ва солиҳ инсонларни яхши кўришга ва кофирларни ёмон кўришга буюрилган. Бу Аллоҳ учун яхши кўриш ва Аллоҳ учун ёмон кўриш бўлиб, Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қиладиган амалдир. Инсон жаннатда дунёда яхши кўрган одамлари билан бирга бўлади. Атрофингизда яхши кўрган одамларингизга бир қаранг, уларни дини учун яхши кўрасизми ёки дунёси учунми?!

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Солиҳ одамларни яхши кўриш – агарчи уларчалик кўп амал қилмаган бўлса ҳам – охирада улар билан бирга бўлишга сабаб бўлади.

2- Кофир ва фосиқларни яхши кўриш хатарлидир.

3- Ким қайси қавмни яхши кўрса, қиёматда улар билан бирга бўлади.

139 – дарс. Сураткашлик ва суратнинг ҳукми

عَنْ أَبِي طَلْحَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا تَدْخُلُ الْمَلَائِكَةُ بَيْتًا فِيهِ كَلْبٌ وَلَا صُورَةٌ» (متفق عليه).

Абу Талҳа розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ит ва сурат бор уйга фаришталар кирмайди», дедилар.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِنَّ أَشَدَّ النَّاسِ عَذَابًا عِنْدَ اللَّهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ الْمُصَوِّرُونَ» (متفق عليه).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузурида энг қаттиқ азобланадиган одамлар сураткашлардир», дедилар.

عَنْ عَائِشَةَ زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَنَّهَا اشْتَرَتْ نُمْرُقَةَ فِيهَا تَصَاوِيرُ فَلَمَّا رَأَاهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَامَ عَلَى الْبَابِ فَلَمْ يَدْخُلْ فَعَرَفْتُ فِي وَجْهِهِ الْكَرَاهِيَةَ فَقُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَتُوبُ إِلَى اللَّهِ وَإِلَى رَسُولِهِ مَاذَا أَدْنَبْتُ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَا بَالُ هَذِهِ النُّمْرُقَةِ؟» قَالَتْ فَقُلْتُ اشْتَرَيْتُهَا لَكَ لِتَقْعُدَ عَلَيْهَا وَتَوَسَّدهَا فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ أَصْحَابَ هَذِهِ الصُّورِ يُعَذَّبُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَيُقَالُ لَهُمْ أَحْيُوا مَا خَلَقْتُمْ وَقَالَ إِنَّ الْبَيْتَ الَّذِي فِيهِ الصُّورُ لَا تَدْخُلُهُ الْمَلَائِكَةُ» (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Оиша розияллоху анҳо шундай дейди: Сурати бор бир (адёлга ўхшаш) чойшаб сотиб олдим. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам уни кўргач, уйга кирмай эшик олдида туриб қолдилар, чеҳраларидан ёқтирмаганларини сездим, кейин:

- Ё Расулаллоҳ, Аллоҳ ва Расулига тавба қилдим, гуноҳим нима?

- дедим.

- Бу чойшаб қаердан келди? - дедилар.

- Уни Сиз унга ўтирасиз ё ёнбошлайсиз деб олувдим, - дедим.

- Қиёматда бу сурат эгалари азобланади ва уларга: «Яратган нарсаларингизга жон бахш этинглар, дейилади», дедилар ва: «Сурат бор уйга фаришталар кирмайди», дедилар.

Шарҳ:

Жони бор нарсаларни тасвирлаш гуноҳи кабиралардан. Сураткашлар тасвирлаган ҳар бир суратлари учун қиёмат куни қаттиқ азобга дучор бўлишади. Уларга: «Қани, энди яратган нарсаларингизни тирилтиринглар» дейилади. Сураткашликка рассомчилик, ҳайкалтарошлик, тўқувчилик билан ёки бошқа усулдаги тасвир билан сурат солган кишилар киради.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Сурат солиш ҳаром бўлиб, гуноҳи кабиралардан ҳисобланади.

2- Сурат бўлган уйга фаришталар кирмайди.

3- Қиёмат куни энг қаттиқ азобланадиган одамлар сураткашлардир.

140 – дарс. Ит сақлаш ҳақида

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ اتَّخَذَ كَلْبًا إِلَّا كَلْبَ مَاشِيَةٍ أَوْ صَيْدٍ أَوْ زَرْعٍ انْتَقَصَ مِنْ أَجْرِهِ كُلَّ يَوْمٍ قَيْرَاطٌ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким чорва ёки ов ёки экинларни қўриқлашдан бошқа мақсад учун ит боқса, ҳар куни ажридан бир қийрот камаяди», дедилар.

(*Қийрот – катта тоғча ажр-савоб.)

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَمَرَ بِقَتْلِ الْكِلَابِ إِلَّا كَلْبَ صَيْدٍ أَوْ كَلْبَ غَنَمٍ أَوْ مَاشِيَةٍ (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Ибн Умар розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ов ити ёки чўпон ё чорва итидан бошқа итларни ўлдиришга буюрдилар.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مُغَفَّلٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَوْلَا أَنَّ الْكِلَابَ أُمَّةٌ مِنَ الْأُمَمِ لَأَمَرْتُ بِقَتْلِهَا فَاقْتُلُوا مِنْهَا كُلَّ أَسْوَدَ بَهِيمٍ» (رواه أبو داود والترمذي والنسائي).
وزادا: «وَمَا مِنْ أَهْلِ بَيْتٍ يَرْتَبِطُونَ كَلْبًا إِلَّا نَقَصَ مِنْ عَمَلِهِمْ كُلَّ يَوْمٍ قَيْرَاطٌ إِلَّا كَلْبَ صَيْدٍ أَوْ كَلْبَ حَرْثٍ أَوْ كَلْبَ غَنَمٍ» .

Имом Абу Довуд, имом Термизий ва имом Насоийлар Абдуллох ибн Муғаффал розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллолоху алайҳи ва саллам: «Агар итлар ҳам алоҳида бир уммат (олам) бўлмаганида эди, уларни ўлдириб ташлашга буюрган бўлар эдим. Энди улар ичидан тим қораси борки, ўлдиришлар», дедилар.

Термизий ва Насоий ривоятида: «Овга ёки экинни қўриқлашга ёки чўпонликка олинган итдан бошқа итни ким уйда сақласа ҳар куни амалларидан бир қийрот камаяди», деган қўшимчаси бор.

عَنْ ابْنِ الْمُعَقَّلِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا وَلَغَ الْكَلْبُ فِي الْإِنَاءِ فَأَغْسِلُوهُ سَبْعَ مَرَّاتٍ وَعَفِّرُوهُ التَّمَانَةَ فِي التُّرَابِ» (رواه مسلم).

Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Муғаффал розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Агар бирортангизнинг идишини ит яласа уни етти марта ювинглар, саккизинчисини тупроқ билан ишқаланглар», дедилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ -صلى الله عليه وسلم- « طُهُورُ إِنَاءِ أَحَدِكُمْ إِذَا وَلَغَ فِيهِ الْكَلْبُ أَنْ يَغْسِلَهُ سَبْعَ مَرَّاتٍ أَوْ لَاهُنَّ بِالتُّرَابِ » (رواه مسلم).

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам: «Агар

бирортангизнинг ишидини ит ялаб қўйса унинг покланиши етти марта – биринчисини тупроқ билан – ювиш билан бўлади.»

عَنْ أَبِي طَلْحَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا تَدْخُلُ الْمَلَائِكَةُ بَيْتًا فِيهِ كَلْبٌ وَلَا صُورَةٌ (متفق عليه).

Абу Талха розияллоху анхудан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Фаришталар ит ва сурат бор уйга кирмайди», дедилар.

Шарх:

Шариатимиз итни фақат зарур ҳожат учунгина сақлашга рухсат берган. Ҳозирда ривожланган тиббиёт илми итнинг жасадида ва айниқса унинг сўлагида инсоннинг соғлиғига зарар берадиган жуда кўп микроблар бор экани ва у микробларни тупроқ кетказишини аниқлаган. Шариатимиз эса бундан 14 аср муқаддам ит теккан идишни тупроқ билан ювишга буюрган. Шунингдек, ит бор уйга фаришта кирмайди, фаришта кирмаган уйни эса шайтон ва унинг аскарлари эгаллайди. Бундан бошқа биз билмайдиган қанча қанча ҳикматлар бўлиши мумкин, шунинг учун мусулмон киши уйига ит киргизишдан эҳтиёт бўлмоғи керак.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:.

1- Ов, чорва ва экинзорларни қўриқлашдан бошқа мақсадда ит боқиш харом.

2- Итдан узоқлашишга ва нафратланишга буюрилганмиз.

3- Ит теккан идиш етти марта ювилади, биринчиси тупроқ билан.

عَنْ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا أَتَيْتَ مَضْجَعَكَ فَتَوَضَّأْ وَضُوءَكَ لِلصَّلَاةِ ثُمَّ اضْطَجِعْ عَلَى شِقِّكَ الْأَيْمَنِ ثُمَّ قُلِ اللَّهُمَّ أَسَلَمْتُ وَجْهِي إِلَيْكَ وَفَوَّضْتُ أَمْرِي إِلَيْكَ وَالْجَأْتُ ظَهْرِي إِلَيْكَ رَغْبَةً وَرَهْبَةً إِلَيْكَ لَا مَلْجَأَ وَلَا مَنجَا مِنْكَ إِلَّا إِلَيْكَ اللَّهُمَّ أَمَنْتُ بِكِتَابِكَ الَّذِي أَنْزَلْتَ وَبِنَبِيِّكَ الَّذِي أَرْسَلْتَ فَإِنْ مِتُّ مِنْ لَيْلَتِكَ فَأَنْتَ عَلَى الْفِطْرَةِ وَاجْعَلْهُنَّ آخِرَ مَا تَتَكَلَّمُ بِهِ» (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳу шундай дейди: Менга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар ухламоқчи бўлсангиз намозга таҳорат олгандай таҳорат олинг, сўнгра ўнг томонингиз билан ётиб, ушбу дуони ўқинг:

{اللَّهُمَّ أَسَلَمْتُ وَجْهِي إِلَيْكَ وَفَوَّضْتُ أَمْرِي إِلَيْكَ وَالْجَأْتُ ظَهْرِي إِلَيْكَ رَغْبَةً وَرَهْبَةً إِلَيْكَ لَا مَلْجَأَ وَلَا مَنجَا مِنْكَ إِلَّا إِلَيْكَ اللَّهُمَّ أَمَنْتُ بِكِتَابِكَ الَّذِي أَنْزَلْتَ وَبِنَبِيِّكَ الَّذِي أَرْسَلْتَ.}

“Аллоҳумма асламту важҳий илайка ва фаввазту амрий илайка ва алжаъту зоҳрий илайка роғбатан ва роҳбатан илайк, ла малжаа ва ла манжа минка илла илайк, Аллоҳумма аманту бикитабикал-лазий анзалта ва бинабиййикал-лазий арсалта”. Бу дуолар охирги айтган сўзларингиз бўлсин, агар шу кеча вафот топсангиз фитрат-исломда вафот этасиз», дедилар.

(Маъноси: Эй Аллоҳ, юзимни-ўзимни Сенга таслим этдим. Сенинг савобингни умид этиб, азобингдан кўрққан ҳолда ишимни

сенга топширдим ва Сенга суяндим. Сендан қочсам ҳам барибир Ўзингга қайтиб бораман. Нозил этган китобингга, юборган пайғамбарингга иймон келтирдим.)

عَنْ حُدَيْفَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا أَخَذَ مَضْجَعَهُ مِنَ اللَّيْلِ وَضَعَ يَدَهُ تَحْتَ خَدِّهِ ثُمَّ يَقُولُ «اللَّهُمَّ بِاسْمِكَ أَمُوتُ وَأَحْيَا» وَإِذَا اسْتَيْقَظَ قَالَ «الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَحْيَانَا بَعْدَ مَا أَمَاتَنَا وَإِلَيْهِ النُّشُورُ» (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Хузайфа розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кечаси уйқуга ётганларида қўлларини юзлари остига қўяр, кейин шундай дер эдилар: {اللَّهُمَّ بِاسْمِكَ أَمُوتُ وَأَحْيَا} (Маъноси: Эй Аллоҳ, Сенинг исминг билан ўламан ва тириламан). Агар уйғонсалар: {الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَحْيَانَا بَعْدَ مَا أَمَاتَنَا وَإِلَيْهِ النُّشُورُ} (Маъноси: Бизни ўлдиргандан сўнг яна ҳаётга қайтарган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Қайтишлик Унинг ҳузуригадир», дер эдилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ رَأَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلًا مُضْطَجِعًا عَلَى بَطْنِهِ فَقَالَ: «إِنَّ هَذِهِ ضَجْعَةٌ لَا يُحِبُّهَا اللَّهُ» (رواه الترمذي).

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қорни билан дум тушиб ётган бир кишини кўриб: Бу – Аллоҳ яхши кўрмайдиган ётишдир», дедилар.

Шарҳ:

Ухлашда ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларига ўргатган ўзига хос одоб ва суннатлар бор. Таҳорат билан ётиш, ухлаганда ва турганда айтиладиган зикр-дуоларни айтиш ва ўнг томони билан ётиш каби. Мусулмон киши ухлаганда ҳам суннатга эргашиб ва шайтондан қўрғонланган ҳолатда, тинч, хотиржам ухлаши учун ушбу суннат ва одобларга риоя қилиб ухламоғи керак.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Таҳорат билан ухлаш суннат.
- 2- Ўнг томони билан ётиб, уйқу олдида ўқиладиган зикр-дуоларни ўқиш суннат
- 3- Қорнини ерга қилиб ётиш макруҳ.

142 – дарс. Солиҳ-яхши тушнинг фазилати ва ёлғондан туш кўрдим дейишнинг ёмон оқибатлари

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «لَمْ يَبْقَ مِنَ النَّبُوءَةِ إِلَّا الْمُبَشِّرَاتُ قَالُوا وَمَا الْمُبَشِّرَاتُ قَالَ الرُّؤْيَا الصَّالِحَةُ (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Абу Хурайра розияллоху анҳу шундай дейди: Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан эшитдимки: «Пайғамбарликдан (сўнг) фақат хушхабар берувчи нарсаларгина қолади», дедилар. Саҳобалар: «Хушхабар берувчи нарсалар нималар?», деб сўрашди. «Тўғри-содик тушлар», дедилар.

عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «الرُّؤْيَا مِنَ اللَّهِ وَالْحُلْمُ مِنَ الشَّيْطَانِ فَإِذَا حَلَمَ أَحَدُكُمْ حُلْمًا يَكْرَهُهُ فَلْيَنْفُثْ عَنْ يَسَارِهِ ثَلَاثًا وَلْيَتَعَوَّذْ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهَا فَإِنَّهَا لَنْ تَضُرَّهُ» (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ ҳадисда Абу Қатода розияллоху анҳу шундай дейди: Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг: «Яхши туш Аллоҳдан, ёмон туш эса шайтондандир. Биронтангиз ёмон туш кўрса, чап томонига уч марта туфласин ва Аллоҳдан тушининг ёмонлигидан паноҳ сўрасин, шунда унга асло зарар қилмайди» деганларини эшитдим.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ تَحَلَّمَ بِحُلْمٍ لَمْ يَرَهُ كُفًّا أَنْ يَعْقِدَ بَيْنَ شَعِيرَتَيْنِ وَلَنْ يَفْعَلَ» (رواه البخاري).

Имом Бухорий Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алаҳи ва саллам: «Ким кўрмаган тушини кўрдим деса, (қиёмат куни) унга иккита арпа донасини бир-бирига боғлаш юклатилади, ҳеч қачон буни қилолмайди», дедилар.

(Яъни: қўлидан келмайдиган ишни юклатиш ҳам азобнинг бир тури.)

Шарҳ:

Тушнинг ўзига хос хислатлари бор. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалардан тушлари ҳақида сўрар ва уларнинг таъбирини айтиб берар эдилар. Содиқ-яхши тушлар Аллоҳдан, ёмон тушлар эса шайтондан бўлади. Ёмон туш кўрган одам тушини бошқаларга айтмай, чап томонига уч марта туфлаб, Аллоҳдан тушининг ёмонлигидан паноҳ сўраса, тушида кўрган ёмонлик таъсир қилмайди. Инсон кўрмаган тушини кўрдим дейишдан эҳтиёт бўлмоғи керак, чунки бу билан Аллоҳга бўҳтон қилган бўлиб, охиратда қаттиқ жазоланади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Содиқ-яхши туш пайғамбарликдан бир бўлак ва хушхабар берувчидир.

2- Содиқ-яхши туш Аллоҳдан, ёмон-дахшатли тушлар шайтондан.

3- Ёлғондан туш кўрдим деб айтишнинг қаттиқ азоби бор.

143 – дарс. Туш борасидаги одоб ва суннатлар

عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «الرُّؤْيَا مِنَ اللَّهِ وَالْحُلْمُ مِنَ الشَّيْطَانِ فَإِذَا حَلَمَ أَحَدُكُمْ حُلْمًا يَكْرَهُهُ فَلْيَنْفُثْ عَنْ يَسَارِهِ ثَلَاثًا وَلْيَتَعَوَّذْ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهَا فَإِنَّهَا لَنْ تَضُرَّهُ (متفق عليه). وزاد في رواية "وليتحول عن جنبه الذي كان عليه".

Муттафақун алайҳ ҳадисда Абу Қатода розияллоҳу анҳу шундай дейди: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Яхши туш Аллоҳдан, ёмон туш эса шайтондандир. Биронтангиз ёмон туш кўрса, чап томонига уч марта туфласин ва Аллоҳдан тушининг ёмонлигидан паноҳ сўрасин, шунда унга асло зарар қилмайди» деганларини эшитдим.

Бошқа бир ривоятда: «бошқа томонига ўгирилиб ётсин», дедилар.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِذَا رَأَى أَحَدُكُمْ الرُّؤْيَا يُحِبُّهَا فَإِنَّهَا مِنَ اللَّهِ فَلْيَحْمَدِ اللَّهَ عَلَيْهَا وَلْيُحَدِّثْ بِهَا وَإِذَا رَأَى غَيْرَ ذَلِكَ مِمَّا يَكْرَهُهُ فَإِنَّهَا هِيَ مِنَ الشَّيْطَانِ فَلْيَسْتَعِذْ مِنْ شَرِّهَا وَلَا يَذْكُرْهَا لِأَحَدٍ فَإِنَّهَا لَنْ تَضُرَّهُ» (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Абу Саид Ал-Худрий розияллоҳу анҳу айтади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Агар биронтангиз ўзи суйган нарсасини туш кўрса, у Аллоҳдандир. Аллоҳ таолога хамд айтсин ва одамларга айтаверсин. Агар бунинг аксини кўрса, у

шайтондандир. Аллоҳ таолодан унинг ёмонлигидан паноҳ сўрасин ва ҳеч кимга айтмасин. (Агар шундай қилса) у зарар бермайди.»

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا يُحَدِّثَنَّ أَحَدُكُمْ بِتَلْعَبِ الشَّيْطَانِ بِهِ فِي مَنْامِهِ» (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Жобир розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Биронтангиз тушида шайтон уни (ўйинчоқ қилиб) ўйнаганини гапириб юрмасин», дедилар.

Шарҳ:

Мўмин киши юқорида ўтган ҳадисларда айтилган тушга тааллуқли суннат ва одобларига риоя қилса, Аллоҳнинг изни билан шайтоннинг озор ва васвасаларидан нажот топади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:.

1- Агар мусулмон киши ёмон туш кўрса чап томонига уч марта туфлайди, шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ сўрайди ва бошқа томонга ёнбошлаб ётади.

2- Агар ёмон туш кўриб ҳеч кимга айтмаса, Аллоҳнинг изни билан у зарар етказмайди.

3- Қўрқинчли тушлар - босинқирашлар ҳеч кимга айтилмайди.

144 – дарс. Аллоҳ учун яхши кўришнинг фазли

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «سَبْعَةٌ يُظِلُّهُمُ اللَّهُ فِي ظِلِّهِ يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلُّهُ الْإِمَامُ الْعَادِلُ وَشَابٌّ نَشَأَ فِي عِبَادَةِ رَبِّهِ وَرَجُلٌ قَلْبُهُ مُعَلَّقٌ فِي الْمَسَاجِدِ وَرَجُلَانِ تَحَابَّا فِي اللَّهِ اجْتَمَعَا عَلَيْهِ وَتَفَرَّقَا عَلَيْهِ وَرَجُلٌ طَلَبْتُهُ امْرَأَةٌ ذَاتُ مَنْصِبٍ وَجَمَالَ فَقَالَ إِنِّي أَخَافُ اللَّهَ وَرَجُلٌ تَصَدَّقَ بِصَدَقَةٍ فَأَخْفَاهَا حَتَّى لَا تَعْلَمَ شِمَالُهُ مَا تُنْفِقُ يَمِينُهُ وَرَجُلٌ ذَكَرَ اللَّهَ خَالِيًا فَفَاضَتْ عَيْنَاهُ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Етти тоифа одам борки, Аллоҳ Ўзининг соясидан бошқа соя бўлмаган кунда уларни Ўз соясида соялантиради: адолатли имом-раҳбар; парвардигорининг ибодатида улғайган йигит; қалби масжидларга боғланган киши; Аллоҳ йўлида дўстлашган, Унинг йўлида бирлашиб, Унинг йўлида ажрашувчи икки киши; мансабли ва соҳибжамол аёл ўзига чорлаганда: «Мен Аллоҳдан кўрқаман», деган киши; махфий ҳолда садақа берган, ҳатто ўнг қўли берганини чап қўли билмайдиган киши; Аллоҳни танҳоликда зикр қилиб, кўзёши тўккан киши», дедилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ اللَّهَ يَقُولُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَيُّنَ الْمُتَحَابِّينَ بِجَلَالِي الْيَوْمَ أُظِلُّهُمْ فِي ظِلِّي يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلِّي» (رواه مسلم).

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алаҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ

таоло қиёмат куни (халойиққа қараб): Мен учун бир-бирлари билан муҳаббатлашганлар қани? Мен бугун, Ўзимнинг соямдан бошқа соя бўлмаган кунда уларни соялантираман, дейди».

عَنْ مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ قَالَ إِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «قَالَ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى وَجِبْتُ مَحَبَّتِي لِلْمُتَحَابِّينَ فِيَّ وَالْمُتَزَاوِرِينَ فِيَّ وَالْمُتَبَاذِلِينَ فِيَّ» (رواه مالك)

Имом Молик ривоят қилган ҳадисда Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу айтади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Аллоҳ таоло деди: «Мен учун бир-бирларини яхши кўрганларга, Мен учун бир-бирлари билан суҳбат қуриб ўтирганларга, Мен учун бир-бирларини зиёрат этганларга, Мен учун бир-бирларига инфоқ-эхсон қилганларга Менинг муҳаббатим вожиб бўлур.»

Шарх:

Аллоҳ учун яхши кўриш ёки муҳаббатлашиш маъноси шуки, Сиз бир кишини Аллоҳ таолонинг тоат-ибодатида бўлгани учун яхши кўрасиз ва унинг Аллоҳга тоати қанча зиёдалашса унга нисбатан сизнинг муҳаббатингиз ҳам шунча зиёдалашади. Бундай тарзда муҳаббатлашиш энг афзал амаллардан ҳисобланади, чунки сиз у одамни бирор дунёвий мақсад учун эмас, балки фақат Аллоҳ учунгина яхши кўрасиз. Муҳаббатлари холис Аллоҳ учун бўлган

кишиларни Аллоҳнинг Ўзи ҳеч қандай соя йўқ кунда ўз арши сояси билан соялантириб туради.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Аллоҳ учун муҳаббатлашишнинг фазли буюк, охиратдаги ажри ҳам улкан.

2- Аллоҳ учун муҳаббатлашиш Аллоҳ таолонинг муҳаббатига эришишга сабаб бўлади.

145 – дарс. Аллоҳ учун зиёрат қилишнинг фазли

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّ رَجُلًا زَارَ أَخًا لَهُ فِي قَرْيَةٍ أُخْرَى فَأَرْصَدَ اللَّهُ لَهُ عَلَى مَدْرَجَتِهِ مَلَكًا فَلَمَّا أَتَى عَلَيْهِ قَالَ أَيْنَ تُرِيدُ قَالَ أُرِيدُ أَخًا لِي فِي هَذِهِ الْقَرْيَةِ قَالَ هَلْ لَكَ عَلَيْهِ مِنْ نِعْمَةٍ تَرُبُّهَا قَالَ لَا، غَيْرَ أَنِّي أَحْبَبْتُهُ فِي اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ قَالَ فَإِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكَ بِأَنَّ اللَّهَ قَدْ أَحَبَّكَ كَمَا أَحْبَبْتَهُ فِيهِ» (رواه مسلم)

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Бир киши бошқа шаҳарда яшайдиган бир биродарининг зиёратига отланди. Аллоҳ таоло унинг йўлига бир фариштани жўнатди. Ҳалиги одам фариштанинг ёнига етиб келгач, фаришта ундан: «Қаерга кетяпсиз?», деб сўради. «Шу шаҳарда бир биродарим бор, уни зиёрат қилгани кетяпман», деди. «Унда сизнинг бирон ундириб оладиган ҳаққингиз борми?», деди фаришта. «Йўқ, мен уни фақат Аллоҳ учун яхши кўраман», деди. Шунда у: «Мен сизга Аллоҳ жўнатган элчиман, сиз биродарингизни Аллоҳ учун яхши кўрганингиз учун сизни ҳам Аллоҳ яхши кўрди», деди (Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ عَادَ مَرِيضًا أَوْ زَارَ أَخًا لَهُ فِي اللَّهِ نَادَاهُ مُنَادٍ أَنْ طِبْتَ وَطَابَ مَمْشَاكَ وَتَبَوَّاتَ مِنَ الْجَنَّةِ مَنْزِلًا» (رواه الترمذي).

Имом Термизий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким

бир касални бориб кўрса ёки Аллоҳ йўлидаги биродарини зиёрат қилса бир нидо қилувчи (фаришта) унга: «Хушбахт бўлдинг, қадамингга ҳасанотлар бўлди ва жаннатдан ўзингга бир ўринни ҳозирладинг», деб нидо қилади», дедилар.

Шарҳ:

Аллоҳ учун зиёрат қилиш улуғ фазилатли, ажри ҳам улкан бўлган амаллардан, чунки бундай зиёрат дунёвий ғаразлар учун эмас, балки ёлғиз Аллоҳнинг ўзи учун яхши кўриб ва Аллоҳдан савоб умид этиб қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу амалнинг мукофоти Аллоҳнинг муҳаббатига эришиш ва жаннатда олий ўринларга эришиш бўлишини хабар бердилар.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

- 1- Аллоҳ таоло учун зиёрат қилишнинг фазли буюкдир.
- 2- Аллоҳ учун зиёрат қилиш Аллоҳнинг муҳаббатига эришиш ва жаннатга киришга сабаб бўлади.

146 – дарс. Чақирилган жойга бориш

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «حَقُّ الْمُسْلِمِ عَلَى الْمُسْلِمِ خَمْسٌ رُدُّ السَّلَامِ وَعِيَادَةُ الْمَرِيضِ وَاتِّبَاعُ الْجَنَائِزِ وَإِجَابَةُ الدَّعْوَةِ وَتَشْمِيتُ الْعَاطِسِ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмон кишининг мусулмон биродари устида бешта ҳаққи бор: Саломига алик олиш, касал бўлса зиёрат қилиш, (вафот этса) жанозасига қатнашиш, чақирса бориш ва акирса (кейин алҳамдулиллаҳ деса) ярҳамукаллоҳ дейиш», дедилар.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا دُعِيَ أَحَدُكُمْ إِلَى الْوَالِيَةِ فَلْيَأْتِهَا» (متفق عليه).

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар биронтангиз валима - никоҳ зиёфатига чақирилса борсин», дедилар.

عَنْ جَابِرٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا دُعِيَ أَحَدُكُمْ إِلَى طَعَامٍ فَلْيُجِبْ فَإِنْ شَاءَ طَعِمَ وَإِنْ شَاءَ تَرَكَ» (رواه مسلم).

Имом Муслим Жобир розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Биронтангиз таомга таклиф қилинса борсин, агар хоҳласа ейди, хоҳламаса емайди», дедилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ كَانَ يَقُولُ بِئْسَ الطَّعَامُ طَعَامُ الْوَلِيْمَةِ يُدْعَى إِلَيْهِ الْأَغْنِيَاءُ وَيُتْرَكُ الْمَسَاكِينُ فَمَنْ لَمْ يَأْتِ الدَّعْوَةَ فَقَدْ عَصَى اللَّهَ وَرَسُولَهُ (رواه مسلم)

Имом Муслим ривоят қилган асарда Абу Ҳурайра розияллоху анҳу шундай дейди: «Бойларгина чақирилиб, камбағаллар чақирилмайдиган тўйнинг оши нақадар ёмон ош!. Ким чақирилган жойга бормаса, Аллоҳ ва Расулига осий бўлибди.»

Шарҳ:

Чақирилган жойга бориш мусулмон кишининг мусулмон биродари устидаги ҳақларидан биридир. Мусулмонларнинг ижтимоий ва оилалараро борди-келдиларини кучайтиришга сабаб бўлгани учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам чақирилган жойга боришга буюрганлар. Шариатга мувофиқ ўтказилаётган тўй ва зиёфатларга таклиф қилинганда бормаслик Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг амрларига осий бўлиш, демакдир.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1- Тўй ва зиёфатлар агар шариатга мувофиқ бўлса, чақирилганда бориш лозим.

2- Чақирилган жойга бориш мусулмон кишининг мусулмон биродари устидаги ҳақларидан бири.

3- Чақирилган жойга борганда албатта таом тановул қилиш шарт эмас, хоҳласа ейди хоҳламаса емайди.

147 – дарс. Киришга изн сўраш одоби

Аллоҳ таоло “Нур” сурасининг 27-оятида шундай дейди:

«Эй мўминлар, ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизча кирмангиз».

59-оятида эса:

«Қачон гўдакларингиз балоғатга етсалар, улар ҳам ҳудди улардан илгари (балоғатга етганлар) каби изн сўрасинлар».

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: أَتَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي دَيْنٍ كَانَ عَلَى أَبِي فَدَقَّقْتُ الْبَابَ فَقَالَ: «مَنْ ذَا» فَقُلْتُ: أَنَا، فَقَالَ: «أَنَا، أَنَا» كَأَنَّهُ كَرِهَهَا (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Бир ҳожат билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бориб, эшикни тақиллатдим. Ичкаридан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

- Ким у?», дедилар.

- Мен... -, дедим.

- Мен... Мен... деб гўё ёқтирмагандай такрорладилар.

عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ اطَّلَعَ رَجُلٌ مِنْ جُحْرِ فِي حُجْرِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَمَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِدْرَى يَحْكُ بِهَ رَأْسَهُ فَقَالَ: «لَوْ أَعْلَمُ أَنَّكَ تَنْظُرُ لَطَعَنْتُ بِهِ فِي عَيْنِكَ إِنَّمَا جُعِلَ الْإِسْتِئْذَانُ مِنْ أَجْلِ الْبَصَرِ» (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳу шундай дейди: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хужралари тирқишидан қаради. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларида тароқ билан сочларини тараб турган эдилар. Ҳалиги кишига: «Агар қараётганингни билсам, шуни кўзингга тиқиб олган бўлардим. Ахир изн сўраш кўз (номаҳрамларга тушиб қолмаслиги) учун буюрилган», дедилар.

عَنْ كَلْدَةَ بْنِ حَنْبَلٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَتَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَدَخَلْتُ عَلَيْهِ وَلَمْ أُسَلِّمْ وَلَمْ أَسْتَأْذِنْ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «ارْجِعْ فَقُلِ السَّلَامُ عَلَيْكُمْ أَدْخُلْ» (رواه أبو داود والترمذي).

Имом Абу Довуд ва имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Калада ибн Ҳанбал розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб, киришга рухсат ҳам сўрамай, салом ҳам бермай, тўғри олдиларига кириб бордим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Қайтинг, кейин “Ассалому алайкум, кирсам майлими?” деб айтинг», дедилар.

عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا اسْتَأْذَنَ أَحَدُكُمْ ثَلَاثًا فَلَمْ يُؤْذَنَ لَهُ فَلْيَرْجِعْ» (متفق عليه).

Муттафақун алайх бўлган ҳадисда Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳу айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар биронтангиз уч марта изн сўраса-ю, изн берилмаса қайтиб кетсин.

Шарҳ:

Одамларнинг авратларини ва ўзларига хос ишларини бегона кўзлардан сақлаш мақсадида уйларга изн сўраб кириш динимиз буюруқларидан. Изн сўраш - манзилга киришдан аввал кўзни ичкарига югуртирмаган ҳолда уч марта кўнғироқ чалиш, эшик қоқиш ёки хонадон эгасини чақириш билан бўлади. Агар уч бор чақиргандан сўнг чиқмаса, тўртинчи бор чақириб ўтирмай, соҳибни хона айна пайтда чиқишга имконсиз экан деб, яхши гумон билан қайтиб кетади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Эшикдан киришдан аввал рухсат сўраш лозим.
- 2- Эшик қоққан кишига ичкаридан “кимсиз?” дейилса, исм шарифини айтади, “мен” деб туравермайди.
- 3- Хонадон соҳибини чақириш уч марта бўлади, жавоб бўлмаса қайтиб кетади.

148 – дарс. Мажлис ва ўтиришлар одоби (1)

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «خَيْرُ الْمَجَالِسِ أَوْسَعُهَا» (رواه أبو داود).

Имом Абу Довуд Абу Саид ал-Худрий розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ўтирадиган жойларнинг яхшиси кенгроқ бўлганидир», дедилар.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِيَّاكُمْ وَالْجُلُوسَ فِي الطَّرِيقَاتِ» قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا لَنَا بُدٌّ مِنْ مَجَالِسِنَا نَتَحَدَّثُ فِيهَا قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «فَإِذَا أَبَيْتُمْ إِلَّا الْمَجْلِسَ فَأَعْطُوا الطَّرِيقَ حَقَّهُ» قَالُوا وَمَا حَقُّهُ قَالَ: «غَضُّ الْبَصَرِ وَكَفُّ الْأَذَى وَرَدُّ السَّلَامِ وَالْأَمْرُ بِالْمَعْرُوفِ وَالنَّهْيُ عَنِ الْمُنْكَرِ» (متفق عليه).

Абу Саид ал-Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам: «Кўчаларда ўтирманглар» дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулаллоҳ, баъзан ўтиришга мажбур бўлиб қоламиз, баъзан гаплашиб қоламиз» дейишди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Агар ўтиришга мажбур бўлиб қолсангиз, йўлнинг ҳаққини ўтаб қўйинглар» дедилар. «Ҳаққи нима?» дейишди. «(Ўтган кетганга) кўзни тикмаслик, озор етказмаслик, салом берганга алик олиш ва маъруф ишларга буюриб, мункар ишлардан қайтариш», дедилар.

عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَثَلُ الْجَلِيسِ الصَّالِحِ وَالسَّوِّءِ كَحَامِلِ الْمِسْكِ وَنَافِخِ الْكَيْرِ فَحَامِلُ الْمِسْكِ إِمَّا أَنْ يُحْذِيكَ وَإِمَّا أَنْ تَبْتَاعَ مِنْهُ وَإِمَّا أَنْ تَجِدَ مِنْهُ رِيحًا طَيِّبَةً وَنَافِخُ الْكَيْرِ إِمَّا أَنْ يُحْرِقَ ثِيَابَكَ وَإِمَّا أَنْ تَجِدَ رِيحًا خَبِيثَةً» (رواه البخاري)

Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоху анху ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Яхши суҳбатдош билан ёмон суҳбатдошнинг мисоли мушк сотувчи (аттор) билан (темирчининг) босқонига дам урувчига ўхшайди. Мушк сотувчи ё мушкидан сизга ҳадя қилади ё ундан сотиб оласиз ё ҳеч бўлмаса ундан хушбўй атр хидини топасиз. Босқонга дам урувчи эса ё кийимингизни куйдиради ё эса ундан бадбўй ҳид топасиз», дедилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَا جَلَسَ قَوْمٌ مَجْلِسًا لَمْ يَذْكُرُوا اللَّهَ فِيهِ وَلَمْ يُصَلُّوا عَلَى نَبِيِّهِمْ إِلَّا كَانَ عَلَيْهِمْ تِرَةٌ فَإِنْ شَاءَ عَذَّبَهُمْ وَإِنْ شَاءَ غَفَرَ لَهُمْ» (رواه الترمذي).

Имом Термизий Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Қайси қавм бир мажлисда ўтирсалар-у, Аллоҳ таолони зикр қилмасалар ва Пайғамбарларига саловот айтмасалар, қиёмат куни уларга бу мажлис ҳасрат бўлади. Аллоҳ хоҳласа уларни азоблайди ва хоҳласа кечириб юборади», дедилар.

Шарх:

Динимизда мажлис ва ўтиришларнинг риоя қилиниши керак бўлган ўзига хос одоблари бор. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мажлислар хайрли, баракотли, Аллоҳ таоло рози бўладиган мажлис бўлишига йўллаб, унинг одобларини таълим берганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Ўтириладиган жойларнинг кенгроқ бўлиши мустаҳаб.
- 2- Йўлда ўтирганда унинг ҳаққини адо этиш лозим.
- 3- Йўлнинг ҳақлари – ўтган кетганларга қарамаслик, йўловчиларга озор етадиган нарсаларни йўлдан даф қилиш ва амру-маъруфга буюриб, мункар ишлардан қайтариш.
- 4- Яхши суҳбатдошлар билан ҳамсуҳбат бўлиб, ёмон суҳбатдошлардан узоқ юриш суннат.
- 5- Аллоҳ таолонинг номи ёдга олинмайдиган мажлислардан узоқлашиш керак.

149 – дарс. Мажлис ва ўтириш одобларидан (2)

Аллоҳ таоло “Мужодала” сурасининг 11-оятида шундай дейди:

«Эй мўминлар, қачон сизларга (мажлис-сухбатларда дўст-биродарларингиз келиб: «Бизларга ҳам шу мажлиسدан) жой беринглар», дейилса, дарҳол жой беринглар, Оллоҳ сизларга ҳам (Ўз жаннатидан) жой берур.»

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا يُقِيمُ الرَّجُلُ الرَّجُلَ مِنَ مَقْعَدِهِ ثُمَّ يَجْلِسُ فِيهِ وَلَكِنْ تَفَسَّحُوا وَتَوَسَّعُوا» (متفق عليه).

Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Бир киши бошқа бир кишини ўрнидан тургизиб, унинг ўрнига ўтирмасин. Балки, орани очиб, жой беринглар», дедилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا قَامَ أَحَدُكُمْ مِنْ مَجْلِسِهِ ثُمَّ رَجَعَ إِلَيْهِ فَهُوَ أَحَقُّ بِهِ» (رواه مسلم).

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Биронтангиз ўтирган ўрнидан туриб, сўнг яна қайтиб келса, у ўша ерга ҳақлироқдир», дедилар.

عَنْ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ إِذَا أَتَيْنَا النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَلَسَ أَحَدُنَا حَيْثُ يَنْتَهِي (رواه أبو داود والترمذي).

Имом Абу Довуд ва имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келсак, мажлис тугаган ерга ўтирардик.

عَنْ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ دَخَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمَسْجِدَ وَهُمْ حِلَقٌ فَقَالَ مَالِي أَرَاكُمْ عَزِينَ» (رواه مسلم وأبو داود).

Имом Муслим ва имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидга кирдилар, одамлар бир неча ҳалқа бўлиб ўтиришган эди, «Бу нимаси, нега бўлиниб-бўлиниб ўтирибсизлар?!» дедилар.

Шарх:

Мажлисда йиғилиб ўтириш ва тарқоқ бўлмаслик, шунингдек, бир киши бировнинг ўрнига ўтириш мақсадида уни ўрнидан тургизиб юбормаслиги Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам йўллаган ўтириш одобларидан. Ўтирганлар сурилиб, янги келган одамга жой беришлари лозим. Агар бир одам ўтирган ўрнидан туриб кетиб, кейин яна қайтиб келса, ўз ўрнига ўтиришга

хақлироқдир. Янги келган одам эса қаерда бўш жой бўлса, шу ерга ўтиради.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Ўтиришларда жамланиш ва тарқоқ бўлмаслик суннат.
- 2- Ўтирган одамни тургизиб, ўрнига ўтирилмайди, балки ўтирганлар сурилиб жой беради.
- 3- Янги келган одам қаерда бўш жой бўлса, ўша ерга ўтиради.
- 4- Бир одам ўтирган жойидан туриб кетиб, кейин яна қайтиб келса, ўз жойига хақлироқ.

150 – дарс. Мажлис ва ўтириш одобларидан (3)

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا كَانُوا ثَلَاثَةً فَلَا يَتَنَاجَى اثْنَانِ دُونَ الثَّلَاثِ» (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар уч киши бўлсалар, бирини қолдириб, иккитаси шивирлаб гаплашмасин», дедилар.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا يَحِلُّ لِلرَّجُلِ أَنْ يُفَرِّقَ بَيْنَ اثْنَيْنِ إِلَّا بِإِذْنِهِمَا» (رواه الترمذي).

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир киши иккита одамнинг ўртасига уларнинг изнисиз ўтириши мумкин эмас», дедилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ جَلَسَ فِي مَجْلِسٍ فَكَثَرَ فِيهِ لَعْنُهُ فَقَالَ قَبْلَ أَنْ يَقُومَ مِنْ مَجْلِسِهِ ذَلِكَ سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ أَسْتَغْفِرُكَ وَأَتُوبُ إِلَيْكَ إِلَّا غُفِرَ لَهُ مَا كَانَ فِي مَجْلِسِهِ ذَلِكَ» (رواه الترمذي).

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким бир ўтиришда ўтирганида беҳуда гаплари кўп бўлса, туришидан олдин: “Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдик, ашҳаду ан ла

илаҳа илла анта, астағфирука ва атубу илайк” (Парвардигоро! Сен барча айбу нуқсондан покдирсан. Сенинг ҳамдинг билан тасбеҳлар айтаман. Гувоҳлик бераманки, Сендан Ўзга ҳеч бир илоҳ йўқ. Сендан истиғфор сўрайман ва Сенга тавбалар қиламан), деса, шу мажлисида қилиб қўйган (кичик) гуноҳлари кечирилади», дедилар.

Шарҳ:

Мусулмонлар ўртасида дилхираликлар бўлиши олдини олиш учун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мажлис ва ўтиришлар одобини баён қилдилар. Бир мажлисда уч кишидан бошқа одам бўлмаса, биттасини ажратиб қўйиб, иккитаси шивирлашиб гаплашмаслиги лозим. Чунки, бу унинг кўнглини оғритиши мумкин. Шунингдек, бир киши иккита одамнинг ўртасига уларнинг изнисиз ўтириб олиши мумкин эмас. Чунки, уларнинг бировга билдиргилари келмаган ўзаро гап-сўзи ёки суҳбатлашиб ўтиришган бўлиши мумкин. Мажлисдан туришдан олдин унда бўлиб ўтган ҳар хил ҳазил-ҳузул, ноўрин сўзлар каби кичик гуноҳларга каффорат бўлувчи юқоридаги дуони ўқиш ҳам мажлис одобларидан саналади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Бир кишини ажратиб, икки киши ёлғиз шивирлаб гаплашиши мумкин эмас.

2- Икки киши гаплашиб ўтирган бўлса, бир одам келиб, улардан рухсат сўрамасдан ўрталарига ўтириши мумкин эмас.

3- Ўтиришларни мажлисга каффорат бўлувчи дуо билан якунлаш суннатдир.

151 – дарс. Шайтон мусулмонлар ўртасига соладиган фитналардан огоҳ бўлиш лозимлиги

Аллоҳ таоло Исро сурасининг 53 – оятида шундай буюради:

**«Бандаларимга айтингки, улар (ўзаро сўзлашганларида) энг
гўзал сўзлардан сўзласинлар. Зеро, шайтон уларнинг
ўрталарида бузғунчилик қилур.»**

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِنَّ الشَّيْطَانَ قَدْ آيَسَ أَنْ
يَعْبُدَهُ الْمُصَلُّونَ فِي جَزِيرَةِ الْعَرَبِ وَلَكِنْ فِي التَّحْرِيشِ بَيْنَهُمْ» (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Жобир розияллоҳу анҳу айтади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Шайтон Арабистонда намозхонлар унга сиғинишларидан ноумид бўлди. Лекин улар ўртасида низо чиқаришдан (умидсиз эмас)».

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِنَّ عَرْشَ إِبْلِيسَ عَلَى
الْبَحْرِ فَيَبْعَثُ سَرَائِيَهُ فَيَفْتِنُونَ النَّاسَ فَأَعْظَمُهُمْ عِنْدَهُ أَعْظَمُهُمْ فِتْنَةً» (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Жобир розияллоҳу анҳу айтади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Иблиснинг тахти денгизда. У аскарларини юборади, улар одамларни фитнага солишади. Иблис ҳузурида уларнинг энг ҳурматлиси энг катта фитначисидир.»

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَا مِنْكُمْ مِنْ أَحَدٍ إِلَّا وَقَدْ وُكِّلَ بِهِ قَرِينُهُ مِنَ الْجِنِّ قَالُوا وَإِيَّاكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ وَإِيَّايَ إِلَّا أَنَّ اللَّهَ أَعَانَنِي عَلَيْهِ فَأَسْلَمَ فَلَا يَأْمُرُنِي إِلَّا بِخَيْرٍ» (رواه مسلم).

Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлардан ҳар бирингизга жинлардан бўлган бир ҳамроҳ бириктириб қўйилган», дедилар. Саҳобалар: «Сизга ҳамми, ё Расулуллоҳ?», дейишди. «Ҳа, менга ҳам, бироқ Аллоҳ унинг устидан менга ёрдам берди ва у мусулмон бўлди. Энди у мени фақат яхшиликкагина ундайди», дедилар.

Шарҳ:

Шайтоннинг инсонга адовати азалий ва ўзгармас. Аллоҳ таоло Қуръонда бу ҳақда хабар бериб, бандаларини унинг макридан огоҳлантирган. Шайтон фурсат бўлди дегунча одамлар ўртасига адоват солишдан асло чарчамайди. Одамлар ўртасидаги охир оқибат юзкўрмас бўлишгача етиб борадиган ўзаро уруш-жанжаллар шайтоннинг фитнаси натижасидир.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Иблис – шайтоннинг мўминларга нисбатан адовати чексиз.
- 2- Одамлар орасида содир бўладиган фитналардан огоҳ бўлиш ва фитна оловини ўчиришга ҳаракат қилиш лозим. Чунки у шайтоннинг амалидан.

152- дарс. Сабрнинг фазилати ва сабрга ундов

Аллоҳ таоло Зумар сурасининг 10-оятида шундай дейди:

«Ҳеч шак-шубҳа йўқки, сабр-тоқат қилувчиларга ажр-мукофотлари беҳисоб, тўла-тўқис қилиб берилади.»

Бақара сурасининг 155-оятида шундай дейди:

«..сабр қилувчиларга хушxabар беринг».

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ امْرَأَةً أَتَتْ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَتْ إِنَّي أُصْرَعُ وَإِنِّي أَتَكَشَّفُ فَادْعُ اللَّهَ لِي قَالَ: «إِنْ شِئْتِ صَبْرْتِ وَلَكَ الْجَنَّةُ وَإِنْ شِئْتِ دَعَوْتُ اللَّهَ أَنْ يُعَافِيكَ» فَقَالَتْ أَصْبِرُ فَقَالَتْ إِنَّي أَتَكَشَّفُ فَادْعُ اللَّهَ لِي أَنْ لَا أَتَكَشَّفَ فَدَعَا لَهَا (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Бир аёл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Мен тутқаноқ тутиб беҳуш бўламан ва кийимларим очилиб кетади. Менинг ҳаққимда Аллоҳга дуо қилинг», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар ҳохласангиз сабр қиласиз ва сиз учун жаннат бўлади, ҳохласангиз Аллоҳдан сизга шифо сўраб дуо қиламан», дедилар. У: «Сабр қиламан, фақат Аллоҳга дуо қилинг, (тутқаноқ пайтида) очилиб кетмайдиган бўлай», деди. Ул зот унинг ҳаққига дуо қилдилар.

عَنْ صُهَيْبِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «عَجَبًا لِأَمْرِ الْمُؤْمِنِ إِنَّ أَمْرَهُ كُلَّهُ خَيْرٌ وَلَيْسَ ذَاكَ لِأَحَدٍ إِلَّا لِلْمُؤْمِنِ إِنْ أَصَابَتْهُ سَرَّاءٌ شَكَرَ فَكَانَ خَيْرًا لَهُ وَإِنْ أَصَابَتْهُ ضَرَّاءٌ صَبَرَ فَكَانَ خَيْرًا لَهُ» (رواه مسلم).

Имом Муслим Суҳайб розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўминнинг иши қизиқ, унинг барча ишлари яхшиликдир. Бу фақат мўмин учундир. Агар унга бирон хурсандчилик етса, шукр қилади ва бу унга яхшиликдир. Агар бирон кулфат етса, сабр қилади ва бу ҳам унга яхшиликдир», дедилар.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْمُسْلِمُ إِذَا كَانَ مُخَالِطًا النَّاسَ وَيَصْبِرُ عَلَى أَذَاهُمْ خَيْرٌ مِنَ الْمُسْلِمِ الَّذِي لَا يُخَالِطُ النَّاسَ وَلَا يَصْبِرُ عَلَى أَذَاهُمْ» (رواه الترمذي).

Имом Термизий Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмон киши агар одамларга аралашиб юрса ва уларнинг озорларига сабр қилса, у одамларга аралашмайдиган, уларнинг озорларига сабр қилмайдиган мусулмондан яхшидир», дедилар.

Шарҳ:

Динимизда сабр катта аҳамиятга эга бўлиб, диннинг ҳаммаси сабр устига қурилган: Аллоҳнинг тоат-ибодати устида сабр қилиш, Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан ўзни тийишда сабр қилиш,

Аллоҳнинг тақдирига сабр қилиш каби. Сабр қилувчи киши Аллоҳга итоат қилиб, Унинг ажру савобини истагани туфайли охир-оқибат албатта фойда қилади. Зотан, бесабрлик ва жазавага тушиш билан қадарни ўзгартириб бўлмайди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Сабр фазилатли сифат, унинг диндаги манзилати олий.
- 2- Сабр жаннатга эришиш сабабларидан.
- 3- Одамларнинг озорларига сабр қилиб улар билан аралашиб юриш, аралашмай четга чиқиб олишдан афзал.

153 - дарс. Касалликлар ва уларнинг гуноҳларга каффорат бўлиши ҳақида

وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَا يُصِيبُ الْمُسْلِمَ مِنْ نَصَبٍ وَلَا وَصَبٍ وَلَا هَمٍّ وَلَا حُزْنٍ وَلَا أَدَى وَلَا غَمٍّ حَتَّى الشَّوْكَةِ يُشَاكُهَا إِلَّا كَفَّرَ اللَّهُ بِهَا مِنْ خَطَايَاهُ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмон кишига етган машаққат, касаллик, ғам-ташвиш, ҳафагарчилик, азият, ҳатто баданига кирган бир тикан сабабли ҳам Аллоҳ таоло унинг гуноҳларидан ўчиради», дедилар.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَتَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي مَرَضِهِ وَهُوَ يُوعَكُ وَعَگًا شَدِيدًا وَقُلْتُ إِنَّكَ لَتُوعَكُ وَعَگًا شَدِيدًا قُلْتُ إِنَّ ذَلِكَ بِأَنَّ لَكَ أَجْرَيْنِ قَالَ: «أَجَلٌ، مَا مِنْ مُسْلِمٍ يُصِيبُهُ أَدَى إِلَّا حَاتَّ اللَّهُ عَنْهُ خَطَايَاهُ كَمَا تَحَاتُّ وَرَقُ الشَّجَرِ» (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ ҳадисда Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига беморлик пайтларида бордим, у зот қаттиқ иситмалаб ётган эканлар. Мен: «Сиз иситмада куйиб-ёняпсиз, сизга бунинг учун икки карра ажр бўлар», дедим. «Ҳа шундай, қай бир мусулмон кишига бирон азият етса, шу сабабли Аллоҳ унинг

гуноҳларини худди дарахтнинг барглари тўкилгани каби тўкиб юборади», дедилар.

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَخَلَ عَلَى أُمِّ السَّائِبِ فَقَالَ: «مَا لَكَ يَا أُمَّ السَّائِبِ تُزْفِرِينَ؟» قَالَتْ الْحُمَّى لَا بَارَكَ اللَّهُ فِيهَا، فَقَالَ: «لَا تَسْبِي الْحُمَّى فَإِنَّهَا تُذْهِبُ خَطَايَا بَنِي آدَمَ كَمَا يُذْهِبُ الْكَبِيرُ خَبَثَ الْحَدِيدِ» (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Умму Соибнинг олдига кириб: «Сизга нима бўлди эй Умму Соиб, қалтираяпсиз?» дедилар. «Қуриб кетгур иситма», деди. «Иситмани сўкманг, чунки у одамзотнинг гуноҳларини худди темирчининг босқони темирнинг зангини кетказганидек кетказди», дедилар.

Шарх:

Аллоҳ таоло ўзининг раҳмати туфайли мусулмон кишига бу дунёда етган касаллик, мусибат каби нарсаларни унинг гуноҳларига каффорат қилиб қўйди. Мусулмон кишига етган ҳар бир мусибат – агар унга сабр қила олса – Аллоҳ таоло тарафидан унга бўлган неъматдир.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Инсон ўзига етган касаллик ва мусибатларга сабр қилиши
ЛОЗИМ.

2- Агар сабр қилиб, савоб умид қилса, бу унинг гуноҳларига каффорат бўлади.

3- Бандаларининг гуноҳларини мана шундай нарсалар сабабли каффорат қилиб туриши Аллоҳ таолонинг фазлу марҳаматидандир.

154 - дарс. Хиёнатнинг ҳаромлиги ва ундан огоҳлантириш

Аллоҳ таоло Моида сурасининг 1-оятида айтади:

«Эй мўминлар, аҳдларга (ўзаро келишган битимларга) вафо қилингиз!»

Исро сурасининг 34-оятида эса бундай дейди:

«Аҳдга вафо қилинглар. Зеро, аҳд-паймон (Қиёмат куни) масъул бўлинадиган ишдир.»

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَرْبَعٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ كَانَ مُنَافِقًا خَالِصًا وَمَنْ كَانَتْ فِيهِ خَصْلَةٌ مِنْهُنَّ كَانَتْ فِيهِ خَصْلَةٌ مِنَ النِّفَاقِ حَتَّى يَدْعَهَا إِذَا أُؤْتِمِنَ خَانَ وَإِذَا حَدَّثَ كَذَبَ وَإِذَا عَاهَدَ غَدَرَ وَإِذَا خَاصَمَ فَجَرَ (متفق عليه).

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Кимда тўртта сифат бўлса, у ҳақиқий мунофиқ бўлади. Кимда улардан биттаси бўлса, то уни тарк қилгунича, нифоқдан битта сифат унда бор бўлади: Омонат берилса хиёнат қилади, гапирса ёлғон сўзлайди, аҳд берса хиёнат қилади, хусуматлашса фожирлик қилади (мақсаддан четлаб кетади).»

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لِكُلِّ غَادِرٍ لَوَاءٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ يُقَالُ هَذِهِ غَدْرَةُ فُلَانٍ» (متفق عليه).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва

саллам айтдилар: «Қиёмат куни ҳар бир хиёнатчининг байроғи бўлади, «Бу фалончининг хиёнати», деб айтилади.»

Шарҳ:

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло аҳдга вафо қилишга буюрди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аҳдга хиёнат қилишни мунофиқларнинг сифатларидан деб санадилар ва қиёмат куни хиёнатчи учун ҳаммага кўринарли қилиб катта байроқ тикилиши ва бу фалончининг хиёнатидир, деб уни халойиқлар ичида шармисор қилинишини хабар бердилар.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

- 1- Хиёнаткорлик шариатимизда ҳаромдир.
- 2- У мунофиқларнинг сифатларидан ҳисобланади.
- 3- Қиёмат куни хиёнаткорлар шармандаи шармисор қилинади.

155 – дарс. Алдоқчиликдан огоҳлантириш

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَّ عَلَى صُبْرَةِ طَعَامٍ فَأَدْخَلَ يَدَهُ فِيهَا فَنَالَتْ أَصَابِعُهُ بَلَاءً فَقَالَ: «مَا هَذَا يَا صَاحِبَ الطَّعَامِ؟» قَالَ أَصَابَتْهُ السَّمَاءُ يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: «أَفَلَا جَعَلْتَهُ فَوْقَ الطَّعَامِ كَي يَرَاهُ النَّاسُ، مَنْ عَشَّ فَلَيْسَ مِنِّي» (رواه مسلم)

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоху анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам озиқ-овқат (дон-дун маҳсулоти) уюми ёнидан ўтиб кетатуриб, қўллари унинг ичига тикқан эдилар, бармоқлари намликни ҳис қилди. Шунда: - «Бу нимаси, эй дон соҳиби?!», дедилар.

У: - «Ёмғир ёғиб қўйганди, ё Расулуллоҳ», деди.

- «Одамлар кўрадиган қилиб устига чиқариб қўймабсан-да! Ким алдаса, мен(инг умматим)дан эмасдир», дедилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ حَمَلَ عَلَيْنَا السَّلَاحَ فَلَيْسَ مِنَّا وَمَنْ عَشَّنَا فَلَيْسَ مِنَّا» (رواه مسلم).

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ким бизга қурол кўтарса, у биздан эмас. Ким бизни алдаса, у биздан эмас», дедилар.

عَنْ تَمِيمِ الدَّارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الدِّينُ النَّصِيحَةُ» قُلْنَا لِمَنْ؟ قَالَ لِلَّهِ وَلِكِتَابِهِ وَلِرَسُولِهِ وَلِأُمَّةِ الْمُسْلِمِينَ وَعَامَّتِهِمْ (رواه مسلم)

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Тамим ад-Дорий розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дин - насиҳат (холислик)дир» дедилар. «Ким учун, ё Расулуллоҳ?» - деб сўраган эдик, «Аллоҳ учун, Унинг китоби ва Расули учун, мусулмонларнинг раҳбарлари ва оммалари учун», деб жавоб бердилар.

Шарҳ:

Мусулмонларга нисбатан самимий муносабатда бўлиш вожиб ва у диннинг асосларидан. Олди-сотди ёки бошқа муомалаларда уларни алдаш катта гуноҳлардан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ёмон иллатдан огоҳлантириб, мусулмонларни алдаган одам мусулмон бўлмаслигини айтганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Мусулмонларни алдаш ҳаром ва гуноҳи кабиралардан.
- 2- Мусулмонларга нисбатан холис бўлиш ва уларга яхшилик ишташ вожиб.

156 – дарс. Аллоҳдан қўрқишнинг фазилати

Аллоҳ таоло Ар-рахмон сурасининг 46-оятида айтади:

«Парвардигори (ҳузурида қиёмат куни) туришидан қўрққан (ва Унинг буруқларига бўйсиниб, қайтариқларидан тийилган) киши учун икки жаннат бордир.»

Ван-нозиот сураси 40,41-оятларида айтади:

«Энди ким Парвардигорининг (ҳузурида) туриши (ва У зотга ҳисоб-китоб бериши)дан қўрққан ва нафсини ҳавойи хоҳишлардан қайтарган бўлса, у ҳолда фақат жаннатгина (унинг учун) жой бўлур.»

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «سَبْعَةٌ يُظِلُّهُمُ اللَّهُ فِي ظِلِّهِ يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلُّهُ الْإِمَامُ الْعَادِلُ وَشَابُّ نَشَأَ فِي عِبَادَةِ رَبِّهِ، وَرَجُلٌ قَلْبُهُ مُعَلَّقٌ فِي الْمَسَاجِدِ، وَرَجُلَانِ تَحَابَّا فِي اللَّهِ اجْتَمَعَا عَلَيْهِ وَتَفَرَّقَا عَلَيْهِ، وَرَجُلٌ طَلَبْتُهُ امْرَأَةٌ ذَاتُ مَنْصِبٍ وَجَمَالَ فَقَالَ إِنِّي أَخَافُ اللَّهَ، وَرَجُلٌ تَصَدَّقَ أَخْفَى حَتَّى لَا تَعْلَمَ شِمَالُهُ مَا تُنْفِقُ يَمِينُهُ، وَرَجُلٌ ذَكَرَ اللَّهَ خَالِيًا فَفَاضَتْ عَيْنَاهُ»
(متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Етти тоифа одам борки, Аллоҳ Ўзининг соясидан бошқа соя йўқ кунда уларни Ўз соясида соялантиради: адолатли имом-рахбар; парвардигорининг ибодатида улғайган йигит; қалби масжидларга боғланган киши; Аллоҳ йўлида дўстлашган, Унинг йўлида бирлашиб, Унинг йўлида ажрашувчи икки киши; мансабли ва

соҳибжамол аёл ўзига чорлаганда: «Мен Аллоҳдан кўрқаман», деган киши; махфий ҳолда садақа берган, ҳатто ўнг қўли берганини чап қўли билмаган киши; Аллоҳни холиликда зикр қилиб, кўзёши тўккан киши»,.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «عَيْنَانِ لَا تَمْسُهُمَا النَّارُ، عَيْنٌ بَكَتْ مِنْ خَشْيَةِ اللَّهِ وَعَيْنٌ بَاتَتْ تَحْرُسُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ» (رواه الترمذي).

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Иккита (одамнинг) кўзига – Аллоҳдан кўрқиб йиғлаган кўзга ва тун бўйи Аллоҳ йўлида кўриқчилик қилиб чиққан кўзга дўзах ўти тегмайди».

Шарҳ:

Аллоҳдан кўрқиш фақат иймони содиқ мўмин кишидан содир бўладиган қалб ибодатидир. Шунинг учун ҳам динимизда унинг манзилати шу қадар олий ва даражаси юқори. Соҳибини тоат-ибодатларга ундайдиган ва гуноҳ-маъсиятлардан тўсадиган кўрқиш ҳақиқий мақтовга сазовор кўрқишдир.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Аллоҳдан кўрқиш фазилатли сифат бўлиб, эгасини жаннатга етказди.
- 2- Аллоҳдан кўрқиш гуноҳ-маъсиятлардан тияди.

157 – дарс. Мисвок тутишнинг фазли ва унга буюриш

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَوْلَا أَنْ أَشَقَّ عَلَى أُمَّتِي أَوْ عَلَى النَّاسِ لِأَمْرَتِهِمْ بِالسَّوَاكِ مَعَ كُلِّ صَلَاةٍ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Умматимни қийнаб қўйишдан ташвиш қилмаганимда эди, уларни ҳар бир намоз олдидан тишларини мисвок билан тозалашга буюрган бўлар эдим», дедилар.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَكْثَرْتُ عَلَيْكُمْ فِي السَّوَاكِ» (رواه البخاري).

Имом Бухорий Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизларни мисвокка кўп тарғиб қилдим», дедилар.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «السَّوَاكُ مَطْهَرَةٌ لِلْفَمِ مَرْضَاءٌ لِلرَّبِّ» (أخرجه النسائي).

Имом Насоий Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мисвок тутиш оғизнинг тозалигига ва Парвардигорнинг розилигига сабабдир», дедилар.

عَنْ حُذَيْفَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا قَامَ مِنَ اللَّيْلِ يَشُورُ فَاهُ بِالسَّوَاكِ (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ ҳадисда Ҳузайфа розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тунда (таҳажжудга) турсалар, оғизларини мисвок билан тозалар эдилар.

عَنْ شُرَيْحِ بْنِ هَانِئٍ قَالَ سَأَلْتُ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا بِأَيِّ شَيْءٍ كَانَ يَبْدَأُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا دَخَلَ بَيْتَهُ قَالَتْ بِالسَّوَاكِ (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Шурайҳ ибн Ҳониъ айтади: Мен Оиша розияллоҳу анҳодан: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйга кирганларида энг аввал нима қилардилар?», деб сўраган эдим: «Мисвок тутардилар», дедилар.

Шарҳ:

Мисвок тутиш Аллоҳ розилигига ва оғиз поклигига сабаб бўлувчи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тарғиб қилган суннат амаллардан. Ул зот айниқса, таҳорат ва поклик лозим бўладиган намоз каби ибодатлар олдидан ҳамда оғиз ҳиди ўзгарадиган уйқудан туриш каби ҳолларда мисвок билан тишларни тозалашга кўп эътибор берар ва саҳобаларини ҳам шундай қилишга буюрар эдилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Мисвок тутиш суннат амал.

2- У Аллоҳ таолонинг розилигига ва оғизнинг тозалигига сабабдир.

3- Намоздан олдин, уйқудан турганда ва уйга кирган пайтда мисвок ишлатиш суннат.

158 – дарс. Мунофиқларнинг аломатларидан

Аллоҳ таоло Нисо сурасининг 142-оятида айтади:

«Албатта мунофиқлар Аллоҳни алдамоқчи бўладилар.— Холбуки, Аллоҳ уларни «алдаб» қўйгувчидир.— Ва қачон намозга турсалар дангасалик билан, хўжакўрсинга турадилар ва Аллоҳни камдан-кам ёдга оладилар»

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَرْبَعٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ كَانَ مُنَافِقًا خَالِصًا وَمَنْ كَانَتْ فِيهِ خَصْلَةٌ مِنْهُنَّ كَانَتْ فِيهِ خَصْلَةٌ مِنَ النَّفَاقِ حَتَّى يَدْعَهَا إِذَا أُؤْتِمِنَ خَانَ وَإِذَا حَدَّثَ كَذَبَ وَإِذَا عَاهَدَ غَدَرَ وَإِذَا خَاصَمَ فَجَرَ» (متفق عليه)

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимда тўртта сифат бўлса, у ҳақиқий мунофиқ бўлади. Кимда улардан биттаси бўлса, то уни тарк қилгунича, нифоқдан битта сифат унда бор бўлади: Омонат қўйилса хиёнат қилади, гапирса ёлғон сўзлайди, аҳд берса хиёнат қилади, хусуматлашса фожирлик қилади (мақсаддан четлаб кетади)», дедилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ أَثْقَلَ صَلَاةٍ عَلَى الْمُنَافِقِينَ صَلَاةُ الْعِشَاءِ وَصَلَاةُ الْفَجْرِ وَلَوْ يَعْلَمُونَ مَا فِيهِمَا لَأَتَوْهُمَا وَلَوْ حَبْوًا» (متفق عليه).

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Мунофиқларга энг оғир намоз хуфтон ва бомдод намозларидир. Агар у иккисида бўлган (ажрлар)ни билишганда эди, эмаклаб бўлса-да келишган бўларди».

Шарҳ:

Қуръон Карим мунофиқларнинг белгиларидан кўпларини хабар берган, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ҳам умматни унга тушиб қолишдан огоҳлантириб улардан баъзиларини ўз суннатларида зикр қилдилар. Хиёнат, аҳдни бузиш, ёлғон сўзлаш ва фожирлик шулар жумласидан бўлиб, улар фақат мунофиқ кимсада жамланади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам мунофиқлар сифатларидан яна бир сифатни ҳам айтганларки, у – хуфтон ва бомдод намозларига ялқовлик қилишдир. Бу ҳолат бугунги кунда мусулмонлардан жуда кўп содир бўлмоқда. Мусулмон киши ушбу сифатларни яхши билмоғи ва улардан қаттиқ эҳтиёт бўлмоғи лозим.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1 – Хиёнат, ёлғон, алдов, фожирлик мунофиқларнинг сифатларидан.

2 – Умуман намозга, хусусан хуфтон ва бомдод намозларига ялқовлик қилиш ва уларни оғир санаш ҳам уларнинг сифатларидан.

3 - Аллоҳни кам зикр қилиш ҳам уларнинг белгиларидан.

4 – Ушбу сифатлардан эҳтиёт бўлиш лозим.

159 – дарс. Дўст ва улфатлар ҳақида:

Аллоҳ таоло Зухруф сурасининг 67-оятида айтади:

«У Кунда дўстлар бир-бирларига душмандир, магар (Аллоҳ йўлида дўстлашган) тақводор зотларгина (мангу дўстдирлар)».

عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ قَالَ: «إِنَّمَا مَثَلُ الْجَلِيسِ الصَّالِحِ وَالْجَلِيسِ السَّوِّءِ كَحَامِلِ الْمِسْكِ وَنَافِخِ الْكَيْرِ فَحَامِلُ الْمِسْكِ إِمَّا أَنْ يُحْدِثَكَ وَإِمَّا أَنْ تَبْتَاعَ مِنْهُ وَإِمَّا أَنْ تَجِدَ مِنْهُ رِيحًا طَيِّبَةً وَنَافِخُ الْكَيْرِ إِمَّا أَنْ يُحْرِقَ ثِيَابَكَ وَإِمَّا أَنْ تَجِدَ رِيحًا خَبِيثَةً» (متفق عليه).

Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Яхши улфат билан ёмон улфатнинг мисоли худди мушк сотувчи (аттор) билан (темирчининг) босқонига дам урувчига ўхшайди. Мушк сотувчи ё мушкидан сизга ҳадя қилади ё ундан сотиб оласиз ёки ҳеч бўлмаса ундан хушбўй ҳид топасиз. Босқонга дам урувчи эса ё кийимингизни куйдиради ё эса ундан бадбўй ҳид топасиз.»

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الرَّجُلُ عَلَى دِينِ خَلِيلِهِ فَلْيَنْظُرْ أَحَدُكُمْ مَنْ يُخَالِلُ» (أخرجه أبو داود والترمذي).

Имом Абу Довуд ва имом Термизий Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Киши ўз дўстининг динидадир. Шундай экан, ҳар бирингиз ким билан дўстлашаётганини текшириб боқсин», дедилар.

Шарх:

Ошна-оғайни ва ёру-дўстларнинг инсонга таъсири кучли бўлади. Кўпинча инсонга дўстларининг хулқи – яхши бўлсин, ёмон бўлсин – юқади. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам яхши дўст танлашга буюрдилар ва яхши дўст мисолини мушк сотувчи атторга ўхшатдиларки, ҳар қандай ҳолда ҳам ундан фақат яхшилик топасиз. Аксинча, ёмон дўстнинг ёмонлиги сизга етмай иложи йўқ.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1 - Кимнинг дўстлиги тақво асосига қурилмаган ва Аллоҳ йўлидаги дўстликдан бошқа бўлар экан, қиёмат куни бундай дўстлик адоватга айланади.

2 – Яхши дўст ва улфат танлаш зарур.

3 – Дўстнинг дўстга таъсири кучли бўлади.

**160 – дарс. Ғазабдан қайтариш ва ғазаб пайтида нима дейиш
ва қилиш кераклиги ҳақида**

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَجُلًا قَالَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَوْصِنِي قَالَ: «لَا تَغْضَبُ» فَرَدَّدَ مِرَارًا قَالَ: «لَا تَغْضَبُ» (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтади: «Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Менга насиҳат қилинг» деган эди, «Ғазаб қилма!», дедилар. Ҳалиги одам илтимосини бир неча бор такрорлади. Яна: «Ғазаб қилма!», дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَلَيْسَ الشَّدِيدُ بِالصُّرْعَةِ إِنَّمَا الشَّدِيدُ الَّذِي يَمْلِكُ نَفْسَهُ عِنْدَ الْغَضَبِ» (رواه البخاري)

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Кучли деб курашда ҳаммани енгадиган кишига айтилмайди. Ғазабланган пайтда ўзини қўлга ололган одам кучлидир».

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَنَا إِذَا غَضِبَ أَحَدُكُمْ وَهُوَ قَائِمٌ فَلْيَجْلِسْ فَإِنْ ذَهَبَ عَنْهُ الْغَضَبُ وَإِلَّا فَلْيَضْطَجِعْ» (رواه أبو داود)

Абу Довуд Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Агар қай бирингиз ғазабланганида тик турган бўлса, ўтириб олсин. Агар шунда ҳам ғазаби тарқалмаса, ётиб олсин!»

عَنْ سُلَيْمَانَ بْنِ صُرَدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ اسْتَبَّ رَجُلَانِ عِنْدَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَنَحْنُ عِنْدَهُ جُلُوسٌ وَأَحَدُهُمَا يَسُبُّ صَاحِبَهُ مُغْضَبًا قَدْ أَحْمَرَ وَجْهَهُ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنِّي لَأَعْلَمُ كَلِمَةً لَوْ قَالَهَا لَذَهَبَ عَنْهُ مَا يَجِدُ لَوْ قَالَ أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ» (رواه البخاري)

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Сулаймон ибн Сурад розияллоҳу анҳу айтадилар: Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида эдик, икки киши урушиб қолди. Улардан бири ғазабланиб, юзлари қизариб, иккинчисини ҳақорат қиларди.

- Мен бир калимани биламан, - дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам - Агар у ушбу калимани айтса, ғазаби тарқалиб кетади: «Аъзу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм» (яъни, даргоҳидан қувилган шайтоннинг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ тилайман).

Шарҳ:

Ғазаб ёмон хулқлардан бўлиб, ўз эгасини нохуш ишларга тортиб кетади. Ғазаб шайтон тарафидан бўлгани боис Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан узоқлашишга йўлладилар, уни пасайтирадиган йўл-йўриқларни кўрсатдилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1 – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ғазабни тарқ қилишга васият қилдилар ва ғазаб пайтида ўзини босиб олувчи кишини мақтадилар.

2 – Ғазабланган киши тик турган бўлса ўтириб олиши лозим, ғазаби шунда ҳам тарқамаса ётиб олсин.

3 – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ғазабланган кишини Аллоҳдан шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ тилашга йўлладилар.

161 – дарс. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳалимликлари ва ҳусни хулқлари ҳақида

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ مَا ضَرَبَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شَيْئًا قَطُّ بِيَدِهِ وَلَا امْرَأَةً وَلَا خَادِمًا إِلَّا أَنْ يُجَاهِدَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَمَا نِيلَ مِنْهُ شَيْءٌ قَطُّ فَيَنْتَقِمَ مِنْ صَاحِبِهِ إِلَّا أَنْ يُنْتَهَكَ شَيْءٌ مِنْ مَحَارِمِ اللَّهِ فَيَنْتَقِمَ لِلَّهِ عَزَّ وَجَلَّ (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо дедилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўллари билан Аллоҳ йўлидаги жиҳоддан бошқа пайтда на бир аёлни ва на бир хизматкорни урдилар! Шахсиятларига нисбатан қилинган ишлардан асло ўч олмас эдилар. Фақат Аллоҳ ҳаром қилган ишларни қилинган пайтда Аллоҳ азза ва жалла учунгина интиқом олар эдилар.»

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كُنْتُ أَمْشِي مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَعَلَيْهِ بُرْدٌ نَجْرَانِيٌّ غَلِيظٌ الْحَاشِيَّةِ فَأَدْرَكَهُ أَعْرَابِيٌّ فَجَبَذَهُ بِرِدَائِهِ جَبَذَةً شَدِيدَةً حَتَّى نَظَرْتُ إِلَى صَفْحَةِ عَاتِقِ

رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَدْ أَثَرَتْ بِهَا حَاشِيَةُ الْبُرْدِ مِنْ شِدَّةِ جَبْدَتِهِ ثُمَّ قَالَ يَا مُحَمَّدُ مَرُّ لِي مِنْ مَالِ اللَّهِ الَّذِي عِنْدَكَ فَالْتَفَتَ إِلَيْهِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثُمَّ ضَحِكَ ثُمَّ أَمَرَ لَهُ بِعَطَاءٍ (متفق عليه).

Муттафақун алайх бўлган ҳадисда Анас розияллоху анху айтадилар: «Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам билан йўлда кетар эдим. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг эгниларида ҳошияси дағал нажроний тўн бор эди. Бир аъробий ул зотга етиб олди-да, тўнларидан қаттиқ тортиди. Мен Расулуллоҳнинг бўйинларида қаттиқ тортиш оқибатида тўннинг дағал ҳошияси из қолдирганини кўрдим. Кейин у аъробий: «Эй Мухаммад, амр этгин, ҳузурингдаги Аллоҳнинг молидан (менга ҳам берилсин)», деди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам унга ўгирилиб қарадилар ва кулдилар. Кейин унга беришга амр этдилар».

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّهَا قَالَتْ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ هَلْ أَتَى عَلَيْكَ يَوْمٌ كَانَ أَشَدَّ مِنْ يَوْمٍ أُحُدٍ قَالَ: «لَقَدْ لَقِيتُ مِنْ قَوْمِكَ مَا لَقِيتُ، وَكَانَ أَشَدَّ مَا لَقِيتُ مِنْهُمْ يَوْمَ الْعَقَبَةِ إِذْ عَرَضْتُ نَفْسِي عَلَى ابْنِ عَبْدِ يَالِيلَ بْنِ عَبْدِ كَلَالٍ فَلَمْ يُجِبْنِي إِلَى مَا أَرَدْتُ فَانْطَلَقْتُ وَأَنَا مَهْمُومٌ عَلَى وَجْهِي فَلَمْ أَسْتَفِقْ إِلَّا وَأَنَا بِقَرْنِ الثَّعَالِبِ فَرَفَعْتُ رَأْسِي فَإِذَا أَنَا بِسَحَابَةٍ قَدْ أَظْلَمْتَنِي فَنَظَرْتُ فَإِذَا فِيهَا جَبْرِيْلُ فَنَادَانِي فَقَالَ إِنَّ اللَّهَ قَدْ سَمِعَ قَوْلَ قَوْمِكَ لَكَ وَمَا رَدُّوا عَلَيْكَ وَقَدْ بَعَثَ إِلَيْكَ مَلَكَ الْجِبَالِ لِتَأْمُرَهُ بِمَا شِئْتَ فِيهِمْ فَنَادَانِي مَلَكَ الْجِبَالِ فَسَلَّمَ عَلَيَّ ثُمَّ قَالَ يَا مُحَمَّدُ فَقَالَ ذَلِكَ فِيمَا شِئْتَ إِنَّ شِئْتَ أَنْ أَطْبِقَ عَلَيْهِمُ الْأَخْشَبِينَ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَلْ أَرْجُو أَنْ يُخْرِجَ اللَّهُ مِنْ أَصْلَابِهِمْ مَنْ يَعْبُدُ اللَّهَ وَحْدَهُ لَا يُشْرِكُ بِهِ شَيْئًا» (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда айтилишича, Оиша розияллоҳу анҳо: «Уҳуд кунидан кўра бошингизга оғирроқ кун келганми?» - деб савол берганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай жавоб берганлар:

- «Қавмингиздан кўп нарса кўрдим. Уларнинг энг оғири Ақаба куни бўлган эди. Мен ўзимни (ҳимоя қилиши учун) ибн Абдиёлил ибн Абдикулолга рўпара қилдим. У менинг сўровимни қабул этмади. (Мен у ердан) ғамгин ҳолатда чиқиб, бошимни эгиб юриб, Қарн ус-Саолибга етиб келганимни сезмай қолибман. Бошимни кўтаргандим, бир парча булут менга соя солиб турган экан. Қарасам, у булутда Жибрил алайҳиссалом ўтирибди. Шу пайт у менга нидо қилиб: «Аллоҳ таоло қавмингизнинг Сизга берган жавобларини эшитди ва сизга Тоғлар фариштасини (қавмингиз) ҳақида истаган нарсангизга буюришингиз учун юборди» - деди.

Тоғлар фариштаси менга нидо қилиб, салом берди ва:

- «Эй Муҳаммад, Аллоҳ таоло қавмингизнинг сизга айтган сўзларини эшитди. Мен Тоғлар фариштасиман. Роббингиз истаган нарсангизга буюришингиз учун мени сизнинг ҳузурингизга жўнатди, сиз нима хоҳлайсиз? Истасангиз икки тоғни уларнинг устиларига ёпиб қўяй?!» - деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

- «Йўқ, мен Аллоҳ таоло уларнинг пуштикамарларидан Унинг Ўзигагина ибодат қиладиган, Унга бирон нарсани шерик қилмайдиган одамларни чиқаришини умид қиламан» — дедилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1 – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қавмларига ғоят ҳалим эдилар.

2 – Ислом даъватчилари ҳалимликда ва одамларнинг озорларига сабр-бардошли бўлишда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўрнак олишлари лозим.

162 – дарс. Касални бориб кўриш ҳақида

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «حَقُّ الْمُسْلِمِ عَلَى الْمُسْلِمِ خَمْسٌ رُدُّ السَّلَامِ وَعِيَادَةُ الْمَرِيضِ وَاتِّبَاعُ الْجَنَائِزِ وَإِجَابَةُ الدَّعْوَةِ وَتَشْمِيتُ الْعَاطِسِ»
(متفق عليه)

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтадилар: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Мусулмоннинг мусулмон устида бешта ҳаққи бор: Саломга алик олиш, касални бориб кўриш, жанозага қатнашиш, чақирилган жойга бориш, акса урганга (ярҳамукаллоҳ деб) ташмит айтиш».

عَنْ ثَوْبَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ الْمُسْلِمَ إِذَا عَادَ أَخَاهُ الْمُسْلِمَ لَمْ يَزَلْ فِي خُرْفَةِ الْجَنَّةِ حَتَّى يَرْجِعَ» (وفي رواية) قِيلَ يَا رَسُولَ اللَّهِ وَمَا خُرْفَةُ الْجَنَّةِ قَالَ: «جَنَاهَا» (رواه مسلم)

Имом Муслим Савбон розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Мусулмон киши мусулмон биродарини кўргани борса, то қайтиб келгунига қадар жаннатнинг хурфаси ичида бўлади», дедилар. (Бошқа ривоятда) «Ё Расулуллоҳ, жаннатнинг хурфаси нима?», деб сўралди. «Меваларининг ҳосили», деб жавоб бердилар.

عن علي رضي الله عنه قال: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «مَا مِنْ مُسْلِمٍ يَعُودُ مُسْلِمًا غُدْوَةً إِلَّا صَلَّى عَلَيْهِ سَبْعُونَ أَلْفَ مَلَكٍ حَتَّى يُمْسِيَ وَإِنْ عَادَهُ عَشِيَّةً إِلَّا صَلَّى عَلَيْهِ سَبْعُونَ أَلْفَ مَلَكٍ حَتَّى يُصْبِحَ وَكَانَ لَهُ خَرِيفٌ فِي الْجَنَّةِ» (رواه الترمذي)

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Алий розияллоху анху айтадилар: Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Қай бир мусулмон киши бир мусулмонни эрталаб кўргани борса, то кечгача унга етмиш минг фаришта салавот айтиб туради, агар оқшом пайти кўргани борса, то тонггача унга етмиш минг фаришта салавот айтиб туради ва жаннатдаги бир мевазор боғ унга бўлади».

Шарх:

Беморни зиёрат қилиш Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам тарғиб қилган ишлардан бўлиб, у билан беморнинг синиқ кўнгли

кўтарилиб, гўё дардига малҳам бўлади. У мусулмоннинг мусулмон биродари устидаги ҳақларидандир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мазкур ҳадисларида унинг улкан ажру савоблар ҳосил қилувчи амал экани ҳақида ҳам хабар бердилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1 - Касални зиёрат қилишда ундан кўнгил сўраш ва ҳолидан ибратланиш бор бўлгани туфайли ҳам бу иш суннат амаллардан.

2 – Бу мусулмоннинг мусулмон биродари устидаги ҳақларидан.

3 – У кўп фазилатли ва савоби улуғ ишлардан.

163 – дарс. Ўнг томондан бошлашнинг суннатлиги ҳақида

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُعْجِبُهُ التَّيْمُنُ فِي تَنَعُّلِهِ وَتَرَاجُلِهِ وَطُهُورِهِ وَفِي شَأْنِهِ كُلِّهِ (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо айтадилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам оёқ кийимларини кийишда, сочларини тарашда, таҳоратларида ва барча ишларида ўнг томондан бошлашни ёқтирардилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا انْتَعَلَ أَحَدُكُمْ فَلْيَبْدَأْ بِالْيَمِينِ وَإِذَا نَزَعَ فَلْيَبْدَأْ بِالشَّمَالِ لِيَكُنَ الْيَمْنَى أَوْلَهُمَا تُنْعَلُ وَآخِرَهُمَا تُنْزَعُ» (متفق عليه)

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлардан бирингиз оёқ кийимини кийганида ўнгидан бошласин, ечганида чапидан бошласин, ўнг пойи аввал кийилиб, кейин ечиладиган бўлсин».

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أُتِيَ بِلَبَنٍ قَدْ شِيبَ بِمَاءٍ وَعَنْ يَمِينِهِ أَعْرَابِيٌّ وَعَنْ شِمَالِهِ أَبُو بَكْرٍ فَشَرِبَ ثُمَّ أُعْطِيَ الْأَعْرَابِيَّ وَقَالَ: «الْأَيْمَنُ فَالْأَيْمَنُ» (أَخْرَجَهُ الْبُخَارِيُّ)

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Анас розияллоҳу анҳу айтадилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга сутга сув аралаштириб олиб келинди, ўнг томонларида бир аъробий, чап томонларида Абу Бакр бор эди, ўзлари ичиб, сўнг аъробийга узатдилар ва: «Аввал ўнг томондан», дедилар.

Шарҳ:

Ўнг томондан бошлаш ва ўнгни иззат-икромда муқаддам қўйиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларидан ва Ислом аҳлининг белгиларидан. Бу билан барча ишларини чап томондан бошлайдиган шайтонга зид иш қилинган бўлади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1 – Иззат-хурмат кўрсатиш ўринларида ўнг томондан бошлаш суннат.

2 – Оёқ кийим кийиш ва соч тараш каби ишларда ўнгдан бошлаш суннат.

3 – Кўпчиликка бирон нарса беришда ўнг томондан бошлаш суннат.

164 – дарс. Мақбараларни зиёрат қилиш ҳақида

عَنْ بُرَيْدَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «نَهَيْتُكُمْ عَنْ زِيَارَةِ الْقُبُورِ فَزُورُوهَا» (أخرجه مسلم) وزاد الترمذي: «فإِنَّهَا تُذَكِّرُكُمْ الْآخِرَةَ»

Имом Муслим Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мен сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим, энди уларни зиёрат қилаверинг». Имом Термизий ривоятида: «Чунки у сизларга охиратни эслатади», деб қўшиб қўйилган.

عَنْ بُرَيْدَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُعَلِّمُهُمْ إِذَا خَرَجُوا إِلَى الْمَقَابِرِ فَكَانَ قَائِلُهُمْ يَقُولُ السَّلَامُ عَلَيْكُمْ أَهْلَ الدِّيَارِ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُسْلِمِينَ وَإِنَّا إِن شَاءَ اللَّهُ لَلَاحِقُونَ أَسْأَلُ اللَّهَ لَنَا وَلَكُمْ الْعَافِيَةَ (أخرجه مسلم)

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Бурайда розияллоҳу анҳу айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга қабристонга чиққанда шундай дейишни ўргатардилар: «Ассалому алайкум ушбу диёр аҳли бўлмиш мўмин мусулмонлар, биз ҳам

албатта сизнинг ортингиздан келувчимиз, бизга ва сизларга Аллоҳдан офият сўрайман»

عَنْ أَبِي مَرْثَدٍ الْعَنَوِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: « لَا تُصَلُّوا إِلَى الْقُبُورِ وَلَا تَجْلِسُوا عَلَيْهَا» (أَخْرَجَهُ مُسْلِمٌ)

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абу Марсад розияллоҳу анҳу айтади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Қабрларга юзланиб намоз ўқиманглар, улар устига ўтирманглар» деганларини эшитганман.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَأَنْ يَجْلِسَ أَحَدُكُمْ عَلَى جَمْرَةٍ فَتُحْرَقَ ثِيَابُهُ فَتَخْلُصَ إِلَى جِلْدِهِ خَيْرٌ لَهُ مِنْ أَنْ يَجْلِسَ عَلَى قَبْرِ» (أَخْرَجَهُ مُسْلِمٌ)

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлардан бирингиз чўғ устига ўтириши, чўғ унинг кийимини куйдириб, баданига етиши у учун қабр устига ўтиргандан яхшироқдир».

Шарҳ:

Қабрларни зиёрат қилиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари бўлиб, ўзлари буни қилганлар ва бошқаларни ҳам шунга буюрганлар, бу нарса кишига охиратни эслатиб туришини айтганлар. Зеро, оқил инсон ўзининг бу дунёдаги охирги қароргоҳини кўрар экан, бу шубҳасиз, унинг

дунёга ҳирс қўймаслигига ва охиратдаги абадий ҳовлисини обод қилишга юзланишига сабаб бўлади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1 – Қабрларни зиёрат қилиш суннат, бундай қилиш кишига охиратни эслатади.

2 – Қабристонга кираётганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўргатганларидек салом бериш суннатдир.

3 – Қабрларга юзланиб намоз ўқиш ҳаром қилинган, чунки бу уларга сиғинишга олиб бориши мумкин.

4 – Қабрлар устига ўтириш мумкин эмас.

165 – дарс. Кишининг ўз уйидаги ҳолати ва оила аъзоларига бўлган муносабати ҳақида

عَنْ الْأَسْوَدِ قَالَ سَأَلْتُ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا مَا كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَصْنَعُ فِي بَيْتِهِ قَالَتْ كَانَ يَكُونُ فِي مِهْنَةٍ أَهْلِهِ تَعْنِي خِدْمَةَ أَهْلِهِ فَإِذَا حَضَرَتِ الصَّلَاةُ خَرَجَ إِلَى الصَّلَاةِ (أَخْرَجَهُ الْبَخَارِيُّ)

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Асвад ибн Язид айтади: Мен Оиша розияллоҳу анҳодан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйларида нима ишлар қилардилар, деб сўраганимда: «Оиласининг хизматида бўлар, намоз вақти бўлса намозга чиқар эдилар» деб жавоб берди.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ مَا مَسِسْتُ حَرِيرًا وَلَا دِيبَاجًا أَلَيْنَ مِنْ كَفِّ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَلَا شَمَمْتُ رِيحًا قَطُّ أَوْ عَرَفًا قَطُّ أَطْيَبَ مِنْ رِيحِ أَوْ عَرَفِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ (أخرجه البخاري)

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Анас розияллоҳу анҳу дедилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кафтларидан кўра мулойимроқ бўлган на ипак, на бошқа нарсани ушламадим ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бўйларидан кўра хушбўйроқ бирон ҳидни топмадим».

عَنْ أَنَسٍ قَالَ خَدَمْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَشْرَ سِنِينَ فَمَا قَالَ لِي أَفَّ قَطُّ وَمَا قَالَ لِشَيْءٍ صَنَعْتُهُ لَمْ صَنَعْتَهُ وَلَا لِشَيْءٍ تَرَكْتُهُ لَمْ تَرَكْتُهُ (رواه الترمذي)

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Анас розияллоҳу анҳу дедилар: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ўн йил хизмат қилдим, ул зот менга бирон марта «уф» демадилар, биронта қилган ишим учун: «Нега бундай қилдинг!», қилмаган ишим учун: «Нега қилмадинг!», демадилар.»

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ مَا ضَرَبَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شَيْئًا قَطُّ بِيَدِهِ وَلَا امْرَأَةً وَلَا خَادِمًا إِلَّا أَنْ يُجَاهِدَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَمَا نِيلَ مِنْهُ شَيْءٌ قَطُّ فَيَنْتَقِمَ مِنْ صَاحِبِهِ إِلَّا أَنْ يُنْتَهَكَ شَيْءٌ مِنْ مَحَارِمِ اللَّهِ فَيَنْتَقِمَ لِلَّهِ عَزَّ وَجَلَّ (رواه مسلم)

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо дедилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўллари билан Аллоҳ йўлидаги жиҳоддан бошқа пайтда на бир аёлни ва на бир

хизматкорни урдилар! Шахсиятларига нисбатан қилинган ишлардан асло ўч олмас эдилар. Фақат Аллоҳ ҳаром қилган ишларни қилинган пайтда Аллоҳ азза ва жалла учунгина интиқом олар эдилар.»

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ مَا عَابَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ طَعَامًا قَطُّ إِنْ اشْتَهَاهُ أَكَلَهُ
وَإِلَّا تَرَكَهُ (متفق عليه)

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу дедилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳеч қачон таомни айбламаганлар. Агар хоҳласалар еганлар, хоҳламасалар емаганлар».

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّهَا كَانَتْ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرٍ قَالَتْ فَسَابَقْتُهُ
فَسَبَقْتُهُ عَلَى رِجْلِي فَلَمَّا حَمَلْتُ اللَّحْمَ سَابَقْتُهُ فَسَبَقَنِي فَقَالَ: «هَذِهِ بَيْتُكَ السَّبَقَةِ» (أخرجه أبو داود)

Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу ано айтадилар: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан сафарда бирга эдик, югуришда мусобақалашиб, мен у зотдан ўзиб кетдим. Кейинроқ тўлишган пайтимда яна мусобақалашдик, бу гал ўзиб кетдилар ва: «Бу галгиси аввалгиси билан тенг бўлди», дедилар.

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хонадонларида, оила аъзоларига нисбатан барча эргашиши лозим бўлган олий ахлоқ

намунаси эдилар. Уйларида оилаларининг хизматларини адо этар, уларга нисбатан юмшоқкўнгил, сабр-бардошли эдилар, ҳатто ходимларни ҳам ҳадеб танқид қилавермас, аҳли оилаларининг кўнгилларини ёзишга ҳаракат қилар, сафарга чиққанларида уларнинг дилларига сурур бахш этиш учун мусобақалашиб турар эдилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1 – Хонадон аҳлига нисбатан кичиккўнгил бўлиш, уларга юмшоқ муомала қилиш, кўмаклашиш, ҳазил-мутоиба қилиб туриш лозим.

2 – Бу нарса эркак кишининг қадрини пасайтирмайди, аксинча, оширади. Чунки бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг феълларидан.

166 – дарс. Гуноҳ бўлмаган ишларда ҳокимларга итоат қилишнинг вожиблиги:

Аллоҳ таоло Нисо сурасининг 59-оятда айтади:

«Эй мўъминлар, Аллоҳга итоат қилингиз, ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйсунингиз!»

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: «عَلَى الْمَرْءِ الْمُسْلِمِ السَّمْعُ وَالطَّاعَةُ فِيمَا أَحَبَّ وَكَرِهَ إِلَّا أَنْ يُؤْمَرَ بِمَعْصِيَةٍ فَإِنْ أُمِرَ بِمَعْصِيَةٍ فَلَا سَمْعَ وَلَا طَاعَةَ» (متفق عليه)

Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинган муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Модомики гуноҳларга буюрилмас экан муслмон одам яхши ва ёмон кўрган нарсаларида (амирларга) қулоқ солиб, итоат этиши фарздир. Агар гуноҳга буюрилар экан, қулоқ солиш ва итоат этиш йўқдир», дедилар.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «مَنْ خَلَعَ يَدًا مِنْ طَاعَةِ لِقَى اللَّهَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لَا حُجَّةَ لَهُ وَمَنْ مَاتَ وَوَلَّيْسَ فِي عُنُقِهِ بَيْعَةٌ مَاتَ مِيتَةً جَاهِلِيَّةً» (أخرجه مسلم)

Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Ким (халифага) итоатдан қўл тортса, қиёмат куни Аллоҳга (бу қилган ишига) бирон ҳужжати бўлмаган ҳолда рўбарў келади. Ким бўйнида байъат бўлмаган ҳолда ўлса, жоҳилият ўлимини топибди».

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ كَرِهَ مِنْ أَمِيرِهِ شَيْئًا فَلْيَصْبِرْ فَإِنَّهُ مَنْ خَرَجَ مِنَ السُّلْطَانِ شَبْرًا مَاتَ مِيتَةً جَاهِلِيَّةً» (متفق عليه)

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Амиридан бирон нарсани ёқтирмаган одам сабр қилсин. Чунки султонга итоатдан бир қарич чиққан одам жоҳилият ўлими билан ўлади», дедилар.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ كُنَّا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرٍ فَنَزَلْنَا مَنْزِلًا إِذْ نَادَى مُنَادِي رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الصَّلَاةَ جَامِعَةً فَاجْتَمَعْنَا إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: «إِنَّهُ لَمْ يَكُنْ نَبِيًّا قَبْلِي إِلَّا كَانَ حَقًّا عَلَيْهِ أَنْ يَدُلَّ أُمَّتَهُ عَلَى خَيْرٍ مَا يَعْلَمُهُ لَهُمْ وَيُنذِرَهُمْ شَرًّا مَا يَعْلَمُهُ لَهُمْ وَإِنَّ أُمَّتَكُمْ هَذِهِ جُعِلَ عَافِيَتُهَا فِي أَوْلِيهَا وَسَيُصِيبُ آخِرَهَا بَلَاءٌ وَأُمُورٌ تُنْكَرُونَهَا وَتَجِيءُ الْفِتْنَةُ فَيُرَقَّقُ بَعْضُهَا بَعْضًا وَتَجِيءُ الْفِتْنَةُ فَيَقُولُ الْمُؤْمِنُ هَذِهِ مُهْلِكَتِي ثُمَّ تَنْكَشِفُ وَتَجِيءُ الْفِتْنَةُ فَيَقُولُ الْمُؤْمِنُ هَذِهِ هَذِهِ فَمَنْ أَحَبَّ أَنْ يُزْحَرَخَ عَنِ النَّارِ وَيُدْخَلَ الْجَنَّةَ فَلْتَأْتِهِ مَنِيَّتُهُ وَهُوَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَلَيَأْتِيَ إِلَى النَّاسِ الَّذِي يُحِبُّ أَنْ يُؤْتَى إِلَيْهِ وَمَنْ بَايَعَ إِمَامًا فَأَعْطَاهُ صَفْقَةً يَدِهِ وَثَمْرَةَ قَلْبِهِ فَلْيُطِعهُ إِنْ اسْتَطَاعَ فَإِنْ جَاءَ آخِرُ يُنَازِعُهُ فَاضْرِبُوا عُنُقَ الْآخِرِ» (أخرجه مسلم)

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумо айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга сафарда кетаётиб бир жойга тушдик, у зотнинг жарчилари: «Жамоат намозига!» деб нидо қилиб қолди, у зотнинг ҳузурларига тўпландик. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Мендан аввал бирон пайғамбар ўтган бўлса, умматини улар учун яхши деб билган нарсага йўллаш ва улар учун ёмон деб билган нарсдан огоҳлантириш унга лозим бўлган. Ушбу

умматнинг офияти унинг аввалида қилинди, охирида бало-имтиҳонлар ва сизлар ёқтирмайдиган ишлар келади. Шундай фитналар келадик, кейингисининг олдида аввалгиси енгил бўлиб қолади. Фитналардан бири келганда мўмин киши: «Шу мени ҳалок қилса керак» деб ўйлайди, кейин у барҳам топиб, бошқаси келганида: «Шунисида аниқ ҳалок бўлсам керак» дейди. Кимдаким дўзахдан узоқ қилиниб, жаннатга киритилишини истаса, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган ҳолда вафот қилсин. Одамлардан нимани кутса у ҳам одамларга ўшани берсин. Кимдаким бир имомга (яъни халифага) байъат бериб, холис аҳд-паймон қилган бўлса, имкон қадар унга итоат қилсин. Агар бошқа биров келиб у билан (халифалик) талашса, унинг калласини олинглар».

Шарҳ:

Исломда ҳокимнинг маҳкум билан бўлган алоқаси шариат томонидан белгилаб берилган, хоҳиш-ҳаволар, ҳис-туйғулар ва кимларнингдир шахсий манфаатлари таъсир ўтказмайдиган қонун-қоидалар ва тартиб-интизомлар асосига қурилган. У – жамиятнинг ислоҳи нима билан бўлишини яхши билувчи Зот тарафидан қурилган алоқадир. Аҳлиссунна валжамоа ақидасида халифа ёки унинг ўринбосарига фақат яхши ишларда итоат қилинади, гуноҳ ишларга буюрса унга итоат қилинмайди. Ер юзида халифа бўла туриб унга байъат бермасдан ёки сабабсиз халифага қарши чиққан одам жоҳилият аҳли каби вафот этади.

Яъни, итоат қилинадиган имом (халифа, амир) бўлмаган жоҳилият пайтидагилар ўлими каби ўлим топади. Бундан мурод айримлар ўйлаганидек кофир бўлиб ўлади, дегани эмас!

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1 – Мусулмон киши ёқтирган ишларида ҳам, ёқтирмаган ишларида ҳам - Аллоҳга маъсият бўлмаса - амирга итоат қилиши шарт.

2 – Ер юзида халифа тикланадиган бўлса унга байъат бериш фарз.

167 – дарс. Мусулмон раҳбарга қарши чиқиш ман қилингани ҳақида

عَنْ عَبْدِ بْنِ الصَّامِتِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ دَعَانَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَبَايَعَنَا فَقَالَ فِيمَا أَخَذَ عَلَيْنَا أَنْ بَايَعَنَا عَلَى السَّمْعِ وَالطَّاعَةِ فِي مَنْشَطِنَا وَمَكْرَهِنَا وَعُسْرِنَا وَيُسْرِنَا وَأَثَرَةٍ عَلَيْنَا وَأَنْ لَا نُنَازِعَ الْأَمْرَ أَهْلَهُ إِلَّا أَنْ تَرَوْا كُفْرًا بَوَاحًا عِنْدَكُمْ مِنْ اللَّهِ فِيهِ بُرْهَانٌ (رواه مسلم).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳу айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни чақирдилар, биз у зотга байъат бердик. Биздан байъат олган ишлар ичида яхши кўрган ишларимизда ҳам, ёмон кўрган ишларимизда ҳам, қийинчилик пайтларда ҳам, фаровонлик пайтларда ҳам, ҳақ-ҳуқуқларимизни ман қилганида ҳам

(амирларга) кулоқ солиб, итоат қилиш, иш эгалари (амирлар) билан низолашмаслик бор эди, «Фақат сизларда Аллоҳ тарафидан далил-ҳужжат бўлган очик куфрни ундан содир бўлганини кўрсангизлар (уларга итоат қилмаслик мумкин)», дедилар.

عَنْ عَوْفِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «خِيَارُ أُمَّتِكُمُ الَّذِينَ تُحِبُّونَهُمْ وَيُحِبُّونَكُمْ وَيُصَلُّونَ عَلَيْكُمْ وَتُصَلُّونَ عَلَيْهِمْ وَشِرَارُ أُمَّتِكُمُ الَّذِينَ تُبْغِضُونَهُمْ وَيُبْغِضُونَكُمْ وَتَلْعَنُونَهُمْ وَيَلْعَنُونَكُمْ» قِيلَ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَفَلَا نُنَابِذُهُمْ بِالسَّيْفِ فَقَالَ: «لَا، مَا أَقَامُوا فِيكُمْ الصَّلَاةَ وَإِذَا رَأَيْتُمْ مِنْ وُلَاتِكُمْ شَيْئًا تَكَرَّهْتُمْ فَانْكُرُوهُ فَانْكُرْهُوَ عَمَلُهُ وَلَا تَنْزِعُوا يَدًا مِنْ طَاعَةٍ» (رواه مسلم).

Имом Муслим Авф ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Бошлиқ (халифа)ларингизнинг яхшироғи сизлар яхши кўрадиган ва сизларни ҳам яхши кўрадиган, ҳаққингизга дуо қиладиган, сизлар ҳам улар ҳаққига дуо қиладиганларингиздир. Халифаларингизнинг ёмонроғи сизлар ёмон кўрадиган ва сизларни ҳам ёмон кўрадиган, сизлар уларни лаънатлайдиган ва улар ҳам сизларни лаънатлайдиганларидир». Саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, уларга қилич билан қарши турмайликми?», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Модомики, сизларнинг ичингизда намозни қоим қилар эканлар, йўқ. Агар амирларингизда ўзингиз ёқтирмаган бирон нарсани кўрсангиз, уларнинг ўша ишини ёмон кўринг. Лекин итоатдан кўл тортманг!», дедилар.

عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: «إِنَّهُ يُسْتَعْمَلُ عَلَيْكُمْ أَمْرًا فَتَعْرِفُونَ وَتُنْكِرُونَ فَمَنْ كَرِهَ فَقَدْ بَرِيءٌ وَمَنْ أَنْكَرَ فَقَدْ سَلِمَ وَلَكِنْ مَنْ رَضِيَ وَتَابَعَ» قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ أَلَا نُفَاتِلُهُمْ؟ قَالَ: «لَا مَا صَلَّوْا» (أخرجه مسلم)

Имом Муслим Умму Салама розияллоху анҳодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Сизларга амирлар таъйин қилинади. Сизлар улардан яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам кўрасизлар. Ким (уларнинг ёмонликларини) ёмон кўрса, улардан пок бўлибди ва гуноҳларига шерик бўлмабди. Ким (уларнинг ёмонликларини) инкор этса, (бу гуноҳ уқубатидан) қутулибди. Бироқ, уларнинг ёмонликларига рози бўлган ва эргашган киши (ундай эмасдир)», дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, улар билан уруш қилайликми?», деб сўрадилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Модомики, намоз ўқир эканлар, йўқ», деб жавоб бердилар.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ كَرِهَ مِنْ أَمِيرِهِ شَيْئًا فَلْيَصْبِرْ فَإِنَّهُ مَنْ خَرَجَ مِنَ السُّلْطَانِ شَبْرًا مَاتَ مِيتَةً جَاهِلِيَّةً» (متفق عليه)

Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Амиридан бирон нарсани ёқтирмаган одам сабр қилсин. Чунки султонга итоатдан бир қарич чиққан одам жоҳилият ўлими билан ўлади», дедилар.

Шарҳ:

Ислом дини манфаатларни жалб қилиш ва зарарларни даф қилиш асосига қурилган. У шаръий имом-халифага қарши чиқишдан қайтаради, чунки бунинг ортидан фитналар қўзғолиши, қонлар тўкилиши, одамларнинг диний ва дунёвий манфаатларига катта зиёнлар етиши мумкин. Модомики улар уммат орасида намозни жамоат билан ўқишга рухсат берар, ўзлари ҳам намоз ўқир эканлар уларга қарши чиқилмайди, жабрларига сабр қилинади. Аммо қачонки улардан очиқ куфр амали содир бўлса, умматнинг куч-қудрати етса унга қарши чиқадилар.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1 – Мусулмонларнинг халифасига сабабсиз қарши чиқиш ҳаромдир.

2 – Халифага байъат беришдан қўл тортган ва унга қарши чиққан одам шу ҳолда вафот этса, халифага байъат бермаган жоҳилият аҳли сингари ўлим топади.

168 – дарс. Йўлнинг ҳаққи

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِيَّاكُمْ وَالْجُلُوسَ فِي الطَّرِيقَاتِ» قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا لَنَا بَدُّ مِنْ مَجَالِسِنَا نَتَحَدَّثُ فِيهَا، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «فَإِذَا أَبَيْتُمْ إِلَّا الْمَجْلِسَ فَأَعْطُوا الطَّرِيقَ حَقَّهُ» قَالُوا: وَمَا حَقُّهُ؟ قَالَ: «غَضُّ الْبَصَرِ وَكَفُّ الْأَذَى وَرَدُّ السَّلَامِ وَالْأَمْرُ بِالْمَعْرُوفِ وَالنَّهْيُ عَنِ الْمُنْكَرِ» (متفق عليه).

Абу Саид ал-Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам: «Кўчаларда ўтирманглар» дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулаллох, ўтирмасдан иложимиз йўқ, гаплашиб ўтириб қоламиз» дейишди. Расулаллох соллаллоху алайҳи ва саллам: «Агар ўтиришга мажбур бўлиб қолсангиз, йўлнинг ҳаққини ўтаб қўйинглар», дедилар. «Ҳаққи нима?» дейишди. «(Ўтган кетганга) кўзни тикмаслик, озор етказмаслик, салом берганга алик олиш ва яхши ишларга буюриб, ёмон ишлардан қайтариш», дедилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «اتَّقُوا اللَّاعِنِينَ» قَالُوا وَمَا اللَّاعِنَانِ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: «الَّذِي يَتَخَلَّى فِي طَرِيقِ النَّاسِ أَوْ ظَلَّهِمْ» (أَخْرَجَهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ)

Имом Муслим ва имом Абу Довудлар Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилишган ҳадисда Расулаллох соллаллоху алайҳи ва саллам: «Лаънат келтирувчи икки ишдан эҳтиёт бўлинглар!», дедилар. «Улар қайсилар?» деб сўралди. «Одамлар юрадиган йўлга ёки улар ўтирадиган соя-салқин жойларга ҳожат чиқариш (ё бавл қилиш)», дедилар.

Йўлдан озорни даф қилиш садақадир:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «بَيْنَمَا رَجُلٌ يَمْشِي بِطَرِيقٍ وَجَدَ غُصْنَ شَوْكٍ عَلَى الطَّرِيقِ فَأَخْرَهُ فَشَكَرَ اللَّهُ لَهُ فَغُفِرَ لَهُ» (أَخْرَجَهُ الْبُخَارِيُّ)

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Бир киши йўлда кетаётиб, тиканакли бутоққа йўлиқди ва уни йўлдан олиб ташлади. Аллоҳ унинг бу ишидан рози бўлиб, гуноҳларини мағфират қилди».

Шарҳ:

Исломда йўлнинг ҳам ундан ўтган ёки устида ўтирган киши адо этиши лозим бўлган ҳақлари бор, мусулмон киши уни адо этиш билан катта ажрга эришади, шу билан бирга мусулмон биродарларига фойдаси теккан ва улардан озорни четлатган бўлади.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1 – Йўл устида ўтирган киши бир неча ҳақларни адо этиши лозим. Жумладан: кўзни ҳаромдан тийиш, қўл ё тил билан озор беришдан тийилиш, маъруфга буюриш, мункардан қайтариш.

2 – Одамлар юрадиган йўл ва улар салқинландиган жойга ҳожат ўташ ва бавл қилиш ҳаром.

3 – Мусулмонларнинг йўлларида уларга озор берадиган нарсаларни четлатиш мустаҳаб ва ажри улуғ ишлардан.

169 – дарс. Қасамнинг каффорати ҳақида

Аллоҳ таоло Моида сурасининг 89-оятида айтади:

«Аллоҳ сизларни тилларингиздаги беҳуда қасамларингиз сабабли жазоламайди. Балки (дилларингиздаги) маҳкам туккан қасам сабабли (агар шундай қасамни бузсангиз) жазолайди. Бас, унинг каффорати ўз оилангизни боқадиган ўртача таомлардан ўнта мискинга таом бериш ёки уларнинг сарпосини қилиш, ёхуд бир қулни озод қилишдир. Ким (бу нарсаларни) топа олмаса, уч кун рўза тутсин! Мана шу — қасам ичган (ва уни бузган) пайтингиздаги қасамларингиз каффоратидир. Қасамларингизни (бузишдан) сақланингиз. Шукр қилишингиз учун Аллоҳ сизларга Ўз оятларини мана шундай очиқ-ойдин баён қилур».

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ حَلَفَ عَلَى يَمِينٍ فَرَأَى غَيْرَهَا خَيْرًا مِنْهَا فَلْيَأْتِ الَّذِي هُوَ خَيْرٌ وَلْيُكْفِّرْ عَنْ يَمِينِهِ» (أخرجه مسلم)

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким бир (ишни қилишга) қасам ичса-ю, бошқа бир ишни ундан кўра яхшироқ деб кўрса, яхши деб кўрганини қилаверсин ва қасамига каффоат берсин», дедилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «وَاللَّهِ لَأَنْ يَلِجَ أَحَدُكُمْ بِيَمِينِهِ فِي أَهْلِهِ أَنْتُمْ لَهُ عِنْدَ اللَّهِ مِنْ أَنْ يُعْطِيَ كَفَّارَتَهُ الَّتِي افْتَرَضَ اللَّهُ عَلَيْهِ» (متفق عليه).

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам: «Сизлардан бирингиз аҳли-оиласи ҳақида ичган қасамида маҳкам туравериши у учун Аллоҳнинг наздида Аллоҳ унга фарз қилган каффоратини беришидан (ва қасамдан қутулишидан) кўра гуноҳлироқдир», дедилар.

Шарҳ:

Баъзан инсон бир ишни қилишга ёки қилмасликка қасам ичиб қўяди-да, кейин фикри ўзгариб, ўша қасмидан қайтиб қолади. Бандасига меҳрибон бўлган Зот унга шундай ҳолатдан чиқиш йўлини қилиб қўйди. Бу – қасамнинг Аллоҳ таоло тарафидан белгилаб берилган каффоратини бериш билан бўлади.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

- 1 – Каффорат бериб, қасамдан қутулиш мумкин.
- 2 – Қасамнинг каффорати ўнта мискинни тўйдириш ё кийинтириш ёки бир қул озод қилишдир.
- 3 – Мазкур ишларга имконияти бўлмаган киши уч кун рўза тутса ҳам бўлади.

170 – дарс. Хамр (маст қилувчи ичимлик) ичиш ҳаромлиги ҳақида

Аллоҳ таоло Моида сураси 90-оятида айтади:

«Эй мўминлар, ароқ (маст қиладиган ичкилик ичиш), қимор (ўйнаш), бутлар (яъни уларга сиғиниш) ва чўплар (яъни чўплар билан фолбинлик қилиш) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг ҳар биридан узоқ бўлингиз!»

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «كُلُّ مُسْكِرٍ خَمْرٌ وَكُلُّ مُسْكِرٍ حَرَامٌ وَمَنْ شَرِبَ الْخَمْرَ فِي الدُّنْيَا فَمَاتَ وَهُوَ يُدْمِنُهَا لَمْ يَتُبْ لَمْ يَشْرَبْهَا فِي الْآخِرَةِ»
(أخرجه مسلم)

Имом Муслим Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ҳар бир маст қилувчи нарса хамрдир, ҳар бир маст қилувчи нарса ҳаромдир, ким дунёда хамр ичиб юрса, унга муккасидан кетиб, тавба қилмаган ҳолда ўлса, охирада уни ичмайди», дедилар.

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «كُلُّ مُسْكِرٍ حَرَامٌ إِنَّ عَلَى اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ عَهْدًا لِمَنْ يَشْرَبُ الْمُسْكِرَ أَنْ يَسْقِيَهُ مِنْ طِينَةِ الْخَبَالِ» قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ وَمَا طِينَةُ الْخَبَالِ؟ قَالَ: «عَرَقُ أَهْلِ النَّارِ أَوْ عُصَارَةُ أَهْلِ النَّارِ» (أخرجه مسلم)

Имом Муслим Жобир розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ҳар бир маст қилувчи нарса ҳаромдир, Аллоҳ таоло маст қилувчи ичимлик ичган кимсага фасод балчиғидан ичиришга ваъда берган», дедилар.

Саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, фасод балчиғи нима?» деб сўрадилар.
«Дўзах аҳлидан чиққан тер ёки дўзах аҳлидан чиққан йиринг»,
дедилар.

عَنْ وَائِلِ الْحَضْرَمِيِّ أَنَّ طَارِقَ بْنَ سُؤَيْدِ الْجُعْفِيِّ سَأَلَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الْخَمْرِ
فَنَهَاهُ أَوْ كَرِهَهُ أَنْ يَصْنَعَهَا فَقَالَ إِنَّمَا أَصْنَعُهَا لِلدَّوَاءِ فَقَالَ: «إِنَّهُ لَيْسَ بِدَوَاءٍ وَلَكِنَّهُ دَاءٌ» (رواه
مسلم)

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Воил ал-Ҳазромий
розияллоҳу анҳу айтади: Торик ибн Сувайд Набий соллаллоҳу
алайҳи ва салламдан ароқ тайёрлаш ҳақида сўраган эди, Набий
соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни бундан қайтардилар. Шунда у:
«Мен уни фақат даво учун тайёрлайман», деди. Набий соллаллоҳу
алайҳи ва саллам: «У даво эмас, дарддир», дедилар.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ شَرِبَ
الْخَمْرَ لَمْ يَقْبَلِ اللَّهُ لَهُ صَلَاةً أَرْبَعِينَ صَبَاحًا، فَإِنْ تَابَ تَابَ اللَّهُ عَلَيْهِ فَإِنْ عَادَ لَمْ يَقْبَلِ اللَّهُ لَهُ صَلَاةً
أَرْبَعِينَ صَبَاحًا فَإِنْ تَابَ تَابَ اللَّهُ عَلَيْهِ فَإِنْ عَادَ لَمْ يَقْبَلِ اللَّهُ لَهُ صَلَاةً أَرْبَعِينَ صَبَاحًا فَإِنْ تَابَ تَابَ
اللَّهُ عَلَيْهِ فَإِنْ عَادَ الرَّابِعَةَ لَمْ يَقْبَلِ اللَّهُ لَهُ صَلَاةً أَرْبَعِينَ صَبَاحًا فَإِنْ تَابَ لَمْ يَتُبْ اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَقَاهُ
مِنْ نَهْرِ الْخَبَالِ» قِيلَ يَا أَبَا عَبْدِ الرَّحْمَنِ وَمَا نَهْرُ الْخَبَالِ قَالَ نَهْرٌ مِنْ صَدِيدِ أَهْلِ النَّارِ (أَخْرَجَهُ
الترمذي)

Имом Термизий Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан
ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам
дедилар: «Ким ароқ ичса, Аллоҳ ундан 40 кун намозини қабул

қилмайди. Агар тавба қилса Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилади. Агар яна ичса, Аллоҳ ундан яна 40 кун намозини қабул қилмайди. Агар тавба қилса Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилади. Агар яна ичса, Аллоҳ ундан яна 40 кун намозини қабул қилмайди. Агар тавба қилса Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилади. Агар тўртинчи бор яна ичса, Аллоҳ ундан яна 40 кун намозини қабул қилмайди. Агар тавба қилса Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилмайди ва унга фасод-йиринг анҳоридан ичиради».

Шарҳ:

Хамр – ароқ барча нопокликнинг онаси, уни ичиш гуноҳи кабиралардан. Аллоҳ уни Ўз Китобида ва Расулининг тили билан ҳаром қилган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ароққа муккасидан кетиб ўлган одамга Аллоҳ уни жаннатда ичишни ҳаром қилганини ва уни дўзах аҳлидан чиқувчи фасод-йиринглар билан суғоришини айтганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Ароқ ичиш ҳаром қилинган.
- 2- Уни ичган кишига қаттиқ ваъид – азоб хабари бор.
- 3- У дард, даво эмас.

171 – дарс. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мўъжизаларидан

Ойнинг бўлиниши:

Аллоҳ таоло Қамар сурасининг 1-оятида айтади:

«اِقْتَرَبَتِ السَّاعَةُ وَاَنْشَقَّ الْقَمَرُ»

«(Қиёмат) Соати яқинлашиб қолди ва ой ҳам бўлинди».

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ انْشَقَّ الْقَمَرُ عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شِقَّتَيْنِ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «اشْهَدُوا» (متفق عليه).

Имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу айтади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам замоналарида ой иккига бўлинди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Гувоҳ бўлинглар!», дедилар.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ أَهْلَ مَكَّةَ سَأَلُوا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يُرِيَهُمْ آيَةً فَأَرَاهُمْ انْشِقَاقَ الْقَمَرِ (أخرجه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу айтади: Макка аҳли Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан мўъжиза кўрсатишни сўрадилар. Шунда уларга ойнинг бўлинишини кўрсатдилар.

Сувнинг булоқ бўлиб чиқиши:

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ عَطِشَ النَّاسُ يَوْمَ الْحُدَيْبِيَّةِ وَالنَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَيْنَ يَدَيْهِ رِكْوَةٌ فَتَوَضَّأَ فَجَهَشَ النَّاسُ نَحْوَهُ فَقَالَ: «مَا لَكُمْ؟» قَالُوا لَيْسَ عِنْدَنَا مَاءٌ نَتَوَضَّأُ

وَلَا نَشْرَبُ إِلَّا مَا بَيْنَ يَدَيْكَ فَوَضَعَ يَدَهُ فِي الرُّكْوَةِ فَجَعَلَ الْمَاءُ يَثُورُ بَيْنَ أَصَابِعِهِ كَأَمْثَالِ الْعُيُونِ فَشَرِبْنَا وَتَوَضَّأْنَا وَكُنَّا خَمْسَ عَشْرَةَ مِائَةً (أخرجه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу айтади: Ҳудайбийя куни одамларга ташналик етди, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларида бир риква (теридан қилинган кичик идиш) сув бор эди. Таҳорат қилган эдилар, одамлар у зот томонга қараб интилдилар. «Нима гап?» деб сўрадилар. «Сизнинг олдингиздаги шу сувдан бошқа на таҳоратга, на ичгани сувимиз бор» дейишди. Шунда у зот қўлларини риквага солган эдилар, бармоқлари орасидан сув булоқ бўлиб чиқа бошлади. Биз бир ярим минг одам ўша сувдан ичдик ва таҳорат қилдик».

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ كَانَ الْمَسْجِدُ مَسْقُوفًا عَلَى جُدُوعٍ مِنْ نَخْلِ فَكَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا خَطَبَ يَقُومُ إِلَى جِدْعٍ مِنْهَا فَلَمَّا صُنِعَ لَهُ الْمِنْبَرُ وَكَانَ عَلَيْهِ فَسَمِعْنَا لِذَلِكَ الْجِدْعِ صَوْتًا كَصَوْتِ الْعِشَارِ حَتَّى جَاءَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَوَضَعَ يَدَهُ عَلَيْهَا فَسَكَتَتْ (أخرجه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу айтади: Масжидда хурмо таналаридан бўлган устунлар бор эди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хутба қилсалар, улардан бири олдида турардилар. У зотга минбар ясаб берилгач, минбар устига чиққанларида ҳалиги устундан худди бўғоз туянинг овозидек овоз чиққанини эшитдик. У Набий

соллаллоҳу алайҳи ва саллам келиб, қўлларини унга қўйиб юпатганидан кейингина тинчиб қолди.

Шарҳ:

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан у зотнинг Аллоҳ таоло томонидан юборилган ҳақ пайғамбар эканларига далил бўлувчи аломат – мўъжизалар содир бўлиб турар, уларни кўрган ё эшитган кишиларнинг иймонлари яна-да зиёдалашар эди. Ойнинг бўлиниши, бармоқлари орасидан сувнинг булоқ бўлиб чиқиши, одатда хутба қилганларида суяниб турадиган устунни тарк қилганларида унинг инграгандек овоз чиқариши мазкур мўъжизалардан баъзиларидир.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам барҳақ пайғамбардирлар.

2- У зотга мана шундай мўъжизалар берган Аллоҳнинг қудрати чексиздир.

172 – дарс. Машҳурлик ва амалдорликдан узок бўлишнинг фазли

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «تَعِسَ عَبْدُ الدِّينَارِ وَعَبْدُ الدَّرْهِمِ وَعَبْدُ الْخَمِيصَةِ إِنْ أُعْطِيَ رَضِيَ وَإِنْ لَمْ يُعْطَ سَخِطَ تَعِسَ وَأَنْتَكَسَ وَإِذَا شَيْكَ فَلَا انْتَقَشَ طُوبَى لِعَبْدٍ آخَذَ بَعْنَانَ فَرَسِهِ فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَشَعَتْ رَأْسُهُ مُغْبِرَةً قَدَمَاهُ إِنْ كَانَ فِي الْحِرَاسَةِ كَانَ فِي

الْجِرَاسَةِ وَإِنْ كَانَ فِي السَّاقَةِ كَانَ فِي السَّاقَةِ إِنْ اسْتَأْذَنَ لَمْ يُؤْذَنَ لَهُ وَإِنْ شَفَعَ لَمْ يُشَفَّعْ» (أخرجه البخاري)

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Динорнинг қули, дирҳамнинг қули, латта-путтанинг қули бахтсиз бўлсинки, берилса рози бўлади, берилмаса ғазабланади! Бахтсиз бўлсин ва тузалмасин, тикон кирса чиқмасин! Аллоҳ йўлида отининг тизгинидан тутган, сочи тўзғиган, оёқларига чанг ўтирган, қўриқчиликка қўйилса қўриқчиликда бўладиган, оддий аскарлар сафига қўйилса оддий аскарлар сафида бўладиган, (катталар олдига киришга) изн сўраса изн берилмайдиган, бировнинг ёнини олса, шафоати қабул қилинмайдиган бандага жаннат бўлсин!»

عن عَامِرِ بْنِ سَعْدٍ قَالَ كَانَ سَعْدُ بْنُ أَبِي وَقَّاصٍ فِي إِبِلِهِ فَجَاءَهُ ابْنُهُ عُمَرُ فَلَمَّا رَأَاهُ سَعْدٌ قَالَ أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّ هَذَا الرَّكَابِ فَنَزَلَ فَقَالَ لَهُ أَنْزَلْتِ فِي إِبِلِكَ وَغَنَمِكَ وَتَرَكْتِ النَّاسَ يَتَنَازَعُونَ الْمُلْكَ بَيْنَهُمْ فَضَرَبَ سَعْدٌ فِي صَدْرِهِ فَقَالَ اسْكُتْ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: « إِنْ اللَّهُ يُحِبُّ الْعَبْدَ النَّقِيَّ الْغَنِيِّ الْخَفِيِّ» (أخرجه مسلم).

Имом Муслим Омир ибн Саъддан ривоят қилади: Саъд ибн Аби Ваққос розияллоҳу анҳу туялари ичида юрган эди, ўғли Умар келиб қолди. Саъд уни кўрган пайт: «Бу отликнинг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ сўрайман» деди. Ўғли тушиб келиб, унга: «Сиз одамларни бир-бирлари билан мулк (ҳокимият) талашган ҳолда ташлаб, ўзингиз туя ва қўйларингиз орасида юрибсизми?!» деди.

Саъд унинг кўкрагига шапатилади ва: «Жим бўл, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Албатта Аллоҳ тақводор, бировлардан беҳожат ва кўзга ташланмайдиган бандани яхши кўради» деганларини эшитганман», деди.

Шарҳ:

Шон-шуҳрат ва раҳбарликни яхши кўриш амалнинг Аллоҳга холис бўлишидан тўсадиган ишлар жумласидан. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам амални имкон қадар махфий қилишга, шон-шуҳрат кетидан қувмасликка буюрганлар. Зеро, бу билан кишининг дини саломат қолиб, ўзи фитналардан узоқ бўлади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тавозеъли бўлишга ва шуҳратпарастликдан узоқлашишга тарғиб қилганлар.

2- Амални кўздан яшириб қилиш ва одамлардан беҳожат бўлиш яхши.

173 – дарс. Яхшиларга озор беришдан огоҳлантириш

Аллоҳ таоло Ҳаж сураси 38-оятда шундай дейди:

إِنَّ اللَّهَ يُدَافِعُ عَنِ الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ كُلَّ خَوَّانٍ كَفُورٍ

«Албатта Аллоҳ иймон келтирган зотларни мудофаа қилур. Албатта Аллоҳ барча хоин ва куфрони неъмат қилувчиларни суймас».

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ اللَّهَ قَالَ مَنْ عَادَى لِي وَلِيًّا فَقَدْ آذَنْتُهُ بِالْحَرْبِ وَمَا تَقَرَّبَ إِلَيَّ عَبْدِي بِشَيْءٍ أَحَبَّ إِلَيَّ مِمَّا افْتَرَضْتُ عَلَيْهِ وَمَا يَزَالُ عَبْدِي يَتَقَرَّبُ إِلَيَّ بِالنَّوَافِلِ حَتَّى أُحِبَّهُ فَإِذَا أَحْبَبْتُهُ كُنْتُ سَمْعَهُ الَّذِي يَسْمَعُ بِهِ وَبَصَرَهُ الَّذِي يُبْصِرُ بِهِ وَيَدَهُ الَّتِي يَبْطِشُ بِهَا وَرِجْلَهُ الَّتِي يَمْشِي بِهَا وَإِنْ سَأَلَنِي لِأَعْطِيَنَّهُ وَلَئِنْ اسْتَعَاذَنِي لِأُعِيذَنَّهُ (رواه البخاري)

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло деди: «Ким Менинг (тоат-ибодатимда мустаҳкам бўлган) дўстимга душманлик қилса, Мен унга уруш эълон қиламан. Бандам мен унга фарз қилган амалларимдан кўра Менга суюмлироқ бўлган бошқа бирор нарса билан Менга яқинлаша олмайди. Бандам Менга нафл амалларини қилиш билан яқинлашаверади, ваниҳоят Мен уни яхши кўриб қоламан. Агар яхши кўриб қолсам, Мен унинг эшитадиган қулоғига, кўрадиган кўзига, ушлайдиган қўлига ва юрадиган оёғига айланаман. (Яъни, у фақат мен хоҳлаган ва мени рози қиладиган нарсаларни эшитади, кўради ва ҳоказо.) Агар мендан сўраса, албатта бераман, паноҳ тиласа, албатта паноҳимга оламан».

عَنْ جُنْدُبِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ صَلَّى صَلَاةَ الصُّبْحِ فَهُوَ فِي ذِمَّةِ اللَّهِ فَلَا يَطْلُبَنَّكَ اللَّهُ مِنْ ذِمَّتِهِ بِشَيْءٍ فَإِنَّهُ مَنْ يَطْلُبْهُ مِنْ ذِمَّتِهِ بِشَيْءٍ يُدْرِكْهُ ثُمَّ يَكْبَهُ عَلَى وَجْهِهِ فِي نَارِ جَهَنَّمَ» (أخرجه مسلم).

Имом Муслим Жундуб ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким бомдод намозини (жамоат билан) ўқиса, у Аллоҳнинг кафолатида бўлади. (Бомдод намозини ўқиган одамга зулм ё озор етказиш билан) Аллоҳнинг кафолатини бузишдан эҳтиёт бўлинглар. Кафолатини бузган одамни Аллоҳ жаҳаннам оловига юзтубан улоқтиради».

Шарҳ:

Аллоҳнинг дўстлари – Унга буйруқларини қилиш ва қайтариқларидан тийилиш билан итоат қилувчи ва комил тавҳидни рўёбга чиқарувчи солиҳ бандаларидир. Аллоҳ уларни тавҳидлари боис мукаррам қилди, уларга душманлик ва ҳақларига тажовуз қилишдан огоҳлантирди, уларни Ўзи мудофаа қилишини, ҳимоя ва мададларига Ўзи кафил эканини хабар берди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Аллоҳнинг дўстларига душманлик қилишдан эҳтиёт бўлиш керак.

2- Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг Ўзи уларни ҳимоя қилади ва кафолатига олади.

3- Бомдод намозини жамоатда бўлсин уйида бўлсин ўқиган одам Аллоҳнинг кафолатидадир.

174 – дарс. Аллоҳга тоат қилиш кўнгилнинг ёзилишига ва кайфиятнинг яхшиланишига сабабдир

Аллоҳ таоло айтади:

«أَلَا بِذِكْرِ اللَّهِ تَطْمَئِنُّ الْقُلُوبُ»

«Огоҳ бўлингизким, Аллоҳни зикр қилиш билан қалблар ором олур» (Раъд: 28).

«وَمَنْ أَعْرَضَ عَن ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنْكًا»

«Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, албатта унинг учун танг – бахтсиз ҳаёт бўлур» (Тоҳа: 124).

«مَنْ عَمِلَ صَالِحًا مِّنْ ذَكَرٍ أَوْ أَنْتَىٰ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَلَنُحْيِيَنَّهٗ حَيَاةً طَيِّبَةً»

«Эркакми ё аёлми — кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирон яхши амал қилса, Биз унга покиза ҳаёт ато этурмиз» (Наҳл: 97).

«وَمَنْ يُؤْمِنْ بِاللَّهِ يَهْدِ قَلْبَهُ»

«Ким Аллоҳга иймон келтирса, У зот унинг қалбини (тўғри йўлга) ҳидоят қилур» (Тағобун: 11).

عَنْ صُهَيْبِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «عَجَبًا لِأَمْرِ الْمُؤْمِنِ إِنَّ أَمْرَهُ كُلَّهُ خَيْرٌ وَلَيْسَ ذَاكَ لِأَحَدٍ إِلَّا لِلْمُؤْمِنِ، إِنْ أَصَابَتْهُ سَرَّاءٌ شَكَرَ فَكَانَ خَيْرًا لَهُ وَإِنْ أَصَابَتْهُ ضَرَّاءٌ صَبَرَ فَكَانَ خَيْرًا لَهُ (رواه مسلم)

Имом Муслим Суҳайб розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мўминнинг иши қизиқ, унинг барча ишлари яхшиликдир, бу ҳол мўминдан бошқасига насиб бўлмайди. Агар унга хурсандчилик етса шукр қилади, бу нарса унга яхшилик бўлади. Агар мусибат етса сабр қилади, бу ҳам унга яхшили бўлади.»

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «يَعْقُدُ الشَّيْطَانُ عَلَى قَافِيَةِ رَأْسِ أَحَدِكُمْ إِذَا هُوَ نَامَ ثَلَاثَ عُقَدٍ يَضْرِبُ كُلَّ عُقْدَةٍ عَلَيْكَ لَيْلٌ طَوِيلٌ فَارْقُدْ فَإِنْ اسْتَيْقَظَ فَذَكَرَ اللَّهَ انْحَلَّتْ عُقْدَةٌ فَإِنْ تَوَضَّأَ انْحَلَّتْ عُقْدَةٌ فَإِنْ صَلَّى انْحَلَّتْ عُقْدَةٌ فَأَصْبَحَ نَشِيطًا طَيِّبَ النَّفْسِ وَإِلَّا أَصْبَحَ خَبِيثَ النَّفْسِ كَسَلَانَ» (أخرجه البخاري)

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлардан бирингиз ухлаган пайтида шайтон унинг бошининг орқасига учта тугун тугиб кўяди, ҳар бир тугунга: «Ҳали тун узоқ, ухлайвер» деб дам солиб кўяди. Агар уйғонса ва Аллоҳни зикр қилса, битта тугун ечилади. Таҳорат қилса, яна бир тугун ечилади. Намоз ўқиса, яна бир тугун ечилади ва у одам тетик, хушҳол бўлиб тонг оттиради. Аксинча бўлса, ялқов ва дили хира бўлиб тонг оттиради», дедилар.

Шарҳ:

Ҳар бир инсон кўнглини ёзадиган ва ҳаётида саодатли лаҳзалар бахш этадиган нарсаларга ҳаракат қилади. Аллоҳ таолога бўлган тоат-ибодат, Унга иймон келтириш, қадарига рози бўлиш, Ундан паноҳ ишташ дилни ёзадиган ва кўнгилни хуш этадиган сабабларнинг энг каттасидир. Бундай комил саодатга фақат Аллоҳга ишонадиган кишигина эришади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Аллоҳга тоат-ибодат қилиш кўнгил очар сабабларнинг энг катталаридандир.
- 2- Шайтон юрак сиқилиши ва кўнгил хиралигининг энг катта сабабчисидир.

175 – дарс. Амри маъруф ва наҳий мункарни тарк қилишнинг зарари

Аллоҳ таоло Моида сурасининг 78,79-оятларида айтади:

«لُعِنَ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ عَلَى لِسَانِ دَاوُدَ وَعِيسَى ابْنِ مَرْيَمَ ذَلِكَ بِمَا عَصَوْا وَكَانُوا يَعْتَدُونَ
كَانُوا لَا يَتَنَاهَوْنَ عَنْ مُنْكَرٍ فَعَلُوهُ لَبِئْسَ مَا كَانُوا يَفْعَلُونَ»

«Бани Исроил орасидан кофир бўлган кимсалар Довуд ва Ийсо ибн Марям тилида лаънатлангандирлар. Бунга сабаб уларнинг қилган исёнлари ва тажовузкор бўлганларидир.

Улар бир-бирларини қилган нолайиқ ишларидан қайтармас эдилар. Бу қилмишлари нақадар ёмон иш!»

عن النُّعْمَانِ بْنِ بَشِيرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَثَلُ الْقَائِمِ عَلَى حُدُودِ اللَّهِ وَالْوَاقِعِ فِيهَا كَمَثَلِ قَوْمٍ اسْتَهَمُوا عَلَى سَفِينَةٍ فَأَصَابَ بَعْضُهُمْ أَعْلَاهَا وَبَعْضُهُمْ أَسْفَلَهَا فَكَانَ الَّذِينَ فِي أَسْفَلِهَا إِذَا اسْتَقَوْا مِنَ الْمَاءِ مَرُّوا عَلَى مَنْ فَوْقَهُمْ فَقَالُوا لَوْ أَنَّا خَرَقْنَا فِي نَصِيبِنَا خَرْقًا وَلَمْ نُؤَذِ مَنْ فَوْقَنَا فَإِنْ يَتْرُكُوهُمْ وَمَا أَرَادُوا هَلَكُوا جَمِيعًا وَإِنْ أَخَذُوا عَلَى أَيْدِيهِمْ نَجَوْا وَنَجَوْا جَمِيعًا» (رواه البخاري)

Имом Бухорий Нуъмон ибн Башир розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Аллоҳнинг белгилаб қўйган чегараларида турувчи киши билан уларни бузиб кирувчи кишининг мисоли кемада қуръа билан жойлашиб, баъзилари юқори қисмига, баъзилари қуйи қисмига ўрнашган кишилар мисоли кабидир. Қуйи қисмидагилар агар сув олмоқчи бўлсалар юқоридагилар олдидан ўтар эдилар. Шунда улар: «Биз ўзимиз учун қуйи қаватдан тешиб олиб сувни шу ердан олаверсак-да, юқоридагиларга озор етказмасак», дейишди. Агар юқоридагилар уларни қилмоқчи бўлган ишларига тек қўйиб қўйишса ҳаммалари ҳалок бўлишади. Агар уларнинг қўлларидан ушлаб мақсадларидан тийишса ҳаммалари нажот топишади.»

عَنْ حُذَيْفَةَ بْنِ الْيَمَانِ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَتَأْمُرَنَّ بِالْمَعْرُوفِ وَلَتَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ أَوْ لَيُوشِكَنَّ اللَّهُ أَنْ يَبْعَثَ عَلَيْكُمْ عِقَابًا مِنْهُ ثُمَّ تَدْعُونَهُ فَلَا يُسْتَجَابُ لَكُمْ»
(رواه الترمذي)

Имом Термизий Ҳузайфа ибн ал-Ямон розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салам айтдилар: «Ҷоним қўлида бўлган Зотга қасамки, ё яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарасизлар ё эса Аллоҳ тез орада устингизга Ўзи тарафидан азоб юборади-да, сўнг Унга ҳар қанча дуо қилманг, ижобат этилмайди».

Шарҳ:

Амри маъруф ва наҳий мункар – яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариш Аллоҳнинг изни билан жамиятга саломатлик ва нажотни кафолатлайдиган муҳим ишлардандир. Уни адо этмаслик ва зое қилиш умматнинг заифлашувига ва ўтган умматлар бошига тушгани каби ҳалокат ва азобга гирифтор бўлишига сабабдир.

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

- 1- Ёмон ишлардан қайтармаслик Бани Исроилнинг лаънатга дучор бўлишига сабаб бўлган.
- 2- Амри маъруф ва наҳий мункарни тарк қилиш жамиятнинг бузилишига сабабдир.
- 3- Уни тарк қилиш дуолар ижобат бўлмаслигига сабабдир.
- 4- Уни тарк қилиш оммавий азоб тушишига сабабдир.

176 – дарс. Амри маъруф ва нахий мункар одобларидан

Аллоҳ таоло Наҳл сурасининг 125-оятида айтади:

«ادْعُ إِلَى سَبِيلِ رَبِّكَ بِالْحُكْمَةِ وَالْمَوْعِظَةِ الْحَسَنَةِ وَجَادِلْهُمْ بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ»

«(Эй Муҳаммад), Парвардигорингизнинг йўли — динига донолик ҳикмат ва чиройли панд-насихат билан даъват қилинг! Улар (яъни сиз билан таллашиб-тортишадиган кимсалар) билан энг гўзал йўлда мужодала — мунозара қилинг».

Оли Имрон сурасининг 159-оятида айтади:

«فَبِمَا رَحْمَةٍ مِّنَ اللَّهِ لِنْتَ لَهُمْ وَلَوْ كُنْتَ فَظًّا غَلِيظَ الْقَلْبِ لَانفَضُّوا مِنْ حَوْلِكَ»

«(Эй Муҳаммад), Аллоҳ томонидан бўлган марҳамат сабабли уларга (саҳобаларингизга) юмшоқ сўзли бўлдингиз. Агар қўпол, қаттиқдил бўлганингизда эди, албатта атрофингиздан тарқалиб кетган бўлар эдилар».

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ اللَّهَ رَفِيقٌ يُحِبُّ الرَّفْقَ فِي الْأَمْرِ كُلِّهِ» (متفق عليه).

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ Ҳалим, ҳар бир ишда ҳалимликни яхши кўради».

عَنْ عَائِشَةَ زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ الرَّفْقَ لَا يَكُونُ فِي شَيْءٍ إِلَّا زَانَهُ وَلَا يُنْزَعُ مِنْ شَيْءٍ إِلَّا شَانَهُ» (رواه مسلم)

Имом Муслим Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мулойимлик қай бир нарсада бўлса уни зийнатли қилади, қай бир нарсдан суғурилса уни айбли қилади».

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَامَ أَعْرَابِيٌّ فَبَالَ فِي الْمَسْجِدِ فَتَنَّاوَلَهُ النَّاسُ فَقَالَ لَهُمُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «دَعُوهُ وَهَرِيْقُوا عَلَى بَوْلِهِ سَجْلًا مِنْ مَاءٍ أَوْ ذَنْوَبًا مِنْ مَاءٍ فَإِنَّمَا بُعِثْتُمْ مُيَسَّرِينَ وَلَمْ تُبْعَثُوا مُعَسَّرِينَ» (رواه البخاري).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтади: Бир аъробий масжидда туриб бавл қилди. Одамлар уни маломат қилишган эди, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уни тек қўйинглар, бавли устига эса бир челақ сув қуйворинглар. Зеро, сизлар осонлаштирувчи қилиб юборилгансиз, қийинлаштирувчи қилиб юборилмагансиз», дедилар.

Шарҳ:

Амри маъруф ва наҳий мункардан кўзда тутилган мақсад амалга ошиши учун унга тегишли донолик, юмшоқлик каби муҳим

одоблардан бохабар бўлиш зарур. Ушбу одобларга амал қилмаслик мункарнинг ўзидан кўра ҳам каттароқ ёмонликларга олиб бориши мумкин.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Амри маъруф ва наҳий мункар ҳикмат билан бўлиши зарур.

2- Буюриш ҳам, қайтариш ҳам мулойимлик билан, қўполликсиз бўлиши даркор.

3- Амри маъруф ва наҳий мункар қилишда ортидан келадиган фойда ва зарарларни ҳисобга олиш лозим, токи бу каттароқ мункарга олиб бориб қўймасин.

177 – дарс. Мусулмонларнинг камчиликларини яшириш ва уларнинг айбларини қидириб юрмасликка тарғиб

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا يَسْتُرُ عَبْدٌ عَبْدًا فِي الدُّنْيَا إِلَّا سَتَرَهُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ» (رواه مسلم)

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Дунёда бир банда бошқа бир банданинг айбини яширса, Аллоҳ Қиёмат куни унинг айбини яширади».

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يُسْلِمُهُ وَمَنْ كَانَ فِي حَاجَةِ أَخِيهِ كَانَ اللَّهُ فِي حَاجَتِهِ وَمَنْ فَرَّجَ عَنْ مُسْلِمٍ

كُرْبَةً فَرَجَ اللَّهُ عَنْهُ كُرْبَةً مِنْ كُرْبَاتِ يَوْمِ الْقِيَامَةِ وَمَنْ سَتَرَ مُسْلِمًا سَتَرَهُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ» (رواه البخاري)

Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, душманига топшириб қўймайди. Ким биродарининг ҳожатини чиқариш йўлида бўлса, Аллоҳ унинг ҳожатини чиқариш йўлида бўлади. Ким мусулмон кишидан битта ғам-ташвишини аритса, Аллоҳ ундан Қиёмат кунининг ғамларидан бир ғамни аритади. Ким бир мусулмоннинг айбини яширса, Аллоҳ унинг айбини Қиёмат куни яширади».

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ صَعِدَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمِنْبَرَ فَنَادَى بِصَوْتٍ رَفِيعٍ فَقَالَ: «يَا مَعْشَرَ مَنْ أَسْلَمَ بِلِسَانِهِ وَلَمْ يُفِضِ الْإِيمَانَ إِلَى قَلْبِهِ لَا تُؤْذُوا الْمُسْلِمِينَ وَلَا تُعَيِّرُوهُمْ وَلَا تَتَّبِعُوا عَوْرَاتِهِمْ فَإِنَّهُ مَنْ تَتَّبَعَ عَوْرَةَ أَخِيهِ الْمُسْلِمِ تَتَّبَعَ اللَّهُ عَوْرَتَهُ وَمَنْ تَتَّبَعَ اللَّهُ عَوْرَتَهُ يَفْضَحْهُ وَلَوْ فِي جَوْفِ رَحْلِهِ» (رواه الترمذي)

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Ибн Умар розияллоҳу анҳумо айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам минбарга кўтарилиб, баланд овозда шундай дедилар: «Эй тили билан мусулмон бўлган, бироқ қалбларига иймон кириб бормаган кишилар, сизлар мусулмонларга озор берманглар, уларни айбламанглар, камчиликларини қидириб юрманглар! Ким мусулмон биродарининг айбини қидирса Аллоҳ унинг айбини

текширади. Аллоҳ кимнинг айбини текширса уни – уйининг энг ичкарасида бўлса-да – шарманда қилади».

Шарҳ:

Аллоҳ таоло мусулмонларнинг айбларини ёпишни яхши кўради ва шундай қилишга буюради. Шунинг учун жосуслик қилиб юришни ҳаром қилди ва ундан қайтарди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: «Ким дунёда бир банданинг айбини яширса, охиратда Аллоҳ унинг айбини яширади» дедилар, мусулмонларнинг айбу камчиликларини қидириб, махфиёна қилаётган ишларини текшириб юришдан қайтарганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Мусулмоннинг айбини беркитишнинг фазилатли экани ва бу нарса қиёмат куни Аллоҳ таоло яширганнинг айбини яширишига сабаб бўлиши;
- 2- Мусулмонларнинг камчиликларини текшириб, жосуслик қилиб юришнинг ҳаромлиги;
- 3- Бундай жирканч иш билан шуғулланган кимсаларни Аллоҳ таоло кўчада бўлсин, уйда бўлсин шарманда қилиб, яширин ишларини одамлар кўзига кўрсатиб қўяди.

178 – дарс. Талашиб-тортишиш ва жанжаллашишдан огоҳлантирув

عَنْ أَبِي أُمَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَا ضَلَّ قَوْمٌ بَعْدَ هُدَى كَانُوا عَلَيْهِ إِلَّا أَوْتُوا الْجَدَلَ ثُمَّ تَلَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ هَذِهِ الْآيَةَ: «مَا ضَرَبُوهُ لَكَ إِلَّا جَدَلًا بَلْ هُمْ قَوْمٌ خَصِيمُونَ» (أخرجه الترمذي)

Имом Термизий Абу Умома розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Бирон бир қавм ҳидоятда бўлганидан сўнг адашса, бунинг жазосига – уларга талашиб-тортишиш берилади», дедилар, сўнг ушбу оятни ўқидилар: «Улар (бу мисолни) сизга фақат талашиб-тортишиш учунгина келтирдилар. Ахир улар хусуматчи-урушқоқ қавмдирлар!» (Зухруф: 58).

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ أَبْغَضَ الرَّجَالِ إِلَى اللَّهِ الْأَدُّ الْخَصِيمُ» (متفق عليه).

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳга энг ёқимсиз одам хусуматгўй ва жанжалкаш кимсадир».

عَنْ أَبِي أُمَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَنَا زَعِيمٌ بَيْتٍ فِي رِبْضِ الْجَنَّةِ لِمَنْ تَرَكَ الْمِرَاءَ وَإِنْ كَانَ مُحِقًّا وَبَيْتٍ فِي وَسْطِ الْجَنَّةِ لِمَنْ تَرَكَ الْكُذْبَ وَإِنْ كَانَ مَازِحًا وَبَيْتٍ فِي أَعْلَى الْجَنَّةِ لِمَنْ حَسَنَ خُلُقَهُ» (رواه أبو داود)

Абу Довуд Абу Умома розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Ўзи ҳақ бўлса ҳам талашиб-тортишмаган киши учун жаннат

чеккароғидан уй берилишига, ҳазиллашиб бўлса-да ёлғон гапирмаган киши учун жаннатнинг ўртасидан уй берилишига, хулқини гўзал қилган киши учун жаннатнинг энг юқори қисмидан уй берилишига мен кафилман».

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ مِنْ أَحَبِّكُمْ إِلَيَّ وَأَقْرَبِكُمْ مِنِّي مَجْلِسًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَحْسَنُكُمْ أَخْلَاقًا وَإِنَّ أَبْغَضَكُمْ إِلَيَّ وَأَبْعَدَكُمْ مِنِّي مَجْلِسًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ النَّزَّارُونَ وَالْمُتَشَدِّقُونَ وَالْمُتَفَيِّهُونَ» (رواه الترمذي)

Имом Термизий Жобир розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Менга энг суюмли бўлганингиз ва қиёмат куни менга яқин ўтирадиганингиз ахлоқи гўзал бўлганларингиздир. Мен учун энг ёқимсиз ва қиёмат куни мендан энг узоқда ўтирадиганингиз вайсақи, мақтанчоқ ва мутакаббир кимсалардир».

Шарҳ:

Тортишиш ва ботил нарсалар устида жанжаллашиш тил ва дил офатларидан бўлиб, мусулмонлар ўртасида ажралиш ва ихтилофларга сабаб бўлади, бир-бирларига нисбатан нафрат келтириб чиқаради, вақтларини беҳуда кеткизади. Шу боис Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ундан огоҳлантирдилар ва ундан сақланган кишига қиёмат кунида катта ажрлар берилишини ва ўзларига энг яқин ўринда ўтиришини ваъда қилдилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Бехуда тортишувларни тарк қилишга тарғиб;
- 2- Қаттиқ хусумат қилишдан огоҳлантирув;
- 3- Тортишув ва жанжалнинг кенг ёйилиши залолат аломатларидан;
- 4- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вайсақи ва катта гапирадиган одамларни ёмон кўрганлар ва қиёмат куни ундай кимсалар у зотдан узоқ бўладилар.

179 – дарс. Ёлғон гапиришнинг харомлиги ва ундан огоҳлантириш

Аллоҳ таоло Наҳл сурасининг 105-оятида айтади:

«إِنَّمَا يَفْتَرِي الْكَذِبَ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْكَاذِبُونَ»

«Ёлғон сўзларни ҳам фақат Аллоҳнинг оятларига иймон келтирмайдиган кимсаларгина тўқийдилар. Ана ўшаларнинг ўзлари ёлғончидирлар»

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ الصِّدْقَ يَهْدِي إِلَى الْبِرِّ وَإِنَّ الْبِرَّ يَهْدِي إِلَى الْجَنَّةِ وَإِنَّ الرَّجُلَ لَيَصْدُقُ حَتَّى يُكْتَبَ عِنْدَ اللَّهِ صِدِّيقًا وَإِنَّ الْكَذِبَ يَهْدِي إِلَى الْفُجُورِ وَإِنَّ الْفُجُورَ يَهْدِي إِلَى النَّارِ وَإِنَّ الرَّجُلَ لَيَكْذِبُ حَتَّى يُكْتَبَ عِنْدَ اللَّهِ كَذَّابًا» (متفق عليه).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ростгўйлик яхшиликка йўллайди, яхшилик эса жаннатга йўллайди. Бир одам доим рост сўзлаб юради, ҳатто Аллоҳ ҳузурда у сиддиқ – ростгўй деб ёзиб қўйилади. Ёлғончилик ёмонликка йўллайди, ёмонлик эса дўзахга йўллайди. Бир одам доим ёлғон сўзлаб юради, ҳатто Аллоҳнинг ҳузурда каззоб – ёлғончи деб ёзиб қўйилади».

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَرْبَعٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ كَانَ مُنَافِقًا خَالِصًا وَمَنْ كَانَتْ فِيهِ خَصْلَةٌ مِنْهُنَّ كَانَتْ فِيهِ خَصْلَةٌ مِنَ النَّفَاقِ حَتَّى يَدَعَهَا، إِذَا أُوْتِمِنَ خَانَ وَإِذَا حَدَّثَ كَذَبَ وَإِذَا عَاهَدَ غَدَرَ وَإِذَا خَاصَمَ فَجَرَ» (متفق عليه).

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Кимда тўртта сифат бўлса, у ҳақиқий мунофиқ бўлади. Кимда улардан биттаси бўлса, то уни тарк қилгунича, нифоқдан битта сифат унда бор бўлади: Омонат берилса хиёнат қилади, гапирса ёлғон сўзлайди, аҳд берса аҳдини бузади, хусуматлашса фожирлик қилади (мақсаддан чикиб кетади)».

عَنْ سَمُرَةَ بْنِ جُنْدَبٍ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : «... رَأَيْتُ اللَّيْلَةَ رَجُلَيْنِ أَتْيَانِي فَأَخَذَا بِيَدِي فَأَخْرَجَانِي إِلَى الْأَرْضِ الْمُقَدَّسَةِ، فَإِذَا رَجُلٌ جَالِسٌ وَرَجُلٌ قَائِمٌ بِيَدِهِ كَلْبٌ مِنْ حَدِيدٍ إِنَّهُ يُدْخِلُ ذَلِكَ الْكَلْبَ فِي شِدْقِهِ حَتَّى يَبْلُغَ قَفَاهُ ثُمَّ يَفْعَلُ بِشِدْقِهِ الْآخَرَ مِثْلَ ذَلِكَ وَيَلْتَنِمُ شِدْقُهُ هَذَا فَيَعُودُ

فَيُصْنَعُ مِثْلَهُ قُلْتُ مَا هَذَا قَالَا انْطَلِقْ فَاَنْطَلَقْنَا ... قُلْتُ طَوَّفْتُمَانِي اللَّيْلَةَ فَأَخْبِرَانِي عَمَّا رَأَيْتُ قَالَا نَعَمْ، أَمَّا الَّذِي رَأَيْتَهُ يُشَقُّ شِدْقُهُ فَكَذَّابٌ يُحَدِّثُ بِالْكَذِبِ فَتَحْمَلُ عَنْهُ حَتَّى تَبْلُغَ الْإِفَاقَ فَيُصْنَعُ بِهِ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ ...» (متفق عليه).

Самура ибн Жундаб розияллоху анхудан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «...Бу кеча тушимда кўрдимки, икки киши келиб, кўлимдан тутиб, муқаддас ерга олиб бордилар. Кўрдимки, бир киши ўтирибди, ёнида бир киши тик турибди. Унинг қўлида темир чангак бўлиб, у чангакни ҳалиги одамнинг оғзининг бир томонига тикар ва у унинг гарданигача етиб борарди. Кейин оғзининг иккинчи тарафига ҳам худди шундай қиларди. Шу аснода унинг оғзининг аввалги томони яна тузалиб аслига қайтар, шунда у қайтиб келиб (у томонга) яна ўшандай қиларди. Мен: «Бу нима ҳолат?», деб сўраган эдим, улар: «Юраверинг, тўхтаманг», дейишди, биз юришда давом этдик... Охирида мен уларга: «Бу кеча мени хўп кездирдингиз, энди кўрган нарсаларим ҳақида айтиб беринглар», дедим. Улар айтишди: «Хўп бўлади, кўрганингиз, темир чангак билан оғзи йиртилаётган одам каззоб-ёлғончи кимса бўлиб, кўп ёлғон гапирар, сўзлаган ёлғони узоқ-узоқларга тарқарди. Энди то қиёмат унга шундай азоб берилади...»

Шарҳ:

Ёлғончилик - Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам энг ёмон кўрган ахлоқлардан бўлиб, уни мунофиқларнинг сифатларидан

эканини баён қилганлар ва у ўз эгасини дўзахга олиб борадиган гуноҳларга етаклашини, ёлғон сўзлашни одат қилиб олган одам Аллоҳ таолонинг ҳузурида каззоб деб ёзиб қўйилишини хабар берганлар. Сўнг одамлар орасида ёлғон тарқатиб юрадиган одамнинг то қиёматгача тортадиган азобини айтиб бу ёмон хулқдан огоҳлантирганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Ёлғончиликдан огоҳлантириш ва у мунофиқларнинг сифатларидан экани;
- 2- У фужурга, яъни гуноҳларга етаклайди;
- 3- У дўзахга тушиш сабабларидан;
- 4- Одамлар орасида ёлғон тарқатиб юрадиган кишининг азоби қаттиқлиги.

180 – дарс. Аллоҳ ва Расули номидан ёлғон сўзлашнинг ҳаромлиги ва ундан огоҳлантириш

Аллоҳ таоло Тоҳа сурасининг 61- оятида айтади:

«قَالَ لَهُم مُوسَىٰ وَيَلْكُم لَأَ تَقْتَرُوا عَلَى اللَّهِ كَذِبًا فَيُسْحِتَكُم بِعَذَابٍ وَقَدْ خَابَ مَنِ افْتَرَىٰ»

«Мусо уларга (яъни сеҳргарларга) деди: «Ҳолингларга вой! Сизлар Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиманглар (яъни очик мўъжизани сеҳр деманглар), у холда (Аллоҳ) сизларни азоб билан

ҳалок қилур! Ёлғон тўқиган кимсалар ноумид бўлишлари аниқдир».

Зумар сурасининг 60- оятида айтади:

«وَيَوْمَ الْقِيَامَةِ تَرَى الَّذِينَ كَذَبُوا عَلَى اللَّهِ وُجُوهُهُم مُّسْوَدَّةٌ»

«Қиёмат Кунда Аллоҳ шаънига ёлғон сўзлаган кимсаларни юзлари қора ҳолда кўрурсиз».

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ كَذَبَ عَلَيَّ مُتَعَمِّدًا فَلْيَتَّبِعُوا مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ» (أَخْرَجَهُ مُسْلِمٌ)

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким қасдан менинг номимдан ёлғонласа, дўзахдан жойини ҳозирлайверсин!» дедилар.

عَنْ الْمُغِيرَةَ بْنِ شُعْبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِنَّ كَذِبًا عَلَيَّ لَيْسَ كَكَذِبِ عَلَى أَحَدٍ فَمَنْ كَذَبَ عَلَيَّ مُتَعَمِّدًا فَلْيَتَّبِعُوا مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ» (أَخْرَجَهُ مُسْلِمٌ)

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Муғийра ибн Шуъба розияллоҳу анҳу айтади: Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Менинг номимдан ёлғон сўзлаш бошқа бировлар номидан ёлғон гапириш билан бир хил эмас. Ким қасдан менинг номимдан ёлғон сўзласа, дўзахдан жойини ҳозирлайверсин!».

Шарҳ:

Ёлғончилик – шариатимиз ҳаром қилган қабих сифатлардан бўлиб, агар ёлғонлаш Аллоҳ ва Расули номидан бўлса унинг қабихлиги янада ортади. Аллоҳ ва Расули номидан ёлғон сўзлаш маъноси шундайки, ёлғон сўзлаётган одам бирон нарсанинг ҳалоллиги ё ҳаромлигини ёки бошқа бирон хабарни Аллоҳга ёки Расулига нисбатлаб гапиради, гапираётган сўзининг ёлғон эканини ўзи жуда яхши билган бўлади. Аллоҳ ва Расули бундай қабих сифат эгасига дунёю охиратда қаттиқ азоблар борлиги билан огоҳлантирганлар. Аллоҳ ва Расулидан деб нақл қилаётган одам агар нақл қилаётган нарсасининг тўғрилигида аниқ илм ва ишончга эга бўлмаса унинг ҳоли ҳам юқоридаги ёлғончиникидан кам бўлмайди. Шунинг учун бирон оят ёки ҳадисни нақл қилмоқчи бўлган одам аниқ ишончга эга бўлса нақл қилсин акс ҳолда жим тургани унинг учун яхшироқдир.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Аллоҳ ва Расули номидан ёлғонлашнинг қаттиқ ҳаромлиги;
- 2- Бундай қилиш дўзах азобига дучор қиладиган катта гуноҳлардан экани;

181- дарс. Бепарволик билан айтиб қўйиладиган баъзи ёлғонлар ҳақида

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَامِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ دَعَتْنِي أُمِّي يَوْمًا وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَاعِدٌ فِي بَيْتِنَا فَقَالَتْ: هَا، تَعَالَ أُعْطِيكَ، فَقَالَ لَهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «وَمَا أَرَدْتِ أَنْ تُعْطِيَهُ؟» قَالَتْ أُعْطِيهِ تَمْرًا فَقَالَ لَهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ «أَمَا إِنَّكَ لَوْ لَمْ تُعْطِهِ شَيْئًا كُتِبَتْ عَلَيْكَ كَذْبَةٌ» (أخرجه أبو داود)

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Омир розияллоҳу анҳу айтади: «(Болалик пайтимда) бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизнинг уйимизда ўтирганларида онам менга: «Ҳой, буёққа кел, бир нарса бераман», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «Болага нима бермоқчи эдингиз?», дедилар. «Хурмо бермоқчи эдим», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Билиб қўйинг, агар ҳеч нарса бермаганингизда сизга битта ёлғон ёзилган бўларди», дедилар.

عَنْ بَهْزِ بْنِ حَكِيمٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ جَدِّهِ قَالَ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: « وَبِئْسَ لِلَّذِي يُحَدِّثُ بِالْحَدِيثِ لِيُضْحِكَ بِهِ الْقَوْمَ فَيَكْذِبُ وَيَلُّ لَهُ وَيَلُّ لَهُ» (أخرجه أبو داود والترمذي)

Абу Довуд ва Термизий келтирган ҳадисда Баҳз ибн Ҳаким отасидан, у бобосидан ривоят қилади: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Одамларни кулдириш учун гапириб, ёлғон сўзлайдиган киши ҳолига вой бўлсин, вой бўлсин, вой бўлсин!!!», деганларини эшитганман».

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «كَفَى بِالْمَرْءِ كَذِبًا أَنْ يُحَدِّثَ بِكُلِّ مَا سَمِعَ» (أخرجه مسلم)

Имом Муслим Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Эшитган ҳар бир нарсани сўзлайвериши кишининг ёлғон сўзлаб қўйишига кифоя қилади».

عَنْ أَبِي مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «بِئْسَ مَطِيئَةُ الرَّجُلِ «زَعَمُوا»» (أخرجه أبو داود)

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Абу Масъуд розияллоху анху айтади: Мен Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг: ««Айтишларича» (яъни, эмишки) деган сўз кишининг (мақсадга етказувчи) нақадар ёмон уловидир», деганларини эшитганман.

Шарҳ:

Одамларни кулдириш, болаларни юпатиш учун ёлғон сўзларни сўзлаш кўпчилик бепарво бўладиган, аслида ҳаром ва гуноҳи кабира бўлган ишларга киради. Шунингдек, киши ўзи эшитган ҳар бир гапни яхши текширмай туриб бошқаларга айтишлиги ҳам уни ёлғончиликка олиб боради. Чунки, эшитганлари орасида рости ҳам, ёлғони ҳам бўлади. Эшитганини айтавериш билан ўзи сезмаган ҳолда ёлғон тарқалишига сабаб бўлиб, ёлғончига айланиб қолади.

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

- 1- Майда-чуйда ишларда ҳам, ҳатто болаларни овинтириш учун бўлса-да, ёлғон сўзлашдан тийилиш лозим;
- 2- Одамларни кулдириш учун ёлғон сўзлаб аския айтиш ва қизиқчилик қилишнинг гуноҳи қаттиқ;
- 3- Инсон ўзи эшитган ҳар бир гапни айтавериши яхши эмас, бу билан у ёлғон гапларни ҳам айтиб юбориши мумкин.

182- дарс. Жоиз саналадиган ёлғонлар

عَنْ أُمِّ كُثَيْبٍ بِنْتِ عُقْبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّهَا سَمِعَتْ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «لَيْسَ الْكَذَّابُ الَّذِي يُصْلِحُ بَيْنَ النَّاسِ فَيَنْمِي خَيْرًا أَوْ يَقُولُ خَيْرًا» (متفق عليه)

Муттафақун алайҳ ҳадисда Умму Кулсум бинт Уқба розияллоҳу анҳо айтади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Одамлар ўртасини ислоҳ қилиш мақсадида ўзи тарафидан яхши сўзларни қўшиб етказадиган ёки яхшиликни гапирадиган киши ёлғончи бўлмайди».

Имом Муслим ушбу ҳадисни қуйидаги қўшимча билан ривоят қилганлар:

وَلَمْ أَسْمَعْ يُرَخَّصُ فِي شَيْءٍ مِمَّا يَقُولُ النَّاسُ كَذِبٌ إِلَّا فِي ثَلَاثٍ: الْحَرْبُ وَالْإِصْلَاحُ بَيْنَ النَّاسِ وَحَدِيثُ الرَّجُلِ امْرَأَتَهُ وَحَدِيثُ الْمَرْأَةِ زَوْجَهَا (رواه مسلم)

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг одамлар гапирадиган ёлғон сўзлардан бирортасига рухсат берганларини эшитмадим. Фақат қуйидаги уч ҳолда – яъни урушда, одамлар орасини ислоҳ қилишда ва эр-хотин ўртасида бўладиган сўзларда рухсат берганлар.»

Шарҳ:

Ёлғон сўзлаш – таъқиқланган ишлардан ва қабих гуноҳлардан саналади. Лекин, эр-хотинни яраштириш ёки одамлар орасини тузатиш каби шаръий манфаати бўлган ишларда ёки урушда душманларга нисбатан ёлғон ишлатиш жоиз ҳисобланади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Одамлар орасини тузатишда катта шаръий манфаатлар бўлгани туфайли унда ёлғон ишлатиш жоиз;
- 2- Урушда ёлғон ишлатиш жоиз, чунки у уруш ҳийлаларидан (стратегияларидан) саналади ва бунда шаръий манфаатлар мавжуд;
- 3- Эр хотинига, хотин эса эрига яхши кўриниш учун – шунда ҳам ҳеч бирига зулм ва зарар бўлмаслиги шарти билан – бир-бирига гоҳо-гоҳо ёлғон сўзлаши жоиз.

183- дарс. Экин-тикин ва боғ-роғ қилишнинг фазилати

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَخَلَ عَلَى أُمِّ مُبَشَّرِ الْأَنْصَارِيَّةِ فِي نَخْلٍ لَهَا فَقَالَ لَهَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ غَرَسَ هَذَا النَّخْلَ أَمْسَلِمٌ أَمْ كَافِرٌ؟» فَقَالَتْ بَلْ مُسْلِمٌ فَقَالَ: «لَا يَغْرِسُ مُسْلِمٌ غَرْسًا وَلَا يَزْرَعُ زَرْعًا فَيَأْكُلُ مِنْهُ إِنْسَانٌ وَلَا دَابَّةٌ وَلَا شَيْءٌ إِلَّا كَانَتْ لَهُ صَدَقَةٌ» (رواه مسلم)

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Жобир розияллоҳу анҳу айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Умму Мубашшир ал-Ансориянинг хурмозорига кирганларида ундан: «Бу хурмоларни ким эккан? Муслмонми, кофирми?», деб сўрадилар. У: «Муслмон», деб жавоб берди. Шунда айтдилар: «Муслмон киши бирон кўчат ўтқизса ёки экин экса, ундан хоҳ инсон есин, хоҳ ҳайвон ё бошқа жонзот есин, бу у учун садақадир».

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَا مِنْ مُسْلِمٍ يَغْرِسُ غَرْسًا إِلَّا كَانَ مَا أَكَلَ مِنْهُ لَهُ صَدَقَةٌ وَمَا سُرِقَ مِنْهُ لَهُ صَدَقَةٌ وَمَا أَكَلَ السَّبْعُ مِنْهُ فَهُوَ لَهُ صَدَقَةٌ وَمَا أَكَلَتِ الطَّيْرُ فَهُوَ لَهُ صَدَقَةٌ وَلَا يَزْرَعُهُ أَحَدٌ إِلَّا كَانَ لَهُ صَدَقَةٌ» (رواه مسلم)

Имом Муслим Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қай бир муслмон киши бирор кўчат экаркан, ундан ким еса ҳам у учун садақа (яъни, садақа қилганлик савоби) бўлади, ундан ўғирланса ҳам у учун садақа, ҳайвонлар еб кетса ҳам у учун садақа, қушлар еб кетса ҳам у учун садақа, биров пайҳон қилиб кетса ҳам у учун садақа бўлади».

Шарҳ:

Аллоҳнинг раҳмати ва фазлу карами шу қадар кенгки, агар мусулмон киши бирор мевали дарахт кўчатини ўтқизган ё бирон экин эккан бўлса, ундан хоҳ инсон есин, хоҳ ҳайвонлар, хоҳ қушлар, хоҳ қурт-қумурсқалар есин, у учун садақа қилганлик савоби ёзилади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Экин-тикин ва боғ қилишнинг яхши ва фазилатли амал экани;
- 2- Эккан экинининг мевасидан ҳар қандай жонзот фойдаланиши соҳиби учун садақа деб ҳисоб қилинади.

184- дарс. Савдо-сотикқа оид баъзи ҳукмлар

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَّ عَلَى صُبْرَةٍ طَعَامٍ فَأَدْخَلَ يَدَهُ فِيهَا فَنَالَتْ أَصَابِعُهُ بَلَاءً فَقَالَ: «مَا هَذَا يَا صَاحِبَ الطَّعَامِ؟» قَالَ أَصَابَتْهُ السَّمَاءُ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ: «أَفَلَا جَعَلْتَهُ فَوْقَ الطَّعَامِ كَيْ يَرَاهُ النَّاسُ مَنْ غَشَّ فَلَيْسَ مِنِّي» (رواه مسلم)

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам озиқ-овқат (дон-дун маҳсулоти) уюми ёнидан ўтиб кетатуриб, қўлларини унинг ичига тикқан эдилар, бармоқларига намлик илашди. Шунда: - «Бу нимаси, эй дон соҳиби?!», дедилар.

У: - «Ёмғир тегганди, ё Расулуллоҳ», деди.

- «Одамлар кўрадиган қилиб устига чиқариб қўймабсиз-да! Ким алдаса, мен(инг умматим)дан эмас», дедилар.

عَنْ حَكِيمِ بْنِ حِزَامٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْبَيْعَانِ بِالْخِيَارِ مَا لَمْ يَتَفَرَّقَا فَإِنْ صَدَقَا وَبَيْنَا بُورِكَ لَهُمَا فِي بَيْعِهِمَا وَإِنْ كَذَبَا وَكُتِمَا مُحِقَ بَرَكَةُ بَيْعِهِمَا» (رواه مسلم)

Имом Муслим Ҳаким ибн Ҳизом розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Сотувчи билан олувчи модомики ажралишмаган бўлса, (савдони бузиш-бузмасликда) ихтиёрлидирлар. Агар рўйи-рост сўзласалар ва (молнинг ёки тўлов ҳақининг камчилигини) очиқ айтсалар, байларига барака берилади. Агар ёлғон гапирсалар ва ҳақни яширсалар, байларининг баракаси ўчирилади».

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «الْحَلْفُ مَنْفَقَةٌ لِلسُّلْعَةِ مَمْحَقَةٌ لِلرِّبْحِ» (رواه مسلم)

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоху анҳу айтади: Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг: «Қасам молнинг тез сотилишига ва фойдасининг ўчиб кетишига сабабдир», деганларини эшитганман.

عَنْ أَبِي قَتَادَةَ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِيَّاكُمْ وَكَثْرَةَ الْحَلْفِ فِي الْبَيْعِ فَإِنَّهُ يُنْفَقُ ثُمَّ يَمْحَقُ» (رواه مسلم)

Имом Муслим Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Савдода кўп қасам ичишдан сақланинглари! Чунки у молнинг сотилишини тезлатади, сўнг баракани ўчиради».

Шарҳ:

Мазкур ҳадисларда олди-сотдига доир, кўпчилик бепарво қарайдиган баъзи ҳукмлар баён қилинди, диний ва дунёвий манфаатлари борлиги туфайли Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам улардан огоҳ бўлишга чақирдилар.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

- 1- Олди-сотдида алдов ва хиёнатдан сақланиш лозим, зеро бу гуноҳи кабиралардан;
- 2- Олувчи ва сотувчи ҳали бир-биридан ажралмаган ҳолларида савдони бузишга ва матони ёки пулни қайтаришга ҳақли бўладилар;
- 3- Савдода беҳуда қасамдан қайтарилган, қасам тижоратнинг баракасини ўчиради.

185- дарс. Гўзал хулқли бўлиш ҳақида

Аллоҳ таоло Қалам сурасининг 4- оятида айтади:

«وَإِنَّكَ لَعَلَىٰ خُلُقٍ عَظِيمٍ»

«Албатта сиз улуғ хулқ устидадирсиз».

Ахзоб сурасининг 21- оятида айтади:

«لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ»

«Сизлар учун Аллоҳнинг пайғамбари (иймон-эътиқоди ва хулқи атвори)да гўзал ибрат бордир»

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَحْسَنَ النَّاسِ خُلُقًا (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Анас розияллоҳу анҳу айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларнинг энг гўзал хулқлиси эдилар».

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ لَمْ يَكُنْ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَاحِشًا وَلَا مُتَفَحِّشًا وَكَانَ يَقُولُ: «إِنَّ مِنْ خِيَارِكُمْ أَحْسَنَكُمْ أَخْلَاقًا» (متفق عليه)

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумо айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фаҳш сўзлар айтувчи, оғзи бузуқ киши эмасдилар, ул зот айтардилар: «Ахлоқи гўзалингиз сизларнинг энг яхшиларингиздандир».

عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَا شَيْءٌ أَثْقَلُ فِي مِيزَانِ الْمُؤْمِنِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنْ خُلُقٍ حَسَنٍ وَإِنَّ اللَّهَ لَيُبْغِضُ الْفَاحِشَ الْبَدِيءَ» (رواه الترمذي).

Имом Термизий Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қиёмат куни мўминнинг амал тарозисида гўзал хулқдан кўра оғирроқ нарса бўлмайди, Аллоҳ таоло фахш сўзлар айтувчи, оғзи бузуқ кимсани ёмон кўради».

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ أَكْثَرِ مَا يُدْخِلُ النَّاسَ الْجَنَّةَ فَقَالَ: «تَقْوَى اللَّهِ وَحُسْنُ الْخُلُقِ» (رواه الترمذي).

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан одамларни энг кўп жаннатга киритувчи нарса ҳақида сўралди. У зот: «Аллоҳдан тақво қилиш ва гўзал хулқ», деб жавоб бердилар.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «إِنَّ الْمُؤْمِنَ لَيُذْرِكُ بِحُسْنِ خُلُقِهِ دَرَجَةَ الصَّائِمِ الْقَائِمِ» (رواه أبو داود).

Имом Абу Довуд Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Дарҳақиқат мўмин киши гўзал хулқи сабабли кундузлари рўзадор, тунлари эса намоз билан бедор кишининг даражасига эришади».

Шарҳ:

Ширинсўзлик, гўзал муомала, одамларга нисбатан сабр-бардошлилик, уларга ёрдам қўлини чўзиш ва шу каби мақтовли ва гўзал ахлоқларнинг Ислонда улкан ўрни бор бўлиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга тарғиб қилганлар ва уларни Аллоҳ таолога яқинлаштирадиган энг фазилатли амаллардан эканини баён қилганлар. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари ҳусни хулқнинг чўққисига эришган зот эдилар, бунга Аллоҳ таолонинг Ўзи: «Албатта сиз улуг Хулқ устидадирсиз» деб гувоҳлик берган. Ҳатто Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан қалбида нафрат ва адоват бўлган бирон кимса у зот ҳақларида ёмон хулқли эди деб айтмаган, балки, у зотни гўзал ахлоқ соҳиби эканликларига гувоҳлик берган.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам гўзал хулқ соҳиби эдилар;
- 2- Ҳусни хулқнинг фазилати ва Ислондаги ўрни, қиёмат куни у мўминнинг тарозисида энг оғир нарса бўлиши;
- 3- Ҳусни хулқ одамларни энг кўп жаннатга киргизувчи ва даражаларни юксалтирувчи амаллардан бири экани;
- 4- Мусулмон кишининг гўзал хулқи унинг иймони мукамал эканига далилдир.

186- дарс. Ҳаё ва ҳаёли бўлиш ҳақида

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَّ عَلَى رَجُلٍ مِنَ الْأَنْصَارِ وَهُوَ يَعِظُ أَخَاهُ فِي الْحَيَاءِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «دَعُهُ فَإِنَّ الْحَيَاءَ مِنَ الْإِيمَانِ» (متفق عليه).

Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда айтилади: Росулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ансорлардан бир кишининг ёнидан ўтдилар, у биродарига ҳаё ҳақида (яъни, ўта тортинчоқ бўлмаслик кераклиги ҳақида) насихат қилаётган эди. Шунда Росулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Қўй уни, зеро ҳаё иймондандир» дедилар.

عَنْ عِمْرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الْحَيَاءُ لَا يَأْتِي إِلَّا بِخَيْرٍ» (متفق عليه). وفي رواية لمسلم: "الْحَيَاءُ خَيْرٌ كُلُّهُ".

Имрон ибн Ҳусойн розияллоху анҳудан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Ҳаё фақат яхшилик келтиради».

Имом Муслимнинг бир ривоятида: «Ҳаё фақат яхшиликдан иборатдир».

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَشَدَّ حَيَاءً مِنَ الْعَدْرَاءِ فِي خِدْرِهَا (متفق عليه).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳу айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам чимилдиқдаги келинчакдан кўра ҳам ҳаёлироқ эдилар».

عَنْ أَبِي مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ مِمَّا أَدْرَكَ النَّاسُ مِنْ كَلَامِ النَّبِيِّ الْأُولَى إِذَا لَمْ تَسْتَحْيِ فَاصْنَعْ مَا شِئْتَ» (رواه البخاري).

Имом Бухорий Абу Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Одамларга илгариги пайғамбарлар сўзларидан етиб келган сўзлардан бири: «Уялмасанг, хоҳлаган ишингни қилавер!»».

Шарҳ:

Ҳаё инсонни айбли ишлардан тийилишига сабаб бўлувчи хулқ бўлиб, у иймоннинг бир бўлагидир. Чунки у яхшиликлар қилишга ва ёмонликлардан узоқ бўлишга чорлайди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаёнинг ҳаммаси яхшилик экани ва у фақат яхшилик олиб келишини таъкидлаганлар. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари жуда ҳаёли киши эдилар. Ҳаёнинг энг афзали – гуноҳ қилаётганингизда Аллоҳ таоло кўриб турганидан ҳаё қилишингиздир.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Ҳаёнинг фазилати ва унинг иймондан экани;
- 2- Шариатга мувофиқ ҳаё фақат яхшилик олиб келади;

3- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўта ҳаёли зот эдилар.

187- дарс. Мулойим ва меҳр-шафқатли бўлиш

Аллоҳ таоло айтади:

«فَبِمَا رَحْمَةٍ مِّنَ اللَّهِ لِنْتَ لَهُمْ وَلَوْ كُنْتَ فَظًّا غَلِيظَ الْقَلْبِ لَانْفَضُّوا مِنْ حَوْلِكَ»

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Аллоҳ томонидан бўлган бир марҳамат сабабли уларга (саҳобаларингизга) юмшоқ сўзли бўлдингиз. Агар қўпол, бағри тош бўлганингизда эди, албатта атрофингиздан тарқалиб кетган бўлар эдилар». (Оли Имрон: 159).

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ اللَّهَ رَفِيقٌ يُحِبُّ الرَّفِيقَ فِي الْأَمْرِ كُلِّهِ» (متفق عليه).

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Албатта Аллоҳ ҳалим, ҳар бир ишда ҳалимлики яхши кўрувчи Зотдир» (Муттафақун алайҳ).

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِلْأَشْجِّ أَشْجَّ عَبْدِ الْقَيْسِ: «إِنَّ فِيكَ خَصْلَتَيْنِ يُحِبُّهُمَا اللَّهُ الْحِلْمُ وَالْأَنَاءُ» (رواه مسلم).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абдулқайс қабиласилик Ашажга: «Сизда Аллоҳ яхши кўрадиган иккита хислат – ҳалимлик ва оғир-босиқлилик бор», дедилар (Имом Муслим ривояти).

عَنْ عَائِشَةَ زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ الرَّفْقَ لَا يَكُونُ فِي شَيْءٍ إِلَّا زَانَهُ وَلَا يُنْزَعُ مِنْ شَيْءٍ إِلَّا شَانَهُ» (رواه مسلم).

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мулойимлик қай бир нарсада бўлса уни зийнатли қилади, қай бир нарсадан суғурилган бўлса уни айбли қилади» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ جَرِيرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ يُحْرَمَ الرَّفْقَ يُحْرَمَ الْخَيْرَ» (رواه مسلم).

Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким мулойимликдан маҳрум бўлса, яхшиликдан маҳрум бўлибди» (Муслим ривояти).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَلَا أُخْبِرُكُمْ بِمَنْ يَحْرُمُ عَلَى النَّارِ أَوْ بِمَنْ تَحْرُمُ عَلَيْهِ النَّارُ عَلَى كُلِّ قَرِيبٍ هَيِّنٍ سَهْلٍ» (رواه الترمذي).

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизларга дўзахга ҳаром

бўладиган – ёки дўзах унга ҳаром бўладиган – одам ҳақида айтиб берайми?! (Одамларга ўзини) яқин тутувчи, мулойим ва очикқўнгил ҳар бир кишига (дўзах ҳаромдир)» (Имом Термизий ривояти).

عَنْ عَائِدِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ إِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «إِنَّ شَرَّ الرَّعَاءِ الْحُطْمَةُ» (أخرجه مسلم).

Оиз ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Роъий (ҳоким)ларнинг энг ёмони бераҳмларидир» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Мулойимлик, оғир-босиқ бўлиш ҳамда шошқалоқ бўлмаслик Аллоҳ яхши кўрадиган, Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва саллам тарғиб қилган хислатлардан. У мусулмонлар ўртасида раҳм-шафқат, меҳр-мурувват тарқалишига ва бунинг натижасида кўп яхшиликлар ҳосил бўлишига сабабдир. Қўполлик, тошбағир ва раҳмсизлик Аллоҳ ёмон кўрадиган, Ислом қоралаган ёмон ахлоқлар жумласидан бўлиб, мусулмон киши ундан сақланиши лозим. Чунки у кибр ва зўравонликдан содир бўлади.

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

1- Аллоҳ ҳар бир ишда мулойимлик бўлишини яхши кўради.

2- Мулойимлик яхшиликларга сабаб бўлади.

3- Халқлар билан мулойим ва очикқўнгиллик билан муомала қилиш – жаннат аҳлининг сифатларидан.

188- дарс. Табассум қилиш ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бу хусусдаги одатлари ҳақида

عَنْ جَرِيرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ مَا حَجَبَنِي النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُنْذُ أَسْلَمْتُ وَلَا رَأَيْتُ إِلَّا تَبَسَّمَ فِي وَجْهِي (رواه البخاري).

Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу айтади: «Исломни қабул қилганимдан бери Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мени (ҳузурларига киришимдан) ман қилмадилар ва қачон мени кўрсалар, юзимга таббасум билан боқар эдилар» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْحَارِثِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ مَا رَأَيْتُ أَحَدًا أَكْثَرَ تَبَسُّمًا مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ (رواه الترمذي).

Абдуллоҳ ибн Ҳорис розияллоҳу анҳу айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кўра сертабассум бирон кишини кўрмадим» (Имом Термизий ривояти).

عَنْ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا يَقُومُ مِنْ مُصَلَاةِ الَّذِي يُصَلِّي فِيهِ الصُّبْحَ حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ فَإِذَا طَلَعَتْ قَامَ وَكَانُوا يَتَحَدَّثُونَ فَيَأْخُذُونَ فِي أَمْرِ الْجَاهِلِيَّةِ فَيَضْحَكُونَ وَيَتَبَسَّمُونَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ (أَخْرَجَهُ مُسْلِمٌ).

Жобир ибн Самура розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам то кун чиққунича бомдод намозини ўқиган жойларидан турмас эдилар. Кун чиққанидан сўнг турардилар, (саҳобалар) гаплашиб туришар, жоҳилиятдаги ишлар ҳақида гапириб кулишар, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ҳам табассум қилардилар» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «تَبَسُّمُكَ فِي وَجْهِ أَخِيكَ لَكَ صَدَقَةٌ وَأَمْرُكَ بِالْمَعْرُوفِ وَنَهْيُكَ عَنِ الْمُنْكَرِ صَدَقَةٌ وَإِرْشَادُكَ الرَّجُلَ فِي أَرْضِ الضَّلَالِ لَكَ صَدَقَةٌ وَبَصْرُكَ لِلرَّجُلِ الرَّدِيءِ الْبَصِيرِ لَكَ صَدَقَةٌ وَإِمَاطَتُكَ الْحَجَرَ وَالشُّوْكَةَ وَالْعِظْمَ عَنِ الطَّرِيقِ لَكَ صَدَقَةٌ وَإِفْرَاقُكَ مِنْ دَلُوكَ فِي دَلْوِ أَخِيكَ لَكَ صَدَقَةٌ» (رواه الترمذي وقال حسن غريب، وحسنه الألباني).

Абу Зар розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Биродаринг юзига табассум билан боқишинг садақа, амри маъруф ва наҳий мункар қилишинг садақа, адашиб қолган кишини йўлга солиб қўйишинг сен учун садақа, кўзи яхши кўрмайдиган одамга кўз бўлишинг сен учун садақа, йўлдан ахлат, тикан ва суюкни олиб ташлашинг сен учун садақа, челагингдан биродаринг челагига сув қуйиб беришинг

сен учун садақа» (Бухорий «Ал-адабул-муфрад»да, Термизий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 572).

Шарҳ:

Биродарингиз юзига табассум билан боқишингиз унинг қалбига етиб боришнинг ва унда сизга нисбатан бўлиши мумкин гина-адоватни кетказишнинг энг яқин йўлидир. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмон кишини мусулмон биродарига очиқ юзли ва табассумли бўлишга йўллаганлар ва унинг табассумини садақа деб атаганлар. У зот ўзлари асҳобларига табассум билан боқардилар.

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

- 1- Мусулмон кишининг юзига табассум билан боқиш суннат;
- 2- Биродарингиз юзига табассум қилишингиз сиз учун садақа;
- 3- Кўп табассум қилиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг одати шарифаларидан эди.

189- дарс. Кўп кулишдан қайтарганликлари

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا تُكْثِرُوا الضَّحِكَ فَإِنَّ كَثْرَةَ الضَّحِكِ تُمِيتُ الْقَلْبَ» (رواه ابن ماجه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Кўп кулманглар! Чунки

кўп кулиш қалбни ўлдиради» (Имом Аҳмад ва Ибн Можа ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 506).

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ مَا رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُسْتَجْمِعًا قَطُّ ضَاحِكًا حَتَّى أَرَى مِنْهُ لَهَوَاتِهِ إِنَّمَا كَانَ يَتَبَسَّمُ (رواه البخاري).

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кичик тиллари кўринадиган даражада қаҳқаҳа отиб кулганларини кўрмадим. У зот фақат табассум қилар эдилар» (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Кўп кулиш Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг одатларидан эмасди, балки у зот ундан қайтарганлар ва кўп кулиш қалбни ўлишига сабаб бўлишини хабар берганлар. Ул зот табасуус қилардилар. Ул зотда биз учун гўзал намуна бор.

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

- 1- Кўп кулишдан қайтарилган;
- 2- Кўп кулиш қалбнинг ўлишига сабабдир;
- 3- Кўп кулиш Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг одатларидан бўлмаган.

190- дарс. Меҳр-мурувватли бўлиш ҳақида

Аллоҳ таоло Тавба сурасининг 128- оятида пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида: «**Барча мўминларга марҳаматли, меҳрибон бўлган бир пайғамбар**» деди, Фатҳ сураси 29- оятида мўминлар ҳақида: «**Ўзаро бир-бирларига раҳм-шафқатлидирлар**», деди.

عَنْ جَرِيرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا يَرْحَمُ اللَّهُ مَنْ لَا يَرْحَمُ النَّاسَ» (رواه البخاري)

Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Одамларга раҳм қилмайдиган кишига Аллоҳ раҳм қилмайди» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أُسَامَةَ بْنِ زَيْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ أُرْسِلَتْ ابْنَةُ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَيْهِ إِنَّ ابْنًا لِي قُبِضَ فَأْتِنَا فَأَرْسَلْ يَقْرَأُ السَّلَامَ وَيَقُولُ: «إِنَّ لِلَّهِ مَا أَخَذَ وَلَهُ مَا أَعْطَى وَكُلُّ عِنْدَهُ بِأَجَلٍ مُّسَمًّى فَلْتَصْبِرْ وَالتَّحْتَسِبْ» فَأَرْسَلْتُ إِلَيْهِ تُقْسِمُ عَلَيْهِ لِيَأْتِيَنَهَا فَقَامَ وَمَعَهُ سَعْدُ بْنُ عُبَادَةَ وَمَعَاذُ بْنُ جَبَلٍ وَأَبِيُّ بْنُ كَعْبٍ وَزَيْدُ بْنُ ثَابِتٍ وَرِجَالٌ فَرَفَعَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الصَّبِيَّ وَنَفْسَهُ تَتَفَقَعُ فَفَاضَتْ عَيْنَاهُ فَقَالَ سَعْدُ يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا هَذَا فَقَالَ: «هَذِهِ رَحْمَةٌ جَعَلَهَا اللَّهُ فِي قُلُوبِ عِبَادِهِ وَإِنَّمَا يَرْحَمُ اللَّهُ مِنْ عِبَادِهِ الرَّحْمَاءَ» (متفق عليه).

Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир қизлари ўғли жон таслим қилаётганини айтиб, етиб келишларини сўраб у зот ҳузурларига одам юборди. У зот салом йўлладилар ва «Албатта,

олгани ҳам, бергани ҳам Аллоҳнинг Ўзиники. Ҳар бир жон Унинг ҳузурида маълум муҳлат билан (белгиланган)дир. Сабр қилгин, Унинг ҳузуридаги ажру савобни умид этгин» деб айтиб юбордилар. Қизлари қасам билан: «Албатта келсинлар» деб айтиб юборди. Шундан сўнг у зот кўзгалдилар, Саъд ибн Убода, Муоз ибн Жабал, Убай ибн Каъб, Зайд ибн Собит ва бошқа кишилар ҳамроҳ бўлишди. Болани Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қўлларига берилди, у жон таслим қилиш ҳолатида эди. Шунда у зотнинг кўзларидан ёш қуйилди. Саъд: «Ё Расулуллоҳ, бу нимаси?» деган эди, «Бу Аллоҳ таоло бандаларининг қалбига ўрнатган раҳм-шафқатдир. Аллоҳ бандалари ичидан фақат раҳмдил кишиларгагина раҳм қилади», дедилар (Муттафақун алайҳ).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ أَبَا الْقَاسِمِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «لَا تُنَزَعُ الرَّحْمَةُ إِلَّا مِنْ شَقِيٍّ» (أَخْرَجَهُ التِّرْمِذِيُّ).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Абулқосим соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Раҳм-шафқат фақат бадбахт одамдан олиб қўйилади» (Имом Термизий ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «بَيْنَمَا رَجُلٌ يَمْشِي بِطَرِيقٍ اشْتَدَّ عَلَيْهِ الْعَطَشُ فَوَجَدَ بئْرًا فَنَزَلَ فِيهَا فَشَرِبَ ثُمَّ خَرَجَ فَإِذَا كَلْبٌ يَلْهَثُ يَأْكُلُ التُّرَى مِنْ

الْعَطَشِ فَقَالَ الرَّجُلُ لَقَدْ بَلَغَ هَذَا الْكَلْبَ مِنَ الْعَطَشِ مِثْلُ الَّذِي كَانَ بَلَغَ مِنِّي فَنَزَلَ الْبُيْرَ فَمَلَأَ خُفَّهُ مَاءً ثُمَّ أَمْسَكَهُ بِيَمِينِهِ حَتَّى رَقِيَ فَسَقَى الْكَلْبَ فَشَكَرَ اللَّهُ لَهُ فَغَفَرَ لَهُ قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ وَإِنَّ لَنَا فِي هَذِهِ الْبَهَائِمِ لَأَجْرًا؟ فَقَالَ: «فِي كُلِّ كَبِدٍ رَطْبَةٌ أَجْرٌ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Бир киши йўлда бораркан, қаттиқ ташна бўлди. Бир қудуқ топиб, унга тушди ва сувидан ичиб чиқди. Қараса, бир ит ташналиқдан тилини осилтириб, тупроқ ялаб турибди. У: «Бу итга ҳам худди менга етгандек ташналиқ етибди» деди-да, қудуққа тушиб, маҳсисини тўлдириб сув олиб, уни тишлаганича тепага кўтарилди ва итни суғорди. Аллоҳ унинг бу ишидан мамнун бўлиб, гуноҳларини мағфират қилди», дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, бизга ҳайвонларга қилган яхшилигимизда ҳам ажр бўладими?» деб сўрадилар. «Ҳар бир қуримаган жигарда (яъни тирик жонда) ажр бор», дедилар (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Мусулмонларнинг динлари раҳм-шафқат устига қурилган. Парвардигорлари уларга меҳрибондир, пайғамбарлари уларга меҳрибондир, Аллоҳ таоло уларни ўзаро бир-бирларига раҳм-шафқатли деб сифатлаган. Раҳмдиллилик Аллоҳ таоло яхши кўрадиган мақтовли хулқлардан бўлиб, У зот Ўзининг Пайғамбари соллаллоху алайҳи ва саллам тиллари орқали бандалари ичидан фақат раҳмли кишиларга раҳм қилишини хабар берган.

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

- 1- Раҳм-шафқат мўминларнинг сифатларидан;
- 2- Одамларга раҳм-шафқатли бўлиш Аллоҳнинг раҳматига мушарраф бўлиш сабабларидан;
- 3- Қалбдан раҳм-шафқат олиб қўйилиши инсоннинг бадбахтлиги аломатидир;
- 4- Ҳайвонларга яхшилик қилиш савобли иш.

191- дарс. Ёлғон қасам ичишнинг ёмонлиги

عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «مَنْ حَلَفَ عَلَى مَالِ امْرَأٍ مُسْلِمٍ بِغَيْرِ حَقِّهِ لَقِيَ اللَّهَ وَهُوَ عَلَيْهِ غَضَبَانُ» قَالَ عَبْدُ اللَّهِ ثُمَّ قرَأَ عَلَيْنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِصْدَاقَهُ مِنْ كِتَابِ اللَّهِ (إِنَّ الَّذِينَ يَشْتَرُونَ بِعَهْدِ اللَّهِ وَأَيْمَانِهِمْ ثَمَنًا قَلِيلًا أُولَئِكَ لَا خَلَاقَ لَهُمْ فِي الْآخِرَةِ وَلَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ وَلَا يَنْظُرُ إِلَيْهِمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا يُزَكِّيهِمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ) (متفق عليه).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким мусулмон кишининг моли зиёнига ноҳақ қасам ичса, Аллоҳ таолога Унинг ғазабига дучор бўлган ҳолда йўлиқади». Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бунинг тасдиғини Аллоҳ азза ва жалланинг Китобидан ўқидилар: «Аллоҳга берган аҳд-паймон ва қасамларини озгина қийматга сотиб юборадиган

кимсалар учун охиратда ҳеч қандай насиба йўқдир. Қиёмат Кунда Аллоҳ уларга сўз қотмайди, раҳмат назари билан боқмайди ва гуноҳларидан покламайди. Улар учун аламли азоб бордир» (Оли Имрон: 77). (Муттафақун алайх).

عَنْ أَبِي أُمَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ افْتَطَعَ حَقَّ امْرِئٍ مُسْلِمٍ بِيَمِينِهِ فَقَدْ أَوْجَبَ اللَّهُ لَهُ النَّارَ وَحَرَّمَ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ» فَقَالَ لَهُ رَجُلٌ وَإِنْ كَانَ شَيْئًا يَسِيرًا يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: «وَإِنْ قَضِيًّا مِنْ أَرَاكَ» (أخرجه مسلم).

Абу Умома ал-Ҳорисий розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким қасами билан бир мусулмон кишининг ҳаққини тортиб олса, Аллоҳ унга дўзахни вожиб қилиб, жаннатни ҳаром қилади». Шунда бир киши: «Озгина нарса бўлса ҳамми, ё Расулуллоҳ?», деб сўради. «Арок (мисвок дарахти)нинг новдаси бўлса ҳам!», деб жавоб бердилар (Имом Муслим ривояти).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْكَبَائِرُ الْأَشْرَاكُ بِاللَّهِ وَعُقُوقُ الْوَالِدَيْنِ وَقَتْلُ النَّفْسِ وَالْيَمِينُ الْغَمُوسُ» (رواه البخاري)

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоху анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Гуноҳи кабиралар: Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш, одам ўлдириш ва ёлғон қасам ичишдир» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ جَاءَ أَعْرَابِيٌّ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا الْكَبَائِرُ؟ قَالَ: «الْإِشْرَاكُ بِاللَّهِ» قَالَ ثُمَّ مَاذَا؟ قَالَ: «ثُمَّ عُفُوقُ الْوَالِدَيْنِ» قَالَ ثُمَّ مَاذَا؟ «قَالَ الْيَمِينُ الْعَمُوسُ» قُلْتُ وَمَا الْيَمِينُ الْعَمُوسُ؟ قَالَ: «الَّذِي يَقْتَطِعُ مَالَ امْرِئٍ مُسْلِمٍ هُوَ فِيهَا كَاذِبٌ» (رواه البخاري).

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Бир аъробий Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, гуноҳи кабиралар нималар?» деб сўради. «Аллоҳга ширк келтириш», дедилар. «Кейин-чи?», деди. «Кейин ота-онага оқ бўлиш», дедилар. «Кейин-чи?», деди. «Ёлғон қасам», дедилар. «Ёлғон қасам нима?», деди. «Ёлғондан қасам ичиб мусулмон кишининг молини тортиб олиш», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Аллоҳга қасам ичишнинг ҳурмати бор, Аллоҳ таоло буни жуда қаттиқ санайди. Чунки, у ҳақ-ҳуқуқларни исбот ёки рад қилишнинг шаръий воситаларидан саналади. Ёлғон қасам ичиш билан одамларнинг шаръий ҳақ-ҳуқуқларини зое қилиш ва Аллоҳ азза ва жалланинг мақомини камситиш содир бўлади. Шу боисдан ҳам қасамида ёлғон сўзловчи кимсага шу қадар оғир гуноҳ битилади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Ёлғон қасам билан мусулмон кишининг молини тортиб олиш харом;

2- Бундай қилган кишининг азоби жуда қаттиқ бўлади, қасами уни дўзахга туширади;

3- Ёлғон қасам ичишдан эҳтиёт бўлиш зарур.

192- дарс. Ёлғон гувоҳлик беришнинг ёмонлиги

Аллоҳ таоло айтади:

«وَاجْتَنِبُوا قَوْلَ الزُّورِ»

«Ёлғон сўздан йироқ бўлингиз!» (Ҳаж: 30).

«وَلَا تَقْفُ مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ إِنَّ السَّمْعَ وَالْبَصَرَ وَالْفُؤَادَ كُلُّ أُولَئِكَ كَانَ عَنْهُ مَسْئُولًا»

«(Эй инсон,) ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дил — буларнинг барчаси тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (яъни, эшитган, кўрган ишонган ҳар бир нарсаси учун киши Қиёмат кунида жавоб беради)» (Исро: 36).

عَنْ أَبِي بَكْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَلَا أُنبِّئُكُمْ بِأَكْبَرِ الْكِبَائِرِ؟» ثَلَاثًا قَالُوا بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ: «الإِشْرَاكُ بِاللَّهِ وَعُقُوقُ الْوَالِدَيْنِ - وَجَلَسَ وَكَانَ مُتَكِنًا - فَقَالَ: أَلَا وَقَوْلُ الزُّورِ» قَالَ فَمَا زَالَ يُكْرِرُهَا حَتَّى قُلْنَا لَيْتَهُ سَكَتَ (متفق عليه).

Абу Бакра (Нуфайъ ибн Ҳорис) розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизларга энг катта гуноҳларни айтиб берайми?» деб уч бор такрорладилар. Биз: «Ҳа, ё Расулуллоҳ», дедик. «Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ

бўлиш», дедилар, суюниб ётган эдилар, ўтириб олдилар ва: «Огоҳ бўлингиз, ёлғон сўзлаш ва ёлғон гувоҳлик бериш», дедилар. Шундай деб такрорлайвердилар, ҳатто биз: «Кошки сукут қилсалар» деб қолдик (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Ёлғон гувоҳлик бериш – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматни огоҳлантирган энг катта гуноҳлар жумласидан. Чунки у бир вақтнинг ўзида энг ёмон иллатлардан бўлмиш ёлғон сўзлаш билан мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини зое қилиш ўртасини жамлайди. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни гуноҳи кабиралардан санадилар ва саҳобаларни ундан огоҳлантирар эканлар, қаттиқ таъсирландилар, ҳатто саҳобаларнинг у зотга раҳмлари келиб, кошки сукут қилсалар эди, деб қолишди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Ёлғон гувоҳлик бериш ҳаром;
- 2- У ўзида ёлғонни ва мусулмонларнинг ҳуқуқларини зое қилишни жамлагани учун энг катта гуноҳлардан саналади.

193- дарс. Ғийбатнинг ёмонлиги ва мусулмонларнинг обрўларини ҳимоя қилишнинг фазли ҳақида

Аллоҳ таоло айтади:

«وَلَا يَغْتَابَ بَعْضُكُم بَعْضًا أَيُّحِبُّ أَحَدُكُمْ أَنْ يَأْكُلَ لَحْمَ أَخِيهِ مَيْتًا فَكَرِهْتُمُوهُ»

«Баъзиларингиз баъзиларни ғийбат қилмасин! Сизлардан бирон киши ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрадими?!» (Хужурот сураси 12- оят).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قِيلَ يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا الْغَيْبَةُ؟ قَالَ: «ذِكْرُكَ أَخَاكَ بِمَا يَكْرَهُ»
قَالَ أَرَأَيْتَ إِنْ كَانَ فِيهِ مَا أَقُولُ قَالَ: «إِنْ كَانَ فِيهِ مَا تَقُولُ فَقَدْ اغْتَابْتَهُ وَإِنْ لَمْ يَكُنْ فِيهِ مَا تَقُولُ فَقَدْ
بَهْتَّهُ» (رواه أبو داود والترمذي).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Ё Расулуллоҳ, ғийбат нима?» деб сўралди. «Биродаринг ҳақида у ёқтирмайдиган нарсани айтишинг», дедилар. «Агар мен айтган нарса унда ҳақиқатан бўлса-чи?», дейилди. «Аган сен айтган нарса унда бўлса, сен уни ғийбат қилган бўласан, агар у нарса унда бўлмаса, сен унга бўҳтон қилган бўласан», дедилар (Термизий ва Абу Довуд ривоятлари).

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَمَّا عُرِجَ بِي
مَرَرْتُ بِقَوْمٍ لَهُمْ أَظْفَارٌ مِنْ نَحَاسٍ يَخْمُسُونَ وُجُوهُهُمْ وَصُدُورَهُمْ فَقُلْتُ مَنْ هَؤُلَاءِ يَا جَبْرِيْلُ قَالَ
هَؤُلَاءِ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ لَحْمَ النَّاسِ وَيَقْعُونَ فِي أَعْرَاضِهِمْ» (أخرجه أبو داود).

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Меърожга олиб

чиқилганимда бир қавм ёнидан ўтдим. Уларнинг тирноқлари мисдан бўлиб, у билан юзларини ва кўкракларини тирнардилар. «Булар кимлар, эй Жибрил?» деб сўраганларида Жибрил алайҳиссалом: «Улар одамларнинг гўштарини (ғийбат билан) ейдиган ва обрўларига чанг соладиган кимсалар», деб жавоб бердилар (Имом Абу Довуд ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «كُلُّ الْمُسْلِمِ عَلَى الْمُسْلِمِ حَرَامٌ دَمُهُ وَمَالُهُ وَعِرْضُهُ» (أخرجه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Ҳар бир мусулмоннинг қони, моли ва обрў-номуси бошқа мусулмонга ҳаромдир». (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ رَدَّ عَنْ عِرْضِ أَخِيهِ رَدَّ اللَّهُ عَنْ وَجْهِهِ النَّارَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ» (أخرجه الترمذي).

Абуд-Дардо розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким биродарининг обрўси (тўкилиши)ни қайтарса, Аллох таоло қиёмат куни унинг юзидан дўзах ўтини қайтаради» (Имом Термизий ривояти).

Шарҳ:

Ғийбат гуноҳи кабиралардан ва одамлар ўртасида кенг ёйилган маъсият турларидан бўлгани ҳолда кўпчилик унга енгил ва бепарво

қарашади. Ҳолбуки, у мусулмонлар орасида адоват пайдо бўлишига ва уларнинг ўртаси бузилишига сабаб бўлади. Ғийбат жирканч ишлардан бўлгани учун ҳам Аллоҳ таоло ғийбатчини ўзининг ўлган биродарининг гўштини еювчига ўхшатди. Ғийбатчининг барзах ҳаётидаги жазоси шуки, у мис тирноқлар билан юзини ва кўксини тилкалайди. Мусулмоннинг бошқа мусулмонга нисбатан унинг беҳуда қонини тўкиш, ноҳақ молини ейиш ҳаром бўлгани каби унинг обрўсини тўкиш ҳам ҳаромдир.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Ғийбат ҳаром ва гуноҳи кабиралардан;
- 2- Бировни у ёқтирмайдиган нарса билан зикр қилиш – гарчи ўша нарса унда бўлса-да – ғийбатдир;
- 3- Ғийбатга қулоқ тутиш ҳаром, ғийбатчини айблаш, уни бу ишдан қайтариш лозим;
- 4- Ғийбатчининг барзах ҳаётидаги азоби қаттиқдир;
- 5- Мусулмон кишининг обрўси тўкилаётганда уни ҳимоя қилиш зарур, шундай қилган кишининг юзидан Аллоҳ таоло дўзах ўтини қайтаради.

194- дарс. Чақимчиликнинг ҳаромлиги ва ундан огоҳлантиришлар

عَنْ حُدَيْفَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ نَمَامٌ» (رواه مسلم).

Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Чақимчи жаннатга кирмайди», деганларини эшитганман (Имом Муслим ривояти).

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ مَرَّ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِحَائِطٍ مِنْ حِيطَانِ الْمَدِينَةِ أَوْ مَكَّةَ فَسَمِعَ صَوْتَ إِنْسَانَيْنِ يُعَذَّبَانِ فِي قُبُورِهِمَا فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «يُعَذَّبَانِ وَمَا يُعَذَّبَانِ فِي كَبِيرٍ ثُمَّ قَالَ بَلَى كَانَ أَحَدُهُمَا لَا يَسْتَتِرُ مِنْ بَوْلِهِ وَكَانَ الْآخَرُ يَمْشِي بِالنَّمِيمَةِ» (متفق عليه).

«Саҳихайн»да Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: ««Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка ёки Мадина (қўрғонлари) деворларидан бир девор ёнидан ўтаётиб қабрларида азобланаётган икки кишининг овозини эшитдилар. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу иккиси азобланаяпти ва (лекин бу) гуноҳ (қўринишидан) катта эмас» дедилар. Кейин: «Бироқ, (у катта гуноҳдир) улардан бири бавлидан (сийдигидан) сақланмас эди, иккинчиси чақимчилик қилиб юрарди» дедилар (Муттафақун алайҳ).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ إِنَّ مُحَمَّدًا صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَلَا أُنبئُكُمْ مَا الْعِضَةُ؟ هِيَ النَّمِيمَةُ الْقَالَةُ بَيْنَ النَّاسِ» (أخرجه مسلم).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизларга бўҳтон нималигини айтиб берайми? У чақимчилик қилиб, одамлар орасида гап ташишдир» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Чақимчилик – яъни одамлар орасида бузғунчилик мақсадида бўлсин, роҳатланиб вақт ўтказиш учун бўлсин, гап ташиб юриш гуноҳи кабиралардан бўлиб, у сабабли кишилар ўртасида адоват ва юзкўрмасликлар вужудга келади. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан огоҳлантирганлар ва бундай жирканч иш билан шуғулланишнинг азоби қаттиқ эканидан хабар берганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Чақимчилик ҳаром ва гуноҳи кабиралардан;
- 2- Бундай гуноҳни қилувчи кимсанинг жазоси оғир бўлади.

195- дарс. Лаънатлашдан огоҳлантириш

عَنْ ثَابِتِ بْنِ الضَّحَّاكِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَعْنُ الْمُؤْمِنِ كَقَتْلِهِ» (متفق عليه).

Собит ибн Заҳҳок розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мўминни лаънатлаш уни қатл қилиш билан баробар» (Муттафақун алайҳ).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا يَنْبَغِي لِصِدِّيقٍ أَنْ يَكُونَ لَعَانًا» (أخرجه مسلم).

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Сиддик (ростгўй одам) учун кўп лаънат айтувчи бўлиш муносиб эмас» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا يَكُونُ اللَّعَانُونَ شُفَعَاءَ وَلَا شُهَدَاءَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ» (أخرجه مسلم).

Абуд-Дардо розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Кўп лаънат айтувчилар қиёмат куни шафоатчи ҳам, гувоҳ ҳам бўлмайдилар» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَيْسَ الْمُؤْمِنُ بِالطَّعَّانِ وَلَا اللَّعَّانِ وَلَا الْفَاحِشِ وَلَا الْبِدِيِّ» (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ).

Ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Мўмин обрўларга кўп путур етказувчи, кўп лаънат айтувчи, фаҳш сўзлар айтувчи ва сўкағон киши эмасдир» (Имом Термизий ривояти).

عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ الْعَبْدَ إِذَا لَعَنَ شَيْئًا صَعِدَتْ اللَّعْنَةُ إِلَى السَّمَاءِ فَتُغْلَقُ أَبْوَابُ السَّمَاءِ دُونَهَا ثُمَّ تَهْبِطُ إِلَى الْأَرْضِ فَتُغْلَقُ أَبْوَابُهَا دُونَهَا ثُمَّ تَأْخُذُ يَمِينًا وَشِمَالًا فَإِذَا لَمْ تَجِدْ مَسَاغًا رَجَعَتْ إِلَى الَّذِي لَعِنَ فَإِنْ كَانَ لِذَلِكَ أَهْلًا وَإِلَّا رَجَعَتْ إِلَى قَائِلِهَا» (رواه أبو داود)

Абу Дардо розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам айтадилар: «Агар банда бирор нарсани лаънатлайдиган бўлса, лаънат осмонга кўтарилади. Бирок лаънат учун осмон эшиклари ёпилади. Кейин у ерга қайтиб тушади. Унинг қаршисида ернинг эшиклари ҳам ёпилади. Шундан сўнг у гоҳ ўнг, гоҳ чап томонга бурилиб (йўл қидира бошлайди). Агар бирор йўл топа олмаса, лаънатланган нарсага қараб юради. Агар у нарса лаънатга лойиқ бўлса, (ўшанга урилади). Бўлмаса лаънат айтувчининг ўзига қайтиб тушади» (Абу Довуд ривояти).

Шарҳ:

Лаънат – Аллоҳнинг раҳматидан қувилиш ва узоқлаштирилиш демакдир. Бировга лаънат айтиш хатарли иш. Чунки, лаънатланган киши агар ўша лаънатга лойиқ бўлмаса, лаънат уни айтувчи кишининг ўзига қайтиб тушади. Кўпчилик лаънат айтиш хусусида жуда бепарво бўлишади. Ваҳоланки, ундан огоҳлантириш, қаттиқ қайтариш ва бу ишда бепарво бўлмаслик лозим.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Мусулмонларга лаънат айтиш жуда хатарли ишлардан;
- 2- Ноҳақ айтилган лаънат уни айтган кишининг ўзига қайтади;

3- Лаънатлаш сиддиқ ва солиҳ кишилар сифатларидан эмас.

196- дарс. Шеър ҳақида

Аллоҳ таоло айтади:

«وَالشُّعْرَاءُ يَتَّبِعُهُمُ الْغَاوُونَ (224) أَلَمْ تَرَ أَنَّهُمْ فِي كُلِّ وَادٍ يَهِيمُونَ (225) وَأَنَّهُمْ يَقُولُونَ مَا لَا يَفْعَلُونَ (226) إِلَّا الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَذَكَرُوا اللَّهَ كَثِيرًا وَانْتَصَرُوا مِنْ بَعْدِ مَا ظَلَمُوا وَسَيَعْلَمُ الَّذِينَ ظَلَمُوا أَيَّ مُنْقَلَبٍ يَنْقَلِبُونَ (227)»

«Шоирларга йўлдан озганлар эргашур. Уларнинг (сўз водийларидан) ҳар водийда дайдишларини (яъни ўзларига ёқиб қолган энг тубан кимса ё нарсаларни ҳам кўкка кўтариб, ёқтирмаганларини тупроққа қоришларини) ва ўзлари қилмайдиган нарсаларни айтишларини кўрмадингизми?! Магар иймон келтирган ва яхши амаллар қилган ҳамда доим Аллоҳни ёдда тутган ва (илгари) мазлум бўлганларидан кейин (Ислом зафар топгач) ғолиб бўлган кишилар (яъни шоирлар йўлдан оздирувчи эмаслар). Золим кимсалар эса яқинда қандай оқибатга қараб кетаётганларини билиб қолурлар» (Шуъаро: 224-227).

عَنْ أَبِي بِنِ كَعْبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ مِنَ الشَّعْرِ حِكْمَةً»
(أخرجه البخاري).

Убай ибн Каъб розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Шеърлар ичида айримлари ҳикмат ҳам бўлади» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «يَوْمَ قُرَيْظَةَ لِحْسَانَ بْنِ ثَابِتٍ: «اهْجُ الْمُشْرِكِينَ فَإِنَّ جِبْرِيْلَ مَعَكَ» (متفق عليه).

Баро ибн Озиб розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Қурайза жанги куни Ҳассон ибн Собитга: «Мушрикларни ҳажв қилинг, Жибрил сиз билан бирга», дедилар (Муттафақун алайҳ).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَأَنْ يَمْتَلِيَّ جَوْفُ رَجُلٍ قَيْحًا يَرِيهِ خَيْرٌ مِنْ أَنْ يَمْتَلِيَّ شِعْرًا» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Кишининг ичи уни бузиб юборадиган қон-йиринг билан тўлиши шеър билан тўлишидан кўра яхшироқ» (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Шеърлар ичида яхшиси ҳам, ёмони ҳам бўлади. Шеър агар фазилатга ва гўзал ахлоқларга чорлов бўлса, у мақтовли ва марғубдир. Аксинча, мусулмонларни ҳақоратлаш ва масхара

қилиш ёки фиску-фужурга чақирик бўлса, ундай шеър мазмум – айбли шеър саналади. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам айни шу турдаги шеърдан қайтарганлар ва уни айблаганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Шеърнинг яхшиси ҳам, ёмони ҳам бўлади;

2- Инсон ичини Аллоҳнинг зикри ва Қуръонга ўрин қолдирмайдиган даражада кўп шеър билан тўлдириши яхши эмас.

197- дарс. Тақиқланган сўзлар ҳақида

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَيُّمَا امْرِئٍ قَالَ لِأَخِيهِ يَا كَافِرٌ فَقَدْ بَاءَ بِهَا أَحَدُهُمَا إِنْ كَانَ كَمَا قَالَ وَإِلَّا رَجَعَتْ عَلَيْهِ» (أخرجه مسلم).

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қай бир киши биродарига: «Эй кофир!» деса, улардан бири ўша (сўзнинг гуноҳи) билан қайтади. Агар у айтганидек бўлса хўп, акс ҳолда (кофирликка нисбат бериш унинг ўзига) қайтади (гўёки ўзини ўзи кофирга чиқарган бўлади)» (Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «مَنْ دَعَا رَجُلًا بِالْكَفْرِ أَوْ قَالَ عَدُوَّ اللَّهِ وَلَيْسَ كَذَلِكَ إِلَّا حَارَ عَلَيْهِ» (أخرجه مسلم).

Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Ким бир кишини «кофир» деб чақирса ё «Аллоҳнинг душмани» деса-ю у одам ундай бўлмаса, (ўша гапи) ўзига қайтади» (Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي الْمَلِيحِ عَنْ رَجُلٍ قَالَ كُنْتُ رَدِيفَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَعَثَرْتُ دَابَّةً فَقُلْتُ تَعَسَ الشَّيْطَانُ فَقَالَ: «لَا تَقُلْ تَعَسَ الشَّيْطَانُ فَإِنَّكَ إِذَا قُلْتَ ذَلِكَ تَعَازَمَ حَتَّى يَكُونَ مِثْلَ الْبَيْتِ وَيَقُولُ صَرَغَتْهُ بِقُوَّتِي وَلَكِنْ قُلْ «بِسْمِ اللَّهِ» فَإِنَّكَ إِذَا قُلْتَ ذَلِكَ تَصَاغَرَ حَتَّى يَكُونَ مِثْلَ الدُّبَابِ» (رواه أبو داود وأحمد).

Абул-Малихдан ривоят қилинади, у бошқа бир кишидан ривоят қилади: Мен уловда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ортларига мингашиб кетаётган эдим, улов қоқилиб кетди. Шунда мен: «Шайтон ўлгур», деган эдим, у зот: «Шайтон ўлгур» демагин. Чунки ундай десанг, шайтон катталашиб, (шишиб) уйдек бўлиб кетади ва: «Куч-қувватим билан уни енгдим», дейди. Унинг ўрнига сен: «Бисмиллаҳ» дегин, шундай десанг шайтон кичрайиб пашшачалик бўлиб қолади», дедилар (Абу Довуд ва Аҳмад ривоятлари).

Шарх:

Мусулмон киши ҳар бир айтган гапига ҳисоб беради ва ё ажрга ё гуноҳга эришади. Шу боис Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва

саллам айрим сўзлардан қайтарганлар ва айримларининг ўрнига нима дейиш кераклигини ўргатганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Мусулмон кишини «Эй кофир!» «Эй Аллоҳнинг душмани!» дейиш мумкин эмас;
- 2- Бу сўзлар ноҳақ айтилган бўлса, айтувчисининг ўзига қайтиб келади;
- 3- «Шайтон ўлгур» ёки шу қабилдаги сўзни демаслик керак, бунинг ўрнига «Бисмиллаҳ» дейиш лозим.

198- дарс. Зулмнинг ҳаромлиги ҳақида

Аллоҳ таоло айтади:

«مَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ حَمِيمٍ وَلَا شَفِيعٍ يُطَاعُ»

«Золим кимсалар учун (қиёмат кунида) на бир дўст ва на итоат қилинадиган (яъни шафоати қабул қилинадиган) оқловчи бўлмас» (Ғофир: 18).

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِيمَا رَوَى عَنْ اللَّهِ تَبَارَكَ وَتَعَالَى أَنَّهُ قَالَ: «يَا عِبَادِي إِنِّي حَرَمْتُ الظُّلْمَ عَلَى نَفْسِي وَجَعَلْتُهُ بَيْنَكُمْ مُحَرَّمًا فَلَا تَظَالَمُوا، يَا عِبَادِي كُلُّكُمْ ضَالٌّ إِلَّا مَنْ هَدَيْتُهُ فَاسْتَهْدُونِي أَهْدِكُمْ، يَا عِبَادِي كُلُّكُمْ جَائِعٌ إِلَّا مَنْ أَطْعَمْتُهُ فَاسْتَطْعِمُونِي أُطْعِمْكُمْ، يَا عِبَادِي كُلُّكُمْ عَارٍ إِلَّا مَنْ كَسَوْتُهُ فَاسْتَكْسُونِي أَكْسُكُمْ، يَا عِبَادِي إِنَّكُمْ تُخْطِئُونَ بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَأَنَا أَعْفِرُ الذُّنُوبَ جَمِيعًا فَاسْتَغْفِرُونِي أَعْفِرْ لَكُمْ، يَا عِبَادِي إِنَّكُمْ لَنْ تَبْلُغُوا ضُرِّي

فَتَضَرُّونِي وَلَنْ تَبْلُغُوا نَفْعِي فَتَنْفَعُونِي، يَا عِبَادِي لَوْ أَنَّ أَوْلَكُمْ وَآخِرَكُمْ وَإِنْسَكُمْ وَجِنَّتُمْ كَانُوا عَلَى أَتَقَى قَلْبِ رَجُلٍ وَاحِدٍ مِنْكُمْ مَا زَادَ ذَلِكَ فِي مُلْكِي شَيْئًا، يَا عِبَادِي لَوْ أَنَّ أَوْلَكُمْ وَآخِرَكُمْ وَإِنْسَكُمْ وَجِنَّتُمْ كَانُوا عَلَى أَفَجَرَ قَلْبِ رَجُلٍ وَاحِدٍ مَا نَقَصَ ذَلِكَ مِنْ مُلْكِي شَيْئًا، يَا عِبَادِي لَوْ أَنَّ أَوْلَكُمْ وَآخِرَكُمْ وَإِنْسَكُمْ وَجِنَّتُمْ قَامُوا فِي صَعِيدٍ وَاحِدٍ فَسَأَلُونِي فَأَعْطَيْتُ كُلَّ إِنْسَانٍ مَسْأَلَتَهُ مَا نَقَصَ ذَلِكَ مِمَّا عِنْدِي إِلَّا كَمَا يَنْقُصُ الْمَخِيطُ إِذَا أُدْخِلَ الْبَحْرَ، يَا عِبَادِي إِنَّمَا هِيَ أَعْمَالُكُمْ أَحْصِيهَا لَكُمْ ثُمَّ أُوقِيكُمْ إِيَّاهَا فَمَنْ وَجَدَ خَيْرًا فَلْيَحْمَدِ اللَّهَ وَمَنْ وَجَدَ غَيْرَ ذَلِكَ فَلَا يُلُومَنَّ إِلَّا نَفْسَهُ» (أخرجه مسلم).

Абу Зар Гифорий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Аллоҳ азза ва жалладан ривоят қилиб дедилар: «Аллоҳ таоло айтади:

- Эй бандаларим, Мен зулмни Ўзимга ҳаром қилдим. Уни сизларнинг ўртангизда ҳам ҳаром этдим. Бас, бир-бирларингизга зулм қилмангиз.

- Эй бандаларим, барчаларингиз залолатдасизлар. Фақат Мен ҳидоят этганларгина бундан мустасно. Бас, Мендан ҳидоят тиланг, сизларни ҳидоятга йўллайман.

- Эй бандаларим, барчаларингиз очсизлар. Фақат Мен таом берганларгина (оч эмас). Бас, Мендан таом сўрангиз, сизларни таомлантираман.

- Эй бандаларим, барчаларингиз яланғочсизлар. Фақат Мен кийинтиргангина (яланғоч эмас). Бас, Мендан кийинтиришимни сўранглар, сизларни кийинтираман.

- Эй бандаларим, сизлар кеча-ю кундуз хато қиласизлар. (Фақат) Мен барча гуноҳларни мағфират этаман. Бас, мендан мағфират тилангиз, сизларни мағфират қиламан.

- Эй бандаларим, сизлар Менинг зараримга (яъни Менга зарар етказиш даражасига) ҳеч қачон етолмайсизлар-ки, Менга зарар берсангизлар! Менинг нафимга ҳам асло етолмайсизлар-ки, Менга наф берсангизлар!

- Эй бандаларим, агар аввалингиз-у охиригиз, инсу жинларингиз орангиздаги бир энг тақводор инсоннинг қалбидек (тақводор) бўлса ҳам бу Менинг мулкимга ҳеч нарса зиёда қилмайди.

- Эй бандаларим, агар аввалингиз-у охиригиз, инсу жинларингиз энг фожир инсоннинг қалбидек (фожир) бўлса ҳам бу Менинг мулкимдан бирон нарсани камайтира олмайди.

- Эй бандаларим, агар аввалингиз-у охиригиз, инсу жинларингиз бир жойга тўпланиб Мендан (ҳожатларини) сўрасалар ва Мен уларнинг ҳар бирига сўраган нарсасини берганимда ҳам, бу Менинг ҳузуримдаги нарсаларни игна денгизга ботирилганда (денгиз сувидан) қанчалик камайтирадиган бўлса, ўшанча миқдорда камайтиради.

- Эй бандаларим, мана шу амалларингиз, Мен уларни ҳисоблайман ва шунга қараб сизларга тўлиқ жазо-мукофот берурман. Ким яхши мукофотни топса, бас, Аллоҳга ҳамд айтсин.

Ким бошқа нарсани топса, фақат ўзини маломат қилсин!» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعَثَ مُعَاذًا إِلَى الْيَمَنِ فَقَالَ: «أَتَقِ دَعْوَةَ الْمَظْلُومِ فَإِنَّهَا لَيْسَ بَيْنَهَا وَبَيْنَ اللَّهِ حِجَابٌ» (رواه البخاري)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муоз розияллоҳу анҳуни Яманга юборар эканлар: «Мазлумнинг дуосидан сақланинг! Зеро, у билан Аллоҳ ўртасида парда йўқдир», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Зулм энг қабих сифатлардан бўлиб, у фақат зўравон, мутакаббир ва Аллоҳнинг буюклигини ва Унинг азоби қаттиқлигини унутган кимсадан содир бўлади. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло комил адолати туфайли зулмни Ўзига ҳаром қилган ва бандалари ўртасида ҳам ҳаром қилган, зулм қилувчи кимсаларга қаттиқ азоб борлиги билан огоҳлантирган.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Зулм ҳаромдир, ундан қаттиқ қайтарилган;
- 2- Мазлумнинг дуоси ижобатдир.

199- дарс. Зулмнинг оқибати ҳақида

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الظُّلْمُ ظُلُمَاتٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ (متفق عليه).

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Зулм қиёмат кундаги кўп зулматлардир» (Муттафақун алайх).

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ ظَلَمَ قَبِدَ شِبْرٍ مِنَ الْأَرْضِ طَوْقَهُ مِنْ سَبْعِ أَرْضِينَ» (متفق عليه).

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким бир қарич ерга зулм (билан эгалик) қилса, (қиёмат куни) ўша бир қарич ерга (тагидаги) етти қават ерни (қўшиб) унинг бўйнига осиб қўйилади» (Муттафақун алайх).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ كَانَتْ لَهُ مَظْلَمَةٌ لِأَخِيهِ مِنْ عَرْضِهِ أَوْ شَيْءٍ فَلْيَتَحَلَّلْهُ مِنْهُ الْيَوْمَ قَبْلَ أَنْ لَا يَكُونَ دِينَارٌ وَلَا دِرْهَمٌ إِنْ كَانَ لَهُ عَمَلٌ صَالِحٌ أُخِذَ مِنْهُ بِقَدْرِ مَظْلَمَتِهِ وَإِنْ لَمْ تَكُنْ لَهُ حَسَنَاتٌ أُخِذَ مِنْ سَيِّئَاتِهِ صَاحِبِهِ فَحُمِلَ عَلَيْهِ» (رواه البخاري).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимнинг зиммасида биродарининг ор-номусига нисбатан қилган зулм ё (моли ё жонига қилган зулм каби бошқа) бирон нарса бўлса, шу бугун, динор ва дирхам (пул) бўлмайдиган кун келишидан олдин ундан қутулиб олсин. (У

кунда) агар унинг солиҳ амали бўлса, зулми миқдорича ундан олинади, агар савоблари бўлмаса, биродарининг гуноҳларидан олиниб, унга юкланади», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ اللَّهَ أَيْمَلِي لِلظَّالِمِ حَتَّى إِذَا أَخَذَهُ لَمْ يُفْلِتْهُ» قَالَ ثُمَّ قَرَأَ { وَكَذَلِكَ أَخْذُ رَبِّكَ إِذَا أَخَذَ الْقُرَى وَهِيَ ظَالِمَةٌ إِنَّ أَخْذَهُ أَلِيمٌ شَدِيدٌ } (متفق عليه).

Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ таоло золимни маълум вақт қўйиб қўяди. Токи (бир куни) уни (азоб билан) ушлаганида, қўйиб юбормайди (саломат қўймайди)», дедилар, сўнг қуйидаги оятни ўқидилар: «**Парвардигорингиз (аҳли-эгалари) золим бўлган шаҳарларни ушлаганида, мана шундай ушлар. Унинг ушлаши-азоби аламли ва қаттиқдир**» (Худ: 102) (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Зулмнинг хатари улкан, оқибати ёмондир. У охирада ўз эгаси учун зулматларга айланади, Аллоҳнинг қаттиқ азобига гирифтор қилади.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

- 1- Золимнинг дунё-ю охирадаги уқубати қаттиқдир;
- 2- У қиёмат куни ўз эгаси учун зулматларга айланади;

3- Аллоҳ таоло золимни зулмида авжига чиқиши учун қўйиб беради, бир кун келиб ушлаганда жуда қаттиқ азоб билан ушлайди.

200- дарс. Мусулмон кишининг қонини тўкиш ҳаромлиги ҳақида

Аллоҳ таоло айтади:

«وَمَنْ يَقْتُلْ مُؤْمِنًا مُتَعَمَّدًا فَجَزَاؤُهُ جَهَنَّمُ خَالِدًا فِيهَا وَغَضِبَ اللَّهُ عَلَيْهِ وَلَعَنَهُ وَأَعَدَّ لَهُ عَذَابًا عَظِيمًا»

«Ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак. У Аллоҳнинг ғазаби ва лаънатига дучор бўлган, Аллоҳ унинг учун улуғ азобни тайёрлаб қўйгандир» (Нисо: 93).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَوَّلُ مَا يُقْضَى بَيْنَ النَّاسِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فِي الدِّمَاءِ» (متفق عليه).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қиёмат куни одамлар ўртасида энг биринчи ажрим қилинадиган нарса қонлар хусусидадир» (Муттафақун алайҳ).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «اجْتَنِبُوا السَّبْعَ الْمُوبِقَاتِ»
قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ وَمَا هُنَّ قَالَ: «الشِّرْكَ بِاللَّهِ وَالسَّحْرُ وَقَتْلُ النَّفْسِ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ وَأَكْلُ
الرِّبَا وَأَكْلُ مَالِ الْيَتِيمِ وَالتَّوَلَّى يَوْمَ الزَّحْفِ وَقَذْفُ الْمُحْصَنَاتِ الْمُؤْمِنَاتِ الْغَافِلَاتِ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Еттига ҳалок қилувчи (гуноҳлар)дан сақланинглар!» «Ё Расулуллоҳ, улар қайсилар?», деб сўрадилар. «Аллоҳга ширк келтириш, сеҳргарлик, ноҳақ одам ўлдириш, судхўрлик, етимнинг молини ейиш, жанг пайтида чекиниш, покиза ва фаҳшдан беҳабар мўмина аёлларни бузуқлик билан тухматлаш», дедилар (Муттафақун алайҳ).

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَنْ يَزَالَ الْمُؤْمِنُ فِي
فُسْحَةٍ مِنْ دِينِهِ مَا لَمْ يُصِْبْ دَمًا حَرَامًا» (رواه البخاري).

Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Мўмин киши ҳаром (яъни ноҳақ) қон тўкмас экан, динида давомий кенгликда бўлади» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَزَوَالِ الدُّنْيَا أَهْوَنُ
عِنْدَ اللَّهِ مِنْ قَتْلِ رَجُلٍ مُسْلِمٍ» (رواه النسائي والترمذي).

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоху анхумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Дунёнинг

заволга юз тутиши Аллоҳ наздида битта мусулмон кишини қатл қилишдан кўра енгилроқдир» (Насоий ва Термизий ривоятлари).

Шарҳ:

Мусулмон кишининг қони ва жонининг Аллоҳ наздида катта ҳурмати бор. Шунинг учун бутун дунё заволга юз тутиши Аллоҳ наздида битта мусулмоннинг қатл қилинишидан енгилроқдир. Ким битта жонни нобуд қилса, гўё бутун инсонларни ўлдиргандек бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ноҳақ одам ўлдиришни ҳалок қилувчи катта гуноҳлардан санадилар.

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

- 1- Мусулмон кишини ўлдириш ҳаром ва гуноҳи кабиралардан;
- 2- Аллоҳ наздида мусулмон кишининг ҳурмати баланд;
- 3- Қиёмат куни энг аввал одамлар ўртасида бўлган қонли низолар ажрим қилинади.

201- дарс. Жиходнинг фазилатлари ҳақида

Аллоҳ таоло айтади:

«يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا هَلْ أَدُلُّكُمْ عَلَىٰ تِجَارَةٍ تُنَجِّبُكُمْ مِّنْ عَذَابٍ أَلِيمٍ . تُوْمِنُونَ بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ
وَتُجَاهِدُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ بِأَمْوَالِكُمْ وَأَنفُسِكُمْ ذَلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ إِن كُنتُمْ تَعْلَمُونَ.»

«Эй мўминлар, сизларга аламли азобдан нажот берадиган бир «тижорат»ни кўрсатайми? (Ўша «тижорат» мана будир)»

Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига иймон келтирасизлар ва Аллоҳ йўлида мол ва жонларингиз билан жиҳод қиласизлар. Мана шу агар билсангизлар ўзларингиз учун энг яхши (иш)дир» (Саф: 10, 11).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سُئِلَ أَيُّ الْعَمَلِ أَفْضَلُ فَقَالَ: «إِيمَانٌ بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ» قِيلَ ثُمَّ مَاذَا؟ قَالَ: «الْجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ» قِيلَ ثُمَّ مَاذَا؟ قَالَ: «حَجٌّ مَبْرُورٌ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Амалларнинг қайсиниси энг афзал?» деб сўралди. «Аллоҳ ва Расулига иймон келтириш», дедилар. «Ундан кейин қайсиниси?», дейилди. «Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш», дедилар. «Ундан кейин қайсиниси?», дейилди. «Мабрур (яъни, мақбул) ҳаж», дедилар (Муттафақун алайх).

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَعَدْوَةٌ فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَوْ رَوْحَةٌ خَيْرٌ مِنَ الدُّنْيَا وَمَا فِيهَا» (متفق عليه).

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Бир кунми, бир кечами, Аллоҳ йўлида жангга чиқиш бутун дунё ва ундаги бор нарсалардан яхшироқдир» (Муттафақун алайх).

عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ جَبْرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَا اغْبَرَّتْ قَدَمًا عَبْدٌ فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَتَمَسَّهُ النَّارُ» (أخرجه البخاري).

Абдуррахмон ибн Жабр розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Қай бир банданинг икки қадами Аллоҳ йўлида чангга беланган бўлса, унга дўзах ўти тегмайди» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قِيلَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَا يَعْدِلُ الْجِهَادَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ؟ قَالَ: «لَا تَسْتَطِيعُونَهُ» قَالَ فَأَعَادُوا عَلَيْهِ مَرَّتَيْنِ أَوْ ثَلَاثًا كُلُّ ذَلِكَ يَقُولُ: «لَا تَسْتَطِيعُونَهُ» وَقَالَ فِي الثَّلَاثَةِ: «مَثَلُ الْمُجَاهِدِ فِي سَبِيلِ اللَّهِ كَمَثَلِ الصَّائِمِ الْقَائِمِ الْقَانِتِ بآيَاتِ اللَّهِ لَا يَفْئُرُ مِنْ صِيَامٍ وَلَا صَلَاةٍ حَتَّى يَرْجِعَ الْمُجَاهِدُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ تَعَالَى» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Ё Расулуллоҳ, Аллоҳ йўлидаги жиҳодга нима тенг кела олади?» деб сўралди. «Сизлар унга қодир бўлмайсизлар», дедилар. Икки ё уч бор сўралганда ҳам «қодир бўлмайсизлар» деб жавоб бердилар. Кейин айтдилар: «Аллоҳ йўлида жиҳод қилувчининг мисоли кундузлари рўзадор, тунлари Аллоҳнинг оятлари билан сусаймасдан намозда бедор бўлган, то Аллоҳ йўлидаги мужоҳид (жиҳоддан) қайтиб келгунича рўза ва намозда тўхтовсиз давом этган киши кабидир» (Муттафақун алайх).

Шарҳ:

Аллоҳ йўлидаги жиҳод улкан машшаққатли ва Аллоҳ йўлида жонни фидо қилишга олиб келувчи амал бўлгани, Аллоҳнинг

динини таратишдек буюк яхшиликни ўз ичига олгани, одамларнинг динга киришларига ва мусулмонлардан кофирларнинг озорларини даф қилишга сабаб бўлгани учун ҳам энг афзал амаллардан саналади.

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

- 1- Аллоҳ йўлидаги жиҳод буюк манзилат-ўринга эга;
- 2- Жиҳод энг афзал амаллардан;
- 3- У дўзахдан нажот топишга сабабдир.

202- дарс. Шаҳид ва мужоҳидга бериладиган ажрлар

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «تَضَمَّنَ اللَّهُ لِمَنْ خَرَجَ فِي سَبِيلِهِ لَا يُخْرِجُهُ إِلَّا جِهَادًا فِي سَبِيلِي وَإِيمَانًا بِي وَتَصَدِيقًا بِرُسُلِي فَهُوَ عَلَيَّ ضَامِنٌ أَنْ أُدْخِلَهُ الْجَنَّةَ أَوْ أَرْجِعَهُ إِلَى مَسْكِنِهِ الَّذِي خَرَجَ مِنْهُ نَائِلًا مَا نَالَ مِنْ أَجْرٍ أَوْ غَنِيمَةٍ وَالَّذِي نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ مَا مِنْ كَلِمٍ يُكَلِّمُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ إِلَّا جَاءَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ كَهَيْئَتِهِ حِينَ كَلِمٍ لَوْنُهُ لَوْنُ دَمٍ وَرِيحُهُ مِسْكٌ وَالَّذِي نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ لَوْلَا أَنْ يَشُقَّ عَلَى الْمُسْلِمِينَ مَا قَعَدْتُ خِلَافَ سَرِيَّةٍ تَغْزُو فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَبَدًا وَلَكِنْ لَا أَجِدُ سَعَةً فَأَحْمِلُهُمْ وَلَا يَجِدُونَ سَعَةً وَيَشُقُّ عَلَيْهِمْ أَنْ يَتَخَفَّوْا عَنِّي وَالَّذِي نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ لَوَدِدْتُ أَنِّي أَغْزُو فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَأُقْتَلُ ثُمَّ أَغْزُو فَأُقْتَلُ ثُمَّ أَغْزُو فَأُقْتَلُ» (أخرجه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло Ўзининг йўлида чиққан кишига кафил бўлиб: «Уни фақат Менинг йўлимда жиҳод қилиш, Менга бўлган иймон ва пайғамбарларимни

тасдиқлаш жиходга олиб чиққан бўлса, Мен уни ё жаннатга киритишга ё эса уйига ажру-савоб ё ўлжаларга эришган ҳолда қайтишига кафилман», дейди. Муҳаммаднинг жони Қўлида бўлган Зотга қасамки, Аллоҳ йўлида олинган ҳар бир жароҳат қиёмат куни жароҳат етган пайтдаги кўринишида, ранги қон рангида, ҳиди мушк ҳидида бўлиб келади. Муҳаммаднинг жони Қўлида бўлган Зотга қасамки, мусулмонларга қийин бўлиб қолишини ўйламасам эди, Аллоҳ йўлида жангга чиққан биронта ҳам сарийя (отряд, гуруҳ)дан ҳеч қачон қолмаган бўлардим. Бироқ, барчаларини жангга ҳозирлаш имкониятим йўқ. Улар ўзлари ҳам имконият топишолмайди ва мен билан бирга жангга чиқишдан қолиш уларга оғир бўлади. Муҳаммаднинг жони Қўлида бўлган Зотга қасамки, истардимки, Аллоҳ йўлида жанг қилиб ўлдирилсам, яна жанг қилиб, яна ўлдирилсам, яна жанг қилиб, яна ўлдирилсам» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَا يَجِدُ الشَّهِيدُ مِنْ مَسِّ الْقَتْلِ إِلَّا كَمَا يَجِدُ أَحَدُكُمْ مِنْ مَسِّ الْقَرْصَةِ» (أخرجه الترمذي).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Шаҳид ўлим оғриқ-аччиғидан фақатгина сизлардан бирингиз (искабтопар) чақишидан топганчалик оғриқ топади» (Имом Термизий ривояти).

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَا أَحَدٌ يَدْخُلُ الْجَنَّةَ يُحِبُّ أَنْ يَرْجِعَ إِلَى الدُّنْيَا وَلَهُ مَا عَلَى الْأَرْضِ مِنْ شَيْءٍ إِلَّا الشَّهِيدُ، يَتَمَنَّى أَنْ يَرْجِعَ إِلَى الدُّنْيَا فَيُقْتَلَ عَشْرَ مَرَّاتٍ لِمَا يَرَى مِنَ الْكِرَامَةِ» (متفق عليه).

Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Жаннатга кирган ҳеч бир киши бутун ер юзидаги нарсалар уники бўлиши эвазига ҳам яна дунёга қайтишни истамайди, фақат шаҳид (жаннатда) кўрган ҳурмат-эҳтиромлари боис яна дунёга қайтиб, яна ўн марта ўлдирилишни орзу қилади» (Муттафақун алайҳ).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «يُغْفَرُ لِلشَّهِيدِ كُلُّ ذَنْبٍ إِلَّا الدَّيْنَ» (أخرجه مسلم).

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоху анхумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Шаҳиднинг қарзидан ташқари ҳар қандай гуноҳи кечирилади» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Шаҳид – яъни Аллоҳ йўлида ўлдирилган кишига Аллоҳ ҳузурида буюк ажру-савоблар бор. У Аллоҳ ҳузурида кўрган ҳурмат-эҳтиромлари азбаройи кўплигидан яна дунёга қайтсам-у, Аллоҳ йўлида яна қайта-қайта ўлдирилсам, деб орзу қилади. Шаҳид ўлим аччиқлигидан бор-йўғи бир пашша ё бурга

чаққанчалик оғриқ сезади, холос. Бу эса Аллоҳ йўлидаги ўлимга жон деб рози бўлгани учун унга берилган мукофотлардан биридир.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Жиходнинг мартабаси улуғ, у жаннатга киришнинг энг катта сабабларидан;
- 2- Шаҳид буюк ажрларга эга бўлади, ўлим аччиғини деярли сезмайди;
- 3- Шаҳидлик гуноҳларнинг каффорат бўлишига энг катта сабаблардандир.

203- дарс. Саҳобаларнинг жиходга бўлган рағбатлари

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ فَاَنْطَلَقَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَصْحَابُهُ حَتَّى سَبَقُوا الْمُشْرِكِينَ إِلَى بَدْرٍ وَجَاءَ الْمُشْرِكُونَ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا يُقَدِّمَنَّ أَحَدٌ مِنْكُمْ إِلَيَّ شَيْءٍ حَتَّى أَكُونَ أَنَا دُونَهُ» فَذَنَا الْمُشْرِكُونَ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «قُومُوا إِلَى جَنَّةٍ عَرْضُهَا السَّمَوَاتُ وَالْأَرْضُ» قَالَ يَقُولُ عُمَيْرُ بْنُ الْحُمَامِ الْأَنْصَارِيُّ يَا رَسُولَ اللَّهِ جَنَّةٌ عَرْضُهَا السَّمَوَاتُ وَالْأَرْضُ؟! قَالَ: «نَعَمْ» قَالَ بَخٍ بَخٍ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَا يَحْمِلُكَ عَلَى قَوْلِكَ بَخٍ بَخٍ؟» قَالَ لَا وَاللَّهِ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِلَّا رَجَاءٌ أَن أَكُونَ مِنْ أَهْلِهَا قَالَ: «فَإِنَّكَ مِنْ أَهْلِهَا» فَأَخْرَجَ تَمْرَاتٍ مِنْ قَرْنِهِ فَجَعَلَ يَأْكُلُ مِنْهُنَّ ثُمَّ قَالَ لَئِنِ أَنَا حَيِّتٌ حَتَّى أَكُلَ تَمْرَاتِي هَذِهِ إِنَّهَا لَحَيَاةٌ طَوِيلَةٌ قَالَ فَرَمَى بِمَا كَانَ مَعَهُ مِنَ التَّمْرِ ثُمَّ قَاتَلَهُمْ حَتَّى قُتِلَ (أَخْرَجَهُ مُسْلِمٌ).

Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам асҳоблари билан йўлга

чикдилар ва Бадрга мушриклардан олдин етиб келдилар. Мушриклар яқинлашгач Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кенглиги осмонлар ва ерчалик бўлган жаннатга турунглари!», дедилар. Шунда Умайр ибн Хумом Ансорий:

- Ё Расулуллоҳ, кенглиги осмонлар ва ерчалик бўлган жаннатга дедингизми?- деди.

- Ҳа!- дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

- Бай-бай!- деди Умайр.

- Бай-бай дейишингизга сизни нима ундади?- сўрадилар Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

- Ё Расулуллоҳ, Аллоҳга қасамки, ўша жаннат аҳлидан бўлиш орзусигина мени бунга ундади,- деб жавоб қилди Умайр.

- Сиз унинг аҳлидансиз!- дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

Умайр халтасидан бир неча дона хурмо чиқариб ея бошлади, сўнгра:

- Шу хурмоларимни еб бўлгунимча тирик бўладиган бўлсам ҳаётим жуда чўзилиб кетади!- деб, қолган хурмоларини улоқтирди-да, мушриклар билан жангга шўнғиди ва шаҳид бўлди (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ غَابَ عَمِّي أَنَسُ بْنُ النَّضْرِ عَنْ قِتَالِ بَدْرٍ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ غِيبْتُ
عَنْ أَوْلٍ قِتَالٍ قَاتَلْتُ الْمُشْرِكِينَ لِنِّ اللَّهِ أَشْهَدَنِي قِتَالَ الْمُشْرِكِينَ لِيَرِيَنَّ اللَّهُ مَا أَصْنَعُ فَلَمَّا كَانَ يَوْمٌ

أُحِدٍ وَانْكَشَفَ الْمُسْلِمُونَ قَالَ اللَّهُمَّ إِنِّي أَعْتَذِرُ إِلَيْكَ مِمَّا صَنَعَ هَؤُلَاءِ يَعْزِي أَصْحَابَهُ وَأَبْرَأُ إِلَيْكَ مِمَّا صَنَعَ هَؤُلَاءِ يَعْزِي الْمُشْرِكِينَ ثُمَّ تَقَدَّمَ فَاسْتَقْبَلَهُ سَعْدُ بْنُ مُعَاذٍ فَقَالَ يَا سَعْدُ بْنُ مُعَاذٍ الْجَنَّةَ وَرَبِّ النَّضْرِ إِنِّي أَجِدُ رِيحَهَا مِنْ دُونِ أُحُدٍ قَالَ سَعْدُ فَمَا اسْتَطَعْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا صَنَعَ قَالَ أَنَسُ فَوَجَدْنَا بِهِ بَضْعًا وَثَمَانِينَ ضَرْبَةً بِالسَّيْفِ أَوْ طَعْنَةً بِرُمْحٍ أَوْ رَمِيَّةً بِسَهْمٍ (رواه البخاري).

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Амаким Анас ибн Назр Бадр жангига қатнаша олмаган эди. У: «Ё Расулуллоҳ, мушриклар билан қилган биринчи жангингизда мен қатнаша олмадим. Қасамки, агар Аллоҳ мени мушриклар билан урушишга ҳозир қилса, нима қилишимни албатта кўради», деди. Уҳуд жанги куни мусулмонлар ортга чекинишган пайт у: «Эй Парвардигор, бу биродарларим қилган ишдан Сенга узр айтаман, ановилар (яъни мушриклар) қилган ишдан поклигимни Сенга билдираман», деди, сўнг олдинга ташланаркан, Саъд ибн Муозга йўлиқди ва: «Эй Саъд, Назрнинг Парвардигорига қасамки, мен жаннатнинг ҳидини Уҳуд томондан топаяпман», деди. Саъд деди: «Ё Расулуллоҳ, мен Анас қилгандек жанг қилишга қодир бўлмадим». Анас ибн Молик айтади: «Биз унинг танасида саксондан ортиқ қилич зарбаси, найза ё камон ўқининг изини топдик» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ شَدَّادِ بْنِ الْهَادِ أَنَّ رَجُلًا مِنَ الْأَعْرَابِ جَاءَ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَمَّنَ بِهِ وَاتَّبَعَهُ ثُمَّ قَالَ أَهَاجِرٌ مَعَكَ فَأَوْصَى بِهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعْضَ أَصْحَابِهِ فَلَمَّا كَانَتْ غَزْوَةُ غَنِمِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سَبِيًّا فَقَسَمَ وَقَسَمَ لَهُ فَأَعْطَى أَصْحَابَهُ مَا قَسَمَ لَهُ وَكَانَ يَرْعَى ظَهْرَهُمْ فَلَمَّا جَاءَ دَفْعُوهُ إِلَيْهِ فَقَالَ مَا هَذَا قَالُوا قِسْمٌ قَسَمَهُ لَكَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَخَذَهُ فَجَاءَ بِهِ

إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ مَا هَذَا؟ قَالَ: «قَسَمْتُهُ لَكَ» قَالَ مَا عَلَى هَذَا اتَّبَعْتُكَ وَلَكِنِّي اتَّبَعْتُكَ عَلَى أَنْ أُرْمَى إِلَى هَاهُنَا وَأَشَارَ إِلَى حَلْقِهِ بِسَهْمٍ فَأَمُوتَ فَأَدْخَلَ الْجَنَّةَ فَقَالَ إِنْ تَصَدَّقَ اللَّهُ بِصَدَقَتِكَ فَلَبِثُوا قَلِيلًا ثُمَّ نَهَضُوا فِي قِتَالِ الْعَدُوِّ فَأَتَى بِهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُحْمَلُ قَدْ أَصَابَهُ سَهْمٌ حَيْثُ أَشَارَ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَهُوَ هُوَ؟» قَالُوا نَعَمْ قَالَ: «صَدَقَ اللَّهُ فَصَدَقَهُ» ثُمَّ كَفَّنَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي جُبَّةِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثُمَّ قَدَّمَهُ فَصَلَّى عَلَيْهِ فَكَانَ فِيمَا ظَهَرَ مِنْ صَلَاتِهِ: «اللَّهُمَّ هَذَا عَبْدُكَ خَرَجَ مُهَاجِرًا فِي سَبِيلِكَ فَقُتِلَ شَهِيدًا أَنَا شَهِيدٌ عَلَى ذَلِكَ» (رواه النسائي).

Аъробийлардан бир киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб иймон келтирди ва у зотга эргашди. Кейин: -Сиз билан бирга ҳижрат қилсам,- деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни асҳобларидан бирига топширдилар. Бир жангда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир қанча ўлжаларни қўлга киритдилар ва аъробийга ҳам улуш ажратдилар. Ўша вақтда у туя боқиб юрган эди. Қайтиб келгач, асҳоблар унга улушини беришди.

- Нима бу?- деб сўради аъробий.

- Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сизга ажратган улуш, - дейишди асҳоблар. Аъробий улушни олиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига борди:

- Ё Расулуллоҳ, бу нима?- деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

- Сенинг улушинг, - дедилар. Аъробий:

- Мен бунинг учун сизга эргашмаганман. Балки мана бу еримга ўқ тегиб ўлсаму сўнг жаннатга кирсам, деган умидда эргашгандим, - деб халқумига ишора қилди.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

- Агар шу аҳдингда Аллоҳга содиқ бўлсанг, Аллоҳ умидингни рўёбга чиқаради, - дедилар.

Орадан бир оз вақт ўтгач, душман билан жангга туришди, сўнг унинг жасадини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига олиб келишди. Унга ўзи кўрсатган ерига ўқ теккан эди.

- Бу ўшами?- деб сўрадилар Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам. Асҳоблар:

- Ҳа,- деб жавоб қилишди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: -У Аллоҳга берган аҳдида содиқ турганди, Аллоҳ ҳам унинг умидини рўёбга чиқарди,- дедилар ва уни ўзларининг кийимларига кафанлатиб жаноза ўқидилар ва шундай дуо қилганлари эшитилди: «Парвардигоро, бу банданг Сенинг йўлингда ҳижрат қилиб чиқди ва жанг қилиб шаҳид бўлди. Мен унга гувоҳман» (Имом Насоий ривояти).

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

1- Саҳобалар розияллоҳу анҳумнинг иймонлари ғоят кучли ва Аллоҳ йўлида шаҳид бўлишга иштиёқлари баланд эди;

2- Улар ўта шижоатли ва яхшиликларга ошиқувчи эдилар.

204- дарс. Акса уриш (чучкуриш) одоблари

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْعُطَّاسَ وَيَكْرَهُ التَّنَّؤُبَ فَإِذَا عَطَسَ أَحَدُكُمْ وَحَمِدَ اللَّهَ كَانَ حَقًّا عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ سَمِعَهُ أَنْ يَقُولَ لَهُ يَرْحَمُكَ اللَّهُ وَأَمَّا التَّنَّؤُبُ فَإِنَّمَا هُوَ مِنَ الشَّيْطَانِ فَإِذَا تَنَاءَبَ أَحَدُكُمْ فَلْيُرِدْهُ مَا اسْتَطَاعَ فَإِنَّ أَحَدَكُمْ إِذَا تَنَاءَبَ ضَحِكَ مِنْهُ الشَّيْطَانُ» (متفق عليه). وفي رواية: «فإن أحدكم إذا قال: هاء . . ضحك منه الشيطان.»

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло акса урганни яхши кўради, эснаганни ёқтирмайди. Сизлардан бирортангиз акса урса ва Аллоҳга ҳамд айтса, уни эшитган ҳар бир мусулмон: «Ярҳамукаллоҳ» дейиши лозим бўлади. Эснаш эса шайтондандир. Сизлардан бирортангиз эснак келганда имкони борича уни қайтарсин. Чунки сизлардан бирингиз эснаса, шайтон унинг устидан кулади». Бир ривоятда: «Сизлардан бирингиз (эснаб) «А-а-а-хх» деса шайтон ундан кулади» (Муттафақун алайх).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا عَطَسَ أَحَدُكُمْ فَلْيَقُلْ الْحَمْدُ لِلَّهِ وَلْيَقُلْ لَهُ أَخُوهُ أَوْ صَاحِبُهُ يَرْحَمُكَ اللَّهُ فَإِذَا قَالَ لَهُ يَرْحَمُكَ اللَّهُ فَلْيَقُلْ يَهْدِيكُمُ اللَّهُ وَيُصَلِّحْ بِالْكُم» (رواه البخاري).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлардан бирингиз акса урса: «Алҳамду лиллаҳ» (Аллоҳга ҳамд бўлсин), десин, шунда биродари ёки ҳамроҳи унга: «Ярҳамукаллоҳ» (Сенга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин), десин. «Ярҳамукаллоҳ» деса у: «Яхдийкумуллоҳу ва юслиҳу болакум» (Аллоҳ сизларни ҳидоят қилсин ва ҳолингизни ислоҳ қилсин», деб жавоб қайтарсин» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «إِذَا عَطَسَ أَحَدُكُمْ فَحَمِدَ اللَّهَ فَشَمَّتُوهُ فَإِنْ لَمْ يَحْمَدِ اللَّهَ فَلَا تُشَمَّتُوهُ» (رواه مسلم).

Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Сизлардан бирингиз акса уриб, Аллоҳга ҳамд айтса, унга ташмит (ярҳамукаллоҳ) айтинглар. Аллоҳга ҳамд айтмаса, унга ташмит айтманглар» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا عَطَسَ غَطَّى وَجْهَهُ بِيَدِهِ أَوْ بِنُؤْبِهِ وَغَضَّ بِهَا صَوْتَهُ (أخرجه أحمد والترمذي وأبو داود).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам акса урсалар юзларини қўллари ё кийимлари билан тўсар ва шу билан овозларини пасайтирар эдилар (Имом Аҳмад, Термизий ва Абу Довуд ривоятлари).

Шарҳ:

Акса уришнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўрсатиб берган одоб ва суннатлари бор бўлиб, мусулмон киши кўп яхшиликларга сабаб бўлувчи ушбу одобларга риоя қилиши лозим.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Акса урган киши Аллоҳга ҳамд айтса, уни эшитган ҳар бир киши «ярҳамукаллоҳ» деб ташмит айтиши лозим;
- 2- Аллоҳга ҳамд айтмаса, унга ташмит айтилмайди;
- 3- Акса уриш Аллоҳга ёқади, чунки у тетиклик ва енгиллик натижасидир;
- 4- Акса урганда юзни кийим, қўл ёки рўмолча билан тўсиб олиш яхши;
- 5- Баланд овозда акса уриш макруҳ.

205- дарс. Эснаш одоби

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْعُطَّاسَ وَيَكْرَهُ التَّنَاؤُبَ فَإِذَا عَطَسَ أَحَدُكُمْ وَحَمِدَ اللَّهَ كَانَ حَقًّا عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ سَمِعَهُ أَنْ يَقُولَ لَهُ يَرْحَمُكَ اللَّهُ وَأَمَّا التَّنَاؤُبُ فَإِنَّمَا هُوَ مِنَ الشَّيْطَانِ فَإِذَا تَنَاءَبَ أَحَدُكُمْ فَلْيُرِدَّهُ مَا اسْتَطَاعَ فَإِنَّ أَحَدَكُمْ إِذَا تَنَاءَبَ ضَحَكَ مِنْهُ الشَّيْطَانُ» (متفق عليه). وفي رواية: «فإن أحدكم إذا قال: هاء . . ضحك منه الشيطان.»

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло акса урганни яхши кўради, эснаганни ёқтирмайди. Сизлардан бирортангиз акса урса ва Аллоҳга ҳамд айтса, уни эшитган ҳар бир мусулмон: «Ярҳамукаллоҳ» дейиши лозим бўлади. Эснаш эса шайтондандир. Сизлардан бирортангиз эснак келганда имкони борича уни қайтарсин. Чунки сизлардан бирингиз эснаса, шайтон унинг устидан кулади». Бир ривоятда: «Сизлардан бирингиз (эснаб) «А-а-а-хх» деса шайтон ундан кулади» (Муттафақун алайҳ).

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا تَنَاءَبَ أَحَدُكُمْ فَلْيُمْسِكْ بِيَدِهِ عَلَىٰ فِيهِ فَإِنَّ الشَّيْطَانَ يَدْخُلُ» (رواه مسلم وأبو داود).

Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлардан бирингиз эснаса, оғзига қўлини қўйсин. Чунки шайтон кириб олади» (Имом Муслим ва Абу Довуд ривоятлари).

Шарҳ:

Эснаш ялқовлик ва ланжлик натижасида келади. У шайтондандир. Мусулмон киши имкони борича уни қайтаришга уриниши керак, чунки шундай қилса шайтонни ғаблантирган бўлади. Эснаб: «ҳо-о-ъ» деб овоз чиқарса, шайтон хурсанд бўлиб кулади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Аллоҳ таоло эснашни ёқтирмайди, чунки эснак ялқовлик ва ҳафсаласизликдан келиб чиқади;
- 2- Эснакни қайтариш ва яшириш керак;
- 3- Эснаганда қўлни оғизга қўйиш мустаҳаб;
- 4- Овоз чиқариб эснаш макрух.

206- дарс. Овқатланиш одоблари

Бисмиллаҳ билан бошлаш:

عَنْ حُدَيْفَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ إِذَا حَضَرْنَا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ طَعَامًا لَمْ نَضَعْ أَيْدِينَا حَتَّى يَبْدَأَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيَضَعُ يَدَهُ. وَإِنَّا حَضَرْنَا مَعَهُ مَرَّةً طَعَامًا فَجَاءَتْ جَارِيَةٌ كَأَنَّهَا تُدْفَعُ فَذَهَبَتْ لِتَضَعَ يَدَهَا فِي الطَّعَامِ فَأَخَذَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِيَدِهَا ثُمَّ جَاءَ أَعْرَابِيٌّ كَأَنَّمَا يُدْفَعُ فَأَخَذَ بِيَدِهِ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ الشَّيْطَانَ يَسْتَحِلُّ الطَّعَامَ أَنْ لَا يُذْكَرَ اسْمُ اللَّهِ عَلَيْهِ وَإِنَّهُ جَاءَ بِهَذِهِ الْجَارِيَةِ لِيَسْتَحِلَّ بِهَا فَأَخَذْتُ بِيَدِهَا فَجَاءَ بِهَذَا الْأَعْرَابِيُّ لِيَسْتَحِلَّ بِهِ فَأَخَذْتُ بِيَدِهِ وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ إِنْ يَدَهُ فِي يَدِي مَعَ يَدِهَا» (ثُمَّ ذَكَرَ اسْمَ اللَّهِ وَأَكَلَ) (رواه مسلم).

Ҳузайфа розияллоҳу анҳу айтади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга бирон таомга ҳозир бўлсак, то Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўл узатмагунларича таомга қўл урмас эдик. Бир марта таомга ҳозир бўлганимизда бир қизча худди орқасидан биров итараётгандек (шошиб) келиб таомга қўл чўзди, шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг қўлини

ушлаб қолдилар. Сўнг бир аъробий келиб орқасидан биров итараётгандек таомга қўл чўзди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг ҳам қўлини ушладилар. Сўнг дедилар: «Шайтон Аллоҳнинг исми (яъни бисмиллаҳ) айтилишидан аввал таомни ўзи учун ҳалоллаб олишга ҳаракат қилади. У мана бу жорияни олиб келиб, таомни ҳалоллаб олмоқчи бўлди, мен унинг қўлини ушлаб қолдим. Сўнг мана бу аъробийни олиб келиб, таомни ўзи учун ҳалоллаб олмоқчи бўлди, унинг ҳам қўлини ушлаб қолдим. Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, ушлаган пайтимда унинг қўли мана буларнинг қўли билан бирга менинг қўлимда эди». (Сўнгра «бисмиллаҳ» деб, едилар) (Имом Муслим ривояти).

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا أَكَلْ أَحَدُكُمْ طَعَامًا فَلْيَقُلْ بِسْمِ اللَّهِ فَإِنْ نَسِيَ فِي أَوَّلِهِ فَلْيَقُلْ بِسْمِ اللَّهِ فِي أَوَّلِهِ وَآخِرِهِ» (أخرجه أبو داود والترمذي).

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлардан бирингиз таом еса «Бисмиллаҳ» десин, агар бошида айтишни унутса, «Бисмиллаҳи фий аввалиҳи ва ахириҳи» (аввалида-ю охирида Аллоҳнинг исми билан ейман) десин» (Имом Абу Довуд ва Термизий ривоятлари).

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ سَمِعَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «إِذَا دَخَلَ الرَّجُلُ بَيْتَهُ فَذَكَرَ اللَّهَ عِنْدَ دُخُولِهِ وَعِنْدَ طَعَامِهِ قَالَ الشَّيْطَانُ لَا مَبِيتَ لَكُمْ وَلَا عِشَاءَ وَإِذَا دَخَلَ فَلَمْ يَذْكُرِ

اللَّهُ عِنْدَ دُخُولِهِ قَالَ الشَّيْطَانُ أَدْرَكْتُمُ الْمَبِيتَ وَإِذَا لَمْ يَذْكُرِ اللَّهُ عِنْدَ طَعَامِهِ قَالَ أَدْرَكْتُمُ الْمَبِيتَ وَالْعِشَاءَ» (رواه مسلم).

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитган экан: «Бир киши уйига келиб, кираётган пайтида ва таомланаётганида Аллоҳни зикр қилса (яъни бисмиллаҳ деса), шайтон (ўз шерикларига): «Бу ерда сизларга тунаш учун жой ҳам, кечки овқат ҳам йўқ», дейди. Уйга киришда Аллоҳни зикр қилмаса, шайтон: «Тунаш учун жой топдинглар», дейди. Таом ейишда Аллоҳни зикр қилмаса: «Тунаш учун жойга ҳам, кечки овқатга ҳам эга бўлдиларингиз», дейди (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

«Бисмиллаҳ» айтиш овқатланиш пайтида риоя қилиниши вожиб бўлган одоблардан саналади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга буюрганлар ва бисмиллаҳ айтиш шайтонни таомга шерик бўлишдан ман қилади, деб хабар берганлар. Овқатланишдан олдин албатта уни айтиш лозим, айтиш эсидан чиққан бўлса, эсига тушганда «Бисмиллаҳи фий аввалиҳи ва ахириҳи» (аввалида-ю охирида Аллоҳнинг исми билан ейман) деб айтиб қўяди. Шайтон овқатни бисмиллаҳ айтилишидан аввал ўзи учун ҳалоллаб олишга ҳаракат қилади ва болакайларни қўлларидан туртиб катталардан аввал бисмиллаҳсиз таомга қўл урдиришга интилади. Шундай

ҳолатларда катталар эътиборли бўлиб, кичкиналарни бисмиллаҳсиз таомга қўл уришидан тийиб туришлари лозим.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Овқатланиш олдидан бисмиллаҳ айтиш лозим;
- 2- Бисмиллаҳ айтишни унутган киши эсига тушганда ҳадисда келган сифатда айтиб қўяди;
- 3- Шайтонлар Аллоҳнинг зикрини айтмаган инсонлар билан бирга таомланадилар ва тунни бирга ўтказадилар.

207- дарс. Овқатланиш одоблари

Ўнг қўл билан ейиш:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا يَأْكُلَنَّ أَحَدٌ مِنْكُمْ بِشِمَالِهِ وَلَا يَشْرَبَنَّ بِهَا فَإِنَّ الشَّيْطَانَ يَأْكُلُ بِشِمَالِهِ وَيَشْرَبُ بِهَا» (رواه مسلم).

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлардан бирон киши ҳам чап қўли билан емасин ва ичмасин! Чунки, шайтон чап қўли билан ейди ва ичади» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ عُمَرَ بْنِ أَبِي سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كُنْتُ فِي حَجْرِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَكَانَتْ يَدِي تَطِيشُ فِي الصَّحْفَةِ فَقَالَ لِي: «يَا غُلَامُ سَمَّ اللَّهُ وَكُلْ بِيَمِينِكَ وَكُلْ مِمَّا يَلِيكَ» (متفق عليه).

Умар ибн Аби Салама розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қарамоқлари остидаги ёш бола эдим. Овқат еганда қўлим товоқ устида кезиб юрар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Эй болам, “Бисмиллаҳ” дегин, ўнг қўлинг билан егин, ўз олдиндан егин», дедилар (Муттафақун алайҳ).

عَنْ سَلَمَةَ بْنِ الْأَكْوَعِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَجُلًا أَكَلَ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِشِمَالِهِ فَقَالَ: «كُنْ بِيَمِينِكَ» قَالَ لَا أَسْتَطِيعُ قَالَ: «لَا اسْتَطَعْتَ» مَا مَنَعَهُ إِلَّا الْكِبَرُ قَالَ فَمَا رَفَعَهَا إِلَى فِيهِ (رواه مسلم).

Салама ибн ал-Акваъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларида чап қўли билан еди. У зот: «Ўнг қўлинг билан е!» деган эдилар, у: «Еёлмайман», деди. «Еёлмагин» дедилар. Уни кибри бундан тўсганди. Шундан сўнг у қўлини оғзига олиб бора олмади (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Ўнг қўл билан ейиш оқватланиш одобларидан бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга буюрганлар ва шайтон чап қўли билан ейишини хабар берганлар. Бу эса чап қўл билан ейишдан қаттиқ огоҳлантириш демакдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам у зотнинг ўнг қўл билан ейиш ҳақидаги буйруқларига бўйсунидан бош тортган кимсани

дуоибад қилганларида унинг қўли қуриб қолган. Мусулмон киши чап қўлда ейишдан қаттиқ эҳтиёт бўлиши, ёш болаларни ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қилганларидек ўнг қўлда ейишга одатлантириш ва шунга буюриш лозим бўлади.

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

- 1- Чап қўлда ейишдан қайтарилган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўнг қўли билан ейишдан бош тортган кишини дуоибад қилганлар;
- 2- Чап қўлда ейиш шайтонга ўхшашликдир;
- 3- Ейилаётган таом бир хил бўлганда инсон ўз олдидан олиб ейиши лозим.

208- дарс. Овқатланиш одоблари

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْبَرَكَهُ تَنْزِلُ وَسَطَ الطَّعَامِ فَكُلُوا مِنْ حَافَتَيْهِ وَلَا تَأْكُلُوا مِنْ وَسَطِهِ» (أخرجه الترمذي).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Барака таомнинг ўртасига тушади, унинг четларидан енглар, ўртасидан олиб еманглар» (Имом Термизий ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ مَا عَابَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ طَعَامًا قَطُّ إِنْ اشْتَهَاهُ أَكَلَهُ وَإِلَّا تَرَكَهُ (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таомни ҳеч қачон айбламаганлар, егилари келса ердилар, бўлмаса тарк қилардилар» (Муттафақун алайҳ).

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ اللَّهَ لَيَرْضَى عَنِ الْعَبْدِ أَنْ يَأْكُلَ الْأَكْلَةَ فَيَحْمَدَهُ عَلَيْهَا أَوْ يَشْرِبَ الشَّرْبَةَ فَيَحْمَدَهُ عَلَيْهَا» (رواه مسلم).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло бир лукма таом еб, бунинг учун Унга ҳамд айтадиган ёки бир қултум сув ичиб, бунинг учун Унга ҳамд айтадиган бандасидан албатта рози бўлади» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам йўллаган овқатланиш одобларидан бири – идишнинг четларидан олиб ейишдир. Чунки, барака унинг ўртасида бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таомланишдаги суннатларидан яна бири – таомдан фориғ бўлгач, Аллоҳга ҳамд айтишдир. Таомни айбламаслик, егилари келса еб, бўлмаса тарк қилиш ҳам у зотнинг ахлоқи шарифаларидан эди.

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

1- Таомнинг баракаси йўқолмаслиги учун уни идишнинг четларидан олиб ейиш, ўртасига қўл урмаслик лозим;

2- Таомнинг айбини айтмаслик, истаса еб, истамаса қолдириш суннатдир;

3- Таомдан кейин Аллоҳга ҳамд айтилади.

209- дарс. Овқатланиш одоблари

عَنْ كَعْبِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْكُلُ بِثَلَاثِ أَصَابِعَ وَيُلْعَقُ يَدَهُ قَبْلَ أَنْ يَمْسَحَهَا (رواه مسلم).

Каъб ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам учта бармоқлари билан ердилар, қўлларини артишдан олдин ялардилар (Имом Муслим ривояти).

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَمَرَ بِلَعْقِ الْأَصَابِعِ وَالصَّخْفَةِ وَقَالَ: «إِنَّكُمْ لَا تَذُرُونَ فِي آيَةِ الْبَرَكَهَةِ» (رواه مسلم).

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бармоқларни ва товоқни (лаганни) ялашни буюрдилар ва: «Барака қайсисида эканини сизлар билмайсизлар», дедилар (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا أَكَلَ طَعَامًا لَعِقَ أَصَابِعَهُ الثَّلَاثَ قَالَ وَقَالَ: «إِذَا سَقَطَتْ لُقْمَةٌ أَحَدِكُمْ فَلْيَمِطْ عَنْهَا الْأَذَى وَلْيَأْكُلْهَا وَلَا يَدْعُهَا لِلشَّيْطَانِ» وَأَمَرَنَا أَنْ نَسَلَّتِ الْقِصْعَةَ قَالَ: «فَإِنَّكُمْ لَا تَذُرُونَ فِي أَيِّ طَعَامِكُمُ الْبَرَكَهَةَ» (رواه مسلم).

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таом есалар, учта бармоқларини ялардилар. «Қай бирингизнинг лукмаси тушиб кетса, ундан озорни (яъни чанг-чунгни) тозалаб ташласин ва есин, уни шайтонга қолдирмасин!», деганлар ва бизни товоқни сидириб-тозалаб қўйишга буюрганлар, «Сизлар барака таомингизнинг қаерида эканини билмайсизлар», деганлар (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Бармоқлардаги таом юқини ялаб қўйиш ва идишда қолган юқларни сидириб-тозалаб қўйиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрган таомланиш одобларидан саналади. Учта бармоқ билан ейиш у зотнинг овқатланишдаги суннатлари эди. Таомдан бирон лукма ерга тушиб кетса, уни олиб, тозалаб еб қўйишга, уни шайтонга қолдирмасликка буюрганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Учта бармоқ билан ейиш мустаҳаб;
- 2- Таомдан фориг бўлгач, бармоқларни ялаб қўйиш суннат;
- 3- Идишдаги таом юқини тозалаб қўйиш суннат;
- 4- Тушиб кетган таом лукмасини олиб, тозалаб еб қўйиш керак.

210- дарс. Ичимлик ичиш одоблари

Идиш оғзини ёпиб қўйиш:

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا كَانَ جُنْحُ اللَّيْلِ أَوْ أَمْسَيْتُمْ فَكُفُّوا صِبْيَانَكُمْ فَإِنَّ الشَّيَاطِينَ تَنْتَشِرُ حِينَئِذٍ فَإِذَا ذَهَبَ سَاعَةٌ مِنَ اللَّيْلِ فَحَلُّوهُمْ فَأَغْلِقُوا الْأَبْوَابَ وَادْكُرُوا اسْمَ اللَّهِ فَإِنَّ الشَّيْطَانَ لَا يَفْتَحُ بَابًا مُغْلَقًا وَأَوْكُوا قِرْبَكُمْ وَادْكُرُوا اسْمَ اللَّهِ وَخَمِّرُوا آيَاتَكُمْ وَادْكُرُوا اسْمَ اللَّهِ وَلَوْ أَنْ تَعْرُضُوا عَلَيْهَا شَيْئًا وَأَطْفِئُوا مَصَابِيحَكُمْ» (رواه البخاري).

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Кеч кириб, қоронғи тушган пайтда болаларингизни кўчага чиқарманглар, чунки жиншайтонлар ўша пайтда тарқалишади. Кечадан бирон соат ўтгач, чиқараверинглар. (Тунда) эшикларни беркитинглар ва Аллоҳнинг исмини зикр қилинглар (яъни бисмиллаҳ денглар), чунки шайтон ёпиқ эшикни очмайди. Мешларингизнинг оғзини боғлаб қўйинглар ва Аллоҳнинг исмини зикр қилинглар, идишларингизни ёпиб қўйинглар – устига бирон нарса ташлаб қўйиб бўлса ҳам – ва Аллоҳнинг исмини зикр қилинглар, чироқларингизни ўчириб қўйинглар» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَنَفَّسُ فِي الشَّرَابِ ثَلَاثًا وَيَقُولُ إِنَّهُ أَرْوَى وَأَبْرَأُ وَأَمْرَأُ (رواه مسلم).

Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам ичётганларида уч бор тин

олардилар ва: «Бу (яъни уч марта дам олиб ичиш) қондирувчи, фойдали ва зарардан холидир», деганлар (Муслим ривояти).

Ўнг томондан узатиш:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أُتِيَ بِلَبَنٍ قَدْ شِيبَ بِمَاءٍ وَعَنْ يَمِينِهِ أَعْرَابِيٌّ وَعَنْ شِمَالِهِ أَبُو بَكْرٍ فَشَرِبَ ثُمَّ أَعْطَى الْأَعْرَابِيَّ وَقَالَ: «الْأَيْمَنَ فَالْأَيْمَنَ» (رواه البخاري).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга сув қўшилган сут келтирилди, ўнг ёнларида бир аъробий, чап ёнларида Абу Бакр розияллоҳу анҳу бор эдилар. У зот ўзлари ичдилар, сўнг аъробийга узатдилар ва: «Ўнг тарафдан бошлаб», дедилар (Муттафақун алайҳ).

عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدِ السَّاعِدِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أُتِيَ بِشَرَابٍ فَشَرِبَ مِنْهُ وَعَنْ يَمِينِهِ غُلَامٌ وَعَنْ يَسَارِهِ أَشْيَاخُ فَقَالَ لِلْغُلَامِ: «أَتَأْتُنِي لِي أَنْ أُعْطِيَ هَؤُلَاءِ» فَقَالَ الْغُلَامُ لَا وَاللَّهِ لَا أُوْتِرُ بِنَصِيبِي مِنْكَ أَحَدًا قَالَ فَتَلَّهَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي يَدِهِ (متفق عليه).

Саҳл ибн Саъд ас-Соидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бир ичимлик олиб келинди, ундан ичдилар, ўнг томонларида ёш бола, чап томонларида катталар бор эди. Болага: «Буларга (аввал) беришимга изн берасанми?» дедилар. Бола: «Йўқ, Аллоҳга

қасамки, сиз тарафингиздан бўлган улушимни ҳеч кимга илинмайман», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни боланинг қўлига тутқаздилар (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Ислом дини гўзал ахлоқлар, чиройли ҳамда фойдали одоблар динидир. Исломдаги ичиш одобларида уч марта тин олиб ичиш каби тиббий жиҳатдан фойдалар ва ўнг тарафдан узатиш, ўнг томондаги ёш бола бўлса, ундан изн сўраш каби ижтимоий фойдалар мавжуд.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Идиш оғзини бисмиллаҳ деб ёпиб қўйиш лозим, бу нарса уни шайтондан муҳофаза қилади;
- 2- Ичимликни ўнг томондаги кишига узатиш суннат, чапдаги одам каттароқ ва хурматлироқ киши бўлса, ўнг томондагидан изн сўралади.

211- дарс. Ичимлик ичиш одоблари

Ичимликка пуфлаш ёки унинг ичига нафас чиқаришдан қайтариш:

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى عَنِ النَّفْخِ فِي الشُّرْبِ فَقَالَ رَجُلٌ الْقَدَاةُ أَرَاهَا فِي الْإِنَاءِ قَالَ: «أَهْرِقْهَا» قَالَ فَإِنِّي لَا أُرَوِي مِنْ نَفْسٍ وَاحِدٍ قَالَ: «فَأَبِنِ الْقَدْحَ إِذْنُ عَنْ فِيكَ» (أخرجه الترمذي).

Абу Саид ал-Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ичаётганда пуфлашдан қайтардилар. Бир киши: «Идиш ичида чўп-гард кўрсам-чи?», деган эди «Тўкиб юбор», дедилар. «Мен бир нафасда қонмайман», деган эди, «Ундай бўлса, қадахни оғзингдан узоқлат, (сўнг нафас чиқар)», дедилар (Имом Термизий ривояти).

عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى أَنْ يَتَنَفَّسَ فِي الْإِنَاءِ (رواه مسلم).

Абу Қатода розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам идиш ичига нафас чиқаришдан қайтардилар (Имом Муслим ривояти).

Ичимлигига пашша тушган кишига йўл-йўриқ:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا وَقَعَ الذُّبَابُ فِي إِنَاءٍ أَحَدِكُمْ فَلْيَغْمِسْهُ كُلَّهُ ثُمَّ لِيَطْرَحْهُ فَإِنَّ فِي أَحَدِ جَنَاحَيْهِ شِفَاءٌ وَفِي الْآخَرِ دَاءٌ» (رواه البخاري).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Бирортангизнинг идишига пашша тушиб қолса, уни тўла ботирсин кейин ташлаб

юборсин. Чунки, унинг бир қанотида шифо, иккинчи қанотида касаллик бўлади» (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Биринчи ҳадисда «Тўкиб юбор» дан мақсад, ичимликнинг ҳаммасини эмас, балки, ўша чўп-гард бор томонини мойил қилиб то ўша нарса тушиб кетгунча тўкади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ичиш асносида идишга нафас чиқаришдан, шунингдек, унга пуфлашдан қайтарганлар. Чунки бунда сихат-саломатликка зарар бўлишидан ташқари, бошқа биров ичмоқчи бўлса, кўнгли тортмай ҳам қолади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ичимликка пашша тушиб қолса, уни бир ботириб, кейин олиб ташлашга йўлладилар, чунки у бир қанотида касаллик олиб юрса, иккинчи қанотида ўшанга шифо олиб юради. Бизга унинг қайси қаноти ичимлигимизга теккани ноаниқ бўлгани боис уни тўлалигча ботириб кейин олиб ташлашга буюрилдик. Теккани касаллиги бор қанот бўлса, уни тўла ботиришдан мақсад шифоси бор қанотни ҳам теккизиш эди. Мабодо бунинг акси бўлган бўлса, ботириб олиш билан кўнгил таскин топади. Ушбу ҳақиқатни бугунги тиббиёт ҳам тасдиқлади. Бу масалада нозик табиатлик кетмайди. Агар кимки шундай қилиб, қошиқнинг учи ёки бармоқ учлари билан пашшани

чиқариб ташласа, пировардида бирон дардга чалиниб қолса, ўзидан кўрсин.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Ичимликка пуфлаш макруҳ;
- 2- Ичимлигида чанг-чунг ё хас-хашак кўрган одам уни пуфламасдан бир оз сувни тўкиб юборади;
- 3- Ичиш асносида нафас олмоқчи бўлса, идишни оғзидан узоқлатиб нафас олади;
- 4- Пашша ичимликни нажосатга айлантириб қўймайди, уни бир ботириб, сўнг олиб ташланади.

212- дарс. Тилла ва кумуш идишда еб-ичишнинг ҳаромлиги

عن حذيفة بن اليمان رضي الله عنه قال: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا تَشْرَبُوا فِي أَنْيَةِ الذَّهَبِ وَالْفِضَّةِ وَلَا تَأْكُلُوا فِي صِحَافِهَا فَإِنَّهَا لَهُمْ فِي الدُّنْيَا وَلَنَا فِي الْآخِرَةِ» (متفق عليه).

Ҳузайфа ибн ал-Ямон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Тилла ва кумуш идишда ичманглар ва еманглар! Чунки, бу нарса дунёда улар (яъни кофирлар) учун, охиратда эса биз учундир» (Муттафақун алайҳ).

عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الَّذِي يَشْرَبُ فِي إِنَاءِ الْفِضَّةِ إِنَّمَا يُجْرَجُ فِي بَطْنِهِ نَارَ جَهَنَّمَ» (متفق عليه).

Умму Салама розияллоху анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Кумуш идишда ичадиган киши қорнига жаҳаннам ўтини симираётган бўлади» (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Тилла ва кумуш идишда еб-ичиш ҳаром, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бундан қайтарганлар ва шундай қилган кишига азоб бўлишини хабар берганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Тилла ва кумуш идишда еб-ичиш ҳаром;
- 2- Бундай қилиш гуноҳи кабиралардан, чунки бундай қилувчи киши дўзах азоби билан огоҳлантирилган.

213- дарс. Тик туриб ичишнинг ҳукми

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا يَشْرَبَنَّ أَحَدٌ مِنْكُمْ قَائِمًا فَمَنْ نَسِيَ فَلْيَسْتَقِئْ» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлардан бирон киши

асло тик туриб ичмасин. Ким эсида йўқ (тик туриб ичган) бўлса, қусиб юборсин» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ عَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ أُتِيَ بِمَاءٍ فَشَرِبَ قَائِمًا فَقَالَ إِنَّ نَاسًا يَكْرَهُ أَحَدَهُمْ أَنْ يَشْرَبَ وَهُوَ قَائِمٌ وَإِنِّي رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَعَلَّ كَمَا رَأَيْتُمُونِي فَعَلْتُ» (رواه البخاري).

Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: У кишига сув келтирилди ва тик турган ҳолда ичдилар, сўнг: «Баъзи одамлар тик туриб ичишни қариқ кўрадилар. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни мен қилгандек қилганларини кўрганман», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ نَهَى أَنْ يَشْرَبَ الرَّجُلُ قَائِمًا قَالَ فَتَادَهُ فَقُلْنَا فَلَا أَكُلُ فَقَالَ ذَاكَ أَشْرٌ أَوْ أَخْبَثُ (رواه مسلم).

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам тик туриб ичишдан қайтардилар». (Тик туриб) ейиш ҳақида сўралганда Анас розияллоҳу анҳу: «Бу яна ҳам ёмонроқ», деб жавоб бердилар (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тик туриб ичишдан қайтарганлар, лекин ўзлари тик туриб ичганлар ҳам. Бу иккисининг ўртасини уламолар шундай жамлаганлар: тик туриб

ичиш макруҳ лекин зарурат юзасидан (ўтиришни иложи бўлмаса, жўмракдан ичиш керак бўлса) тик туриб ичиш жоиз.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Тик туриб ичиш макруҳ;
- 2- Ҳожат ва зарурат учун жоиз.

214- дарс. Кибр билан кийимни тўпикдан пастга туширишдан огоҳлантириш

Аллоҳ таоло айтади: «**Ерда кибру-ҳаво билан юрмагин. Чунки Аллоҳ барча кибр-ҳаволи, мақтанчоқ кимсаларни суймас**» (Луқмон: 18).

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا يَنْظُرُ اللَّهُ إِلَى مَنْ جَرَّ ثَوْبَهُ خِيَلًا» (متفق عليه).

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло кийимини кибр билан судраб юрган кимсага боқмайди» (Муттафақун алайх).

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «ثَلَاثَةٌ لَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا يَنْظُرُ إِلَيْهِمْ وَلَا يُزَكِّيهِمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ» قَالَ فَقَرَأَهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثَلَاثَ

مِرَارًا قَالَ أَبُو ذَرٍّ خَابُوا وَخَسِرُوا مَنْ هُمْ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: «الْمُسْبِلُ وَالْمَنَّانُ وَالْمُنْفِقُ سِلْعَتُهُ بِالْحَلْفِ الْكَاذِبِ» (رواه مسلم)

Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Уч тоифа киши борки, қиёмат куни Аллоҳ уларга гапирмайди, уларга (рахмат назари билан) қарамайди, уларни покламайди ва уларга аламли азоб бордир». Бу сўзни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уч маротаба такрорладилар. Абу Зар: «Бундай зиёнкорлар ким, ё Расулуллоҳ?», деб сўрадилар. «Кийимини (тўпикдан пастга) осилтириб юрувчи, миннат қилувчи ва молини ёлғон қасам билан сотувчи кимсалар», дедилар (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Кийимни такаббурлик билан судраб юриш қиёмат кунида қаттиқ азоб бўлиши билан огоҳлантирилган катта гуноҳлардан саналади. Мусулмон киши бундан эҳтиёт ва узоқ бўлишга ҳаракат қилиши лозим.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Кийимни такаббурлик билан судраб юриш ҳаром;
- 2- Бундай қилиш гуноҳи кабиралардан;
- 3- Кийимини кибр билан судраб юрувчи кимсага Аллоҳ таоло қиёмат куни боқмайди, гапирмайди ва гуноҳларидан покламайди.

215- дарс. Кийимни тўпикдан пастга туширишнинг харомлиги

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَا أَسْفَلَ مِنْ الْكُعْبَيْنِ مِنَ الْإِزَارِ فِي النَّارِ» (رواه البخاري)

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Изор (белдан пастга кийиладиган кийим лўнги)нинг тўпикдан пасти дўзахдадир» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ مَرَرْتُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَفِي إِزَارِي اسْتِرْخَاءً فَقَالَ: «يَا عَبْدَ اللَّهِ ارْفَعْ إِزَارَكَ» فَرَفَعْتُهُ ثُمَّ قَالَ: «زِدْ» فَزِدْتُ فَمَا زِلْتُ أَتَحَرَّاهَا بَعْدُ فَقَالَ بَعْضُ الْقَوْمِ إِلَى أَيِّنَ فَقَالَ أَنْصَافِ السَّاقَيْنِ (رواه مسلم).

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнларидан ўтдим, изорим пастга осилиб турган эди. «Эй Абдуллоҳ, изорингни кўтар», дедилар. Кўтарган эдим: «Яна кўтар», дедилар. Яна кўтардим. Шундан сўнг (изоримни кўтариб юришга) эътибор қиламан». Бир киши: «Қаергача?» деб сўради. «Болдирларнинг ярмигача», деб жавоб бердилар (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Кийимни тўпикдан пастга осилтириб юриш бу ҳақда қаттиқ огоҳлантиришлар келган бўлишига қарамай, кўпчилик бепарво қарайдиган мункар ишлардан, мусулмон киши ундан эҳтиёт бўлиши ва узоқлашиши лозим бўлган гуноҳи кабиралардан саналади. Мўмин кишининг либоси тўпикнинг юқорисидан тортиб болдирнинг ярмигача бўлиши суннатдир. Бу ҳукм намозда ҳам ундан ташқарида ҳам бир хил.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Изорни тўпикдан пастга тушириш ҳаром;
- 2- Кийимини тўпикдан пастга осилтирган кишининг жазоси – оёғининг тўпикдан пастки қисми ўтда бўлишидир;
- 3- Эркаклар кийимидаги суннат – болдирнинг ярмигача бўлишидир, тўпикнинг тепасигача етса зарари йўқ;
- 4- Кўпчилик гуноҳи кабиралардан саналган ушбу ишга бепарво қараб хато қиладилар.

216- дарс. Аёлларнинг кийими ҳақида

Аллоҳ таоло айтади: «Мўминаларга ҳам айтинг, кўзларини (номаҳрам эркакларга тикишдан) тўссинлар ва авратларини (ҳаромдан) сақласинлар! Ҳамда кўриниб тургандан бошқа зеб-зийнатларини (яъни устларидаги либосларидан бошқа зеб-

зийнатларини номаҳрамларга) кўрсатмасинлар ва кўкракларини рўмоллари билан тўссинлар!» (Нур: 31).

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ جَرَّ ثَوْبَهُ خِيَلًا لَمْ يَنْظُرِ اللَّهُ إِلَيْهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ» فَقَالَتْ أُمُّ سَلَمَةَ فَكَيْفَ يَصْنَعْنَ النِّسَاءُ بِذِيُولِهِنَّ؟ قَالَ: «يُرْخِيْنَ شِبْرًا» فَقَالَتْ إِذَا تَنَكَّشِفُ أَقْدَامُهُنَّ قَالَ: «فَيُرْخِيْنَهُ ذِرَاعًا لَا يَزِدْنَ عَلَيْهِ» (أخرجه أبو داود والترمذي).

Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ким кийимини кибр билан судраб юрса, қиёмат куни Аллох унга қарамайди», дедилар. Шунда Умму Салама: «Аёллар этакларини қандай қилишади?», деб сўради. «Бир қарич осилтиришсин», дедилар. «Унақада оёқлари кўриниб қолади», деди. «Бир газ узайтиришсин, ундан оширишмасин», дедилар (Абу Довуд ва Термизий ривоятлари).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «صِنْفَانِ مِنَ أَهْلِ النَّارِ لَمْ أَرَهُمَا؛ قَوْمٌ مَعَهُمْ سِيَاطٌ كَأَذْنَابِ الْبَقَرِ يَضْرِبُونَ بِهَا النَّاسَ وَنِسَاءٌ كَأَسِيَّاتِ عَارِيَاتٍ مُمِيلَاتٍ مَائِلَاتٍ رُءُوسُهُنَّ كَأَسْنِمَةِ الْبُخْتِ الْمَائِلَةِ لَا يَدْخُلْنَ الْجَنَّةَ وَلَا يَجِدْنَ رِيحَهَا وَإِنَّ رِيحَهَا لَيُوجَدُ مِنْ مَسِيرَةِ كَذَا وَكَذَا» (رواه مسلم)

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Дўзах аҳлидан икки тури борки, мен ҳали уларни кўрмадим: Биринчиси: қўлларида сигир думига ўхшаш камчилари билан одамларни уриб юрадиган кимсалар. Иккинчиси: кийиниб олган, лекин яланғоч, (бошқаларни

ҳам) йўлдан оздирувчи, ўзлари ҳам (йўлдан) оғган ҳамда бошлари(даги сочлари)ни туянинг (бир тарафга) мойил бўлган ўркаклари сингари дўппайтириб олган аёллардир. Улар жаннатга кирмайдилар, унинг ҳидини ҳам топа олмайдилар. Ваҳоланки, жаннатнинг ҳиди фалон масофадан келиб туради» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Муслима аёл баданини бегона эркаклардан тўсишга буюрилган, чунки очиқ-сочиқлик ва яланғочликдан кўп фасодлар ҳосил бўлади. Шу боис Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга кийимларини узайтиришларига ва оёқлари кўриниб қолмаслиги учун судраб юришларига рухсат берганлар, келажакда кийинган-у, лекин яланғоч – яъни, кийган кийими баданининг бир қисмини тўсса, бир қисмини тўсмайдиган ёки баданини кўрсатиб турадиган юпқа, тор ё калта кийим киядиган аёллар бўлишини айтганлар – ушбу айтганларининг бари ҳозирги даврда юзага чиққан – ва уларнинг ҳаргиз жаннатга кирмасликларини хабар берганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Аёллар этакларини бир газ (тахминан 46.2 см) миқдорича узайтиришлари мумкин;

2- Муслима аёл баданини ўраб юриши ва ичини кўрсатмайдиган кийимлар кийиши лозим;

3- Ўранмайдиган аёлларга қаттиқ азоб хабари келган.

217- дарс. Эркакларнинг аёлларга ўхшашга, аёлларнинг эркакларга ўхшашга уринишининг ҳаромлиги ҳақида

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ لَعَنَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمُتَشَبِّهِينَ مِنَ الرِّجَالِ
بِالنِّسَاءِ وَالْمُتَشَبِّهَاتِ مِنَ النِّسَاءِ بِالرِّجَالِ (رواه البخاري)

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:
«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам аёлларга ўхшашга уринадиган эркакларни ва эркакларга ўхшашга уринадиган аёлларни лаънатладилар» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ لَعَنَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الرَّجُلَ يَلْبَسُ لِبْسَةَ الْمَرْأَةِ وَالْمَرْأَةَ تَلْبَسُ
لِبْسَةَ الرَّجُلِ (رواه أبو داود)

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам аёллар кийимини киядиган эркакни ва эркаклар кийимини киядиган аёлни лаънатладилар» (Имом Абу Довуд ривояти).

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ لَعَنَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الرَّجُلَةَ مِنَ النِّسَاءِ (رواه
أبو داود)

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эркакшода аёлларни лаънатладилар» (Имом Абу Довуд ривояти).

Шарҳ:

Аллоҳ таоло эркак ва аёлнинг ҳар бирини муайян фитрат-табиат билан яратган, ҳар иккисига ўзларига муносиб келувчи ишларни хослаб берган ва уларни адо этиш учун керак бўладиган қобилиятлар билан таъминлаган. Ҳамма нарсани Билувчи ва ҳамма нарсадан Хабардор Зот ўрнатиб қўйган бу табиатдан чиқиш ер юзида фасод ва бузуқликлар ёйилишига сабаб бўлади. Ҳозирда кўп жамиятлар айна шу муаммодан шикоят қилишмоқда. Бир жинс вакилининг кийиниш, ташқи кўриниш ва иш-амалда иккинчи жинс вакилига ўхшашга уриниши фитратга зид ва уни бузувчидир. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундай қилувчи кимсани лаънатлаганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Эркаклар аёлларга, аёллар эса эркакларга қай йўсинда бўлмасин, ўхшашга ҳаракат қилиши мумкин эмас;
- 2- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай қилувчи кимсага лаънат ўқиганлар;
- 3- Бундай қилиш гуноҳи кабиралардан.

218- дарс. Ота-онага яхшилик қилиш ҳақида

Аллоҳ таоло айтади:

«Парвардигорингиз, ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар уларнинг (ота-онангнинг) бирови ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб «уф» тортма ва уларнинг (сўзларини) қайтарма! Уларга (доимо) яхши сўз айт! Улар учун, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут — хокисор бўл ва: «Парвардигорим, мени (улар) гўдаклик чоғимдан тарбиялаб-ўстирганларидек, сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин», деб (хақларига дуо қил)!» (Исро: 23,24).

«Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик» (Анкабут: 8).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَأَلْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَيُّ الْعَمَلِ أَحَبُّ إِلَى اللَّهِ؟ قَالَ: «الصَّلَاةُ عَلَى وَقْتِهَا» قَالَ ثُمَّ أَيُّ؟ قَالَ: «تَمُّ بِرِّ الْوَالِدَيْنِ» قَالَ ثُمَّ أَيُّ؟ قَالَ: «الْجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ» (متفق عليه).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ё Расулуллоҳ, қайси амал Аллоҳга энг суюмли?» деб сўрадим. У зот: «Вақтида ўқилган

намоз» дедилар. «Кейин қайси?» дедим. «Ота-онага яхшилик қилиш» дедилар. «Кейин қайси?» дедим. «Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш» дедилар (Муттафақун алайх).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ جَاءَ رَجُلٌ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ مَنْ أَحَقُّ النَّاسِ بِحُسْنِ صَحَابَتِي؟ قَالَ: «أُمُّكَ» قَالَ تُمَّ مَنْ؟ قَالَ: «تُمَّ أُمُّكَ» قَالَ تُمَّ مَنْ؟ قَالَ: «تُمَّ أَبُوكَ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, яхши муомаламга ким кўпроқ ҳақли?», деб сўради. «Онанг!» дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам. «Кейин ким?» деб сўради. «Онанг!» дедилар. «Кейин ким?» деб сўради. «Онанг!» дедилар. «Кейин ким?» деб сўради. «Кейин отанг!» дедилар (Муттафақун алайх).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَاسْتَأْذَنَهُ فِي الْجِهَادِ فَقَالَ: «أَحْيِي وَالِدَاكَ؟» قَالَ نَعَمْ قَالَ: «فَفِيهِمَا فَجَاهِدْ» (متفق عليه).

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига жиҳодга боришга рухсат сўраб келган эди, у зот: «Ота-онанг ҳаётми?», деб сўрадилар. «Ҳа», деди. «Унда сен ўшалар ҳаққида жиҳод қил (яъни, уларнинг розилигини топишга қаттиқ ҳаракат қил)», дедилар (Муттафақун алайх).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «رَغِمَ أَنْفُ ثَمَّ رَغِمَ أَنْفُ ثَمَّ رَغِمَ أَنْفُ» قِيلَ مَنْ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: «مَنْ أَدْرَكَ أَبَوَيْهِ عِنْدَ الْكِبَرِ أَحَدَهُمَا أَوْ كِلَيْهِمَا فَلَمْ يَدْخُلِ الْجَنَّةَ» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам: «Хор бўлсин, хор бўлсин, хор бўлсин!», дедилар. «Ким ё Расулуллох?» деб сўралди. «Ким ота-онасидан бирини ёки ҳар иккаласини кексайган пайтларида топсаю, (уларни рози қилмагани сабабли) жаннатга кирмаса», дедилар (Муслим ривояти).

Шарҳ:

Ота-онанинг фарзанд устида кўп ҳақлари бор, Аллоҳ таоло Қуръонда уларнинг ҳақларини Ўзининг ҳаққи бўлмиш ёлғиз Унга ибодат қилиш ҳаққи билан ёнма-ён келтирди ва инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрди. Чунки, ота-она, хусусан она фарзандларни тарбия қилиб ўстиришда кўпдан-кўп машаққатларни бошдан кечиради. Ота-онанинг фарзандларга меҳр-шафқати табиий бўлгани, аксар ҳолатларда фарзанд — у ҳам ўз бола-чақаси билан машғул бўлиб — кексайган ота-онасидан безътибор қолгани боис Қуръон ва Суннатда хитоб асосан фарзандларга қаратилди ва уларни ота-онага астойдил хизмат қилишга буюрилди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Ота-онага яхшилик қилиш вожиб, уларга оқ бўлиш, бир оғиз сўз билан бўлса-да уларга озор етказиш ҳаром;
- 2- Уларга яхшилик қилиш Аллоҳга энг суюмли амаллардан, гуноҳларнинг кечирилишига ва жаннатга киришга сабабдир;
- 3- Яхшилик қилишда онанинг ҳаққи кўпроқ ва отанинг ҳаққидан муқаддамдир. Чунки она заифа ва кўмакка муҳтожроқ, бундан ташқари у фарзанди сабабли кўпроқ машаққатлар тортган;
- 4- Ота-онага ҳаётларию мамотларида раҳмат тилаб дуода бўлиш уларнинг ҳақларидандир;
- 5- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кекса ота-онасига яхшилик қилмаган кишига хорлик тилаб дуо қилганлар.

219- дарс. Силаи раҳм (қариндошлар билан алоқа қилиш)

ҳақида

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ اللَّهَ خَلَقَ الْخَلْقَ حَتَّى إِذَا فَرَعَ مِنْهُمْ قَامَتِ الرَّحِمُ فَقَالَتْ هَذَا مَقَامُ الْعَائِدِ مِنَ الْقَطِيعَةِ قَالَ نَعَمْ أَمَا تَرْضَيْنَ أَنْ أَصِلَ مَنْ وَصَلَكَ وَأَقْطَعَ مَنْ قَطَعَكَ قَالَتْ بَلَى قَالَ فَذَلِكَ لَكَ» ثُمَّ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «اقْرَأُوا إِنْ شِئْتُمْ { فَهَلْ عَسَيْتُمْ إِنْ تَوَلَّيْتُمْ أَنْ تُفْسِدُوا فِي الْأَرْضِ وَتُقَطِّعُوا أَرْحَامَكُمْ أُولَئِكَ الَّذِينَ لَعَنَهُمُ اللَّهُ فَأَصَمَّهُمْ وَأَعَمَّى أَبْصَارَهُمْ أَفَلَا يَتَذَكَّرُونَ الْقُرْآنَ أَمْ عَلَى قُلُوبٍ أَقْفَالُهَا }» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло бутун мавжудотни яратиб, фориғ бўлгач, қариндошлик алоқаси ўрнидан туриб: «Мен алоқани узишдан Сендан паноҳ тиловчи мақомида турдим», деди. «Жуда яхши, сени боғлаган одамни (Ўзимга) боғлашимга ва сени узган одамни (Ўзимдан) узишимга рози бўласанми?!», деди. «Ҳа, эй Роббим!», деди. «Унда шу нарсани сенга ато этдим», деди. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Истасангиз ушбу оятни ўқинглар: **«Агар (иймондан) юз ўгирсангизлар, яқин-ки, сизлар Ерда бузғунчилик қилурсизлар ва қариндош-уруғларингиз (билан ҳам алоқаларингиз)ни узурсизлар! Ундай кимсаларни эса Аллоҳ лаънатлагандир, уларнинг (қулоқларини панд-насихат эшитишдан) кар, кўзларини эса (Тўғри йўлни кўра олмайдиган) кўр қилиб қўйгандир. Ахир улар Қуръон ҳақида фикр юритмайдиларми?! Балки дилларида қулфлари бордир, (шунинг учун у дилларга Қуръон нури етмаётгандир)?!»** (Мухаммад: 22-24) (Муттафақун алайх).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «مَنْ سَرَّهُ أَنْ يُبْسَطَ لَهُ فِي رِزْقِهِ وَأَنْ يُنْسَأَ لَهُ فِي أَثَرِهِ فَلْيَصِلْ رَحِمَهُ» (رواه البخاري)

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини

эшитганман: «Ким ризқи мўл-кўл қилинишини ва умри узайтирилишини истаса, силаи раҳм (қариндошлари билан алоқа) қилсин!» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَيْسَ الْوَاصِلُ بِالْمُكَافِئِ وَلَكِنَّ الْوَاصِلُ الَّذِي إِذَا قَطَعَتْ رَحْمَتُهُ وَصَلَّهَا» (رواه البخاري)

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ҳақиқий силаи раҳм қилувчи киши қариндошлари тарафидан унга қилинган алоқага жавоб тариқасида (борди-келди) алоқа қилаётган одам эмас, балки улар тарафидан алоқа узилган пайтда уларга алоқани боғлаган одамдир» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَجُلًا قَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ لِي قَرَابَةً أَصِلُهُمْ وَيَقْطَعُونِي وَأَحْسِنُ إِلَيْهِمْ وَيُسِيئُونَ إِلَيَّ وَأَحْلُمُ عَنْهُمْ وَيَجْهَلُونَ عَلَيَّ فَقَالَ: «لَئِنْ كُنْتَ كَمَا قُلْتَ فَكَأَنَّمَا تُسِفُّهُمْ الْمَلَّ وَلَا يَزَالُ مَعَكَ مِنَ اللَّهِ ظَهِيرٌ عَلَيْهِمْ مَا دُمْتَ عَلَى ذَلِكَ» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши: «Ё Расулуллоҳ, менинг қариндошларим бор, мен уларга алоқа қиламан, улар мендан алоқани узишади. Мен уларга яхшилик қиламан, улар менга ёмонлик қилишади. Мен уларга ҳалимлик қиламан, улар менга кўполлик қилишади», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Агар ўзинг айтаётганингдек бўлсанг, гўёки сен уларга қайноқ кул едиряпсан

экан (яъни, улар оғзига чўғ солинган одам каби алам-оғриққа дучор бўлишади) ва модомики шу ҳолда давом этар экансан, улар қаршисига Аллоҳ тарафидан бир ёрдамчи сен билан бирга бўлаверади» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Ислом қариндошларни бир-бирлари билан алоқа қилиш ва меҳр-мурувватли бўлишга ундайди, мусулмонлар ўртасида бир-биридан узилиш ва юз ўгириш каби салбий ҳолатлар бўлишини қоралайди. Шунинг учун Аллоҳ таоло силаи раҳмга буюрган ва уни узган кишиларга азоб бўлиши билан огоҳлантирган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам силаи раҳмга тарғиб қилганлар ва у умрнинг узун, ризқнинг кенг-мўл бўлишига сабаб эканини хабар берганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Силаи раҳм қилиш вожиб, уни узиш оқибати ёмон;
- 2- Ҳақиқий силаи раҳм қилувчи киши қариндошлари тарафидан унга қилинган алоқага жавоб тариқасида алоқа қилаётган одам эмас, балки улар тарафидан алоқа узилган пайтда силаи раҳм қилган одамдир;
- 3- Силаи раҳм ризқнинг зиёда ва умрнинг узун бўлишига сабаб;
- 4- Ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтариш дуруст эмас.

220- дарс. Қўшнининг ҳаққи ҳақида

Аллоҳ таоло айтади: «Аллоҳга бандалик қилинглр ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглр! Ота-онангизга ҳамда қариндош-уруғ, етим ва мискинларга, қариндош қўшни ва бегона қўшнига, ёнингиздаги ҳамроҳингизга, йўловчи мусофирга ва қўлларингиздаги қулларингизга яхшилик қилинғиз!» (Нисо: 36).

عَنْ أَبِي شُرَيْحٍ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «وَاللَّهِ لَا يُؤْمِنُ وَاللَّهِ لَا يُؤْمِنُ» قِيلَ وَمَنْ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: «الَّذِي لَا يَأْمَنُ جَارُهُ بَوَائِقِهِ» (رواه البخاري) ولمسلم: «لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ مَنْ لَا يَأْمَنُ جَارُهُ بَوَائِقَهُ».

Абу Шурайх розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳга қасамки, (комил) мўмин бўлмайди. Аллоҳга қасамки, мўмин бўлмайди. Аллоҳга қасамки, мўмин бўлмайди», дедилар. «Ким, Ё Расулуллоҳ?», сўрашди саҳобалар. «Озор-азиятидан қўшниси хотиржам бўлмайдиган (яъни қўшниларига тинчлик бермайдиган) кимса!», деб жавоб бердилар (Имом Бухорий ривояти).

Имом Муслимда: «Озор-азиятидан қўшниси хотиржам бўлмайдиган кимса жаннатга кирмайди».

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلَا يُؤْذِ جَارَهُ، وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُكْرِمْ ضَيْفَهُ، وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيَقُلْ خَيْرًا أَوْ لِيَصْمُتْ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ким Аллоҳ ва охират кунига иймон келтирган бўлса, қўшнисига озор бермасин! Ким Аллоҳ ва охират кунига иймон келтирган бўлса, меҳмонига иззат-икром кўрсатсин! Ким Аллоҳ ва охират кунига иймон келтирган бўлса, ё яхши сўзлар сўзласин ё эса сукут сақласин!» (Муттафақун алайх).

عَنْ ابْنِ عُمَرَ وَ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَا قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَا زَالَ جِبْرِيلُ يُوصِينِي بِالْجَارِ حَتَّى ظَنَنْتُ أَنَّهُ سَيُورُّهُ» (متفق عليه).

Ибн Умар ва Оиша розияллоҳу анхумдан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Қўшнига яхшилик қилиш хусусида Жибрил алайҳис-салом менга шунчалик кўп гапирдики, мен қўшни (қўшнига) меросхўр бўлиб қолармикин, деб ўйладим» (Муттафақун алайх).

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ لِي جَارَيْنِ فَأَيُّ أَيَّهِمَا أُهْدِي؟ قَالَ: «إِلَى أَقْرَبِهِمَا مِنْكَ بَابًا» (رواه البخاري)

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ё Расулуллоҳ, менинг иккита

қўшним бор, улардан қай бирига ҳадя беришим афзал?», деб сўрадим. «Эшиги сенга яқинроқ бўлганига», деб жавоб бердилар (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Ислонда қўшнининг ҳақлари бор, Аллоҳ азда ва жалла ва Унинг пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва саллам бунга буюрганлар, қўшнига яхшилиқ қилиш иймоннинг мукамаллигига аломатдир, озор бериш эса иймоннинг заифлигига далолатдир.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Қўшнининг ҳаққига риоя қилиш, унга яхшилиқ қилиш зарур, зеро бунга Аллоҳ буюрган ва уни Ўзининг ибодатига боғлаган;
- 2- Қўшнига азият етказиш ҳаром ва гуноҳи кабиралардан;
- 3- Қўшнига иззат-икром кўрсатиш жаннатга кириш сабабларидан;
- 4- Ҳадя ва ярим коса овқат билан бўлсада қўшнилар ҳолидан хабар олиб туриш суннат;
- 5- Қўшниларнинг яхшилиққа лойиқроғи эшиги яқинроғидир.

221- дарс. Кибрнинг ҳаромлиги ва ундан огоҳлантириш

Аллоҳ таоло айтади: «(Шунда уларга) айтилди: «Жаҳаннам дарвозаларидан кинглар! Сизлар ўша жойда мангу қолурсизлар!» Кибр-ҳаво қилувчи кимсаларнинг жойлари нақадар ёмондир!» (Зумар: 72).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ مَنْ كَانَ فِي قَلْبِهِ مِثْقَالُ ذَرَّةٍ مِنْ كِبَرٍ» قَالَ رَجُلٌ إِنَّ الرَّجُلَ يُحِبُّ أَنْ يَكُونَ تَوْبُهُ حَسَنًا وَنَعْلُهُ حَسَنَةً؟ قَالَ: «إِنَّ اللَّهَ جَمِيلٌ يُحِبُّ الْجَمَالَ، الْكِبْرُ بَطْرٌ الْحَقُّ وَغَمَطُ النَّاسِ» (رواه مسلم)

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қалбида зарра мисқолича кибр бўлган киши жаннатга кирмайди», дедилар. Шунда бир киши: «Бир одам кийими яхши бўлиши ва пойафзали бежирим бўлишини суяди (шу нарса кибрми?), деди. «Албатта Аллоҳ гўзалдир, гўзалликни яхши кўради (у кибр эмас). Кибр ҳақни тан олмаслик ва одамларни назар-писанд қилмасликдир», дедилар (Имом Муслим ривояти).

عَنْ حَارِثَةَ بْنِ وَهَبِ الْخُزَاعِيِّ قَالَ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «أَلَا أُخْبِرُكُمْ بِأَهْلِ النَّارِ؟ كُلُّ عُنُقٍ جَوَّازٍ مُسْتَكْبِرٍ» (متفق عليه).

Ҳориса ибн Ваҳб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Сизларга дўзах аҳлининг хабарини берайинми?! Улар дили қаттиқ, манман ва мутакаббир кимсалардир» (Муттафақун алайҳ).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا يَنْظُرُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِلَى مَنْ جَرَّ إِزَارَهُ بَطْرًا» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло изорини кибр билан судраб юрган кимсага қиёмат куни (рахмат назари билан) бокмайди» (Муттафақун алайх).

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ وَأَبِي هُرَيْرَةَ قَالَا قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «قَالَ اللَّهُ عز وجل: «الْعِزُّ إِزَارِي وَالْكِبْرِيَاءُ رِدَائِي فَمَنْ يُنَازِعْنِي عَذَّبْتُهُ»» (رواه مسلم).

Абу Саид ал-Худрий ва Абу Ҳурайра розияллоху анхумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ азза ва жалла деди: Азизлик Менинг изорим, кибриё (мутакаббирлик) ридоимдир, ким Мен билан буларни талашса уни азобга гирифтор қиламан» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Кибр Аллоҳ таолодан бошқасига лойиқ бўлмайдиган сифатлардан бўлиб, инсонларда бўлиши айбли саналади. У дўзах аҳлининг сифатларидан ва унинг эгаси қиёмат куни қаттиқ азобга гирифтор бўлиш билан огоҳлантирилган гуноҳи кабиралардандир. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам қалбида зиғирча кибр бўлган киши жаннатга кирмаслигини айтганлар.

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

- 1- Кибр ҳаром ва гуноҳи кабиралардан;
- 2- У дўзах аҳлининг сифатларидан;
- 3- Кибр – ҳақни рад қилиш ва қабул қилмаслик, одамларни назар-писанд қилмасликдир;
- 4- Чиройли ва покиза кийиниб юриш кибр эмас.

222- дарс. Тавозели ва камтар бўлишнинг фазли

Аллоҳ таоло айтади:

«Биз ўша охират диёрини ер юзида зулму-зўравонлик ва бузғунчилик қилишни истмайдиган кишилар учун қилурмиз. Оқибат тақво қилувчи кишиларникидир» (Қасас: 83).

«Ўзингизга эргашган мўмин бўлган кишилар учун қанотингизни паст тутинг (яъни уларга хуш хулқ билан камтарона муомалада бўлинг)!» (Шуъаро: 215).

عَنْ عِيَّاضِ بْنِ حِمَارٍ أَنَّهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ اللَّهَ أَوْحَى إِلَيَّ أَنْ تَوَاضَعُوا حَتَّى لَا يَفْخَرَ أَحَدٌ عَلَى أَحَدٍ» (رواه مسلم).

Иёз ибн Ҳимор розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ таоло

менга ваҳий қилиб тавозели бўлишингизни буюрди. Биров бировга кибр қилмасин» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَا نَقَصَتْ صَدَقَةٌ مِنْ مَالٍ وَمَا زَادَ اللَّهُ عَبْدًا بِعَفْوٍ إِلَّا عِزًّا وَمَا تَوَاضَعَ أَحَدٌ لِلَّهِ إِلَّا رَفَعَهُ اللَّهُ» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Садақа молни камайтирмайди, бир банданинг кечирувчанлиги туфайли Аллоҳ таоло фақат унинг азизлигини зиёда қилади, бирон киши Аллоҳ учун тавозе қилса, Аллоҳ уни фақат кўтаради» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ الْأَسْوَدِ قَالَ سَأَلْتُ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا مَا كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَصْنَعُ فِي بَيْتِهِ؟ قَالَتْ كَانَ يَكُونُ فِي مِهْنَةِ أَهْلِهِ - تَعْنِي خِدْمَةَ أَهْلِهِ - فَإِذَا حَضَرَتِ الصَّلَاةُ خَرَجَ إِلَى الصَّلَاةِ (رواه البخاري).

Асвад ибн Язиддан ривоят қилинади: Мен Оиша розияллоҳу анҳодан: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйларида нима қилардилар?» деб сўрадим. «Аҳлининг хизматида бўлар, намоз вақти бўлса намозга чиқар эдилар», деб жавоб бердилар (Имом Бухорий ривояти).

Шарх:

Тавозелик ва камтарлик Аллоҳ ва Расули яхши кўрган мақтовли сифатлардан. Ким Аллоҳ учун тавозели бўлса, Аллоҳ унинг мартабасини кўтаради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тавозеда гўзал намуна эдилар, уй ишларида аёлларига кўмаклашар, мискинлар билан бирга ўтирар, асҳобларини ҳам тавозели ва камтар бўлишга тарғиб қилар эдилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Мўминларга нисбатан тавозели ва камтар бўлиш лозим;
- 2- Ким Аллоҳ учун кибрни тарк этиб, тавозели бўлса, Аллоҳ уни кўтаради;
- 3- Аллоҳ учун тавозели бўлишнинг мукофоти жаннатдир;
- 4- Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўта тавозели эдилар.

223- дарс. Мусулмонларнинг хожатларини раво қилишнинг фазли

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يُسْلَمُهُ وَمَنْ كَانَ فِي حَاجَةِ أَخِيهِ كَانَ اللَّهُ فِي حَاجَتِهِ وَمَنْ فَرَّجَ عَنْ مُسْلِمٍ كُرْبَةً فَرَّجَ اللَّهُ عَنْهُ كُرْبَةً مِنْ كُرْبَاتٍ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَمَنْ سَتَرَ مُسْلِمًا سَتَرَهُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ» (متفق عليه).

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мусулмон

мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, душманига топшириб қўймайди. Ким биродарининг ҳожатини чиқарса, Аллоҳ унинг ҳожатини чиқаради. Ким мусулмон кишидан битта ғам-ташвишини аритса, Аллоҳ ундан Қиёмат кунининг ғамларидан бир ғамни аритади. Ким бир мусулмоннинг айбини яширса, Аллоҳ унинг айбини Қиёмат куни яширади» (Муттафақун алайх).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ نَفَسَ عَنْ مُؤْمِنٍ كُرْبَةً مِنْ كُرْبِ الدُّنْيَا نَفَسَ اللَّهُ عَنْهُ كُرْبَةً مِنْ كُرْبِ يَوْمِ الْقِيَامَةِ وَمَنْ يَسَّرَ عَلَى مُعْسِرٍ يَسَّرَ اللَّهُ عَلَيْهِ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَمَنْ سَتَرَ مُسْلِمًا سَتَرَهُ اللَّهُ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَاللَّهُ فِي عَوْنِ الْعَبْدِ مَا كَانَ الْعَبْدُ فِي عَوْنِ أَخِيهِ وَمَنْ سَلَكَ طَرِيقًا يَلْتَمِسُ فِيهِ عِلْمًا سَهَّلَ اللَّهُ لَهُ بِهِ طَرِيقًا إِلَى الْجَنَّةِ وَمَا اجْتَمَعَ قَوْمٌ فِي بَيْتٍ مِنْ بُيُوتِ اللَّهِ يَتْلُونَ كِتَابَ اللَّهِ وَيَتَدَارَسُونَهُ بَيْنَهُمْ إِلَّا نَزَلَتْ عَلَيْهِمُ السَّكِينَةُ وَغَشِيَتْهُمْ الرَّحْمَةُ وَحَفَّتْهُمُ الْمَلَائِكَةُ وَذَكَرَهُمُ اللَّهُ فِيمَنْ عِنْدَهُ وَمَنْ بَطَأَ بِهِ عَمَلُهُ لَمْ يُسْرِعْ بِهِ نَسَبُهُ» (رواه مسلم)

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким бир мўминдан дунё ғамларидан бир ғамни аритса, Аллоҳ ундан қиёмат кунининг ғамларидан бир ғамни аритади. Ким бир қийналган (камбағал)га енгиллик яратиб берса, Аллоҳ унга дунёю охирада енгиллик беради. Ким бир мусулмонни (айбини) яширса, Аллоҳ уни (айбини) дунё ва охирада яширади. Банда модомики биродарига кўмак бераркан, Аллоҳ унга кўмак бераверади. Ким илм излаб бир йўлга кирса, шу сабабли Аллоҳ унга жаннат йўлини енгил қилиб

кўяди. Қайси бир қавм Аллоҳнинг уйларидан бир уйда тўпланишиб, Аллоҳ азда ва жалланинг китобини тиловат қилиб, ўзаро дарс қилиб ўрганишса, улар устига Аллоҳ томонидан сокинлик туширилади ва уларни раҳмат ўраб олади ҳамда фаришталар уларни қуршаб оладилар ва Аллоҳ таоло Ўзининг ҳузуридаги зотларга уларни зикр қилади. Кимни амали секинлатган бўлса, насаби уни тезлата олмайди» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Мусулмонларнинг, хусусан улар ичидаги заиф кишиларнинг ҳожатларини раво қилиш учун елиб-югуриш Аллоҳ ва Пайғамбари яхши кўрган ва Аллоҳ таоло кўп ажру савоблар ваъда қилган ишлардандир. Ким бир биродари билан бирга унинг ҳожати учун юрса, Аллоҳ таоло унинг ҳожатларини раво қилаверади ва дунёю охирада унга Ўзи мадад беради.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1- Мусулмонларнинг, хусусан заифларнинг ҳожатларини раво қилишга ҳаракат қилиш фазилатли ишлардан саналади;

2- Ким мусулмон биродарига ёрдам берса, Аллоҳ унга муҳтожлик пайтида ёрдам беради.

3- Ким мусулмоннинг айбини яширса Аллоҳ унинг айбини дунё ва охиратда яширади.

224- дарс. Бидъатлардан огоҳлантириш ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишнинг вожиблиги

Аллоҳ таоло айтади:

«Айтинг (эй Муҳаммад): «Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади» (Оли Имрон: 31).

«Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича - бўйсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар» (Нисо: 65).

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ أَحَدَّثَ فِي أَمْرِنَا هَذَا مَا لَيْسَ فِيهِ فَهُوَ رَدٌّ» (متفق عليه). وفي رواية: «مَنْ عَمِلَ عَمَلًا لَيْسَ عَلَيْهِ أَمْرُنَا فَهُوَ رَدٌّ» (رواه مسلم).

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким бизнинг бу

ишимизда (яъни динимизда) ундан бўлмаган нарсани пайдо қилса, у рад қилинади» (Муттафақун алайх).

Бир ривоятда: «Ким бизникидек бўлмаган бир ишни қилса, у рад қилинади» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ الْعَرَبِاضِ بْنِ سَارِيَةَ قَالَ صَلَّى بِنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَاتَ يَوْمٍ ثُمَّ أَقْبَلَ عَلَيْنَا فَوَعظَنَا مَوْعِظَةً بَلِيغَةً ذَرَفَتْ مِنْهَا الْعُيُونُ وَوَجِلَتْ مِنْهَا الْقُلُوبُ فَقَالَ قَائِلٌ يَا رَسُولَ اللَّهِ كَأَنَّ هَذِهِ مَوْعِظَةٌ مُودَّعٍ فَمَاذَا تَعْهَدُ إِلَيْنَا فَقَالَ: «أَوْصِيكُمْ بِتَقْوَى اللَّهِ وَالسَّمْعِ وَالطَّاعَةِ وَإِنْ عَبْدًا حَبَشِيًّا فَإِنَّهُ مَنْ يَعِشْ مِنْكُمْ بَعْدِي فَسَيَرَى اخْتِلَافًا كَثِيرًا فَعَلَيْكُمْ بِسُنَّتِي وَسُنَّةِ الْخُلَفَاءِ الْمَهْدِيِّينَ الرَّاشِدِينَ تَمَسَّكُوا بِهَا وَعَضُّوا عَلَيْهَا بِالنَّوَاجِذِ وَإِيَّاكُمْ وَمُحَدَّثَاتِ الْأُمُورِ فَإِنَّ كُلَّ مُحَدَّثَةٍ بِدْعَةٌ وَكُلَّ بِدْعَةٍ ضَلَالَةٌ» (رواه أبو داود والترمذي).

Ирбоз ибн Сория розияллоху анхудан ривоят қилинади: Бир куни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам намоздан сўнг бизларга юзланиб, ғоят таъсирли мавъиза қилдилар, бундан кўзлар ёшланиб, дилларга (Аллоҳдан) кўрқув тушди. Шунда бировимиз: «Ё Расулуллоҳ, бу сўзларингиз гўё видолашувчининг насихатига ўхшайди, бизларни нимага тавсия қиласиз?», деб сўради. «Сизларни Аллоҳдан тақво қилишга ва ҳабаш қул (амир қилинган) бўлса-да қулоқ солишга ва итоат қилишга васият қиламан. Чунки, мендан кейин яшаганларингиз тез орада кўп ихтилофларни кўради. Бас, менинг суннатимни ҳамда ҳидоят ва тўғри йўл устидаги халифаларнинг суннатларини лозим тутинглар, уларни маҳкам ушланглар ва тишларингиз билан (яъни, қаттиқ) ёпишинглар.

(Динда) янги пайдо қилинган ишлардан сақланинглари. Зеро, ҳар бир янги пайдо қилинган иш бидъат ва ҳар бир бидъат залолатдир», дедилар (Абу Довуд ва Термизий ривоятлари).

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا خَطَبَ يَقُولُ: إِنَّ خَيْرَ الْحَدِيثِ كِتَابُ اللَّهِ وَخَيْرُ الْهُدَى هُدَى مُحَمَّدٍ وَشَرُّ الْأُمُورِ مُحَدَّثَاتُهَا وَكُلُّ بِدْعَةٍ ضَلَالَةٌ (رواه مسلم).

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хутба қилсалар: «Дарҳақиқат, сўзларнинг яхшиси Аллоҳнинг Китоби, йўлларнинг яхшиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўллари, ишларнинг ёмони (динда) янги пайдо қилингани, ҳар бир бидъат залолатдир», дердилар (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Ислом дини икки қоида асосига: Ягона Аллоҳга ибодат қилиш ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш асосига барпо бўлган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш бўлмаган ва у зот изн бермаган ҳар қандай ибодат рад қилинажак бидъатдир. Барча яхшилик фақат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига эргашишдадир.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Динда бидъат пайдо қилиш, яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам машруъ қилиб бермаган нарса билан Аллоҳга ибодат қилиш ҳаром;
- 2- Бундай амал гуноҳи кабира ва эгасига қайтариладиган амал бўлади;
- 3- Бидъатларнинг барча туридан сақланиш лозим, улар залолат ва ёмонликдир;
- 4- Аллоҳнинг муҳаббати ва мағфиратига эришиш йўли – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишдир.

225- дарс. Эрнинг аёли устидаги ҳақлари

Аллоҳ таоло айтади:

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтани (Ҳаввони) вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан қўрқингиз!» (Нисо: 1).

«Ва эркаклар учун (аёллар) устида бир даража (имтиёз) бор» (Бақара: 228).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قِيلَ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَيُّ النِّسَاءِ خَيْرٌ قَالَ: «الَّتِي تَسْرُهُ إِذَا نَظَرَ وَتُطِيعُهُ إِذَا أَمَرَ وَلَا تُخَالِفُهُ فِي نَفْسِهَا وَمَالِهَا بِمَا يَكْرَهُ» (رواه النسائي).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Қандай аёл энг яхши аёл?» деб сўралди. «Эри унга қараса кўзини қувнатадиган, буюрса итоат қиладиган, нафсида ҳам, молида ҳам у ёмон кўрадиган нарса билан унга хилоф қилмайдиган аёл», деб жавоб бердилар (Имом Насоий ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا دَعَا الرَّجُلُ امْرَأَتَهُ إِلَى فِرَاشِهِ فَأَبَتْ فَلَمْ تَأْتِهِ فَبَاتَ غَضْبَانَ عَلَيْهَا لَعْنَتُهَا الْمَلَائِكَةُ حَتَّى تُصْبِحَ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Эр аёлини тўшакка чақирганда, у рад этса ва эри ундан ғазабланган ҳолда ухласа, фаришталар тонггача аёлга лаънат айтадилар» (Муттафақун алайҳ).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا يَحِلُّ لِلْمَرْأَةِ أَنْ تَصُومَ وَزَوْجُهَا شَاهِدٌ إِلَّا بِإِذْنِهِ وَلَا تَأْذَنَ فِي بَيْتِهِ إِلَّا بِإِذْنِهِ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аёл киши эри уйда эканида унинг изнисиз (нафл) рўза тутиши дуруст эмас, уйига унинг изнисиз (бировнинг киришига) изн бериши дуруст эмас» (Муттафақун алайҳ).

Шарх:

Аёл киши эрининг қарамоғи ва ҳимояси остида бўлгани, эри унинг барча эҳтиёж ва ишларини бошқариб тургани боис эрнинг аёли устида улкан ҳақлари бор, Аллоҳ таоло эрнинг зиммасига айрим вазифаларни юклаганки, бу билан эру-хотин ва бутун оилага яхшиликлар ҳосил бўлади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Эрнинг аёли устида кўп ҳақлари бор;
- 2- Аёл киши маъруф-яхши ишларда эрига итоат қилиши лозим, бу унинг жаннатга киришига сабаб бўлади.

226- дарс. Аёлнинг эри устидаги ҳақлари

Аллоҳ таоло айтади: «**Улар** (яъни хотинларингиз) **билан тинч-тотув яшанглар**» (Нисо: 19).

عن خويلد بن عمرو الخزاعي قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «اللَّهُمَّ إِنِّي أُحَرِّجُ حَقَّ الضَّعِيفِينَ الْيَتِيمِ وَالْمَرْأَةِ» (أخرجه النسائي وحاكم)

Абу Шурайх Хувайлид ибн Амр ал-Хузойй розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Эй Аллоҳим, мен икки заифнинг – етимнинг ва аёл

кишининг ҳаққини (зое қилишни) оғир санайман» (Ҳоким, Насоий ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «اسْتَوْصُوا بِالنِّسَاءِ فَإِنَّ الْمَرْأَةَ خُلِقَتْ مِنْ ضِلْعٍ وَإِنَّ أَعْوَجَ شَيْءٍ فِي الضِّلْعِ أَعْلَاهُ فَإِنْ ذَهَبَتْ تُقِيمُهُ كَسَرْتَهُ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аёлларга яхши муомалада бўлинглар! Зеро, аёл киши қовурғадан яратилган, қовурғанинг энг эгри жойи юқорисидир, агар уни тўғрилайман десанг синдириб қўясан» (Муттафақун алайх).

عَنْ حَكِيمِ بْنِ مُعَاوِيَةَ الْقَشِيرِيِّ عَنْ أَبِيهِ قَالَ قَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا حَقُّ زَوْجَةِ أَحَدِنَا عَلَيْهِ قَالَ: «أَنْ تُطْعِمَهَا إِذَا طَعِمْتَ وَتَكْسُوَهَا إِذَا اكْتَسَيْتَ أَوْ اكْتَسَبْتَ وَلَا تَضْرِبَ الْوَجْهَ وَلَا تُفَبِّحَ وَلَا تَهْجُرَ إِلَّا فِي الْبَيْتِ» (رواه أبو داود)

Муовия ибн Ҳайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Бизлардан биримизнинг устида аёлининг қандай ҳаққи бор?» деб сўрадим. «Таом еган вақтингда уни ҳам таомлантиришинг, ўзинг (янги) кийим кийган (ёки пул топган) вақтингда уни ҳам кийинтиришинг, юзига урмаслигинг, «Башаранг қурсин» деб сўкмаслигинг ва (аразлашган пайтда) фақат уй ичидагина ҳажр этмоғинг (яъни,

бошқа жойда ётишинг)дир», дея жавоб бердилар (Имом Абу Довуд ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا يَفْرَاكَ مُؤْمِنٌ مُؤْمِنَةً إِنْ كَرِهَ مِنْهَا خُلُقًا رَضِيَ مِنْهَا آخَرَ» (رواه مسلم)

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мўмин киши мўмина аёлдан нафратланмасин. Агар унинг бир хулқини ёмон кўрса, бошқасидан рози бўлади» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَكْمَلُ الْمُؤْمِنِينَ إِيمَانًا أَحْسَنُهُمْ خُلُقًا وَخِيَارُكُمْ خِيَارُكُمْ لِنِسَائِهِمْ» (رواه الترمذي)

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мўминларнинг иймони комилроғи хулқи гўзалроғидир. Сизларнинг яхшиларингиз ўз аёлларига яхши бўлганларидир» (Имом Термизий ривояти).

عَنْ عَمْرِو بْنِ الْأَحْوَصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ سَمِعَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي حِجَةِ الْوَدَاعِ يَقُولُ أَلَا وَاسْتَوْصُوا بِالنِّسَاءِ خَيْرًا فَإِنَّمَا هُنَّ عَوَانٌ عِنْدَكُمْ لَيْسَ تَمْلِكُونَ مِنْهُنَّ شَيْئًا غَيْرَ ذَلِكَ» (أخرجه الترمذي).

Амр ибн Аҳвас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «Ҳажжатул-вадоъ»да қилган хутбаларида айтдилар: «Огоҳ бўлинглар, аёлларга яхшилик

қилинглр! Зеро, улар сизларнинг ҳузурингизда асиралардир. Сизлар улардан бундан бошқа бирон нарсага эга эмассизлар» (Имом Термизий ривояти).

(Яъни, аёл кишидан жинсий тарафдан фойдаланиш, ўзининг номуси ва эрининг молини асраши, эрининг хизматини қилишидан бошқа нарсага эга эмассизлар.)

Шарҳ:

Эрнинг аёли устида ҳақлари бўлганидек, аёлнинг ҳам эри устида ҳақлари бор. Эр ҳам, хотин ҳам ўз зиммаларидаги мажбуриятларини комил адо этсалар, шундагина оилавий ҳаёт Аллоҳ таоло буюрганидек адолат устида барқарор бўлади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Аёл кишининг эри устида ҳақлари бор;
- 2- Аёлга яхшилик қилиш вожиб;
- 3- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларга сабр-тоқат билан муомала қилишга ва улар билан муроса қилиб яшашга йўллаганлар.

227- дарс. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтишнинг фазли ҳақида

Аллоҳ таоло айтади: «Албатта Аллоҳ ҳам, Унинг фаришталари ҳам пайғамбарга салавот айтадилар. Эй мўминлар, сизлар ҳам у зотга салавот ва саломлар айтинглар!» (Ахзоб: 56).

Аллоҳ таолонинг бандасига салавоти – Ўз даргоҳидаги муқарраб фаришталар олдида уни мақтов билан зикр қилишидир.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّهُ سَمِعَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «مَنْ صَلَّى عَلَيَّ صَلَاةً صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ بِهَا عَشْرًا» (رواه مسلم).

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким менга бир марта салавот айтса, бунинг эвазига Аллоҳ унга ўн марта салавот айтади» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَوْسِ بْنِ أَوْسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ مِنْ أَفْضَلِ أَيَّامِكُمْ يَوْمَ الْجُمُعَةِ فَأَكْثِرُوا عَلَيَّ مِنَ الصَّلَاةِ فِيهِ فَإِنَّ صَلَاتَكُمْ مَعْرُوضَةٌ عَلَيَّ» قَالَ فَقَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ وَكَيْفَ نُعْرَضُ صَلَاتُنَا عَلَيْكَ وَقَدْ أَرَمْتَ؟ قَالَ يَقُولُونَ بَلَيْتَ؟ قَالَ: «إِنَّ اللَّهَ تَبَارَكَ وَتَعَالَى حَرَّمَ عَلَى الْأَرْضِ أَجْسَادَ الْأَنْبِيَاءِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِمْ» (رواه ابو داود).

Авс ибн Авс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жума куни кунларингизнинг энг афзалидандир. У куни Менга кўп салавотлар айтинглар! Чунки, сизларнинг салавотларингиз менга етказилади», дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, чириб кетган бўлсангиз Сизга бизнинг

салавотларимиз қандай етказилади?», дейишди. У зот: «Аллоҳ таоло пайғамбарларнинг жасадларини ейишни ерга ҳаром қилди», дедилар (Имом Абу Довуд ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا تَجْعَلُوا قَبْرِي عِيدًا وَصَلُّوا عَلَيَّ فَإِنَّ صَلَاتَكُمْ تَبْلُغُنِي حَيْثُ كُنْتُمْ» (أخرجه أبو داود).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қабримни сайилгоҳ қилиб олманглар, менга салавот айтинглар, қаерда бўлсаларингиз ҳам салавотларингиз менга етиб боради» (Имом Абу Довуд ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَا مِنْ أَحَدٍ يُسَلِّمُ عَلَيَّ إِلَّا رَدَّ اللَّهُ عَلَيَّ رُوحِي حَتَّى أَرُدَّ عَلَيْهِ السَّلَامَ» (أخرجه أبو داود).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қай бир киши менга салом айтар экан, унинг саломига жавоб қайтаришим учун Аллоҳ менга руҳимни қайтаради» (Имом Абу Довуд ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «رَغِمَ أَنْفُ رَجُلٍ ذُكِرْتُ عِنْدَهُ فَلَمْ يُصَلِّ عَلَيَّ» (أخرجه الترمذي).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ҳузурида зикр

қилинганимда менга салавот айтмаган одам хор бўлсин» (Имом Термизий ривояти).

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уммат устида кўп ҳақлари бор бўлиб, у зотни яхши кўриш шулар жумласидандир. Ҳамма вақт у зотга салавоту салом айтиш муҳаббат кўринишларидан биридир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло мўминларни бунга буюрди ва эвазига улкан ажрлар ваъда қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларининг номлари зикр қилинганда салавот айтмаган кишига хорлик бўлишини тилаб дуо қилганлар. Расулуллоҳга «соллаллоҳу алайҳи ва саллам» ёки «алайҳис-солату ва вас-сала-а-му» деб салавот ва салом айтамыз.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳар доим салавот ва салом айтиш мустаҳаб;
- 2- Айниқса, жума кунлари салавотни кўп айтиш суннат;
- 3- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтган кишига улкан ажрлар берилади.
- 4- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтмаган кишини у зотнинг баддуолари уриши мумкин.

228- дарс. Аллоҳ аzza ва жаллани зикр қилишнинг фазли

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا يَقْعُدُ قَوْمٌ يَذْكُرُونَ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ إِلَّا حَفَّتْهُمُ الْمَلَائِكَةُ وَعَشِيَتْهُمُ الرَّحْمَةُ وَنَزَلَتْ عَلَيْهِمُ السَّكِينَةُ وَذَكَرَهُمُ اللَّهُ فِيمَنْ عِنْدَهُ» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қайси бир қавм Аллоҳ аzza ва жаллани зикр қилиб ўтирар экан, фаришталар уларни қуршаб оладилар, уларни раҳмат ўраб олади, устларига сакинат-сокинлик тушади ҳамда Аллоҳ таоло Ўз ҳузуридаги фаришталар ичида уларни зикр қилади» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَثَلُ الَّذِي يَذْكُرُ رَبَّهُ وَالَّذِي لَا يَذْكُرُ رَبَّهُ مَثَلُ الْحَيِّ وَالْمَيِّتِ» (رواه البخاري).

Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Парвардигорини зикр қиладиган киши билан зикр қилмайдиган кимсанинг мисоли гўё тирик билан ўликнинг мисолидадир» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ لِلَّهِ مَلَائِكَةً يَطُوفُونَ فِي الطَّرِيقِ يَلْتَمِسُونَ أَهْلَ الذِّكْرِ فَإِذَا وَجَدُوا قَوْمًا يَذْكُرُونَ اللَّهَ تَنَادَوْا هَلُمُّوا إِلَيْنَا حَاجَتِكُمْ قَالَ فَيَحْفُونَهُمْ بِأَجْنِحَتِهِمْ إِلَى السَّمَاءِ الدُّنْيَا قَالَ فَيَسْأَلُهُمْ رَبُّهُمْ وَهُوَ أَعْلَمُ مِنْهُمْ مَا يَقُولُ عِبَادِي قَالُوا يَقُولُونَ يُسَبِّحُونَكَ وَيُكَبِّرُونَكَ وَيُحَمِّدُونَكَ وَيُجَدِّدُونَكَ قَالَ فَيَقُولُ هَلْ رَأَوْنِي قَالَ فَيَقُولُونَ لَا وَاللَّهِ

مَا رَأَوْكَ قَالَ فَيَقُولُ وَكَيْفَ لَوْ رَأَوْنِي قَالَ يَقُولُونَ لَوْ رَأَوْكَ كَانُوا أَشَدَّ لَكَ عِبَادَةً وَأَشَدَّ لَكَ تَمْجِيدًا وَتَحْمِيدًا وَأَكْثَرَ لَكَ تَسْبِيحًا قَالَ يَقُولُ فَمَا يَسْأَلُونِي قَالَ يَسْأَلُونَكَ الْجَنَّةَ قَالَ يَقُولُ وَهَلْ رَأَوْهَا قَالَ يَقُولُونَ لَا وَاللَّهِ يَا رَبِّ مَا رَأَوْهَا قَالَ يَقُولُ فَكَيْفَ لَوْ أَنَّهُمْ رَأَوْهَا كَانُوا أَشَدَّ عَلَيْهَا حِرْصًا وَأَشَدَّ لَهَا طَلَبًا وَأَعْظَمَ فِيهَا رَغْبَةً قَالَ فَمِمَّ يَتَعَوَّدُونَ قَالَ يَقُولُونَ مِنَ النَّارِ قَالَ يَقُولُ وَهَلْ رَأَوْهَا قَالَ يَقُولُونَ لَا وَاللَّهِ يَا رَبِّ مَا رَأَوْهَا قَالَ يَقُولُ فَكَيْفَ لَوْ رَأَوْهَا قَالَ يَقُولُونَ لَوْ رَأَوْهَا كَانُوا أَشَدَّ مِنْهَا فِرَارًا وَأَشَدَّ لَهَا مَخَافَةً قَالَ فَيَقُولُ فَأَشْهَدُكُمْ أَنِّي قَدْ عَفَرْتُ لَهُمْ قَالَ يَقُولُ مَلَكٌ مِنَ الْمَلَائِكَةِ فِيهِمْ فُلَانٌ لَيْسَ مِنْهُمْ إِنَّمَا جَاءَ لِحَاجَةٍ قَالَ هُمْ الْجُلَسَاءُ لَا يَشْقَى بِهِمْ جَلِيسُهُمْ» (متفق عليه).

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Аллох таолонинг шундай фаришталари борки, улар зикр аҳлини қидириб айланиб юрадилар. Агар Аллохни зикр қилаётган кишиларни топсалар «Келинглар, мана сизлар қидираётган нарса», деб бир-бирларини чакирадилар. Фаришталар зикр аҳлини қанотлари билан ўраб (устма-уст туриб то) дунё осмонигача етадилар. Аллох таоло Ўзи яхши билиб турса-да, фаришталаридан сўрайди:

- Бандаларим нима дейишяпти?
- Сенга тасбеҳ, такбир, ҳамд айтиб сени улуғлаяптилар.
- Улар Мени кўришганми?
- Йўқ, Аллохга қасам-ки, кўрмаганлар.
- Агар мени кўрсалар нима қилишади?
- Унда сенга янада кўпроқ ибодат қилиб, бундан-да кўп тасбеҳ айтиб, сени улуғлашади.

- Улар мендан нима сўраяптилар?

- Сендан жаннат сўрашяпти.

- Жаннатни кўришганми?

- Йўқ, Аллоҳга қасам-ки, эй Парвардигор, жаннатни кўрмаганлар.

- Агар кўрганларида нима бўларди?

- Агар жаннатни кўрсалар унга янада қаттиқроқ интилиб, талабгор бўлиб рағбатлари ошиб кетарди.

- Нимадан паноҳ тилаяптилар?

- Дўзахдан.

- Улар дўзахни кўришганми?

- Йўқ, Аллоҳга қасам-ки, эй Парвардигор, уни кўрмаганлар.

- Агар кўрсалар нима бўларди?

- Агар кўрсалар дўзахдан яна ҳам кўпроқ, қаттиқроқ кўрққан бўлардилар.

- Сизлар гувоҳсизлар, Мен уларни мағфират қилдим.

Шунда фаришталардан бири дейди:

- Фалончи ораларида ўтиргани билан улардан эмас. У бир иш билан келганди.

- Улар шундай ҳамсуҳбатлар-ки, улар билан ўтирган одам улар туфайли бадбахт бўлмас!» (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Аллоҳ азза ва жаллани зикр қилиш У зотга яқинлаштирадиган, гуноҳларни ўчириб, даражаларни юксалтирадиган энг афзал амаллардандир. Зикр мажлислари – Қуръон ўқиш, илм ўрганиш, тасбеҳ, таҳлил, истиғфор айтиш мажлисларидир. Аллоҳ таоло бундай мажлис аҳллари яхши кўради, уларга малоикалар ҳозир бўладилар, устларига раҳмат ёғилади. Зикрларни ададга, вақтга, жойга, кайфиятга хослаш суннатда кўрсатилган бўлиши шарт. Акс ҳолда бидъат бўлиб қолади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Зикрнинг фазли, унинг манзилат-мартабаси ва у энг афзал амаллардан экани;
- 2- Зикр гуноҳларнинг кечирлишига сабабдир;
- 3- Яхши, солиҳ суҳбатдошлар баракоти.

229- дарс. Зикрнинг фазли ҳақида

Аллоҳ таоло айтади:

«Аниқки Аллоҳни зикр қилмоқ (барча нарсадан) улуғроқдир»
(Анкабут: 45).

«Мени эслангиз, Мен ҳам сизларни эслайман» (Бақара: 152).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: يَقُولُ اللَّهُ تَعَالَى: أَنَا عِنْدَ ظَنِّ عَبْدِي بِي، وَأَنَا مَعَهُ إِذَا ذَكَرَنِي، فَإِنْ ذَكَرَنِي فِي نَفْسِهِ ذَكَرْتُهُ فِي نَفْسِي، وَإِنْ ذَكَرَنِي فِي مَلَأٍ ذَكَرْتُهُ فِي مَلَأٍ خَيْرٍ مِنْهُمْ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Аллох таоло айтади: Мен бандамнинг Мен ҳақимдаги гумонидаман (яъни, у менга яхши гумон қилсин. Мен доимо у ўйлаганидан яхшироқман). Агар у Мени зикр қилса, Мен у билан биргаман. Агар у Мени ичида зикр қилса, Мен ҳам уни ичимда зикр қиламан. Агар у Мени жамоат орасида зикр қилса, Мен уни улардан яхшироқ жамоат олдида зикр қиламан» (Муттафақун алайҳ).

وعن أبي الدرداء رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : أَلَا أَنْبِؤُكُمْ بِخَيْرِ أَعْمَالِكُمْ، وَأَزْكَاهَا عِنْدَ مَلِيكِكُمْ، وَأَرْفَعَهَا فِي دَرَجَاتِكُمْ، وَخَيْرٌ لَكُمْ مِنْ إِنْفَاقِ الذَّهَبِ وَالْوَرِقِ، وَخَيْرٌ لَكُمْ مِنْ أَنْ تَلْقَوْا عَدُوَّكُمْ فَتَضْرِبُوا أَعْنَاقَهُمْ وَيَضْرِبُوا أَعْنَاقَكُمْ؟» قَالُوا: بَلَى، قَالَ: «ذِكْرُ اللَّهِ تَعَالَى» (رواه الترمذي وابن ماجه)

Абуд-Дардо розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам: «Сизларга амалларингиз ичида энг яхшисини, Хожаларингиз хузурида энг покизасини, даражаларингизни кўтарувчисини, олтину кумуш эҳсон қилишдан ҳам яхшироғини ва душманларингизга рўпара бўлиб, сизлар уларни, улар сизларни бўйинларингизга қилич билан уришларидан ҳам хайрлироғини хабарини берайми?», дедилар. «Ҳа», дейишди

(асҳоблар). «Аллоҳ таолони зикр қилиш!», дедилар (Термизий ва Ибн Можа ривоятлари).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «سَبَقَ الْمُفَرِّدُونَ» قَالُوا وَمَا الْمُفَرِّدُونَ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: «الذَّاكِرُونَ اللَّهَ كَثِيرًا وَالذَّاكِرَاتُ» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Муфарридлар ўзиб кетдилар», дедилар. «Муфарридлар кимлар, ё Расулуллоҳ?», деб сўрашди. «Аллоҳни кўп зикр қилувчи эркак ва аёллар», дедилар (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Аллоҳни зикр қилишнинг фазилати кўп ва савоби улуг, унда бардавом бўлиш энг афзал ва Аллоҳга суюмли ишлардан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳни кўп зикр қилувчилар бошқалардан ўзиб кетганини хабар берганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Зикрнинг фазли, савобининг улуглиги;
- 2- У олий даргоҳда Аллоҳ таоло тарафидан яхшилик билан зикр этилишга сабаб бўлади:
- 3- У қиёмат куни ажру савобда бошқалардан олдинга ўтиб кетишга сабабдир.

230- дарс. Эрталабки ва кечки зикрлар

Аллоҳ таоло айтади: «**Парвардигорингизни ичингизда ёлвориб, кўрқиб, дилдан эртаю кеч ёд қилинг ва ғофил кимсалардан бўлманг!**» (Аъроф: 205).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا لَقِيتُ مِنْ عَقْرَبٍ لَدَعْتَنِي الْبَارِحَةَ قَالَ: «أَمَا لَوْ قُلْتَ حِينَ أَمْسَيْتَ: «أَعُوذُ بِكَلِمَاتِ اللَّهِ التَّامَّاتِ مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ» لَمْ تَضُرَّكَ» (رواه مسلم).

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, мени кечқурун чаён чақиб олганди, (ундан қаттиқ аламландим)», деган эди, у зот: «Агар кеч кирганда: «Аллоҳнинг мукаммал калималари билан яратганларининг ёмонлигидан паноҳ тилайман» деган бўлганигда у сенга зарар етказмаган бўларди», дедилар (Имом Муслим ривояти).

عَنْ عُثْمَانَ بْنِ عَفَّانٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَا مِنْ عَبْدٍ يَقُولُ فِي صَبَاحٍ كُلِّ يَوْمٍ وَمَسَاءٍ كُلِّ لَيْلَةٍ «بِسْمِ اللَّهِ الَّذِي لَا يَضُرُّ مَعَ اسْمِهِ شَيْءٌ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي السَّمَاءِ وَهُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ» ثَلَاثَ مَرَّاتٍ لَمْ يَضُرَّهُ شَيْءٌ» (رواه أبو داود والترمذي).

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қай бир банда ҳар куни

эрталаб ва кечқурун: «Унинг исми билан бирга бўлганда на ердаги ва на осмондаги бирон нарса зарар бера олмайдиган Аллоҳ исми билан. У Эшитувчи, Билувчи Зотдир» деб уч марта айтса, унга ҳеч нарса зарар етказмайди», дедилар (Абу Довуд ва Термизий ривоятлари).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ حُبَيْبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «قُلْ: «قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ وَالْمَعُودَتَيْنِ» حِينَ تُمْسِي وَتُصْبِحُ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ تَكْفِيكَ مِنْ كُلِّ شَيْءٍ» (رواه أبو داود والترمذي).

Абдуллоҳ ибн Хубайб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга айтдилар: «Ҳар куни кечқурун ва эрталаб «Қул ҳуваллоҳу аҳад ва муъаввизатайнни (икки қул аъзуни) уч мартадан ўқигин, сенга ҳамма нарсанинг ёмонлигидан сақлашда кифоя қилади» (Абу Довуд ва Термизий ривоятлари).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَقُولُ إِذَا أَمْسَى «أَمْسَيْنَا وَأَمْسَى الْمَلِكُ لِلَّهِ، وَالْحَمْدُ لِلَّهِ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ، رَبِّ أَسْأَلُكَ خَيْرَ مَا فِي هَذِهِ اللَّيْلَةِ، وَخَيْرَ مَا بَعْدَهَا، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ هَذِهِ اللَّيْلَةِ، وَشَرِّ مَا بَعْدَهَا، رَبِّ أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْكَسَلِ وَسُوءِ الْكِبَرِ، رَبِّ أَعُوذُ بِكَ مِنْ عَذَابِ فِي النَّارِ وَعَذَابِ فِي الْقَبْرِ». وَإِذَا أَصْبَحَ قَالَ ذَلِكَ أَيْضًا «أَصْبَحْنَا وَأَصْبَحَ الْمَلِكُ لِلَّهِ» (رواه مسلم).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кечқурун бўлганда

шундай дердилар: «Кечга етдик ва Аллоҳнинг бутун мулки ҳам тунга кирди. Барча ҳамду сано Аллоҳникидир. Аллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқ. У ёлғиз, шериксиз Зотдир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Унингдир ва У барча нарсага қодирдир. Парвардигоро, Мен Сендан бу тундаги ва ундан кейиндаги яхшилиқни сўрайман. Бу тундаги ва ундан кейиндаги ёмонликдан паноҳ беришингни тилайман. Парвардигоро, мен Сендан ялқовликдан ва ёмон қаришлиқдан паноҳ беришингни сўрайман. Парвардигоро, менга дўзах ҳамда қабр азобидан паноҳ беришингни сўрайман». Тонг отгач: «Тонгга етдик ва Аллоҳнинг бутун мулки ҳам тонг оттирди», (деб дуонинг охригача) айтардилар (Имом Муслим ривояти).

عن شَدَّادِ بْنِ أَوْسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «سَيِّدُ الْإِسْتِغْفَارِ أَنْ تَقُولَ: «اللَّهُمَّ أَنْتَ رَبِّي لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ خَلَقْتَنِي وَأَنَا عَبْدُكَ وَأَنَا عَلَى عَهْدِكَ وَوَعْدِكَ مَا اسْتَطَعْتُ أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا صَنَعْتُ أَبُوءُ لَكَ بِنِعْمَتِكَ عَلَيَّ وَأَبُوءُ لَكَ بِذُنُوبِي فَاعْفُرْ لِي فَإِنَّهُ لَا يَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلَّا أَنْتَ» قَالَ «وَمَنْ قَالَهَا مِنَ النَّهَارِ مُوقِنًا بِهَا فَمَاتَ مِنْ يَوْمِهِ قَبْلَ أَنْ يُمْسِيَ فَهُوَ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ وَمَنْ قَالَهَا مِنَ اللَّيْلِ وَهُوَ مُوقِنٌ بِهَا فَمَاتَ قَبْلَ أَنْ يُصْبِحَ فَهُوَ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ» (رواه البخاري)

Шаддод ибн Авс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Саййидул истиғфор будир: «Аллоҳим, Сен менинг Раббимсан, Сендан ўзга илоҳ йўқдир, мени Ўзинг яратгансан, мен Сенинг қулингман ва қўлимдан келганича Сенга берган аҳду паймоним устидаман.

Қилган ишларимнинг ёмонлигидан Ўзингдан паноҳ тилайман. Менга берган неъматларингни эътироф этаман. Қилган гуноҳларимни ҳам эътироф этаман. Ўзинг мени мағфират этгин. Албатта, Сендан ўзга гуноҳларни кечирувчи йўқдир». Ким шу истиффорни ишонч-ихлос билан кундузида айтса ва кечга қолмай вафот этса, у жаннат аҳлидан бўлади. Ким бунни ишонч-ихлос билан тунда айтса ва тонгга қолмай вафот этса, у жаннат аҳлидан бўлади» (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Юқоридагилар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эрталаб ва кечкурун давомий айтиб юрадиган ва асҳобларини ҳам айтишга йўллаган зикрларнинг баъзисидир. Уларни давомий равишда айтиб юриш мусулмон кишини Аллоҳнинг изни билан ҳар қандай ёмонликдан асрайди. Бу ёмонлик сеҳр бўлсин, исн ва жинларнинг ёмонликларидан бўлсин, хуллас, биз билган ва билмаган ёмонликлардан сақлайди. Мазкур зикрларни арабча матнини ёдлаб айтиб юрган афзал.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Ушбу зикрларда дунёвий ва ухровий манфаатлар борлиги учун уларни давомий ўқиб юришга риоя қилиш лозим.

231- дарс. Тасбеҳ айтишнинг фазли

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ» فِي يَوْمٍ مِائَةَ مَرَّةٍ كَانَتْ لَهُ عَدْلَ عَشْرِ رِقَابٍ وَكُتِبَتْ لَهُ مِائَةُ حَسَنَةٍ وَمُحِيتَ عَنْهُ مِائَةُ سَيِّئَةٍ وَكَانَتْ لَهُ حِرْزًا مِنَ الشَّيْطَانِ يَوْمَهُ ذَلِكَ حَتَّى يُمْسِيَ وَلَمْ يَأْتِ أَحَدٌ أَفْضَلَ مِمَّا جَاءَ بِهِ إِلَّا أَحَدٌ عَمِلَ أَكْثَرَ مِنْ ذَلِكَ وَمَنْ قَالَ: «سُبْحَانَ اللَّهِ وَبِحَمْدِهِ» فِي يَوْمٍ مِائَةَ مَرَّةٍ حُطَّتْ خَطَايَاهُ وَلَوْ كَانَتْ مِثْلَ زَبَدِ الْبَحْرِ» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким бир кунда юз марта: «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодийр» (Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. У ёлғиз, шериксиз Зотдир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уникидир ва У барча нарсага қодирдир) деса, унга ўнта қул озод қилгандек ажр бўлади, юзта ҳасана ёзилади, юзта гуноҳи ўчирилади, ўша куни то кечгача унга шайтондан ҳимоя бўлади, ундан кўра афзалроқ ишни ҳеч ким қилган бўлмайди, фақат ундан ҳам кўпроқ айтган кишигина (бўлиши мумкин). Ким бир кунда юз марта: «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи» (Аллоҳни поклайман ва Унга ҳамд айтаман) деса, хато-гуноҳлари денгиз кўпикларича бўлса-да ўчирилади» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ قَالَ حِينَ يُصْبِحُ وَحِينَ يُمَسِي «سُبْحَانَ اللَّهِ وَبِحَمْدِهِ» مِائَةَ مَرَّةٍ لَمْ يَأْتِ أَحَدٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ بِأَفْضَلَ مِمَّا جَاءَ بِهِ إِلَّا أَحَدٌ قَالَ مِثْلَ مَا قَالَ أَوْ زَادَ عَلَيْهِ» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким тонг пайти ва кечқурун юз марта: «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи» (Аллоҳни поклайман ва Унга ҳамд айтаман) деса, қиёмат куни ҳеч ким ундан кўра афзалроқ нарсани олиб келган бўлмайди, фақатгина у айтганча ёки ундан ортиқроқ айтган киши (келтириши мумкин)» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «كَلِمَتَانِ خَفِيفَتَانِ عَلَى اللِّسَانِ ثَقِيلَتَانِ فِي الْمِيزَانِ حَبِيبَتَانِ إِلَى الرَّحْمَنِ «سُبْحَانَ اللَّهِ وَبِحَمْدِهِ سُبْحَانَ اللَّهِ الْعَظِيمِ»» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Икки калима борки, тилга енгил, тарозида оғир, Раҳмон таолога суюмлидир: «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи, субҳаналлоҳил азийм» (Аллоҳни поклайман ва Унга ҳамд айтаман, Буюк Аллоҳни поклайман)» (Муттафақун алайҳ).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَأَنْ أَقُولَ «سُبْحَانَ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاللَّهُ أَكْبَرُ» أَحَبُّ إِلَيَّ مِمَّا طَلَعَتْ عَلَيْهِ الشَّمْسُ» (رواه مسلم).

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Субҳаналлоҳи валҳамду лиллаҳи ва ла илаҳа иллаллоху валлоху акбар» (Аллоҳни поклайман, Аллоҳга ҳамд бўлсин, бир Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Аллоҳ буюқдир) деб айтишим менга қуёш нури тушган барча нарсалардан суюмлироқдир» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سُئِلَ أَيُّ الْكَلَامِ أَفْضَلُ؟ قَالَ « مَا اصْطَفَى اللَّهُ لِمَلَائِكَتِهِ أَوْ لِعِبَادِهِ سُبْحَانَ اللَّهِ وَبِحَمْدِهِ» (رواه مسلم).

Абу Зар розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва салламдан: «Сўзларнинг қайси бири энг афзал?», деб сўралди. «Аллоҳ малоикаларига – ёки бандаларига – танлаган сўз: «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи», дедилар (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Аллоҳга тасбеҳ айтиш – Уни ҳар қандай нолайиқ сифатлардан пок ва муқаддас санаш бўлиб, у зикрларнинг энг афзали, тилга энг энгили, Аллоҳга энг суюмлиги ва гуноҳ сағира-кичик гуноҳларнинг кечирилишига сабабдир. Катта гуноҳларга чин тавба, гуноҳдан тийилиш каффорат бўлади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Тасбеҳ айтишнинг фазли ва Аллоҳ уни яхши кўриши;
- 2- У гуноҳлар кечирилишига сабабдир;
- 3- Тасбеҳ сўзлар ичида энг афзалидир.

232- дарс. Камбағал-ночор кишидан қарзни қистамаслик, унга фурсат беришнинг фазли

عَنْ حُذَيْفَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «تَلَقَّتِ الْمَلَائِكَةُ رُوحَ رَجُلٍ مِمَّنْ كَانَ قَبْلَكُمْ فَقَالُوا أَعْمَلْتَ مِنَ الْخَيْرِ شَيْئًا؟ قَالَ: لَا، قَالُوا تَذَكَّرَ قَالَ كُنْتُ أُدَايِنُ النَّاسَ فَأَمَرُ فِتْيَانِي أَنْ يُنْظِرُوا الْمُعْسِرَ وَيَتَجَوَّزُوا عَنِ الْمُوسِرِ قَالَ: قَالَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ: «تَجَوَّزُوا عَنْهُ» (رواه مسلم).

Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Малоикалар сизлардан илгаригилардан бир кишининг руҳини қабул қилиб: «Бирон яхшилик қилганмисан?», деб сўрадилар. У: «Йўқ», деди. «Эслаб кўр», дейишди. «Одамлар билан қарз олди-берди қилардим, шунда ходимларимга қийналган кишига фурсат беришни, қарзини ўташга қодир кишидан эса кам-кўстини кечиб юборишни буюрардим», деди. Шунда Аллоҳ азза ва жалла: «Ундан гуноҳларини кечинглар», деди (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «كَانَ رَجُلٌ يُدَايِنُ النَّاسَ فَكَانَ يَقُولُ لِفَتَاهُ إِذَا أَتَيْتَ مُعْسِرًا فَتَجَاوَزْ عَنْهُ لَعَلَّ اللَّهَ يَتَجَاوَزُ عَنَّا فَلَقِيَ اللَّهَ فَتَجَاوَزَ عَنْهُ» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Бир киши одамларга қарз бериб турар ва хизматкорига: «Ночор одамга (қарзини тўлашини сўраб) борсанг, ундан кечгин, шояд Аллоҳ бизни ҳам кечирса», дерди. Аллоҳ хузурига боргач, У ундан (гуноҳларини) кечди» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ طَلَبَ غَرِيمًا لَهُ فَنَوَارَى عَنْهُ ثُمَّ وَجَدَهُ فَقَالَ إِنِّي مُعْسِرٌ فَقَالَ اللَّهُ قَالَ اللَّهُ قَالَ فَإِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «مَنْ سَرَّهُ أَنْ يُنْجِيَهُ اللَّهُ مِنْ كُرْبِ يَوْمِ الْقِيَامَةِ فَلْيُنْفَسْ عَنِ مُعْسِرٍ أَوْ يَضَعْ عَنْهُ» (رواه مسلم).

Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: У қарздорини излаб борганди, у ундан яшириниб олди. Кейин уни топиб олганида у: «Мен ночор ҳолатдаман», деди. «Аллоҳ номи билан қасам ичасанми?», деган эди, «Аллоҳга қасам», деди. Шунда Абу Қатода деди: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни эшитганманки: «Ким-да ким Аллоҳ унга қиёмат кундаги ғамларидан нажот беришини истаса, ночор одамдан (қарзини) енгиллатсин ёки кечиб юборсин», деганлар» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Қийналган ҳолатдаги қарздорга қўшимча муҳлат бериш ёки ундан қарзни кечиб юбориш Аллоҳ таоло яхши кўрган ишлардан саналади. Чунки бунда одамларга енгиллик яратиб бериш ва уларнинг ғам-ташвишларини аритиш бор. Шунинг учун бундай қиладиган кишининг мукофоти Аллоҳ таоло унинг гуноҳларини кечириши ва қиёмат кунндаги ғамларидан қутқариши бўлади. Бу барча тузумларга ёт бўлган, Ислом эса унга тарғиб қилган инсонпарварлик намуналаридан бири.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Қийналган кишига қўшимча фурсат бериш ёки қарзини кечиб юбориш мустаҳаб;
- 2- Бундай қилиш қиёмат кунндаги ғамлардан нажот топишга сабаб бўлади;
- 3- Бу Аллоҳ таоло ўша банданинг гуноҳини кечишига сабаб бўлади.

233- дарс. Рибо-судхўрлик ва ундан огоҳлантириш

Аллоҳ таоло айтади:

«Судхўр бўлган кимсалар (Қиёмат Кунда қабрларидан) турмайдилар, магар жин чалган мажнун каби турадилар. Бунга сабаб уларнинг: «Бай (олди-сотди) ҳам судхўрликнинг ўзи-ку?» — деганларидир. Ҳолбуки, Аллоҳ байни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган. Бас, кимга парвардигоридан мавъиза — насиҳат етгач (судхўрликдан) тўхтаса, у ҳолда аввал ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳга (топширилади). (Яъни Ўзи хоҳласа афв қилар). Ва ким (судхўрликка) қайтса, ўшалар жаҳаннам эгаларидир ва унда абадий қолажақлар. Аллоҳ судхўрликнинг (фойдасини) йўқ қилади ва садақаларнинг (фойдасини) зиёда қилади. Аллоҳ ҳар қандай (судхўрликни ҳалол деб биладиган) кўрнамакни ва (судхўрлик қиладиган) жинойтчини севмайди» (Бақара: 275, 276).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва агар чиндан мўмин бўлсангизлар, судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз. (Яъни одамларга берган қарзларингиздан чиқадиган фойдани олмангиз.) Энди агар (фармонимизни) қилмасангиз, у ҳолда Аллоҳ ва пайғамбари томонидан бўладиган урушни билиб қўйинг! Агар тавба қилсангиз, дастмоянгиз ўзингизга — золим ҳам, мазлум ҳам бўлмайсиз» (Бақара: 278, 279).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «اجْتَنِبُوا السَّبْعَ الْمُؤْبَقَاتِ»
قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ وَمَا هُنَّ؟ قَالَ: «الشُّرُكُ بِاللَّهِ وَالسَّحْرُ وَقَتْلُ النَّفْسِ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ

وَأَكُلُ الرَّبَّ وَأَكُلُ مَالِ الْيَتِيمِ وَالتَّوَلَّى يَوْمَ الزَّحْفِ وَقَذَفُ الْمُحْصَنَاتِ الْمُؤْمِنَاتِ الْغَافِلَاتِ» (متفق عليه).

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Етгита ҳалок қилувчи (гуноҳлар)дан сақланинглар!» «Ё Расулуллох, улар қайсилар?», деб сўрадилар. «Аллоҳга ширк келтириш, сеҳргарлик, ноҳақ одам ўлдириш, судхўрлик, етимнинг молини ейиш, жанг пайтида ортга қочиш, покиза ва фаҳшдан беҳабар мўмина аёлларни бузуқлик билан тухматлаш», дедилар (Муттафақун алайҳ).

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ لَعَنَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ آكِلَ الرَّبِّ وَمُوكِلَهُ وَكَاتِبَهُ وَشَاهِدِيهِ وَقَالَ: «هُمْ سَوَاءٌ» (رواه مسلم)

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам рибони еювчини ҳам, рибо берувчини ҳам, котиби-ёзиб қўювчини ҳам, гувоҳларини ҳам лаънатладилар ва «Улар барчаси (гуноҳда) баробардир», дедилар (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Рибо – кишини ҳалокатга олиб боровчи гуноҳи кабиралар жумласидан бўлиб, Аллоҳ таоло судхўрни дўзах азоби билан огоҳлантирган ва судхўрликни ташламаган одамга Аллоҳ ва Расули томонидан уруш эълон қилинишини билдирган. Чунки,

судхўрликда ҳожатманд ва камбағал кишиларнинг муҳтожлигидан фойдаланиб, уларга зулм ўтказиш бор. Шунинг учун Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам судхўрларни лаънатлаганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Судхўрлик ҳаром ва ҳалок қилувчи гуноҳи кабиралардан;
- 2- У баракани ўчиради, уни ейишда давом этувчи кимса Аллоҳ ва Расулининг душманидир;
- 3- Судхўрлар Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам тилларида лаънатланганлар.

234- дарс. Аллоҳнинг неъматига кофир – нонкўр бўлишдан сақланиш вожиблиги ҳақида

Аллоҳ таоло айтади:

«Албатта Қорун ўзи Мусо қавмидан эди. Бас у (қавмдошларига) кибру-ҳаво қилди. Биз унга хазиналардан калитлари(ни кўтариб юришнинг ўзи) куч-қувват эгалари бўлган бир жамоатга ҳам оғирлиқ қиладиган нарсаларни ато этган эдик. Ўшанда қавмдошлари унга: «Ховлиқмагин, Чунки Аллоҳ ховлиқма кимсаларни суймас. Ва Аллоҳ сенга ато этган мол-давлат билан (аввало) охират (ободлиги) ни истагин ва

дунёдан бўлган насибангни ҳам унутмагин. Аллоҳ сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам (Аллоҳнинг бандаларига) инфоқ-эҳсон қил. Ерда (зулму-зўравонлик билан) бузғунчилик килишга уринма. Чунки Аллоҳ бузғунчи кимсаларни суймас», деганларида. У: «Менга (бор молу-давлатим) фақат ўзимдаги билим сабаблигина ато этилгандир, (бас, ҳеч ким уни мендан тортиб ололмас»), деди. Ахир у ўзидан аввалги асрлар-авлодлардан, ундан кўра қувватлироқ ва жамғармаси ҳам кўпроқ (қанчадан-қанча) кимсаларни Аллоҳ халок қилганини билмасми?! У жинойтчи кимсалардан гуноҳлари ҳақида сўралмас ҳам, (балки улар ҳеч қандай сўроқ-саволсиз дўзахга ташланурлар)! Сўнг, (Қорун) қавми олдига ясан-тусан қилиб чиққан эди, ҳаёти дунёни истайдиган кимсалар: «Эҳ, қани эди бизлар учун ҳам Қорунга ато этилган молу-давлат бўлса эди. Дарҳақиқат у улуғ насиба эгасидир», дедилар. Илм-маъфират ато этилган кишилар эса: «Ўлим бўлсин сизларга! Иймон келтирган ва яхши амал қилган киши учун Аллоҳ берадиган ажр-савоб яхшироқ-ку! У (савобга) фақат сабр-қаноатли кишиларгина эришурлар», дедилар. Бас, Биз (Қорунни) ҳам, унинг ҳовли-жойини ҳам (ерга) юттирдик. Сўнг унинг учун Аллоҳдан ёрдам берадиган ўзга бирон жамоат бўлмади ва унинг ўзи ҳам ғолиблардан бўлмади. Ва куни кеча унинг мартабасини орзу қилган кимсалар: «Вожаб, Аллоҳ

бандаларидан Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилиб (Ўзи хоҳлаган бандаларининг ризқини) танг қилиб берар экан-да. Агар Аллоҳ бизларга марҳамат қилмаганида, бизларни ҳам (ерга) юттирган бўлур эди. Вожаб, кофир бўлган кимсалар нажот топмас экан-да», деб қолдилар. Биз ўша охираат диёрини ер юзида зулму-зўравонлик ва бузғунчилик қилишни истамайдиган кишилар учун қилурмиз. Оқибат тақво қилувчи кишиларникидир» (Қасас: 76-83).

Шарҳ:

Қорунга Аллоҳ таоло улкан бойлик ва мол-мулк ато этган эди. Лекин, у Аллоҳга шукр қилмади ва Унинг фазлу марҳаматини эътироф этмади. Балки, қўлидаги мол-мулкига фақат ўзининг билими ва куч-қуввати билангина эришганини даъво қилар, бойлиги билан одамларга такаббурлик қиларди. Аллоҳ таоло уни уй-жойлари билан бирга ерга юттириб юбориш билан жазолади. Бу ундан кейинги авлодларга ҳам ибрат бўлмоғи лозим.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Неъматга шукр бажо келтириш лозим, унга нонкўрлик қилиш ярамайди;
- 2- Мол-дунё билан мағрурланиб қолмаслик керак;

3- Аллоҳнинг неъматларига шукр қилинмаса, у ўз эгасига бало ва азобга айланиши мумкин.

235- дарс. Яйловдаги қўйларнинг закоти

عن أَنَسٍ أَنَّ أَبَا بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا كَتَبَ لَهُ هَذَا الْكِتَابَ لَمَّا وَجَّهَهُ إِلَى الْبَحْرَيْنِ «بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ هَذِهِ فَرِيضَةُ الصَّدَقَةِ الَّتِي فَرَضَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى الْمُسْلِمِينَ وَالَّتِي أَمَرَ اللَّهُ بِهَا رَسُولُهُ فَمَنْ سَأَلَهَا مِنَ الْمُسْلِمِينَ عَلَى وَجْهِهَا فَلْيُعْطِهَا وَمَنْ سُئِلَ فَوْقَهَا فَلَا يُعْطِ، فِي أَرْبَعٍ وَعِشْرِينَ مِنَ الْإِبِلِ فَمَا دُونَهَا مِنَ الْغَنَمِ مِنْ كُلِّ خَمْسٍ شَاةٍ إِذَا بَلَغَتْ خَمْسًا وَعِشْرِينَ إِلَى خَمْسٍ وَثَلَاثِينَ فَفِيهَا بِنْتُ مَخَاضٍ أَنْثَى فَإِذَا بَلَغَتْ سِتًّا وَثَلَاثِينَ إِلَى خَمْسٍ وَأَرْبَعِينَ فَفِيهَا بِنْتُ لُبُونٍ أَنْثَى فَإِذَا بَلَغَتْ سِتًّا وَأَرْبَعِينَ إِلَى سِتِّينَ فَفِيهَا حِقَّةٌ طَرُوقَةٌ الْجَمَلِ فَإِذَا بَلَغَتْ وَاحِدَةً وَسِتِّينَ إِلَى خَمْسٍ وَسَبْعِينَ فَفِيهَا جَذَعَةٌ فَإِذَا بَلَغَتْ يَعْغِي سِتًّا وَسَبْعِينَ إِلَى تِسْعِينَ فَفِيهَا بِنْتُ لُبُونٍ فَإِذَا بَلَغَتْ إِحْدَى وَتِسْعِينَ إِلَى عِشْرِينَ وَمِائَةٍ فَفِيهَا حِقَّتَانِ طَرُوقَتَا الْجَمَلِ فَإِذَا زَادَتْ عَلَى عِشْرِينَ وَمِائَةٍ فَفِي كُلِّ أَرْبَعِينَ بِنْتُ لُبُونٍ وَفِي كُلِّ خَمْسِينَ حِقَّةٌ وَمَنْ لَمْ يَكُنْ مَعَهُ إِلَّا أَرْبَعٌ مِنَ الْإِبِلِ فَلَيْسَ فِيهَا صَدَقَةٌ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ رَبُّهَا فَإِذَا بَلَغَتْ خَمْسًا مِنَ الْإِبِلِ فَفِيهَا شَاةٌ وَفِي صَدَقَةِ الْغَنَمِ فِي سَائِمَتِهَا إِذَا كَانَتْ أَرْبَعِينَ إِلَى عِشْرِينَ وَمِائَةٍ شَاةٌ فَإِذَا زَادَتْ عَلَى عِشْرِينَ وَمِائَةٍ إِلَى مِائَتَيْنِ شَاتَانِ فَإِذَا زَادَتْ عَلَى مِائَتَيْنِ إِلَى ثَلَاثِ مِائَةٍ فَفِيهَا ثَلَاثُ شِيَاهٍ فَإِذَا زَادَتْ عَلَى ثَلَاثِ مِائَةٍ فَفِي كُلِّ مِائَةٍ شَاةٌ فَإِذَا كَانَتْ سَائِمَةُ الرَّجُلِ نَاقِصَةً مِنْ أَرْبَعِينَ شَاةً وَاحِدَةً فَلَيْسَ فِيهَا صَدَقَةٌ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ رَبُّهَا وَفِي الرِّقَّةِ رُبْعُ الْعُشْرِ فَإِنْ لَمْ تَكُنْ إِلَّا تِسْعِينَ وَمِائَةً فَلَيْسَ فِيهَا شَيْءٌ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ رَبُّهَا» (رواه البخاري).

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Абу Бакр розияллоҳу анҳу уни Баҳрайнга юборганида унга қуйидагича

мактуб ёзиб берган эди: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмонларга фарз қилган ва Аллоҳ таоло Ўзининг Пайғамбарига буюрган фарз садақа (закот) нисобидир. Мусулмонлардан қай биридан шу кайфиятда сўралса, берсин, бундан ортиқча сўралса, бермасин: Йигирма тўртта ва ундан кам бўлган туянинг закоти ҳар бештасига битта қўй, йигирма бештадан ўттиз бештагача бўлганда битта урғочи бинт махоз (1 ёшни тўлдириб, 2 ёшга ўтган туя), 36тадан 45тагача битта урғочи бинт лабун (2 ёшни тўлдириб, 3 ёшга ўтган туя), 46тадан 60тагача битта урғочи қочирилишга яроқли ҳиққа (3 ёшни тўлдириб, 4 ёшга ўтган туя), 61тадан 75тагача битта жазаъа (4 ёшни тўлдириб, 5 ёшга ўтган туя), 76тадан 90тагача иккита бинт лабун, 91тадан 120тагача қочирилишга яроқли иккита ҳиққа, туялар сони 120тадан ошиқ бўлганда ҳар 40тасига биттадан бинт лабун, ҳар 50тасига биттадан ҳиққа берилади. Кимда тўрттадан ортиқ туя бўлмаса, унга закот вожиб эмас, фақат эгаси ўзи хоҳласа (бериши жоиз), агар туяси бештага етса унга битта қўй бериш фарз бўлади.

Яйловда боқиладиган қўйларнинг закот нисоби: 40тадан 120тагача бўлганда битта қўй, 120тадан ошиғи то 200тагача бўлганда иккита қўй, 200дан зиёдаси то 300тагача бўлганда учта қўй, 300тадан ортиқ бўлганда ҳар 100тага биттадан қўй берилади. Кишининг яйловда боқиладиган қўйлари 40тадан битта кам бўлса

ҳам унга садақа (закот) фарз бўлмайди, фақат эгаси ўзи хоҳласа (бериши мумкин).

Кумушнинг нисоби қирқдан бирдир. Кумуш 190 (дирҳам)дан ошиқ бўлмаганда унга садақа вожиб бўлмайди, фақат эгаси ўзи хоҳласа (бериши мумкин)» (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Аллоҳ таоло йил бўйи ёки йилнинг кўп қисмида яйловда боқиладиган қўйлардан закот беришни фарз қилди, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг шартлари ва нисобларини баён қилиб бердилар. Аммо уйда емлаб боқиладиган қўйларнинг закоти йўқ.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Яйловда боқиладиган қўйлар сони 40тага етса, закот бериш фарз;
- 2- 40тадан 120тагача қўйдан битта қўй берилади;
- 3- 121тадан 200тагача қўйдан иккита қўй берилади;
- 4- 201тадан 300тагача қўйдан учта қўй берилади;
- 5- Айбли ёки қари ҳайвонни закотга чиқариш ярамайди.

236- дарс. Туянинг закоти

عن أَنَسٍ أَنَّ أَبَا بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا كَتَبَ لَهُ هَذَا الْكِتَابَ لَمَّا وَجَّهَهُ إِلَى الْبَحْرَيْنِ «بِسْمِ اللَّهِ
 الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ هَذِهِ فَرِيضَةُ الصَّدَقَةِ الَّتِي فَرَضَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى الْمُسْلِمِينَ
 وَالَّتِي أَمَرَ اللَّهُ بِهَا رَسُولُهُ فَمَنْ سَأَلَهَا مِنْ الْمُسْلِمِينَ عَلَى وَجْهِهَا فَلْيُعْطِهَا وَمَنْ سَأَلَ فَوْقَهَا فَلَا
 يُعْطِ، فِي أَرْبَعٍ وَعِشْرِينَ مِنَ الْإِبِلِ فَمَا دُونَهَا مِنَ الْغَنَمِ مِنْ كُلِّ خَمْسٍ شَاةٌ إِذَا بَلَغَتْ خَمْسًا
 وَعِشْرِينَ إِلَى خَمْسٍ وَثَلَاثِينَ فَفِيهَا بِنْتُ مَخَاضٍ أَنْثَى فَإِذَا بَلَغَتْ سِتًّا وَثَلَاثِينَ إِلَى خَمْسٍ وَأَرْبَعِينَ
 فَفِيهَا بِنْتُ لُبُونٍ أَنْثَى فَإِذَا بَلَغَتْ سِتًّا وَأَرْبَعِينَ إِلَى سِتِّينَ فَفِيهَا حِقَّةٌ طَرُوقَةٌ الْجَمَلِ فَإِذَا بَلَغَتْ وَاحِدَةً
 وَسِتِّينَ إِلَى خَمْسٍ وَسَبْعِينَ فَفِيهَا جَذَعَةٌ فَإِذَا بَلَغَتْ يَعْغِي سِتًّا وَسَبْعِينَ إِلَى تِسْعِينَ فَفِيهَا بِنْتُ لُبُونٍ
 فَإِذَا بَلَغَتْ إِحْدَى وَتِسْعِينَ إِلَى عِشْرِينَ وَمِائَةٍ فَفِيهَا حِقَّتَانِ طَرُوقَتَا الْجَمَلِ فَإِذَا زَادَتْ عَلَى عِشْرِينَ
 وَمِائَةٍ فَفِي كُلِّ أَرْبَعِينَ بِنْتُ لُبُونٍ وَفِي كُلِّ خَمْسِينَ حِقَّةٌ وَمَنْ لَمْ يَكُنْ مَعَهُ إِلَّا أَرْبَعٌ مِنَ الْإِبِلِ فَلَيْسَ
 فِيهَا صَدَقَةٌ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ رَبُّهَا فَإِذَا بَلَغَتْ خَمْسًا مِنَ الْإِبِلِ فَفِيهَا شَاةٌ وَفِي صَدَقَةِ الْغَنَمِ فِي سَائِمَتِهَا
 إِذَا كَانَتْ أَرْبَعِينَ إِلَى عِشْرِينَ وَمِائَةٍ شَاةٌ فَإِذَا زَادَتْ عَلَى عِشْرِينَ وَمِائَةٍ إِلَى مِائَتَيْنِ شَاتَانِ فَإِذَا
 زَادَتْ عَلَى مِائَتَيْنِ إِلَى ثَلَاثِ مِائَةٍ فَفِيهَا ثَلَاثُ شِيَاهٍ فَإِذَا زَادَتْ عَلَى ثَلَاثِ مِائَةٍ فَفِي كُلِّ مِائَةٍ شَاةٌ
 فَإِذَا كَانَتْ سَائِمَةُ الرَّجُلِ نَاقِصَةً مِنْ أَرْبَعِينَ شَاةً وَاحِدَةً فَلَيْسَ فِيهَا صَدَقَةٌ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ رَبُّهَا وَفِي
 الرِّقَّةِ رُبْعُ الْعُشْرِ فَإِنْ لَمْ تَكُنْ إِلَّا تِسْعِينَ وَمِائَةً فَلَيْسَ فِيهَا شَيْءٌ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ رَبُّهَا» (رواه
 البخاري).

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади: Абу Бакр
 розияллоху анху уни Баҳраинга юборганида унга қуйидагича
 мактуб ёзиб берган эди: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Бу
 Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам мусулмонларга фарз
 қилган ва Аллоҳ таоло Ўзининг Пайғамбарига буюрган фарз
 садақа (закот) нисобидир. Мусулмонлардан қай бирдан шу
 қайфиятда сўралса, берсин, бундан ортиқча сўралса, бермасин:

Йигирма тўртта ва ундан кам бўлган туянинг закоти ҳар бештасига битта қўй, йигирма бештадан ўттиз бештагача бўлганда битта урғочи бинт махоз (1 ёшни тўлдириб, 2 ёшга ўтган туя), 36тадан 45тагача битта урғочи бинт лабун (2 ёшни тўлдириб, 3 ёшга ўтган туя), 46тадан 60тагача битта урғочи қочирилишга яроқли ҳиққа (3 ёшни тўлдириб, 4 ёшга ўтган туя), 61тадан 75тагача битта жазаъа (4 ёшни тўлдириб, 5 ёшга ўтган туя), 76тадан 90тагача иккита бинт лабун, 91тадан 120тагача қочирилишга яроқли иккита ҳиққа, туялар сони 120тадан ошиқ бўлганда ҳар 40тасига биттадан бинт лабун, ҳар 50тасига биттадан ҳиққа берилади. Кимда тўрттадан ортиқ туя бўлмаса, унга закот вожиб эмас, фақат эгаси ўзи хоҳласа (бериши жоиз), агар туяси бештага етса унга битта қўй бериш фарз бўлади.

Яйловда боқиладиган қўйларнинг закот нисоби: 40тадан 120тагача бўлганда битта қўй, 120тадан ошиғи то 200тагача бўлганда иккита қўй, 200дан зиёдаси то 300тагача бўлганда учта қўй, 300тадан ортиқ бўлганда ҳар 100тага биттадан қўй берилади. Кишининг яйловда боқиладиган қўйлари 40тадан битта кам бўлса ҳам унга садақа (закот) фарз бўлмайди, фақат эгаси ўзи хоҳласа (бериши мумкин).

Кумушнинг нисоби қирқдан бирдир. Кумуш 190 (дирҳам)дан ошиқ бўлмаганда унга садақа вожиб бўлмайди, фақат эгаси ўзи хоҳласа (бериши мумкин)» (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Аллоҳ таоло яйловда ўтлаб юрадиган, сути ва насли учун боқиладиган туяларнинг закотини фарз қилди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу ҳадисда туянинг закот нисобини, фарз бўлиш шартларини белгилаб бердилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Яйловда боқиладиган туялардан закот чиқариш фарз;
- 2- Туялар сони 24 тага етгунча ҳар 5та туяга 1та қўй чиқарилади, 25тага етганда 1та бинт махоз берилади;
- 3- 36тадан то 45тагача 1та бинт лабун берилади;
- 4- 46тадан то 60тагача 1та ҳиққа берилади;
- 5- 61тадан то 75тагача 1та жазаъа берилади;
- 6- 76тадан то 90тагача 2та бинт лабун берилади;
- 7- 91тадан то 120тагача 2та ҳиққа берилади;
- 8- Бундан ортиғига ҳар 40тага 1та бинт лабун, ҳар 50тага 1та ҳиққа берилади.

237- дарс. Закот бермасликнинг гуноҳи

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَا مِنْ صَاحِبٍ ذَهَبٍ وَلَا فِضَّةٍ لَا يُؤَدِّي مِنْهَا حَقَّهَا إِلَّا إِذَا كَانَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ صَفَّحَتْ لَهُ صَفَائِحُ مِنْ نَارٍ فَأُحْمِيَ عَلَيْهَا فِي نَارِ جَهَنَّمَ فَيُكْوَى بِهَا جَنْبُهُ وَجَبِينُهُ وَظَهْرُهُ كُلَّمَا بَرَدَتْ أُعِيدَتْ لَهُ فِي يَوْمٍ كَانَ مِقْدَارُهُ خَمْسِينَ أَلْفَ سَنَةٍ حَتَّى يُقْضَى بَيْنَ الْعِبَادِ فَيَرَى سَبِيلَهُ إِمَّا إِلَى الْجَنَّةِ وَإِمَّا إِلَى النَّارِ» قِيلَ يَا رَسُولَ اللَّهِ فَإِلَيْهِ؟ قَالَ: «وَلَا صَاحِبُ إِبِلٍ لَا يُؤَدِّي مِنْهَا حَقَّهَا وَمَنْ حَقَّهَا حَلَبَهَا يَوْمَ وَرَدِهَا إِلَّا إِذَا كَانَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ بَطِحَ لَهَا بِقَاعٍ قَرَقَرٍ أَوْفَرَ مَا كَانَتْ لَا يَفْقِدُ مِنْهَا فَصِيلاً وَاحِداً تَطَّوُّهُ بِأَخْفَافِهَا وَتَعَضُّهُ بِأَفْوَاهِهَا كُلَّمَا مَرَّ عَلَيْهِ أُخْرَاهَا رُدَّ عَلَيْهِ أَوْ لَهَا فِي يَوْمٍ كَانَ مِقْدَارُهُ خَمْسِينَ أَلْفَ سَنَةٍ حَتَّى يُقْضَى بَيْنَ الْعِبَادِ فَيَرَى سَبِيلَهُ إِمَّا إِلَى الْجَنَّةِ وَإِمَّا إِلَى النَّارِ» قِيلَ يَا رَسُولَ اللَّهِ فَالْبَقَرُ وَالْغَنَمُ؟ قَالَ: «وَلَا صَاحِبُ بَقَرٍ وَلَا غَنَمٍ لَا يُؤَدِّي مِنْهَا حَقَّهَا إِلَّا إِذَا كَانَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ بَطِحَ لَهَا بِقَاعٍ قَرَقَرٍ لَا يَفْقِدُ مِنْهَا شَيْئاً لَيْسَ فِيهَا عَقْصَاءٌ وَلَا جَلْحَاءٌ وَلَا عَضْبَاءٌ تَنْطَحُهُ بِقُرُونِهَا وَتَطَّوُّهُ بِأُظْلَافِهَا كُلَّمَا مَرَّ أُخْرَاهَا رُدَّ عَلَيْهِ أَوْ لَهَا فِي يَوْمٍ كَانَ مِقْدَارُهُ خَمْسِينَ أَلْفَ سَنَةٍ حَتَّى يُقْضَى بَيْنَ الْعِبَادِ فَيَرَى سَبِيلَهُ إِمَّا إِلَى الْجَنَّةِ وَإِمَّا إِلَى النَّارِ...» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қай бир тилла ва кумуш эгаси уларнинг ҳаққини (яъни закотини) адо этмаса, қиёмат куни ўтдан бўлган тамға қилиниб, уни жаҳаннам оловида қиздирилиб, у кишининг биқинига, пешонасига, орқасига босилади. Совуб қолса, яна қайтадан (қиздириб) олиб келинади, миқдори эллик минг йилга тенг бўлган бир кунда, то бандалар ўртасида ҳукм қилиб бўлингунча (шундай қилинади), сўнг у ўзининг ё жаннатга, ё дўзахга бўлган йўлини кўради». «Ё Расулulloҳ, туячи?», деб сўралди. «Туялар эгаси ҳам агар уларнинг ҳаққини адо этма (закотини берма)са – (яйловдан) келган куни сути(ни соғиш) ҳам

ҳаққидандир – қиёмат куни уни кенг текисликка туялар оёғи остига ташланади, бирорта боласи ҳам қолмай, ҳаммаси уни оёқлари билан эзғилаб, тишлари билан тишлашади, охиргиси ўтиб кетгач, яна биринчисини қайтариб келинади, миқдори эллик минг йилга тенг бўлган бир кунда, то бандалар ўртасида ҳукм қилиб бўлингунча (шундай қилинади), сўнг у ўзининг ё жаннатга, ё дўзахга бўлган йўлини кўради», дедилар. «Ё Расулуллоҳ, мол-қўйларчи?», деб сўралди. «Мол ва қўйлар эгаси уларнинг ҳаққини адо қилмаса, қиёмат куни уни кенг текисликка уларнинг туёқлари остига ташланади, бурама шохлиги ҳам, шохсизи ҳам, шохи сингани ҳам қолмай, ҳаммаси уни шохлари билан сузиб, туёқлари билан эзғилашади, охиргиси ўтиб кетгач, яна биринчисини қайтариб келинади, миқдори эллик минг йилга тенг бўлган бир кунда, то бандалар ўртасида ҳукм қилиб бўлингунча (шундай қилинади), сўнг у ўзининг ё жаннатга, ё дўзахга бўлган йўлини кўради», дедилар... (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Закот Исломнинг энг улуғ рукнларидан, Аллоҳ таоло Қуръонда бир неча ўринда уни намоз билан бирга зикр қилган. Уни бермаслик гуноҳи кабиралардан бўлиб, закотни ман қилувчи кимсани Аллоҳ ва Расули оғир азобга гирифтор этилиш билан огоҳлантирган.

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

- 1- Закотни бермаслик гуноҳи кабиралардан;
- 2- Бундай қилган кишига қаттиқ азоб бор.

238- дарс. Рамазон рўзасининг фазли ҳақида

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «قَالَ اللَّهُ: "كُلُّ عَمَلٍ ابْنِ آدَمَ لَهُ إِلَّا الصِّيَامَ فَإِنَّهُ لِي وَأَنَا أَجْزِي بِهِ" وَالصِّيَامُ جُنَّةٌ وَإِذَا كَانَ يَوْمُ صَوْمِ أَحَدِكُمْ فَلَا يَرْفُثُ وَلَا يَصْخَبُ فَإِنْ سَابَّهُ أَحَدٌ أَوْ قَاتَلَهُ فَلْيَقُلْ إِنِّي امْرُؤٌ صَائِمٌ وَالَّذِي نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ لَخُلُوفُ فَمِ الصَّائِمِ أَطْيَبُ عِنْدَ اللَّهِ مِنْ رِيحِ الْمِسْكِ لِلصَّائِمِ فَرْحَتَانِ يَفْرَحُهُمَا إِذَا أَفْطَرَ فَرِحَ وَإِذَا لَقِيَ رَبَّهُ فَرِحَ بِصَوْمِهِ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ таоло деди: «Одамзотнинг ҳамма амали ўзи учун, фақат рўза бундан мустасно, у Мен учундир ва унинг мукофотини ҳам Ўзим бераман». Рўза қалқондир. Қай бирингиз рўза тутган бўлса, фаҳш сўзларни сўзламасин ва бақир-чақир қилмасин. Агар биров у билан уришса ё ҳақорат қилса: «Мен рўзадорман», десин. Жоним кўлида бўлган Зотга қасамки, рўзадорнинг оғзидан келувчи ҳид Аллоҳ наздида мушкдан кўра яхшироқдир. Рўзадорни хурсанд қиладиган икки

қувончи бор, бири ифтори олдида, иккинчиси Парвардигорига йўлиққанида» (Муттафақун алайх).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ صَامَ رَمَضَانَ إِيمَانًا وَاحْتِسَابًا غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: «Кимки Рамазон ойида иймон билан ва савоб умидида рўза тутса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади» (Муттафақун алайх).

Шарҳ:

Аллоҳ таоло рўзани фарз қилди ва уни улуғлаб, бошқа ибодатлар ичидан уни Ўзига хослади, унга кўп ажрлар ваъда қилди, Рамазон ойи рўзасини унинг фарзлигига иймон келтириб, савоб умидида тутган одамнинг гуноҳлари кечирилишига сабаб қилди.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

- 1- Рамазон рўзасининг фазли;
- 2- Унинг савоби улуғлиги;
- 3- Рамазонда иймон билан ва савоб умидида тутилган рўза ўтган гуноҳлар кечирилишига сабабдир.

239- дарс. Рамазонга рўза тутган ҳолда кириб келишдан қайтариқ ва ҳилолни кўрганда айтиладиган дуо

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا يَتَقَدَّمَنَّ أَحَدُكُمْ رَمَضَانَ بِصَوْمٍ يَوْمٍ أَوْ يَوْمَيْنِ إِلَّا أَنْ يَكُونَ رَجُلٌ كَانَ يَصُومُ صَوْمَهُ فَلْيَصُمْ ذَلِكَ الْيَوْمَ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Биронтангиз Рамазонга бир ёки икки кун аввал рўза тутиш билан кириб келмасин. Магар бир киши (одатий нафл) рўзасини тутаётган бўлса, ўша куни ҳам тутаверсин» (Муттафақун алайҳ).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «صُومُوا لِرُؤْيَيْهِ وَأَفْطِرُوا لِرُؤْيَيْهِ فَإِنْ غُبِّيَ عَلَيْكُمْ فَأَكْمِلُوا عِدَّةَ شَعْبَانَ ثَلَاثِينَ» (رواه البخاري).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «(Рамазон ойининг) ҳилол(ини) кўриб рўза тутинглар, (шаввол ойининг) ҳилол(ини) кўриб оғзингизни очинглар (яъни рўзани тугатинглар)! Агар ой кўринмаса, Шаббонни ўттиз кун тўлиқ қилинглари» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ عَمَّارِ بْنِ يَاسِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: مَنْ صَامَ الْيَوْمَ الَّذِي يَشْكُ فِيهِ النَّاسُ فَقَدْ عَصَى أَبَا الْقَاسِمِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ (أخرجه الترمذي).

Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Ким одамлар рамазон эканида шак қилган кунда рўза тутса, Абул Қосим соллаллоҳу алайҳи ва салламга осий бўлган бўлибди» (Имом Термизий ривояти).

عَنْ طَلْحَةَ بْنِ عُبَيْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا رَأَى الْهَيْلَالَ قَالَ: «اللَّهُمَّ أَهْلِلْهُ عَلَيْنَا بِالْأَمْنِ وَالْإِيمَانِ وَالسَّلَامَةِ وَالْإِسْلَامِ رَبِّي وَرَبُّكَ اللَّهُ» (أخرجه الترمذي).

Талҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам янги ойни кўрганларида: «Эй Аллоҳ! Бу ойни бизга омонлик, иймон, саломатлик ва ислом билан чиқаргин. (Эй ой,) менинг ҳам, сенинг ҳам Парвардигоринг Аллоҳдир», дердилар (Имом Термизий ривояти).

Шарх:

Рамазон рўзаси Аллоҳ таоло муайян вақтга белгилаб қўйган ибодатдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу хусусда ғулув кетишдан ва эҳтиёт юзасидан бир-икки кун олдиндан рўза тута бошлашдан қайтарганлар. Чунки бундай қилиш чуқур кетиш ва Аллоҳ белгилаб қўйган ҳад-ҳудудларга тажовуз қилиш бўлади.

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

1- Рамазонга олдиндан 1-2 кун рўза тутган ҳолда кирилмайди, фақат кишининг одатда тутаётган рўзасига тўғри келса зарари йўқ;

2- Рўза янги ойни кўриш билан ёки Шаъбонни 30 кун қилиш билан бошланади;

3- Ҳилолни кўрган пайтда махсус дуони ўқиш мустаҳаб.

240- дарс. Рамазонда умра қилишнинг фазли

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْعُمْرَةُ إِلَى الْعُمْرَةِ كَفَّارَةٌ لِمَا بَيْنَهُمَا وَالْحَجُّ الْمَبْرُورُ لَيْسَ لَهُ جَزَاءٌ إِلَّا الْجَنَّةُ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Умра кейинги умрагача ўртадаги гуноҳларга каффоратдир. Мабрур (мақбул) ҳажнинг жаннатдан бошқа мукофоти йўқдир» (Муттафақун алайх).

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا مَرَأَةَ مِنَ الْأَنْصَارِ مَا مَنَعَكَ أَنْ تَحْجِي مَعَنَا قَالَتْ لَمْ يَكُنْ لَنَا إِلَّا نَاضِحَانِ فَحَجَّ أَبُو وَادِيهَا وَابْنُهَا عَلَى نَاضِحٍ وَتَرَكَ لَنَا نَاضِحًا نَنْضِجُ عَلَيْهِ قَالَ فَإِذَا جَاءَ رَمَضَانَ فَاعْتَمِرِي فَإِنَّ عُمْرَةً فِيهِ تَعْدِلُ حَجَّةً» (رواه مسلم).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам ансорлардан бўлган бир аёлга: «Биз билан бирга ҳаж қилишдан сизга нима монъелик қилди?» деб

сўрадилар. У: «Бизнинг иккита туямиз бор эди, биттасида боламнинг отаси ва ўғлим ҳажга кетишди, биттасини сув (суғориш)га ишлатиш учун бизга қолдирди», деди. «Рамазон ойи келса, умра қилинг. Чунки, ундаги умра ҳажга баробардир», дедилар (Имом Муслим ривояти).

Шарх:

Умра улкан ибодатлардан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга тарғиб қилганлар ва у гуноҳларга каффорат бўлишини хабар берганлар. Агар Рамазонда умра қилинса, фазилатли вақтда қилинган бўлиб, ажри ва фазли яна-да кўп бўлади ва ҳаж қилгандек савоб берилади. Ажрда ҳажга баробар бўлсада, фарз ҳажнинг ўрнига ўтмайди. Рамазоннинг қайси кунларида умра қилинса ҳам ушбу фазилатга эга бўлинади, уни охириги ўн кунликка хосланмайди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Умранинг фазилати;
- 2- Рамазонда қилинган умра савоби ҳажнинг савобига баробар бўлиши.

241- дарс. Ихтиёрий-нафл рўза тутиш

عَنْ أَبِي أَيُّوبَ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ حَدَّثَهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ صَامَ رَمَضَانَ ثُمَّ أَتْبَعَهُ سِنًّا مِنْ شَوَّالٍ كَانَ كَصِيَامِ الدَّهْرِ» (رواه مسلم)

Абу Айюб ал-Ансорий розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Ким Рамазон рўзасини тутиб, ортидан Шавволдан олти кунни эргаштириб (рўза тутиб) қўйса, йил бўйи рўза тутгандекдир» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي قَتَادَةَ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سُئِلَ عَنْ صَوْمِ يَوْمِ الْاِثْنَيْنِ قَالَ: «ذَلِكَ يَوْمٌ وُلِدْتُ فِيهِ وَيَوْمٌ بُعِثْتُ أَوْ أُنزِلَ عَلَيَّ فِيهِ» (رواه مسلم)

Абу Қатода розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам душанба куни рўзаси ҳақида сўралганларида: «Бу мен туғилган кун, мен пайғамбар қилиб юборилган ва менга Қуръон нозил қилинган кун», дедилар (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «تُعْرَضُ الْأَعْمَالُ يَوْمَ الْاِثْنَيْنِ وَالْخَمِيسِ فَأَجِبُ أَنْ يُعْرَضَ عَمَلِي وَأَنَا صَائِمٌ» (رواه الترمذي).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Амаллар ҳар душанба, пайшанба кунлари (Аллоҳга) кўрсатилади. Менинг амалим рўзадор бўлган ҳолимда кўрсатилишини истайман» (Имом Термизий ривояти).

عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَحَرَّى صَوْمَ الاثْنَيْنِ وَالْخَمِيسِ (رواه الترمذي).

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам душанба ва пайшанба кунлари рўза тутишга эҳтимом берардилар» (Имом Термизий ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ أَوْصَانِي خَلِيلِي صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِثَلَاثِ صِيَامٍ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ مِنْ كُلِّ شَهْرٍ وَرَكَعَتَيِ الضُّحَى وَأَنْ أُوتِرَ قَبْلَ أَنْ أَنَامَ (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоху анху дедилар: «Халилим соллаллоху алайҳи ва саллам ҳар ойда уч кун рўза тутишни, (кунда) икки ракъат чошгоҳ намозини ҳамда ухлашдан аввал витр намозини ўқишни менга васият қилдилар» (Муттафақун алайх).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «صَوْمُ ثَلَاثَةِ أَيَّامِ صَوْمِ الدَّهْرِ كُلِّهِ» (متفق عليه).

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоху анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «(Ҳар ойдан) уч кун рўза тутиш умрбод рўза тутиш (билан баробар)» (Муттафақун алайх).

Шарҳ:

Рўза энг афзал ибодатлардан. Аллоҳ таоло Ўз фазлу марҳамати билан уни фақат муайян вақтгагина чекламай, балки хоҳлаган кишилар учун истаган вақтида ихтиёрий-нафл рўза тутишини ҳам рухсат берди ва банда тоат-ибодатлардан ўзига захира қилиб олиши учун баъзи кунларнинг рўзасини фазилатда ортиқроқ ҳам қилди. Аллоҳнинг бирга ўн бериши фазлу марҳаматидан рўзанинг бир куни ўн кунга тотимокда; 30 кун рўза 300 кунга Шавволдан тутилган 6 кун 60 кунга. Шунинг учун ҳам олти кун Шавволдан рўза тутиб қўйган одам йил бўйи рўза тутгандек эътибор қилинмоқда. Бир ойда 3 кун нафл рўза тутган одамга ҳам ўн баробар савоб берилиб, ойнаинг ҳаммасида рўза тутгандек бўлмоқда.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Шаввол ойидан олти кун рўза тутишнинг фазилати ва у рамазон рўзаси билан биргаликда бир йил рўза тутганга тенг бўлиши;

2- Душанба ва пайшанба кунлари рўза тутишнинг фазилати;

3- Ҳар ойдан уч кун рўза тутишнинг фазилати ва у умрбод рўза тутишга тенглиги.

242- дарс. Нафл рўзага оид айрим ҳукмлар

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «لَا يَصُومَنَّ أَحَدُكُمْ يَوْمَ الْجُمُعَةِ إِلَّا يَوْمًا قَبْلَهُ أَوْ بَعْدَهُ» (رواه البخاري).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Сизлардан бирон киши жумъа куни рўза тутмасин, фақат бир кун аввал ё бир кун кейин ҳам тутса мумкин» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا تَخْتَصُوا لَيْلَةَ الْجُمُعَةِ بِقِيَامٍ مِنْ بَيْنِ اللَّيَالِي وَلَا تَخْصُوا يَوْمَ الْجُمُعَةِ بِصِيَامٍ مِنْ بَيْنِ الْأَيَّامِ إِلَّا أَنْ يَكُونَ فِي صَوْمٍ يَصُومُهُ أَحَدُكُمْ» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Жумъа кечасини бошқа кечалардан ажратиб намозга хосламанглар, жумъа кунини бошқа кунлардан ажратиб рўзага хосламанглар, илло (жумъа куни) бирингизнинг одатда тутаётган рўзасига тўғри келиб қолса (тутиши мумкин)» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ هَذَا يَوْمَانِ نَهَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ صِيَامِهِمَا يَوْمَ فِطْرِكُمْ مِنْ صِيَامِكُمْ وَالْيَوْمِ الْآخِرُ تَأْكُلُونَ فِيهِ مِنْ نُسُكِكُمْ (رواه البخاري).

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, у киши дедилар: «Бу икки кунда рўза тутишдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қайтарганлар: бири рўзангиздан оғиз очадиган

кунингиз (рўза ҳайити куни), иккинчиси сўйган қурбонлигингиздан тановул қиладиган кунингиз (қурбон ҳайити куни)» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ لَمْ يُرَخَّصْ فِي أَيَّامِ التَّشْرِيقِ أَنْ يُصَمَّنَ إِلَّا لِمَنْ لَمْ يَجِدِ الْهَدْيَ (رواه البخاري).

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Ташрик кунларида рўза тутишга рухсат берилмади, фақат ҳадя (яъни қурбонлик) га қодир бўлмаган киши учун (рухсат берилди)» (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Шариат соҳиби муайян кунларда тутилган рўзани фазилатли қилиб қўйгани каби муайян кунларда рўза тутишдан қайтарган. Бизнинг вазифамиз “Нима учун”, “Нимага энди”, “Бунинг қандай ҳикмати бор” деб саркашлик қилмасдан, “Эшитдик”, “Бўйсундик” демоқдир. Қайтарилган кунлардан бошқа барча кунларда рўза тутиш жоиздир.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Жумъа кунини хослаб рўза тутишдан қайтарилган, одатий рўзага тўғри келиб қолса тутиш жоиз;

2- Икки ҳайит ва ташрик кунларида рўза тутиш мумкин эмас.

243- дарс. Қуръон ўқишнинг фазли

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَيُّحِبُّ أَحَدُكُمْ إِذَا رَجَعَ إِلَى أَهْلِهِ أَنْ يَجِدَ فِيهِ ثَلَاثَ خَلَفَاتٍ عِظَامِ سِمَانٍ؟ قُلْنَا نَعَمْ قَالَ: «فَثَلَاثُ آيَاتٍ يَفْرَأُ بِهِنَّ أَحَدُكُمْ فِي صَلَاتِهِ خَيْرٌ لَهُ مِنْ ثَلَاثِ خَلَفَاتٍ عِظَامِ سِمَانٍ» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлардан бирингиз аҳли-оиласи олдига қайтганда у ерда учта катта, семиз бўғоз туяни топишни истайдими?», деб сўрадилар. Биз: «Ҳа», дедик. «Сизлардан бирингиз намозида ўқийдиган учта оят унга учта катта, семиз бўғоз туядан яхшироқдир», дедилар (Имом Муслим ривояти).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ قَرَأَ حَرْفًا مِنْ كِتَابِ اللَّهِ فَلَهُ بِهِ حَسَنَةٌ وَالْحَسَنَةُ بِعَشْرِ أَمْثَالِهَا لَا أَقُولُ (الم) حَرْفٌ وَلَكِنْ أَلِفٌ حَرْفٌ وَلَا مِ حَرْفٌ وَمِيمٌ حَرْفٌ» (رواه الترمذي)

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким Аллоҳнинг китобидан бир ҳарф ўқиса, унга шу учун ҳам яхшилик (савоб ёзилади.) Яхшилик эса ўн баробарга кўпайтирилади. Мен «Алиф, Лам, Мим» битта ҳарф деб айтмайман. Балки, «Алиф» бир ҳарф, «Лам» бир ҳарф, «Мим» бир ҳарфдир» (Имом Термизий ривояти).

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الْمَاهِرُ بِالْقُرْآنِ مَعَ السَّفَرَةِ الْكِرَامِ الْبَرَّةِ وَالَّذِي يَقْرَأُ الْقُرْآنَ وَيَتَتَعْتَعُ فِيهِ وَهُوَ عَلَيْهِ شَاقٌّ لَهُ أَجْرَانِ» (رواه مسلم).

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Қуръон ўқишга маҳоратли киши улуг, итоатли мирзолар (яъни фаришталар) билан биргадир. Қуръонни қийналиб, ҳижжалаб ўқийдиган кишига икки ажр бордир» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Қуръон Аллоҳнинг Каломи, уни ўқиш энг афзал зикрдир. Аллох таоло ундан ўқилган ҳар бир ҳарф учун ўн баробари бирга келадиган бир ҳасана савоб беради. Қироатда моҳир бўлган кишини жаннатда улуг бандалари билан бир ўринда қилади. Қийналиб ўқийдиган кишига икки ажр берилади: бири қироати учун, иккинчиси қийналгани учун.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Қуръон ўқишнинг фазли;
- 2- Битта ҳарфи учун ўнта ёки ўн битта ҳасана берилади;
- 3- Қироатда моҳир одам жаннатда улуг бандалар билан бирга бўлади;
- 4- Қийналиб ўқийдиган одамга иккита ажр бор.

244- дарс. Бақара ва Оли Имрон сураларининг фазли

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا تَجْعَلُوا بُيُوتَكُمْ مَقَابِرَ إِنَّ الشَّيْطَانَ يَنْفِرُ مِنَ الْبَيْتِ الَّذِي تُقْرَأُ فِيهِ سُورَةُ الْبَقَرَةِ» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Уйларингизни қабристон қилиб қўйманглар. Албатта, шайтон Бақара сураси ўқиладиган уйдан қочади» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي أُمَامَةَ الْبَاهِلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «اقْرَأُوا الْقُرْآنَ فَإِنَّهُ يَأْتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ شَفِيعًا لِأَصْحَابِهِ، اقْرَأُوا "الزَّهْرَاوِينَ" الْبَقَرَةَ وَسُورَةَ آلِ عِمْرَانَ فَإِنَّهُمَا تَأْتِيَانِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ كَأَنَّهُمَا غَمَامَتَانِ - أَوْ كَأَنَّهُمَا غَيَائِتَانِ أَوْ كَأَنَّهُمَا فِرْقَانِ مِنْ طَيْرٍ صَوَافٍ - تُحَاجَّانِ عَنِ أَصْحَابِهِمَا اقْرَأُوا سُورَةَ الْبَقَرَةِ فَإِنَّ أَخْذَهَا بَرَكَةٌ وَتَرْكُهَا حَسْرَةٌ وَلَا تَسْتَطِيعُهَا الْبَطْلَةُ» (رواه مسلم).

Абу Умома ал-Боҳилий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Икки нур сочувчини - «Бақара» ва «Оли Имрон»ни ўқинглар. Чунки, у иккаласи қиёмат куни иккита булутдек ёки саф тортиб келувчи икки гала қушлар каби ўз эгаларини ҳимоя қилиб келади. «Бақара» сурасини ўқинглар, чунки уни олиш барака, тарк қилиш ҳасратдир, унга сеҳргарлар қодир бўлмайди», дедилар (Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ قَرَأَ بِالْآيَتَيْنِ مِنْ آخِرِ سُورَةِ الْبَقَرَةِ فِي لَيْلَةٍ كَفَّتَاهُ» (رواه البخاري).

Абу Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким кечқурун Бақара сурасининг охирги икки оятини ўқиса, бу унга (шу кечада ёмонликлардан ҳимояланишига) кифоя қилади» (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Бақара ва Оли Имрон суралари Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ўқишга тарғиб қилган ва ўқиган кишига кўп ажрлар берилишини ваъда қилган, бу иккисини ўқишда дунё ва охираат яхшиликлари ҳосил бўлишини хабар берган улуғ суралардандир.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Бақара ва Оли Имрон сураларининг фазли;
- 2- Бу икки сура қиёмат куни ўз эгаларини ҳимоя қилишади;
- 3- Бақара сурасини ўқиш уйдан шайтонларни қувади;
- 4- Бақара сурасининг охирги икки оятининг фазли.

245- дарс. Заиф ва мазлумларга ёрдам беришга чорлов

عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَنْصُرُ أَخَاكَ ظَالِمًا أَوْ مَظْلُومًا» فَقَالَ رَجُلٌ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَنْصُرُهُ إِذَا كَانَ مَظْلُومًا أَفَرَأَيْتَ إِذَا كَانَ ظَالِمًا كَيْفَ أَنْصُرُهُ؟ قَالَ: «تَحْجُزُهُ أَوْ تَمْنَعُهُ مِنَ الظُّلْمِ فَإِنَّ ذَلِكَ نَصْرُهُ» (رواه البخاري)

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биродарингга золим бўлса-да, мазлум бўлса-да ёрдам бер», дедилар. Шунда бир киши: «Ё Расулуллоҳ, мазлум бўлса-ку, ёрдам бераман. Лекин, айтингчи, золим бўлса қандай унга ёрдам бераман?», деб сўради. «Уни зулмдан тиясан. Шу унга ёрдам беришинг бўлади», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لِيَنْصُرِ الرَّجُلُ أَخَاهُ ظَالِمًا أَوْ مَظْلُومًا إِنْ كَانَ ظَالِمًا فَلْيَنْهَهُ فَإِنَّهُ لَهُ نَصْرٌ وَإِنْ كَانَ مَظْلُومًا فَلْيَنْصُرْهُ» (رواه مسلم).

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Киши биродарига золим бўлса ҳам, мазлум бўлса ҳам ёрдам берсин. Агар золим бўлса, уни тийиб қўйсин, шу унга ёрдам бериш бўлади. Агар мазлум бўлса, унга ёрдам берсин» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَا مِنْ أَمْرٍ يَخْذُلُ أَمْرًا مُسْلِمًا فِي مَوْضِعٍ تَنْتَهَكُ فِيهِ حُرْمَتَهُ وَيُنْتَقِصُ فِيهِ مِنْ عَرْضِهِ إِلَّا خَذَلَهُ اللَّهُ فِي مَوْطِنٍ يُحِبُّ فِيهِ نُصْرَتَهُ وَمَا مِنْ أَمْرٍ يَنْصُرُ مُسْلِمًا فِي مَوْضِعٍ يُنْتَقِصُ فِيهِ مِنْ عَرْضِهِ وَيَنْتَهَكُ فِيهِ مِنْ حُرْمَتِهِ إِلَّا نَصَرَهُ اللَّهُ فِي مَوْطِنٍ يُحِبُّ نُصْرَتَهُ» (أخرجه أبو داود).

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади: Набий соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Қай бир киши мусулмон кишини обрў-номуси тўкилаётган ва ҳурмати поймол қилинаётган ўринда ёрдамсиз қўйса, Аллоҳ таоло уни Ўзининг ёрдамини истаб турган ўринда ёрдамсиз қўяди. Қай бир киши мусулмон кишига обрў-номуси тўкилаётган ва ҳурмати поймол қилинаётган ўринда ёрдам берса, Аллоҳ таоло унга Ўзининг ёрдамини истаб турган ўринда ёрдам беради» (Имом Абу Довуд ривояти).

Шарҳ:

Аллоҳ таоло мазлумга ёрдам беришга ва золимга қарши у билан бирга туришга буюрди. Чунки бу мункарни инкор қилиш, заифларга ёрдам кўрсатиш ва зулмни йўқ қилиш жумласидаги ишлардан. Жобир ибн Абдуллоҳнинг ҳадиси ким бўлишидан қатъий назар, танишми, нотанишми, оқми қорами ё бошқами, алмуҳим бир мусулмон одамни ёрдамсиз ташлаб қўйишнинг оқибатини баён қилиш билан бирга қайси бир мусулмон бошқа шундай мусулмонга ёрдам берса Аллоҳ таолонинг Ўзи унга ёрдам беришини таъкидламоқда.

Обрў-номуси тўкилаётган ва ҳурмати поймол қилинаётган мусулмонни ёрдамсиз ташлаб қўйишнинг оқибати шунчалик ёмон бўлса, мусулмонларнинг обрўларига путур етказишни ва уларнинг

ҳурматларини поймол қилишни ўзларига вазифа қилиб олган ва бу ишларидан лаззатланадиганларнинг оқибати қандай бўларкин-а?!!

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Мазлумга ёрдам беришга буюрилганмиз;
- 2- Керакли ўринда ёрдам бериш Аллоҳнинг ёрдамига сазовор бўлишга сабабдир;
- 3- Мазлумни ёрдамсиз қолдириш Аллоҳнинг ёрдамидан маҳрум бўлишга сабабдир.

246- дарс. Аллоҳ йўлида садақа ва инфоқ-эхсон қилишнинг фазли

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَا مِنْ يَوْمٍ يُصْبِحُ الْعِبَادُ فِيهِ إِلَّا مَلَكَانِ يَنْزِلَانِ فَيَقُولُ أَحَدُهُمَا اللَّهُمَّ أَعْطِ مُنْفِقًا خَلْفًا وَيَقُولُ الْآخَرُ اللَّهُمَّ أَعْطِ مُمْسِكًا تَلْفًا» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ҳар тонг икки фаришта (осмондан) тушиб келадилар. Улардан бири: «Эй Аллоҳим, инфоқ-эхсон қилувчига эваз бергин», дейди. Иккинчиси: «Эй Аллоҳим, мумсик-бахилга талафот бергин», дейди» (Муттафақун алайх).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَا نَقَصَتْ صَدَقَةٌ مِنْ مَالٍ وَمَا زَادَ اللَّهُ عَبْدًا بِعَفْوٍ إِلَّا عِزًّا وَمَا تَوَاضَعَ أَحَدٌ لِلَّهِ إِلَّا رَفَعَهُ اللَّهُ» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Садақа молни камайтирмайди, банданинг кечирувчанлиги туфайли Аллоҳ таоло унинг азизлигини зиёда қилади, бирон киши Аллоҳ учун тавозе қилса, Аллоҳ уни албатта юксалтиради» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ تَصَدَّقَ بِعَدْلِ تَمْرَةٍ مِنْ كَسْبٍ طَيِّبٍ وَلَا يَقْبَلُ اللَّهُ إِلَّا الطَّيِّبَ وَإِنَّ اللَّهَ يَتَقَبَّلُهَا بِيَمِينِهِ ثُمَّ يُرَبِّيهَا لِصَاحِبِهَا كَمَا يُرَبِّي أَحَدَكُمْ فَلَوْهُ حَتَّى تَكُونَ مِثْلَ الْجَبَلِ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким ҳалол-поқдан топиб, бир дона хурмоча нарсани садақа қилса – Аллоҳ таоло фақат покиза нарсани қабул қилади – Аллоҳ таоло уни ўнг қўли билан қабул қилади, сўнг уни сизлардан бирингиз ўз тойчоғини ўстирганига ўхшаган ўз эгасига то тоғдек бўлгунича ўстириб беради» (Муттафақун алайҳ).

عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «لَا حَسَدَ إِلَّا فِي اثْنَتَيْنِ رَجُلٍ آتَاهُ اللَّهُ مَالًا فَسَلَّطَهُ عَلَى هَلَكْتِهِ فِي الْحَقِّ وَرَجُلٍ آتَاهُ اللَّهُ حِكْمَةً فَهُوَ يَقْضِي بِهَا وَيُعَلِّمُهَا» (متفق عليه).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Фақат икки нарсага ҳасад (яъни ҳавас) қилса бўлади: Аллоҳ таоло бировга мол-давлат берса ва у уни ҳақ йўлда сарфлайдиган бўлса; Аллоҳ таоло бировга ҳикмат ато этса ва у ўша билан ҳукм қиладиган ва уни таълим берадиган бўлса» (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Яхшилик йўллариغا пул-мол сарфлаш ва инфоқ-эҳсон қилишда мусулмонларга улкан манфаатлар бор бўлгани учун Аллоҳ ва Расули ибодатнинг бу турига тарғиб қилганлар. Аллоҳ таоло шундай йўлда сафрлаган одамнинг молига барака беради, садақа молни камайтирмайди, балки молни ўстиради. Аллоҳ таоло покиза касб билан топиб қилинган садақани қабул қилади ва уни ўз эгаси учун ўстириб, кўпайтириб, қиёмат куни уни ўша билан мукофотлайди. Садақанинг оз кўпига қаралмайди, ихлос билан қилинган бўлса, бас. Кўпнинг фазилати ўзига яраша бўлади, озни оз деб тарк қилишдан сақланиш лозим.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Аллоҳ йўлида садақа ва инфоқ-эҳсон қилишнинг фазли;
- 2- Садақа фақат ҳалол молдан қилинганда мақбул бўлади;

3- Садақа молнинг кўпайиши ва баракали бўлишига сабаб бўлади.

247- дарс. Садақанинг фазли

Аллоҳ таоло айтади:

«Уларнинг кўп махфий суҳбатларидан — агар садақа беришга ё бирон яхшилик қилишга ёки одамлар ўртасини ислоҳ қилишга буюрган бўлмасалар — ҳеч қандай фойда йўқдир. Ким Аллоҳ ризосини истаб бу ишларни қилса, унга улуғ мукофот беражакмиз» (Нисо: 114).

«Не бир нарсани инфоқ-эхсон қилсангизлар, бас (Аллоҳ) унинг ўрнини тўлдирур» (Сабаъ: 39).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الشَّخِيرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ أَتَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ يَقْرَأُ (الْهَائِكُمُ التَّكَاثُرُ) قَالَ: «يَقُولُ ابْنُ آدَمَ مَالِي مَالِي قَالَ وَهَلْ لَكَ يَا ابْنَ آدَمَ مِنْ مَالِكَ إِلَّا مَا أَكَلْتَ فَأَفْنَيْتَ أَوْ لَبَسْتَ فَأَبْلَيْتَ أَوْ تَصَدَّقْتَ فَأَمْضَيْتَ» (رواه مسلم).

Абдуллоҳ ибн Шиххир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бордим, у зот: «Такасур» сурасини ўқиётган эканлар. Айтдилар: «Одамзот: «молим, молим» дейди. Эй одамзот, молингдан фақат еб-тугатганинг ё кийиб-эскиртиганинг ёки садақа қилиб,

(охиратингга) ўткизиб қўйганинггина сен учундир!» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «بَيْنَا رَجُلٌ بِفَلَاةٍ مِنَ الْأَرْضِ فَسَمِعَ صَوْتًا فِي سَحَابَةٍ "اسْقِ حَدِيقَةَ فُلَانٍ" فَتَنَحَّى ذَلِكَ السَّحَابُ فَأَفْرَعُ مَاءَهُ فِي حَرَّةٍ فَإِذَا شَرْجَةٌ مِنْ تِلْكَ الشَّرَاجِ قَدْ اسْتَوْعَبَتْ ذَلِكَ الْمَاءَ كُلَّهُ فَتَتَبَعَ الْمَاءَ فَإِذَا رَجُلٌ قَائِمٌ فِي حَدِيقَتِهِ يُحَوِّلُ الْمَاءَ بِمِسْحَاتِهِ فَقَالَ لَهُ يَا عَبْدَ اللَّهِ مَا اسْمُكَ قَالَ فُلَانٌ لِاسْمِ الَّذِي سَمِعَ فِي السَّحَابَةِ فَقَالَ لَهُ يَا عَبْدَ اللَّهِ لِمَ تَسْأَلُنِي عَنْ اسْمِي فَقَالَ إِنِّي سَمِعْتُ صَوْتًا فِي السَّحَابِ الَّذِي هَذَا مَاؤُهُ يَقُولُ اسْقِ حَدِيقَةَ فُلَانٍ لِاسْمِكَ فَمَا تَصْنَعُ فِيهَا قَالَ أَمَا إِذْ قُلْتَ هَذَا فَإِنِّي أَنْظُرُ إِلَى مَا يَخْرُجُ مِنْهَا فَاتَّصَدَّقُ بِثُلْثِهِ وَأَكُلُ أَنَا وَعِيَالِي ثُلْثًا وَأَرُدُّ فِيهَا ثُلْثَهُ» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Бир киши дашт ерда борар экан, бир булутдан: «Фалончининг боғини суғор» деган овоз эшитди. Шунда булут бир тарафга бурилиб, бир харрага (яъни, ғадир-будир қора тошлокқа) сувини қуйди, тошлокдаги ариқ сувга тўлиб оқди. Қараса, бир киши боғида туриб, сувни кетмони билан тарамокда экан. Унга: «Эй Аллоҳнинг бандаси, исминг нима?», деди. У: «Фалончи» деб булут ичра эшитган исмни айтди, сўнг: «Эй Аллоҳнинг бандаси, нега исмимни сўрадинг?», деди. «Мен мана шу ёмғирни қуйган булут ичра: «Фалончининг боғини суғор», деб сенинг исминг айтилганини эшитдим. Сен бу боғ хусусида нима амал қиласан?», деди. «Мен бу боғдан чиққан ҳосилнинг учдан бирини садақа қиламан, учдан бирини аҳли-

оилам билан ейман, учдан бирини унга қайтараман (уруғликка олиб қўяман)», деди (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Садақанинг барча тури яхшилик, у молга барака киришига ва ризқ келишига сабабдир. Инсоннинг ҳақиқий моли – инфоқ-эҳсон қилиб юборган молдир, чунки қиёмат куни ғоят муҳтож бўлиб турган ҳолида уни ўз олдида топади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Садақанинг фазли;
- 2- У молнинг униб-ўсишига ва барака ёғилишига сабабдир;
- 3- Мусулмон кишининг ҳақиқий фойдага қолган моли инфоқ-эҳсон қилган молдир.

248- дарс. Садақанинг фазли (давоми)

Аллоҳ таоло айтади: **«Қандай яхшилик (мол) инфоқ-эҳсон қилсангизлар, бас, ўзингиз учундир»** (Бақара: 272).

عن عُبَيْدِ بْنِ عَامِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «كُلُّ أَمْرٍ فِي ظِلِّ صَدَقَتِهِ حَتَّى يُفْصَلَ بَيْنَ النَّاسِ» (أَخْرَجَهُ أَحْمَد).

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ҳар бир киши то одамлар ўртасида ажрим қилиб бўлингунча ўзининг садақаси соясида бўлади» (Имом Аҳмад ривояти).

عَنْ عَدِيِّ بْنِ حَاتِمٍ قَالَ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «مَنْ اسْتَطَاعَ مِنْكُمْ أَنْ يَسْتَتِرَ مِنَ النَّارِ وَلَوْ بِشِقِّ تَمْرَةٍ فَلْيَفْعَلْ» (رواه البخاري)

Адий ибн Хотим розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Сизлардан кимки, яримта хурмо (садақа қилиш) билан бўлса-да, дўзахдан тўсилишга қодир бўлса, шундай қилсин» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا مَاتَ الْإِنْسَانُ انْقَطَعَ عَنْهُ عَمَلُهُ إِلَّا مِنْ ثَلَاثَةٍ إِلَّا مِنْ صَدَقَةٍ جَارِيَةٍ أَوْ عِلْمٍ يُنْتَفَعُ بِهِ أَوْ وَلَدٍ صَالِحٍ يَدْعُو لَهُ» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Инсон вафот этгач, барча амаллари ундан узилади: фақат учта амали(дан савоб келиб туради): садақаи жориядан, фойдаланиб туриладиган илмдан ва ҳаққига дуо қилиб турадиган солиҳ фарзанддан» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Аллоҳ йўлидаги садақа дўзахдан сақланиш ва қиёмат даҳшатларидан нажот топиш сабабларидан. Унинг ажри эгасининг вафотидан кейин ҳам давом этиб туради.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Садақа қиёмат кундаги даҳшатлардан нажот топишга сабаб бўлади;
- 2- У, гарчи оз бўлса ҳам, дўзахдан қутулишга сабабдир;
- 3- Унинг ажри эгасининг вафотидан кейин ҳам давом этиб туради.

249- дарс. Энг яхши садақа

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «خَيْرُ الصَّدَقَةِ مَا كَانَ عَنْ ظَهْرِ غِنَى وَابْتَدَأَ بِمَنْ تَعُولُ» (رواه البخاري).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Садақанинг энг яхшиси – эҳтиёждан ташқари бўлган нарсадир, (садақани) ўз қарамоғингда бўлганлардан бошлагин» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَيُّ الصَّدَقَةِ أَكْبَرُ أَجْرًا؟ قَالَ: «أَنْ تَصَدَّقَ وَأَنْتَ صَاحِبُ شَحِيحٍ شَحِيحٌ تَخْشَى الْفَقْرَ وَتَأْمَلُ الْغِنَى وَلَا تُمْهَلُ حَتَّى إِذَا بَلَغَتِ الْحُلُقُومَ قُلْتَ لِفُلَانٍ كَذَا وَلِفُلَانٍ كَذَا وَقَدْ كَانَ لِفُلَانٍ» (رواه البخاري).

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Бир киши: «Ё Расулуллоҳ, қайси бир садақанинг ажри улғроқ бўлади?» деб сўради. «Танинг соғ, харис бўлган ҳолингда, камбағалликдан кўрқиб, бой бўлишни орзу қилган ҳолингда садақа қилишинг ва (садақа қилишни) ортга сурмаслигингдир, жон ҳалқумга етган пайтда: «Фалончига шунча, фалончига шунча» дейсан, энди у фалончини (яъни ворисни) бўлган бўлади», дедилар (Муттафақун алайҳ).

عَنْ سَلْمَانَ بْنِ عَامِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الصَّدَقَةُ عَلَى الْمِسْكِينِ صَدَقَةٌ وَهِيَ عَلَى ذِي الرَّحِمِ ثِنْتَانِ صَدَقَةٌ وَصِلَةٌ» (رواه الترمذي)

Салмон ибн Омир розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Мискинга қилинган садақа (битта) садақадир, қариндошга қилингани эса иккита – ҳам садақа, ҳам силаи раҳмдир» (Имом Термизий ривояти).

Шарҳ:

Садақанинг ҳаммаси ҳам яхши, энг яхшиси эса эҳтиёждан ортиғи, кишининг саломатлик пайтида, ўлим келишидан олдин қилган садақасидир. Камбағал қариндошга қилинган садақа бошқага қилингандан кўра афзалроқ бўлади, чунки у ҳам садақа, ҳам силаи раҳм бўлади.

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

1- Эҳтиёжманд қариндошларга қилинган садақа бошқаларга қилингандан афзал;

2- Садақанинг энг яхшиси - инсоннинг сиҳат-саломатлик пайтида, ҳали узоқ яшаш орзусида бўлган, камбағалликдан қўрққан ҳолида қилган садақасидир.

250- дарс. Яширинча садақа қилишнинг фазли

Аллоҳ таоло айтади: «Агар садақаларни ошкора ҳолда берсангиз, жуда яхши. Ва агар махфий қилиб, фақир-камбағалларга берсангиз — бу ўзингиз учун янада яхшироқдир» (Бақара: 271).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «سَبْعَةٌ يُظِلُّهُمُ اللَّهُ فِي ظِلِّهِ يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلُّهُ الْإِمَامُ الْعَادِلُ وَشَابٌّ نَشَأَ فِي عِبَادَةِ رَبِّهِ وَرَجُلٌ قَلْبُهُ مُعَلَّقٌ فِي الْمَسَاجِدِ وَرَجُلَانِ تَحَابَّا فِي اللَّهِ اجْتَمَعَا عَلَيْهِ وَتَفَرَّقَا عَلَيْهِ وَرَجُلٌ طَلَبْتُهُ امْرَأَةٌ ذَاتُ مَنْصِبٍ وَجَمَالٍ فَقَالَ إِنِّي أَخَافُ اللَّهَ وَرَجُلٌ تَصَدَّقَ أَخْفَى حَتَّى لَا تَعْلَمَ شِمَالُهُ مَا تُنْفِقُ يَمِينُهُ وَرَجُلٌ ذَكَرَ اللَّهَ خَالِيًا فَفَاضَتْ عَيْنَاهُ» (رواه البخاري)

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Етти киши борки, Аллоҳ Ўзининг соясидан бошқа соя йўқ кунда уларни Ўз соясида

соялантиради: Адолатли имом-рахбар; Парвардигорининг ибодатида улғайган йигит; қалби масжидларга боғланган киши; Аллоҳ йўлида дўстлашган, Унинг йўлида бирлашиб, Унинг йўлида ажрашувчи икки киши; мансабли ва соҳибжамол аёл ўзига чорлаганда: «Мен Аллоҳдан кўрқаман», деган киши; махфий ҳолда садақа берган, ҳатто ўнг қўли берганини чап қўли билмаган киши; Аллоҳни холий зикр қилиб, кўзёши тўккан киши» (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Садақани яширинча, махфий қилиб бериш садақа қилувчини риёдан узоқлаштиради ва ниятини Аллоҳ учун холис қилишига ёрдам беради. Бунда садақа берилаётган мусулмонни ҳам бошқалардан яшириш, одамлар олдида хижолат ва хорликка тушишининг олдини олиш ва ҳурматини сақлаш ҳосил бўлади. Шунинг учун Аллоҳ таоло махфий садақа қилишга тарғиб қилган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам садақасини ғоят махфий қиладиган одамга қиёмат куни улуғ ажру мукофотлар бўлишини ваъда қилганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Садақани махфий қилиш ошкора беришдан яхшироқ;

2- Аллоҳ таоло яширин садақа қилган кишини қиёмат куни Ўз арши соясида соялантиради.

251- дарс. Манфаат учун садақани ошкор қилишнинг машруълиги

عَنْ جَرِيرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كُنَّا عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي صَدْرِ النَّهَارِ قَالَ فَجَاءَهُ قَوْمٌ حُفَاءٌ عُرَاةٌ مُجْتَابِي النَّمَارِ أَوْ الْعَبَاءِ مُتَقَلِّدِي السُّيُوفِ عَامَّتُهُمْ مِنْ مُضَرَ بَلْ كُلُّهُمْ مِنْ مُضَرَ فَتَمَعَّرَ وَجْهَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِمَا رَأَى بِهِمْ مِنَ الْفَاقَةِ فَدَخَلَ ثُمَّ خَرَجَ فَأَمَرَ بِبِلَالٍ فَأَذَّنَ وَأَقَامَ فَصَلَّى ثُمَّ خَطَبَ فَقَالَ { يَا أَيُّهَا النَّاسُ اتَّقُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ إِلَى آخِرِ الْآيَةِ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَيْكُمْ رَقِيبًا } وَالْآيَةُ الَّتِي فِي الْحَشْرِ { اتَّقُوا اللَّهَ وَانْتَظِرُوا نَفْسُ مَا قَدَّمْتُمْ لِغَدٍ وَاتَّقُوا اللَّهَ { تَصَدَّقَ رَجُلٌ مِنْ دِينَارِهِ مِنْ دِرْهَمِهِ مِنْ تَوْبِهِ مِنْ صَاعٍ بُرِّهِ مِنْ صَاعٍ تَمْرِهِ حَتَّى قَالَ وَلَوْ بِشِقِّ تَمْرَةٍ قَالَ فَجَاءَ رَجُلٌ مِنَ الْأَنْصَارِ بِبُصْرَةٍ كَادَتْ كُفُّهُ تَعْجِزُ عَنْهَا بَلْ قَدْ عَجَزَتْ قَالَ ثُمَّ تَتَابَعَ النَّاسُ حَتَّى رَأَيْتُ كَوْمَيْنِ مِنْ طَعَامٍ وَثِيَابٍ حَتَّى رَأَيْتُ وَجْهَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَهَلَّلُ كَأَنَّهُ مُذْهَبَةٌ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ سَنَّ فِي الْإِسْلَامِ سُنَّةً حَسَنَةً فَلَهُ أَجْرُهَا وَأَجْرُ مَنْ عَمِلَ بِهَا بَعْدَهُ مِنْ غَيْرِ أَنْ يَنْقُصَ مِنْ أَجُورِهِمْ شَيْءٌ وَمَنْ سَنَّ فِي الْإِسْلَامِ سُنَّةً سَيِّئَةً كَانَ عَلَيْهِ وِزْرُهَا وَوِزْرُ مَنْ عَمِلَ بِهَا مِنْ بَعْدِهِ مِنْ غَيْرِ أَنْ يَنْقُصَ مِنْ أَوْزَارِهِمْ شَيْءٌ» (رواه مسلم).

Жарир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Биз кундузи пешиндан олдин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида эдик, ялангоёқ, яримяланғоч, жундан тўқилган чойшабни тешиб, бошларини чиқариб олишган, қилич осиб олишган бир қавм келиб қолди, кўпчилиги Музордан, балки

хаммаси ҳам Музордан эди. Уларнинг ночор аҳволларини кўриб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юзлари ўзгарди. У зот кириб кетдилар, сўнг чиқиб келиб Билолга азон айтишни буюрдилар. У азон айтди, сўнг иқомат айтди. Намоз ўқидилар, сўнг хутба қилиб дедилар: **«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтани (Ҳаввони) вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан кўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан кўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билан ажралиб кетишдан сақланингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир»** (Нисо: 1), **«Эй мўминлар, Аллоҳдан кўрқинглар ва (ҳар бир) жон эрта (Қиёмат Кунни) учун нимани (яъни қандай эзгу амални) тақдим этганига қарасин! Аллоҳдан кўрқинглар! Албатта Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир»** (Ҳашр: 18). Кимдир диноридан, кимдир дирҳамидан, кимдир кийимидан, яна кимдир дон-дунидан бир соъ, бошқа биров бир соъ хурмо, ҳатто яримта хурмо бўлса ҳам садақа қилсин. (Биринчи бўлиб) ансорлардан бир киши зўр-базўр кўтариб оғир бир халта олиб келди, шундан сўнг одамлар бирин-кетин (нарсалар олиб) кела бошладилар, ҳатто мен икки уюм озиқ-овқат ва кийим-кечак тўпланганини кўрдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юзлари қувончдан ёришиб кетганини

кўрдим, сўнг у зот дедилар: «Ким Исломда яхши бир ишни бошлаб берса, унга шу ишнинг ва ўзидан кейин шунга амал қилган кишиларнинг савоби ҳеч кам бўлмай берилади. Ким Исломда ёмон ишни бошласа, унга шу ишнинг ва ўзидан кейин шунга амал қилган кишиларнинг гуноҳи ҳеч кам бўлмай берилади» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Садақани яширинча бериш ҳаммага кўрсатиб, очиқ-ошкор беришдан кўра яхши. Чунки бунда риёдан узоқлик ва садақа берилаётган одамни кишилар кўзидан яшириш ҳосил бўлади. Бироқ, баъзан одамларни садақага тарғиб қилиш каби шаръий манфаатлар туфайли садақани ошкора бериш ҳам яхши бўлади. Ҳадисда зикри келган ансорлардан бўлган бир киши садақа олиб келишни бошлаб берди ана шундан кейин уни кўрган одамлар ҳар ким ўз ҳолича нарса олиб кела бошлади. Буни кўрган Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким Исломда яхши бир ишни бошлаб берса» ҳадисини айтдилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Манфаатлар туфайли садақани ошкор бериш мумкин;
- 2- Бу нарса риё бўлмайди, балки яхшилик қилишда ўрнатилган кўрсатиш саналади.

252- дарс. Сўранишдан (тиланишдан) қайтариш, сўровсиз ва саховат билан берилган нарсани олиш жоизлиги

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَا يَزَالُ الرَّجُلُ يَسْأَلُ النَّاسَ حَتَّى يَأْتِيَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لَيْسَ فِي وَجْهِهِ مِزْعَةٌ لَحْمٍ» (رواه البخاري).

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Киши одамлардан давомий сўранаверади, ҳатто қиёмат куни юзида бир парча ҳам эт бўлмаган ҳолда келади» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ حَكِيمِ بْنِ حِزَامٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَعْطَانِي ثُمَّ سَأَلْتُهُ فَأَعْطَانِي ثُمَّ سَأَلْتُهُ فَأَعْطَانِي ثُمَّ قَالَ: «يَا حَكِيمُ إِنَّ هَذَا الْمَالَ خَضِرَةٌ حُلْوَةٌ فَمَنْ أَخَذَهُ بِسَخَاوَةِ نَفْسٍ بُورِكَ لَهُ فِيهِ وَمَنْ أَخَذَهُ بِإِشْرَافِ نَفْسٍ لَمْ يُبَارَكْ لَهُ فِيهِ كَالَّذِي يَأْكُلُ وَلَا يَشْبَعُ الْيَدُ الْعُلْيَا خَيْرٌ مِنَ الْيَدِ السُّفْلَى» (رواه البخاري).

Ҳақим ибн Ҳизом розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан (мол) сўраган эдим, бердилар, яна сўрадим, яна бердилар, яна сўрадим, яна бердилар. Кейин айтдилар: «Эй Ҳақим, бу мол кўзни яшнатувчи, тотли нарсадир. Ким уни нафси тўқлик билан олса, унга барака берилади. Ким уни нафси очлик билан олса, унга ўша нарсада барака

берилмайди, у худди еб тўймайдиган одамга ўхшаб қолади. Юқоридаги (яъни, берувчи) қўл пастдаги (яъни, олувчи) қўлдан яхшидир» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُعْطِينِي الْعَطَاءَ فَأَقُولُ أَعْطِهِ مَنْ هُوَ أَفْقَرُ إِلَيْهِ مِنِّي فَقَالَ: «خُذْهُ إِذَا جَاءَكَ مِنْ هَذَا الْمَالِ شَيْءٌ وَأَنْتَ غَيْرُ مُشْرِفٍ وَلَا سَائِلٍ فَخُذْهُ وَمَا لَا فَلَا تُتْبِعْهُ نَفْسَكَ» (رواه البخاري).

Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга ато (ҳадя) берар, шунда мен: «Мендан кўра муҳтожроқ кишига беринг», десам: «Олаверинг, сизга бирон нарса сиз унга кўз тикмаган ва сўрамаган ҳолингизда берилса, уни олинг. Ундай бўлмаса, унинг кетидан нафсингизни эргаштирманг», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қаттиқ зарурат бўлмаганда одамлардан сўраниб юришдан қайтардилар, чунки бунда нафсни хорлаш, мол-дунё кўпайтиришга хирс бўлади. Сўранишга одатланган одам бу дунёда одамлардан тиланишдан ҳаё қилмагани учун қиёмат куни юзида бир парча ҳам эт бўлмаган ҳолда келади, деб хабар бердилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Заруратсиз одамлардан пул-мол сўраб юришдан қайтарилганмиз;

2- Сўрамаган ҳолда берилган молни олиш жоиз.

253- дарс. Айрим тақиқланган сўзлар ҳақида

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا تَسُبُّوا الدَّهْرَ فَإِنَّ اللَّهَ هُوَ الدَّهْرُ» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Замонни сўкманглар, чунки Аллоҳ замон (эгаси)дир» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ حُذَيْفَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا تَقُولُوا مَا شَاءَ اللَّهُ وَشَاءَ فُلَانٌ وَلَكِنْ قُولُوا مَا شَاءَ اللَّهُ ثُمَّ شَاءَ فُلَانٌ» (أخرجه أحمد).

Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ хоҳласа ва фалончи хоҳласа» деманглар, балки «Аллоҳ хоҳласа, сўнгра фалончи хоҳласа» денглар» (Имом Аҳмад ривояти).

عَنْ طُفَيْلِ بْنِ سَخْبَرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا تَقُولُوا مَا شَاءَ اللَّهُ وَمَا شَاءَ مُحَمَّدٌ» (أخرجه أحمد).

Туфайл ибн Сахбара розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ

хоҳласа ва Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хоҳласа» деманглар» (Имом Аҳмад ривояти).

Шарҳ:

Шариатимиз Аллоҳ таолога нисбатан одобсизлик саналадиган ва бошқаларни У зотга баробарлаштириб қўядиган айрим лафзларни айтишдан қайтарган. Мусибатлар пайтида замонни сўкиш ҳам шу жумладан. Чунки замон ўзи ҳеч нарса қила олмайди, ҳамма нарсани қилувчи зот Аллоҳ таолодир. Шунингдек, «Аллоҳ хоҳласа ва фалончи хоҳласа» деган гап ҳам шу жумладан.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Замонни сўкиш мумкин эмас;

2- «Аллоҳ хоҳласа ва фалончи хоҳласа» дейиш мумкин эмас, «Аллоҳ хоҳласа, сўнгра фалончи хоҳласа» дейилади.

254- дарс. Шамолни сўкиш мумкин эмаслиги ва шамол эсан пайтда айтиладиган сўзлар ҳақида

عَنْ أَبِي بِنِ كَعْبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا تَسُبُّوا الرِّيحَ فَإِذَا رَأَيْتُمْ مَا تَكَرَّهُونَ فَقُولُوا اللَّهُمَّ إِنَّا نَسْأَلُكَ مِنْ خَيْرِ هَذِهِ الرِّيحِ وَخَيْرِ مَا فِيهَا وَخَيْرِ مَا أَمَرَتْ بِهِ وَنَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ هَذِهِ الرِّيحِ وَشَرِّ مَا فِيهَا وَشَرِّ مَا أَمَرَتْ بِهِ» (أَخْرَجَهُ التِّرْمِذِيُّ).

Убай ибн Каъб розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Шамолни сўкманглар! Агар ёқимсиз (шамолни) кўрсанглар: «Парвардигоро! Биз Сендан ушбу шамолнинг яхшилигини, ундаги нарсанинг яхшилигини ва унга буюрилган ишнинг яхшилигини сўраймиз, Сендан ушбу шамолнинг ёмонлигидан, ундаги нарсанинг ёмонлигидан ва унга буюрилган ишнинг ёмонлигидан паноҳ тилаймиз», денглар» (имом Термизий ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا تَسُبُّوا الرِّيحَ فَإِنَّهَا تَجِيءُ بِالرَّحْمَةِ وَالْعَذَابِ وَلَكِنْ سَلُّوا اللَّهَ خَيْرَهَا وَتَعَوَّدُوا بِهِ مِنْ شَرِّهَا» (أَخْرَجَهُ أَحْمَدُ وَابْنُ مَاجَةَ).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Шамолни сўкманглар, чунки у раҳмат ва азоб олиб келади. Балки, Аллоҳдан унинг яхшилигини сўранглар ва ёмонлигидан паноҳ тиланглар» (Имом Аҳмад ва Ибн Можа ривояти).

Шарҳ:

Шамол ва бўронлар Аллоҳнинг махлуқотидан бўлиб, У Ўз истагига кўра улар билан ё раҳмат ё азоб юборади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шамолни сўкишдан қайтарганлар,

чунки у ўзига буюрилган ишни қилади. У зот Аллоҳдан унинг яхшилигини сўрашни ва ёмонлигидан паноҳ тилашни буюрганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Шамолни сўкиш мумкин эмас;

2- Чунки у ўзига буюрилган ишни қилади, унда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам бор;

3- Шамол эсан пайт Аллоҳдан унинг яхшилигини сўраш ва ёмонлигидан паноҳ тилаш лозим.

255- дарс. Мўмин Парвардигорига йўлиқишидан хурсанд бўлиши ҳақида

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ أَحَبَّ لِقَاءَ اللَّهِ أَحَبَّ اللَّهُ لِقَاءَهُ وَمَنْ كَرِهَ لِقَاءَ اللَّهِ كَرِهَ اللَّهُ لِقَاءَهُ» فَقُلْتُ يَا نَبِيَّ اللَّهِ أَكْرَاهِيَهُ الْمَوْتَ؟ فَكُنَّا نَكْرَهُ الْمَوْتَ فَقَالَ: «لَيْسَ كَذَلِكَ وَلَكِنَّ الْمُؤْمِنَ إِذَا بُشِّرَ بِرَحْمَةِ اللَّهِ وَرِضْوَانِهِ وَجَنَّتِهِ أَحَبَّ لِقَاءَ اللَّهِ فَأَحَبَّ اللَّهُ لِقَاءَهُ وَإِنَّ الْكَافِرَ إِذَا بُشِّرَ بِعَذَابِ اللَّهِ وَسَخَطِهِ كَرِهَ لِقَاءَ اللَّهِ وَكَرِهَ اللَّهُ لِقَاءَهُ» (رواه مسلم).

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким Аллоҳга учрашишни яхши кўрса, Аллоҳ ҳам унга учрашишни яхши кўради. Ким Аллоҳга учрашишни ёмон кўрса, Аллоҳ ҳам унга учрашишни ёмон кўради». Мен дедим: «Ё Расулуллоҳ, ўлимни ёмон кўришни айтаяпсизми? Ҳаммамиз ҳам ўлимни ёмон кўрамиз-ку?!». «Ундай

эмас, балки мўмин кишига (ўлим соати етгач,) Аллоҳнинг раҳмати, розилиги ва жаннати билан хушxabар берилганда у Аллоҳга йўлиқишни яхши кўради, шунда Аллоҳ ҳам у билан учрашишни яхши кўради. Кофир кимсага Аллоҳнинг азоби ва ғазаби хабари берилганда у Аллоҳга йўлиқишни ёмон кўради, шунда Аллоҳ ҳам у билан учрашишни ёмон кўради», дедилар (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا وُضِعَتْ الْجِنَازَةُ وَاحْتَمَلَهَا الرَّجَالُ عَلَى أَعْنَاقِهِمْ فَإِنْ كَانَتْ صَالِحَةً قَالَتْ قَدَّمُونِي وَإِنْ كَانَتْ غَيْرَ صَالِحَةٍ قَالَتْ يَا وَيْلَهَا أَيْنَ يَذْهَبُونَ بِهَا يَسْمَعُ صَوْتَهَا كُلُّ شَيْءٍ إِلَّا الْإِنْسَانَ وَلَوْ سَمِعَهُ صَعِقَ» (رواه البخاري).

Абу Саид ал-Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Майит тобутга қўйилиб, одамлар уни елкага олишгач, агар солих одам бўлган бўлса: «Мени тезроқ олиб боринглар», дейди. Агар солих бўлмаган бўлса: «Эй, ҳолимга вой бўлсин, қаерга олиб кетаяпсизлар?!», дейди. Унинг овозини инсондан бошқа ҳамма жонзот эшитади, агар инсон эшитса беҳуш бўлиб қоларди» (Имом Бухорий ривояти).

Шарх:

Мўмин киши ўлим соати етганда Парвардигори ҳузурида ўзи учун ҳозирлаб қўйилган неъматлар билан хушxabар берилгач, тезроқ Парвардигори билан учрашишни истаб, интиқ бўлади. Вафот этгач, тобутда ётган ҳолида, Аллоҳнинг раҳмати ва фазли-марҳаматига етиш орзусида: «Мени тезроқ олиб боринглар!», дейди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Мўмин киши ўлими олдидан Аллоҳнинг раҳмати билан хушxabарлантирилади ва Аллоҳ билан учрашишга интиқ бўлади;

2- Кофирга эса ўлими олдидан Аллоҳнинг азоби хабари берилади ва у Аллоҳ билан учрашишни истамайди;

3- Ким Аллоҳга йўлиқишни истаса, Аллоҳ ҳам у билан учрашишни истайди, ким Аллоҳга йўлиқишни истамаса, Аллоҳ ҳам у билан учрашишни истамайди.

4- Ўлимни ёмон кўриш Аллоҳга йўлиқишни ёмон кўриш эмас.

256- дарс. Ўлимни эслаш, бироқ уни орзу қилмаслик ҳақида

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَكْثَرُ مَا ذَكَرَ هَادِمِ اللَّذَاتِ يَعْغِي الْمَوْتَ» (أَخْرَجَهُ التِّرْمِذِيُّ).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Лаззатларни кесувчи (ўлим)ни кўп эсга олинглар!» (Имом Термизий ривояти).

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا يَتَمَنَّيَنَّ أَحَدُكُمْ الْمَوْتَ مِنْ ضُرٍّ أَصَابَهُ فَإِنْ كَانَ لَا بُدَّ فَاعِلًا فَلْيُقِلِّ اللَّهُمَّ أَحْبَبِي مَا كَانَتْ الْحَيَاةُ خَيْرًا لِي وَتَوَفَّنِي إِذَا كَانَتْ الْوَفَاةُ خَيْرًا لِي (متفق عليه).

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлардан бирон киши ўзига етган қийинчилик туфайли асло ўлимни орзу қилмасин! Агар жуда бўлмаса: «Парвардигор! Агар ҳаёт мен учун яхши бўлса, яшаттиргин, агар ўлим мен учун яхши бўлса, менга ўлим бергин», десин» (Муттафақун алайҳ).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا يَتَمَنَّيَنَّ أَحَدُكُمْ الْمَوْتَ وَلَا يَدْعُ بِهِ مِنْ قَبْلِ أَنْ يَأْتِيَهُ إِنَّهُ إِذَا مَاتَ أَحَدُكُمْ انْقَطَعَ عَمَلُهُ وَإِنَّهُ لَا يَزِيدُ الْمُؤْمِنَ عُمرُهُ إِلَّا خَيْرًا (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлардан бирон киши ўлимни орзу қилмасин, ўлим келмасидан туриб уни сўраб дуо қилмасин! Чунки сизлардан бирингиз вафот этса, унинг амали тўхтайдиган, мўмин кишининг умри унга фақат яхшилиқни зиёда қилади» (Имом Муслим ривояти).

Шарх:

Ўлим ва охиратни эсга олиш нафсни ислоҳ қилишда, уни охират учун яхши захира ҳозирлаш ва дунёга меҳр қўймасликка ундашда катта асари бор. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни кўп эсга олишга тарғиб қилганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмон кишини бошига тушган мусибатлар сабабли ўлимни орзу қилишдан қайтардилар. Чунки инсон ўзи учун яхшилик ўлимидами ё яшашида эканини билмайди. Шунинг учун у Аллоҳдан ўзига яхшилик нимада бўлса ўшани беришини сўрамоғи лозим.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Ўлимни кўп эсга олишнинг яхшилиги;
- 2- Бошга тушган мусибатлар сабабли ўлимни орзу қилиш мумкин эмаслиги.

257- дарс. Жон чиқар пайтидаги аҳкомлар ҳақида

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَقِّنُوا مَوْتَكُمْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ» (رواه مسلم).

Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Вафот

этаётган кишиларингизга «Ла илаҳа иллаллоҳ»ни талқин қилинганлар» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ كَانَ آخِرُ كَلَامِهِ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ دَخَلَ الْجَنَّةَ» (أخرجه أبو داود).

Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Кимнинг охири сўзи «Ла илаҳа иллаллоҳ» бўлса, у жаннатга киради» (Имом Абу Довуд ривояти).

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَبْلَ وَقَاتِهِ بِثَلَاثِ يَوْمَاتٍ لَا يَمُوتَنَّ أَحَدُكُمْ إِلَّا وَهُوَ يُحْسِنُ بِاللَّهِ الظَّنَّ» (رواه مسلم).

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафотларидан уч кун олдин шундай деганларини эшитганман: «Сизлардан бирон киши фақат Аллоҳга яхши гумон қилган ҳолда вафот этсин» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Тавҳид – аҳамияти ғоят катта бўлган ишдир. Шунинг учун ҳам ҳаётини тавҳидга иқрор бўлиб, икки шаҳодат калимасини айтиш билан тамомлаган кишининг мукофоти – Аллоҳ таоло уни жаннатга дохил қилиши бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва

саллам ўлими яқинлашган киши Аллоҳ мени албатта кечиради деган яхши гумонда бўлишини ва У зотнинг раҳматидан умидвор бўлиб дунёдан ўтиши лозимлигини таълим берганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Икки шаҳодат калимасининг фазли;

2- Вафот этаётган кишига икки шаҳодат калимасини талқин қилиш машруъ экани (яъни унга эшиттириб айтиб туриш, шунда унинг қулоғига кириб у ҳам айтиши мумкин);

3- Аллоҳ азза ва жаллага нисбатан яхши гумонда бўлиш лозимлиги.

258- дарс. Амаллар хотималарга қараб ўлчанади

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ حَدَّثَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ الصَّادِقُ الْمَصْدُوقُ: «إِنَّ أَحَدَكُمْ يُجْمَعُ فِي بَطْنِ أُمِّهِ أَرْبَعِينَ يَوْمًا ثُمَّ يَكُونُ عَاقَةً مِثْلَ ذَلِكَ ثُمَّ يَكُونُ مُضْغَةً مِثْلَ ذَلِكَ ثُمَّ يَبْعَثُ اللَّهُ إِلَيْهِ مَلَكًا بِأَرْبَعِ كَلِمَاتٍ فَيَكْتَبُ عَمَلَهُ وَأَجَلَهُ وَرِزْقَهُ وَشَقِيًّا أَوْ سَعِيدًا ثُمَّ يُنْفَخُ فِيهِ الرُّوحُ فَإِنَّ الرَّجُلَ لَيَعْمَلُ بِعَمَلِ أَهْلِ النَّارِ حَتَّى مَا يَكُونُ بَيْنَهُ وَبَيْنَهَا إِلَّا ذِرَاعٌ فَيَسْبِقُ عَلَيْهِ الْكِتَابُ فَيَعْمَلُ بِعَمَلِ أَهْلِ الْجَنَّةِ فَيَدْخُلُ الْجَنَّةَ وَإِنَّ الرَّجُلَ لَيَعْمَلُ بِعَمَلِ أَهْلِ الْجَنَّةِ حَتَّى مَا يَكُونُ بَيْنَهُ وَبَيْنَهَا إِلَّا ذِرَاعٌ فَيَسْبِقُ عَلَيْهِ الْكِتَابُ فَيَعْمَلُ بِعَمَلِ أَهْلِ النَّارِ فَيَدْخُلُ النَّارَ» (رواه البخاري).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бизга содиқ (ростгўй) ва масдуқ (Аллоҳ тарафидан рост ваъда берилган) зот – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуйидаги

ҳадисни айтганлар: «Дарҳақиқат, ҳар бирингиз онасининг қорнида қирқ кун ичида «нутфа» (томчи сув) ҳолида жамланади, сўнгра худди шунча муддат ичида «алақа» (лахта қон) ҳолида бўлади, сўнгра худди шунча муддат ичида «музға» (бир парча гўшт) ҳолида бўлади. Сўнгра унга бир фаришта юборилади ва унга шу инсон аҳволи-тақдирига тааллуқли бўлган тўрт нарсани: ризқи, ажали, амали ҳамда бахтсиз ёки бахтли эканини ёзиш фармон қилинади, сўнг унга жон пуркалади. Албатта, бир киши дўзах аҳлининг амалларини қилиб юради, ҳатто у билан жаҳаннам ўртасида бир газ (ярим қадам)гина масофа қолади. Шунда унинг китоби (Аллоҳ таоло унинг жаннатий эканлиги ҳақида азалда ёзиб қўйган тақдири) ўзиб кетиб (яъни ундан ғолиб келиб), жаннат аҳли амалини қилади-да, жаннатга кириб кетади. Яна бир киши жаннат аҳлининг амалларини қилиб юради, ҳатто у билан жаннат ўртасида бир газгина масофа қолади. Шунда унинг китобида (Аллоҳ таоло унинг дўзахий эканлиги ҳақида азалда ёзиб қўйган тақдири) етиб келиб (яъни ундан ғолиб келиб), дўзах аҳлининг амалини қилиб қўяди-да, дўзахга кириб кетади» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «يُبْعَثُ كُلُّ عَبْدٍ عَلَى مَا مَاتَ عَلَيْهِ» (رواه مسلم).

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини

эшитганман: «Хар бир банда нимада (яъни, қандай амаллар устида) вафот этган бўлса, шунда тирилтирилади» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Инсоннинг ҳаёти ёмон хотима билан якун топиши ва солиҳ бўлмаган амал билан вафот этиб, ўша билан қайта тирилтирилиши энг оғир уқубатлардандир. Шундай экан, мусулмон киши қилиб юрган амаллари билан мағрурланмаслиги, балки Аллоҳ таолодан ҳусни хотима сўраши ва тўғри йўлда собитқадам қилишини тилаб юриши лозим.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Ёмон хотимадан қўрқиш ва унга олиб бориши мумкин бўлган нарсалардан узоқлашиш лозим;
- 2- Амаллар хотималарга қараб бўлади.

259- дарс. Жаноза намози ҳақидаги баъзи ҳукмлар

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «مَا مِنْ رَجُلٍ مُسْلِمٍ يَمُوتُ فَيَقُومُ عَلَى جَنَازَتِهِ أَرْبَعُونَ رَجُلًا لَا يُشْرِكُونَ بِاللَّهِ شَيْئًا إِلَّا شَفَعَهُمُ اللَّهُ فِيهِ» (رواه مسلم).

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Қай бир мусулмон киши вафот этиб, жанозасида Аллоҳга ширк келтирмайдиган қирқта одам иштирок этса, Аллоҳ таоло уларнинг маййитни шафоат қилишларига рухсат беради» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَا مِنْ مَيِّتٍ تُصَلِّيَ عَلَيْهِ أُمَّةٌ مِنَ الْمُسْلِمِينَ يَبْلُغُونَ مِائَةَ كُلِّهُمْ يَشْفَعُونَ لَهُ إِلَّا شُفِّعُوا فِيهِ» (رواه مسلم).

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қай бир маййитга ададлари юзга етган мусулмонлар жамоаси жаноза ўқиб шафоат сўрасалар (яъни гуноҳлари кечирилишини сўраб дуо қилсалар), уларнинг шафоатлари қабул қилинади» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ سَمُرَةَ بْنِ جُنْدَبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى امْرَأَةٍ مَاتَتْ فِي نَفْسِهَا فَقَامَ عَلَيْهَا وَسَطَهَا (متفق عليه).

Самура ибн Жундаб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Нифосида вафот этган бир аёлнинг жанозасида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида намоз ўқидим, у зот унинг ўртасида турдилар (Муттафақун алайх).

عَنْ أَبِي غَالِبٍ قَالَ صَلَّى مَعَ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ عَلَى جَنَازَةِ رَجُلٍ فَقَامَ حِيَالَ رَأْسِهِ ثُمَّ جَاءُوا بِجَنَازَةِ
امْرَأَةٍ مِنْ قُرَيْشٍ فَقَالُوا يَا أَبَا حَمَزَةَ صَلِّ عَلَيْهَا فَقَامَ حِيَالَ وَسَطِ السَّرِيرِ فَقَالَ لَهُ الْعَلَاءُ بْنُ زِيَادٍ
هَكَذَا رَأَيْتَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَامَ عَلَى الْجَنَازَةِ مُقَامَكَ مِنْهَا وَمِنْ الرَّجُلِ مُقَامَكَ مِنْهُ قَالَ
نَعَمْ (أخرجه الترمذي).

Абу Голибдан ривоят қилинади: Бир кишининг жанозасида Анас ибн Молик билан намоз ўқидим, у унинг боши рўпарасида турди. Кейин Қурайшлик бир аёлнинг жанозаси олиб келинди, «Эй Абу Ҳамза, унга ҳам жаноза ўқинг», дейишди, шунда у тобутнинг ўртаси рўпарасида турди. Алоъ ибн Зиёд ундан: «Сиз Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламни аёл кишига мана шундай, эркак кишига эса ҳалигидай ҳолда туриб жаноза ўқиганларини кўрганмисиз?», деб сўраган эди, у: «Ҳа», деб жавоб берди (Имом Термизий ривояти).

عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي لَيْلَى قَالَ كَانَ زَيْدٌ يُكَبِّرُ عَلَى جَنَائِزِنَا أَرْبَعًا وَإِنَّهُ كَبَّرَ عَلَى جَنَازَةِ خَمْسًا
فَسَأَلْتُهُ فَقَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُكَبِّرُهَا (رواه مسلم).

Абдуррахмон ибн Аби Лайлодан ривоят қилинади: Зайд (ибн Арқам) жанозаларда тўрттадан такбир айтар эди, бир жанозада бешта такбир айтди. Мен ундан бу ҳақда сўраган эдим: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (баъзан) шундай қилардилар», деди (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Жаноза намозининг ўзига хос ҳукмлари бор бўлиб, бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларида баён қилинган. Қайсидир амалнинг бирдан ортиқ сифати ривоят қилинган бўлса ҳар иккисига амал қилиш жоиз.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Имом жаноза намозида эркак кишининг боши рўпарасида, аёл кишининг ўртаси қаршисида туради;
- 2- Имом жанозани тўрт такбир билан ўқийди;
- 3- Жаноза намозида бешта такбир айтиш ҳам жоиз;
- 4- Жаноза намозида қанча кўп одам қатнашса, шунча яхши.

260- дарс. Жаноза намози ҳақидаги баъзи ҳукмлар (давоми)

Қабр устида жаноза ўқиш:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَجُلًا أَسْوَدَ أَوْ امْرَأَةً سَوْدَاءَ كَانَ يَقُمُ الْمَسْجِدَ فَمَاتَ فَسَأَلَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْهُ فَقَالُوا مَاتَ قَالَ: «أَفَلَا كُنْتُمْ أَذِنْتُمْ لِي بِهِ دُلُونِي عَلَى قَبْرِهِ» أَوْ قَالَ «قَبْرَهَا» فَأَتَى قَبْرَهَا فَصَلَّى عَلَيْهَا (رواه البخاري).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир занжи киши – ёки занжи аёл – масжидни супириб-сидириб турар эди, шу вафот этди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни

суриштирган эдилар: «У вафот этди» дейишди. У зот: «Менга билдириб қўймабсизлар-да?! Мени у одамнинг – ё у аёлнинг – қабрига йўлланглар», дедилар. Сўнг қабрига бориб, унга жаноза ўқидилар (Имом Бухорий ривояти).

Ғойибона жаноза ўқиш:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَعَى النَّجَاشِيَّ فِي الْيَوْمِ الَّذِي مَاتَ فِيهِ وَخَرَجَ بِهِمْ إِلَى الْمُصَلَّى فَصَفَّ بِهِمْ وَكَبَّرَ عَلَيْهِ أَرْبَعَ تَكْبِيرَاتٍ (رواه البخاري).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Нажоший вафот этган куни унинг ўлими хабарини бердилар ва асҳобларини намозгоҳга олиб чиқиб, сафга тердилар ва тўрт такбир айтиб (жаноза ўқидилар) (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Жанозага қатнаша олмаган одам маййит қабрга қўйилганидан кейин бўлса ҳам унга жанозах ўқиши мумкин. Шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ғойибона жаноза ўқишни ҳам машруъ қилдилар.

Бугунги дардан олинadиган фойдалар:

1- Қабр олдида туриб кўмилган одамга жаноза ўқиш жоиз;

2- Жанозасиз, кўмилган мусулмонга ғойибона жаноза ўқиш жоиз.

261- дарс. Жаноза намозида ўқиладиган нарсалар ҳақида

Фотиҳа сурасини ўқиш:

عَنْ طَلْحَةَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَوْفٍ قَالَ صَلَّيْتُ خَلْفَ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَلَى جَنَازَةٍ فَقَرَأَ بِفَاتِحَةِ الْكِتَابِ قَالَ: «لِتَعْلَمُوا أَنَّهَا سُنَّةٌ» (رواه البخاري).

Талҳа ибн Абдуллоҳ ибн Авфдан ривоят қилинади: Ибн Аббос розияллоҳу анҳумонинг орқасида жаноза намози ўқидим, шунда у Фотиҳа сурасини ўқиди ва: «Уни ўқиш суннат эканини билишларингиз учун (овозимни чиқариб ўқидим)», деди (Имом Бухорий ривояти).

Жанозада дуо ўқиш:

عَنْ عَوْفِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ صَلَّى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى جَنَازَةٍ فَحَفِظْتُ مِنْ دُعَائِهِ وَهُوَ يَقُولُ: «اللَّهُمَّ اغْفِرْ لَهُ وَارْحَمْهُ وَعَافِهِ وَاعْفُ عَنْهُ وَأَكْرِمْ نُزُلَهُ وَوَسِّعْ مَدْخَلَهُ وَاعْسِلْهُ بِالْمَاءِ وَالثَّلْجِ وَالْبَرَدِ وَنَقِّهِ مِنَ الْخَطَايَا كَمَا نَقَّيْتَ الثُّوبَ الْأَبْيَضَ مِنَ الدَّنَسِ وَأَبْدِلْهُ دَارًا خَيْرًا مِنْ دَارِهِ وَأَهْلًا خَيْرًا مِنْ أَهْلِهِ وَزَوْجًا خَيْرًا مِنْ زَوْجِهِ وَأَدْخِلْهُ الْجَنَّةَ وَأَعِذْهُ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ أَوْ مِنْ عَذَابِ النَّارِ» قَالَ حَتَّى تَمَنَّيْتُ أَنْ أَكُونَ أَنَا ذَلِكَ الْمَيِّتَ (رواه مسلم).

Авф ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жаноза намози ўқидилар, мен узотнинг ўқиган дуоларидан ёдлаб олдим: «Эй Парвардигор!

Уни мағфират этгин, раҳмат қилгин. Унга офият ато этгин, афв этгин. Унинг насибасини (чиройли-кўп) улуғ қилгин. Кирар жойини кенг қилгин. Уни сув, қор ва дўл билан ювгин. Оппоқ либосни кирликдан пок этганинг каби уни хатолардан поклагин. Унга ўз уйидан яхшироқ бўлган уй, аҳлидан ҳам яхшироқ аҳл ва жуфтидан яхшироқ жуфт ато қилгин. Уни жаннатга киргизгин ва қабр азобидан – ёки дўзах азобидан – асрагин» деб дуо қилдилар, ҳатто шу маййит мен бўлсам эди, деб орзу қилиб қолдим (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Жаноза намози ўқувчи биринчи такбирдан сўнг Фотиҳа сурасини ўқийди, иккинчи такбирдан сўнг худди ташаххудда ўқигани каби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтади, учинчи такбирдан сўнг маййит ҳақиға дуо қилади, тўртинчи такбирдан кейин салом беради.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Жаноза намозида Фотиҳа сураси ўқиш машруъ;
- 2- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтгандан кейин маййит ҳақиға дуо қилиш машруъ.

262- дарс. Жанозага оид баъзи аҳкомлар

Маййитни ўпишнинг жоизлиги:

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ أَبَا بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَبَّلَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعْدَ مَوْتِهِ (رواه البخاري).

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Абу Бакр розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламни вафотларидан сўнг ўпдилар (Имом Бухорий ривояти).

Ўлганларни сўкиш мумкин эмаслиги:

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا تَسُبُّوا الْأَمْوَاتَ فَإِنَّهُمْ قَدْ أَفْضَوْا إِلَى مَا قَدَّمُوا» (رواه البخاري).

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ўлганларни сўкманглар! Чунки улар ўзлари қилиб ўтган (яхши ё ёмон амаллари натижасига) етиб бордилар» (Имом Бухорий ривояти).

Жанозани тезлатиш ҳақида:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَسْرِعُوا بِالْجِنَازَةِ فَإِنَّ تَكْ صَالِحَةً فَخَيْرٌ تُقَدِّمُونَهَا وَإِنْ يَكُ سِوَى ذَلِكَ فَشَرٌّ تَضَعُونَهُ عَنْ رِقَابِكُمْ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Жанозани (маййитни) тезроқ олиб боринглар. Агар (маййит) солиҳ бўлса, сизлар тақдим

қилаётган яхшилик бўлади. Агар бошқача бўлса, елкангиздан тезроқ қўяётган ёмонликдир.» (Муттафақун алайҳ).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «نَفْسُ الْمُؤْمِنِ مُعَلَّقَةٌ بِدِينِهِ حَتَّى يُفْضَى عَنْهُ» (أَخْرَجَهُ التِّرْمِذِيُّ).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мўминнинг жони то қарзи адо этилмагунча қарзига боғланиб туради» (Имом Термизий ривояти).

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «اللَّحْدُ لَنَا وَالشَّقُّ لِغَيْرِنَا» (أَخْرَجَهُ التِّرْمِذِيُّ).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Лаҳад (ёнлама қазилган қабр) биз учун, шақ (тик ёриб қазилган қабр) бошқалар учун» (Имом Термизий ривояти).

Шарҳ:

Мазкур ҳадисларда жаноза ва маййитга алоқадор бўлган аҳкомлар ўтдики, жанозаларни ҳозирлашда уларга муҳтож бўлинади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Маййитни ўпиш жоизлиги;
- 2- Ўлганларни сўқиш мумкин эмаслиги;
- 3- Жанозани тайёрлаш ва кўмишни тезлатиш лозимлиги;
- 4- Маййитнинг қарзини тезроқ адо қилиш вожиблиги;
- 5- Қабрни лаҳад шаклида қилиш яхшилиги.

263- дарс. Маййитни дафн қилишга оид айрим ҳукмлар

عَنْ عُقْبَةَ بْنِ عَامِرٍ الْجُهَنِيِّ قَالَ ثَلَاثُ سَاعَاتٍ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَنْهَانَا أَنْ نُصَلِّيَ فِيهِنَّ أَوْ أَنْ نَقْبُرَ فِيهِنَّ مَوْتَانَا حِينَ تَطْلُعُ الشَّمْسُ بَارِعَةً حَتَّى تَرْتَفَعَ وَحِينَ يَقُومُ قَائِمُ الظُّهَيْرَةِ حَتَّى تَمِيلَ الشَّمْسُ وَحِينَ تَضَيِّفُ الشَّمْسُ لِلْغُرُوبِ حَتَّى تَغْرُبَ (رواه مسلم).

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Учта вақтда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларни намоз ўқишдан ва маййитларимизни қабрга қўйишдан қайтарардилар: кун чиқиб келаётган пайтда то кўтарилиб олгунича, кун тиккага келганда то (ботиш тарафига) мойил бўлгунича, кун ботишга мойил бўлган пайт то ботгунича» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا أُدْخِلَ الْمَيِّتُ الْقَبْرَ قَالَ: «بِسْمِ اللَّهِ وَبِاللَّهِ وَعَلَى مِلَّةِ رَسُولِ اللَّهِ» (أخرجه الترمذي).

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам маййит қабрга киритилаётган пайтда: «Бисмиллаҳи ва биллаҳи ва ала миллати росулиллаҳи» (Аллоҳнинг

номи билан, Аллоҳ (амри) билан, Расулуллоҳнинг миллатидинида) дердилар (Имом Термизий ривояти).

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ شَهِدْنَا بِنْتًا لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَالِسٌ عَلَى الْقَبْرِ، قَالَ فَرَأَيْتُ عَيْنَيْهِ تَدْمَعَانِ، قَالَ فَقَالَ: «هَلْ مِنْكُمْ رَجُلٌ لَمْ يُقَارِفِ اللَّيْلَةَ؟» فَقَالَ أَبُو طَلْحَةَ أَنَا قَالَ: «فَأَنْزِلْ فِي قَبْرِهَا» فَانزَلَ فِي قَبْرِهَا فَقَبَّرَهَا (رواه البخاري).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир қизлари (дафн маросими)да ҳозир бўлдик, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабр устида ўтирар, кўзларидан ёш оқарди. У зот: «Ичларингизда бу кеча аёли билан қўшилмаган ким бор?», деб сўрадилар. Абу Талҳа: «Мен», деди. Унга: «Қабрга тушинг», дедилар. У қабрга тушди ва уни қабрга қўйди (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Маййитни дафн қилишга доир аҳком ва суннатлар борки, мусулмон киши уларга риоя қилмоғи ва бу боради Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашмоғи лозим.

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

1- Маййитни кун чиққандан сўнг то кўтарилиб олгунича, кун тиккага келган пайтда ва ботишидан олдин дафн қилишдан қайтарилган;

2- Маййитни қабрга қўяётган одам: «Бисмиллаҳи ва биллаҳи ва ала миллати Росулиллаҳи» демоғи суннатдир;

3- Аёл кишини маҳрамидан бошқалар ҳам қабрга қўйишлари жоиз.

264- дарс. Сабрга тарғиб, мусибат пайтида айтиладиган сўзлар

Аллоҳ таоло айтади: «**Бирор мусибат келганда: «Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз у зотга қайтувчилармиз», дейдиган собирларга хушхабар беринг (эй Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам). Ана ўшаларга Парвардигорлари томонидан саловот (мағфират) ва раҳмат бордур. Ана ўшалар ҳақ йўлни топувчилардир»** (Бақара: 156, 157).

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الصَّبْرُ عِنْدَ الصَّدْمَةِ الْأُولَى»
(رواه البخاري).

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «(Ҳақиқий) сабр – илк мусибат етган пайтда қилинган сабрдир» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «مَا مِنْ مُسْلِمٍ تُصِيبُهُ مُصِيبَةٌ فَيَقُولُ مَا أَمَرَهُ اللَّهُ { إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ } اللَّهُمَّ أَجْرُنِي فِي مُصِيبَتِي وَأَخْلِفْ لِي خَيْرًا مِنْهَا إِلَّا أَخْلَفَ اللَّهُ لَهُ خَيْرًا مِنْهَا» (رواه مسلم).

Умму Салама розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Қай бир мусулмон бошига мусибат тушганда Аллоҳ буюрганидек: «Биз Аллоҳникимиз ва албатта Унинг ҳузурига қайтамиз. Эй Аллоҳ! Мана шу мусибатим сабабли менга ажрумукофот бергин ва унинг ўрнига мен учун ундан кўра яхшироқ нарсани ато қил» деса, Аллоҳ таоло албатта унинг ўрнига яхшироқ нарсани беради (Имом Муслим ривояти).

عَنْ صُهَيْبِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «عَجَبًا لِأَمْرِ الْمُؤْمِنِ إِنْ أَمَرَهُ كُلُّهُ خَيْرٌ وَوَلَيْسَ ذَلِكَ لِأَحَدٍ إِلَّا لِلْمُؤْمِنِ إِنْ أَصَابَتْهُ سَرَاءٌ شَكَرَ فَكَانَ خَيْرًا لَهُ وَإِنْ أَصَابَتْهُ ضَرَاءٌ صَبَرَ فَكَانَ خَيْرًا لَهُ» (رواه مسلم).

Суҳайб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мўминнинг иши қизиқ! Барча иши у учун яхшиликдир, бу эса мўминдан бошқага насиб бўлмайди. Агар унга хурсандчилик етса шукр қилади ва бу у учун

яхшилик бўлади. Агар ёмонлик етса сабр қилади ва бу ҳам у учун яхшилик бўлади» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Мусибатга сабр қилиш ва унинг ажр-савобини умид қилиш иймоннинг кучли эканига далил, Аллоҳнинг раҳматига ва гўзал оқибатга эришишга сабабдир. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусибатлар пайтида сабр қилишга йўллаганлар ва умматларига мусибат пайтида айтиладиган сўзларни таълим берганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Мусибат пайтида сабр қилишнинг фазилати;
- 2- Ҳақиқий ва мақтовга сазовор сабр – илк мусибат тушган пайтда қилинган сабрдир;
- 3- Машаққатларга сабр-бардошли бўлиш мўминларнинг сифатларидан;
- 4- Мусибат пайтида айтиладиган зикрнинг фазли.

265- дарс. Васият ва унинг ҳукмлари ҳақида

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَا حَقُّ امْرِئٍ مُسْلِمٍ لَهُ شَيْءٌ يُرِيدُ أَنْ يُوصِيَ فِيهِ بَيْتٌ لِبَيْتَيْنِ إِلَّا وَوَصِيَّتُهُ مَكْتُوبَةٌ عِنْدَهُ» (متفق عليه).

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Васият қилмоқчи бўлган бирон нарсаси бор мусулмон кишига олдида васияти ёзилмаган ҳолда икки кечани ўтказиши дуруст эмас» (Муттафақун алайҳ).

عَنْ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَّاصٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَنَا ذُو مَالٍ وَلَا يَرِثُنِي إِلَّا ابْنَةٌ لِي وَاحِدَةٌ أَفَأَتَصَدَّقُ بِثُلُثِي مَالِي؟ قَالَ: «لَا» قُلْتُ أَفَأَتَصَدَّقُ بِشَطْرِهِ؟ قَالَ: «لَا» قُلْتُ فَالْثُلُثُ؟ قَالَ: «الْثُلُثُ وَالْثُلُثُ كَثِيرٌ، إِنَّكَ أَنْ تَذَرَ وَرَثَتَكَ أَغْنِيَاءَ خَيْرٌ مِنْ أَنْ تَذَرَهُمْ عَالَةً يَتَكَفَّفُونَ النَّاسَ» (متفق عليه).

Саъд ибн Аби Ваққос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен: «Ё Расулуллоҳ, мен бадавлат одамман, меросхўрим фақат биргина қизим бўлади, молимнинг учдан иккисини садақа қилиб юборсам бўладими?» деб сўрадим. «Йўқ», дедилар. «Ярмини садақа қилсам-чи?», дедим. «Йўқ», дедилар. «Учдан бирини қилсам-чи?», дедим. «Учдан бирини (қилсангиз бўлади), учдан бири ҳам аслида кўп. Ворисларингизни бой-бадавлат ҳолда қолдиришингиз уларни камбағал, одамлардан тиланиб юрадиган ҳолда қолдиришингиздан яхшироқдир», дедилар (Муттафақун алайҳ).

عَنْ أَبِي أُمَامَةَ الْبَاهِلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «إِنَّ اللَّهَ قَدْ أَعْطَى كُلَّ ذِي حَقٍّ حَقَّهُ فَلَا وَصِيَّةَ لِرِثٍ» (أخرجه أبو داود والترمذي).

Абу Умома Боҳилий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Аллоҳ таоло ҳар бир ҳақ эгасига ўз ҳаққини бериб қўйди, меросхўрга васият қилиш мумкин эмас» (Абу Довуд ва Термизий ривоятлари).

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ رَجُلًا قَالَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ أُمَّيَ افْتُلِتَتْ نَفْسُهَا وَلَمْ تُوصِ وَأَطْنُهَا لَوْ تَكَلَّمْتُ تَصَدَّقْتُ أَفَلَهَا أَجْرٌ إِنْ تَصَدَّقْتُ عَنْهَا؟ قَالَ: «نَعَمْ» (متفق عليه).

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Онам тўсатдан вафот этди, васият қилолмади. Агар гапирганда садақага буюрган бўлар эди, деб ўйлайман. Мен агар унинг номидан садақа қилсам, унга ажр бўладими?», деб сўраган эди: «Ҳа», дедилар.

Шарҳ:

Инсоннинг зиммасида гоҳо бошқаларнинг ҳақлари бўлади, ўлим қачон бостириб келишини ҳеч ким билмайди. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам васият битиб қўйишга буюрганлар ва васият борасида мусулмон киши билиши зарур бўлган нарсаларни баён қилиб қўйганлар.

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

- 1- Васият қиладиган нарсаси бор бўлган кишига (фалончида унча ҳаққим бор, фалончининг менда бунча ҳаққи бор деб) васият ёзиб қўйиш, бу хусусда бепарво бўлмаслик буюрилган.
- 2- Киши вафотидан олдин молининг учдан бири миқдорини меросхўр бўлмаган одамга васият қилишга ҳақли.
- 3- Меросхўрлардан бирортасининг ҳаққини зиёда қилиш мақсадида молни унга хослаб васият қилиш мумкин эмас.
- 4- Майит номидан, гарчи ўзи васият қилмаган бўлса ҳам, садақа қилиш жоиз.

266- дарс. Меросга доир айрим ҳукмлар

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَلْحِقُوا الْفَرَائِضَ بِأَهْلِهَا فَمَا بَقِيَ فَهُوَ لِأَوْلَى رَجُلٍ ذَكَرَ» (رواه مسلم).

Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «(Меросдан тегадиган) улушларни ўз эгаларига етказинглар! Ортиб қолгани энг яқин эркак қариндошга бўлади» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي أُمَامَةَ الْبَاهِلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «إِنَّ اللَّهَ قَدْ أَعْطَى كُلَّ ذِي حَقٍّ حَقَّهُ فَلَا وَصِيَّةَ لِرِثٍ» (أخرجه أبو داود والترمذي).

Абу Умома Боҳилий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Аллоҳ таоло ҳар бир ҳақ эгасига ўз ҳаққини бериб қўйди, ворисга васият қилиш мумкин эмас» (Абу Довуд ва Термизий ривоятлари).

عَنْ أُسَامَةَ بْنِ زَيْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا يَرِثُ الْمُسْلِمُ الْكَافِرَ وَلَا الْكَافِرُ الْمُسْلِمَ» (متفق عليه).

Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мусулмон кофирдан, кофир мусулмондан мерос олмайди» (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Меросдан тегадиган улушларни Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўзининг Китобида белгилаб берган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни очиқ баён қилганлар ва бу ишни одамларнинг хоҳиш-ҳаволари ва истак-рағбатларига қўйиб қўймаганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таоло бандаларига шаръий қилиб берган ўлочовлардан тажовуз қилишдан қайтарганлар.

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

- 1- Меросларни тақсимлаш Аллоҳ таолонинг Ўзи тузиб берган шариат-қонундир;
- 2- Меросхўрга бирон нарсани васият қилиш мумкин эмас;
- 3- Меросхўрлар ўзларининг белгиланган ҳақларини олганларидан сўнг меросдан бирон нарса ошса, у энг яқин эркак қариндошга бўлади; (тафсилотлар учун “Фароиз” ҳақидаги китобларга муурожаат қилинади);
- 4- Мусулмон билан кофир бир-биридан мерос олиши мумкин эмас.

267- дарс. Маййитга дод-фарёд қилмай, жазавага тушмай

Йиғлашнинг жоизлиги

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ دَخَلْنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى أَبِي سَيْفِ الْقَيْنِ وَكَانَ ظَنُورًا لِإِبْرَاهِيمَ - عَلَيْهِ السَّلَام - فَأَخَذَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِبْرَاهِيمَ فَقَبَّلَهُ وَشَمَّهُ ثُمَّ دَخَلْنَا عَلَيْهِ بَعْدَ ذَلِكَ وَإِبْرَاهِيمُ يَجُودُ بِنَفْسِهِ فَجَعَلَتْ عَيْنَا رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَذْرِفَانِ فَقَالَ لَهُ عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ عَوْفٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ وَأَنْتَ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ فَقَالَ: «يَا ابْنَ عَوْفٍ إِنَّهَا رَحْمَةٌ» ثُمَّ اتَّبَعَهَا بِأُخْرَى فَقَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ الْعَيْنَ تَدْمَعُ وَالْقَلْبَ يَحْزَنُ وَلَا نَقُولُ إِلَّا مَا يَرْضَى رَبُّنَا وَإِنَّا بِفِرَاقِكَ يَا إِبْرَاهِيمَ لَمَحْزُونُونَ» (رواه البخاري)

Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга Абу Сайф ал-Қайннинг уйига кирдик, – у (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўғиллари) Иброҳимни эмизувчи аёлнинг эри эди, – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Иброҳимни қўлларига олиб ўпдилар ва ҳидладилар. Шундан сўнг яна киргандик, Иброҳим жон таслим қилаётган экан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кўзларидан ёш қуйила бошлади. Абдурахмон ибн Авф розияллоҳу анху: «Ё Расулуллоҳ, Сиз-а, (сиз ҳам мусибатга сабр қила олмай йиғлаяпсизми)?!», деган эди: «Эй Авфнинг ўғли, бу раҳмдилликдир», деб жавоб бердилар ва яна қўшиб қўйдилар: «Албатта кўз ёшланади, қалб маҳзун бўлади, бироқ биз фақат Раббимиз рози бўладиган сўзларни айтамиз. Эй Иброҳим, Биз сендан ажралганимиз учун қайғудамиз» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أُسَامَةَ بْنِ زَيْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ أُرْسِلَتْ ابْنَةُ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَيْهِ إِنَّ ابْنَ لِي قُبِضَ فَأْتِنَا فَأَرْسَلَ يُقْرِئُ السَّلَامَ وَيَقُولُ: «إِنَّ لِلَّهِ مَا أَخَذَ وَلَهُ مَا أَعْطَى وَكُلٌّ عِنْدَهُ بِأَجَلٍ مُّسَمًّى فَلْتَصْبِرْ وَتَحْتَسِبْ» فَأُرْسِلَتْ إِلَيْهِ تُقْسِمُ عَلَيْهِ لِيَأْتِيَنَّهَا فَقَامَ وَمَعَهُ سَعْدُ بْنُ عُبَادَةَ وَمَعَاذُ بْنُ جَبَلٍ وَأَبِيُّ بْنُ كَعْبٍ وَزَيْدُ بْنُ ثَابِتٍ وَرِجَالٌ فَرُفِعَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الصَّبِيُّ وَنَفْسُهُ تَتَقَعَّقُ فَفَاضَتْ عَيْنَاهُ فَقَالَ سَعْدُ يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا هَذَا؟ فَقَالَ: «هَذِهِ رَحْمَةٌ جَعَلَهَا اللَّهُ فِي قُلُوبِ عِبَادِهِ وَإِنَّمَا يَرْحَمُ اللَّهُ مِنَ عِبَادِهِ الرَّحَمَاءَ» (متفق عليه).

Усома ибн Зайд розияллоху анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг бир қизлари ўғли жон таслим қилаётганини айтиб, етиб келишларини сўраб у зот ҳузурларига одам юборди. У зот салом йўлладилар ва «Албатта, олгани ҳам, бергани ҳам Аллоҳнинг Ўзиники. Ҳар бир нарса Унинг ҳузурда маълум муҳлат билан (белгиланган)дир. (Унга айтгин) сабр қилсин, мусибатнинг эвазига ажру савобни умид этсин» деб айтиб юбордилар. Қизлари қасам билан: «Албатта етиб келсинлар» деб айтиб юборди. Шундан сўнг у зот кўзғолдилар, Саъд ибн Убода, Муоз ибн Жабал, Убай ибн Каъб, Зайд ибн Собит ва бошқа кишилар ҳамроҳ бўлишди. Болани Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг қўлларига берилди, у жуда оғир ҳолатда эди. Шунда у зотнинг кўзларидан ёш қуйилди. Саъд: «Ё Расулуллоҳ, бу нимаси?» деган эди, «Бу Аллоҳ таоло бандаларидан Ўзи хоҳлаган кишисининг қалбига ўрнатган раҳм-шафқатдир. Аллоҳ бандалари ичидан фақат раҳмдил кишиларгагина раҳм қилади», дедилар (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Маййитга хафа бўлиб, ачиниб йиғлаш табиий ва мувоҳиш иш бўлиб, модомики Аллоҳнинг қазо-қадаридан норозилик, жазавага тушиш ва Аллоҳни рози қилмайдиган сўзлар бўлмас экан, бунинг учун Аллоҳ таоло жазоламайди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва

саллам ўғиллари Иброҳим вафот этганида Аллоҳнинг қазо ва қадарига тўла иймонлари ва розиликлари бўлгани ҳолда болага меҳр-шафқатлари туфайли йиғлаганлар.

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

- 1- Маййитга дод-фарёд солмай, Аллоҳнинг қазосидан норози бўлмай унсиз йиғлаш жоиз;
- 2- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам меҳр-шафқатли ва юмшоққўнгил зот эдилар.

268- дарс. Фарзандлар ўлимига сабр қилишнинг фазли

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَا مِنَ النَّاسِ مُسْلِمٍ يَمُوتُ لَهُ ثَلَاثَةٌ مِنَ الْوَالِدِ لَمْ يَبْلُغُوا الْحِنْتَ إِلَّا أَدْخَلَهُ اللَّهُ الْجَنَّةَ بِفَضْلِ رَحْمَتِهِ إِيَّاهُمْ» (رواه البخاري).

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қай бир мусулмон кишининг балоғатга етмаган учта фарзанди вафот этса, уларга бўлган меҳр-шафқати туфайли Аллоҳ таоло уни албатта жаннатга киргизади» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا يَمُوتُ لِأَحَدٍ مِنَ الْمُسْلِمِينَ ثَلَاثَةٌ مِنَ الْوَالِدِ فَتَمَسَّهُ النَّارُ إِلَّا تَحِلَّةَ الْقَسَمِ» (أخرجه الترمذي).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қай бир мусулмоннинг учта фарзанди вафот этса, унга дўзах ўти тегмайди, фақатгина қасамни оқлаш учунгина (бироз тегиб ўтади)» (Имом Термизий ривояти).

Ҳадис шорихлари айтишларича, «қасамни оқлаш»дан мурод – Аллоҳ таолонинг: **«Сизлардан ҳар бирингиз унга тушувчидирсиз. (Бу) Парвардигорингиз (амрига биноан) вожиб бўлган ҳукмдир. Сўнг тақводор бўлган зотларни (ундан) қутқарурмиз ва золим кимсаларни тиз чўккан ҳолларида (жаҳаннамда) қолдирурмиз.»** (Марям: 71) оятига ишорадир.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَيُّمَا امْرَأَةٍ مَاتَ لَهَا ثَلَاثَةٌ مِنَ الْوَالِدِ كَانُوا حِجَابًا مِنَ النَّارِ» قَالَتْ امْرَأَةٌ وَاثْنَانِ؟ قَالَ: «وَاثْنَانِ» (رواه البخاري).

Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қай бир аёлнинг учта фарзанди вафот этса, улар дўзахдан парда бўладилар». Бир аёл: «Иккита бўлса-чи?», деди. «Иккита бўлса ҳам», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Шарх:

Фарзандлар қалбларнинг меваси ва дунё ҳаётининг зийнатидир. Улардан айрилиш ота-она учун катта мусибат. Катта мусибатга

сабр қилишнинг савоби ҳам улуғ. Аллоҳ таоло Ўзининг раҳмати ва фазли билан бунга катта ажру-савоблар ваъда қилган.

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

- 1- Фарзандлардан жудо бўлишга сабр қилишнинг савоби улуғ;
- 2- Фарзандлардан айрилишга сабр қилиш жаннатга киришга сабаб бўлади;
- 3- Аллоҳ таолонинг раҳмати улуғ, фазлу марҳамати кенг.

269- дарс. Маййитга жаноза намози ўқиш ва тобут кетидан эргашишнинг фазилати, бунга доир айрим ҳукмлар

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ شَهِدَ الْجَنَازَةَ حَتَّى يُصَلِّيَ عَلَيْهَا فَلَهُ قَبْرًا طُوبَى وَمَنْ شَهِدَهَا حَتَّى تُدْفَنَ فَلَهُ قَبْرًا طَانٍ» قِيلَ وَمَا الْقَبْرَانِ؟ قَالَ: «مِثْلُ الْجَبَلَيْنِ الْعَظِيمَيْنِ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ким жанозада то намоз ўқиб бўлингунча ҳозир бўлса, унга бир қийрот (ажр), то дафн қилингунча ҳозир бўлса, унга икки қийрот (ажр) бўлади», дедилар. «Икки қийрот қанча бўлади?» деб сўралди. «Иккита катта тоғдек», дедилар (Муттафақун алайҳ).

عَنْ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ أَمَرَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِسَبْعٍ: بِعِيَادَةِ الْمَرِيضِ وَاتِّبَاعِ الْجَنَائِزِ وَتَشْمِيتِ الْعَاطِسِ وَنَصْرِ الضَّعِيفِ وَعَوْنِ الْمَظْلُومِ وَإِفْشَاءِ السَّلَامِ وَإِبْرَارِ الْمُقْسِمِ (متفق عليه).

Баро ибн Озиб розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бизни етти нарсага буюрдилар: беморни зиёрат қилишга, жанозаларга эргашишга, аксирган одамга (ярҳамукаллоҳ деб) ташмит айтишга, заифларга ёрдам беришга, мазлумларга кўмаклашишга, саломни ёйишга ва қасам ичган кишининг қасами устидан чиқишига кўмак беришга» (Муттафақун алайх).

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا رَأَيْتُمُ الْجَنَازَةَ فَقُومُوا فَمَنْ تَبِعَهَا فَلَا يَقْعُدْ حَتَّى تُوَضَعَ» (رواه البخاري).

Абу Саид ал-Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Жанозани (яъни тобутни) кўрсангиз, ўрнингиздан туринглар. Ким унинг ортидан борса, то (ерга) қўйилмагунча ўтирмасин» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أُمِّ عَطِيَّةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ نُهِينَا عَنْ اتِّبَاعِ الْجَنَائِزِ وَلَمْ يُعْزَمَ عَلَيْنَا (رواه البخاري).

Умму Атийя розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Биз (аёллар) жаноза ортидан эргашишдан қайтарилдик ва (лекин бу) бизга қатъиян ман қилинмади» (Имом Бухорий ривояти).

Шарх:

Жаноза (яъни маййит) билан бирга то у дафн қилингунча ҳозир бўлиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларни қолдириб, фақат эркакларни тарғиб қилган ишлардан бўлиб, жаноза ортидан эргашиб борган киши улкан тоғдек ажру савобга эга бўлиши ҳақида хабар берганлар. Тобут ортидан борган киши то у ерга қўйилмагунча ўтирмасин, деганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Маййитга жаноза ўқиш ва унинг ортидан қабристогоча бориш суннат;
- 2- Шундай қилган кишига бериладиган ажрнинг мисоли икки улкан тоғдек;
- 3- Жаноза ортидан борган киши то тобут ерга қўйилмагунча ўтирмаслиги суннат;
- 4- Аёллар жаноза ортидан боришдан қайтарилганлар.

270- дарс. Маййитга қабрида содир бўладиган ҳолатлар ҳақида

Маййит дафндан бўшаб қайтаётган кишиларнинг оёқ товушларини эшитади:

عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْعَبْدُ إِذَا وُضِعَ فِي قَبْرِهِ وَتَوَلَّى وَذَهَبَ أَصْحَابُهُ حَتَّى إِنَّهُ لَيَسْمَعُ قَرَعَ نِعَالِهِمْ أَتَاهُ مَلَكَانِ فَأَقْعَدَاهُ فَيَقُولَانِ لَهُ مَا كُنْتَ تَقُولُ فِي هَذَا الرَّجُلِ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيَقُولُ أَشْهَدُ أَنَّهُ عَبْدُ اللَّهِ وَرَسُولُهُ فَيَقَالُ انْظُرْ إِلَى مَقْعَدِكَ مِنَ النَّارِ أَبَدًا لَكَ اللَّهُ بِهِ مَقْعَدًا مِنَ الْجَنَّةِ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «فَيَرَاهُمَا جَمِيعًا وَأَمَّا الْكَافِرُ أَوْ الْمُنَافِقُ فَيَقُولُ لَا أَدْرِي كُنْتُ أَقُولُ مَا يَقُولُ النَّاسُ فَيَقَالُ لَا دَرَيْتَ وَلَا تَلَيْتَ ثُمَّ يُضْرَبُ بِمِطْرَقَةٍ مِنْ حَدِيدٍ ضَرْبَةً بَيْنَ أُذُنَيْهِ فَيَصِيحُ صَيْحَةً يَسْمَعُهَا مَنْ يَلِيهِ إِلَّا الثَّقَلَيْنِ» (رواه البخاري).

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Банда қабрга қўйилгач, асҳоблари ундан бурилиб кетаётганларида у уларнинг оёқ кийимлари товушини эшитиб туради. Шу пайт унинг ҳузурига иккита фаришта келиб, уни ўтиргизадилар, сўнг: «Сен бу киши – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида нима дердинг?», деб сўрайдилар. У: «У зот Аллоҳнинг бандаси ва элчиси эканига гувоҳлик бераман», дейди. Шунда унга: «Дўзахдан бўлган жойингга қара, унинг ўрнига Аллоҳ сенга жаннатдан бир жойни алмаштирди», дейдилар. У ҳар икки жойини кўради. Кофир ёки мунофиқ эса: «Билмайман, одамлар айтаётган гапни айтардим», дейди. Шунда унга: «(Ҳақни) билмадинг, (Ҳақ Каломини) ўқимадинг», дейилади. Сўнг унинг икки қулоғи ўртасига темир гурзи билан урилади. У қаттиқ дод-фарёд қилади, унинг фарёдини атрофдаги инсу-жиндан бошқа ҳамма жонзот эшитади» (Имом Бухорий ривояти).

Маййит жаннатдан ёки дўзахдан бўлган ўрни ҳақида хабардор қилинади:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ أَحَدَكُمْ إِذَا مَاتَ عُرِضَ عَلَيْهِ مَقْعَدُهُ بِالْغَدَاةِ وَالْعَشِيِّ إِنْ كَانَ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ فَمِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ وَإِنْ كَانَ مِنْ أَهْلِ النَّارِ فَمِنْ أَهْلِ النَّارِ يُقَالُ هَذَا مَقْعَدُكَ حَتَّى يَبْعَثَكَ اللَّهُ إِلَيْهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ» (رواه مسلم).

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлардан бирингиз вафот этса (борадиган) жойи унга эртаю кеч кўрсатиб турилади. Жаннат аҳлидан бўлса жаннат аҳли(нинг жойи)дан, дўзах аҳлидан бўлса дўзах аҳли(нинг жойи)дан. Ва унга: «То қиёмат куни Аллоҳ сени у ерга қайта тирилтиргунча жойинг шу» дейилади» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Маййит дафн этилиб, ёру-дўстлари ортга қайтишаётган пайтда унга руҳи қайтарилади ва барзах ҳаётини бошидан кечиради. Унинг ҳузурига иккита фаришта – Мункар ва Накир кириб келадилар ва уни ўтиргизиб, сўроққа тутадилар. Аллоҳ таоло мўминларнинг қадамларини собит қилади ва уларни ҳақ сўзга йўллаб қўяди. Маййитга то қиёмат жаннат ёки дўзахдан бўлган ўрни кўрсатиб турилади.

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

- 1- Қабрда икки фаришта маййитни сўроққа тутиши ҳақ;
- 2- Қабрдаги азоб ва неъматлар ҳақ;
- 3- Маййит қиёмат бўлмай туриб ўзининг жаннат ёки дўзахдаги жойини кўради.
- 4- Маййит қиёмат бўлмай туриб ўзининг жаннат ёки дўзахдаги жойига кира олмайди.

271- дарс. Қабрни текислашга буюрилганлик ҳақида

عَنْ أَبِي الْهَيَّاجِ الْأَسَدِيِّ رَحِمَهُ اللَّهُ قَالَ قَالَ لِي عَلِيُّ بْنُ أَبِي طَالِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَلَا أُبَعَثُكَ عَلَى مَا بَعَثَنِي عَلَيْهِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ لَا تَدَعَ تِمْتَالًا إِلَّا طَمَسْتَهُ وَلَا قَبْرًا مُشْرِفًا إِلَّا سَوَّيْتَهُ (رواه مسلم).

Абул-Ҳайёж ал-Асадий раҳимаҳуллоҳдан ривоят қилинади: Менга Алий ибн Аби Толиб розияллоҳу анҳу дедилар: «Сени Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мени юборган ишга юборайми?! Биронта суратни қўймай ўчириб ташлайсан, кўтарилган биронта қабрни қўймай текислаб ташлайсан» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ فَضَالَةَ بْنِ عُبَيْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْمُرُ بِتَسْوِيتِهَا (أي: القبور) (رواه مسلم).

Фазола ибн Убайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уларни (яъни қабрларни) текислашга буюрганларини эшитганман (Имом Муслим ривояти).

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ نَهَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يُجَصَّصَ الْقَبْرُ وَأَنْ يُقَعَّدَ عَلَيْهِ وَأَنْ يُنْنَى عَلَيْهِ (رواه مسلم).

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрни гипслаб сувашдан, унинг устида ўтиришдан ва унинг устига бино қилишдан қайтардилар (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي مَرْثَدٍ الْغَنَوِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «لَا تُصَلُّوا إِلَى الْقُبُورِ وَلَا تَجْلِسُوا عَلَيْهَا» (أخرجه مسلم)

Абу Марсад розияллоҳу анҳу айтади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Қабрларга юзланиб намоз ўқиманглар, улар устига ўтирманглар» деганларини эшитганман (Имом Муслим ривояти).

Шарх:

Қабрлар билан фитналаниш шайтон одамзотни қадим-қадимдан авраб келадиган энг катта фитналардан бўлиб, уларни улуғлаш, устларига бино ва сағаналар барпо қилиш, уларга юзланиб намоз

Ўқиш, уларга сиғинишни одамларга чиройли қилиб кўрсатади. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрдагиларни ҳурмат қилиш ва уларга озор бермасликка буюрганлари ҳолда қабрларни ердан кўтаришни, улар устига бино қуришни, уларга қараб намоз ўқишни ман қилганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Қабрлар устига сағаналар қуриш, уларни кўтариш ёки сувашдан қайтарилган;
- 2- Қабрлар устига ўтириш мумкин эмас;
- 3- Қабрларга қараб намоз ўқиш ҳаром.

272- дарс. Ал-Масжидул-Ҳаром ва Мадинадаги Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидларининг фазли

«Кимки у жойда (яъни Масжидул-Ҳаромда) зулм-зўравонлик билан йўлдан чиқмоқчи бўлса унга аламли азобдан тотдириб қўюрмиз» (Ҳаж: 25).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «صَلَاةٌ فِي مَسْجِدِي هَذَا خَيْرٌ مِنْ أَلْفِ صَلَاةٍ فِيمَا سِوَاهُ إِلَّا الْمَسْجِدَ الْحَرَامَ» (رواه البخاري).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Менинг шу

масжидимдаги битта намоз бошқа масжидлардаги мингта намоздан яхшидир, фақат Ал-масжидул-Ҳаром бундан мустасно» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَبْلُغُ بِهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا تُسَدُّ الرَّحَالُ إِلَّا إِلَى ثَلَاثَةِ مَسَاجِدَ: مَسْجِدِي هَذَا وَمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَمَسْجِدِ الْأَقْصَى» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Учта масжиддан – менинг масжидим, масжидул-ҳаром ва масжидул-Ақсодан бошқасига бориш учун сафарга отланилмайди (яъни, зиёрат мақсадида йўлга отланилмайди)» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَا بَيْنَ بَيْتِي وَمِنْبَرِي رَوْضَةٌ مِنْ رِيَاضِ الْجَنَّةِ وَمِنْبَرِي عَلَى حَوْضِي» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уйим билан минбарим ўртасида жаннат боғчаларидан бир боғча бордир, минбарим ҳавзим лабидадир», дедилар (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Аллоҳ таоло Маккадаги Масжидул-Ҳаром, Мадинадаги Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидларини ва Фаластиндаги Масжидул-Ақсони бошқаларда бўлмаган айрича

хусусиятлар билан хослади ва уларни бошқа масжидлардан афзал қилди. Уларда ўқилган намозлар ажрини бошқаларда ўқилган намозлар ажридан бир неча баробар ортиқ қилди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ибодат ва қурбат мақсадида фақат мана шу уч масжиддан бошқасига сафарга отланишдан қайтардилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Масжидул-Ҳаром ва Масжидун-Набий ва Масжидул-Ақсода ўқилган намозларнинг фазилати;

2- Мазкур уч масжиддан бошқасига зиёрат ва ибодат мақсадида борилмайди;

3- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳужраи саодатлари билан минбарлари ўртасидаги ўриннинг фазилати.

273- дарс. Маккага тааллуқли айрим ҳукмлар

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «يَوْمَ فَتْحِ مَكَّةَ إِنَّ هَذَا الْبَلَدَ حَرَّمَهُ اللَّهُ لَا يُعْضَدُ شَوْكُهُ وَلَا يُنْفَرُ صَيْدُهُ وَلَا يُلْتَقَطُ لُقْطَتُهُ إِلَّا مَنْ عَرَفَهَا» (رواه البخاري).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка фатҳ қилинган кун айтдилар: «Албатта бу шаҳарни Аллоҳ ҳаром (ҳурматли) қилди, унинг тикани ҳам юлинмайди, ундаги ов ҳайвони ҳуркитилмайди (яъни,

унга тегилмайди), топилдиғини – уни танитиш учун олган кишидан бошқа биров – олмайди» (Имом Бухорий ривояти).

Эҳромдаги киши ўлдириши мумкин бўлган нарсалар:

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: خَمْسٌ فَوَاسِقُ يُقْتَلْنَ فِي الْجِلِّ وَالْحَرَمِ؛ الْحَيَّةُ وَالْغُرَابُ الْأَبْقَعُ وَالْفَأْرَةُ وَالْكَلْبُ الْعَقُورُ وَالْحُدْيَا» (رواه مسلم).

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Беш нарса фосиқ-зарарли нарсадир, уларни эҳромдан ташқарида ҳам, эҳромда ҳам ўлдирилаверади: илон, ола қарға, сичқон, қутурган ит ва калхат» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Макка – Аллоҳ азза ва жалла ҳаром-ҳурматли қилган шаҳар, унинг набототи юлинмайди, ов қилинадиган ҳайвонларига тегилмайди, унинг еридан топилган, эгаси маълум бўлмаган нарса олинмайди, фақат эгасини топиб, унга бериш мақсадида одамларга ўша нарсани танитиб юраман деган одам олса мумкин. Лекин, шу билан бирга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккада ҳам айрим зарарли жонзотларни ўлдиришга рухсат берганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Макканинг ҳурмати улуғ;

2- Ўт-ўланлари юлинмайди, қуруқликдаги ов ҳайвони овланмайди;

3- Топилдиғини танитиш мақсадида олган кишидан бошқа биров олмайди;

4- Ундаги айрим зарарли ҳайвонларни ўлдириш мумкин.

274- дарс. Турмуш қуришга тарғиб

Аллоҳ таоло айтади: «Сизлар учун никоҳи ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар» (Нисо: 3).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ لَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَا مَعْشَرَ الشَّبَابِ مَنْ اسْتَطَاعَ مِنْكُمُ الْبَاءَةَ فَلْيَتَزَوَّجْ فَإِنَّهُ أَغْضُ لِلْبَصْرِ وَأَحْصَنُ لِلْفَرْجِ وَمَنْ لَمْ يَسْتَطِعْ فَعَلَيْهِ بِالصَّوْمِ فَإِنَّهُ لَهُ وَجَاءٌ» (متفق عليه).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Эй ёшлар, сизлардан қай бирингизнинг уйланишга қурби етса, уйлансин, чунки уйланиш кўзни тияди ва авратларни (ҳаромдан) сақлайди. Агар қурби етмаса, рўза тутсин, чунки рўза у учун қалқондир» (Муттафақун алайҳ).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الدُّنْيَا مَتَاعٌ وَخَيْرُ مَتَاعِ الدُّنْيَا الْمَرْأَةُ الصَّالِحَةُ» (رواه مسلم)

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Дунё мато-неъматдир ва дунё матоларининг энг яхшиси солиҳа аёлдир» (Имом Муслим ривояти).

Шарх:

Аллоҳ таоло инсонларни турмуш қуриб, жуфт-жуфт бўлиб яшашга табиатлантирган, бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳам суннатлари бўлиб, у зот турмуш қуришга буюрганлар, унга тарғиб қилганлар. Чунки бунда гуноҳдан сақланиш, нафс поклиги ва мусулмон наслининг кўпайиши ҳосил бўлади.

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

- 1- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам турмуш қуришга тарғиб қилганлар;
- 2- Дунё неъматлари ичида энг яхшиси солиҳа аёлдир.

275- дарс. Қизни ўзи истамаган кишига турмушга беришга мажбурлашнинг ҳаромлиги

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا تُنْكِحُ الْأَيِّمَ حَتَّى تُسْتَأْمَرَ وَلَا تُنْكِحُ الْبِكْرَ حَتَّى تُسْتَأْذَنَ قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ وَكَيْفَ إِذْنُهَا قَالَ أَنْ تَسْكُتَ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Жувон (аввал турмуш кўрган аёл) ўзи билан маслаҳат қилинмагунча турмушга берилмайди. Бокира қизни унинг изни-розилиги олинмагунча турмушга берилмайди». Саҳобалар: «Ё Расулуллох, унинг розилиги қандай (билинади)?» деб сўрашди. «Сукут сақлаши (розилигидир)», дедилар (Муттафақун алайх).

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْأَيِّمُ أَحَقُّ بِنَفْسِهَا مِنْ وَلِيِّهَا وَالْبِكْرُ تُسْتَأْذَنُ فِي نَفْسِهَا وَإِذْنُهَا صُمَاتُهَا» (رواه مسلم).

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Жувон аёл ўзига валийсидан кўра ҳақлироқ, қиз боладан ўзи хусусида изн сўралади, изни – сукут қилишидир» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ خَنْسَاءَ بِنْتِ خِزَامِ الْأَنْصَارِيَّةِ أَنَّ أَبَاهَا زَوَّجَهَا وَهِيَ تَيْبٌ فَكَرِهَتْ ذَلِكَ فَأَتَتْ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَرَدَّ نِكَاحَهَا» (رواه البخاري).

Хансо бинт Хизом ал-Ансориядан ривоят қилинади: «У аввалда турмуш кўрган эди, отаси уни бировга никоҳлаб берди. У бу никоҳни ёқтирмасдан Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам

ҳузурларига шикоят қилиб борди. Шунда у зот унинг никоҳини рад қилдилар» (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Уйланмоқчи бўлган кишига розилик бериш ёки рад қилиш қиз-жувоннинг Аллоҳ берган ҳаққидир. Валийси уни мажбуран узатиши жоиз эмас, бунинг оқибати зарарли бўлиши мумкин. Валийси қиз билан маслаҳатлашиши, розилигини олиши лозим. Қиз бола розилигини изҳор қилишга уялиши мумкин, шунинг учун сукути ризо аломати деб қабул қилинади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Қиз-жувонни турмушга узатишда унинг райини олиш зарур;
- 2- Қиз боланинг сукути изни ўрнига ўтади;
- 3- Никоҳ дуруст бўлиши учун аёлнинг розилиги шарт.

276- дарс. Никоҳга оид айрим ҳукмлар

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى عَنِ الشُّغَارِ (متفق عليه).

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «шиғор»дан қайтардилар» (Муттафақун алайҳ).

Шифор – бир киши қизини бировга бериб, ўрнига унинг қизини олиши ва ўртада ҳар икки томонга маҳр берилмаслигидир.

عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا نِكَاحَ إِلَّا بِوَلِيِّ» (أخرجه الترمذي).

Абу Мусо розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Валийсиз никоҳ никоҳ эмас» (Имом Термизий ривояти).

Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам диндорга уйланишни насихат қилганлари:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «تُنكحُ الْمَرْأَةَ لِأَرْبَعٍ: لِمَالِهَا وَلِحَسَبِهَا وَجَمَالِهَا وَلِدِينِهَا، فَاظْفَرُ بِذَاتِ الدِّينِ تَرِبَتْ يَدَاكَ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам: «Аёл киши 4 сабабдан бири учун никоҳланади: Бойлиги, насаби, ҳусни ва дини учун. Шундай экан, сен диндорига уйланишга ҳаракат қил, қўлинг тупроққа тўлгур (яъни, барака топгур)», дедилар (Муттафақун алайҳ).

Шарх:

Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам бир киши қизини бировга бериб, ўрнига унинг қизини келин қилиб олиши, ўртада

ҳар икки томон бир-бирига маҳр бермаслигидан қайтарганлар. Бу ҳолатда эркаклар фойдаланмоқда, маҳрнинг асл эгалари аёллар маҳрдан қуруқ қолмоқдалар ва унинг қизи бунга, бунинг қизи унга берилиши гўёки маҳр ўрнида бўлмоқда. Аммо ҳар икки томон маҳр берса бундай қудачилик жоиз. Шунингдек, аёл кишини валийси бўлмаган ҳолда никоҳланиб, турмушга чиқишидан қайтарганлар, зеро бунинг ортидан ёмонлик келиб чиқиши мумкин. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйланмоқчи бўлган кишига диндор аёлни танлашга насиҳат қилганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Шиғор никоҳи мумкин эмас, у ботил саналади;
- 2- Аёл киши валийсиз никоҳланиши мумкин эмас;
- 3- Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйланмоқчи бўлган кишига диндор аёлни танлашни маслаҳат берганлар.

277- дарс. Бирдамликка буйруқ ва бўлинишдан қайтариқлар

Аллоҳ таоло айтади: «**Барчангиз Аллоҳнинг арқонига (Қуръонга) боғланингиз ва бўлинмангиз!**» (Оли Имрон: 103).

عَنْ عَرْفَجَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «إِنَّهُ سَتَكُونُ هَنَاتٌ وَهَنَاتٌ فَمَنْ أَرَادَ أَنْ يُفَرِّقَ أَمْرَ هَذِهِ الْأُمَّةِ وَهِيَ جَمِيعٌ فَاضْرِبُوهُ بِالسَّيْفِ كَأَنَّكَ مَنْ كَانَ» (رواه مسلم).

Арфажа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Келажакда кўп фитна ва фасодлар юз беради. Кимда-ким ушбу умматнинг жам бўлиб турган ишини бўлиб ташлашни истаса, ким бўлишидан қатъий назар, уни қилич билан чопинглар!» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ اللَّهَ يَرْضَى لَكُمْ ثَلَاثًا وَيَكْرَهُ لَكُمْ ثَلَاثًا، فَيَرْضَى لَكُمْ أَنْ تَعْبُدُوهُ وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا وَأَنْ تَعْتَصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعًا وَلَا تَفَرَّقُوا وَيَكْرَهُ لَكُمْ قِبَلٍ وَقَالَ وَكَثْرَةَ السُّؤَالِ وَإِضَاعَةَ الْمَالِ» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло сизлардан уч нарсага рози бўлади ва уч нарсани ёқтирмайди. Унга ибодат қилишингизга, Унга бирон нарсани шерик қилмаслигингизга, барчангиз Аллоҳнинг арқонига боғланишингиз ва бўлинмаслигингизга рози бўлади, миш-миш сўзлар айтишингизни, кўп савол беришингизни ва молни беҳуда совуришингизни ёқтирмайди» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ الْعَرَبَاذِ بْنِ سَارِيَةَ قَالَ صَلَّى بِنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَاتَ يَوْمٍ ثُمَّ أَقْبَلَ عَلَيْنَا فَوَعظَنَا مَوْعِظَةً بَلِيغَةً ذَرَفَتْ مِنْهَا الْعُيُونُ وَوَجِلَتْ مِنْهَا الْقُلُوبُ فَقَالَ قَائِلٌ يَا رَسُولَ اللَّهِ كَأَنَّ هَذِهِ مَوْعِظَةٌ مُودَّعٍ فَمَاذَا تَعْهَدُ إِلَيْنَا فَقَالَ: «أَوْصِيكُمْ بِتَقْوَى اللَّهِ وَالسَّمْعِ وَالطَّاعَةِ وَإِنْ عَبْدًا حَبَشِيًّا فَإِنَّهُ مَنْ يَعِشْ مِنْكُمْ بَعْدِي فَسَيْرِي اخْتِلَافًا كَثِيرًا فَعَلَيْكُمْ بِسُنَّتِي وَسُنَّةِ الْخُلَفَاءِ الْمَهْدِيِّينَ الرَّاشِدِينَ تَمَسَّكُوا بِهَا وَعَضُّوا عَلَيْهَا بِالنَّوَاجِذِ وَإِيَّاكُمْ وَمُحَدَّثَاتِ الْأُمُورِ فَإِنَّ كُلَّ مُحَدَّثَةٍ بِدْعَةٌ وَكُلَّ بِدْعَةٍ ضَلَالَةٌ» (رواه أبو داود والترمذي)

Ирбоз ибн Сория розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоздан сўнг бизларга юзланиб, ғоят таъсирли мавъиза қилдилар, бундан кўзлар ёшланиб, дилларга (Аллоҳдан) кўрқув тушди. Шунда бировимиз: «Ё Расулуллоҳ, бу сўзларингиз гўё видолашувчининг насиҳатига ўхшайди, бизларни нимага тавсия қиласиз?», деб сўради. «Сизларни Аллоҳдан тақво қилишга ва ҳабаш қул (амир қилинган) бўлса-да қулоқ солишга ва итоат қилишга васият қиламан. Чунки, мендан кейин яшаганларингиз тез орада кўп ихтилофларни кўради. Бас, менинг суннатимни ҳамда ҳидоят ва тўғри йўл устидаги халифаларнинг суннатларини лозим тутинглар, уларни маҳкам ушланглар ва тишларингиз билан (яъни, қаттиқ) ёпишинглар. (Динда) янги пайдо қилинган ишлардан сақланинглар. Зеро, ҳар бир янги пайдо қилинган иш бидъат ва ҳар бир бидъат залолатдир», дедилар (Абу Довуд ва Термизий ривоятлари).

Шарҳ:

Ислом дини жамоат, иттифоқлик ва ҳақ устида бирлашиш динидир. Шунинг учун Аллоҳ таоло ва Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам бўлиниш ва ихтилофдан қайтарганлар. Зеро, бу билан келишмовчиликлар, сафларнинг бўлиниши, қувватнинг кетиши, фитналар келиб чиқиши ва душманларга қулай имконият яратиб бериш ҳосил бўлади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Аллоҳнинг Китобига маҳкам боғланишга буюрилганмиз;
- 2- Ихтилоф ва бўлинишлардан қаттиқ қайтарилганмиз;
- 3- Келишмовчиликлар пайдо бўлганда Қуръон Карим ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига муурожаат қилиш зарур.

278- дарс. Бу умматнинг ихтилофи ва бир-бири билан жанг қилиши

عَنْ ثَوْبَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ اللَّهَ زَوَى لِي الْأَرْضَ فَرَأَيْتُ مَشَارِقَهَا وَمَغَارِبَهَا وَإِنَّ أُمَّتِي سَيَبْلُغُنَّ مُلْكَهَا مَا زُوِيَ لِي مِنْهَا وَأُعْطِيَتْ الْكَنْزَيْنِ الْأَحْمَرَ وَالْأَبْيَضَ وَإِنِّي سَأَلْتُ رَبِّي لِأُمَّتِي أَنْ لَا يُهْلِكَهَا بِسَنَةِ عَامَّةٍ وَأَنْ لَا يُسَلِّطَ عَلَيْهِمْ عَدُوًّا مِنْ سِوَى أَنْفُسِهِمْ فَيَسْتَبِيحَ بَيْضَتَهُمْ وَإِنَّ رَبِّي قَالَ يَا مُحَمَّدُ إِنِّي إِذَا قَضَيْتُ قَضَاءً فَإِنَّهُ لَا يُرَدُّ وَإِنِّي أُعْطَيْتُكَ لِأُمَّتِكَ أَنْ لَا أَهْلِكَهُمْ بِسَنَةِ عَامَّةٍ وَأَنْ لَا أُسَلِّطَ عَلَيْهِمْ عَدُوًّا مِنْ سِوَى أَنْفُسِهِمْ يَسْتَبِيحُ بَيْضَتَهُمْ وَلَوْ

اجْتَمَعَ عَلَيْهِمْ مَنْ بِأَقْطَارِهَا أَوْ قَالَ مَنْ بَيْنَ أَقْطَارِهَا حَتَّى يَكُونَ بَعْضُهُمْ يُهْلِكُ بَعْضًا وَيَسْبِي بَعْضُهُمْ بَعْضًا» (رواه مسلم).

Савбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло мен учун ерни йиғиб берди, мен унинг машриқу мағрибларини кўрдим. Умматимнинг мулки ердан мен учун йиғиб берилган жойгача етади. Менга қизил ва оқ (яъни олтин ва кумуш) хазиналар берилди. Мен Роббимдан умматимни ёппасига етадиган қаҳатчилик билан ҳалок қилмаслигини ва улар устига ўзларидан бошқа душманни ҳукмрон қилмаслигини ва (душманлари) уларнинг жамоатини йўқ қилиб ташламаслигини сўрадим. Роббим деди: «Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мен агар бир нарсани ҳукм қилсам, у қайтарилмайди. Мен сизнинг умматингизга уларни ёппасига етадиган қаҳатчилик билан ҳалок қилмасликни ва улар устига ўзларидан бошқа душманни ҳукмрон қилмасликни ва (ернинг) барча қитъаларидан одамлар йиғилиб келса-да, то улар (яъни умматингиз) ўзлари бир-бирларини ҳалок қилиб, бир-бирларини асир қилмагунча уларнинг жамоатини йўқ қилиб ташлай олмаслигини ато этдим» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ سَعْدِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَقْبَلَ ذَاتَ يَوْمٍ مِنَ الْعَالِيَةِ حَتَّى إِذَا مَرَّ بِمَسْجِدِ بَنِي مُعَاوِيَةَ دَخَلَ فَرَكَعَ فِيهِ رَكْعَتَيْنِ وَصَلَّيْنَا مَعَهُ وَدَعَا رَبَّهُ طَوِيلًا ثُمَّ انْصَرَفَ إِلَيْنَا فَقَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «سَأَلْتُ رَبِّي ثَلَاثًا فَأَعْطَانِي ثِنْتَيْنِ وَمَنْعَنِي وَاحِدَةً. سَأَلْتُ رَبِّي أَنْ لَا

يُهْلِكُ أُمَّتِي بِالسَّنَةِ فَأَعْطَانِيهَا وَسَأَلْتُهُ أَنْ لَا يَجْعَلَ
بِأَسْهُمُ بَيْنَهُمْ فَمَنْعَنِهَا» (رواه مسلم).

Саъд ибн Аби Ваққос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни Олиядан (Мадинанинг бир томони) келдилар, Бани Муовия масжиди ёнидан ўта туриб, унга кирдилар ва икки ракъат намоз ўқидилар. Биз ҳам у зот билан бирга намоз ўқидик. Роббиларига узоқ дуо қилдилар, сўнг бизга юзланиб дедилар: «Роббимдан уч нарсани сўрадим, иккитасини берди ва биттасини бермади: Роббимдан умматимни қаҳатчилик билан ҳалок қилмаслигини сўраган эдим, уни берди. Умматимни (ёппасига) сувга ғарқ қилиб ҳалок қилмаслигини сўраган эдим, уни ҳам берди. Бир-бирлари билан ўзаро урушмасликларини сўраган эдим, уни бермади» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу умматнинг бир-бири билан ихтилофлари ва ўзаро жанг қилишларини хабар берарканлар, бу билан умматни бундан огоҳлантирдилар ва унинг ёмонлигидан сақланишларини истадилар, бу нарса улар устига душманларини ҳукмрон қилиб қўйишидан хабар бердилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уммат ўзлари ўтганларидан кейин ихтилоф қилишлари хабарини берганлар;
- 2- Бу эса улар устига душманлари ғолиб бўлишларига сабаб бўлади;
- 3- Умматни ихтилофга берилишдан огоҳлантириш ва уларнинг сафларини ҳақ устида бирлаштиришга тарғиб.

279- дарс. Заллат йўлларининг кўплиги ва улардан огоҳлантириш

عَنْ حُدَيْفَةَ بْنِ الْيَمَانِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ النَّاسُ يَسْأَلُونَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الْخَيْرِ وَكُنْتُ أَسْأَلُهُ عَنِ الشَّرِّ مَخَافَةَ أَنْ يُدْرِكَنِي فَقُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّا كُنَّا فِي جَاهِلِيَّةٍ وَشَرٌّ فَجَاءَنَا اللَّهُ بِهَذَا الْخَيْرِ فَهَلْ بَعْدَ هَذَا الْخَيْرِ مِنْ شَرٍّ؟ قَالَ: «نَعَمْ» قُلْتُ وَهَلْ بَعْدَ ذَلِكَ الشَّرِّ مِنْ خَيْرٍ؟ قَالَ: «نَعَمْ وَفِيهِ دَخْنٌ» قُلْتُ وَمَا دَخْنُهُ؟ قَالَ: «قَوْمٌ يَهْدُونَ بِغَيْرِ هُدًى تَعْرِفُ مِنْهُمْ وَتُنْكِرُ» قُلْتُ فَهَلْ بَعْدَ ذَلِكَ الْخَيْرِ مِنْ شَرٍّ؟ قَالَ: «نَعَمْ دُعَاةٌ إِلَى أَبْوَابِ جَهَنَّمَ مَنْ أَجَابَهُمْ إِلَيْهَا قَذَفُوهُ فِيهَا» قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ صِفْهُمْ لَنَا فَقَالَ: «هُمْ مِنْ جِلْدَتِنَا وَيَتَكَلَّمُونَ بِأَلْسِنَتِنَا» قُلْتُ فَمَا تَأْمُرُنِي إِنْ أَدْرَكَنِي ذَلِكَ؟ قَالَ: «تَلْزَمُ جَمَاعَةَ الْمُسْلِمِينَ وَإِمَامَهُمْ» قُلْتُ فَإِنْ لَمْ يَكُنْ لَهُمْ جَمَاعَةٌ وَلَا إِمَامٌ؟ قَالَ: «فَاعْتَرِزْ تِلْكَ الْفِرْقَ كُلَّهَا وَلَوْ أَنْ تَعْضَّ بِأَصْلِ شَجَرَةٍ حَتَّى يُدْرِكَكَ الْمَوْتُ وَأَنْتَ عَلَى ذَلِكَ» (متفق عليه).

Ҳузайфа ибн ал-Ямон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан яхшилиқлар ҳақида сўрашар, мен эса ўзимга ёмонликлар етишидан

кўрққанимдан ёмонликлар ҳақида сўрардим. «Ё Расулуллоҳ, биз жоҳилият ва ёмонлик ичида эдик, Аллоҳ бизга бу яхшилиқни (яъни, иймон ва исломни) берди. Энди шу яхшилиқдан кейин бирон ёмонлик бўладими?», деб сўрадим. «Ҳа», дедилар. «У ёмонликдан кейин яна яхшилиқ бўладими?», дедим. «Ҳа, бироқ унда хиралиқ бўлади», дедилар. «Хиралиғи нима?» дедим. «Менинг йўлимдан бошқасига йўллайдиган қавм (бўлади), уларнинг яхши ишларини ҳам, ёмон ишларини ҳам кўрасиз», дедилар. «Бу яхшилиқдан кейин яна ёмонлик бўладими?», дедим. «Ҳа, жаҳаннам дарвозаларига чорловчилар (бўлади), ким уларнинг чақириғини қабул қилса, унга улоқтирадилар», дедилар. «Ё Расулуллоҳ, бизга уларнинг белгиларини айтиб беринг», дедим. «Улар бизнинг қавмларимиздан, бизнинг тилларимизда гапиришади», дедилар. «Ўша нарса менга етса, нима қилишга буюрасиз?», дедим. «Мусулмонлар жамоатини ва имомини (раҳбарини) маҳкам тутинг», дедилар. «Агар уларнинг жамоати ҳам, имоми ҳам бўлмаса-чи?», дедим. «Дарахтнинг томирини тишлаб бўлса-да, у фирқаларнинг ҳаммасидан четланинг, то ўлгунча мана шу ҳолатда қолинг», дедилар (Муттафақун алайҳ).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ خَطَّ لَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَطًّا ثُمَّ قَالَ: «هَذَا سَبِيلُ اللَّهِ» ثُمَّ خَطَّ خُطُوطًا عَنْ يَمِينِهِ وَعَنْ شِمَالِهِ ثُمَّ قَالَ: «هَذِهِ سُبُلٌ» قَالَ يَزِيدُ مُتَّفَرِّقَةٌ

عَلَىٰ كُلِّ سَبِيلٍ مِنْهَا شَيْطَانٌ يَدْعُو إِلَيْهِ ثُمَّ قَرَأَ { إِنَّ هَذَا صِرَاطِي مُسْتَقِيمًا فَاتَّبِعُوهُ وَلَا تَتَّبِعُوا
السُّبُلَ فَتَفَرَّقَ بِكُمْ عَنْ سَبِيلِهِ } (أخرجه أحمد).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга бир чизиқ чизиб: «Бу Аллоҳнинг йўли», дедилар. Кейин унинг ўнг ва чап томонига бир неча чизиқлар чизиб: «Булар турли-туман йўллар, улардан ҳар бирининг бошида унга чорлаб турадиган бир шайтон бор», дедилар, сўнг: «Албатта, мана шу Менинг Тўғри Йўлимдир. Бас, шу йўлга эргашинглар! (Бошқа) йўлларга эргашмангизки, улар сизларни Унинг йўлидан узиб қўяр» (Анъом: 153) оятини ўқидилар (Имом Аҳмад ривояти).

Шарҳ:

Аллоҳнинг тўғри йўли битта, унда эгрилик йўқ. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни баён қилиб берганлар. Шайтоннинг йўллари кўп ва хилма-хил бўлгани учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни ҳам баён қилганлар ва улардан огоҳлантирганлар. У йўллар ҳаққа зид ва залолат йўллари ҳамда жаҳаннам дарвозалари эканини айтганлар. Улардан қутилиш йўлини кўрсатиб берганлар, бу эса Аллоҳнинг Китоби ва Расулининг суннатига эргашиш, мусулмонлар жамоатини лозим тутиш билан бўлади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Аллоҳнинг тўғри йўли битта;
- 2- Залолат йўллари жуда кўп;
- 3- Залолат йўллари жаҳаннам дарвозаларидир, ким уларга юрса дўзахга бориб тушади;
- 4- Бу йўллардан қутулиш фақат Аллоҳнинг тўғри йўлига эргашиш в мусулмонлар жамоатини лозим тутиш билан бўлади.

280- дарс. Фитналардан огоҳлантириш ва улардан узоқ бўлишга буйруқлар

عن أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «يَتَقَارَبُ الزَّمَانُ وَيَنْقُصُ الْعِلْمُ وَيُلْقَى الشُّحُّ وَيَكْثُرُ الْهَرْجُ قَالُوا وَمَا الْهَرْجُ قَالَ الْقَتْلُ الْقَتْلُ» (رواه البخاري).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Замон яқинлашади (яъни кунлар тез ўтади), илм камаяди, (қалбларга) бахиллик ташланади, қатл қилиш кўпаяди» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ لَا يَأْتِي عَلَيْكُمْ زَمَانٌ إِلَّا الَّذِي بَعْدَهُ شَرٌّ مِنْهُ حَتَّى تَلْقُوا رَبَّكُمْ سَمِعْتُهُ مِنْ نَبِيِّكُمْ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ (رواه البخاري).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизларга

қандай (оғир) замон келмасин, то Роббингизга йўлиққунингизча кейин келадигани ундан ҳам ёмонроқ бўлаверади» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ حُذَيْفَةَ بْنِ الْيَمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ النَّاسُ يَسْأَلُونَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الْخَيْرِ وَكُنْتُ أَسْأَلُهُ عَنِ الشَّرِّ مَخَافَةَ أَنْ يُدْرِكَنِي فَقُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّا كُنَّا فِي جَاهِلِيَّةٍ وَشَرٌّ فَجَاءَنَا اللَّهُ بِهَذَا الْخَيْرِ فَهَلْ بَعْدَ هَذَا الْخَيْرِ مِنْ شَرٍّ؟ قَالَ: «نَعَمْ» قُلْتُ وَهَلْ بَعْدَ ذَلِكَ الشَّرِّ مِنْ خَيْرٍ؟ قَالَ: «نَعَمْ وَفِيهِ دَخْنٌ» قُلْتُ وَمَا دَخْنُهُ؟ قَالَ: «قَوْمٌ يَهْدُونَ بِغَيْرِ هُدًى تَعْرِفُ مِنْهُمْ وَتُنْكِرُ» قُلْتُ فَهَلْ بَعْدَ ذَلِكَ الْخَيْرِ مِنْ شَرٍّ؟ قَالَ: «نَعَمْ دُعَاةٌ إِلَى أَبْوَابِ جَهَنَّمَ مَنْ أَجَابَهُمْ إِلَيْهَا قَذَفُوهُ فِيهَا» قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ صِفْهُمْ لَنَا فَقَالَ: «هُمْ مِنْ جِلْدَتِنَا وَيَتَكَلَّمُونَ بِالسِّنِّتِنَا» قُلْتُ فَمَا تَأْمُرُنِي إِنْ أَدْرَكَنِي ذَلِكَ؟ قَالَ: «تَلْزِمُ جَمَاعَةَ الْمُسْلِمِينَ وَإِمَامَهُمْ» قُلْتُ فَإِنْ لَمْ يَكُنْ لَهُمْ جَمَاعَةٌ وَلَا إِمَامٌ؟ قَالَ: «فَاعْتَزِلْ تِلْكَ الْفِرْقَ كُلَّهَا وَلَوْ أَنْ تَعَضَّ بِأَصْلِ شَجَرَةٍ حَتَّى يُدْرِكَكَ الْمَوْتُ وَأَنْتَ عَلَى ذَلِكَ» (متفق عليه).

Ҳузайфа ибн ал-Ямон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан яхшиликлар ҳақида сўрашар, мен эса ўзимга ёмонликлар етишидан кўрққанимдан ёмонликлар ҳақида сўрардим. «Ё Расулуллоҳ, биз жоҳилият ва ёмонлик ичида эдик, Аллоҳ бизга бу яхшиликни (яъни, иймон ва исломни) берди. Энди шу яхшиликдан кейин бирон ёмонлик бўладими?», деб сўрадим. «Ҳа», дедилар. «У ёмонликдан кейин яна яхшилик бўладими?», дедим. «Ҳа, бироқ унда хиралик бўлади», дедилар. «Хиралиги нима?» дедим. «Менинг йўлимдан бошқасига йўллайдиган қавм (бўлади),

уларнинг яхши ишларини ҳам, ёмон ишларини ҳам кўрасиз», дедилар. «Бу яхшиликдан кейин яна ёмонлик бўладими?», дедим. «Ҳа, жаҳаннам дарвозаларига чорловчилар (бўлади), ким уларнинг чақириғини қабул қилса, унга улоқтирадилар», дедилар. «Ё Расулуллоҳ, бизга уларнинг белгиларини айтиб беринг», дедим. «Улар бизнинг қавмларимиздан, бизнинг тилларимизда гапиришади», дедилар. «Ўша нарса менга етса, нима қилишга буюрасиз?», дедим. «Мусулмонлар жамоатини ва имомини (раҳбарини) маҳкам тутинг», дедилар. «Агар уларнинг жамоати ҳам, имоми ҳам бўлмаса-чи?», дедим. «Дарахтнинг томирини тишлаб бўлса-да, у фирқаларнинг ҳаммасидан четланинг, то ўлгунча мана шу ҳолатда қолинг», дедилар (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Охир замонда фитналар кўпайиб, хилма-хил бўлади, у сабабли кўп одамлар ҳалок бўлишади. Унинг ёмонлигидан фақат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини ушлаган, имкон қадар фитналарга аралашишдан узоқда бўлган ва мусулмонларнинг жамоатини лозим тутган, ва сабр қилиш, Аллоҳдан динда собит қилишини сўраш билан бирга кўлидан келганича ислоҳ қилишга уринган кишиларгина саломат қолишади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Охир замонда фитналарнинг кўпайиши;
- 2- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмон кишини улардан узоқлашишга ва улардан эҳтиёт бўлишга чорлаганлари;
- 3- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фитналар вақтида мусулмонлар жамоатини лозим тутишга буюрганлари.

281- дарс. Мусулмоннинг фитнага нисбатан тутган ўрни

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «يُوشِكُ أَنْ يَكُونَ خَيْرَ مَالِ الْمُسْلِمِ غَنَمٌ يَتَّبَعُ بِهَا شَعَفَ الْجِبَالِ وَمَوَاقِعَ الْقَطْرِ يَفْرُ بِدِينِهِ مِنَ الْفِتَنِ» (رواه البخاري).

Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Яқин кунларда мусулмоннинг энг яхши моли – динини фитналардан олиб қочиб, тоғларнинг тепаларига ва ёмғирли ўринларга ҳайдаб чиқиб кетадиган қўйи бўлиб қолади» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أَهْبَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ أَوْصَانِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: «سَتَكُونُ فِتْنٌ وَفُرْقَةٌ فَإِذَا كَانَ ذَلِكَ فَامْكِسِرْ سَيْفَكَ وَاتَّخِذْ سَيْفًا مِنْ خَشَبٍ» (أخرجه أحمد).

Уҳбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга шундай васият (насихат)

қилганлар: «Ҳали фитналар ва бўлинишлар бўлади. Ўшандай ҳол юз берганида қиличингни синдир ва ёғочдан қилич қилиб ол» (Имом Аҳмад ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «سَتَكُونُ فِتْنُ الْقَاعِدِ فِيهَا خَيْرٌ مِنَ الْقَائِمِ وَالْقَائِمِ فِيهَا خَيْرٌ مِنَ الْمَاشِي وَالْمَاشِي فِيهَا خَيْرٌ مِنَ السَّاعِي وَمَنْ يُشْرِفَ لَهَا تَسْتَشْرِفُهُ وَمَنْ وَجَدَ مَلْجَأً أَوْ مَعَاذًا فَلْيَعُذْ بِهِ» (رواه البخاري).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ҳали шундай фитналар бўладики, улар пайтида ўйрган одам тик турган одамдан яхши, тик турган одам юриб кетаётган одамдан яхши, юриб кетаётган одам югуриб бораётган одамдан яхши бўлади. Ким уларга интилса, уни ҳалок қиладилар. Кимда-ким бирон бошпана ёки ҳимоя топса, паноҳлансин!» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ مَعْقِلِ بْنِ يَسَارٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْعِبَادَةُ فِي الْهَرَجِ كَهَجْرَةِ إِلَيَّ» (رواه مسلم).

Маъқил ибн Ясор розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Фитналар пайтида ибодат билан машғул бўлиш менинг ҳузуримга ҳижрат қилиш билан тенг» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ حُذَيْفَةَ بْنِ الْيَمَانِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ النَّاسُ يَسْأَلُونَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الْخَيْرِ وَكُنْتُ أَسْأَلُهُ عَنِ الشَّرِّ مَخَافَةَ أَنْ يُدْرِكَنِي فَقُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّا كُنَّا فِي جَاهِلِيَّةٍ وَشَرٌّ فَجَاءَنَا اللَّهُ بِهَذَا الْخَيْرِ فَهَلْ بَعْدَ هَذَا الْخَيْرِ مِنْ شَرٍّ؟ قَالَ: «نَعَمْ» قُلْتُ وَهَلْ بَعْدَ ذَلِكَ الشَّرِّ مِنْ خَيْرٍ؟ قَالَ: «نَعَمْ وَفِيهِ دَخْنٌ» قُلْتُ وَمَا دَخْنُهُ؟ قَالَ: «قَوْمٌ يَهْدُونَ بِغَيْرِ هُدًى تَعْرِفُ مِنْهُمْ وَتُنْكِرُ» قُلْتُ فَهَلْ بَعْدَ ذَلِكَ الْخَيْرِ مِنْ شَرٍّ؟ قَالَ: «نَعَمْ دُعَاةٌ إِلَى أَبْوَابِ جَهَنَّمَ مَنْ أَجَابَهُمْ إِلَيْهَا قَذَفُوهُ فِيهَا» قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ صِفْهُمْ لَنَا فَقَالَ: «هُمْ مِنْ جِلْدَتِنَا وَيَتَكَلَّمُونَ بِالسِّنِّتِنَا» قُلْتُ فَمَا تَأْمُرُنِي إِنْ أَدْرَكَنِي ذَلِكَ؟ قَالَ: «تَلْزِمُ جَمَاعَةَ الْمُسْلِمِينَ وَإِمَامَهُمْ» قُلْتُ فَإِنْ لَمْ يَكُنْ لَهُمْ جَمَاعَةٌ وَلَا إِمَامٌ؟ قَالَ: «فَاعْتَزِلْ تِلْكَ الْفِرْقَ كُلَّهَا وَلَوْ أَنْ تَعُضَّ بِأَصْلِ شَجَرَةٍ حَتَّى يُدْرِكَكَ الْمَوْتُ وَأَنْتَ عَلَى ذَلِكَ» (متفق عليه).

Ҳузайфа ибн ал-Ямон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан яхшиликлар ҳақида сўрашар, мен эса ўзимга ёмонликлар етишидан кўрққанимдан ёмонликлар ҳақида сўрардим. «Ё Расулуллоҳ, биз жоҳилият ва ёмонлик ичида эдик, Аллоҳ бизга бу яхшиликни (яъни, иймон ва исломни) берди. Энди шу яхшиликдан кейин бирон ёмонлик бўладими?», деб сўрадим. «Ҳа», дедилар. «У ёмонликдан кейин яна яхшилик бўладими?», дедим. «Ҳа, бироқ унда хиралик бўлади», дедилар. «Хиралиги нима?» дедим. «Менинг йўлимдан бошқасига йўллайдиган қавм (бўлади), уларнинг яхши ишларини ҳам, ёмон ишларини ҳам кўрасиз», дедилар. «Бу яхшиликдан кейин яна ёмонлик бўладими?», дедим. «Ҳа, жаҳаннам дарвозаларига чорловчилар (бўлади), ким уларнинг чақириғини қабул қилса, унга улоқтирадилар», дедилар. «Ё

Расулуллоҳ, бизга уларнинг белгиларини айтиб беринг», дедим. «Улар бизнинг қавмларимиздан, бизнинг тилларимизда гапиришади», дедилар. «Ўша нарса менга етса, нима қилишга буюрасиз?», дедим. «Мусулмонлар жамоатини ва имомини (раҳбарини) маҳкам тутинг», дедилар. «Агар уларнинг жамоати ҳам, имоми ҳам бўлмаса-чи?», дедим. «Дарахтнинг томирини тишлаб бўлса-да, у фирқаларнинг ҳаммасидан четланинг, то ўлгунча мана шу ҳолатда қолинг», дедилар (Муттафақун алайх).

Шарҳ:

Фитналар – Аллоҳ таоло ушбу умматни дучор қиладиган синов ва имтиҳонлардир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг юз беришини хабар берганлар ва мусулмон киши фитналар пайтида Аллоҳнинг изни билан уларнинг ёмонлигидан саломат қолиши учун нималар қилиши лозимлигига йўллаганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Фитналардан сақланиш, улардан узоқ бўлиш ва уларга аралашашига интилмаслик лозимлиги;

2- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фитна пайтида урушни тарк қилишга йўллаганлари;

3- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фитналар пайтида мусулмонлар жамоати ва имомини лозим тутишга буюрганлари;

4- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фитналар юз берганда ибодат қилишга тарғиб қилганлари.

282- дарс. Аёллар фитнасидан эҳтиёт бўлишга чорлов

Аллоҳ таоло айтади: «Эркаклар хотинлари устида раҳбардирлар» (Нисо: 34).

عَنْ أُسَامَةَ بْنِ زَيْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَا تَرَكَتُ بَعْدِي فِتْنَةً أَضَرَ عَلَى الرَّجَالِ مِنَ النِّسَاءِ» (متفق عليه).

Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Эркакларга аёллардан кўра зарарлироқ фитнани ортимда қолдирмадим» (Муттафақун алайҳ).

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ الدُّنْيَا حُلْوَةٌ خَضِرَةٌ وَإِنَّ اللَّهَ مُسْتَخْلِفُكُمْ فِيهَا فَيَنْظُرُ كَيْفَ تَعْمَلُونَ فَاتَّقُوا الدُّنْيَا وَاتَّقُوا النِّسَاءَ فَإِنَّ أَوَّلَ فِتْنَةٍ بَنِي إِسْرَائِيلَ كَانَتْ فِي النِّسَاءِ» (رواه مسلم).

Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Албатта, дунё тотли ва яшанг нарсадир. Аллоҳ таоло сизларни унда халифа қилади сўнгра қандай амал қилишларингизни кузатиб туради. Шундай экан, дунёдан эҳтиёт бўлинглар! Аёллардан ҳам эҳтиёт

бўлинглар! Чунки Бани Исроилнинг илк фитналаниши аёллар хусусида бўлган» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Аёллар фитнаси катта фитна, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан огоҳлантирганлар ва Бани Исроилнинг илк фитнага дучор бўлиши аёллар билан бўлганини хабар берганлар. Бегона аёллар билан ёлғиз қолиш фитна. Бир киши бегона бир аёл билан холи қолса, учинчилари албатта шайтон бўлади. Улар билан аралашиб юриш фитна. Бугунги кунда инсон ва жин шайтонлари айни шу нарсага қаттиқ ҳаракат қилишади. Аёллар заруратсиз уйларида чикишлари фитна, уларнинг кўнгиллари тилаган ҳар бир нарсага хўп дейиш фитна, очик-сочик юришлари ва бунга бепарво қараш фитна. Аввалдан эътибор берилмаса кейин ўчириш қийин бўладиган ушбу фитна алангаларидан огоҳ бўлиш лозим.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Аёллар фитнасидан эҳтиёт бўлиш лозимлиги;
- 2- Эркакларнинг аёлларни маҳкам ушлашдаги масъулиятлари ва бунга бепарво қарашнинг зарарлари.

283- дарс. Ҳасаддан қайтариш

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا تَبَاغَضُوا وَلَا تَحَاسَدُوا وَلَا تَدَابَرُوا وَكُونُوا عِبَادَ اللَّهِ إِخْوَانًا وَلَا يَحِلُّ لِمُسْلِمٍ أَنْ يَهْجُرَ أَخَاهُ فَوْقَ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ» (متفق عليه).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Бир-бирингизга нафрат қилмангиз, бир-бирингизга ҳасад қилмангиз, бир-бирингиздан юз бурмангиз, ўзаро биродар бўлинг эй Аллоҳнинг бандалари! Муслмон киши биродари билан уч кундан ортиқ гаплашмай қўйиши дуруст эмас!» (Муттафақун алайҳ).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا تَبَاغَضُوا وَلَا تَتَّجَسَبُوا وَلَا تَبَاغَضُوا وَلَا تَدَابَرُوا وَلَا يَبِيعُ بَعْضُكُمْ عَلَى بَيْعِ بَعْضٍ وَكُونُوا عِبَادَ اللَّهِ إِخْوَانًا الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ، التَّقْوَى هَاهُنَا - وَيُشِيرُ إِلَى صَدْرِهِ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ - بِحَسَبِ امْرَأٍ مِنَ الشَّرِّ أَنْ يَحْقِرَ أَخَاهُ الْمُسْلِمَ كُلُّ الْمُسْلِمِ عَلَى الْمُسْلِمِ حَرَامٌ دَمُهُ وَمَالُهُ وَعِرْضُهُ» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Бир-бирингизга ҳасад қилманглар, таножуш қилманглар (яъни, сотиб олиш қасди бўлмаган ҳолда бошқа бировни қизиқтириш учун бирингиз бошқа бирингизнинг молини ошиқ нарҳда сўрамасин), бир-бирингизга адоват қилманглар, бир-бирингиздан юз ўгирманглар, бирингиз бирингизнинг савдоси устига савдо қилмасин, ўзаро биродар бўлинг эй Аллоҳнинг бандалари! Муслмон муслмоннинг

биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ёрдамсиз қўймайди, уни камситмайди. Тақво мана бу ерда – қалбларига ишора қилиб уч марта шундай дедилар, – мусулмон биродарини камситиши кишининг ёмонлигига кифоядир. Ҳар бир мусулмоннинг қони, моли ва номуси мусулмонга ҳаромдир» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «لَا حَسَدَ إِلَّا فِي اثْنَتَيْنِ رَجُلٍ آتَاهُ اللَّهُ مَالًا فَسَلَّطَهُ عَلَى هَلَكْتِهِ فِي الْحَقِّ وَرَجُلٍ آتَاهُ اللَّهُ حِكْمَةً فَهُوَ يَقْضِي بِهَا وَيُعَلِّمُهَا» (متفق عليه).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Фақат икки нарсага ҳасад (яъни ҳавас) қилса бўлади: Аллоҳ таоло бировга мол-давлат берса ва уни ҳақ йўлда сарфлайдиган қилиб қўйса; Аллоҳ таоло бировга ҳикмат ато этса ва у ўша билан ҳукм қиладиган ва уни таълим берадиган бўлса» (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Ҳасад – бировда бўлган неъматни ёмон кўриш ва унинг заволини исташ бўлиб, бу ўта айбли ва жирканч хулқ-атвордир. Ҳасадгўйлик мусулмонлар ўртаси бузилишига, бир-бирларига нисбатан нафрат ва адоват пайдо бўлишига, бир-бирларига зарар етказишга сабаб бўлиши туфайли Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан қайтарганлар. Бошқа бировда бўлган диний

ишларда илғорлик каби яхшиликларни ҳавас қилиш ва ўзида ҳам ўша нарса бўлишини орзу қилиш айбли ҳасад жумласига кирмайди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Мўминлар ўртасида ҳасаднинг ман қилингани;

2- Яхши ишларда ҳавас қилиш ҳасад эмас.

284- дарс. Омонатга хиёнат қилмаслик ва уни адо этишга буйруқлар

Аллоҳ таоло айтади:

«Албатта Биз бу омонатни (яъни шариати Исломийядаги тоат-ибодатларни) осмонларга, ерга ва тоғу тошларга кўндаланг (таклиф) қилган эдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан кўрқдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди. Дарҳақиқат у (ўзига) зулм қилувчи ва нодон эди (яъни бу омонатнинг нақадар вазмин юк эканлигини бутун коинот билди ва уни кўтаришга қурби етмаслигини сизди, аммо инсон ўзи билмаган ҳолда ўта мушкул вазифани ўз зиммасига олди)» (Ахзоб: 72).

«Албатта, Аллоҳ сизларни омонатларини ўз эгаларига топширишга ва одамлар орасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишга буюради» (Нисо: 58).

«Зеро, сен ёллаган энг яхши киши кучли, омонатли-ишончли кишидир», деди (Қасас: 26).

«Улар (яъни мўмин-мусулмонлар) ўзларига ишонилган омонатларга ва (ўзгаларга) берган аҳд-паймонларига риоя қилувчи зотлардир» (Маориж: 32).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ بَيْنَمَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي مَجْلِسٍ يُحَدِّثُ الْقَوْمَ جَاءَهُ
أَعْرَابِيٌّ فَقَالَ مَتَى السَّاعَةُ؟ فَمَضَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُحَدِّثُ فَقَالَ بَعْضُ الْقَوْمِ سَمِعَ
مَا قَالَ فَكَرِهَ مَا قَالَ وَقَالَ بَعْضُهُمْ بَلْ لَمْ يَسْمَعْ حَتَّى إِذَا قَضَى حَدِيثَهُ قَالَ: «أَيْنَ أَرَاهُ السَّائِلُ عَنْ
السَّاعَةِ» قَالَ هَا أَنَا يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ: «فَإِذَا ضَيَّعَتِ الْأَمَانَةُ فَانْتَظِرِ السَّاعَةَ» قَالَ كَيْفَ
إِضَاعَتُهَا؟ قَالَ: «إِذَا وُسِّدَ الْأَمْرُ إِلَى غَيْرِ أَهْلِهِ فَانْتَظِرِ السَّاعَةَ»
(رواه البخاري).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Набий соллаллоху алайҳи ва саллам бир мажлисда қавмга гапириб турганларида бир аъробий келиб: «Қиёмат қачон?» деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам сўзлашда давом этдилар. Қавмнинг баъзилари: «Унинг гапини эшитдилар-у, лекин айтган сўзини ёқтирмадилар» дейишди. Баъзилари эса: «Йўқ, эшитмадилар» дейишди. Сўзларини тугатгач: «Қиёмат ҳақида сўровчи қани?» дедилар. «Ҳа, мен, ё Расулуллоҳ» деди. У зот: «Омонат зое қилинса, қиёматни кутавер» дедилар. «Уни зое қилиш қандай бўлади?» деди. «Ишни нолайиқ одамга топширилса, қиёматни кутавер» дедилар (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَلَّمَا خَطَبَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَّا قَالَ: «لَا إِيمَانَ لِمَنْ لَا أَمَانَةَ لَهُ وَلَا دِينَ لِمَنْ لَا عَهْدَ لَهُ» (أخرجه أحمد).

Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам деярли ҳар бир хутбаларида: «Омонати йўқ кишининг иймони йўқ, аҳди йўқ кишининг дини йўқ», дердилар (Имом Аҳмад ривояти).

Шарҳ:

Омонатнинг масъулияти жуда катта, Аллоҳ таоло уни муҳофаза қилиш, адо қилиш ва риоя қилишга буюрган, омонатдор кишиларни мақтаган. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам омонатдорлиги йўқ кишининг иймони бўлмаслигини, омонатни зое қилиш қиёматнинг белгиларидан эканини айтганлар.

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

- 1- Омонатнинг иши оғирлиги, уни асраш лозимлиги;
- 2- Омонатга риоя қилиш нажот топувчи мўминларнинг сифатидан экани;
- 3- Омонатларни ўз эгаларига адо қилиш шартлиги;
- 4- Омонатдорлиги йўқ кишининг дини бўлмаслиги.

285- дарс. Аллоҳ Ўз соясида соялантирадиган етти киши хақида

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «سَبْعَةٌ يُظِلُّهُمُ اللَّهُ فِي ظِلِّهِ يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلُّهُ الْإِمَامُ الْعَادِلُ وَشَابٌّ نَشَأَ فِي عِبَادَةِ رَبِّهِ وَرَجُلٌ قَلْبُهُ مُعَلَّقٌ فِي الْمَسَاجِدِ وَرَجُلَانِ تَحَابَّا فِي اللَّهِ اجْتَمَعَا عَلَيْهِ وَتَفَرَّقَا عَلَيْهِ وَرَجُلٌ طَلَبْتُهُ امْرَأَةً ذَاتَ مَنْصِبٍ وَجَمَالٍ فَقَالَ إِنِّي أَخَافُ اللَّهَ وَرَجُلٌ تَصَدَّقَ أَخْفَى حَتَّى لَا تَعْلَمَ شِمَالَهُ مَا تُنْفِقُ يَمِينُهُ وَرَجُلٌ ذَكَرَ اللَّهَ خَالِيًا فَفَاضَتْ عَيْنَاهُ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Етти киши борки, Аллоҳ Ўзининг соясидан бошқа соя бўлмаган кунда уларни Ўз соясида соялантиради: Адолатли имом-раҳбар; Роббининг ибодатида улғайган йигит; қалби масжидларга боғланган киши; Аллоҳ йўлида дўстлашган, Унинг йўлида бирлашиб, Унинг йўлида ажрашувчи икки киши; мансабли ва соҳибжамол аёл ўзига чорлаганда: «Мен Аллоҳдан кўрқаман», деган киши; махфий ҳолда садақа берган, ҳатто ўнг қўли берганини чап қўли билмаган киши; Аллоҳни холий зикр қилиб, кўзёши тўккан киши» (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Қиёмат куни одамларга қаттиқ қийинчилик ва машаққат етади, қуёш бир мил миқдорида яқинлашади, шунда улар ғоят бетоқат бўлиб, қийналиб кетишади. Мана шундай ҳолатда айрим кишилар

Раҳмон таолонинг арши соясида роҳат ва омонликда турадилар. Мазкур етти тоифа кишилар ҳам ўшалар жумласидан, уларни Аллоҳдан қўрқиш ва амални Аллоҳга холис қилиш сифати жамлайди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам уларнинг амалларини бизга тарғиб қилиш ва ундаш мақсадида зикр қилдилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Мазкур етти тоифа аҳлининг фазли;
- 2- Улар қиёмат куни Аллоҳ таолонинг арши соясида бўладиган кишилар жумласидан эканлари.

286- дарс. Мусулмоннинг мусулмон устидаги ҳақлари

Аллоҳ таоло айтади: «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оғанилардир» (Ҳужурот: 10).

عن أبي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «حَقُّ الْمُسْلِمِ عَلَى الْمُسْلِمِ خَمْسٌ رُدُّ السَّلَامِ وَعِيَادَةُ الْمَرِيضِ وَاتِّبَاعُ الْجَنَائِزِ وَإِجَابَةُ الدَّعْوَةِ وَتَشْمِيتُ الْعَاطِسِ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мусулмоннинг мусулмон устида бешта ҳаққи бор: Саломига алик олиш; касалини бориб

кўриш; жанозасига қатнашиш; чақирилган жойга бориш; акса урганга (ярхамукаллоҳ деб) ташмит айтиш» (Муттафақун алайх).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا تَحَاسَدُوا وَلَا تَنَاجَشُوا وَلَا تَبَاغَضُوا وَلَا تَدَابَرُوا وَلَا يَبِعْ بَعْضُكُمْ عَلَى بَعْضٍ وَكُونُوا عِبَادَ اللَّهِ إِخْوَانًا الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ، التَّقْوَى هَاهُنَا - وَيُشِيرُ إِلَى صَدْرِهِ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ - بِحَسَبِ امْرَأٍ مِنَ الشَّرِّ أَنْ يَحْقِرَ أَخَاهُ الْمُسْلِمَ كُلُّ الْمُسْلِمِ عَلَى الْمُسْلِمِ حَرَامٌ دَمُهُ وَمَالُهُ وَعِرْضُهُ» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Бир-бирингизга ҳасад қилманглар, таножуш қилманглар (яъни, сотиб олиш қасди бўлмаган ҳолда бошқа бировни қизиқтириш учун бирингиз бошқа бирингизнинг молини ошиқ нархда сўрамасин), бир-бирингизга адоват қилманглар, бир-бирингиздан юз ўгирманглар, бирингиз бирингизнинг савдоси устига савдо қилмасин, ўзаро биродар бўлинг эй Аллоҳнинг бандалари! Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ёрдамсиз қўймайди, уни камситмайди. Тақво мана бу ерда – қалбларига ишора қилиб уч марта шундай дедилар, – мусулмон биродарини камситиши кишининг ёмонлигига кифоядир. Ҳар бир мусулмоннинг қони, моли ва номуси мусулмонга ҳаромдир» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Мусулмонлар оға-ини ва биродардирлар, уларни иймоний биродарлик робиталари боғлаб туради. Биродарнинг биродари устида айрим ҳақлари борки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни уларни билишга йўллаганлар, биродарликка зид келадиган ва уларни заифлаштирадиган ишлардан огоҳлантирганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Мўминлар ўзаро биродардирлар;

2- Мусулмон кишининг мусулмон биродари устида ҳақлари бор.

Уларга риоя қилиш лозим, бу борада қосирлик қилиш ярамайди.

287- дарс. Аллоҳга даъват қилишнинг фазли

Аллоҳ таоло айтади:

«(Одамларни) Аллоҳ(нинг дини)га даъват қилган ва ўзи ҳам яхши амал қилиб, «Шак-шубҳасиз мен мусулмонлардандирман», деган кишидан ҳам чиройлироқ сўзлагувчи ким бор?» (Фуссилат: 33).

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Парвардигорингизнинг йўли — динига ҳикмат (донолик) ва чиройли панд-насихат билан даъват қилинг!» (Наҳл: 125).

«Айтинг: «Менинг йўлим шудир. Мен Аллоҳга даъват қиламан. Мен ва менга эргашган кишилар аниқ хужжатга — ишончга эгамиз» (Юсуф: 108).

عَنْ سَهْلِ يَعْني ابْنَ سَعْدٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «وَاللَّهِ لَأَنْ يَهْدِيَ اللهُ بِهَذَاكَ رَجُلًا وَاحِدًا خَيْرٌ لَكَ مِنْ حُمْرِ النَّعَمِ» (رواه أبو داود)

Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сен сабабли бир кишини ҳидоят қилиши сен учун қизил туялар бўлишидан кўра яхшироқдир» (Имом Абу Довуд ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ دَعَا إِلَى هُدًى كَانَ لَهُ مِنَ الْأَجْرِ مِثْلُ أُجُورِ مَنْ تَبِعَهُ لَا يَنْقُصُ ذَلِكَ مِنْ أُجُورِهِمْ شَيْئًا» (رواه مسلم)

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким инсонларни ҳидоятга чақирса, у, ўзига эргашган инсонлар эга бўлган миқдордаги савоб билан ажрланади. Ва бу эса эргашганларнинг савобларидан ҳеч нарсани камайтирмайди» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Аллоҳга даъват қилиш пайғамбарларнинг амали ва мўминларнинг йўлидир. Аллоҳ таоло Китобида унга буюрган,

Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга тарғиб қилганлар ва унда бўлган улкан ажрлар ҳақида хабар берганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Аллоҳга даъват қилишнинг фазли;
- 2- Биргина одамнинг ҳидоятига сабаб бўлиб қолган кишига катта ажрлар берилиши;
- 3- Ким одамларни яхшилик ишларидан бир ишга чақирса, унга ўша яхшиликка эргашган кишилар ажрича ажр берилади.

288- дарс. Яҳуд ва насороларни Арабистон оролидан чиқариб юборишга буюрганлари ҳақида

Аллоҳ таоло айтади: «Эй мўминлар, ҳеч шак-шубҳасиз, мушриклар нопок кимсалардир, бас, (улар) бу йилдан сўнг Масжид-ал-Ҳаромга яқин келмасинлар!» (Тавба: 28).

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَخْرِجُوا الْمُشْرِكِينَ مِنْ جَزِيرَةِ الْعَرَبِ» (رواه البخاري).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мушрикларни Араб оролидан чиқариб юборинглар» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «لَا خُرَجَنَّ الْيَهُودَ وَالنَّصَارَى مِنْ جَزِيرَةِ الْعَرَبِ حَتَّى لَا أَدْعَ إِلَّا مُسْلِمًا» (رواه مسلم).

Умар ибн Хаттоб розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Яҳуд ва насороларни Араб оролидан албатта чиқариб юбораман, мусулмонлардан бошқани қолдирмайман» (Имом Муслим ривояти).

Шарх:

Араб ороли – Аллоҳ таоло икки Ҳарами шариф билан хослаган, Ўз рисолатининг хотима ўрни қилган ердир. Ислом ундан чиқди ва унга қайтади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам мусулмон бўлмаганларни ундан чиқариб юборишга буюрдилар, у Ислом ери, покиза ердир, унда фақат пок кишилар туриши мумкин.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

Мусулмон бўлмаганларни Араб оролидан чиқаришга буйруқ.

289- дарс. Отишни ўрганишга буйруқ

عَنْ سَلَمَةَ بْنِ الْأَكْوَعِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ مَرَّ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى نَفَرٍ مِنْ أَسْلَمَ يَنْتَضِلُونَ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «ارْمُوا بَنِي إِسْمَاعِيلَ فَإِنَّ أَبَاكُمْ كَانَ رَامِيًا» (رواه البخاري).

Салама ибн ал-Акваъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам (камон) отишда мусобақа қилишаётган Аслам қабиласидан бир неча киши ёнидан ўтдилар ва: «Отинглар эй Бани Исмоил, отангиз мерган бўлган», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ عُقْبَةَ بْنِ عَامِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ عَلَى الْمِنْبَرِ يَقُولُ { وَأَعِدُّوا لَهُمْ مَا اسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ } { أَلَا إِنَّ الْقُوَّةَ الرَّمِّيَّ أَلَا إِنَّ الْقُوَّةَ الرَّمِّيَّ أَلَا إِنَّ الْقُوَّةَ الرَّمِّيَّ } (رواه مسلم).

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни минбарда туриб: «(Эй мўминлар), улар учун имконингиз борича куч тайёрлаб қўйингиз» (Анфол: 60) (оятини ўқиб), «Билинглари, куч – (камон) отишдир, билинглари, куч – отишдир, билинглари, куч – отишдир» деганларини эшитганман (Имом Муслим ривояти).

عَنْ عُقْبَةَ بْنِ عَامِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ عَلِمَ الرَّمِيَّ ثُمَّ تَرَكَهُ فَلَيْسَ مِنَّا أَوْ قَدْ عَصَى» (رواه مسلم).

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким отишни ўрганиб, сўнг уни ташлаб юборса, у биздан эмас – ёки осий бўлибди» (Имом Муслим ривояти).

Шарх:

Ислом дини куч-қувват йиғиш ва сабабларини ҳозирлашга тарғиб қиладиган диндир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жиҳод учун ва мусулмонларнинг мудофааси учун зарурий бўлмиш ўқ отишни ўрганишга тарғиб қилганлар. Чунки бу мусулмонларнинг куч-қудрат кўринишларидан бир кўринишдир.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматни ўқ отишни ўрганишга буюрганлар;
- 2- Чунки, у куч-қувват сабабларининг энг каттасидан саналади;
- 3- Ўқ отишни ўргангандан кейин уни ташлаб қўйишдан огоҳлантирганлар.

290- дарс. Бировни ошириб мақташдан қайтариқлар

عَنْ أَبِي بَكْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ أَنْتَى رَجُلٌ عَلَى رَجُلٍ عِنْدَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ
وَيْلَكَ قَطَعْتَ عُنُقَ صَاحِبِكَ قَطَعْتَ عُنُقَ صَاحِبِكَ مِرَارًا ثُمَّ قَالَ مَنْ كَانَ مِنْكُمْ مَادِحًا أَخَاهُ لَا
مَحَالَةَ فَلْيُقْلُ أَحْسِبُ فَلَانًا وَاللَّهُ حَسِيْبُهُ وَلَا أُزَكِّي عَلَى اللَّهِ أَحَدًا أَحْسِبُهُ كَذًّا وَكَذًّا إِنْ كَانَ يَعْلَمُ ذَلِكَ
مِنْهُ» (متفق عليه).

Абу Бакра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида бир киши бир кишини мақтади. Шунда у зот: «Шўринг қурғур, биродарингнинг бўйнини

уздинг, шўринг қурғур, биродарингнинг бўйнини уздинг», деб бир неча марта такрорладилар. Сўнгра: «Қай бирингиз биродарини мақтамаслигини иложи бўлмаса, ундан мана шу (мақтовли сифатларни) ҳақиқатан билса: «Фалончини шундай деб ҳисоблайман – Аллоҳ Ўзи ҳисоб қилувчисидир – бирон кишини Аллоҳга покламайман (яъни пок деб гувоҳлик беролмайман), шундай-шундай бўлса керак деб ўйлайман», десин», дедилар (Муттафақун алайҳ).

عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلًا يُثْنِي عَلَى رَجُلٍ وَيُطْرِيهِ فِي مَدْحِهِ فَقَالَ: «أَهْلَكْتُمْ أَوْ قَطَعْتُمْ ظَهَرَ الرَّجُلِ» (رواه مسلم).

Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир киши бир кишини мақтаб, кўкларга кўтараётганини эшитиб: «Одамни ҳалок қилдинглар – ёки белини узиб ташладинглар -», дедилар (Имом Муслим ривояти).

عَنْ الْمُقَدَّادِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ أَمَرَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ نَحْتِيَ فِي وُجُوهِ الْمَدَّاحِينَ التُّرَابَ (رواه مسلم).

Микдод розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларни маддоҳларнинг юзига тупроқ сочишга буюрганлар» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бировни ошириб макташдан қайтарганлар, чунки бу билан макталаётган одам фитналаниши мумкин. Шунингдек, мактаганда ҳам жазм билан мактамаслик кераклигига йўллаганлар, чунки бировнинг ҳолати бизга махфий, фақат зоҳирини биламиз. Ошириб мактайдиган ва маддоҳликни касб қилиб олган одамларнинг юзига тупроқ сочишга буюрганлар.

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

- 1- Ошириб-тошириб макташдан қайтарилдик;
- 2- Мақтовчи мақтовини ташқи ҳолатга чеклаши ва: «Шундай бўлса керак, деб ўйлайман, Аллоҳ ўзи билади», дейиши лозим;
- 3- Маддоҳларнинг юзига тупроқ сочишга буюрилдик.

291- дарс. Қиёмат аломатларидан: Дажжол

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَا مِنْ نَبِيٍّ إِلَّا وَقَدْ أَنْذَرَ أُمَّتَهُ الْأَعْوَرَ الْكَذَّابَ إِلَّا إِنَّهُ أَعْوَرُ وَإِنَّ رَبَّكُمْ لَيْسَ بِأَعْوَرَ وَمَكْتُوبٌ بَيْنَ عَيْنَيْهِ كَ ف ر»
(رواه مسلم).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ҳамма пайғамбарлар умматларини каззоб ғилайдан огоҳлантирганлар. Огоҳ бўлингларки, у ғилайдир, сизларнинг Парвардигорингиз

ғилай эмас, унинг икки кўзи ўртасига «кофир» (ك ف ر) деб ёзилган бўлади (Имом Муслим ривояти).

عَنْ هِشَامِ بْنِ عَامِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «مَا بَيْنَ خَلْقِ آدَمَ إِلَى قِيَامِ السَّاعَةِ خَلْقٌ أَكْبَرُ مِنَ الدَّجَالِ» (رواه مسلم).

Ҳишом ибн Омир розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Одам (алайҳиссалом) яратилганидан тортиб то қиёматгача Дажжолдан кўра (фитнаси) каттароқ халқ (махлуқ) йўқдир» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ حُذَيْفَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الدَّجَالُ أَعْوَرُ الْعَيْنِ الْيُسْرَى جُفَالُ الشَّعْرِ مَعَهُ جَنَّةٌ وَنَارٌ فَنَارُهُ جَنَّةٌ وَجَنَّتُهُ نَارٌ» (رواه مسلم).

Ҳузайфа розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Дажжол – чап кўзи ғилай, сочи қалин (кимсадир), унинг жаннати ва дўзахи бор бўлиб, дўзахи жаннат, жаннати эса дўзахдир» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам хабар берган қиёматнинг катта аломатларидан бири – Масиҳи Дажжолнинг чиқишидир. Аллоҳ таоло уни одамларни имтиҳон қилиш учун чиқаради, унга ғайриоддий ишларни амалга ошириш хусусиятини

беради, шу билан кўпчилик одамлар чулғаниб қолиб, Аллоҳ сақлаган кишиларгина ундан омонда қолади. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам унинг белгиларини айтиб берганлар ва умматларини ундан огоҳлантирганлар. Зеро у мусулмонлар бошига келадиган энг катта фитналардандир.

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

- 1- Дажжол фитнасининг катталиги;
- 2- Унинг чиқиши қиёматнинг катта аломатларидан;
- 3- У ғилай бўлиб, икки кўзининг ўртасида «кофир» деган ёзув бўлади.

292- дарс. Дажжол фитнасидан сақланиш йўллари

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا تَشَهَّدَ أَحَدُكُمْ فَلْيَسْتَعِذْ بِاللَّهِ مِنْ أَرْبَعٍ يَقُولُ اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ عَذَابِ جَهَنَّمَ وَمِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ وَمِنْ فِتْنَةِ الْمَحْيَا وَالْمَمَاتِ وَمِنْ شَرِّ فِتْنَةِ الْمَسِيحِ الدَّجَالِ» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлардан бирингиз ташаххуд ўқигач, Аллоҳ таолога дуо қилиб тўртта нарсдан паноҳ тиласин, айтсинки: «Эй Парвардигор! Мен Сендан жаҳаннам азобидан, қабр азобидан, тириклик ва ўлим фитнасидан ҳамда

масихи Дажжол фитнаси ёмонлигидан паноҳ тилайман» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ عِمْرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ سَمِعَ بِالذَّجَالِ فَلْيُنَأْ عَنْهُ فَإِنَّ الرَّجُلَ لَيَأْتِيهِ وَهُوَ يَحْسِبُ أَنَّهُ مُؤْمِنٌ فَيَتَّبِعُهُ مِمَّا يَبْعَثُ بِهِ مِنَ الشُّبُهَاتِ أَوْ لِمَا يَبْعَثُ بِهِ مِنَ الشُّبُهَاتِ» (أخرجه أحمد وأبو داود).

Имрон ибн Ҳусойн розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким Дажжолнинг (чиққанини) эшитса, ундан узоқлашсин! Аллоҳга қасамки, киши уни мўмин деб ўйлаб, унинг олдига келади-да, у кўзғотаётган шубҳалар (яъни мўъжизага ўхшаш ишлар) туфайли унга эргашиб кетади» (Имом Аҳмад ва Абу Довуд ривоятлари).

عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ حَفِظَ عَشْرَ آيَاتٍ مِنْ أَوَّلِ سُورَةِ الْكَهْفِ عُصِمَ مِنَ الذَّجَالِ» (رواه مسلم).

Абуд-Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким Каҳф сурасининг аввалги ўн оятини ёд олса, Дажжолдан саломат қолади» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Дажжол фитнаси – Аллоҳ ундан Ўзи асрасин – энг катта фитналардан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг

изни билан ундан сақланишга сабаб бўладиган йўлларни таълим берганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Ҳар намоз охирида масиҳи Дажжол фитнасидан паноҳ тилаш лозимлиги;
- 2- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг чиққани эшитган одам ундан узоқлашсин, унга яқин келмасин, деб буюрганлар;
- 3- Каҳф сурасининг аввалги ўн оятини ўқиш Аллоҳнинг изни билан ундан сақлайди.

293- дарс. Ҳайвонларни тириклай нишон қилишдан қайтариш

عن أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ نَهَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ تُصْبَرَ الْبَهَائِمُ (رواه مسلم).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жониворларни тириклай нишон қилишдан қайтарганлар» (Имом Муслим ривояти).

«Жониворларни нишон қилиш – уларни боғлаб қўйиб, камон ёки ўқ отиб ўлдиришдир» (Шарҳи Нававий).

عَنْ سَعِيدِ بْنِ جُبَيْرٍ قَالَ مَرَّ ابْنُ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا بِنَفَرٍ قَدْ نَصَبُوا دَجَاجَةً يَتَرَامُونَهَا فَلَمَّا رَأَوْا ابْنَ عُمَرَ تَفَرَّقُوا عَنْهَا فَقَالَ ابْنُ عُمَرَ مَنْ فَعَلَ هَذَا إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَعَنَ مَنْ فَعَلَ هَذَا (رواه مسلم).

وفي رواية: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَعَنَ مَنْ اتَّخَذَ شَيْئًا فِيهِ الرُّوحُ غَرَضًا.

Саид ибн Жубайр раҳимахуллоҳ айтади: Ибн Умар розияллоҳу анҳумо бир товукни нишон қилиб, унга ўқ отаётган кишилар ёнидан ўтиб қолдилар. Улар Ибн Умарни кўриб, тарқалиб кетишди. Шунда Ибн Умар: «Буни ким қилди?! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай қилган кишини лаънатлаганлар», дедилар (Имом Муслим ривояти).

Бир ривоятда: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жонли нарсани нишон қилганни лаънатлаганлар».

Шарх:

Ислом дини – меҳр-шафқат дини, ҳар бир нарсага, ҳатто ҳайвонларга ҳам яхшилик қилиш дини. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жонли нарсани нишон қилиб, ўқ отишдан қаттиқ қайтарганлар ва бундай қилган кишини лаънатлаганлар. Чунки бунда бечора жониворга бекордан-бекор азоб бериш ҳосил бўлади.

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

1- Ҳайвонларни боғлаб ё қамаб қўйиб, ўққа нишон қилиш ҳаром;

2- Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай қилган кишини лаънатлаганлар ва бу гуноҳи кабиралардан;

294- дарс. Қуръон ўрганишнинг фазли

Аллоҳ таоло айтади: «Йўқ, у (яъни Қуръон) илм ато этилган зотларнинг кўнгилларидаги аниқ-равшан оятлардир» (Анкабут: 49).

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الْمَاهِرُ بِالْقُرْآنِ مَعَ السَّفَرَةِ الْكِرَامِ الْبَرَّةِ وَالَّذِي يَفْرَأُ الْقُرْآنَ وَيَتَتَعْتَعُ فِيهِ وَهُوَ عَلَيْهِ شَاقٌّ لَهُ أَجْرَانِ» (رواه مسلم).

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қуръонга маҳоратли киши улуғ, итоатли мирзолар (яъни фаришталар) билан биргадир. Қуръонни қийналиб, ҳижжалаб ўқийдиган кишига икки ажр бордир» (Имом Муслим ривояти)

عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ نَبِيَّكُمْ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَدْ قَالَ: «إِنَّ اللَّهَ يَرْفَعُ بِهَذَا الْكِتَابِ أَقْوَامًا وَيَضَعُ بِهِ الْآخَرِينَ» (رواه مسلم).

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Албатта, Аллоҳ бу Китоб билан баъзи кишиларни юксалтиради, баъзиларни эса пасайтиради» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ عُثْمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «خَيْرُكُمْ مَنْ تَعَلَّمَ الْقُرْآنَ وَعَلَّمَهُ»
(رواه البخاري).

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:
«Яхшиларингиз Қуръонни таълим олган ва таълим
берганларингиздир» (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Қуръонни тажвид қоидаларига биноан ўқиб-ўрганиш ва яхшилаб
ёд олиш Аллоҳ азза ва жалла яхши кўрадиган амаллар жумласидан,
у билан жаннатдаги олий даражаларга эришилади, дунё ва
охиратда ҳурмат-эҳтиромга эга бўлинади.

Қуръон ўқишга моҳир кишининг ажри уни қийналиб ўқийдиган
кишидан кўра анча кўп. Қийналиб ўқийдиган одамга икки ажр
берилиши таъйинланган бўлса, моҳир одамнинг ажри
белгиланмаган ҳолда унинг мартабаси юқори бўлиши айтилган. Бу
ҳадисни гоҳилар нотўғри тушунади ва қийналиб ўқиганга икки ажр
экан, демак қийналиб ўқиган яхши экан, дейди. Бу нотўғри
тушунча, ҳеч қачон қийналиб ўқийдиган одам моҳир одамдан
афзал бўла олмайди. Ҳар ким Қуръонни ўқишда моҳир бўлишга ва
улуғ зотлар билан бирга бўлишга интилиши лозим.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Қуръон ўрганишнинг фазли, унга моҳир бўлган киши жаннатда улуғ зотлар билан бирга бўлиши;
- 2- У дунё ва охирада даражаларнинг юксалишига сабаб бўлиши.

295- дарс. Қуръон тиловат қилишнинг фазли

عن أبي أمارة الباهلي رضي الله عنه قال سمعتُ رسولَ الله صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «اقْرَأُوا الْقُرْآنَ فَإِنَّهُ يَأْتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ شَفِيعًا لِأَصْحَابِهِ» (رواه مسلم).

Абу Умома розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Қуръон ўқинглар, зеро у қиёмат куни ўз эгаларига (яъни, уни ўқиганларга) шафоатчи бўлиб келади» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ النَّوَّاسِ بْنِ سَمْعَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ النَّبِيَّ ﷺ يَقُولُ «يُؤْتَى بِالْقُرْآنِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَأَهْلِهِ الَّذِينَ كَانُوا يَعْمَلُونَ بِهِ تَقْدِمُهُ سُورَةُ الْبَقَرَةِ وَالْأَمْرَانِ تَحَاجَّانِ عَنْ صَاحِبَيْهِمَا» (رواه مسلم).

Наввос ибн Самъон розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Қиёмат куни Қуръонни ва унга амал қилган қуръон аҳлини олиб келинади, уларнинг олдида Бақара ва Оли Имрон

суралари ўз эгаларини ҳимоя қилиб келади» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «يُقَالُ لِصَاحِبِ الْقُرْآنِ أَفْرَأُ وَارْتَقِ وَرَتِّلْ كَمَا كُنْتَ تُرْتِّلُ فِي الدُّنْيَا فَإِنَّ مَنْزِلَكَ عِنْدَ آخِرِ آيَةٍ تَقْرُؤُهَا» (أَخْرَجَهُ أَحْمَدُ وَأَبُو دَاوُدَ)

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қуръон соҳибига (жаннатда): «Ўқи ва (жаннат даражотлари узра) юксал, дунёда қандай тиловат қилган бўлсанг ўшандай тиловат қил, сенинг мартабанг ўзинг ўқиб-ўрганган охирги оят даражасида» дейилади» (Имом Аҳмад ва Абу Довуд ривоятлари).

عَنْ أَبِي مُوسَى الْأَشْعَرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَثَلُ الْمُؤْمِنِ الَّذِي يَقْرَأُ الْقُرْآنَ مَثَلُ الْأُتْرَجَةِ رِيحُهَا طَيِّبٌ وَطَعْمُهَا طَيِّبٌ وَمَثَلُ الْمُؤْمِنِ الَّذِي لَا يَقْرَأُ الْقُرْآنَ مَثَلُ التَّمْرَةِ لَا رِيحَ لَهَا وَطَعْمُهَا حُلْوٌ وَمَثَلُ الْمُنَافِقِ الَّذِي يَقْرَأُ الْقُرْآنَ مَثَلُ الرَّيْحَانَةِ رِيحُهَا طَيِّبٌ وَطَعْمُهَا مُرٌّ وَمَثَلُ الْمُنَافِقِ الَّذِي لَا يَقْرَأُ الْقُرْآنَ كَمَثَلِ الْحَنْظَلَةِ لَيْسَ لَهَا رِيحٌ وَطَعْمُهَا مُرٌّ» (متفق عليه).

Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қуръон ўқийдиган мўминнинг мисоли утружжага (расмини кўринг) ўхшайди, ҳиди хушбўй, мазаси ҳам ширин. Қуръон ўқимайдиган мўминнинг мисоли хурмога (расмини кўринг)

ўхшайди, хиди йўқ, мазаси эса ширин. Қуръон ўқийдиган мунофиқнинг мисоли райҳонга (расмини кўринг) ўхшайди, хиди хушбўй, мазаси эса аччиқ. Қуръон ўқимайдиган мунофиқнинг мисоли ҳанзалага (расмини кўринг) ўхшайди, хиди йўқ, мазаси ҳам аччиқ» (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Қуръон Аллоҳнинг Каломи, уни ўқиб-ўрганиш ва тиловат қилиш Аллоҳга энг яқинлаштирувчи ибодатлардан. Қуръон ўқиган одамга Аллоҳ таоло катта ажру мукофотлар беради, Қуръон дунёда уни ўқиган кишилар учун қиёмат куни шафоатчи бўлиб келади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Қуръон ўқийдиган ва ўқимайдиган одамларнинг мисолларини келтирганларида иймон ва ниёқни таъмга, Қуръон тиловатини эса ҳидга ўхшатдилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Қуръон тиловат қилишнинг фазли;
- 2- У қиёмат куни ўз эгаларига шафоатчи бўлиб келади;
- 3- Қуръон тиловатини хушбўйликка ўхшатилади;
- 4- Қуръон қиёмат куни даражаларнинг юксалишига сабаб бўлади.

296- дарс. Фотиҳа сурасининг фазли

Аллоҳ таоло айтади: «Дарҳақиқат, Биз сизга етти такрорланувчини (яъни, етти оятдан иборат бўлган, ҳар бир ракъат намозда такрорланадиган «Фотиҳа» сурасини) ва Улуғ Қуръонни ато этдик» (Ҳижр: 87).

عَنْ أَبِي سَعِيدِ بْنِ الْمُعَلَّى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كُنْتُ أُصَلِّي فِي الْمَسْجِدِ فَدَعَانِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَلَمْ أُجِبْهُ فَقُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّي كُنْتُ أُصَلِّي فَقَالَ: «أَلَمْ يَقُلِ اللَّهُ {اسْتَجِيبُوا لِلَّهِ وَلِلرَّسُولِ إِذَا دَعَاكُمْ لِمَا يُحْيِيكُمْ} ثُمَّ قَالَ لِي لِأَعْلَمَنَّكَ سُورَةً هِيَ أَعْظَمُ السُّورِ فِي الْقُرْآنِ قَبْلَ أَنْ تَخْرُجَ مِنَ الْمَسْجِدِ» ثُمَّ أَخَذَ بِيَدِي فَلَمَّا أَرَادَ أَنْ يَخْرُجَ قُلْتُ لَهُ أَلَمْ تَقُلْ لِأَعْلَمَنَّكَ سُورَةً هِيَ أَعْظَمُ سُورَةٍ فِي الْقُرْآنِ؟ قَالَ: «الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ هِيَ السَّبْعُ الْمَثَانِي وَالْقُرْآنُ الْعَظِيمُ الَّذِي أُوتِيَتْهُ» (رواه البخاري).

Абу Саид ибн ал-Муалло розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Масжидда намоз ўқиётган эдим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам чақириб қолдилар. Мен жавоб бермадим. (Намозни тугатганимдан) сўнг: «Ё Расулуллоҳ, намоз ўқиётган эдим», дедим. У зот: «Аллоҳ таоло: «Эй мўминлар, Аллоҳ ва Унинг пайғамбари сизларга ҳаёт бахш этадиган нарсага чақирар экан, уни қабул қилинглар» демаганми?!», дедилар. Сўнгра: «Масжиддан чиқмасингиздан туриб сизга Қуръондаги энг улуғ сурани ўргатаман», деб, қўлимдан ушладилар. Масжиддан чиқмоқчи бўлганларида мен: «Ё Расулуллоҳ, Қуръондаги энг улуғ сурани ўргатаман» деган эдингиз-ку?!», дедим.

«الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ» (яъни, Фотиҳа сураси), у (намозда) такрорланувчи етти (оятлик сура) ва менга ато этилган Қуръони Азиймдир», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «قَالَ اللَّهُ تَعَالَى قَسَمْتُ الصَّلَاةَ بَيْنِي وَبَيْنَ عَبْدِي نِصْفَيْنِ وَلِعَبْدِي مَا سَأَلَ فَإِذَا قَالَ الْعَبْدُ {الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ} قَالَ اللَّهُ تَعَالَى حَمْدِي وَإِذَا قَالَ {الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ} قَالَ اللَّهُ تَعَالَى أَثْنَى عَلَيَّ عَبْدِي وَإِذَا قَالَ {مَالِكِ يَوْمَ الدِّينِ} قَالَ مَجْدَنِي عَبْدِي وَقَالَ مَرَّةً فَوَضَّ إِلَيَّ عَبْدِي فَإِذَا قَالَ {إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ} قَالَ هَذَا بَيْنِي وَبَيْنَ عَبْدِي وَلِعَبْدِي مَا سَأَلَ فَإِذَا قَالَ {اهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ} قَالَ هَذَا لِعَبْدِي وَلِعَبْدِي مَا سَأَلَ» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: Аллоҳ аzza ва жалла айтади: «Намозни Ўзим билан бандам ўртамизда иккига тақсимладим, бандам учун сўраган нарсасидир.

Агар банда {الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ} «Ҳамду сано бутун оламлар ҳожаси бўлмиш Аллоҳ учундир» деса, Аллоҳ таоло: «Бандам Менга ҳамд айтди» дейди.

Агар банда {الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ} «Роҳман Роҳим- меҳрибон ва раҳмли» деса, Аллоҳ таоло: «Бандам Мени мақтади» дейди.

Агар банда {مَالِكِ يَوْمَ الدِّينِ} «жазо (Қиёмат) Қунининг эгаси — подшоҳи» деса, Аллоҳ таоло: «Бандам Мени улуғлади» дейди.

Агар банда {إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ} «Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина мадад сўраймиз» деса, Аллоҳ «Бу Мен билан бандам ўртасида, бандам учун сўраган нарсасидир» дейди.

Агар банда { اِهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ } « Бизларни, ғазабга дучор бўлмаган ва ҳақ йўлдан тоймаган зотларга инъом қилган йўлинг бўлмиш — Тўғри йўлга йўллагайсан» деса, Аллоҳ «Бу бандам учун, бандамга сўраган нарсасидир», дейди (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Фотиҳа сураси Қуръондаги энг улуғ сура бўлиб, у такрорланувчи еттилик – яъни, намознинг ҳар бир ракъатида такрор ўқилувчи етти оятлик сурадир. Унда Аллоҳга ҳамду-сано айтиш, Ундан ёрдам сўраш, Уни ёлғиз билиш, Ундан ҳидоят сўраш маънолари жамланган. Бу эса дин маъносининг ҳаммасидир.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Фотиҳа сурасининг фазли;
- 2- У Қуръондаги энг улуғ сура экани;
- 3- Уни намозда ўқиш катта ажру-мукофотга сазовор қилади.

297- дарс. Ихлос сураси ва оятул-курсийнинг фазли

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَأَصْحَابِهِ أَيْعِزُّكُمْ أَنْ يقرأَ ثُلُثَ الْقُرْآنِ فِي لَيْلَةٍ؟» فَشَقَّ ذَلِكَ عَلَيْهِمْ وَقَالُوا أَيْنَا يُطِيقُ ذَلِكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ فَقَالَ: «اللَّهُ الْوَاحِدُ الصَّمَدُ ثُلُثُ الْقُرْآنِ» (رواه البخاري).

Абу Саид ал-Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам асҳобларига айтдилар: «Сизлардан бирингиз бир кечада Қуръоннинг учдан бирини ўқишга ожизлик қиладими?» Бу уларни қийин аҳволга солиб қўйди ва: «Қайси биримизнинг бунга кучи етади ё Расулуллоҳ?», дейишди. Шунда у зот: «Қул хуваллоху аҳад» Қуръоннинг учдан биридир», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أَبِي بِنِ كَعْبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ: «يَا أَبَا الْمُنْذِرِ أَتَدْرِي أَيُّ آيَةٍ مِنْ كِتَابِ اللَّهِ مَعَكَ أَكْبَرُ؟» قَالَ قُلْتُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ قَالَ: «يَا أَبَا الْمُنْذِرِ أَتَدْرِي أَيُّ آيَةٍ مِنْ كِتَابِ اللَّهِ مَعَكَ أَكْبَرُ؟» قَالَ قُلْتُ {اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ} قَالَ فَضْرَبَ فِي صَدْرِي وَقَالَ: «وَاللَّهِ لِيَهْنِكَ الْعِلْمُ أَبَا الْمُنْذِرِ» (رواه مسلم).

Убай ибн Каъб розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Эй Абу Мунзир, ўзингизда бўлган Аллоҳнинг Китобидаги қайси оят энг улуғ оят эканини биласизми?», дедилар. Мен: «Аллоҳ ва Расули билувчирок», деб жавоб бердим. У зот яна: «Эй Абу Мунзир, ўзингизда бўлган Аллоҳнинг Китобидаги қайси оят энг улуғ оят эканини биласизми?», дедилар. Мен: «اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ» (яъни, оятул-курсий), дедим. Шунда у зот менинг кўксимга уриб:

«Аллоҳга қасамки, илмингиз фойдали бўлсин, эй Абу Мунзир», дедилар (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي أُمَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ قَرَأَ آيَةَ الْكُرْسِيِّ دُبْرَ كُلِّ صَلَاةٍ مَكْتُوبَةٍ لَمْ يَمْنَعْهُ مِنْ دُخُولِ الْجَنَّةِ، إِلَّا أَنْ يَمُوتَ» (أَخْرَجَهُ النَّسَائِيُّ).

Абу Умома розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким ҳар фарз намозидан кейин оятул-курсийни ўқиса, уни жаннатга киришдан фақат ўлимгина тўсиб туради» (Имом Насоий ривояти).

Шарҳ:

Ихлос сураси ва оятул-курсий Қуръони Каримдаги энг улуғ оятлардан саналади, улар Аллоҳнинг тавҳидини, гўзал исмлари ва олий сифатларини, У зот субҳанаҳу ва таолони улуғлаш ва Унга ҳамду-санолар айтишни ўз ичига олган.

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

1- Ихлос сурасининг фазли, унинг Қуръоннинг учдан бирига тенг экани;

2- Оятул-курсийнинг фазли, унинг Қуръондаги энг улуғ оят экани;

3- Ҳар намоздан кейин оятул-курсийни ўқишнинг фазли, бундай қилиш жаннатга киришга сабаб бўлиши.

298- дарс. Куй-қўшиқларнинг ҳаромлиги

Аллоҳ таоло айтади: «Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, улар билимсизлик билан (ўзгаларни) Аллоҳнинг йўлидан оздириш учун ва у (йўлни) масхара қилиш учун беҳуда сўз(лар)ни сотиб олур» (Луқмон: 6).

عن أَبِي مَالِكٍ الْأَشْعَرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ سَمِعَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «لَيَكُونَنَّ مِنْ أُمَّتِي أَقْوَامٌ يَسْتَحِلُّونَ الْحِرَّ وَالْحَرِيرَ وَالْخَمْرَ وَالْمَعَارِفَ وَلَيُنزِلَنَّ أَقْوَامٌ إِلَى جَنْبِ عِلْمٍ يَرُوحُ عَلَيْهِمْ بِسَارِحَةٍ لَهُمْ يَأْتِيهِمْ يَغْنِي الْفَقِيرَ لِحَاجَةٍ فَيَقُولُونَ ارْجِعْ إِلَيْنَا غَدًا فَيَبِيئُهُمُ اللَّهُ وَيَضَعُ الْعِلْمَ وَيَمْسَخُ آخِرِينَ قِرْدَةً وَخَنَازِيرَ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ» (رواه البخاري).

Абу Молик ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитган экан: «Умматим ичида ҳали шундай қавмлар бўладики, улар зинони, ипакни, маст қилувчи ичимликни ва маъозифни (яъни, мусиқа асбобларини) ўзларига ҳалол қилиб олишади. (Ўша) қавмлар бир тоғнинг ёнбағрига келиб тушадилар. Улар олдига уларнинг чорваларини ҳайдаб юрадиган (фақир чўпон) бир ҳожатини сўраб келади. Шунда улар: «Эртага кел», дейишади. Тунда Аллоҳ уларга азобини туширади ва тоғни (улар устига қоплаб) кўяди, қолганларини эса то қиёмат кунигача

маймун ва тўнғизларга айлантириб қўяди» (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Куй-қўшиқ ва мусиқаларга қулоқ солиш ҳаром ва мункардир, дилнинг қотиши, касалланиши ва Аллоҳнинг зикридан ва намоздан тўсилишига сабабдир. Кўп уламолар Аллоҳ таолонинг юқоридаги оятидаги «беҳуда сўзлар»дан мурод мусиқа ва куй-қўшиқ эканини айтганлар. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу: «Қасам ичиб айтаманки, беҳуда сўз – куй-қўшиқдир», деганлар (Тафсиру Ибн Касир). Баъзи уламолар, жумладан Шайх Абдулазиз ибн Боз ўз фатволарида, шайх Нажмий «Танзиҳуш-шариъа» китобида, шайх Солиҳ ал-Фавзон «Ал-иълум бинақди китабил-ҳалал вал-ҳаром» китобида, шайх Абу Бакр ал-Жазоирий «Ал-иълум бианнал-азфа вал-ғина ҳаром» китобида мусиқа жўрлигида айтиладиган қўшиқларнинг ҳаромлигига ижмоъ қилинган эканини айтганлар.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

- 1- Мусиқа ва куй-қўшиқнинг ҳаромлиги;
- 2- Ушбу уммат ичидан айримлар уни ҳалол санаб олишлари.

299- дарс. Ҳажнинг фарзлиги

Аллоҳ таоло айтади: «Ва йўлга қодир бўлган кишилар зиммасида Аллоҳ учун мана шу уйни ҳаж-зиёрат қилиш бурчи бордир. Кимда-ким кофир бўлса (яъни Каъбани зиёрат қилиш фарз эканини инкор қилса), бас, албатта Аллоҳ бутун оламлардан беҳожат бўлган зотдир» (Оли Имрон: 97).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «بُنِيَ الْإِسْلَامُ عَلَى خَمْسٍ شَهَادَةِ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ وَإِقَامِ الصَّلَاةِ وَإِيتَاءِ الزَّكَاةِ وَحَجِّ الْبَيْتِ وَصَوْمِ رَمَضَانَ» (متفق عليه).

Ибн Умар розияллоҳу анҳумо ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ислом бешта устун устига қурилган: Аллоҳдан бошқа ибодат қилишга ҳақли илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг элчиси деб гувоҳлик бериш, намозни барпо қилиш, закотни ўташ, ҳаж қилиш ва Рамазон ойида рўза тутиш», дедилар (Муттафақун алайҳ).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ خَطَبَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: «أَيُّهَا النَّاسُ قَدْ فَرَضَ اللَّهُ عَلَيْكُمُ الْحَجَّ فَحُجُّوا» فَقَالَ رَجُلٌ أَكَلَّ عَامٍ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ فَسَكَتَ حَتَّى قَالَهَا ثَلَاثًا فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَوْ قُلْتُ نَعَمْ لَوَجَبَتْ وَلَمَّا اسْتَطَعْتُمْ» ثُمَّ قَالَ: «ذَرُونِي مَا تَرَكْتُكُمْ فَإِنَّمَا هَلَكَ مَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ بكَثْرَةِ سُؤَالِهِمْ وَاخْتِلَافِهِمْ عَلَى أَنْبِيَائِهِمْ فَإِذَا أَمَرْتُكُمْ بِشَيْءٍ فَأَتُوا مِنْهُ مَا اسْتَطَعْتُمْ وَإِذَا نَهَيْتُكُمْ عَنْ شَيْءٍ فَدَعُوهُ» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга хутба қилиб, дедилар: «Эй

одамлар! Аллоҳ таоло сизларга ҳаж (ибодати)ни фарз этди, ҳаж қилингиз!» Шунда бир киши: «Ё Расулуллоҳ! Ҳар йилими?», деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жавоб бермадилар. Ҳалиги киши юқоридаги саволини уч маротаба такрорлади. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар «Ҳа» десам (ҳар йили ҳаж қилиш) фарз бўлиб қолади ва сизлар бунга қодир бўлмайсизлар», дедилар. Кейин айтдилар: «Сизларга айтмай қолдирган нарсаларимда мени тинч қўйинглар. (Яъни, ортиқча саволлар берманглар.) Сизлардан олдингилар кўп савол беришлари ва пайғамбарларига хилоф қилишлари сабабли ҳалок бўлганлар. Агар сизларни бир ишга буюрсам, имкониятингиз даражасида уни бажаринглар. Бирор нарсадан қайтарсам, уни тарк этинглар», дедилар (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Ҳаж Исломнинг улкан беш рукнларидан биридир. Аллоҳ таоло уни қодир бўлган кишиларга умрда бир бор фарз қилган. Унда мусулмонлар учун кўп диний ва дунёвий манфаатлар ҳосил бўлади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Қодир бўлган кишиларга ҳажнинг фарз экани;
- 2- У Исломнинг рукнларидан бири экани;
- 3- У умрда бир марта фарз экани.

300- дарс. Зул-ҳижжанинг ўн куни фазилатлари ва унга доир баъзи ҳукмлар

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَا مِنْ أَيَّامِ الْعَمَلِ الصَّالِحِ فِيهَا أَحَبُّ إِلَى اللَّهِ مِنْ هَذِهِ الْأَيَّامِ يَعْنِي أَيَّامَ الْعَشْرِ قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ وَلَا الْجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ قَالَ وَلَا الْجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ إِلَّا رَجُلٌ خَرَجَ بِنَفْسِهِ وَمَالِهِ فَلَمْ يَرْجِعْ مِنْ ذَلِكَ بِشَيْءٍ» (رواه البخاري).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ҳеч қайси кунда қилинган солиҳ амал ушбу ўн кунда қилинган солиҳ амалчалик Аллоҳга суюкли эмас». «Ё Расулуллоҳ, Аллоҳ йўлидаги жиҳод ҳамми?» сўрашди саҳобалар. «Ҳа, Аллоҳ йўлидаги жиҳод ҳам! Фақат моли-ю жони билан (жиҳодга) чиқиб, ҳеч нарсасиз қайтган киши (яъни моли ҳам, жони ҳам ўша ерда қолиб, ўзи шаҳид бўлган киши) бундан мустасно», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا دَخَلْتَ الْعَشْرُ وَأَرَادَ أَحَدُكُمْ أَنْ يَضْحَى فَلَا يَمَسَّ مِنْ شَعْرِهِ وَبَشَرِهِ شَيْئًا» (رواه مسلم). وفي رواية: «فَلْيُمْسِكْ عَنْ شَعْرِهِ وَأَظْفَارِهِ» (أخرجه مسلم).

Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ўн кунлик кирса ва сизлардан бирон киши қурбонлик қилмоқчи бўлса, сочи ва

баданидан (тук, тирноқ каби) бирон нарсани олмасин» (Имом Муслим ривояти).

Бир ривоятда: «Сочи ва тирноқларини олишдан тийилсин» (Имом Муслим ривояти).

Шарх:

Зул-ҳижжанинг аввалги ўн куни Аллоҳ таоло наздида кунлар ичида энг афзали, унда қилинган амаллар Аллоҳга энг суюмли амаллар саналади. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам қурбонлик қилиш нияти бўлган кишилар ушбу кунлар мобайнида то қурбонлигини сўйиб бўлмагунича соч ва тирноқ каби бадандан ўсиб чиқадиган нарсаларни олмаслиги кераклигига йўллаганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Ушбу ўн куннинг фазли;
- 2- Унда солиҳ амалларни кўпайтиришнинг яхшилиги;
- 3- Қурбонлик қилмоқчи бўлган киши ушбу кунларда соч ва тирноқларини олмаслиги мустаҳаб экани.

301- дарс. Ҳажга доир айрим ҳукмлар

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ رَفَعَتْ امْرَأَةٌ صَبِيًّا لَهَا فَقَالَتْ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَلِهَذَا حَجٌّ؟ قَالَ: «نَعَمْ وَلكِ أَجْرٌ» (رواه مسلم).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Бир аёл кўлидаги гўдак боласини кўрсатиб: «Ё Расулуллоҳ, бунинг ҳажи ҳаж бўладими?», деб сўраганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳа, сен учун ҳам савоб бўлади», деб жавоб бердилар (Имом Муслим ривояти).

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْطُبُ يَقُولُ: «لَا يَخْلُونَ رَجُلٌ بِامْرَأَةٍ إِلَّا وَمَعَهَا ذُو مَحْرَمٍ وَلَا تُسَافِرِ الْمَرْأَةُ إِلَّا مَعَ ذِي مَحْرَمٍ» فَقَامَ رَجُلٌ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ امْرَأَتِي خَرَجَتْ حَاجَةً وَإِنِّي اكْتُنِبْتُ فِي غَزْوَةٍ كَذَا وَكَذَا، قَالَ: «انْطَلِقْ فَحُجَّ مَعَ امْرَأَتِكَ» (رواه مسلم)

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хутбаларида: «Ҳеч бир эркак бирор аёл билан унинг маҳрамисиз ёлғиз қолмасин. Аёл киши фақат маҳрами билангина сафар қилсин!», дедилар. Шунда бир киши: «Ё Расулуллоҳ, менинг аёлим ҳаж қилиш мақсадида йўлга чиқди, мен эса фалон-фалон ғазотга ёзилганман», деди. «Бор, аёлинг билан бирга ҳаж қил», дедилар (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам гўдак боланинг ҳажи ҳам дуруст бўлишини ва уни ҳаж қилдирган киши ажрга эга бўлишини айтганлар. Аёл кишини гарчи ҳажга бўлса-да,

маҳрамсиз йўлга чиқишдан қайтарганлар, бир кишини ғазотдан қолиб бўлса-да аёлига ҳамроҳ бўлиб ҳажга боришга буюрганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Балоғатга етмаган бола ҳаж қилиши жоиз, лекин бу фарз ҳаж ўрнига ўтмайди;
- 2- Уни ҳаж қилдирган кишига ажр бўлади;
- 3- Аёл киши ҳаж қилиши учун маҳрами бирга бўлиши шарт;
- 4- Аёл киши маҳрамсиз ҳаж қилиши жоиз эмас.

302- дарс. Ҳажнинг фазли

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سُئِلَ أَيُّ الْعَمَلِ أَفْضَلُ؟ فَقَالَ: «إِيمَانٌ بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ» قِيلَ ثُمَّ مَاذَا؟ قَالَ: «الْجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ» قِيلَ ثُمَّ مَاذَا؟ قَالَ: «حَجٌّ مَبْرُورٌ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади, Расулуллох соллаллоху алайҳи ва салламдан: «Амалларнинг қайсиниси энг афзал?» деб сўралди. «Аллох ва Расулига иймон келтириш», дедилар. «Ундан кейин қайсиниси?», дейилди. «Аллох йўлида жиҳод қилиш», дедилар. «Ундан кейин қайсиниси?», дейилди. «Мабрур (яъни, мақбул) ҳаж», дедилар (Муттафақун алайх). .

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّهَا قَالَتْ يَا رَسُولَ اللَّهِ نَرَى الْجِهَادَ أَفْضَلَ الْعَمَلِ أَفَلَا نُجَاهِدُ؟ قَالَ: «لَا، لَكِنَّ أَفْضَلَ الْجِهَادِ حَجٌّ مَبْرُورٌ» (رواه البخاري).

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: «Ё Расулуллоҳ, жиҳод амалларнинг энг афзали деб биламиз, биз ҳам жиҳод қилсак бўлмайдими?» деб сўрадим. «Йўқ, (сизлар учун) энг афзал жиҳод мабрур ҳаждир», деб жавоб бердилар (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «مَنْ حَجَّ لِلَّهِ فَلَمْ يَرْفُثْ وَلَمْ يَفْسُقْ رَجَعَ كَيَوْمِ وَلَدَتْهُ أُمُّهُ» (رواه البخاري)

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Ким Аллоҳ учун ҳаж қилиб, ёмон сўзларни сўзламаса ва фосиклик қилмаса, (уйига) онадан янги туғилгандек (гуноҳсиз) қайтади» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْعُمْرَةُ إِلَى الْعُمْرَةِ كَفَّارَةٌ لِمَا بَيْنَهُمَا وَالْحَجُّ الْمَبْرُورُ لَيْسَ لَهُ جَزَاءٌ إِلَّا الْجَنَّةُ» (رواه البخاري)

Абу Ҳурайра розияллоху анҳуда ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Умра кейинги умрагача ўртадаги гуноҳларга каффоратдир. Мабрур ҳажнинг жаннатдан бошқа мукофоти йўқдир» (Имом Бухорий ривояти).

Шарх:

Мабрур ҳаж – нуқсонлардан ва ажрини камайтирадиган ишлардан саломат бўлган ҳаж бўлиб, у энг улуғ амаллардан ва Аллоҳга энг суюмли ибодатлардандир. Унинг соҳибига Аллоҳ таоло улкан ажру-савоблар ва гуноҳларнинг кечирилишини ваъда қилган. Мабрур ҳаж эгаси уйига онасидан туғилган кундаги каби гуноҳсиз қайтади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Ҳажнинг фазли ва эътиборининг улуғлиги;
- 2- Мабрур ҳаж гуноҳларнинг каффоратига сабабдир;
- 3- У жаннатга кириш сабабларидан.

303- дарс. Умранинг фазли

Аллоҳ таоло айтади: «**Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун комил суратда адо қилинг!**» (Бақара: 196).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْعُمْرَةُ إِلَى الْعُمْرَةِ كَفَّارَةٌ لِمَا بَيْنَهُمَا وَالْحَجُّ الْمَبْرُورُ لَيْسَ لَهُ جَزَاءٌ إِلَّا الْجَنَّةُ» (رواه البخاري)

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Умра кейинги умрагача

ўртадаги гуноҳларга каффоратдир. Мабрур ҳажнинг жаннатдан бошқа мукофоти йўқдир» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «تَابِعُوا بَيْنَ الْحَجِّ وَالْعُمْرَةِ فَإِنَّهُمَا يَنْفِيَانِ الْفَقْرَ وَالذُّنُوبَ كَمَا يَنْفِي الْكَبِيرُ حَبَثَ الْحَدِيدِ وَالذَّهَبِ وَالْفِضَّةِ وَلَيْسَ لِلْحَجَّةِ الْمَبْرُورَةِ ثَوَابٌ إِلَّا الْجَنَّةُ» (أخرجه الترمذي).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Умра ва ҳажни бирин-кетин қилиб турингиз! Чунки ҳаж билан умра фақирлик ва гуноҳларни худди босқон темир, олтин ва кумуш устидаги кирларни кетказганидек йўқотиб ташлайди. Мабрур ҳажнинг жаннатдан бошқа мукофоти йўқдир» (Имом Термизий ривояти).

Шарҳ:

Умра қилиш ва уни кетма-кет қилиб туриш улуғ ибодатлардан бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг гуноҳларга каффорат ва хатоларнинг мағфират қилинишига сабаб бўлишини айтганлар, ҳаж билан умрани кетма-кет қилишда гарчи пул-мол сарф бўлса-да, аслида у фақирликнинг кетиши ва бойлик келишига сабабдир, деганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Умранинг фазли, унинг гуноҳларнинг мағфират қилинишига сабаб бўлиши;
- 2- Ҳаж билан умрани кетма-кет қилишнинг яхшилиги;
- 3- Бундай қилиш камбағалликнинг кетишига сабаб экани.

304- дарс. Мийқотлар (ҳажга эҳром боғланадиган ўринлар)

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «يُهَلُّ أَهْلُ الْمَدِينَةِ مِنْ ذِي الْحُلَيْفَةِ وَأَهْلُ الشَّامِ مِنَ الْجُحْفَةِ وَأَهْلُ نَجْدٍ مِنْ قَرْنٍ» قَالَ عَبْدُ اللَّهِ وَبَلَّغَنِي أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «وَيُهَلُّ أَهْلُ الْيَمَنِ مِنْ يَلْمَمَ» (متفق عليه).

Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Мадина аҳли Зул-Ҳулайфадан, Шом аҳли Жухфадан, Нажд аҳли Қарндан эҳром боғлайди». Абдуллоҳ (ибн Умар) яна айтдилар: «Мен эшитишимча, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Яман аҳли Яламламдан эҳром боғлайди», деган эканлар (Муттафақун алайҳ).

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ وَقَّتَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِأَهْلِ الْمَدِينَةِ ذَا الْحُلَيْفَةِ وَأَهْلِ الشَّامِ الْجُحْفَةَ وَأَهْلِ نَجْدٍ قَرْنَ الْمَنَازِلِ وَأَهْلِ الْيَمَنِ يَلْمَمَ فَهِنَّ لَهُنَّ وَلِمَنْ أَتَى عَلَيْهِنَّ مِنْ غَيْرِ أَهْلِهِنَّ لِمَنْ كَانَ يُرِيدُ الْحَجَّ وَالْعُمْرَةَ فَمَنْ كَانَ دُونَهُنَّ فَمَهُهُنَّ مِنْ أَهْلِهِ وَكَذَلِكَ حَتَّى أَهْلُ مَكَّةَ يُهَلُّونَ مِنْهَا» (متفق عليه).

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам Мадина аҳлига Зул-Ҳулайфани, Шом аҳлига Жухфани, Нажд аҳлига Қорнул-манозилни, Яман аҳлига Яламламни мийқот қилиб бердилар. Ана шу (миёқотлар) улар учун ва уларнинг аҳлидан бўлмаган, бироқ ҳаж ва умра учун улар устидан ўтаётган кишилар учундир. Улар ичкарасида бўлган кишиларнинг эҳром боғлаш ўрни ўз уйларида, шунингдек Макка аҳли ҳам Маккадан эҳром боғлайди (Муттафақун алайҳ).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ مَا أَهَلَّ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَّا مِنْ عِنْدِ الْمَسْجِدِ يَعْنِي مَسْجِدَ ذِي الْحُلَيْفَةِ (متفق عليه).

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам фақат масжиддан – яъни, Зул-Ҳулайфа масжидидан – эҳром боғлаганлар» (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Макка – Аллоҳ таоло ҳаром – яъни, ҳурматли қилган шаҳар бўлиб, ҳаж ва умра мақсадида бораётган киши унга фақат эҳром билан кириши лозим бўлади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам мийқот ўринларини белгилаб бердилар, ҳаж ё умра қилувчилар ўша ўринлардан эҳромсиз ўтиб кетишлари жоиз бўлмайди, акс ҳолда ҳаж ё умралари нуқсонли бўлиб қолади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Ҳар бир диёр аҳлига ёки ҳаж ва умра учун ўша ердан ўтувчиларга мийқотлар, яъни эҳром боғлаш ўринлари белгилаб қўйилган. Улар: Мадина аҳлига Зул-Ҳулайфа, Шом аҳлига Жухфа, Нажд аҳлига Қорнул-манозил – ҳозирда уни Сайл деб номланади – ва Яман аҳлига Яламламдир.
- 2- Ҳаж ёки умра қилувчи кишилар мазкур мийқотларда эҳром боғлашлари вожиблиги;
- 3- Ушбу мийқотлар ичкарасида яшовчи кишилар ўз уйларидан эҳром боғлайдилар.

305- дарс. Ийд намози ҳақида

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى يَوْمَ الْعِيدِ رَكْعَتَيْنِ لَمْ يُصَلِّ قَبْلَهَا وَلَا بَعْدَهَا (متفق عليه).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ийд куни икки ракъат (ийд) намоз ўқидилар, олдидан ҳам, ортидан ҳам намоз ўқимадилар» (Муттафақун алайҳ).

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُكَبِّرُ فِي الْفِطْرِ وَالْأَضْحَى فِي الْأُولَى سَبْعَ تَكْبِيرَاتٍ وَفِي الثَّانِيَةِ خَمْسًا (أخرجه أبو داود).

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам фитр (рўза ҳайити) ва азҳо (қурбон ҳайити) намозларида биринчи рақъатда еттита, иккинчи рақъатда бешта такбир айтардилар» (Имом Абу Довуд ривояти).

عَنْ أَبِي وَاقِدٍ اللَّيْثِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْرَأُ فِي الْأَضْحَى وَالْفِطْرِ بِقِ وَالْقُرْآنِ الْمَجِيدِ وَاقْتَرَبَتِ السَّاعَةُ وَانْشَقَّ الْقَمَرُ (رواه مسلم).

Абу Воқид ал-Лайсий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам азҳо ва фитр намозларида «Қоф» билан «Қамар» сураларини ўқир эдилар» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُصَلِّي فِي الْأَضْحَى وَالْفِطْرِ ثُمَّ يَخْطُبُ بَعْدَ الصَّلَاةِ (رواه البخاري).

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам азҳо ва фитрда намоз ўқирдилар, намоздан сўнг хутба қилардилар» (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Аллоҳ азда ва жалла мусулмонларга ийд куннда икки ракъат ийд намози ўқишни машруъ қилди. Бу намоз кун бироз кўтарилганидан кейин ўқилади, намоздан сўнг имом Аллоҳнинг зикрини адо этиб ва (рўза ёки ҳаж) ибодатларини адо этиш неъматига шукрона айтиб хутба қилади.

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

- 1- Ийд намозининг машруълиги;
- 2- Унинг икки ракъат экани, биринчисида еттита, иккинчисида бешта такбир айтилиши;
- 3- Икки ракъатнинг бирида «Қоф», иккинчисида «ал-Қамар» сураларини ўқиш мустаҳаблиги;
- 4- Ийдда хутба намоздан кейин бўлиши.

306- дарс. Ийд куни одобларидан

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا كَانَ يَوْمَ عِيدٍ خَالَفَ الطَّرِيقَ (رواه البخاري).

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Ийд куннда пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам (намозга) борган йўлларида бошқа йўлда қайтардилар» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أُمِّ عَطِيَّةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ أَمَرَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ نُخْرِجَ فِي الْفِطْرِ
وَالأَضْحَى الْعَوَاتِقَ وَالْحَيْضَ وَذَوَاتِ الْخُدُورِ فَأَمَّا الْحَيْضُ فَيَعْتَزِلْنَ الصَّلَاةَ وَيَشْهَدْنَ الْخَيْرَ
وَدَعْوَةَ الْمُسْلِمِينَ قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِحْدَانَا لَا يَكُونُ لَهَا جُبَابٌ قَالَ لِتُلْبِسَهَا أُخْتُهَا مِنْ جُبَابِهَا
(رواه البخاري ومسلم).

Умму Атийя розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни фитр ва азҳо (ҳайити) кунлари болиға қизларни, ҳайзли аёллар ва чимилдиқ соҳибаларини (намозгоҳга) олиб чиқишга буюрардилар. Ҳайзли аёллар намоздан четланишар, яхшиларнинг ибодатларида ва мусулмонларнинг дуоларида ҳозир бўлишарди. Мен: «Ё Расулуллоҳ, баъзи бирларимизнинг жилбоби (ёпинчиғи) бўлмайди», деган эдим: «Опа-синглиси унга ўз жилбобидан кийдирсин», дедилар (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ийд намозига чиқсалар, бир йўлдан бориб, бошқасидан қайтиб келардилар. Аёлларни, ҳатто энди бўйга етган қизларни ва ҳайзли аёлларни ҳам мусулмонларнинг йиғинига, зикр ва дуоларига ҳозир бўлиш учун намозгоҳга олиб чиқишга буюрардилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Ийд намозига бир йўлдан бориб, бошқа йўлдан қайтишнинг мустаҳаблиги;

2- Аёлларнинг ўранган ҳолда ийд намозига чиқишларининг мустаҳаблиги.

307- дарс. Қурбонлик ҳақида

Аллоҳ таоло айтади: «Аллоҳга (қилган қурбонликларингизнинг) гўштлари ҳам, қонлари ҳам етмас. Лекин у зотга сизларнинг тақво-ихлосингиз етар» (Ҳаж: 37).

عَنْ أَنَسٍ قَالَ ضَحَّى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِكَبْشَيْنِ أَمْلَحَيْنِ أَقْرَنَيْنِ ذَبَحَهُمَا بِيَدِهِ وَسَمَّى وَكَبَّرَ
وَوَضَعَ رِجْلَهُ عَلَى صِفَاحِهِمَا (رواه مسلم)

Анас розияллоҳу анҳу айтадилар: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам оқ-қора рангли шохдор икки қўчқорни қурбонлик қилдилар, «Бисмиллаҳ» ва «Аллоҳу акбар» деб, уларнинг бўйнига оёқларини қўйиб туриб, ўз қўллари билан сўйдилар (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ ذَبَحَ قَبْلَ الصَّلَاةِ
فَاتَّمَا ذَبَحَ لِنَفْسِهِ وَمَنْ ذَبَحَ بَعْدَ الصَّلَاةِ فَقَدْ تَمَّ نُسُكُهُ وَأَصَابَ سُنَّةَ الْمُسْلِمِينَ» (رواه البخاري).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким (ийд)

намозидан олдин сўйса, фақат ўзи учун сўйган бўлади (яъни, қурбонликка ўтмайди). Ким намоздан кейин сўйса, қурбонлиги тўлиқ бўлиб, мусулмонларнинг суннатини қилган бўлади» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا تَذْبَحُوا إِلَّا مُسِنَّةً إِلَّا أَنْ يَعْسَرَ عَلَيْكُمْ فَتَذْبَحُوا جَذَعَةً مِنَ الضَّأْنِ» (رواه مسلم).

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сўйсангиз фақат «мусинна» сўйинглар. Агар бу сизларга оғирлик қилса, унда қўйдан «жазаъ»ни сўйинглар» (Имом Муслим ривояти).

Шарх:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қурбонлик сўйишни суннат қилганлар. Қурбонлик ийд намозидан кейин сўйилади, у ушбу кундаги энг асосий ибодатлардан саналади. Қурбонлик қилиш учун танланган қўйнинг бир ёшга тўлган бўлиши шарт. Буни араб тилида "жазаъ" дейдилар. Маълумки, қўй 6 ойда бир ёшга тўлади. Қўйдан бошқа эчки, сигир ва туяларга келсак, уларнинг қурбонликка яроқли бўлиши учун "санийя" бўлиши шарт қилинган. "Санийя" мазкур ҳайвонларнинг ёшини белгилайдиган меъёр бўлиб, у эчкининг тўлиқ бир ёшга кириб, иккига қараб кетганидир. Сигирларда икки ёшга тўлиб учга ўтгани, туяда тўлиқ

тўрт ёшга кириб бешинчи йилга ўтгани "санийя" бўлади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: "Сўйсангиз фақат "мусинна" сўйинглар. Агар бу сизларга оғирлик қилса, унда қўйдан "жазаъ" сўйинглар" ҳадисини шарҳ қилган олимлар "мусинна" деганда чорва ҳайвонларнинг "санийя" си тушунилади, дейдилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Қурбонликнинг машруълиги;
- 2- Қурбонлик қилувчи қурбонлигини ўз қўли билан бўғизлаши мустаҳаблиги;
- 3- Қурбонлик фақат ийд намозидан кейин сўйилади.

308- дарс. Арафа куни ҳақида

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَا مِنْ يَوْمٍ أَكْثَرَ مِنْ أَنْ يُعْتِقَ اللَّهُ فِيهِ عَبْدًا مِنَ النَّارِ مِنْ يَوْمِ عَرَفَةَ وَإِنَّهُ لَيَدْنُو ثُمَّ يُبَاهِي بِهِمُ الْمَلَائِكَةَ فَيَقُولُ مَا أَرَادَ هُوَ لَا» (رواه مسلم)

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ таоло Арафа кунидагидан кўра кўп бандаларни жаҳаннамдан озод қиладиган бирон кун йўқ. (У куни) У жуда ҳам яқин келади ва (ҳаж қилувчи

бандаларини) фаришталарга мактаб: «Улар (дуо қилиб) нималарни тиладилар?», дейди» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي قَتَادَةَ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سُئِلَ عَنْ صَوْمِ يَوْمِ عَرَفَةَ فَقَالَ: «يُكْفَرُ السَّنَةَ الْمَاضِيَةَ وَالْبَاقِيَةَ» (رواه مسلم)

Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам Арафа куни рўзаси ҳақида сўралганларида: «Ўтган йилги ва йилнинг қолган қисмидаги гуноҳларга каффорат бўлади», дедилар (Имом Муслим ривояти).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «خَيْرُ الدُّعَاءِ دُعَاءُ يَوْمِ عَرَفَةَ وَخَيْرُ مَا قُلْتُ أَنَا وَالنَّبِيُّونَ مِنْ قَبْلِي لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ» (أخرجه الترمذي).

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Энг яхши дуо – Арафа куни қилинган дуодир. Мен ва мендан аввалги пайғамбарлар айтган сўзларнинг энг яхшиси: «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳу лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодийр»дир. (Маъноси: Аллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқ. У Ёлғиз, шериксиздир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уники ва У барча нарсага Қодирдир) (Имом Термизий ривояти).

Шарҳ:

Арафа куни Аллоҳ наздида энг улуғ кунлардан. У куни Аллоҳ таоло ҳаж қилаётган бандаларини фаришталарга мақтайди, у кунда кўплаб бандаларини дўзахдан озод қилади, у куннинг рўзаси йилнинг ўтган ва қолган қисмидаги гуноҳларга каффорат бўлади, у кунда қилинган дуо энг афзал дуо саналади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Арафа кунининг фазли, у энг афзал кунлардан экани;
- 2- У кундаги рўзанинги фазли, у йилнинг ўтган ва қолган қисмидаги гуноҳларга каффорат бўлиши;
- 3- У кундаги дуо энг яхши дуо экани.

309- дарс. Жонлиқ сўйиш, унинг шартлари ва одоблари

Аллоҳ таоло айтади: «Аллоҳнинг номи зикр қилинмаган нарсалардан емангиз!» (Анъом: 121).

عَنْ رَافِعِ بْنِ خَدِيجٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَا أَنْهَرَ الدَّمَ وَذُكِرَ اسْمُ اللَّهِ عَلَيْهِ فَكُلُّهُ لَيْسَ السِّنَّ وَالظُّفْرَ» (متفق عليه).

Рофиъ ибн Хадийж розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қонни оқизадиган нарса билан сўйилган, Аллоҳ исми зикр қилинган

жонлиқ гўштини енглар. Фақат тиш ва тирноқ билан сўйилмаган бўлсин» (Муттафақун алайх).

عَنْ شَدَّادِ بْنِ أَوْسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ اللَّهَ كَتَبَ الْإِحْسَانَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ فَإِذَا قَتَلْتُمْ فَأَحْسِنُوا الْقِتْلَةَ وَإِذَا ذَبَحْتُمْ فَأَحْسِنُوا الذَّبْحَةَ وَلْيُجِدَّ أَحَدُكُمْ شَفْرَتَهُ فَلْيُرِحْ ذَبِيحَتَهُ» (رواه مسلم).

Шаддод ибн Авс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага яхшилик қилишни вожиб этди. Агар (бирор жонни) қатл қилсангизлар, қатлни чиройли ҳолда қилингиз! (Бирор жонлиқ) сўйсангиз, уни ҳам чиройли сўйингиз! (Сўйишдан олдин) пичоқларингизни ўткирлаб олинг ва жониворни қийнаб қўйманг» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Жонлиқ сўйишнинг ҳам ўзига хос шартлари ва одоблари бор, мусулмон киши сўйиши шариатга мувофиқ бўлиши учун уларга роя қилиши лозим.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Сўйилган жонлиқ гўшти ҳалол бўлиши учун унга Аллоҳнинг исми айтилиши шарт;

2- Шунингдек, бўғизлаш орқали қон чиқариш ҳам шарт;

3- Сўйишни чиройли амалга ошириш, жонлиқни қийнамаслик
ЛОЗИМ.

310- дарс. Таҳлил айтишнинг фазли

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحَدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ لَهُ الْمَلِكُ وَلَهُ الْحَمْدُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ فِي يَوْمٍ مِائَةَ مَرَّةٍ كَانَتْ لَهُ عَدْلُ عَشْرِ رِقَابٍ وَكُتِبَتْ لَهُ مِائَةُ حَسَنَةٍ وَمُحِيتَ عَنْهُ مِائَةُ سَيِّئَةٍ وَكَانَتْ لَهُ حِرْزًا مِنَ الشَّيْطَانِ يَوْمَهُ ذَلِكَ حَتَّى يُمْسِيَ وَلَمْ يَأْتِ أَحَدٌ بِأَفْضَلَ مِمَّا جَاءَ بِهِ إِلَّا أَحَدٌ عَمِلَ أَكْثَرَ مِنْ ذَلِكَ وَمَنْ قَالَ سُبْحَانَ اللَّهِ وَبِحَمْدِهِ فِي يَوْمٍ مِائَةَ مَرَّةٍ حُطَّتْ خَطَايَاهُ وَلَوْ كَانَتْ مِثْلَ زَبَدِ الْبَحْرِ» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким бир кунда юз марта: «Ла илаҳа иллаллоху ваҳдаҳу ла шарика лаҳу лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодиир (яъни, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. У Ёлғиз, шериксиздир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уники ва У барча нарсага Қодирдир)» деса, унга ўнта кулни озода қилгандек ажр бўлади, юзта ҳасана (савоб) ёзилиб, юзта ёмонлик (гуноҳ) ўчирилади, шу куни то кечгача шайтондан ҳимояланган бўлади, бирон киши ундан кўра афзалроқ амал қилган бўлмайди, фақат ундан ҳам кўпроқ айтган киши бундан мустасно. Ким бир кунда юз марта: «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи (яъни, Аллоҳни поклайман ва Унга ҳамд айтаман)» деса, гуноҳлари денгиз кўпикларича бўлса-да, кечирилади (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي أَيُّوبَ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ عَشْرَ مَرَارٍ كَانَ كَمَنْ أَعْتَقَ أَرْبَعَةَ أَنْفُسٍ مِنْ وَادٍ إِسْمَاعِيلَ» (رواه مسلم).

Абу Айюб ал-Ансорий розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким ўн марта: «Ла илаҳа иллаллоху ваҳдаҳу ла шарика лаҳу лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодиир» деса, Исмоил алайҳиссалом авлодидан тўртта жонни қулликдан озод қилгандек бўлади» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَأَنْ أَقُولَ سُبْحَانَ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاللَّهُ أَكْبَرُ أَحَبُّ إِلَيَّ مِمَّا طَلَعَتِ عَلَيْهِ الشَّمْسُ» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: ««Субҳаналлоҳи валҳамду лиллаҳи ва ла илаҳа иллаллоху валлоху акбар» деб айтишим мен учун қуёш нури етган барча нарсадан суюмлироқдир» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Таҳлил айтиш – энг афзал зикрлардан, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам унга тарғиб қилганлар ва ундан келувчи улкан

ажрларни баён қилганлар. Зеро, унда Аллоҳнинг ягоналигини эълон қилиш ва Уни шерикдан поклаш ҳосил бўлади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Ким бир кунда юз марта: «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳу лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодиир» деса, унга ўнта қулни озод қилгандек ажр бўлади;

2- Унга юзта савоб ёзилиб, юзта гуноҳи ўчирилади;

3- У шу куни то кечгача шайтондан ҳимояланган бўлади;

4- Ким бир кунда ўн марта айтса, Исмоил алайҳис-салом авлодидан тўртта жонни қулликдан озод қилгандек бўлади.

311- дарс. Шаръий зикрлардан намуналар

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَوْ أَنَّ أَحَدَكُمْ إِذَا أَرَادَ أَنْ يَأْتِيَ أَهْلَهُ فَقَالَ بِاسْمِ اللَّهِ اللَّهُمَّ جَنِّبْنَا الشَّيْطَانَ وَجَنِّبِ الشَّيْطَانَ مَا رَزَقْتَنَا فَإِنَّهُ إِنْ يُقَدَّرَ بَيْنَهُمَا وَلَدٌ فِي ذَلِكَ لَمْ يَضُرَّهُ شَيْطَانٌ أَبَدًا» (رواه البخاري)

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Агар бирларингиз аёли билан қўшилмоқчи бўлганда: «Бисмиллаҳи, алоҳумма жаннибнаш-шайтона ва жаннибиш-шайтона ма розақтана» (яъни, Бисмиллоҳ, эй Аллоҳим! Биздан ва бизга ризқ қилиб берадиганинг (фарзанд)дан шайтонни йироқ қилгин) деса, шунда ўрталарида

фарзанд тақдир қилинган бўлса, шайтон унга асло зарар етказолмайди» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا سَمِعْتُمْ صِيَاخَ الدِّيَكَةِ فَاسْأَلُوا اللَّهَ مِنْ فَضْلِهِ فَإِنَّهَا رَأَتْ مَلَكًا وَإِذَا سَمِعْتُمْ نَهيقَ الْحِمَارِ فَتَعَوَّذُوا بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ فَإِنَّهُ رَأَى شَيْطَانًا» (رواه البخاري).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Агар хўроз қичқириғини эшитсаларингиз, Аллоҳдан Унинг фазлидан сўранглар, чунки у фариштани кўрган бўлади. Агар эшак ҳанграшини эшитсангизлар, Аллоҳдан шайтондан паноҳ тиланглар, чунки у шайтонни кўрган бўлади» (Имом Бухорий ривояти).

Бирон бало-офатга дучор бўлган кишини кўрганда айтиладиган зикр:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ رَأَى مُبْتَلَى فَقَالَ الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي عَافَانِي مِمَّا ابْتَلَاكَ بِهِ وَفَضَّلَنِي عَلَى كَثِيرٍ مِمَّنْ خَلَقَ تَفْضِيلًا لَمْ يُصِبْهُ ذَلِكَ الْبَلَاءُ» (أخرجه الترمذي).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким бирон бало билан мусибатланган одамни кўрганда: «Сенга берган балосидан мени омонда қилган ва мени кўп халқларидан афзал қилган Аллоҳга

ҳамд бўлсин», деса унга ўша бало етмайди» (Имом Термизий ривояти).

Шарҳ:

Шаръий зикрларнинг диний ва дунёвий фойдалари бор. Мазкур ҳадисларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларни айтишга йўллаган зикрлардан баъзи намуналар ўтди.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1- Қўшилишдан один Аллоҳни зикр қилиш фарзанднинг солиҳ бўлишига сабаб бўлади;

2- (Касаллик, автоҳалокат каби) Балога дучор бўлганларни кўрганда мазкур зикрни айтиш ўша балодан саломат қолишга сабаб бўлади;

3- Хўроз қичқирганда ва эшак ҳанграганда мазкур зикрларни айтиш.

312- дарс. Яхшилик йўлларининг кўп ва турли-туман экани

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ لِي النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا تَحْقِرَنَّ مِنَ الْمَعْرُوفِ شَيْئًا وَلَوْ أَنْ تَلْقَى أَخَاكَ بِوَجْهِ طَلْقٍ» (رواه مسلم).

Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Яхшиликдан бирон

нарсани ҳақир-арзимас санама, ҳатто биродарингга очик юз билан юзланишинг ҳам (яхшиликдир)» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ نَاسًا مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالُوا لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَا رَسُولَ اللَّهِ ذَهَبَ أَهْلُ الدُّثُورِ بِالْأَجُورِ يُصَلُّونَ كَمَا نُصَلِّي وَيَصُومُونَ كَمَا نَصُومُ وَيَتَصَدَّقُونَ بِفُضُولِ أَمْوَالِهِمْ قَالَ: «أَوْ لَيْسَ قَدْ جَعَلَ اللَّهُ لَكُمْ مَا تَصَدَّقُونَ إِنَّ بِكُلِّ تَسْبِيحَةٍ صَدَقَةٌ وَكُلِّ تَكْبِيرَةٍ صَدَقَةٌ وَكُلِّ تَحْمِيدَةٍ صَدَقَةٌ وَكُلِّ تَهْلِيلَةٍ صَدَقَةٌ وَأَمْرٌ بِالْمَعْرُوفِ صَدَقَةٌ وَنَهْيٌ عَنِ الْمُنْكَرِ صَدَقَةٌ وَفِي بُضْعِ أَحَدِكُمْ صَدَقَةٌ» قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ أَيَاتِي أَحَدُنَا شَهَوْتَهُ وَيَكُونُ لَهُ فِيهَا أَجْرٌ؟ قَالَ: «أَرَأَيْتُمْ لَوْ وَضَعَهَا فِي حَرَامٍ أَكَّانَ عَلَيْهِ فِيهَا وَزْرٌ فَكَذَلِكَ إِذَا وَضَعَهَا فِي الْحَلَالِ كَانَ لَهُ أَجْرًا» (رواه مسلم).

Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларидан бўлган баъзи кишилар Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Ё Расулуллоҳ! Бой-бадавлат одамлар ажру савобларни олиб кетдилар. Улар биз намоз ўқиганимиздек намоз ўқийдилар, рўза тутганимиздек рўза тутадилар ва ортиқча мол-давлатларидан садақа қилишади», дейишди. «Аллоҳ таоло сизларга ҳам садақа қилинадиган нарсаларни бермаганми?! Ҳар бир тасбеҳ (Субҳаналлоҳ) садақа, ҳар бир такбир (Аллоҳу акбар) садақа, ҳар бир таҳлил (Ла илаҳа иллаллоҳ) садақа, яхшиликка буюриш садақа, ёмонликдан қайтариш садақа ва (жуфти ҳалолнингиз билан) қовушишингиз ҳам садақа», дедилар. «Ё Расулуллоҳ! Биримиз шаҳватини қондирса, шунинг учун ҳам ажр оладими?», деб сўрашди. «Ахир у шаҳватини

ҳаромда қондирганида гуноҳкор бўлармиди?! Худди шунга ўхшаш, шаҳватини ҳалолда қондиргани учун унга ажр ёзилади», дедилар (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «كُلُّ سُلَامَى مِنَ النَّاسِ عَلَيْهِ صَدَقَةٌ كُلَّ يَوْمٍ تَطْلُعُ فِيهِ الشَّمْسُ قَالَ تَعْدِلُ بَيْنَ الْاِثْنَيْنِ صَدَقَةٌ وَتُعِينُ الرَّجُلَ فِي دَابَّتِهِ فَتَحْمِلُهُ عَلَيْهَا أَوْ تَرْفَعُ لَهُ عَلَيْهَا مَتَاعَهُ صَدَقَةٌ قَالَ وَالْكَلِمَةُ الطَّيِّبَةُ صَدَقَةٌ وَكُلُّ خُطْوَةٍ تَمْشِيهَا إِلَى الصَّلَاةِ صَدَقَةٌ وَتُمِيطُ الْأَذَى عَنِ الطَّرِيقِ صَدَقَةٌ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Инсонлардаги жами бўғимлар учун қуёш чиқадиган ҳар бир кунда садақа (бериш бурчи) мавжуд: Икки (тортишиб қолган) киши ўртасида адолат (билан ҳукм) қилмоғинг - садақа. Бировга уловини минишида ёрдам бериб, уни чиқариб қўйишинг ёки нарсасини (ердан) олиб уловига юклаб беришинг - садақа. Яхши сўз - садақа. Намоз сари босган ҳар бир қадаминг – садақа. (Одамлар юрадиган) йўлдан (тош, тикан, чўп каби) озорларни олиб ташлашинг – садақа» (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Аллоҳ таолонинг фазлу марҳамати кенгки, яхшилик ишларни кўп ва хилма-хил қилиб қўйган. Ҳар ким улар ичидан ўзига муносиб бўлган улушни қилиб кетиши ва шу билан ажрга

эришиши мумкин. Мазкур ҳадисларда улардан баъзилари келтириб ўтилди.

Аллоҳ таоло банданинг тўрт мучасини соғ қилиб қўйганига шукрона этиб бадандаги 360 бўғимнинг ҳар биридан битта садақа бериш лозим. Меҳрибон зот биздан бу садақани молларимиздан чиқаришга буюрмади. Балки тарғиб қилинган суннатларга амал қилишимиз билан мазкур садақадан қутулиб кетадиган қилиб қўйди. Жамоат намозига бориш, намоздан кейинги тасбеҳларни айтиш, амри маъруф ва наҳий мункар қилиш шулар жумласидан.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Яхшилик йўлларининг хилма-хиллиги;
- 2- Аллоҳнинг фазлу марҳаматининг кенглиги;
- 3- Қўлдан келганича яхшиликларга шошилишга тарғиб.

313- дарс. Қиёмат кунндаги даҳшатларнинг қаттиқлиги

Аллоҳ таоло айтади:

«Эй инсонлар, Парвардигорингиздан қўрқингиз! Зеро (қиёмат) соати (олдидаги) zilзила улуғ-даҳшатли нарсадир. Уни кўрар кунингизда эмизаётган (оналар) эмизиб турган (боласини) унутар ва барча хомиладор (аёллар) ўз хомиласини ташлаб юборар, одамларни маст-аласт ҳолда кўрурсиз,

холбуки улар ўзлари маст эмаслар, лекин Аллоҳнинг азоби қаттиқдир» (Ҳаж: 1,2).

«Бас, агар сизлар кофир бўлсангизлар (ўз даҳшати билан) болаларни(нг сочларини оқартириб) чолларга айлантириб қўядиган Кун(нинг азоби)дан қандай сақланурсизлар!» (Муззаммил: 17).

عَنْ الْمُقَدَّادِ بْنِ الْأَسْوَدِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «تُدْنَى الشَّمْسُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنَ الْخَلْقِ حَتَّى تَكُونَ مِنْهُمْ كَمِقْدَارِ مِيلٍ قَالَ فَيَكُونُ النَّاسُ عَلَى قَدْرِ أَعْمَالِهِمْ فِي الْعَرَقِ فَمِنْهُمْ مَنْ يَكُونُ إِلَى كَعْبِيهِ وَمِنْهُمْ مَنْ يَكُونُ إِلَى رُكْبَتَيْهِ وَمِنْهُمْ مَنْ يَكُونُ إِلَى حَقْوَيْهِ وَمِنْهُمْ مَنْ يُلْجِمُهُ الْعَرَقُ الْجَامًا قَالَ وَأَشَارَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِيَدِهِ إِلَى فِيهِ» (رواه مسلم).

Миқдод ибн Асвад розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қиёмат куни қуёш халқларга жуда яқин келтирилади, ҳатто бир мил миқдорида қилинади. Шунда одамлар амаллари миқдorigа қараб тер ичида бўладилар. Баъзилари тўпиқларигача, баъзилари тиззаларигача, баъзилари белларигача (терга ботади), айримларини тер юганлаб олади», шундай деб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўллари билан оғизларига ишора қилдилар (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ الْعَرَقَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لِيَذْهَبُ فِي الْأَرْضِ سَبْعِينَ بَاعًا وَإِنَّهُ لَيَبْلُغُ إِلَى أَفْوَاهِ النَّاسِ» أَوْ «إِلَى آذَانِهِمْ» يَشْكُ ثَوْرٌ أَيُّهُمَا قَالَ (رواه مسلم).

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Тер қиёмат куни ерда етмиш қулочгача кетади, у одамларнинг оғизларигача ёки қулоқларигача – ровий шак қилган – етади» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Қиёмат кунининг даҳшати буюк, машаққати оғир, у куни одамларга қаттиқ қийинчилик етади, қуёш яқин келтирилади, амалларига қараб терга ботадилар, тер ерда узоқ масофаларга етади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Қиёмат кунининг даҳшати оғирлиги;
- 2- Қуёш одамларга жуда яқин келтирилади, улар қаттиқ терга ботадилар;
- 3- Тер ҳар бир кишининг амалига қараб тўпиғидан тортиб оғзигача етади.

314- дарс. Дўзах ва унинг катталиги ҳақида

Аллоҳ таоло айтади: «У Кунда Биз жаҳаннамга «тўлиб битдингми?» дермиз, у эса «Яна қўшимча борми?» дер» (Қоф: 30).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «يُؤْتَى بِجَهَنَّمَ يَوْمَئِذٍ لَهَا سَبْعُونَ أَلْفَ زِمَامٍ مَعَ كُلِّ زِمَامٍ سَبْعُونَ أَلْفَ مَلَكٍ يَجْرُؤْنَهَا» (رواه مسلم)

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «У кунда (яъни, қиёмат кунида) жаҳаннам олиб келинади ва унинг етмиш минг тизгини бўлади. Ҳар бир тизгиндан етмиш минг фаришта тортиб келади» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذْ سَمِعَ وَجْبَةً فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «تَذَرُونَ مَا هَذَا» قَالَ قُلْنَا اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ قَالَ «هَذَا حَجَرٌ رُمِيَ بِهِ فِي النَّارِ مُنْذُ سَبْعِينَ خَرِيفًا فَهُوَ يَهْوِي فِي النَّارِ الْآنَ حَتَّى انْتَهَى إِلَى قَعْرِهَا» (رواه مسلم)

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида эдик, тўсатдан гумбурлаган товуш эшитилди. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биласизларми, бу нима?», дедилар. Биз: «Аллоҳ ва Расули билувчирок», дедик. «Бу етмиш йил олдин дўзахга отилган тош эди. У ҳозиргача дўзахга тушиб борарди, энди тубига етди», дедилар (Имом Муслим ривояти).

Шарх:

Дўзахни Аллоҳ таоло кофирларга қароргоҳ қилиб яратган. У жуда ҳам катта, ғоят чуқур бўлиб, унинг етмиш минг тизгини бўлади. Қиёмат куни ҳар бир тизгиндан етмиш минг фаришта тортиб олиб келади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Дўзахнинг катта ва кенглиги;
- 2- Унинг ғоят чуқур экани;
- 3- Дўзах аҳлига азобнинг қаттиқлиги.

315- дарс. Дўзах ва унинг ҳароратининг кучлилиги ҳақида

Аллоҳ таоло айтади: **«Бас, (эй инсонлар), Мен сизларни ловуллаб ёниб турган оловдан — дўзахдан огоҳлантирдим»** (Вал-лайл: 14).

«Йўқ, (ҳеч қандай тўлов уни азобдан қутқара олмас)! Албатта (кофирлар ташланадиган дўзах ўз ҳарорати билан бош териларини сидириб олувчи бўлган) бир оловдир!» (Маориж: 15, 16).

«У ҳолда кофирлар учун тайёрлаб қўйилган дўзахдан қўрқингки, унинг ўтини одамлар ва тошлардир» (Бақара: 24).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «نَارُكُمْ جُزْءٌ مِنْ سَبْعِينَ جُزْءًا مِنْ نَارِ جَهَنَّمَ» قِيلَ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ كَأَنَّهُ لَكَافِيَةٌ قَالَ: «فُضِّلَتْ عَلَيْهِنَّ بِتِسْعَةٍ وَسِتِّينَ جُزْءًا كُلُّهُنَّ مِثْلُ حَرِّهَا» (متفق عليه).

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Ёқаётган бу ўтларингиз дўзах ҳароратининг етмишдан бир бўлагидир. «Аллоҳга қасамки, бир бўлаги ҳам етарди, Ё Расулуллоҳ», дейилди. «Дўзах ўти ўша ҳолатига олтмиш тўққиз баробар кучайтирилгандир ва ҳар бири ўшанча ҳароратдадир», дедилар (Муттафақун алайх).

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «يُؤْتَى بِأَنْعَمِ أَهْلِ الدُّنْيَا مِنْ أَهْلِ النَّارِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَيُصْبَغُ فِي النَّارِ صَبْغَةً ثُمَّ يُقَالُ يَا ابْنَ آدَمَ هَلْ رَأَيْتَ خَيْرًا قَطُّ هَلْ مَرَّ بِكَ نَعِيمٌ قَطُّ فَيَقُولُ لَا وَاللَّهِ يَا رَبِّ وَيُؤْتَى بِأَشَدِّ النَّاسِ بُؤْسًا فِي الدُّنْيَا مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ فَيُصْبَغُ صَبْغَةً فِي الْجَنَّةِ فَيَقَالُ لَهُ يَا ابْنَ آدَمَ هَلْ رَأَيْتَ بُؤْسًا قَطُّ هَلْ مَرَّ بِكَ شِدَّةٌ قَطُّ فَيَقُولُ لَا وَاللَّهِ يَا رَبِّ مَا مَرَّ بِي بُؤْسٌ قَطُّ وَلَا رَأَيْتُ شِدَّةً قَطُّ» (رواه مسلم).

Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Дўзах аҳлидан бўлган, дунёда ҳисобсиз ноз-неъматлар берилган киши олиб келиниб, дўзахга бир ботириб олинади-да, ундан: «Эй одам боласи, (дунёда) бирон яхшилик кўрдингми? Сенга бирон неъмат берилганмиди?» деб сўралади. У: «Аллоҳга қасамки, йўқ эй Роббим», дейди. Кейин жаннат аҳлидан бўлган, дунёда энг кўп машаққатни бошидан ўтказган киши олиб келиниб, уни бир марта

жаннатга киргизиб чиқарилади-да сўнгра ундан: «Эй одам боласи, (дунёда) бирон бир машаққат кўрганмидинг? Бошингга бирон бир қийинчилик тушганмиди?, деб сўралади. У: «Йўқ, Аллоҳга қасамки эй Роббим, ҳаргиз машаққат кўрмадим ва бошимга бирон қийинчилик ҳам тушмади», дейди» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Аллоҳнинг азоби шиддатли ва аламлидир. Дўзах олови ҳарорати дунёда биз билган оловдан етмиш баробар кучлидир. Аллоҳ таоло уни кофир ва осийлар учун жазо сифатида ҳозирлаб қўйган.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Дўзах ҳароратининг шиддатли экани;
- 2- У дунёдаги ўтнинг етмиштасига тенг экани.

316- дарс. Дўзах аҳлининг белгилари

Аллоҳ таоло айтади:

«Бас, ана ўшанда ким (ҳаёти-дунёда куфру исён билан) туғёнга тушган, Ва ҳаёти-дунёни (охиратдан) устун қўйган бўлса, у ҳолда фақат жаҳаннамгина (унинг учун) жой бўлур!»
(Ван-назиот: 37-39).

«Жаҳаннам дарвозаларидан у жойда мангу қолувчи бўлган ҳолларингизда кингиз!» (Ғофир: 76).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «اِخْتَجَّتِ النَّارُ وَالْجَنَّةُ فَقَالَتْ هَذِهِ: يَدْخُلُنِي الْجَبَّارُونَ وَالْمُتَكَبِّرُونَ وَقَالَتْ هَذِهِ: يَدْخُلُنِي الضُّعَفَاءُ وَالْمَسَاكِينُ فَقَالَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ لِهَذِهِ أَنْتِ عَذَابِي أُعَذِّبُ بِكَ مَنْ أَشَاءُ — وَرُبَّمَا قَالَ أُصِيبُ بِكَ مَنْ أَشَاءُ — وَقَالَ لِهَذِهِ أَنْتِ رَحْمَتِي أَرْحَمُ بِكَ مَنْ أَشَاءُ وَلِكُلِّ وَاحِدَةٍ مِنْكُمَا مَلُؤُهَا» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Дўзах ва жаннат тортишиб қолдилар. Униси: «Менга зўравон ва мутакаббирлар киради», деса, буниси: «Менга заиф ва мискинлар киради», деди. Шунда Аллоҳ азза ва жалла унисига: «Сен Менинг азобимсан, сен билан Ўзим истаган кишиларни азоблайман», деди, бунисига эса: «Сен Менинг раҳматимсан, сен билан Ўзим истаган кишиларга марҳамат қиламан, ҳар иккингиз лиқ тўласиз», деди (Имом Муслим ривояти).

عَنْ حَارِثَةَ بْنِ وَهَبٍ الْخُزَاعِيِّ قَالَ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «أَلَا أُخْبِرُكُمْ بِأَهْلِ الْجَنَّةِ كُلِّ ضَعِيفٍ مُتَضَعِّفٍ لَوْ أَقْسَمَ عَلَى اللَّهِ لِأَبْرَهُ أَلَا أُخْبِرُكُمْ بِأَهْلِ النَّارِ كُلِّ عُتْلٍ جَوَاطِ مُسْتَكْبِرٍ» (رواه البخاري)

Ҳориса ибн Ваҳб Хузойй розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Сизларга жаннат аҳлининг хабарини берайинми?! Улар заиф, камсуқум

инсонлар бўлиб, агар Аллоҳ номига қасам ичсалар, уни Аллоҳ албатта оқлайди. Сизларга дўзах аҳлининг хабарини берайинми?! Улар дили қаттиқ, манман ва мутакаббир кимсалардир» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «صِنْفَانِ مِنَ أَهْلِ النَّارِ لَمْ أَرَهُمَا: قَوْمٌ مَعَهُمْ سِيَاطٌ كَأَذْنَابِ الْبَقَرِ يَضْرِبُونَ بِهَا النَّاسَ وَنِسَاءٌ كَأَسِيَّاتِ عَارِيَّاتٍ مُمِيلَاتٍ مَائِلَاتٍ رُءُوسُهُنَّ كَأَسْنِمَةِ الْبُخْتِ الْمَائِلَةِ لَا يَدْخُلْنَ الْجَنَّةَ وَلَا يَجِدْنَ رِيحَهَا وَإِنَّ رِيحَهَا لِيُوجَدُ مِنْ مَسِيرَةِ كَذَا وَكَذَا»
(رواه مسلم)

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Дўзах аҳлидан икки тури борки, мен ҳали уларни кўрмадим: Биринчиси: қўлларида сигир думига ўхшаш қамчилари билан одамларни уриб юрадиган кимсалар. Иккинчиси: кийиниб олган, лекин яланғоч, (бошқаларни ҳам) йўлдан оздирувчи, ўзлари ҳам (ҳақдан) оғган ҳамда бошлари(даги сочлари)ни туянинг (бир тарафга) мойил бўлган ўркакчлари сингари дўшпайтириб олган аёллардир. Улар жаннатга кира олмайдилар, унинг ҳидини ҳам топа олмайдилар. Ваҳоланки, жаннатнинг ҳиди фалон масофадан келиб туради» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أُسَامَةَ بْنِ زَيْدٍ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «يُؤْتَى بِالرَّجُلِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَيُلْقَى فِي النَّارِ فَتَنْدَلِقُ أَفْتَابُ بَطْنِهِ فَيَدُورُ بِهَا كَمَا يَدُورُ الْحِمَارُ بِالرَّحَى فَيَجْتَمِعُ إِلَيْهِ أَهْلُ النَّارِ

فَيَقُولُونَ يَا فُلَانُ مَا لَكَ أَلَمْ تَكُنْ تَأْمُرُ بِالْمَعْرُوفِ وَتَنْهَى عَنِ الْمُنْكَرِ فَيَقُولُ بَلَى قَدْ كُنْتُ أَمُرُ
بِالْمَعْرُوفِ وَلَا آتِيهِ وَأَنْهَى عَنِ الْمُنْكَرِ وَآتِيهِ» (رواه مسلم)

Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Қиёмат куни бир кишини олиб келиниб, дўзахга улоқтирилади. Шунда қорнидан ичак-чавоғи чиқиб кетиб, унинг атрофида тегирмон айлантираётган эшакдек айланиб юради. Жаҳаннам аҳли унга йиғилиб келиб: «Эй фалончи, сизга нима бўлди, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариб юрган эмасмидингиз ахир?», дейишади. «Ҳа, яхшиликка буюрардим-у, ўзим қилмас эдим, ёмонликдан қайтарар эдим-у, ўзим қилаверар эдим», дейди (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Аллоҳ таоло ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дўзах аҳлининг белгилари ва хулқ-атворлари ҳақида сиз билан биз улардан эҳтиёт бўлишимиз ва улар билан сифатланиб қолишдан сақланишимиз учун хабар берганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Кибр ва туғёнга берилиш, дунё ҳаётини охиратдан афзал кўриш дўзах аҳлининг белгиларидан;

2- Зулм ва одамларга зўравонлик қилиш дўзах аҳлининг белгиларидан;

3- Очиқ-сочиқ юриш дўзах аҳлидан бўлган аёлларнинг белгиларидан;

4- Риё ва мунофиқлик билан амри маъруф ва наҳий мункар қилиш дўзах аҳлининг белгиларидан;

317- дарс. Тавҳид аҳли ичидан дўзахга биринчи тушадиган киши

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «إِنَّ أَوَّلَ النَّاسِ يُفْضَى يَوْمَ الْفِيَامَةِ عَلَيْهِ رَجُلٌ اسْتَشْهَدَ فَأُتِيَ بِهِ فَعَرَّفَهُ نِعْمَهُ فَعَرَفَهَا قَالَ فَمَا عَمِلْتَ فِيهَا قَالَ قَاتَلْتُ فِيكَ حَتَّى اسْتَشْهَدْتُ قَالَ كَذَبْتَ وَلَكِنَّكَ قَاتَلْتَ لِأَنْ يُقَالَ جَرِيءٌ فَقَدْ قِيلَ ثُمَّ أُمِرَ بِهِ فَسُحِبَ عَلَى وَجْهِهِ حَتَّى أُلْقِيَ فِي النَّارِ وَرَجُلٌ تَعَلَّمَ الْعِلْمَ وَعَلَّمَهُ وَقَرَأَ الْقُرْآنَ فَأُتِيَ بِهِ فَعَرَّفَهُ نِعْمَهُ فَعَرَفَهَا قَالَ فَمَا عَمِلْتَ فِيهَا قَالَ تَعَلَّمْتُ الْعِلْمَ وَعَلَّمْتُهُ وَقَرَأْتُ فِيكَ الْقُرْآنَ قَالَ كَذَبْتَ وَلَكِنَّكَ تَعَلَّمْتَ الْعِلْمَ لِيُقَالَ عَالِمٌ وَقَرَأْتَ الْقُرْآنَ لِيُقَالَ هُوَ قَارِئٌ فَقَدْ قِيلَ ثُمَّ أُمِرَ بِهِ فَسُحِبَ عَلَى وَجْهِهِ حَتَّى أُلْقِيَ فِي النَّارِ وَرَجُلٌ وَسَّعَ اللَّهُ عَلَيْهِ وَأَعْطَاهُ مِنْ أَصْنَافِ الْمَالِ كُلِّهِ فَأُتِيَ بِهِ فَعَرَّفَهُ نِعْمَهُ فَعَرَفَهَا قَالَ فَمَا عَمِلْتَ فِيهَا قَالَ مَا تَرَكْتُ مِنْ سَبِيلٍ تُحِبُّ أَنْ يُنْفَقَ فِيهَا إِلَّا أَنْفَقْتُ فِيهَا لَكَ قَالَ كَذَبْتَ وَلَكِنَّكَ فَعَلْتَ لِيُقَالَ هُوَ جَوَادٌ فَقَدْ قِيلَ ثُمَّ أُمِرَ بِهِ فَسُحِبَ عَلَى وَجْهِهِ ثُمَّ أُلْقِيَ فِي النَّارِ» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Қиёмат куни одамлар ичида энг аввал ҳукм қилинадигани шаҳид қилинган киши бўлади. Уни олиб келинади ва Аллоҳ унга Ўз

неъматларини танитади, банда уларни тан олади. Сўнг Аллоҳ: «Уларнинг шукронасига нима амал қилдинг?», деб сўрайди. У банда: «То шаҳид бўлгунимга қадар Сен учун урушдим», деб жавоб беради. Шунда Аллоҳ: «Ёлғон айтаяпсан, аслида сен одамлар сени жасур-қўрқмас дейишлари учун урушдинг ва дарҳақиқат, одамлар шундай ҳам дейишди», дейди. Сўнг буйруқ берилади, уни дўзахга ташлаш учун юзтубан судраб олиб кетилади. Кейин илм ўрганган ва уни ўргатган, ҳамда Қуръон ўқиган кишини олиб келинади. Аллоҳ унга ҳам ўз неъматларини эслатади. У банда уларни тан олади. Сўнг Аллоҳ: «Буларнинг шукронасига нима амал қилдинг?», деб сўрайди. Банда: «Сен учун илм ўргандим, уни бошқаларга ўргатдим ва Қуръон ўқидим», деб жавоб беради. Аллоҳ: «Алдаяпсан, сен илмни одамлар “олим” дейишлари учун ўргандинг, Қуръонни эса одамлар “қори” дейишлари учун ўқидинг, дарҳақиқат одамлар шундай ҳам дейишди», дейди. Сўнг буйруқ берилади, уни дўзахга ташлаш учун юзтубан судраб олиб кетилади. Шундан кейин Аллоҳ унга ризқини кенг қилиб берган, бойликнинг ҳамма туридан инъом қилган кишини олиб келинади. Аллоҳ унга ҳам Ўз неъматларини танитади. Банда уларни тан олади. Сўнг Аллоҳ: “Буларни шукронасига сен нима амал қилдинг?” деб сўрайди. “Молдавлатни Сен хуш кўрган бирон йўлни қолдирмай, ҳаммасига Сен учун сарф қилдим”, дейди у. “Ёлғон айтаяпсан, лекин сен бу ишни

одамлар сени “сахий” деб айтишлари учун қилгансан, дарҳақиқат одамлар шундай ҳам дейишди”, дейди Аллоҳ. Сўнг буйруқ берилади, уни дўзахга улоқтириш учун юзи билан ерга судраб олиб кетилади (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Қиёмат куни тавҳид аҳли ичидан биринчи бўлиб дўзахга ташланадиганлар шаҳид, олим ва сахий бўлган, бироқ аслида амалларини Аллоҳ учун холис қилмаган, балки дунёда ном чиқариш ва шон-шуҳрат қозониш учун қилган кишилар бўлади. Аллоҳ таоло дунёда уларга ўзлари истаган нарсани берган эди, охирада эса амаллари нохолис бўлгани боис дўзах билан азоблайди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Амалларни риё учун қилишнинг хатари;
- 2- Мазкур уч тоифа кишилар қиёмат куни риёлари сабабидан азоб тортадилар.

318- дарс. Жаннат ва ундаги неъматлар васфи

Аллоҳ таоло айтади:

«Тақво эгалари учун ваъда қилинган жаннатнинг сифати (будир): «Унда айнимаган сувдан бўлган дарёлар ҳам, таъми ўзгармаган сутдан бўлган дарёлар ҳам, ичувчилар учун лаззатли (яъни бадтаъм ва ақлдан оздирувчи бўлмаган) майдан бўлган дарёлар ҳам, мусаффо асалдан бўлган дарёлар ҳам бордир. Улар учун у жойда барча мевалардан бордир» (Муҳаммад: 15).

«Тақво эгалари учун ваъда қилинган жаннатнинг мисоли (будир): унинг остидан дарёлар оқур, мевалари ва соялари боқийдир» (Раъд: 35).

«Иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар эса, шакшубҳасиз - Биз (улар каби) чиройли амаллар қилган кишиларнинг ажр-мукофотини зое қилмасмиз. Улар учун остларидан дарёлар оқиб турадиган абадий жаннатлар бор бўлиб, улар у жойда олтиндан бўлган билакузуклар билан безанурлар ва ипак-шойилардан бўлган, яшнаб турувчи либослар кийиб, сўриларда ястаниб ўтирурлар. Нақадар яхши мукофот у, нақадар гўзал жой у!» (Каҳф: 30, 31).

«(Эй инсонлар), Парвардигорингиз томонидан бўладиган мағфиратга ҳамда Аллоҳ ва Унинг пайғамбарларига иймон келтирган зотлар учун тайёрлаб қўйилган, кенглиги осмон ва Ернинг кенглиги каби бўлган жаннатга шошилингиз!» (Ҳадид: 21).

«Ва улар (жаннатга кирган чоғларида) дедилар: Бизлардан ғам-қайғуни кетказган зот — Аллоҳга ҳамду-сано бўлсин. Дарҳақиқат Парвардигоримиз Ғафур ва Шакурдир. У Ўз фазлу-марҳамати билан бизларни мангу турадиган бир диёрга туширдик, бу жойда бизларга на машаққат етар ва на чарчоқ етар» (Фотир: 34, 35).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ فِي الْجَنَّةِ مِائَةَ دَرَجَةٍ أَعَدَّهَا اللَّهُ لِلْمُجَاهِدِينَ فِي سَبِيلِهِ كُلُّ دَرَجَتَيْنِ مَا بَيْنَهُمَا كَمَا بَيْنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ فَإِذَا سَأَلْتُمْ اللَّهَ فَسَلُّوهُ الْفِرْدَوْسَ فَإِنَّهُ أَوْسَطُ الْجَنَّةِ وَأَعْلَى الْجَنَّةِ وَفَوْقَهُ عَرْشُ الرَّحْمَنِ وَمِنْهُ تَفَجَّرُ أَنْهَارُ الْجَنَّةِ»
(رواه البخاري)

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Жаннатда Аллоҳ Ўз йўлидаги мужоҳидларга тайёрлаб қўйган юзта даража бор. Ҳар икки даража оралиғи ер билан осмон оралиғичадир. Аллоҳдан сўрайдиган бўлсангиз, олий «Фирдавс» жаннатини сўранглар. Чунки у жаннатнинг энг ўртаси ва энг юқорисидир, жаннат анҳорлари ундан оқиб чиқади, Раҳмон таолонинг Арши унинг устидадир» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «قَالَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ أَعَدَدْتُ لِعِبَادِي الصَّالِحِينَ مَا لَا عَيْنٌ رَأَتْ وَلَا أُذُنٌ سَمِعَتْ وَلَا خَطَرَ عَلَى قَلْبِ بَشَرٍ مِصْدَاقُ ذَلِكَ فِي كِتَابِ اللَّهِ { فَلَا تَعْلَمُ نَفْسٌ مَّا أُخْفِيَ لَهُمْ مِنْ قُرَّةِ أَعْيُنٍ جَزَاءً بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ }» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ азза ва жалла: «Солиҳ бандаларим учун кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган, одамзотнинг хаёлига ҳам келмаган нарсаларни ҳозирлаб қўйдим», деди. Бунинг тасдиғи Аллоҳнинг Китобидаги: «**Бас уларнинг қилиб ўтган амалларига мукофот қилиб улар учун беркитиб қўйилган кўзлар қувончини (яъни охираат неъматларини) бирон жон билмас**» (Сажда: 17) оятидир» (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Жаннат – Аллоҳ таоло солиҳ бандалари учун ҳозирлаб қўйган мукофот ҳовлисидир. Ундаги неъматларни инсон ақли тасаввур қилолмайди, унда кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган, инсоннинг хаёлига ҳам келмаган неъматлар бор. Номлари зикр қилинган неъматлар дунёдаги нарсаларга исмдош бўлсада ҳақиқати умуман ўзгача бўлади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Жаннат неъматларининг буюклиги;
- 2- Жаннатнинг ҳар хил даражалари ва анҳорлари бор;
- 3- Ундаги неъматларни инсон тасаввур ҳам қилолмайди.

319- дарс. Жаннат ва ундаги неъматлар васфи (2)

Аллоҳ таоло айтади:

«Аллоҳ мўмин, мўминаларга остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатлар ва жаннат боғларидаги покиза масканларни ваъда қилди. Аллоҳнинг розилиги эса ҳамма нарсдан улуғроқдир. Мана шу Ҳақиқий буюк бахтдир» (Тавба: 72).

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ اللَّهَ تَبَارَكَ وَتَعَالَى يَقُولُ لِأَهْلِ الْجَنَّةِ يَا أَهْلَ الْجَنَّةِ فَيَقُولُونَ لَبَّيْكَ رَبَّنَا وَسَعْدَيْكَ فَيَقُولُ هَلْ رَضِيتُمْ فَيَقُولُونَ وَمَا لَنَا لَا نَرْضَى وَقَدْ أَعْطَيْتَنَا مَا لَمْ تُعْطِ أَحَدًا مِنْ خَلْقِكَ فَيَقُولُ أَنَا أُعْطِيكُمْ أَفْضَلَ مِنْ ذَلِكَ قَالُوا يَا رَبِّ وَأَيُّ شَيْءٍ أَفْضَلُ مِنْ ذَلِكَ فَيَقُولُ أَحِلُّ عَلَيْكُمْ رِضْوَانِي فَلَا أَسْخَطُ عَلَيْكُمْ بَعْدَهُ أَبَدًا» (رواه البخاري)

Абу Саид ал-Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ жаннат аҳлига: «Эй жаннат аҳли!», деб нидо қилади.

- Эй Роббимиз, биз Сенинг чақириғингга доим тайёрмиз ва Сенинг чақириғинг билан бахтиёрмиз!

- (Мен берган неъматлардан) розимисизлар?

- Нима учун рози бўлмайлик? Ахир, Сен бандаларингдан ҳеч кимга бермаган неъматларингни бизга бердинг-ку?!

- Мен сизларга бундан ҳам афзалроқ-улуғроқ неъматимни ато этмоқчиман!

- Эй Роббимиз, бундан-да улугроқ қандай неъмат бор?

- Сизларга розилигимни тушираман ва ундан кейин сизларга асло ғазаб қилмайман,- дейди» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ أَتَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِثَوْبٍ مِنْ حَرِيرٍ فَجَعَلُوا يَعْجَبُونَ مِنْ حُسْنِهِ وَلِينِهِ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَمَنَادِيلُ سَعْدِ بْنِ مُعَاذٍ فِي الْجَنَّةِ أَفْضَلُ مِنْ هَذَا» (رواه البخاري).

Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бир ипак кийим келтирилди. Одамлар унинг гўзаллиги ва мулойимлигидан ҳайратлана бошладилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Саъд ибн Муознинг жаннатдаги рўмолчалари бундан анча яхши», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدِ السَّاعِدِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَوْضِعُ سَوْطٍ فِي الْجَنَّةِ خَيْرٌ مِنَ الدُّنْيَا وَمَا فِيهَا» (رواه البخاري).

Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Жаннатдаги битта қамчининг ўрни дунё ва ундаги ҳамма нарсадан яхши» (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Жаннат аҳли жаннатда тўла ва мукаммал ҳолатдаги неъматлар билан роҳатланадилар, уларга дунё лаззатларида бўлганидек айрим кудуратлар аралашган бўлмайди. Уларга ато этиладиган энг катта неъмат – Аллоҳ таолонинг жамолига боқиш ва У зотнинг розилигига эришиш ва шундан сўнг ҳеч қачон ғазабига гирифтор бўлмаслик бўлади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Жаннат аҳлига улкан неъматлар ато этилиши;
- 2- Мўминларнинг жаннатда Парвардигорнинг розилигига эришиш билан бениҳоя шодланишлари;
- 3- Аллоҳнинг фазлу марҳаматининг кенглиги ва гўзал мукофотлар билан тақдирлаши.

320- дарс. Жаннатнинг энг пастки даражаси

عَنْ الْمُغِيرَةَ بْنِ شُعْبَةَ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «سَأَلَ مُوسَى رَبَّهُ مَا أَدْنَى أَهْلِ الْجَنَّةِ مَنْزِلَةً قَالَ هُوَ رَجُلٌ يَجِيءُ بَعْدَ مَا أُدْخِلَ أَهْلُ الْجَنَّةِ الْجَنَّةَ فَيُقَالُ لَهُ أُدْخِلِ الْجَنَّةَ فَيَقُولُ أَيُّ رَبِّ كَيْفَ وَقَدْ نَزَلَ النَّاسُ مَنَازِلَهُمْ وَأَخَذُوا أَخَذَاتِهِمْ فَيُقَالُ لَهُ أَتَرْضَى أَنْ يَكُونَ لَكَ مِثْلُ مَلِكٍ مَلِكٍ مِنْ مُلُوكِ الدُّنْيَا فَيَقُولُ رَضِيْتُ رَبِّ فَيَقُولُ لَكَ ذَلِكَ وَمِثْلُهُ وَمِثْلُهُ وَمِثْلُهُ فَقَالَ فِي الْخَامِسَةِ رَضِيْتُ رَبِّ فَيَقُولُ هَذَا لَكَ وَعَشْرَةٌ أَمْثَالِهِ وَلَكَ مَا اشْتَهَتْ نَفْسُكَ وَلَدَّتْ عَيْنُكَ فَيَقُولُ رَضِيْتُ رَبِّ قَالَ رَبِّ فَأَعْلَاهُمْ مَنْزِلَةً قَالَ أَوْلِيكَ الَّذِينَ أَرَدْتُ غَرَسْتُ كَرَامَتَهُمْ بِيَدِي وَحَنَمْتُ عَلَيْهَا فَلَمْ تَرَ عَيْنٌ

وَلَمْ تَسْمَعْ أُذُنٌ وَلَمْ يَخْطُرْ عَلَى قَلْبِ بَشَرٍ قَالَ وَمِصْدَاقُهُ فِي كِتَابِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ (فَلَا تَعْلَمُ نَفْسٌ مَّا أُخْفِيَ لَهُمْ مِنْ قُرَّةِ أَعْيُنٍ) (الآيَةَ) (رواه مسلم)

Муғира ибн Шуъба розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Мусо алайҳиссалом Роббиларидан: «Жаннатдаги энг қуйи ўрин кимга берилади?»- деб сўрадилар. Аллоҳ хабар бериб деди: «Жаннат аҳли жаннатга киритилгач бир киши келади. Унга «Жаннатга кир!»- дейилади.

- Эй Роббим, қандай кираман? Ахир одамлар ўз ўринларини эгаллаб Ҳожалари берган марҳаматларни олиб бўлдилар-ку? - дейди.

- Дунё шоҳларидан бирининг мулкича мулк сеники бўлса, розимисан?- дейилади. У:

- Парвардигоро, розиман,- дейди.

- Мана шу ва ўшанча, ўшанча, ўшанча ва ўшанчаси сеники,- дейди. Беш баробар бўлганда:

- Парвардигоро, розиман,- дейди банда.

- Сўраганинг ва унинг ўн баробари сеники ҳамда кўнглинг тусаган ва кўзингга ёққан нарса сеникидир, дейди.

- Парвардигоро, розиман,- дейди банда.

Мусо алайҳиссалом:

- Эй Роббим, энг баланд мартаба кимларга берилади?- дедилар.

Аллоҳ айтади: Шундай зотларга бериладики, уларни Мен Ўзим

танлаб олдим, уларнинг кароматларини Ўз Қўлим билан экдим ва унга Ўзим муҳр қўйдим. У неъматларни кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ва инсоннинг кўнглига келмагандир,- деди. Бунинг тасдиғи Аллоҳнинг Китобидаги: **«Улар учун беркитиб қўйилган кўзлар қувончини (яъни охират неъматларини) бирон жон билмас»** (Сажда: 17) оятидир (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Жаннат неъматлари улкан, ундаги иззат-эҳтиромларнинг васфини келтириш имконсиз, унинг энг қуйи даражадаги кишиси дунё подшоҳларидан бир неча баробар азиз ва мукаррам бўлади.

Бугунги дарсан олинадиган фойдалар:

- 1- Жаннат неъматларининг улканлиги;
- 2- Жаннат аҳлининг энг қуйи даражадагисига ато этиладиган неъматлар дунё подшоҳлари мулкига бир неча баробар бўлиши;
- 3- Аллоҳ фазлу марҳаматининг кенглиги.

321- дарс. Аллоҳ азза ва жалланинг жамолига боқиш

Аллоҳ таоло айтади: **«У Кунда (мўминларнинг) юзлари яшнаб, Парвардигорларига боқиб турувчидир!»** (Қиёмат: 22, 23).

Кофирлар хақида айтади: «**Ҳеч шак-шубҳа йўққи, улар ўша (Қиёмат) Кунида Парвардигорларидан тўсилувчидирлар**» (Мутоффифун: 15).

عَنْ صُهَيْبِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا دَخَلَ أَهْلُ الْجَنَّةِ الْجَنَّةَ قَالَ يَقُولُ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى تُرِيدُونَ شَيْئًا أَزِيدُكُمْ فَيَقُولُونَ أَلَمْ تُبَيِّضْ وُجُوهَنَا أَلَمْ تُدْخِلْنَا الْجَنَّةَ وَتُنَجِّنَا مِنَ النَّارِ قَالَ فَيَكْشِفُ الْحِجَابَ فَمَا أُعْطُوا شَيْئًا أَحَبَّ إِلَيْهِمْ مِنَ النَّظَرِ إِلَى رَبِّهِمْ عَزَّ وَجَلَّ (رواه مسلم). وَزَادَ فِي رِوَايَةٍ: ثُمَّ تَلَا هَذِهِ الْآيَةَ { لِلَّذِينَ أَحْسَنُوا الْحُسْنَى وَزِيَادَةٌ }

Суҳайб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Жаннат аҳли жаннатга киргач, Аллоҳ таборака ва таоло: «(Берган неъматларимга) яна бирон нарсани зиёда қилишимни истайсизларми?», дейди. Улар: «Бизнинг юзларимизни ёруғ қилмадингми, бизларни жаннатга киритмадингми, дўзахдан нажот бермадингми, ахир?! (Бундан ортиқ яна қандай неъмат бўлиши мумкин?!), дейишади. Шунда У пардани туширади, уларга Парвардигорларига боқишдан кўра суюмлироқ бирон нарса берилмаган бўлади» (Имом Муслим ривояти).

Бир ривоятда: «Сўнгра: «**Чиройли амал қилган зотлар учун гўзал оқибат ва зиёда неъматлар бордир**» (Юнус: 26) оятини ўқидилар».

عَنْ جَرِيرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ كُنَّا عِنْدَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَظَنَّ إِلَى الْقَمَرِ لَيْلَةً - يَعْنِي الْبَدْرَ - فَقَالَ إِنَّكُمْ سَتَرُونَ رَبَّكُمْ كَمَا تَرَوْنَ هَذَا الْقَمَرَ» (متفق عليه).

Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида эдик, у зот тўлин ойга боқиб туриб айтдилар: «Сизлар Парвардигорингизни худди шу ойни кўриб турганингиздек кўрасизлар» (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Аллоҳ таоло жаннат аҳлига тайёрлаб қўйган ҳурмат-эҳтиромларнинг энг улуғи – У зотнинг жамолига боқиш неъматидир, бу аҳли жаннат топадиган энг катта лаззатдир.

Бугунги дарсдан олинган фойдалар:

- 1- Қиёмат куни мўминлар Аллоҳ таолонинг Юзини кўришлари ҳақ экани;
- 2- Бу – жаннат аҳли топадиган энг катта неъматдир;
- 3- Кофирлар Аллоҳ таолонинг Юзини кўришдан маҳрум этиладилар.

322- дарс. Қиёмат кундаги қасослар ҳақида

Аллоҳ таоло айтади:

«Биз қиёмат куни учун адолатли мезон-тарозилар қўюрмиз, бас, бирон жонга заррача зулм қилинмас. Агар хардал (ўсимлигининг) уруғидек (яхши ёки ёмон амал қилинган) бўлса, ўшани-да келтиурмиз! Биз Ўзимиз етарли ҳисоб-китоб қилувчидирмиз» (Анбиё: 47).

«Бу Кунда ҳар бир жон ўзи қилган амали билан жазоланур. Бу Кунда (ҳеч кимга) зулм қилинмас. Албатта Аллоҳ тез ҳисоб-китоб қилувчи зотдир» (Ғофир: 17).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ كَانَتْ لَهُ مَظْلَمَةٌ لِأَخِيهِ مِنْ عَرَضِهِ أَوْ شَيْءٍ فَلْيَتَحَلَّلْهُ مِنْهُ الْيَوْمَ قَبْلَ أَنْ لَا يَكُونَ دِينَارًا وَلَا دِرْهَمًا إِنْ كَانَ لَهُ عَمَلٌ صَالِحٌ أَخَذَ مِنْهُ بِقَدْرٍ مَظْلَمْتِهِ وَإِنْ لَمْ تَكُنْ لَهُ حَسَنَاتٌ أَخَذَ مِنْ سَيِّئَاتِ صَاحِبِهِ فَحُمِلَ عَلَيْهِ» (رواه البخاري).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимнинг зиммасида биродарининг обрў-номусига нисбатан қилган зулм ё (моли ё жонига қилган зулм каби бошқа) бирон нарса бўлса, шу бугун, динор ва дирҳам бўлмайдиган кун келишидан олдин ундан қутулиб олсин. (У кунда) агар унинг солиҳ амали бўлса, зулми миқдорича ундан олинади, агар савоблари бўлмаса, биродарининг гуноҳларидан олиниб, унга юкланади», дедилар (Бухорий ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَتَدْرُونَ مَا الْمُفْلِسُ؟» قَالُوا الْمُفْلِسُ فِينَا مَنْ لَا دِرْهَمَ لَهُ وَلَا مَتَاعَ فَقَالَ: «إِنَّ الْمُفْلِسَ مِنْ أُمَّتِي يَأْتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ بِصَلَاةٍ وَصِيَامٍ وَزَكَاةٍ وَيَأْتِي قَدْ شَتَمَ هَذَا وَقَذَفَ هَذَا وَأَكَلَ مَالَ هَذَا وَسَفَكَ دَمَ هَذَا وَضْرَبَ هَذَا فَيُعْطَى هَذَا مِنْ حَسَنَاتِهِ وَهَذَا مِنْ حَسَنَاتِهِ فَإِنْ فَنَيْتَ حَسَنَاتَهُ قَبْلَ أَنْ يُقْضَى مَا عَلَيْهِ أَخَذَ مِنْ خَطَايَاهُمْ فَطُرِحَتْ عَلَيْهِ ثُمَّ طُرِحَ فِي النَّارِ» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Муфлис (қашшоқ, сариқ чақасиз кимса) нималигини биласизларми?» деб сўрадилар. «Бизнингча, муфлис – на дирҳами, на бирон матоси бўлмаган одам» деб жавоб беришди. «Умматим ичидаги муфлис шундай одамки, қиёмат куни намоз, рўза, закот билан келади, бироқ кимнидир сўккан, кимгадир туҳмат қилган, кимнингдир молини еган, кимнидир қонини тўккан, кимнидир урган ҳолда келади. Шунда савобларидан унга, бунга олиб берилади, савоблари зиммасидаги ҳақлардан қутулишга етмаса, уларнинг гуноҳларидан олиниб, бунга юкланади, сўнг дўзахга отилади», дедилар (Муслим ривояти).

Шарҳ:

Қиёмат кунида тўла адолат билан ҳукм қилинади, ҳеч кимга зулм қилинмайди, бировнинг бошқа бировдан кўрган зулмлари тўла қилиб қайтарилади. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қиёмат кунидаги қасосга қолдирмасдан шу дунёнинг ўзида ҳақлардан қутулиб олишга йўллаганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Аллоҳ таолонинг тўла адолати;
- 2- Одамларга зулм қилиб қўйишдан сақланиш лозимлиги;
- 3- Мазлумга золимнинг савобларидан олиб берилиши, агар унинг савоблари етмаса бунинг гуноҳларидан олиб унга юкланиши.

323- дарс. Қиёмат кунндаги ҳисоб-китоб кўринишларидан

Аллоҳ таоло айтади:

«Бу кун Биз уларнинг оғизларини муҳрлаб қўюрмиз. Ва Бизга уларнинг қилиб ўтган ишлари ҳақида — уларнинг қўллари сўзлар ва оёқлари гувоҳлик берур» (Ёсин: 65).

«Улар териларига «Нима учун бизга қарши гувоҳлик бердинглар?»— дейишганида, (терилари): «Бизларни барча нарсани сўзлатган зот Аллоҳ сўзлатди, дедилар. Сизларни дастлаб У яратган ва сизлар яна Унинг Ўзигагина қайтарилурсизлар»» (Фуссилат: 21).

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كُنَّا عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَضَحِكُ فَقَالَ: «هَلْ تَدْرُونَ مِمَّ أَضْحَكُ؟» قَالَ قُلْنَا اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ قَالَ: «مِنْ مُخَاطَبَةِ الْعَبْدِ رَبَّهُ، يَقُولُ يَا رَبِّ أَلَمْ تُجْرِنِي مِنَ الظُّلْمِ قَالَ يَقُولُ بَلَى قَالَ فَيَقُولُ فَإِنِّي لَا أُجِيزُ عَلَى نَفْسِي إِلَّا شَاهِدًا مِنِّي قَالَ فَيَقُولُ

كَفَىٰ بِنَفْسِكَ الْيَوْمَ عَلَيْكَ شَهِيدًا وَبِالْكَرَامِ الْكَاتِبِينَ شُهَدَاءَ قَالَ فَيُخْتَمَ عَلَيَّ فِيهِ فَيَقَالُ لِأَرْكَانِهِ انْطِقِي
قَالَ فَتَنْطِقُ بِأَعْمَالِهِ قَالَ ثُمَّ يُخَلَّى بَيْنَهُ وَبَيْنَ الْكَلَامِ قَالَ فَيَقُولُ بَعْدًا لَكُنَّ وَسُحْقًا فَعَنْكَنَّ كُنْتُ
أُنَاضِلُ» (رواه مسلم).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида эдик, у
зот кулдилар, сўнг: «Нега кулганимни биласизларми?», деб
сўрадилар. Биз: «Аллоҳ ва Расули билувчирок», деб жавоб бердик.
Шунда дедилар: «Банданинг Робби билан сўзлашувидан (кулдим).
У: «Эй Роббим, менга зулмдан паноҳ бермаганмисан, ахир?!»,
дейди. (Робби) айтади: «Ҳа, шундай». Шунда у: «Мен ўзимга
қарши ўзимдан бошқа гувоҳ (келтирилиши)га ижозат бермайман»,
дейди. (Робби:) «Бугун сенга қарши ўзингнинг гувоҳлигинг ва
Киромун Котибийн (яъни амалларни ёзиб турувчи улуғ
фаришталар) гувоҳлиги етарлидир», дейди. Сўнг унинг оғзи
муҳрланади ва аъзоларига: «Гапиринглар!», дейилади. (Аъзолари
унинг қилган) амалларини айтиб беришади. Сўнгра унга
гапиришга имкон берилади. Шунда у (аъзоларига): «Қуриб
кетгурлар, йўқ бўлиб кетгурлар! Мен сизларни ҳимоя қилаётган
эдим-ку», дейди (Имом Муслим ривояти).

Мўминларнинг ҳисоби енгил қилинади:

Аллоҳ таоло айтади: «Эй инсон, албатта сен меҳнат-машаққат
чекиб Парвардигорингга (яъни Унинг мукофот ёки жазосига)

борувчисан, (бу ҳаёти дунёдан ўтганингдан сўнг) У зотга йўлиқувчисан. Ана энди кимнинг номаи аъмоли ўнг томонидан берилса, у осон ҳисоб билан ҳисоб-китоб қилинажак» (Иншиқоқ: 6-8).

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «إِنَّ اللَّهَ يُدْنِي الْمُؤْمِنَ فَيَضَعُ عَلَيْهِ كَنَفَهُ وَيَسْتُرُهُ فَيَقُولُ أَتَعْرِفُ ذَنْبَ كَذَا أَتَعْرِفُ ذَنْبَ كَذَا فَيَقُولُ نَعَمْ أَيْ رَبِّ حَتَّى إِذَا قَرَّرَهُ بِذُنُوبِهِ وَرَأَى فِي نَفْسِهِ أَنَّهُ هَلَكَ قَالَ سَتَرْتُهَا عَلَيْكَ فِي الدُّنْيَا وَأَنَا أَعْفِرُهَا لَكَ الْيَوْمَ فَيُعْطَى كِتَابَ حَسَنَاتِهِ وَأَمَّا الْكَافِرُ وَالْمُنَافِقُونَ فَيَقُولُ الْأَشْهَادُ «هُؤُلَاءِ الَّذِينَ كَذَبُوا عَلَى رَبِّهِمْ أَلَا لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الظَّالِمِينَ» (رواه البخاري).

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ таоло мўминни яқин келтириб, унинг устига пардасини ташлайди ва (бошқалар кўзидан) яширади, сўнг уни гуноҳларига иқрор қилдиради: «Фалон-фалон гуноҳни эътироф этасанми?» У: «Ҳа, эътироф этаман эй Раббим», дейди. Барча гуноҳларига иқрор қилдиргач ва банда ўзича энди албатта тамом бўлдим деб ўйлагач, шунда: «Сен учун дунёда буларни яширган эдим, энди бугун эса уларни мағфират этаман», дейди. Сўнг унга яхши амалларининг саҳифаси берилади. Аммо кофир ва мунофиқлар (хақида) барча гуноҳлар: «Мана шулар Парвардигорлари шаънига ёлғон сўзларни сўзлаганлар», дейдилар» (Ҳуд: 18) (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Қиёмат куни Аллоҳ таоло адолат ва фазлу марҳамат билан ҳисоб қилади. У Зот кофир ва жинойтчиларга Ўз адолати билан ҳукм қилиб, уларни қилган қилмишларига яраша жазолайди, уларга ўз аъзоларини гувоҳ қилиб, бирон баҳонага ўрин қолдирмасдан шармандаларини чиқаради. Мўмин-мусулмон бандаларини эса Ўз фазлу марҳамати билан гуноҳларини яширади ва мағфират қилади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Қиёмат куни кофирнинг аъзойи бадани унинг қилиб ўтган амаллари ҳақида ўзига қарши гувоҳлик беради;

2- Мўминларга ҳисоб осонлаштирилади;

Аллоҳ таоло мўминларнинг гуноҳларини яшириб, мағфират қилади, кофир ва мунофиқларни эса шармандаю шармисор қилади.

324- дарс. Жаннат аҳлининг белгилари

Аллоҳ таоло айтади: «Энди ким (ҳаёти-дунёдалик пайтида Қиёмат Куни маҳшаргоҳда) **Парвардигорининг** (ҳузурда) **туриши** (ва У зотга ҳисоб-китоб бериши)дан **қўрққан ва нафсини ҳавойи хоҳишлардан қайтарган бўлса. У ҳолда фақат жаннатгина** (унинг учун) **жой бўлур»** (Ван-нозиот: 40, 41).

عَنْ عُبَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ شَهِدَ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ وَأَنَّ عِيسَى عَبْدُ اللَّهِ وَرَسُولُهُ وَكَلِمَتُهُ أَلْقَاهَا إِلَى مَرْيَمَ وَرُوحٌ مِنْهُ وَالْجَنَّةُ حَقٌّ وَالنَّارُ حَقٌّ أَدْخَلَهُ اللَّهُ الْجَنَّةَ عَلَى مَا كَانَ مِنَ الْعَمَلِ» (رواه البخاري).

Убода ибн Сомит розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким: «Бир Аллоҳдан ўзга барҳақ маъбуд йўқ, У ёлғиздир, шериги йўқдир, Муҳаммад Унинг бандаси ва расулидир, Ийсо ҳам Унинг бандаси, расули, Марямга туширган калимаси ва Унинг тарафидан бўлган рухдир, жаннат ҳақдир, дўзах ҳақдир» деб гувоҳлик берса, Аллоҳ уни қилган иш-амалларига қараб жаннатга киритади» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «اِحْتَجَّتِ النَّارُ وَالْجَنَّةُ فَقَالَتْ هَذِهِ يَدْخُلُنِي الْجَبَّارُونَ وَالْمُتَكَبِّرُونَ وَقَالَتْ هَذِهِ يَدْخُلُنِي الضُّعَفَاءُ وَالْمَسَاكِينُ فَقَالَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ لَهُدِهِ: «أَنْتِ عَذَابِي أُعَذِّبُ بِكَ مَنْ أَشَاءُ» وَرَبَّمَا قَالَ: «أُصِيبُ بِكَ مَنْ أَشَاءُ» وَقَالَ لَهُدِهِ: «أَنْتِ رَحْمَتِي أَرْحَمُ بِكَ مَنْ أَشَاءُ وَلِكُلِّ وَاحِدَةٍ مِنْكُمْ مَلُؤُهُا» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Дўзах ва жаннат тортишиб қолдилар. Униси: «Менга зўравон ва мутакаббирлар киради», деса, буниси: «Менга заиф ва мискинлар киради», дер эди. Шунда Аллоҳ азза ва жалла унисига: «Сен Менинг азобимсан, сен билан Ўзим истаган кишиларни азоблайман», деди, бунисига эса: «Сен Менинг раҳматимсан, сен билан Ўзим истаган кишиларга

марҳамат қиламан, ҳар иккингилик тўласиз», деди (Имом Муслим ривояти).

عَنْ حَارِثَةَ بْنِ وَهَبٍ الْخُزَاعِيِّ قَالَ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «أَلَا أُخْبِرُكُمْ بِأَهْلِ الْجَنَّةِ كُلِّ ضَعِيفٍ مُتَضَعِّفٍ لَوْ أَقْسَمَ عَلَى اللَّهِ لِأَبْرَهُ أَلَا أُخْبِرُكُمْ بِأَهْلِ النَّارِ كُلِّ عُتْلٍ جَوَاطِ مُسْتَكْبِرٍ» (رواه البخاري)

Ҳориса ибн Ваҳб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Сизларга жаннат аҳлининг хабарини берайинми?! Улар заиф, камсуқум инсонлар бўлиб, агар Аллоҳ номига қасам ичсалар, Аллоҳ уларни оқлайди. Сизларга дўзах аҳлининг хабарини берайинми?! Улар дили қаттиқ, манман ва мутақаббир кимсалардир» (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Мазкур оят ва ҳадисларда айтилгани каби жаннат аҳлининг белгилари борки, Аллоҳ таоло ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни сизу бизларга тарғиб учун баён қилганлар, ўша сифатларга эга бўлиш Аллоҳнинг изни билан жаннатга киришимизга сабаб бўлади.

Бугунги дардан олинадиган фойдалар:

1- Аллоҳдан кўрқиш ва ўзни ношаръий ишлардан тийиш жаннат аҳлининг белгиларидан саналади;

2- Тавҳидни Аллоҳ учун холис қилиш жаннат аҳлининг энг улуғ сифатларидан;

3- Аллоҳнинг бандаларига зўравонлик ва мутакаббирлик қилмаслик ҳам уларнинг ахлоқларидандир.

325- дарс. Жаннат аҳлининг жаннатдаги сифатлари

Аллоҳ таоло айтади:

«Биз (жаннатлардаги) сўриларда дўст-биродар бўлиб, бир-бирларига рўбарў ўтирган зотларнинг дилларидаги ҳар қандай гина-кудуратларни чиқариб ташладик» (Ҳижр: 47).

«Сиз уларнинг юзларида неъматларнинг жилвасини танийсиз — кўрасиз» (Мутаффиун: 24).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَوَّلُ زُمْرَةٍ تَلْجُ الْجَنَّةَ صُورَتُهُمْ عَلَى صُورَةِ الْقَمَرِ لَيْلَةَ الْبَدْرِ لَا يَبْصُقُونَ فِيهَا وَلَا يَمْتَخِطُونَ وَلَا يَتَغَوَّطُونَ أُنْيَتُهُمْ فِيهَا الذَّهَبُ أَمْشَاطُهُمْ مِنَ الذَّهَبِ وَالْفِضَّةُ وَمَجَامِرُهُمُ الْأَلْوَةُ وَرَشْحُهُمُ الْمِسْكُ وَلِكُلِّ وَاحِدٍ مِنْهُمْ زَوْجَتَانِ يُرَى مِخُّ سَوْقِهِمَا مِنْ وَرَاءِ اللَّحْمِ مِنَ الْحُسْنِ لَا اخْتِلَافَ بَيْنَهُمْ وَلَا تَبَاغُضَ قُلُوبُهُمْ قَلْبٌ وَاحِدٌ يُسَبِّحُونَ اللَّهَ بُكْرَةً وَعَشِيًّا» (رواه البخاري).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Жаннатга биринчи бўлиб

кирадиган жамоа суратлари тўлин ой суратида бўлади. Улар у ерда тупурмайдилар, бурун қоқмайдилар, қазои ҳожат қилмайдилар. Идишлари тилло, тароқлари олтин ва кумушдан хушбўй тутатқи соладиган идишлари уд (дарахти)дан, (баданларидан чиқадиган) терлари мушкдир. Улардан ҳар бирининг гўзаллигидан болдирларининг иликлари этлари остидан кўришиб турадиган иккитадан жуфтлари бўлади. Улар ўртасида ихтилоф ҳам, адоват ҳам бўлмайди. Қалблари битта қалб бўлиб, эртаю кеч Аллоҳга тасбеҳ айтадилар» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ وَأَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «يُنَادِي مُنَادٍ إِنْ لَكُمْ أَنْ تَصِحُّوا فَلَا تَسْقُمُوا أَبَدًا وَإِنْ لَكُمْ أَنْ تَحْيُوا فَلَا تَمُوتُوا أَبَدًا وَإِنْ لَكُمْ أَنْ تَشَبُّوا فَلَا تَهْرَمُوا أَبَدًا وَإِنْ لَكُمْ أَنْ تَنْعَمُوا فَلَا تَبْأَسُوا أَبَدًا فَذَلِكَ قَوْلُهُ عَزَّ وَجَلَّ {وَنُودُوا أَنْ تُلْكُمْ الْجَنَّةُ أُورِثْتُمُوهَا بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ}» (رواه مسلم).

Абу Саид ал-Худрий ва Абу Ҳурайра розияллоху анҳумодан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «(Жаннат аҳли жаннатга кирганларида) бир фаришта: «Сизлар ҳеч касал бўлмасдан, доим соғ-саломат юрасизлар. Сизлар мангу тирик бўлиб, асло ўлим кўрмайсизлар. Сизлар ҳамиша навқирон бўлиб, сира қаримайсизлар. Сизлар абадий неъматда бўлиб, ҳеч қийналмайсизлар», деб нидо қилади. Бу Аллоҳ азза ва жалланинг ушбу сўзи маъносики: **«Уларга: қилиб ўтган (яхши) амалларингиз сабабли сизларга мерос қилиб берилган жаннат**

мана шудир, деб нидо қилинур» (Аъроф: 43)» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Жаннат аҳли битмас-туганмас ва давомий неъматлар ичра бўлади, уларда қийналиш ва машаққат чекиш деган нарса бўлмайди. Улар доимий навқирон ва ўзгармас соғлиқ-саломатликда бўладилар. Қалбларида ғиллу-ғашлик, адовату нафрат деган нарсадан асар ҳам бўлмайди. Парвардигорлари ато этган ноз-неъматлардан розилик ва шод-хуррамликда ҳаёт кечирадилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Жаннат аҳлининг гўзаллиги ва юзларининг ёруғлиги;
- 2- Жаннат аҳлининг абадий навқирон ва саломат бўлиши;
- 3- Улардаги ноз-неъматларнинг асло тамом бўлмаслиги, дилларида ҳасад ва ғиллу-ғашлик бўлмаслиги.

326- дарс. Аллоҳнинг раҳмати кенг ва бепоён экани ҳақида

Аллоҳ таоло айтади:

«Меҳрибон ва раҳмли...» (Фотиҳа: 2).

«Раҳматим — меҳрибонлигим эса ҳамма нарсадан кенгдир. Мен уни (раҳматимни) тақво қиладиган, закотни берадиган зотларга ва Бизнинг оятларимизга иймон келтирувчи бўлган кишиларга ёзурман» (Аъроф: 156).

«У мўминларга меҳрибон бўлган зотдир» (Аҳзоб: 43).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَمَّا خَلَقَ اللَّهُ الْخَلْقَ كَتَبَ فِي كِتَابِهِ فَهُوَ عِنْدَهُ فَوْقَ الْعَرْشِ إِنَّ رَحْمَتِي تَغْلِبُ غَضَبِي» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло халқларни яратгач, Ўз ҳузурида, Арш устида бўлган Китобига: «Албатта Менинг раҳматим ғазабимдан устундир», деб ёзиб қўйди (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَوْ يَعْلَمُ الْمُؤْمِنُ مَا عِنْدَ اللَّهِ مِنَ الْعُقُوبَةِ مَا طَمَعَ بِجَنَّتِهِ أَحَدٌ وَلَوْ يَعْلَمُ الْكَافِرُ مَا عِنْدَ اللَّهِ مِنَ الرَّحْمَةِ مَا قَنَطَ مِنْ جَنَّتِهِ أَحَدٌ» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Агар мўмин Аллоҳ ҳузуридаги азоб-уқубатни билганида эди, бирон киши Унинг жаннатини умид қилмаган бўларди. Агар кофир Аллоҳ ҳузуридаги раҳматни билганида эди, бирон киши Унинг жаннатидан ноумид бўлмас эди» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ «جَعَلَ اللَّهُ الرَّحْمَةَ مِائَةَ جُزْءٍ فَأَمْسَكَ عِنْدَهُ تِسْعَةً وَتِسْعِينَ وَأَنْزَلَ فِي الْأَرْضِ جُزْءًا وَاحِدًا فَمِنْ ذَلِكَ الْجُزْءِ تَنَزَّاهُ الْخَلَائِقُ حَتَّى تَرْفَعَ الدَّابَّةُ حَافِرَهَا عَنْ وَادِّهَا خَشْيَةً أَنْ تُصِيبَهُ» (رواه مسلم).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло раҳматни юз бўлакка бўлиб, тўқсон тўққизтасини Ўз ҳузурида олиб қолди ва бир бўлагини ерга туширди. Мана шу бир бўлак раҳмат билан махлуқотлар бир-бирига раҳм-шафқат кўрсатишади, ҳатто ҳайвон боласини босиб олмаслик учун туёғини кўтаради» (Имом Муслим ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَسْرَفَ رَجُلٌ عَلَى نَفْسِهِ فَلَمَّا حَضَرَهُ الْمَوْتُ أَوْصَى بِنَيْهِ فَقَالَ إِذَا أَنَا مُتُّ فَأَحْرِقُونِي ثُمَّ اسْحَقُونِي ثُمَّ ادْرُونِي فِي الرِّيحِ فِي الْبَحْرِ فَوَاللَّهِ لَئِنْ قَدَرَ عَلَيَّ رَبِّي لَيُعَذِّبُنِي عَذَابًا مَا عَذَّبَهُ بِهِ أَحَدًا قَالَ فَفَعَلُوا ذَلِكَ بِهِ فَقَالَ لِلْأَرْضِ أَدِّي مَا أَخَذَتْ فَإِذَا هُوَ قَائِمٌ فَقَالَ لَهُ مَا حَمَلَكَ عَلَيَّ مَا صَنَعْتَ فَقَالَ خَشِيتُكَ يَا رَبُّ أَوْ قَالَ مَخَافَتُكَ فَعَفَرَ لَهُ بِذَلِكَ» (متفق عليه).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Бир киши ҳаддан ташқари кўп гуноҳлар қилиб, вафоти яқинлашганда фарзандларига васият қилиб айтдики: «Агар вафот этсам, мени куйдиринглар ва кулимни шамолли кунда денгизга сочиб юборинглар. Аллоҳга қасамки, агар Роббим мен(и қайта тирилтириш)га қодир бўлса, менга ҳеч бир

бандасига бермайдиган қаттиқ азоб билан азоб беради». Фарзандлари унинг айтганини қилишди. (Аллоҳ таоло) ерга: «Олган (омонатларингни) адо қил», деб буюрди. Шунда у (одамнинг жасади йиғилиб келиб, Аллоҳ ҳузурида) турди. Аллоҳ таоло ундан: «Сени бундай қилишга нима ундади?», деб сўради. «Сендан қўрқишим, эй Роббим», деб жавоб берди. Шу сабабли Аллоҳ таоло уни мағфират қилди» (Муттафақун алайх).

Шарҳ:

Аллоҳнинг мўмин бандаларига раҳмати кенг ва бепоёнدير. У зот Раҳмон ва Раҳимдир, раҳмати ғзабидан устун, бирон бир гуноҳ У кечиролмайдиган даражада катта бўлмайди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Аллоҳнинг раҳмати кенг;
- 2- Унинг раҳмати мўмин бандаларига хос;
- 3- Унинг раҳмати ғзабидан устун.

327- дарс. Таквонинг фазли ва такволи бўлишга буйруқлар

Аллоҳ таоло айтади:

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтини (Ҳаввони) вужудга келтирган ҳамда у

икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан кўрқингиз!» (Нисо: 1).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост кўрқиш билан кўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан кўрқинглар ва (ҳар бир) жон эрта (Қиёмат Кунни) учун нимани (яъни қандай эзгу амални) тақдим этганига қарасин! Аллоҳдан кўрқинглар! Албатта Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир» (Ҳашр: 18).

«Аллоҳ фақат тақводорлардангина қабул қилур». (Моида: 27).

«Ким Аллоҳдан кўрқса У зот унинг учун (барча ғам-кулфатлардан) чиқар йўлни (пайдо) қилур ва уни ўзи ўйламаган томондан ризқлантирур» (Талок: 2, 3).

«Биз сизлардан илгари Китоб берилган зотларга ҳам, сизларга ҳам Аллоҳдан кўрқинглар, деб амр қилдик» (Нисо: 131).

«Эй мўминлар, агар Аллоҳдан кўрқсангизлар, сизлар учун ҳақ билан ноҳақни ажратадиган ҳидоят ато қилур» (Анфол: 29).

«(Ҳақ эканлигига) ҳеч қандай шак-шубҳа бўлмаган ушбу Китоб ғойибга ишонадиган, намозни тўқис адо этадиган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эхсон қиладиган тақволи кишилар учун раҳбар-йўлбошчидир» (Бақара: 2,3).

«У – Биз бандаларимиздан тақводор бўлган кишиларга мерос қилиб берадиган жаннатдир» (Марям: 63).

«(У кунда) жаннат тақводор бўлган зотларга яқин қилинди» (Шуъаро: 90).

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «اتَّقِ اللَّهَ حَيْثُمَا كُنْتَ وَأَتْبِعِ السَّيِّئَةَ الْحَسَنَةَ تَمَحُّهَا وَخَالِقِ النَّاسَ بِخُلُقٍ حَسَنٍ» (أخرجه الترمذي).

Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қаерда бўлмагин, Аллоҳдан кўрк! Ёмонлик орқасидан яхшилик қил, у ўша (ёмонлик)ни ўчириб юборади, одамларга гўзал хулқ билан муомала қил!» (Имом Термизий ривояти).

Шарҳ:

Тақво – Аллоҳнинг буйруқларини қилиш ва қайтариқларидан тийилиш орқали ўзингиз билан Аллоҳнинг азоби ўртасига тўсиқ қўйишингиздир. У дунё ва охиратнинг барча яхшиликларини ўзида жамловчидир. Аллоҳ таоло аввалгилар-у охиргиларни унга буюрган ва амалларни фақат тақводорлардан қабул қилишини айтган.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Тақвонинг фазли, у барча яхшиликни ўзида жамлаган экани;

2- У кулфатларнинг ариши ва ризқнинг кенгайишига сабаб бўлиши;

3- У жаннатга эришишга сабаб экани.

328- дарс. Аллоҳни ёдда тутинг, У сизни ёдда тутади

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ كُنْتُ خَلْفَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمًا فَقَالَ: «يَا غُلَامُ إِنِّي أَعَلَّمُكَ كَلِمَاتٍ أَحْفَظِ اللَّهُ يَحْفَظُكَ أَحْفَظِ اللَّهَ تَجِدْهُ تُجَاهَكَ إِذَا سَأَلْتَ فَاسْأَلِ اللَّهَ وَإِذَا اسْتَعْنْتَ فَاسْتَعِنْ بِاللَّهِ وَاعْلَمْ أَنَّ الْأُمَّةَ لَوِ اجْتَمَعَتْ عَلَى أَنْ يَنْفَعُوكَ بِشَيْءٍ لَمْ يَنْفَعُوكَ إِلَّا بِشَيْءٍ قَدْ كَتَبَهُ اللَّهُ لَكَ وَلَوْ اجْتَمَعُوا عَلَى أَنْ يَضُرُّوكَ بِشَيْءٍ لَمْ يَضُرُّوكَ إِلَّا بِشَيْءٍ قَدْ كَتَبَهُ اللَّهُ عَلَيْكَ رُفِعَتِ الْأَقْلَامُ وَجَفَّتِ الصُّحُفُ» (أخرجه الترمذي).

وفي رواية: "أَحْفَظِ اللَّهَ تَجِدْهُ أَمَامَكَ، تَعَرَّفْ إِلَى اللَّهِ فِي الرَّخَاءِ يَعْرِفَكَ فِي الشَّدَّةِ، وَاعْلَمْ أَنَّ مَا أَخْطَأَكَ لَمْ يَكُنْ لِيُصِيبِكَ وَمَا أَصَابَكَ لَمْ يَكُنْ لِيُخْطِئَكَ، وَاعْلَمْ أَنَّ النَّصْرَ مَعَ الصَّبْرِ وَأَنَّ الْفَرَجَ مَعَ الْكُرْبِ وَأَنَّ مَعَ الْعُسْرِ يُسْرًا"

Ибн Аббос розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади: Бир куни мен Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида эдим, менга айтдиларки: «Эй болам, мен сенга бир неча калималарни таълим бераман. Аллоҳни ёдда тут, сени Аллоҳ ёдда тутади, Аллоҳни ёдингда тут, У зотни рўпарангда топасан. Агар сўрасанг, Аллоҳдан сўра, агар ёрдам истасанг Аллоҳдан иста. Билгинки, бутун уммат агар сенга фойда етказамиз деб тўпланишса, Аллоҳ сенга ёзган нарсадан бошқа бирон нарса билан фойда етказиша олмайди. Агар сенга зарар етказиш учун тўпланишса, Аллоҳ сенга

ёзган нарсдан бошқа бирон нарса билан зарар етказиша олмайди. Қалам (то қиёматгача бўладиган нарсаларни) ёзиб бўлган ва саҳифалар қуриган» (Имом Термизий ривояти).

Бир ривоятда: «Аллоҳни ёдда тут, У зотни рўпарангда топасан. Енгиллик пайтда Аллоҳга танилиб ол, У машаққат пайтда сени танийди. Билгинки, сенга етмаган нарса сенга асло етиши мумкин эмас, сенга етган нарса эса асло сендан ўтиб кетиши мумкин эмас. Билгинки, ғалаба сабр билан, роҳат эса кулфат билан биргадир, ҳар бир машаққат билан бирга бир енгиллик ҳам бордир».

Шарҳ:

Ушбу улуғ ҳадис Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам амакиваччалари Ибн Аббос розияллоҳу анҳумога қилган улуғ насиҳатни ўз ичига олган. У зот унга Аллоҳни Унинг буйруқларини қилиш ва қайтариқларидан тийилиш, У белгилаб қўйган чек-чегараларни риоя қилиш билан таниш лозимлигига, Унинг назоратини ҳис қилиш ва Ундан кўрқиш кераклигига йўлладилар. Ким Аллоҳни ёдда тутса, Аллоҳ унинг диний ва дунёвий манфаатларини асрайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам барча ишларда Аллоҳдан ёрдам сўрашга буюрдилар, сўнг муҳим бир асосни, яъни Аллоҳга таваккул қилиш, бандага Аллоҳ ёзган нарса албатта бўлишига ва бандадан буриб қўйган

нарса ҳар қанча сабабларини қилмасин, асло унга етмаслигини билдирдилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Аллоҳнинг буйруқларини қилиш ва қайтариқларидан тийилиш билан У зотни ёдда тутган кишини Аллоҳ ҳам ёдда тутади ва асрайди;
- 2- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг Ўзигагина суянишга ва ёрдамни фақат Унинг Ўзидан сўрашга буюрганлар.

329- дарс. Яхшиликни дилига туккан ва қасд қилган кишига ҳам савоб ёзилиши

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِيمَا يَرْوِي عَنْ رَبِّهِ عَزَّ وَجَلَّ قَالَ قَالَ: «إِنَّ اللَّهَ كَتَبَ الْحَسَنَاتِ وَالسَّيِّئَاتِ ثُمَّ بَيَّنَ ذَلِكَ فَمَنْ هَمَّ بِحَسَنَةٍ فَلَمْ يَعْمَلْهَا كَتَبَهَا اللَّهُ لَهُ عِنْدَهُ حَسَنَةً كَامِلَةً فَإِنْ هُوَ هَمَّ بِهَا فَعَمِلَهَا كَتَبَهَا اللَّهُ لَهُ عِنْدَهُ عَشْرَ حَسَنَاتٍ إِلَى سَبْعِ مِائَةٍ ضِعْفٍ إِلَى أضعافٍ كَثِيرَةٍ وَمَنْ هَمَّ بِسَيِّئَةٍ فَلَمْ يَعْمَلْهَا كَتَبَهَا اللَّهُ لَهُ عِنْدَهُ حَسَنَةً كَامِلَةً فَإِنْ هُوَ هَمَّ بِهَا فَعَمِلَهَا كَتَبَهَا اللَّهُ لَهُ سَيِّئَةً وَاحِدَةً» (متفق عليه).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Парвардигор таборака ва таолодан ривоят қилиб айтдилар: «Аллоҳ азза ва жалла яхшилик ва ёмонликларни битиб, сўнг уларни баён қилиб қўйди. Ким бир

яхшиликни қасд қилса, бироқ уни қилмаса, Аллоҳ Ўз ҳузурида унга битта тўла ҳасана-ажр ёзади. Агар бир яхшиликни қасд қилса, сўнг уни қилса, Аллоҳ Ўз ҳузурида унга ўнтадан етти юз баробаргача ва ундан ҳам бир неча баробар кўп ҳасана-ажр ёзади. Ким бир ёмонликни қасд қилса, бироқ уни қилмаса, Аллоҳ Ўз ҳузурида унга битта тўла ҳасана-ажр ёзади. Агар бир ёмонликни қасд қилса, сўнг уни қилса, Аллоҳ фақат битта саййиа-гуноҳ ёзади» (Муттафақун алайҳ).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «يَقُولُ اللَّهُ إِذَا أَرَادَ عَبْدِي أَنْ يَعْمَلَ سَيِّئَةً فَلَا تَكْتُبُوهَا عَلَيْهِ حَتَّى يَعْمَلَهَا فَإِنْ عَمَلَهَا فَامْتَلِئْهَا بِمِثْلِهَا وَإِنْ تَرَكَهَا مِنْ أَجْلِي فَامْتَلِئْهَا لَهُ حَسَنَةً وَإِذَا أَرَادَ أَنْ يَعْمَلَ حَسَنَةً فَلَمْ يَعْمَلْهَا فَامْتَلِئْهَا لَهُ حَسَنَةً فَإِنْ عَمَلَهَا فَامْتَلِئْهَا لَهُ بِعَشْرِ أَمْثَالِهَا إِلَى سَبْعِ مِائَةٍ ضِعْفٍ» (رواه البخاري).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло айтади: Агар бандам бир ёмонлик қилмоқчи бўлса, то ўшани қилмагунича унга ёмонлик-гуноҳ ёзманглар! Агар ёмонликни қилса, унга ўшанча ёмонлик-гуноҳ ёзинглар! Агар у ёмонликни Мен учун тарк қилса, унга битта ҳасана-савоб ёзинглар! Агар бир яхшилик қилмоқчи бўлса-ю, уни қилмаса, унга битта ҳасана-савоб ёзинглар! Агар ўша яхшиликни қилса, унга ўнтадан тортиб етти юз баробаргача (савоб) ёзинглар!» (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Аллоҳнинг раҳмати ва фазли карами шунчалар кенгки, ким бир яхшилик қилишни ният ва қасд қилган бўлса-ю, кейин бирон сабаб билан уни қилолмай қолса, унга ўша солиҳ нияти учун битта ҳасана-савоб битади. Агар ўша яхшиликни қилса, унга ўнтадан тортиб етти юз баробаргача ва ҳатто ундан ҳам кўп савоб беради. Шунингдек, ёмонликни қасд қилган, бироқ Аллоҳдан қўрқиб уни қилмаган одамга ҳам Аллоҳ таоло битта савоб ёзади, қилса унга фақат битта гуноҳ ёзади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

- 1- Аллоҳнинг раҳмати кенг ва улуғлиги;
- 2- Мусулмон киши бир яхши ишни қилишни ният қилган бўлса, гарчи уни қилмаса ҳам савоб олади;
- 3- Ким бир ёмонлик қилишга қасд қилиб, сўнг уни қилишдан тийилган бўлса, унга битта савоб берилади;
- 4- Яхши амалларнинг савоби бир неча баробар кўпайтириб берилади.

330- дарс. Аллоҳ таборака ва таолонинг буюклиги ва мулкининг бепоёнлиги

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِيمَا رَوَى عَنْ اللَّهِ تَبَارَكَ وَتَعَالَى أَنَّهُ قَالَ: «يَا عِبَادِي إِنِّي حَرَمْتُ الظُّلْمَ عَلَى نَفْسِي وَجَعَلْتُهُ بَيْنَكُمْ مُحَرَّمًا فَلَا تَظَالَمُوا يَا عِبَادِي كُلُّكُمْ ضَالٌّ إِلَّا مَنْ هَدَيْتُهُ فَاسْتَهْدُونِي أَهْدِكُمْ يَا عِبَادِي كُلُّكُمْ جَائِعٌ إِلَّا مَنْ أَطْعَمْتُهُ فَاسْتَطْعَمُونِي أَطْعِمْكُمْ يَا عِبَادِي كُلُّكُمْ عَارٍ إِلَّا مَنْ كَسَوْتُهُ فَاسْتَكْسُونِي أَكْسِكُمْ يَا عِبَادِي إِنَّكُمْ تُحْطِئُونَ بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَأَنَا أَغْفِرُ الذُّنُوبَ جَمِيعًا فَاسْتَغْفِرُونِي أَغْفِرْ لَكُمْ يَا عِبَادِي إِنَّكُمْ لَنْ تَبْلُغُوا ضُرِّي فَتَضُرُّونِي وَلَنْ تَبْلُغُوا نَفْعِي فَتَنْفَعُونِي يَا عِبَادِي لَوْ أَنَّ أَوْلَكُمْ وَآخِرَكُمْ وَإِنْسَكُمْ وَجِنَّكُمْ كَانُوا عَلَى قَلْبِ رَجُلٍ وَاحِدٍ مِنْكُمْ مَا زَادَ ذَلِكَ فِي مُلْكِي شَيْئًا يَا عِبَادِي لَوْ أَنَّ أَوْلَكُمْ وَآخِرَكُمْ وَإِنْسَكُمْ وَجِنَّكُمْ كَانُوا عَلَى أَفْجَرِ قَلْبِ رَجُلٍ وَاحِدٍ مَا نَقَصَ ذَلِكَ مِنْ مُلْكِي شَيْئًا يَا عِبَادِي لَوْ أَنَّ أَوْلَكُمْ وَآخِرَكُمْ وَإِنْسَكُمْ وَجِنَّكُمْ قَامُوا فِي صَعِيدٍ وَاحِدٍ فَسَأَلُونِي فَأَعْطَيْتُ كُلَّ إِنْسَانٍ مَسْأَلَتَهُ مَا نَقَصَ ذَلِكَ مِمَّا عِنْدِي إِلَّا كَمَا يَنْقُصُ الْمَخِيطُ إِذَا أُدْخِلَ الْبَحْرَ يَا عِبَادِي إِنَّمَا هِيَ أَعْمَالُكُمْ أَحْصِيهَا لَكُمْ ثُمَّ أَوْفِيكُمْ بِهَا فَمَنْ وَجَدَ خَيْرًا فَلْيَحْمَدِ اللَّهَ وَمَنْ وَجَدَ غَيْرَ ذَلِكَ فَلَا يَلُومَنَّ إِلَّا نَفْسَهُ» (أخرجه مسلم).

Абу Зар Гифорий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Аллоҳ азза ва жалладан
ривоят қилиб дедилар: «Аллоҳ таоло айтади:

- Эй бандаларим, Мен зулмни Ўзимга ҳаром қилдим. Уни сизларнинг ўртангизда ҳам ҳаром этдим. Бир-бирларингизга зулм қилмангиз.

- Эй бандаларим, барчаларингиз залолатдасизлар. Фақат Мен ҳидоят этганларгина бундан мустасно. Мендан ҳидоят тиланг, сизларни ҳидоятга йўллайман.

- Эй бандаларим, барчаларингиз очсизлар. Фақат Мен таом берганларгина (оч эмас). Мендан таом сўрангиз, сизларни таомлантираман.

- Эй бандаларим, барчаларингиз яланғочсизлар. Фақат Мен кийинтиргангина (яланғоч эмас). Мендан кийинтиришимни сўранглар, сизларни кийинтираман.

- Эй бандаларим, сизлар кеча-ю кундуз хато қиласизлар. (Фақат) Мен барча гуноҳларни мағфират этаман. Мендан мағфират тилангиз, сизларни мағфират қиламан.

- Эй бандаларим, сизлар Менинг зараримга (яъни Менга зарар етказиш даражасига) ҳеч қачон етолмайсизлар-ки, Менга зарар берсангизлар! Менинг фойдамга ҳам асло етолмайсизлар-ки, Менга фойда берсангизлар!

- Эй бандаларим, агар аввалингиз-у охиригиз, инсу жинларингиз орангиздаги бир энг тақводор инсоннинг қалбидек бўлса ҳам бу Менинг мулкимга ҳеч нарсани зиёда қилмайди.

- Эй бандаларим, агар аввалингиз-у охиригиз, инсу жинларингиз энг фожир инсоннинг қалбидек бўлса ҳам бу Менинг мулкимдан бирон нарсани камайтира олмайди.

- Эй бандаларим, агар аввалингиз-у охиригиз, инсу жинларингиз бир майдонга тўпланиб Мендан (ҳожатларини) сўрасалар ва Мен уларнинг ҳар бирига сўраган нарсасини берсам, бу Менинг ҳузуримдаги нарсаларни игна денгизга ботирилганда (денгиз сувидан) қанчалик камайтирадиган бўлса, ўшанча миқдорда камайтиради, холос.

- Эй бандаларим, мана шу амалларингиз, Мен уларни ҳисоблаб кўяман ва шунга қараб сизларга тўлиқ жазо-мукофот бераман. Ким яхши мукофотни топса, Аллоҳга ҳамд айтсин. Ким бошқа нарсани топса, фақат ўзини маломат қилсин!» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Аллоҳ таолонинг буюклиги чексиз-чегарасиз ва инсон тасаввурига сиғмайди. Ҳар бир нарса Унинг мулки ва Унинг тасарруфи остида. Халқларни яратган, уларга Ўзи ризқ беради, уларнинг барча ишларини Ўзи тадбир қилади. У улардан тўла беҳожат, осийнинг осийлик қилиши Унга заррача зарар етказолмайди, итоат қилувчининг итоати Унга заррача фойда етказмайди. У зотнинг буйруқ ва қайтариқлари фақат биз бандаларнинг фойдамиз учундир.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1- Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг буюклиги ва мулкининг бепоёнлиги;

2- Аллоҳ таолонинг куч-қудрати улуғлиги ва халқидан тўла беҳожат экани;

3- Халқларнинг Унинг ҳидояти, ризқ бериши ва мағфиратига қаттиқ муҳтож эканликлари.

Тамом.

8 муҳаррам 1429 ҳ. 16 январ 2008 й.